

Худойберди
Тухтабоев

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР





Худойберди Тўхтабоев

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

(Тарихий саргузашт роман)



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марнавий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти,
1983

Тўхтабоев Худойберди.

Йиллар ва йўллар. Тарихий саргузашт роман.—
Т., «Ёш гвардия», 1983.—368 б., расм.

Тухтабаев Худайберди. Годы и дороги. Роман.

Уз 2

Езувчи Худойберди Тўхтабоевнинг янги романи **Фаргона** водийси меҳнаткашларининг инқилоб арафаси ва инқилобнинг дастлабки йилларидаги нотинч ҳаёти, уларнинг эрку бахт учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилади. Колхоз қурилишининг толмас курашчиларидан бири, ажойиб инсон Бузрукхўжа Усмонхўжаев ҳаёти ва меҳнат фаолияти роман воқеаларига асос қилиб олинган.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйи арафасида нашр этилаётган мазкур тарихий саргузашт роман сив, аваз китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Тақризчи — О. Шарафутдинов

Омадсиз кунлар

I қисм



I

АРАВАҚАШЛАР

Асли номи «Англо-русско-туземное братство» бўлиб маҳаллий кишилар ширкат деб номлаган савдо шўъбасининг Риштон бўлинимасида ғалаён бошланганига уч кун бўлди. Риштон дилкушо уч кундан буён дошқозондек биқирлаб қайнаб турибди. Ширкатнинг юзлаб аравақашлари, туяқашлари, омборларда мол сараловчи хизматчилари, Қўқондан Марғилонгача бўлган қишлоқларни айланиб аҳолига қарзга пул берувчи, ҳосилни чамалаб пишмасиданоқ улгуржи сотиб олувчи агентлар, мирзолар ширкат хўжайини Шакархон ноибнинг карвонсаройига тўпланиб шамолдек гувиллаб овоз беряпти:

— Ҳақимизни икки баравар оширсин.

— Қўқонда қанчадан берса, бизга ҳам шунчадан берсин.

— Бойларда инсоф қолмади ўзи!

— Инсофи бўлса бой бўлармиди?

Миршабхона нозири старшина Темирбек бетоқат гинжиб юрибди, оёғи куйган товукдек бир жойда туролмайди. «Ҳаммасини қиличдан ўтказиш керак эди, қиличдан!»— деб қаёққадир от чоптириб кетади, қаёқдандир ҳафсаласи пир бўлиб яна қайтиб келади.

Шакархон ноибнинг навкарбошиси Зокир калла исмли калласи хумдек келадиган йигит ўн тўрт навкарни ортидан эргаштириб гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага қамчи ўхталиб, дағдаға қилиб боради. «Қалтаклашга руҳсат берилмаяпти, бўлмаса ҳар биттангни этингни шилиб, суягингни чайнаган бўлардим», дея аламини остидаги бедовдан олади, тизгинини маҳкам тортган кўйи қамчилаб жониворни турган жойида гир-гир айлантиради. Емиш талашиб отлар кишнайти, чўғалашиб ётган туялар бўкиради, кимдир сўкинади, кимдир ашула айтади. Шотиси осмонга қилиб қўйилган араваларнинг соясида тўрттадан, бештадан бўлиб ўтирган аравақашлар ўртасида гурунг тўхтамайди. Ҳў нариги тўдада гарткам, ё Жамшид, дейишиб ялан-

ғоҷ кўкракларига шапиллатиб уриб ошиқ ташлашапти.
Бериги тўдадан:

— Ҳой, наякиндан менам бир тортай.

— Отанг сомон тутатмагану, нари турсанг-чи.

— Бер деяпман.

— Қўлингни ол.

— Чилимингни синдираман, банги!

— Кекиртагингни узиб ташлайман, сўтак! — деган дар-
ғазаб овозлар эшитилади.

Отларнинг ёпқичини полос ўрнига остиларига тўшаб,
эгар жабдуқларга ёнбошлаб ўтирганлар ҳам бор.

— Менга қара, бу ғалвани ким бошлади ўзи? — деб сў-
райди бири.

— Ким бўларди, анаву учта гўрсўхта-да, — дейди бош-
қаси.

— Секинроқ, эшитиб қолишмасин, — деб қўяди учин-
чиси.

— Эшитса қўрқадиган жойим йўқ. Бирлашайлик деб
бошимизни қотиришди, мана, бирлашувдик уч кундан бу-
ён оч ўтирибмиз.

— Гап шу, мусулмонлар, агар бугун ҳам бир гап чиқ-
маса, бизни лақиллатганлари учун учовининг бошига тўп
ёлиб оломон қиламиз.

— Сенга биров одамгарчилик қилиб ёнингни олса...

— Одамгарчилик кони зарар деб шуни айтишади-да,
ўртоқ.

Иш ташлашни уюштирган уч азамат мана уч кундир-
ки тиним билмай, тунлари мижжа қоқмай елиб-югуриб
юришибди. Гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага бориб: «Бўш кел-
манглар, йигитлар, ҳаққимизни икки баробар кўтармагун-
ча ён бермаймиз», дея далда беришади. Пулим йўқ, қор-
ним чилдирма чалаяпти дейдиганларга гоҳ бир сўм-ярим
сўм чойчақа ташлаб ўтишади.

Риштони дилкушонинг етти чойхонасига ҳам одам зич-
лигидан қадам босиб бўлмайти. Саратон қуёши еру кўк-
ни ёндириб атрофга олов пуркаётган бир палла эмасми,
каттаю кичик ўзини чойга уради, азим толлар, қадимий
чинорлар соясида андек салқинлаб олсам дейди. Сўрилар
тирбанд, супаларда якка кифт бўлиб ўтирганлар тинмай
чой сўрайди, дастёрлар ҳар қўлида тўрттадан чойнак, зи-
пиллаб югуришади, елкасига сочиқ ташлаб олган оқ як-
такли чойхоначиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Аравакаш-
ларнинг ҳолидан хабар олгани келган қариндош-уруғлар,
яқин-йироқлар ўтиргани жой тополмай тўни, гоҳо хуржу-
ни устига омонат чўкиб чой устига чой сўрайди:

— Кўк чой дедим, қулоғинг авранинг остида қолганми, жиян?

— Инсофинг борми бола, чой десам шама келтирибсан-ку?

— Ҳой, қўшни, тезроқ жўнайлик, галаёнчиларни замбаракдан ўққа тутишармиш.

— Бе, шу замонда замбарак қоптими, ҳаммасини Гирмон урушига олиб кетишган.

— Ҳа, айтгандай, анови куни қўшним бир гап толиб келди, шу ростми?

— Қанақа гап?

— Оқ пошшонинг замбарагида ўқ тугаб ўрнига гува-ла солиб отаётганмиш.

— Ҳой, келин, чимматингизни сал тушириб олинг, уят бўлади-я!

Бир кампир халтада тухум, олтита қотирма пишириб келибди. Ўғлини суриштириб гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага ўтади. «Етвмчагинамни кофирларга яқинлашма, ўрис арава минма, деб ҳеч кўндиролмадим-а. Фозилбойнинг бузоғини боқиб жимгина юраверса бўлмасмиди!» — деб зорланади. Ўрта пандигонли Қобил бобо Искобилдаги қорамой заводида ишлаётган ўғлини ҳойнаҳой у ҳам шу атрофда бўлса керак деб ўйлаб, оч қолмасин дея қайғуриб икки қовоқни тўлдириб гўжа ош келтирибди. Қовоқларни жун хуржунга солиб, ўзига ўхшаган қари бир эшакка юклаб олган. Эшак одамлардан ҳуркибми ҳеч олға юрмайди: ҳала қилса шатта отади, қамчиласа турган жойида гир айланади. Аравасини оғдарма оти қилиб соясида ёнбошлаб ётган эрмакталаб бир йигит шартта ўрнидан турдида, бедага аралашиб аллақадан келиб қолган оқ чангални олиб эшакнинг думи остига қистириб қўйди. Ана энди томошани кўрсангиз: дармонсиздек кўринган қари эшак думини бир қисди-ю, орқа оёқларини осмонга отиб Қобил бобони устидан учуриб юборди. Эшак жони оғриган сари думини баттарроқ қисар, думи қисилган замона остидаги чангал чуқурроқ ботиб, шўринг қурғур ҳайвон ўзини гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага урар эди.

Ҳў нарида, «Қирғиз чойхона» деб аталадиган чойхонанинг соя-салқин супаларида эса ҳангома ҳамон давом этарди. Чўкка тушиб олган шопмўйловли, ўрта ёшли бир киши ҳаммани оғзига қаратиб олган. Кўпроқ одам эшитсин деб, атайлаб дўриллаган овоз билан баланд гапиряпти:

— Э, мулла Сафо, бу хотинталоқ давлатмандлар сийиши учун эмас, мақтаниш учун бойлик тўплашади. Ав-

валги йили мана шу илоннинг ёғини ялаган Шакархон ноиб рўзан мукаррамада бир хатми-қуръон ўқиттирдик, Муҳаммад алайхул салом замонидан буён мусулмон оламида бунақа бемазалик бўлмаган бўлса керак. Андижондан Миркомилбой, Қўқондан Паталахов жаноблари, Тошкентдан қорни нақ арава келадиган банкачи бой, Самарқанддан ака-ука Жугут бойлар, эҳ-е, ҳаммасини санайман десам шомгача ҳам адо бўлмайди. Камида елкамда оппоқ сочиқ, эшилиб, буралиб хизмат қилиб турибман денг. Бир маҳал кумуш чойнакда мусаллас олиб кирган эдим, мақтанаётганлари устидан чиқиб қолибман. Миркомилбой ширакайф, кўзлари биё-биё, еру мулким шунақа каттаки, атрофидаги теракларни пулласам Фарғона музофотини бир йил текинга боқса бўлади, дейди. Яна бир кирсам энди Шакархон ноиб гапиряптилар. Бу писмиқ ўшандаям катта гапирмади. Йўқ, мен сизларчалик катта бой эмасман, дейди мунгайиб. Бор-йўқ бойлигим бўйинга уч газ, энига тўрт газ келадиган қутичага жойлашган, деб олдимга бир даста калитни ташлаб «сандиқни оч», деб қолса бўладими! Очсам бай-бай-бай Бухоронинг сап-сариқ олтин тангаларига лиммо-лим тўла денг. Керилишиб ўтирган давлатмандлар оч бўридек «у-у-у-у» деб юборишса бўладими! Энди нариги сандиқни оч, деди ноиб мастликдан бешиктерватдек чайқалиб. Наригисини очсам ҳай-ҳай, ичи тўла бели боғлиқ даста-даста чирвонлару оқ пошшонинг сура-ти туширилган қизил пуллар денг. Ваҳимам ошганидан ишонсангиз тиззаларим дир-дир қалтирай бошлади.

Соат сайин Қўқондаги уезд полиция бошқармасига, ҳокиму мутлақ ҳузурга чопар бориб келиб турибди. Йўқ, қамоққа олишга, ўқ отишга рухсат берилмаяпти. Фарғона музофоти отилишга яқин қолган вулқондек вишиллаб турган эмиш, бир ўқ узилиши катта-катта ғалаёнларга сабаб бўлиши мумкин экан. Қўқондан қўшнн ҳам юборилмади, қалтис чоралар кўришга рухсат ҳам бўлма-япти. Ғалаён тинч йўл билан бостирилиши керак. Имкони бўлмаса, майли, ширкат хўжайинлари ён беришсин, ғалаёнчиларнинг талаблари қисман қондирилсин, уезд ҳокими Мединский жанобларининг хоҳиши — иродалари ана шундай. «Бекор айтибсан, копир,— деб гижинади конторасига қамалиб олган Шакархон ноиб,— маҳкамангда ўтириб олиб жарақ-жарақ олтинларни санаб олишни биласан, хотинимга совға дейсан, қизимга ҳадя дейсан, сартнинг терисини шилиб олтинга айлантириб Оврупо бонкасига жўнатасан. Йўқ, бу шўртумшуқларга ён бермайман, бугун уларга ён берсам, эртага чоракорлар оёққа туради, ерни

тўрттан бирига эмас, тенг шерикка экамиз дейди. Индини-сига кулоллар, дўкондаги усталар бош кўтаради... Йўқ, ён бермайман, бошқача йўлини ахтараман... Ораларига нифоқ солсам-чи, бошлиқларини гум қилсам-чи?.. Йўқ, бу йўлдан худонинг ўзи асрасин, қаттиққўл бўламан-у, лекин қотилликка йўл қўймайман. Яхшиси, ораларига нифоқ соламан, ўзларини жиққамушт қилиб уриштириб қўяман».

II

НОИБ ЖАНОБЛАРИ ЕН БЕРМАЙДИ

Шакархон ноиб жуссаси кичкина, нозик таъб, диди баланд бир киши. Оврупа маданияти билан таниш бўлгани учун оврупалиларга ўхшаб дид ҳам ихлос билан кийинади. Кўринишидан жуда ёқимтой, қаттиқ гапирмайди, бўлар-бўлмасга тутақиб ҳам кетмайди, сабр-тоқатли бир киши. Аммо жаҳли чиқса хийла тажанг, серзарда бўлиб қолади, шу пайтда ҳам асабларини аранг босиб турибди. Бўлис маҳкамасининг кенг, ойнаравонли, ёруғ хонасида гоҳ туриб, гоҳ ўтириб тинмай ўй суряпти. Ноиб бўлганига ўттиз йилларча бўлиб қолди, шу йиллар давомида не-не ғалаёнлар, не-не қонли тўқнашувлар бўлиб ўтмади, ҳаммасини сабр-тоқат билан тинчитиб эл ўртасида «адолатли ноиб» деган ном олиб обрў, эътибор қозониб келмоқда. «Энг ёмони юртнинг назаридан қолиш,— ўйларини тўхта-та олмайди,— элнинг назаридан қолмайин деб хазинани қоқлаб қўйсам ҳам бўлмайди-да. Хазинасиз ҳоким совуннинг кўпигидир, ёш бола пуфласа ҳам учади кетади. Юртни, ҳаминша ақллилар эмас, сиёсатдонлар бошқариб келган, сиёсатдонларга эса қувлик, шумлик раҳнамо бўлган. Беш пайса адолатга юз пайса қувлик қўшганлар. Лекин замон ҳам чирсиллаб турибди, бир гугурт чақилгудек бўлса оламга ўт кетадигандек, газеталар шундай ёзаяпти, дилигроф хабарлари ҳам шундай. ...Нима бўлганда ҳам бойликни эҳтиёт қилмоғим керак. Мен уни қирғич билан қиртишлаб йиғдим, андек бўшашсам мени Қўқон бойлари, Андижон аллоплари, Тошкент ҳукмдорлари аждарҳодек ютиб юборишади...»

Маҳкаманинг ёнфоқ дарахтидан гулдор қилиб ишланган залворли эшиги овозсиз очилиб остонада қўл қовуш-тирганча Мирзача кўринди. Йигитчанинг жисми ҳам исмига монанд: ёши йигирмалардаю, тўққиз яшар боладек кичкина кўринади. Дид билан кийиниб, ясаниб ҳам олган.

Риштон кулоллари лойдан ясаб хумдонда обдон пишириб дўконларга чиқариб сотадиган қўғирчоққа ўхшайди, бир жиҳатдан йигитчани қўғирчоқ деб атаса ҳам бўлади. Ноибнинг етимхонасида катта бўлган. Шу валинеъматнинг ҳимоясида Искобилдаги рус-тузем мактабида таълим олиб қайтган. Жаноблари ўтир деса ўтиради, тур деса туради.

— Хўш, Мирзе? — бошини кўтармай сўради ноиб.

— Аравакашлардан вакил сўраган эдилар...

— Старшинага одам юбордингми?

— Юбордим.

— Навқарбоши қаерда?

— Аравакашларни қўриқлаб турибдилар.

— Хон эшон ҳазратларидан дарзак борми?

— Келганлар.

— Қизиқчилар-чи?

— Ҳаммалари жам бўлиб, маслаҳат қилаётирлар.

— Маслаҳат?

— Аввал ваъз айтсакми ёки томоша кўрсатсакми, деб маслаҳат қилурлар.

— Демак, ҳамма иш жойида дегин?

— Худо хоҳласа жойида, жаноблари.

— Хўш, Мирзача, вакилларни қабул қилайми?

— Эл кўзига яхши бўларди.

— Айт, киришсин бўлмаса.

Маҳкамага бирин-кетин уч киши кириб кела бошлади. Олдингисни Мақсуд қори деб атайдилар. Ёши қирқларга бориб қолган, сийрак соқолига оқ оралаган, тор пешонали, думалоқ юзли бир киши. Бошига оқ бўздан кичкина салла ўраб олибди. Салласи остидаги қасмоғи чиқиб кетган дўпписини афтидан кечаси ҳам кийиб ётса керак, бошига ёпишиб қолгани шундоққина кўриниб турибди. Елкаси туртиб чиққан, шунинг учун ҳам гарчи ғоз турган бўлса-да, бели букчайгандек кўринади. Кетидан йиғирма икки-йиғирма уч ёшлардаги иорғул, кўкраклари кенг, буғдойранг юзли, сермаъно кўзлари чарақлаб турган йигит кўринди. Оёғида янгигина хироми махси-калпш, эгнида йўл-йўл қаламидан яктак, бошида тахи эзилмаган қалампир-нусха гулли дўппи. «Бузрукхўжа шу бўлса керак,— ёғиниб ўйлади ноиб.— Сайилга келгандек ясаниб олганини қаранг». Энг охирида остонада ўрта бўйли, миқги гавдали, тарвуздек думалоқ бошли қош-киприклари худди атайлаб бўяб олгандек сап-сарик; мовий кўзларида пичингми, истехзоми аксланиб турган Қомил Муртазин кириб кела бошлади. Муртазин ҳам башанг кийиниб олган, эгнида шу ёшдаги йигитларга камдан-кам насиб бў-

ладиган оқ сурпдан яқтак-иштон, оёғида туя терисидан ихчам тикилган чориқ, бошидаги чуст нусха дўпписини кунни кеча кийган бўлса керак, мушку анбар хиди уфуриб турибди. Агар миршабхона нозирини старшина Темирбек ҳозир шу ерда бўлганда, худойи таоло унга фаҳму фаросат бериб, ва яна озгина сиичковликдан ҳам юқтириб қўйганда, Қўқон полиция бошқармасидан келган ва олти ойдан буён ҳамёнида юравериб, титилиб кетган суратга қараб ўзбекча кийиниб олган бу йигит машҳур инқилобчи, Қўқондаги большевиклар уюшмасининг ерли халқ ўртасида иш олиб бораётган абжир тарғиботчиси Комил Муртазин эканлигини дарров билиб олган бўларди. Муртазин Қудаш пилла ширкатида, Бешариқдаги пахта заводида ишчилар орасида Шароф Сайфулин номи билан юриб пошшоликка қарши ғалаёнлар уюштиргани учун жиноятчи деб эълон қилинган ва номи қидирув рўйхатига тушиб қолган эди. Агар Темирбек бу довурак йигитни қўлга туширса, кўксига уриб хийла мақтанган ва ажаб эмаски, катта-катта мукофотлар ҳам олган бўларди. Лекин Темирбек бу ерда йўқ. Бордию, бўлганда ҳам бари бир таний олмас, сабабким, ҳақ таоло унга икки кўзни ато қилган эди-ю, аммо бу кўзлар таомдан бошқасини фарқлай олмас эди.

Шакархон гўё кириб келаётганларни кўрмаётгандек, парқу болишларга ёнбошлаганча қўлидаги садарайхон новдаси билан юзларини елпиган кўйи танобий хонанинг васса жуфтли шифтига, тоқиларига солинган ўймакор гулларга разм ташлаётгандек, гўё шундан ўзга машрулот уни қизиқтирмаётгандек жим тураверди. Учовлари остона ортида кўринганларидаёқ ноибнинг қалбида нафсонияти топталган кишиларда бўладиган ёввойи бир гурур қўзғалиб томирлари бўйлаб чопа бошлаган, ғазабга ҳам, қасосга ҳам ўхшамайдиган ва айни пайтда унисини ҳам, бунисини ҳам омукта бўлган бошқа туйғулар билан қўшилиб кўзларида ўт чақнаб, қўллари енгил қалтирай бошлаган эди. Аммо бу ҳолат кўпам узоққа чўзилмади. Алам ҳам нафратга тўла нигоҳларга нигоҳи дуч келгач, ноиб вужудида ихтиёридан ташқарида яна ғазаб қўзғалганини ҳис қилдию:

— Ким бўласизлар? — деб сўради.

Келганлар зимдан бир-бирларига қарадилар. Бузрукхўжа жавоб қайтарди:

— Аравакашлардан вакилмиз.

— Исёнчилармиз деиғ?

— Йўқ, — ютиниб олди Бузрукхўжа, — ҳақ ҳам ҳақиқат талаб қилувчилармиз.

— Нега келдиларинг, талабларинг нима?

— Талабимизни аввалги куни қоғозга битиб, ўзларига топширганмиз.

— Уни йиртиб ташлаганман, бошқатдан тушунтир.

— Жаноблари тажанг бир кайфиятда турибдилар, бу авҳолда гаплаша олмаймиз,— ноибнинг жаҳлига тегадиган даражада босиқлик билан деди йигит,— ўзингизга келиб олгунингизча биз ташқарида туришимиз мумкин.

«Қизишиб кетдим, тўғри. Ўзимни босолмаяпман, босишим керак,— фикридан ўта бошлади ноибнинг,— тавба, она сути оғзидан кетмаган йигитча босиқлик билан мендан устун келиб турса-я...»

Шакархон енгилгина кулиб қўйди. Томоғи остидаги муштдаккина бақбақаси силкиниб кетди. Чаққон бир ҳаракат билан ўрнидан турди-да, вакилларни қўярда-қўймай адрас кўрпачага ўтқазиб Мирзачага чой-нон келтир, деб буюрди. Худди тутқаноғи тутиб қолгандек пиқирлаб кула бошлади, лекин кулган сари кўзлари яна нафратга тўлиб борарди.

— Хўш, Қори сиздек мўмин бир одам нега бу исёнчиларга қўшилиб юрибди? — деб сўради ниҳоят ноиб.

— Энди жаноблари,— аравакаш ўрнидан турмоқчи бўлиб бир қўзғалдию... негадир турмай чордана қуриб олди,— сабаби тирикчилик деганларидек, йўқчилик мажбур қилди мени буларга қўшилишга. Хотиним ногирон, бу ҳам майли-я, аксига олиб ҳар йили туғиб беради денг. Ўзим аравакаш бўлганим учунми бир арава бола туғиб берган. Эгнига топсам, қорнига йўқ деганларидек шу йилги илик узилди палласида иккитаси очидан ўлиб қолди. Бирам шириш болалар эдики, кичкинаси бирам дўмбоқ эдики, мен...

Мақсуд қори ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди.

«Нега буни вакил қилиб сайлашди экан? — фикридан ўта бошлади Комил Муртазиннинг.— Эски аравакаш бўлса нима бўпти. Гапини уддалаб гапирадиганини сайлаш керак эди-да. Бу ерда кўзёши эмас, қатъият ишни ҳал қилади. Ана, йиғлашга ҳам тушди шекилли».

Қорининг йиғламсираб туриши ноибнинг ҳам феълини айнитди. «Атайлаб қияпти, туллак экан. Эҳтимол бир йиғлаб берасан деб тайинлаб қўйишгандир, ўйлаб топган ҳийлаларини қаранг,— дея ўйладию: «Хотин кишига ўхшаб пиқиллай берманг», деб жеркиб ташлади. Сўнг Бузрукхўжага юзланди.

— Сиз ҳам вакилмисиз?

— Шундай,— деб қўйди йигит.

— Исмингиз?

- Бузрукхўжа.
- Қайси юртдансиз?
- Пандигонликман.
- Қимнинг ўғлисиз?
- Усмоhxўжа отанинг.

— Яхши одамнинг фарзанди экансиз. Дадангизни танийман, — тез-тез гапира бошлади ноиб. Гапира туриб негадир ўрнидан ҳам туриб олди, — ҳалол ҳам покиза бир кишининг фарзанди бўла туриб бу нонтепкиларга нега қўшилиб юрибсиз?

— Раҳмим келганидан, — шу сўзларни айта туриб Бузрукхўжа ҳам ўрнидан туриб олди. Йигит ҳалидан буён ғалати бир ҳолатни бошидан кечираётганди: бу ерга кириб келаётганида иззат-нафси баланд киши бировдан нарса сўраб қўл чўзганида инсоний ғурури, ҳамияти қўзғалиб қандай бир аҳволга тушса, у ҳам худди ана шундай бир кайфиятга туриб, хўрликка ўхшаш бир ҳисни туйган эди. Ноиб жанобларининг минг хилда турланиб туриши ёқмади унга, вужудидаги ўша ҳисни алангалатиб, ғазабини қўзғай бошлади. «Қалби тўла нафрату қиқирлаб кулишини қаранг. Дорули бўл, мўлтони бўл, эви билан бўл-да», деган ўй йигитнинг юрагини ёндириб ўтди. Бунинг устига Мақсуд қорининг йиғламсираб туришини айтмайсизми. Кошки бу ноиблар камбағалнинг ҳолини тушуниб, жони ачиса. Одамларнинг кўз ёшидан дуру гавҳар йиғаётган бу бойваччаларга бутун дунё улу солиб йиғлаганда ҳам бари бир-ку. «Дадил туриши керак эди, — фикридан ўтди яна Бузрукхўжанинг, — дадил бўламан, бош эгмайман...»

— Раҳмим келганидан дедингизми? — қулоқларига ишонмагандек такрор сўради ноиб.

— Эрта баҳордан буён бу шўринг қурғурлардан қанчаси очидан ўлиб кетди.

— Юртда очарчилик бўлса мен айбдорми? Ландовурлар очидан ўладиган, уддабуронлар яйраб-яшнайдиган замонлар келган бўлса мен жавобгарми? Буларнинг ҳаммаси яратганнинг иродаси билан юз бераётган бўлса-чи, биз бандалар уни ўзгартиришга ожиз бўлсак-чи? Хўп мен бадавлатман. Лекин мен ҳам сизга ўхшаган бир инсонман. Бир коса қатиқли гўжага қорним тўяди, бойлигимни нариги дунёга орқалаб ҳам кетолмайман, лекин бу бойликни аслини олганда сизларга ўхшаган ношудлар, ўзини эплай олмайдиган нонкўрлар учун тўплайман. Ширкатга қўшилиб юзлаб кишиларни иш билан таъминладим, бундан кўз юмасизми? Уч йил давомида ўн тўрт масжид қолдирдим, етим қолган болаларни тўплаб едириб-ичиряи-

ман. Риштон янҳорини кеягайтириб ариқ-ариқ сувлар келтирдим, мусулмон фарзанди Оврупа билан яқинлашсин, кўзи очилсин деб, тузем мактабидан йнгирма баччага ўрин олдим, хўш, булардан кўз юмасизми?.. Мени адолатсиз ҳоқим дейишга, хасис давлатманд дейишга ҳеч бирингизнинг ҳаққингиз йўқ.

Ноиб худди шу мазмундаги маърузани аравадан қўрон ясаб салқинида ёнбошлаб ётган ғалаёнчиларга айтмоқчи бўлиб икки кундан буён чоғланиб юрган, лекин уёққа чиққани юраги дов бермаётганди. Бирдан тошбўрон қилиб юборишса-чи, деган ўй юрагига қўрқув соларди. Бу ерда тошбўрон қиладиган аламзадалар йўқ, учовлари бўлса худога шукр, ийманибгина қулоқ солишяпти. Хўш, нега энди тўйиб-тўйиб гапирмаслиги керак экан. Ноиб ўз ҳақиқатини, ўзи тўқиб чиқарган, наздида ўзгалар ҳам албатта ишониши керак бўлган бу ҳақиқатни: яъни мен албатта бой бўлишим, бойлигимни кун сайин ошириб боришим, ўзгалар камбағалми, бойми — ким бўлишидан қатъи назар, менга кўмаклашиши керак. Шунда юрт обод бўлади, камбағалнинг усти бут, қорни тўқ бўлади, деган ҳақиқатни куйиб-пишиб исботлар, исботлаган сари ўз ҳақиқатига ўзининг ишончи яна ҳам ортиб борар эди.

«Буржуй, маҳаллий буржуйнинг энг чиройли нусхаси, — ўйлай бошлади Комил Муртазин, — йўқ, бу мен кўриб юрган бурнидан нарини кўрмайдиган, маншатдан бошқасини хоҳламайдиган бўйни йўгон ҳоқимлару, қорни катта бойларга ҳеч ўхшамайди. Тараққийпарварлиги ҳам, адолати ҳам ўзгача бунинг. Лекин нима бўлганда ҳам оч бўридек ириллаб турибди. Улжа фақат меники, фақат ўзим сўман дейди...»

— Чиқиб аравакашларга айтинг, — ниҳоят маърузасига яқун ясай бошлади ноиб, — маошларига ортиқча бир сўм ҳам қўшолмайман.

— Қўшасиз! — бир оғиздан дейишди вакиллар, — Қўқонда ҳам аравакашларга ойига қирқ сўмдан, агентларга олтмиш сўмдан тўлашяпти. Камига кўнмаймиз.

— Аммо учовларингнинг маошларингни оширишга сўз бераман, шу шарт биланки, анови йўлдан адашганларни ишга тарғиб қиласизлар, токи юртда осойишталик бўлсин. Хўш, розимисиз Эшон отанинг ўғли?

— Жаноблари, — негадир тутилиб қолди Бузрукхўжа, — жаноблари... бу гапларингизни эшитиб таним музлаб кетди. Тўғри, ҳар биримиз пулга муҳтожмиз. Лекин биз ҳамкасабаларининг манфаатини сотувчи аблаҳлардан

эмасмиз. Яхшиси шартимизга кўнинг, шунда сизга осон бўлади.

— Хўш, кўнмасам-чи? — қошларини пасти баланд қилиб сўради ноиб.

— Кўнмасангиз ишга чиқмай тураверамиз.

— Чиқасан!

— Аламзада аравакашлар омборларга ўт қўямиз дейишяпти, буни билиб қўйсинлар.

— Ҳаммангни ҳозир ҳибсга оламан.

— Ололмайсиз, биз кўпчиликмиз.

— Чиқиб кет бу ердан нонкўр Мирза! — деб қичқирди. Шакархон ноиб, — миршаббошини чақир буёққа.

III

ХОН ЭШОН ҲАЗРАТЛАРИ ВАЪЗ АЙТАДИЛАР

Шакархон ноиб гарчи «миршаб» деб қичқирган бўлсада, вакилларни ҳибсга олиш нияти йўқ эди. Аввало бундай ҳаракатга уезд ҳокимлигидан рухсат келган эмас, қолаверса ҳали қамоққа олишга эртароқ, ҳеч иложи қолмагандагина бу чорани қўллаш мумкин. Шунинг учун ҳам югуриб келган Мирзачага керак эмас дегандек қўл силтаб қўя қолди.

Вакиллар бирин-кетин чиқиб кета бошладилар. «Ноибнинг ҳузурига чакки кирдик, — ўйлаб бормоқда эди Бузрукхўжа, — талабимизни айтиб аравадан тушмай тураверишимиз керак эди. Кирмай, яхшиси ўзини уёққа чақиринг дейишган эди-я, энди ҳаммаси мени айблашади. Тўғри, айб ўзимдан ҳам ўтди шекилли. Чиройли маърузасига маҳлиё бўлиб руҳиятимда сусткашлик бошланди. Тоғонидан хиппа бўғиб олиш ўрнига солган масжидларига маҳлиё бўлиб ўтирибман-а, масжидинг бошингдан қолсин. Аравакашларнинг руҳи тушиб бирон нарса ундиришдан умидлари узилиб боряпти. Бордию ҳеч нарсага эриша олмасак режа бузилади. Кейин буларни бирлаштириб ҳам бўлмайди. Давлатмандни ҳам, йўқсилни ҳам худонинг ўзи яратган деб бошини эгиб юраверади... Йўқ, ноибни ён беришга кўндириш керак, лекин қандай қилиб?»

Бузрукхўжа орқасига ўгирилиб шеригига мурожаат қилди:

— Қомил ака, сиз нега индамай турдингиз?

— Фойдаси йўқ эди.

— Фойдаси йўқлигини билган эдингизми?

— Билган эдим.

— Билган бўлсангиз, нега энди бизни буёққа кириш-
а ундадингиз?

— Сизларни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Ҳокимлар
билан юзма-юз бўлганда ҳақлигингизни исботлай оласиз-
ми, йўқми, шуни кўрмоқчи эдим. Лекин сен тузук, олиша-
нганга ўхшайсан. Бузрук, билиб қўй, чинакам олишув-
ар энди бошланади. Фақат аравакашларинг сустилик
илмаса деб қўрқаман. Берсанг ейман, урсанг ўламан
деб ётаверган билан иш чиқмайди. Ўзбеклар даъвогар
уст бўлса, қози муттаҳам бўлади дейдилар. Қўқон ишчи-
ларидан ўрганш керак, уларда қатъият зўр, инқилобий
уҳи ҳам баланд. Қори акам бўлса андек бўлмаса йиғлаб
ераёздилар. Нега бундай қилдингиз?

— Қайдам,— елкасини қисиб қўйди Мақсуд қори.

— Одам ўзини пастга урмаслиги керак.

— Шу денг, баҳорда ўлган ўғлим эсимга тушиб кетса
ўладими.

— Эслаган пайтингизни қаранг-а!

Вакиллар арава кўрғон соясида суҳбатлашаётган, тик
туриб куннинг иссиғига ҳам парво қилмай тажанг баҳсла-
шаётганлар орасидан ўтиб боришарди. Бир хиллари улар-
га ички бир ҳавас, умидворлик билан боқишар, ҳамма
қандимиз ўзларингдан, бўш келманглар дегандек бир ни-
ҳон ташлашар, бошқалари: «Э, аттанг, бориб-бориб сиз-
ларга эргашибмиз-а», дегандек қўл силтаб тескари ўгири-
иб олишарди.

— Бўрими-тулки? — деб сўради новча бир йигит.

— Тулки,— деди Мақсуд қори негадир жеркиб.

— Сиз борган жойда, худо хоҳласа, ҳамма нарса тул-
ки бўлади.

— Ўзинг-чи,— ер тепинди Мақсуд қори,— ўзинг курк
овуқдек пусиб ётибсан-ку.

— Хўрозларнинг мазаси бўлмагандан кейин... ётмай
има қилай,— яна бўш келмади новча йигит.

Карвонсаройнинг Бузрукхўжа билан Мақсуд қори
тиб юрган, отхонага яқин бўлгани учун ҳам гўнг билан
чиган беданинг аралаш ҳиди келиб турган торгина хона-
ида беш киши тўпланиб яна мунозара бошлашди. Ора-
рида масъулиятни бўйнига олиб ҳаммаларига буйруқ
ера оладиган тайинли бошлиқ йўқ эди. Гарчи иш таш-
лашга тарғиб қилишга бешовлари тенгдан киришса, қо-
нига ташна бўлиб юрган аравакашларнинг бу ерга жамлаш-
а бир хилда жонбозлик кўрсатган бўлсалар ҳам, қиммидир
элларига бошлиқ қилиб олишни хаёлларига ҳам келти-

ришмаганди. Шунинг учун ҳар бири ўзини бу ишни аслида мен бошладим, демак мен кўпроқ жавобгарман, деб ҳис қилар, ўз фикр-мулоҳазасини жўраларига қабул қилдирмоқчи бўлар, эҳтимол шу боисдандир гап чувалганидан чувалаб борарди.

Комил Муртазин иш ташлашни уюштириш ва бошқаришда гарчи хийла тажрибаси бўлса-да, ҳозир у қочоқ бўлгани учун кўпам фаоллик кўрсатмас, асосан ўзлари бош-қош бўлгани маъқул деган фикрга бориб ўртага ташланаётган фикр-мулоҳазаларни жимгина тинглаб ўтирарди. Ширкатнинг Ултармадаги қабул пунктида тарозибон бўлиб ишлайди у. Бу ерга, кўпинча кечалаб келар, аравакашларнинг тунги суҳбатига иштирок этар, Россия ишчилари, инқилоб тўлқинлари, дунёни янгилаш учун большевиклар олиб бораётган катта ишлар ҳақида сўзлаб берар, русча китоблар келтириб даврадагиларга таржима қилиб берар ва яна худди тушда кўрингандек эрталабгача кўздан ғойиб бўлиб қолар эди. Риштонда ғалаён бўлаётганини бугун эрталаб эшитди. Эшитдию, пиёдалаб йўлга чиқди.

— Хўп, Бузруквой аслида ноибнинг олдига қандай талаблар қўйган эдиларинг? — деб сўради Муртазин суҳбат ўртасида.

— Ҳаққимизни икки баробар оширишни сўраганмиз.

— Яна?

— Отларнинг ем-хашагию, тақасига пулни аравакашлардан босиб қоляпти. Шунини тўхтатишни сўрадик.

— Яна?

— Бори шу.

— Аравакашларнинг қайфияти қалай энди?

— Кўриб турибсиз-ку.

— Йўқ, сенинг фикрингни билмоқчиман.

— Очигини айтсам, кўпчилигига ишониб бўлмайди.

— Демак, яхши тайёргарлик кўрмагансизлар.

— Шунақага ўхшайди.

— Бўлар иш бўпти, — кескин гапира бошлади Муртазин. — Энди буёғига ўзинг бошчилик қиласан. Бошлиқ бўлмаса ишни ниҳоясига етказа олмайсизлар.

— Мен ёшлик қиламан.

— Инқилобчининг катта-кичиги бўлмайди! — аввалгисидан ҳам кескинроқ бир оҳангда деди Муртазин.

— Ўзингиз бош бўласиз.

— Йўқ, — бош чайқади Муртазин, — мен ўзимни кўпчиликка рўйирост кўрсата олмайман, ошкор бўлиб қоламан.

Тортиша-тортиша охири бугун ҳам сабр қилайлик, зеро ноиб ён бериб қолса, агар ён бермаса эртага эрталаб маҳкамани тошбўрон қиламиз деган қарорга келишди. Чойхоналарга, соя-салқинда гурунглашаётган йигитлар орасига бориб мақсаду ниятларини тушунтирмоқ ниятида тарқала бошладилар. Олди бир пиёладан чой ичиб, бир оғиздан сўз айтишга ҳам улгурмаганди, тўсатдан саҳни ўн танобча келадиган, атрофи четан девор билан омонатгина ўралган карвонсаройнинг кунчиқар дарвозаси тарафдан карнай овозлари варанглаб эшитилиб қолди. Бақатеракдек новча, ўзлари чалаётган карнайдек ингичка қоматли беш азамат лужларини темирчининг дамидек шишириб дарвозадан кириб келишмоқда эди.

Пандигонлик Мадумар карнайчи бошқаларига қараганда берилиб, терлаб-пишиб чалапти: мискарнайнинг орвини осмонга қаратганда зарбли оҳанг олис-олисларгача бориб, юракларни зирқиратиб юборади, пастга қаратганда оёқлар остидаги замин титраб кетгандек бўлади. Мадумарни омадли карнайчи дейишади. Қўқонга янги ҳоким Мединский жаноблари биринчи бор ташриф буюрганларида юртнинг аъёнлари чиқиб эъзозу эҳтиром билан кутиб оладилар. Кутиб олиш маросими тантанавор ўтсин учун пандигонлик шу карнайчини ҳам олиб чиққан эканлар. Полковник жаноблари поезддан тушишлари билан оламини тантанавор оҳангга кўмиб, қалбларда аллақандай улғувор, зафарбахш кайфият туғдираётган карнайчиларни кўрибдилар. Ҳай-ҳай, биттаси шунақанги садоқат, шунақанги меҳри муҳаббат билан чалаётган эмишки, таърифига сўз йўқ эмиш. Ҳоким жаноблари карнайчининг ёнига келиб қўлини елкасига ташлаб, «офарин, исминг нима?» деб сўрабдилар. «Мадумар карнайчи» бўламан дебди карнайчи. «Ҳокимга қандай илтимосинг бор, айт, ҳаммасини бажо келтираман», дебдилар тўра жаноблари. Мадумар карнайчи шоша-пиша: «Тақсир, мени мана шу тўрт карнайчига бошлиқ этиб тайинласангиз», дебди. Ҳоким жаноблари мийиғида кулганча карнайчига бир оз тикилиб турибдиларда, «ҳа, майли, бошлиқ бўлсанг бўла қол», деб ўтиб кетибдилар. Мадумар карнайчи шундан буён тўрт карнайчига бошлиқ экан.

Карнайчилар олдида пандигонлик ака-ука қизиқчилар Ҳасанбой билан Ҳусанбойлар келишяпти. Акаси новчароқ, укаси паканароқ. Иккови ҳам қисик кўз, ялпоқ юзли. Жиддий турганларида ҳам афтига боққан кишини ўз-ўзидан кулдириб юборадиган бир хислатлари бор. Эгниларида қуроқдан минг ямоқ қилиб тикилган тўн, бошларида кўк

попукли оқ кулоҳ, юзларига қоракуя билан алламбало суратлар солиб кечаси болаларнинг тушига кириб чиқадиган алвасти қиёфасига кириб олганлар. Қарнайчилар дам олишга тўхташлари билан ўйин бошлаб юборадилар. Ҳусанбой қорнини худди ноғорага ўхшатиб олдига чиқаради-да, шапати билан уриб оғзидан овоз бериб туради:

Бако-бако бак,
Бако-бако бак.

«Ноғора» овози тиниши билан Ҳасанбой қўллари ҳам бутун вужудини силкитиб ўйин бошлайди, ашула айтиб торгина даврани айлана бошлайди:

Тарвуз ёма сиясан,
Лақашиқилдоқ.
Меҳнатингга куясан,
Лақашиқилдоқ.
Янтоғингнинг ёғи йўқ,
Лақашиқилдоқ.
Одамингнинг соғи йўқ,
Лақашиқилдоқ.
Чолга тегма ўлади.
Лақашиқилдоқ.
Ери, суви қолади,
Лақашиқилдоқ,
Чолдан қолган болани,
Лақашиқилдоқ.
Энди кимга берасан,
Лақашиқилдоқ.

Қарнайчилар ортидан Шакархон ноибнинг тўрт навқари, басавлат навқарбошиси, Пандигон даҳасининг мишқиб бошиси Мулла Сафар боряпти, ўрталарида шу юртнинг мўътабар зотларидан яна бири: дами ўткир, ҳар қандай балони ҳам даф қила оладиган илми-ғойибдан хабардор деб овозаси кетган, форсий, арабий тилларда эркин сўзлай олганидан илмдорлар даврасида ҳам эътибори хийла баланд бўлган пири муршид Хон эшон ҳазратлари ихлос билан ясатилган катта кўк эшакка миниб келмоқда. Икки муридлари икки ёнларида, жиловбардорлик қилиб бормоқда.

Бир ҳангома бўладиганга ўхшайди. Оғзи катта, бўйни йўғон жарчилар жар чақиришиб, ноиб жанобларининг ясовуллари ҳай-ҳайлашиб, омади юришмай олди-соттисини тугатолмай қолган бозорчиларни ҳам хуржун-халтасини елкасига орттириб бу тарафга ҳайдаб келмоқдалар. Суворийлар карвонсаройнинг қоқ ўртасидаги азим толлар соя ташлаб турган, баландлиги тўрт газ келадиган шосупа ёнида отдан тушиб, жilовини жиловбардорларга тутқазиб: «Қани-қани, йўқ-йўқ, ўзлари олдин юрсинлар»,

дейнишиб, лекин, бари бир, жўрасини олдинга ўткамасликка тиришиб юқори кўтарила бошладилар. Супада яна беш-олти чоғли аъёнлар бор экан, гур этиб ўринларидан туриб қўл қовуштирдилар.

Қарнайлар овози тинди. Гувиллаб турган оломон жим бўлди. Шосупадаги аввалроқ келган аъёнлар орасида миршабхона маҳкамасининг андак довдир, андак ҳовлиқма ва шунинг учун ҳам ҳамиша қовун тушириб юрадиган нозир старшина Темирбек жаноблари ҳам бор экан. Бир-икки одим ташлаб, шосупанинг қирғоғига келди-да, негадир ёнидан қиличини суғуриб боши узра баланд кўтарди:

— Халойиқ! — дея ер тепиниб қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади, — император аъло ҳазратларининг хоҳиши-иродаси билан, шаҳри Қўқон полковниги Мединский тўранинг изми-ихтиёри билан, юртимизнинг пушти паноҳи Шакархон ноиб жанобларининг илтимосига биноан бугун бу ерга, Риштонун дилкушо музофотига сиз фуқароларга ваъз айтмоқ ниятида пандигонлик пири муршидимиз Хон эшон ҳазратлари ташриф буюрдилар, жим туриб қулоқ солмоқларингни сўрайман.

Қотма, чўзиқ юзли, қора қуюқ соқоли ўсиб кўксига тушган, ўткир кўзли, тор пешонали Хон эшон ҳазратлари, битта-битта босиб даврадан ажралиб чиқди.

— Азиз жамоаъ, муслиму, муслимаътун! — старшинага тақлид қилиб баланд овоз билан гапирмоқчи бўлган эдилар, тўсатдан томоғи қичишиб қолди-ю, кафти билан оғзини пана қилган кўйи йўталиб олди. Сўнг пастроқ оҳангда давом этди, — Қуръонни шарифда айтилмишким, пошшонинг салоҳияти қўшин биландур, қўшинининг кучи-қуввати юртнинг бойлиги биландир, юртнинг бойлиги косибу деҳқоннинг муруввати биландир ва яна айтилмишки, косибу деҳқоннинг осойишталиги пошшою олампаноҳнинг адолати биландир. Оқ пошшо аъло ҳазратлари чортимиздаги нокас хонлар қирғинига барҳам бердилар. Бул ҳақиқатдир. Векларнинг хунрезлигига чек қўйдилар, бул ҳам ҳақиқатдир. Илоҳи омин, юртга осойишталик келтирган оқ пошшо аъло ҳазратларининг умрлари боқий бўлгай!

Минглаб қўллар беихтиёр осмонга кўтарилиб юзларини юмшоқ-юмшоқ силаб туша бошлади.

— Овмин!

Пири муршид ўнг қўли билан қоп-қора соқолини чангаллаб олис-олисларда илоҳий бир вужуд кўргандек ўша тарафга кўз тикиб олди ва андек жимликдан сўнг яна давом этди:

— Пажмурда Туркистонимизнинг, пешонаси шўр, бе-

ли буккик, қўли калта элу-улусимнинг бағрига офтоб тегди, иншоолло боқий бўлғай. Хонадонларимизда адолат чироғи парпираб ёнди ва яна баландроқ ёнғай. Дини исломият барҳақ, масжидларимиз гавжум, бозорлар обод, элу юрт фаровондир ва яна фаровон бўлғай, облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар!

— Император аъло ҳазратларининг салоҳиятлари зўр, қўллари дароз, мағрибдан машриққача бўлган юртларда лак-лак қўшинлари тирбанддир. Гирмон отлиқ дажжолу — лайин дину имонимизга, эрку ихтиёримизга, бойлиғу барокатимизга, еру мулкимизга кўз олайтурмиш ва шу боис обло таоллонинг қаҳру ғазабига дучор бўлғайким, илоё омин, ўшал саодатли сония тезроқ мустажаб бўлғай, облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар!

— Муслиму-муслиматун, ва яна ғофил қолмангизким, қуръону шарифда битилмишки, пошшо амри вожибдир, яъни пошшонинг амри фуқаро тарафиндан бажарилмоғи шартдир. Фарзанди мўминларингизни мардикору беминнатга жўнатиб пошшолик олдидаги, ҳақ таолло олдидаги қарзу қиёматингизни адо этдингизким, бунинг учун барчангизнинг дилингиз равшан, кўнглингиз чароғондир. Илоий омин, Урўсуя юртида қарзи бадалини ҳалол ўтаб юрган марди-майдон йигитларимизни жони ҳамиша омон бўлғай, аларга тикилган офату балоларни ҳазрат Баховаддин пирим, ҳазрати Шоҳимардон пирим даф қилғайлар. Шаккоклик элу улус бошига битмас бало келтирғай ва яна шуни ҳам қайд қилурманким, пошшолик, маъмурият аъёнлари раъйига қарши бормоқ яратганга қарши бормоқ демакдир. Бу — қуръон сўзидир. Уч кун бўлдиким Шакархон ноиб жанобларининг сербарака, фэйзиёб ширкатларига жамланмиш аробакашлар ишга чиқмай жанобларининг дили-покизаларини хуфтон қилмишлар. Савдойи-синоат тўхтаб, элу-юртга зарар келтирмишдир. Не-не ғарибларнинг рўзғорига зарур бўлган дону-дунлар омборларда қолиб кетмишдир. Бандаи мусулмонлар ва яна маълумингиз бўлғайким меҳнатдан ортиқ ҳақ даъво қилмоқ шаккокликдир, шаккоклик билан қилинган даромад макрудир. Макру ҳақ талаб қилмоқни шайтони дажжол дилига ғулу солган кишигина ихтиёр қилур. Аробакашларнинг дилига шайтону-лайин ғулув солмишдир. Илоий овмин, аларнинг қалби-руҳияти инсу-жинслар ғазозларидан фориг бўлғай, имонлари басаломат бўлиб, инсофу адолат йўлини тутғайлар. Облоҳу акбар!

ДАЖЖОЛУ-ЛАЙИН КИМНИ ЙУЛДАН ОЗДИРДИ

Хон эшон ҳазратлари гоҳ аллақандай бир куч таъсирида худди зикр тушаётгандек чайқалиб, кўзга кўринмас баюю офатни даф қилмоқчидек кетмон дастасидек узун қўлларини бошлари узра баланд кўтариб, гоҳ қуръони шарифдан оятлар келтириб, шарияту тариқатга оид ҳикматлар айтиб жарангли ҳам ширадор овоз билан ваъз айтмоқда эди.

Атроф сув қуйгандек жимжит.

Бузрукхўжа ҳам суратдек қотиб турарди. Мақсад қори билан Комил Муртазин оломон орасидан эҳтиётлик билан ўтиб аста-секин унга яқинлашиб кела бошладилар. Иккови ҳам ҳаяжонда, иссиқнинг таъсириданми, ҳаяжоннинг зўриданми юзларидан тер қўйилиб турибди.

— Гафлатда қолибсизлар-ку! — деб қўйди Комил Муртазин, — Шакархон боплабди-ку, сизларни.

— Расво бўлдик! — ер тепинди Мақсуд қори.

Бузрукхўжа ёнига ўгирилиб хўмрайиб қўйди-ю, индамади. Қўллари муштга тугилган, бўйин томирлари ирғиб чиққан, ногаҳоний бошланган ғазабдан ўзини йўқотгудай бир қўйга тушган эди у. Хон эшон ҳазратларининг худони ўртага қўйиб айтаётган маърузасидан эмас, йўқ, ҳазратлари шундан бошқа мавзуда гапирмайдилар, бу табиий... Аммо ноибнинг қувлиги суяк-суягини куйдириб юбормоқда эди. Уч кундан буён аравакашларнинг шартини ҳисобга олмай, ишни кетга сураётганда гап бор эканда! Уч кундан буён қорасини кўрсатмайди, аравакашлар билан юзма-юз гаплашишдан ўзини олиб қочади. Офтобда куйиб ётган аламзадаларга қандай таъсир этиш йўлини топганини қаранг. Бу шўринг қурғурларнинг тўқсон тўққиз фоизи мусулмон, художўй, художўйларга худонинг ердаги вакили сўзласа қалби тез юмшайди. Тангрини ўртага қўйганларида эса бундайларнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб, ўтга деса ўтга, сувга деса сувга кириб кетаверади. Қорни очлигини, усти йиртиқлигини унутиб, фотиҳага қўл чўзаверади.

— Овмин! — деб фотиҳага қўл кўтарди яна эшон ҳазратлари. Еру кўкни ларзага солиб оломон яна дуо ўқиди:

— Овмин!

Бузрукхўжа чуқур хўрсинди, кўзларида ўт чақнаб кетди. Қойил, қойил сенга ноиб! Сен одамларнигина эмас, худони ҳам ўз фойданга ишлата оладиган устомон экан-

сан. Худо ҳам, эшон ҳам, қуръон ҳам ҳозир сенинг манфаатингга ишляпти. Йўқ, сенга тан бериш керак. Бойлигинг билан эмас, қувлигинг, шумлигинг билан зўрсан. Аравакашлар «макру» деган сўзни эшитиб қолишди ва ажаб эмаски унга ишондилар ҳам. Энди ҳақ даъвосидан воз кечиб тарқаб кетишлари ҳам мумкин. Эсизгина меҳнат, эсизгина югуриб-елиб қилинган ташвиқотлар...

— Бузрук, биронталаринг сўзга чиқишларинг керак, — шивирлади Муртазин, — нега индамайсан, ухлаб қолдингми.

— Ҳазингиз чиқасиз, — энтикиб деди Бузрукхўжа.

Муртазин маъруза айтишга чиқа олмайди, аввало бу ерга аксарият мусулмонлар йиғилган, исломият қонун-қоидаларини у яхши билмайди. Ундан кейин қочоқлиги ошкор бўлиб қолиши ҳам мумкин. Қўқон большевиклар қўмитасидан кўпчиликка кўринмайсан деб кўрсатма олган Мақсуд қори ҳам эплай олмайди. Икки оғиз сўз айтар-айтмас очидан ўлган болаларини эслаб шилқ-шилқ йиғлаб қолса ҳам ажаб эмас. Бошқа икки вакилдан ҳам умид йўқ. Феъллари айнаброқ турибди. Эҳтимол Шакархон поиб уларга катта маош ваъда қилгандир. Ҳа, ҳа, худди шундай бўлиши ҳам мумкин. Бузрук сўзлаши керак. У кескин, шиддатли, қалби тўла ғазаб. Бунинг устига мусулмон илмидан хабари ҳам бор унинг.

— Бузрук, — секин туртди Муртазин, — сўзга чиқишинг шарт.

— Пири муршидга қарши-я?

— Қўмита номидан буюраман, маъруза тугаши билан супага чиқасан, дадил бўл, орқангда Қўқон ишчилари, большевиклар турганини унутма. Биз ҳақмиз, ҳақлигимизни исботла уларга.

— Яхши, — бош силкиди Бузрукхўжа.

Лекин қандай бўлганда ҳам Пири муршидга, Фарғона мусулмонларининг пешвосига қарши гапириш... Гапирмаслик ҳам мумкин эмас-да. Аравакашлар, контор ишчилари, мирзалар нима дейишарди, умидимиз шу бешовларингдан эди, зарур пайтда курк товукдек пусиб қолдиларинг, даф бўлинглар, демайдим, дейишади.

— Гапираман! — қўлини муштга тугди Бузрукхўжа.

— Илоий омин, — маърузасига яқун ясай бошлади. Эшон ҳазратлари, — ҳақ таоло кўнглига шайтон ғулув солган аравакашларнинг имонини басаломат қилсин, дилларидаги ғараз ўйларни кунфаяқун қилсин, инсофу адолат бирла ишга чиқмоқларига ўзи кушойиш берсин, облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар!

Юзига фотиҳа тортиб олган оломон яна жим бўлди. Маъруза таъсирида сеҳрланган қалбларидан аҳён-аҳёнда ожиз хўрсинишлар эшитилади. Инсоф, адолат, яратганга ва ҳокимларга мутелик тушунчаси вужудга сут билан кириб, қон-қонига сингиб кетган ва бора-бора ишончи, имонига айланиб қолган бу бандди мусулмонлар бамисоли аждарҳо олдида турган қуён боласидек эс-ҳушларини йўқотиб қўйган эдилар.

Иш ташлашга бошчилик қилаётган беш ўртоқ, ниҳоят, бир жойга тўпланиб катта араванинг устига чиқиб олган эдилар. Бузрукхўжа ўша ердан туриб чап қўлни биланд кўтариб гулдураган овоз билан мурожаат қилди...

— Пирим!!!

Сеҳрлангандек қотиб турган одамлар бўйинларини чўзиб арава устига нигоҳ ташладилар, Шосула тарафдан маъруза айтиб чарчаган Пири муршидининг ҳорғин овози эшитилди.

— Лаббай, бўтам?

— Мен ҳам бир бандан мусулмон сифатида маърузангизни тинглаб кўп ҳузур қилдим.

— Офарин, офарин!

— Адолат ҳақида, ҳалоллик ва поклик хусусида ҳикматлар айтдиларки, таним яйраб эшитдим.

— Офарин, офарин.

— Лекин пирим, шу адолат хусусида каминида андак англашилмовчилик содир бўлди. Рухсатингиз билан бирикки савол берсам.

— Жон-қулоғим билан эшитурмен, бўтам.

— Жаноблари қуръондан оят келтириб айтдиларки, худо олдида барча баробар, бою камбағал йўқ, дедилар. Шундайми?

— Шундай, бўтам.

— Ва яна айтдиларки, пошшо амри вожибдир. Моломки шундай экан, яъни худо олдида ҳамма баробар, пошшонинг амри барча учун мажбурий экан, унда бизга тушунтириб беринг-чи, Шакархон ноибнинг буқадек семириб ётган қанчадан-қанча қариндош-уруғлари нечун мардикорга боришмади. Йўқ, сабр қилсинлар, ёнингизда қорнини бир арава қилиб ўтирган Абдурахмонбой жанобларини олайлик. Уч азамат фарзандлари бор. Мадрасада таҳсил оляпмиз деган баҳона билан Қўқондаги исловатхонада маржабозлик қилиб юришибди. Нега улардан биронтасини мардикорга жўлатмадингиз? Қани энди бизга тушун-

тириб беринг-чи, пошшонинг амрини ким бажармаяпти экан? Ҳозиргина яратганнинг олдида барчамиз баробар дедингиз, минг раҳмат сизга! Модомики шундай экан, нега энди мамлакат бошига тушган ташвишни барча баробар тортмайди? Ё бойлар учун бир қуръону, камбағаллар учун бошқа қуръон битилганми, қуръон нечта ўзи? Алҳамдулло, мен ҳам мусулмонман, ҳақ даъво қилиб офтобда жизғанаги чиқиб, ярим оч, ярим яланғоч ўтирган мана шу контор ишчилари, аравакашлар, мирзолар ҳам мусулмон фарзандлари бўлади. Лекин сиз бизни шайтоннинг иғвосига учганликда айбладингиз. Ноибнинг ризолигисиз ҳақ олсанг кийганинг ҳаром, еганинг макру дедингиз. Бу қандоқ бўлди ўзи, пирим? Эрта саҳардан то хуфтонгача эгардан тушмай ноибнинг юкларини ташиб, савдоларини ривожлантириб, бойлигига бойлик қўшиб келаётган аравакашлар ўз ҳақларини даъво қилиб келганлари учун имонсиз-у, лак-лак пулларини қаерга беркитишни билмай ваҳимада юрган ноиб жаноблари имонли бўлиб қолдиларми? Сиз меҳнатидан ортиқ ҳақ даъво қилмоқ дилига шайтон ғулу солган кишининг иши дедингиз. Йўқ, бошингизни чайқатманг, пирим, худди шундай дедингиз. Бизнинг ҳисобимизга қараганда ноибнинг Қўқондаги Хитой банкида уч миллион, Тошкентдаги Оврупа банкасида беш миллион ақчаси бор. Экинзорларидан, боғларидан кулоллар ширкатию, дўкончиларидан тушаётган даромадлар, савдодан келаётган нафу фойдалар ҳаммасини жамулжам қилиб кўрсак яна ҳамёнларига беш миллион сўм нақдгина тушиб турибди. Қани айтинг-чи, пирим, ким ҳақ экан, тиллоларининг ҳисобига етолмай юрган ноиб жанобларими ёки егани овқат тополмай ажриқнинг томирини талқон қилиб қафтлаб юрган мана бу шўринг қурғурларми? Пирим, ўзингиз ҳам биласизки, икки йилдан буён юртда қаҳатчилик бор. Шу йилги иликузилди палласида не-не одамлар очликдан шишиб ўлди. Ноиб жанобларининг омборларида бўлса донларга мита тушиб ётибди. Айтинг-чи, қайси биримизни шайтон йўлдан оздирган экан? Йўқ, пирим худо барчани баробар яратган экан, демак, нозу неъматлар ҳам баробар тақсимланмоғи керак. Аслида бу ҳам қуръон сўзидур...

Пири муршиднинг бағоят мазмунлидек туюлган ва ҳар луқмасида ҳақ таолонинг сурати кўриниб турган маърузалари таъсирида бутун вужуди карахт бўлиб қолган оломон аста-секин ғимирлаб қолди. Қорни очлиги, усти яланғочлиги яна эсига тушаётгандек бўлди. Ҳақ гап ўртага ташланган эди. Қалблардаги ҳақиқат туйғуси дини-имон

туйғуси билан тўқнашиб кела бошлади. Очлик, ҳақсизлик, аламзадалик — ҳақиқат, қуръон оятлари эса насия бахтга бир даъват, холос. Хўш, қай бирини танламоқ, олқишламоқ керак, қай бири руҳга озигу танга мадад, қай бири виждонга зиду имонга тескари? Жим турган оломоннинг руҳида, нотинч қалбида ана шу туйғулар курашмоқда эди.

— У, Усмонхўжанинг ўғли, — деди кимдир баланд овоз билан, — гапиравер, ҳақиқатни айтяпсан.

Оломон қалқиб кетгандек бўлди. Гўё маъруза айтаётган Бузрукхўжанинг нутқи эмас, уни тасдиқлаб қичқирган одамнинг овози муҳимроқдек ҳамма ўша томонга ўтирилди.

— Кофир, имонсиз! — асабий бир ҳолатда қичқириб юбордилар шосупа устида шамолда қолган поядек чайқалиб турган Эшон ҳазратлари, — Қуръони шарифни нега таҳоратсиз тилга олдинг? Муҳаммад алайхулсалом айтишларки...

Муҳаммад алайхулсалом нима деганларини одамлар билолмай қолди. Шосупанинг чап томонида, бошқа бир араванинг устида ҳам беш-олти йигит тик турган экан. Уша тарафда: «Йўқ, пирим, сабр қилсинлар, бу кофирнинг таъзирини ўзимиз бериб қўямиз.» деган овоз эшитилиб қолди. Оломон гур этиб ўша томонга ўтирилди. Бўйи Бузрукхўжаникидан пастроқ, ғўлабир, юзлари сергўшт, кўкраklarини жун босган, жун босган кўкрагини кўз-кўзлаш учунми яхтагини киндигигача очиб олган ўттиз ёшлардаги бир йигит сўзлаш истаги борлигини билдириш учун худди Бузрукхўжага ўхшатиб чап қўлини баланд кўтарди.

— Ҳой бола, ҳой кофир, нималар деб алжияпсан? — сўради Бузрукхўжадан. Сўнг Хон эшон ҳазратларига бир таъзим қилиб олгач давом этди, — исёнчининг гапларига хафа бўлманг. У ғирт кофир, большевойларга сотилган. Ҳамма кирдикорларини мен яхши биламан. Уч ойдан буюн кечаси пичир-пичир қилишади, ўрисча китоблар ўқишади, оқ пошшога қарши, ноиб жанобларига қарши маслаҳатлар қилишади. Пошшони ағдариб ўзимиз пошшо бўламиз деган гапларни ҳам айтишган! Нега кўзингни чақчайтирасан, шунақа дедиларинг-ку. Пирим, агар рухсат берсангиз ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман.

— Айтинг, бўтам, айтақолинг! — шошиб қолди Пиримуршид.

— Кўзингни чақчайтирма деяпман, нима сендан қўрқаманми? Нега менинг пиримни ҳақорат қилдинг? Мен бу

кишига қўл берганман, муридлари бўламан... Хўп, майли, ҳаммасини бир бошидан айтай. Билиб қўй, мен сенлардан қўрқмайман... Бир куни карвонсаройда тунаб қолган эдим ярим кечада отлар хунук кишнаб қолди. Тагин бир-бирини гажиб қўймасин деб отхонага чиқдим. Йўқ, шунчаки байтални соғиниб кишнаган экан. Қайтаётсам, буларнинг кулбасида чироқ ёнаётган экан. Даричадан аста мўраладим, беш-олтитаси мукка тушиб китоб ўқияпти, бундай қулоқ солсам бари ғайрия гаплар. Эшикни тақиллатган эдим, китобни кийгизнинг остига бекитиб, қора чироқни пуфлаб ўчиришди. Қўрқманглар бу мен, Нортой аравакаш бўламан деган эдим, эшикни очишди. Мен ҳам суҳбатларингдан баҳраманд бўлай, зоро кўзим очилса дедим. Аввал қўрқишди, кейин менга қасам ичиришди... Ушандан буён кечалари суҳбатлар бўлади. Бир хилига мени айтишадди, бир хилига айтишмайди. Пирим, билиб қўйинг, буларнинг ҳаммаси большовой, Қўқонда союзлари бор. Лекин деган ўрис эшонга қўл беришган, ҳаммалари кофир улар. Яна айтаверайми пирим?

— Баландроқ гапиринг, бўтам, — далда бердилар Пиримуршид.

V

КАРВОНСАРОЙДА БЎЛГАН МУШТЛАШУВ

— Оббо номард-ей, — гижиниб қўйди Мақсуд қори, — Эшон бола, нима қилдик энди.

— Сабр қилинг, — шивирлади Бузрукхўжа.

— Ҳозир бориб кекиртагига пичоқ тортиб юборайми? — сўрайди ёнида турган бошқа бир йигит.

— Ўзингизни босинг!

— Орамизга мушукболадек беозоргина кириб олиб... Йўқ, бари бир сўяман уни.

— Ўзингизни босинг деяпман.

Вакиллар бир хил кайфиятни бошларидан кечирмоқда эдилар. Ногаҳоний зарб еган кишидек довдираб қолишди... Демак, Нортой сотқинлик қилиб юрган экан-да. Тунги китобхонликлару, пинҳона суҳбатлардан анави савлатидан от ҳуркадиган аъёнларни хабардор қилиб юрган экан-да! Унда нега энди шу кунгача ҳибсга олмай доруломон қўйишди экан. Эҳтимол, Нортой сотмагандир, сотганда чиройли мўйловини кўз-кўзлаб, ўйинда омади келган қиморбоздек кўзларини чақнатиб турган Темирбек вакил-



ларни яллақачон қамоққа олган бўларди-ку?... Пирнинг оломон олдида мулзам бўлганини кўриб руҳида исён кўтарилгандир... «Йўқ, йўқ,— ўйларди Бузрукхўжа,— бунчалик хом ўйлаш ярамайди. Бу қўғирчоқларни диконглатиб ўйнатаётган катта қўғирчоқбоз ноибнинг ўзи бўлади. Ҳа, ҳа, ноибнинг чилдирмасига ўйнашяпти булар, нафс қурбони бўлган бу бечоралар. Нафс ҳақиқатдан ҳам, имондан ҳам кучли экан-да...»

— Бузрук,— шивирлади Муртазин.

— Гапиравер,— кўзини терлаб-пишиб сўзлаётган Нортойдан узолмасди Бузрукхўжа.

— Мен сўзга чиқмасам бўлмайди,— яна шивирлади Муртазин.

— Вазиятга қараймиз.

— Вазиятни бошқариш керак.

— Ҳозир бизни ҳибсга олишлари ҳам мумкин,— энтикиб деди Бузрукхўжа,— яхшиси, Комил ака ўзингизни па-нага олинг.

— Энди бўлар иш бўлди. Сўзга чиқаман!

— Оломоннинг феъли бузилиб келяпти,— Комил Муртазиннинг ҳаяжондан терлаб кетган қўлини маҳкам ушлаб олди Бузрукхўжа.

Чиндан ҳам кўпчиликнинг қалбида ўзлари англаб етмаган, англаб етган тақдирда ҳам боса олишга қурби келмайдиган ёввойи бир тугён қўзғалаётган эди. Большовойлар кимлар ўзи, Ленин ким, унинг нияти нима, Қўқонда тузилган ишчилар союзининг қанақа мақсад ва режалари бор — энтикиб турган оломоннинг кўпчилиги ҳали буларни билмас эди. «Большовойлар номидан ҳақиқат талаб қилишяпти, ўзи кофир бўлгандан кейин унинг ҳақиқати қаёққа борарди? Шу йўл билан топилган сармоя макру бўлади, уни истеъмол қилган мусулмоннинг икки дунёсига баробар ўт кетади, айланай пиримдан...—деб ўйлаётганлар ҳам бор,— хайриятки ўзингиз ташриф буюриб қолдингиз, хайриятки дини имонимизни эҳтиёт қилмоқ ниятида маъруза айтиб, қалбимизга кириб олмоқчи бўлган шайтони — лайинини қувиб чиқардингиз...»

Оломон иккиланиб қолди. Ҳақиқатга ташна бўлган қалбларда ташналик туйғуси гарчи тугён ураётган бўлса-да, ҳар қалай, дини имон, мутелик, беш кунлик дунё лаззатидан боқий дунёни устун қўйиш ҳисси устунроқ эди. Танжонларига сингиб кетган бу туйғу томирларида қон бўлиб оқиб, умрлари масжидларда яратганга тавалло қилиб ўтган аждодларининг олис-олислардан эшитилаётган овози билан қўшилиб яна ҳам кучайиб бораётгандек:

— Ҳазратимга тил теккизди-я!

— Лекин Нортойнинг сўзга чиққани яхши бўлди-да!

— Бир кун оч, бир кун тўқ бўлсаям беғалва яшаётувдик...— деган пасту-баланд гаплар ҳам қулоқларга чалиниб турибди. Бузрукхўжа жимгина туриб вазиятни кузатади, аҳён-аҳёнда қўлидаги шалаббо бўлиб кетган бўз рўмолчаси билан юз-бўйинларидан қуйилаётган терларини артиб-артиб олади, ёнида шамдек қотиб турган жўраларига кўз-қирини ташлаб қўяди.

Нортой оломон диққат билан қулоқ солаётгандан, Пири муршид оғир саллала бошларини силкитиб маъқуллаб қўяётганларидан рағбати ошиб тўлқинланиб гапиряпти.

— Энди, пирим, рухсат берсангиз мен сизга ана у Бузрукхўжанинг ёнида елкаснини қисиб турган ғайридинни ҳам таништираман. Ҳа, халойиқ сизлар ҳам билиб қўйинг, онаси ўрис унинг, отаси чўқинган татар, ўзи дурагай кофир бўлади. Миршаблардан қочиб мусулмонлар орасида беркиниб юрибди. Риштон бедарвоза бўлиб қолибдимми сенга, кўк кўз! Пирим, сизга арз қилиб яна шуни ҳам айтаманки, Риштондаги жамики бемаза китобларни мана шу олиб келган. Ўрисчасиям бор, нўғайчасиям бор, хуллас аралаш... Ия, Бузрук, кофирни қаёққа гум қилдинг? Ҳозиргина ёнингда туриб эди-ку? Ёнавзамбилло! Айтмадимми, буларнинг ҳаммаси шайтон деб. Шайтонларнинг гапига кириб иш ташлаб юрибмизми ҳали, кофирларнинг қутқисига учиб ноиб жанобларининг покиза дилларига озор бердикми ҳали. Шундай сахий валенеъматнинг яхшилигини билмаган нонтепкиларга ўлим! Пирим, фатво беринг, тоғи оломон уларнинг таъзирини берсин.

— Омин! — қилич ушлаган қўлини баланд кўтарди старшина Темирбек.

— Омин! — такрорлашди турли мавзелардан келган мингбошилару навкарлар.

Ҳаммаси аввалдан тайёрланган, ким нима қилиши, қаерда туриши келишиб олинган экан. Пири муршид ўртага чиқиб, икки оғиз гапириб, аҳли мусулмон қалбидаги дини исломият руҳини кўзгаб берсалар бас, қолганини ўзлари ниҳоясига етказмоқни режалаб қўйган эканлар, миршабу навкарлар, олдинроқ ноиб томонига ўтиб олган оғмачи аравакашлар қўйинлари-ю, хуржинларга лиммолим тошу кесакни тўлдириб келган эканлар. Кўз юмиб очгунча Бузрукхўжа турган арава тошу кесак ёмғири остида қолди:

— Кофирларга ўлим!

— Бошлигини ур!

— Устига тўн ёпи! — дея арава томон отларини ниқтаб кела бошлашди навкару миршаблар.

Ур-йиқит бошланиб кетди.

Комил Муртазин аравадан олдинроқ тушиб ўзини па-нага олишга улгурган эди. Қолган вакиллар бир-икки да-қиқа чамаси довираб турдилару, бош-кўзи демай келиб тушаётган кесаклар тезгина ўзларини ўнглаб олишга маж-бур қилди шекилли, араванинг чап томонига, иш ташлаган ишчилар тирбанд турган жойга бирин-кетин сакрай бош-ладилар. Хон эшон ҳазратлари катта муштлашув бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тўғрироғи маърузадан сўнг ғалаён бошлиқларини калтаклаш режалари борлигини бу кишидан сир тутишганди. Ур-йиқитга менинг маърузам сабаб бўлди деб ўйлаб, виждон азобда қолди шекилли: «Ҳой бас қилинг, бас қилинг!» дея ҳарчанд қичқирса-да, энди ҳеч ким у кишига қулоқ солмас, эътибор ҳам бермас эди.

Дини-исломиятга тил теккизгани учун, ўша тил теккиз-ганини ғажиб ташлайман деганлар, ҳоким жаноблари мао-шимизни оширмаса кўрғонига ўт кўямиз дея енг шимар-ганлар, дўстларини сотгани учун ўша сотқиннинг бошини янчамиз деганлар, тартиб ўрната олмай бошлиғидан гап эшитиб, гап эшитганим учун энди сенга ҳам омонлик бер-майман деганлар, юртда бошланган қаҳатчиликка сабаб ахтариб очдан ўлган дилбандининг ўчини кимдан олишни билмай хўрсиниб юрганлар, жон-аччиғида бир-бирига таш-ланиб қолган эди.

Иш ташлаган ўғлим оч ўтиргандир деб икки қовоқни тўлдириб серқатиқ гўжа келтирган Қобил бобо шербаачча-сини учратолмай, ўғлим тағин буларнинг орасида бўлма-син дея ташвишланиб ўзини гоҳ у тўдага урар, гоҳ бу тў-дага урар, ажратмоқчи бўлар, бошига, елкасига келиб ту-шаётган гурзидек оғир муштлардан қочгани жой тополмай нэша чеккан бангидек чайқалиб-чайқалиб кетар эди. Дил-бандига не-не умидлар билан тухум билан қотирма пи-шириб келган кампир бир қўлида халта, бошқасида қум-ғон тўла совиб қолган чой: «Ҳой, уйинг куйгурлар, ҳой, хо-насаллотлар!» деб гоҳ араванинг тагига беркинади, гоҳ қў-лидаги қумғонни ерга қўйиб, халтаси билан бошини паа қилади.

Чибиргон пандигонли маъруза тинглаш учун атайлаб келган бир сўфи азон айтганда одамлар ҳамиша жим бў-либ қолишига ўрганганидан ва азон овозида аллақандай қудратли ҳам илоҳий бир куч борлигига қаттиқ ишонган-идан ўзича ғалаёни бостиришга чорландию, бўш қолган

аравалардан бирига чиқиб, қулоқларини узиб олгудек чўза-чўза азон айта бошлади:

- Оллоҳу акбар,
- Оллоҳу акбар,
- Ашҳаду алло илоҳо...

— Йўқ, ҳеч ким қулоқ солмади унга, қайтага бўйни аралаш қамчи егани қолди. Бошига кимнингдир зарбли мушти тегиб, каттакон симобий салласи ҳўв нарига учиб кетган Пири муршид ҳазратлари «Охир замон бўлди, қиёмат қойинм бўлди!» деб такрорлар эди.

Муштлашув эса авжигга чиқиб борарди.

VI

МАҚСУД ҚОРИ ҲАҚ ДАЪВО ҚИЛДИ

Кеч пешинга бориб ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ширкатга қарашли арава қўрғонининг Мусофирхона, Отхона деб номланган майдонларида кимнингдир слкасигами, бошигами тегиб, уқаланиб тушган гувала парчалари, қаердандир келиб қолган коса-товоқ синиқлари, қайсидир шўринг қургурнинг бошидан учиб кетиб тупроққа беланиб ётган дўппи, узун-қисқа саллалар аралаш-қуралаш бўлиб ётар, бамисоли унсиз йиғлаётгандек туюларди. Риштони дилкушонни тарк этиб кетишга улгурмаган боши ёрилган, елкаси қонга беланган аравакашлар иккитадан, учтадан бўлиб бурчак-бурчакларда хўмрайиб туришибди.

Хўрсинишлар эшнтилади.

Гоҳ қайсидир мингбошнинг навқари қибла томонга от чоптириб ўтади.

Яна жимлик чўқади.

Мусофирхона майдонидаги қатор тушган, товуқнинг катагидек пастак ҳужралардан бирини йиғирма чоғли йиғит қўриқлаб турибди. Бировнинг қўлида сўйил, бошқасида паншаха. Ичкарида Қомил Муртазин, Бузрукхўжа, Мақсуд қори ва яна иш ташловчиларнинг икки вакили ўтирибди. Шу йиғирма азамат ур-йиқит бошланиши билан бешовларини эҳтиёт қилиб қолди. Худди учиб бораётган асаларилар галаси пошшосини ўртага олиб эҳтиётлаб учгандек, бешовларини ҳар томондан қуршаб ёғилаётган кесагу тошларга ўзлари балогардон бўлишиб, ўнгдан ур-қо-ур деб қамчи ўқталиб кетган навқарларини нари итаришиб, чапдан газоват алашқасида ёниб, кўзларига қон тўлиб ур-сур қилиб келаётган диндорларини гоҳо ўзлари ҳам

калтаклашиб, бир амаллаб бешовларини мана шу мусофирхонага киритиб олдилар. Ғалаён босилгунча ҳеч зотни бу ерга йўлатмай туришди.

Тўрт миршабни ортидан эргаштириб старшина Темирбек от ўинатиб келди. Йигитлар ҳушёр тортиб, сўйилу паншаҳаларини яна қўлга олдилар.

— Қулоқ солинг, — Темирбек отининг жиловини маҳкам тортди, Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғли, аравакаш Мақсуд қори ва ана шу номаи аъмоли маълум бўлмаган мастравой учовлари ғалаён сабабчиси бўлганлари учун ҳибсга олинмоқлари даркор эди. Аммо саховатли Шакарлон ноиб жаноблари уларнинг гуноҳидан ўтдилар. Шу шарт биланким ҳозироқ Риштонни тарк этиб чиқиб кетсинлар. Муҳлат ярим соат.

Миршабхона нозири отига тасир-тусур қамчи босиб яна ортига қайтиб кетди. Ичкарида ўтирганлар бир-бирларига мунгли назар ташлаб олишди. Комил Муртазин шеригини туртиб қўйди:

— Гапирсанг-чи, Бузрук!

Уйга толган Бузрукхўжанинг боши ҳамон эгик эди:

— Бой бериб қўйдик-ку, нимани гапираман?

— Бу ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак, — таъкидлаб деди Муртазин.

— Сабоқ қурғур ҳам кўпайиб кетди-да, — бош чайқади Мақсуд қори.

Муртазин шошилиб ўрнидан турди:

— Биринчи жангни бой бердик — бу аниқ. Лекин енгилганимиз йўқ, буниси ҳам аниқ. Ҳал қилувчи жанглар ҳали олдинда. Қайта ҳужумга ўтиш учун тайёргарлик кўриш керак. Тарқаламиз, бошқа илож йўқ.

Мақсуд қори хунук қараш қилди:

— Энди шаталоқ отиб қочиб қолар эканмиз-да!

— Рухингиз тушмасин, Қори ака.

Вакиллардан риштонли аравадоз уста Одил билан катпутлик Омон қирғиз бу ерда қолиб Қўқон большевиклар Қўмитасининг навбатдаги кўрсатмасини кутадиған бўлишди. Қучоқлашиб жимгина хайрлашдилар. Бузрукхўжа билан Мақсуд қори Пандигонга, Муртазин, гарчи Қўқонга отланган бўлса-да, ғанимларни чалғитиш учун бўлса керак, Марғилон тарафга қараб йўлга чиқишди. Қоровулда турган йигирма аравакаш иккига бўлиниб, қарама-қарши томонга отланган вакилларини Риштондан чиққунча кузатиб бордилар...

Бузрукхўжа билан Мақсуд қори сертупроқ арава йўлдан жимгина юриб боришарди. Бир бирларига гап қўшиш-

га ҳоллари йўқдек, гаплашадиган гаплари, ўртоқлашадиган фикрлари ҳам тугаб қолгандек. Бузрукхўжанинг қўлида оқ сурп тугунча, Мақсуд қори ётиб юрган кўрпа-тўшагини бўз қопга солиб орқалаб олган. Негадир жаҳл билан, тап-туп қадам ташлаб боряпти. Бамисоли кимнидир қувиб етмоқчи-ю, қувиб етган жойида тишлаб-тишлаб гўштлиари-ни узиб олмоқчидек.

Намозгар пайти эди. Кунбўйи еру кўкка олов пуркаб чарчаган саратон қуёши ҳув нарида, гиёҳсиз, дову дарахтсиз Қатрон тоғи этакларида мисбаркашдек осилиб қолибди. Худди пастлаб кетишга энди ҳоли келмаётгандек. Ҳолдан тойдим, ҳолдан тойдим, дея оҳиста оҳ чекаётгандек ва унинг бу ўтли оҳи оламга ғамгинлик, мискинлик кайфиятини тарқагаётгандек. Арава йўлнинг икки чеккаси поёнсиз экинзорлар экан. Кимдир тиззага келиб қолган шолисини ўтаб, қиз боланинг сочидек тараб қўйибди. Кимдир жўхорисини чопиб, тагига тупроқ уюшга ҳам улгурибди. Шундоққина йўлнинг чеккасида икки киши чопиқ қилаяпти: бирови кучлироқ ҳам ғайратлироқ кўринади,— хийла олдинлаб кетибди, ҳар кетмон урганида нами қочиб олатароқ бўлиб қолган ердан энгил чанг кўтарилади. Бошқаси орқада қолиб, кетмонни дармонсизгина кўтариб ташлайди... «Ота-бола бўлса керак,— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— дадаси мункиллаб қопти, кетмон билан тенг кўтарилиб тушяпти, шўринг қурғур. Менинг бечора дадам ҳам ҳозир кетмон чопаетгандир. Ёрдам бериш ўрнига қаёқларда юрибман-а...»

Мақсуд қори шиллигидан тупроқ кечиб ҳамон жадал кетяпти, орқасидан энгил чанг кўтарилади. Чеккароқдан, тупроқсиз йўлакчадан юрса ҳам бўларди. Жаҳли чиққанидан кўчани атайлаб чангитиб боряпти.

Эшак минган бир болакайни қувиб етишди. Болакай эшагини кўмиб юборгудай даражада ўт юклаб устига миниб ҳам олган. Қўлида китоб, мук тушиб ўқиб боряпти. Бузрукхўжа ҳам болалигида китобга ишқибоз эди. Эшак минганда ҳам, қалдироқ аравада кетиб бораётганда ҳам китоб мутолаа қилишни хуш кўрарди... Болага ҳаваси келди, сўз қотгиси келиб қолди:

— У, яхши бола, йиқилиб юрмагин тагин?

Бола ўгирилиб майини жилмайди:

— Йиқилмайман, тоға.

— Нима ўқияпсан?

— «Чор китоб».

— У, жуда илғор экансан-ку!

Бошқа гап қўшиб бўлмади, Гаплашса Мақсуд қоридан

ортда қолиб кетади... Тавба, қамчи еган бедовдек мунча лўкилламаса! Олдиларнда энди бошқа бир манзара намоён бўлди. Бир гала бола мол ҳайдаб қирдан тушиб келяпти. Ёлини сутга тўлган сигирлар айри туёқларини судраб босиб, кетидан гала-гала қўю эчкиларни эргаштириб боради. Ўт қўлтиқлаган, қопда тезак орқалаган, кир-чир болалар олдиларнда кўтарилган чанг-тўзонга ҳам парво қилмай захчалардек чағир-чуғур қилиб келишяпти. Қалта сочига йўғон-йўғон жамалак ўралган ва шунинг учун ҳам сочлари каламушнинг думидек диккайиб турган етти-саккиз ёшлардаги бир қизалоқ бўз қўйлагининг этагини қайтариб, печак ўт солиб олибди. Тиззаларига урилиб юришини қийинлаштиришига ҳам қарамай ёнида бораётган дугоналарига бидирлаб алланарсаларни тушунтирмоқчи бўлади. Бузрукхўжа қизалоққа бир дақиқа тикилиб қолди. Вужудда аллақандай бир илиқлик қўзғалиб энтикиб кетгандек бўлди... Болалигида, ҳозир ошиқу-беқарор бўлиб вшқида куйиб-ёниб юргани Ҳалимахонни ана шундай бир аллозда, этагида ўт, мол етаклаб даладан қайтаётган бир пайтида учратиб, ўзи ҳам бола эди-да, панадан бошига тўн ёпиниб чиқиб сигирини ҳуркитганди. Ушанда сигир шаталоқ отиб қочнишга тушган, арқонни маҳкам ушлаб олган Ҳалимахонни йиқитиб анча ергача судраб борганди... Бузрукхўжа ҳозир ана шуларни ўйлаб кетди. Уйларкан, ҳали қизалоққа дастлаб кўз ташлаган пайтида вужудда қўзғалган илиқлик қалбининг туб-тубида беркиниб ётган бошқа ҳис-туйғуларни ҳам чайқалтириб юборгандай бўлди. Яна ширин энтикди, юрагининг қаъридан қайноқ бир хўрсиниш келди...

Мақсуд қори жадал боряпти. Бузрукхўжа ҳамроҳига етиб олиш учун кўча билан битта бўлиб бораётган молларни четлаб ўтди-ю:

— Қори ака!— дея чанг ўтирган томоғи қичишиб йўталиб олди.

Аравакаш индамади.

— Қори ака дейман,— яна мурожаат қилди Бузрукхўжа,— қопингизни кўтаришиб олай, чарчагандирсиз?

Аравакаш чангитиб ер тепинди.

— Жим кет энди, охир замоннинг боласи!

— Ия, нега дарғазабсиз?

— Овозингни ўчир.

— Тавба!

— Ишни расво қилиб қўйдиларинг-ку, яна тавба дейди-я!

— Биз расво қилган бўлсак, сиз қаёқда эдингиз?

Аравакаш елкасидаги қоп пасайиб қолди шекилли, оёқларини кериб, силкнииб сал юқорилатиб оларкан, ҳамроҳига қараб хунук хўмрайиб қўйди.

Кечки салқин туша бошлади. Тоғ томондан муздекки-на эпкинди эсиб димоққа ариқ бўйида ўсган ялпизларнинг хушбўйи ҳидини келтириб урди. «Ялпиз гуллабди! — беихтиёр фикридан ўтди Бузрукхўжанинг, — гуллаганда унинг ҳиди мана шунақа атирга мўл бўлади... Лекин Қори аканинг феъли нега айниб қолди экан?.. Йўл айириладиган жойга борганда аравакаш елкасидаги қопни ариқ бўйидаги майсага «гуп» этказиб ташлади-да, устига чўкиб:

— Қани ўтир-чи! — деб қўйди жеркиб.

Бузрукхўжа юмшоққина майса устига чордана қурди. Аравакаш яктагининг ўнгирига чанг ва тердан қорайиб кетган юзини узоқ артди. Кейин тўсатдан эсига келиб қолгандек жонланиб:

— Хўш,— деб сўради,— энди буёғи нима бўлади?

— Буёғи деганингиз нимаси? — сўради Бузрукхўжа ҳам.

— Менинг ҳақимни ким беради деяпман?

— Қанақа ҳақ?

— Менга қара, эшон бола, ўзингни гўлликка солма. Мени сизлар йўлдан урдиларинг, Қўқонга қатнаб юриб ана у сариқ Муртазинни бошлаб келган ҳам сен эдинг. Иш ташлаймиз, иш ташласак ҳаққимиз икки баробар ошадиган сен эмасмидинг? Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак ноиб курк товукдек пусиб қолади демабмидинг. Нега мени фитнага аралаштирдинг. Энди нима қиламан, қаёққа бораман. Уйимда саккизта жўжа чирқиллаб турибди, қандай боқаман уларни?

— Бир иложини қилармиз.

— Жим бўл деяпман. Энди сен большевойларнинг гапига кирадиган аҳмоқ йўқ. Ноибда икки ойлик маошим қолиб кетди. Уни сен тўлайсан!

— Менми!

— Ҳа, сен тўлайсан!

— Меҳнатни бировга қилиб ҳақини мендан сўрайсизми?

— Бермайсанми?

— Мен ҳам сизга ўхшаган бир хизматчиман, пулни қаердан оламан ҳозир.

— Хотиним ногирон, болаларим оч, уйга бориб оёғимдаги эски чоригимни қайнатиб бераманми уларга?

— Ўзингизни босинг!

Аравакаш сакраб ўрнидан туриб кетди:

— Ҳақимни тўлайсанми, йўқми?

Бузрукхўжа ҳам ўрнидан туриб олди:

— Қори ака.

— Бермайман дегин, ҳали шунақами? — аравакаш қалтираб турган қўллари билан пайпасланиб ёнидан пичоғини суғурди, — биладан, сен мендан зўрроқсан, ҳўкиздек кучинг бор, енголмайман сени. Аммо ўзимга кучим стади. Билиб қўй, бермасанг ўзимни чавоқлаб ташлайман, берасанми, йўқми?

— Бераман.

— Рост айтяпсанми?

— Рост айтяпман.

— Қасам ич.

— Худо ҳақ, расул барҳақ.

— Ҳозир берасанми?

— Ҳозир бераман.

— Эшон бола, укагинам, мени кечир, — аравакаш ёнига ўгирилиб пичоғини қайта солиш учун қинини ахтара бошлади. Ҳам ғазаб, ҳам алам ҳозир унинг томоғидан хилла бўғиб олган, кўзларига қон қуйилиб, ҳеч нарсани кўрмайдиган даражага бориб қолган эди. Бузрукхўжа қайтиб ўрнига ўтирди-да, маҳсисининг ўнг пойини чиқара бошлади — қўнжига пул беркитиб қўйган эди.

— Қизишманг, Қори ака, қизишманг, — яна ғазаби жунбушга келиб қолмасин деб тез-тез гапира бошлади Бузрукхўжа, — мен сизга тушуниб турибман. Сизга осон эмас. Уша чўлоқ хотинингизга ҳам ачинаман. Дадамиз рўшнолик олиб келади деб эртаю кеч кўча пойлаб ўтирган болаларингиз олдига қуруқ борсангиз бўлмайди... Манг, бор-йўқ пулим шу. Кейин яна, худо хоҳласа, рўзғорингизга қарашиб тураман.

Аравакашнинг ғазаби, алам аралаш туғёни ҳали босилганича йўқ экан, пулга узатилган қўли дир-дир қалтирай бошлади.

— Бу пулинг... қанча ўзи?

— Йигирма сўм.

— Бир ойлик маошинг экан-да?

— Ҳа.

— Хабарим бор, уйланаман деб йиғиб юрувдинг.

— Уйланиш бўлса қочмас, Қори ака, олинг, мингдан-минг розиман.

— Йўқ, эшон бола, ярми ўзингда қолсин.

— Олинг деяпман.

— Негадир қўлим бормаяпти. Ишқилиб тонг-ла қиёматда даъво қилмайсанми?

— У дунёи бу дунё розиман.

Аравакашнинг аёлларникидек узун киприклари пирпираб, қоп-қора кўзларида ғилқиллаб ёш айланиб қолди. Инглаб юбормаслик учун ортиқ гапирмади. Пулни белбоғининг қатига тугиб қопни елкасига олди-ю, гўё қаёққа юришини билмаётгандек бир нафас қотиб турди:

— Ҳеч бўлмаса беш сўмини ол.

Бузрукхўжа ўн қўлни кўксига қўйди:

— Кейин бойиб кетганингизда кўпайтириб оларман.

Аравакаш хўрсина-хўрсина жўнаб кетди.

VII

УРТОҚЛАР ҲАЗИЛИ

Мақсуд қори кўздан йўқ бўлиб кетгунча Бузрукхўжа унинг ортидан тикилиб ўйга толиб ўтирди. Иккинчи пой маҳсисини ҳам ечиб, бир сакраб ариқдан ўтди-да, бедаси ўриб қўйилган ангор бор экан, остига чала қуриган бедадан тўшаб, бошига ҳам катта бир боғини қўйиб чўзала тушиб ётиб олди. Чарчаган эди. Уч кечадан буён деярли ухламади ҳам. Ширкатга хизмат қилаётган олтмиш мирзодан бири эди у. Қарзга пул тарқатиш, гаровга маблағ бериш, фойдасига пул улашиш, вақтида ундириб олиб туриш ҳам мана шу мирзолар зиммасида. Ҳар бир мирзога аравакашлар, агентлар, юкчилар биркитилган, эрта баҳордан кеч кузгача қишлоқларни оралаб юришади. Баҳорда бир қоп буғдой олган киши, кузда уч қоп қилиб қайтариши керак. Кимнингдир уйдан қоп-қоп ўриқлар юклапади, кимдир хирмон тепасидаёқ кечагина янчган шолисини аравага юклаб беради.

Ширкат бамисоли катта аждарҳога ўхшайди. Фарғона музофотида нимаки етиштирилса ҳаммасини ямлаб ютиб туради: дону дун дейсизми, мева-чева дейсизми, ошланмаган терию жун дейсизми, ҳатто молнинг туёғидан тортиб ҳўкизнинг шохигача ҳеч бирини чиқиндига чиқармайди... Лекин бари бир, юрт оч-яланғоч, ўз ҳақини талаб қилишга эса хоҳиши ҳам, қурби ҳам йўқдек... Нега Фарғона халқи бичилган хабашдек ювош бўлиб қолди экан? Қуллик, мутелик руҳи қаёқдан пайдо бўлди экан?..

Бузрукхўжа белбоғини ечиб қатидан рўмолча олди, кўк хитойи шоҳидан тикилган эди у. Тўрт чеккасига зар попуқлар қадалган, гардишига гир айлантириб оқ садаф тугмалар, кўзмунчоқлар шунақанги бир ўлчов мутаносиб-

лик билан жойлаштирилганки, бири иккинчисини тўлдириб, вужудига беркинган кўз илғамас гўзалликни таъкидлаб, рўмолча юзига олам-олам нур тўкиб тургандек. Ҳар жой ҳар жойига сариқ ипак билан қадалган райҳон уруғидек қоп-қора мушки анбар доналари аллақандай майин, маст қилувчи хушбўй атирлар тарқатиб турибди. Рўмолчанинг ўртасига «шикаста» ёзувида ранго-ранг ипаклар билан байт ҳам ёзилган:

«Ҳар кишининг узган гули сўлмасин,
Ҳар кишининг севган ёри ўлмасин».

Йўқ, бу рўмолча эмас, бамисоли Фарғона гулзорининг рамзи, гўзалликнинг бир парчаси эди. Ҳалимахон софга қилган буни... Қаерда экан ҳозир, нима қилаётган экан?... Эҳтимол сигир соғаётгандир, йўқ, сигир соғишга эрта ҳали. Ҳойнаҳой, у катта айвонда ўтириб ўмоч ошга зувала ёяётгандир... Кўзи оштахтада-ю, хаёллари қўшниси Мирзаалининг ҳовлисида кезаётган бўлса ҳам ажаб эмас... Фотиҳа бўлгандан кейин ошкора учрашув уларга ман этилди. Урф шунақа, одат шунақа, начора. Лекин гоҳи гоҳида Бузрукхўжа ёниб кетаётгандек ҳис қиларди ўзини, телбалардек босар-тусарини билмай қоларди. Шунда тенгқур ўртоғи Мирзаалиникига борар, Мирзаалининг ҳамма сирасоридан хабардор бўлган хотини бир жилмайиб қўярди-да, Ҳалимахонни чақириб чиқарди. Ҳалимахон унда ота-онаси йўқ бўлса бирровгина чиқиб кетар, чиқолмаса баланд айвонда ул-булга машғул бўлган бўлиб ўзини кўрсатар, гоҳо ўтли нигоҳлар дуч келиб қолар, бундай пайтларда иккови ҳам ёруғ дунёни унутиб худди сеҳрлангандек қотиб қолишарди.

Иккови ҳам муҳаббат алангаси покиза қалбларида қачон ёнганини эслай олмайдилар. Эҳтимол, беғубор болалик палласида бошлангандир, эҳтимол туғилганларидаёқ вужудларида бу руҳ воқиф бўлгандир...

Бузрукхўжанинг дадаси Усмонхўжа билан Ҳалимахоннинг дадаси Мулло Мусо Халифа гарчи бошқа-бошқа қишлоқларда — бири Пандигонда, бири Булоқбошида яшашса ҳам болаликдан ўртоқ эдилар. Мулло Мусо Халифа Усмонхўжа табиатида зоҳир бўлган оқкўнгилик, самимийлик, соддалик, қувноқлик сингари фазилатларни улуғлар, Усмонхўжа бўлса ўртоғини билимдон, зукко, чўрткесар бир киши бўлгани учун ҳам ҳурматлар эди. Оилавий борди-келдилари бор эди. Тўю маъракаларини биргалашиб ўтказишар, катта сайллар бўлганда сайлгоҳларга қўшара-

ва бўлиб боришар, гоҳо, ёз пайтларида дала иши айни ав-
жигга чиққанда, бир-бирларининг ерида алғов-далғов иш-
лашиб, оғирларни енгил қилиб яшашар эди.

Гоҳо аразлашиб қолишар, яна ярашиб олишар, гоҳо
бир-бирларига қалтис-қалтис ҳазиллар ҳам қилиб тури-
шарди. Шакархон юртга катта тўй берган йили Мулло Му-
со Халифа оз-оз ичиб юрарман деган ниятда бир хум му-
саллас тайёрлаб олганди. Мусалласнинг дарагини эшитиб
табиатида қайфу хурсандчиликка майли кучли бўлган Ус-
монхўжа тез-тез кела бошлади. Аммо Мулло Мусо Халифа
холванинг ози ширин деб, бир пиёладан ортиқ бермасди.
Паҳлавонлардек улкан гавдали, айни кучи қувватга тўл-
ган Усмонхўжага бир пиёла май ялагандек ҳам таъсир
қилмас, кўпинча, лабларини алам билан чапиллатиб қай-
тиб кетарди... Бир куни шошилганча келди-да, меҳмонхо-
нага улфатлар тўпландик, «Абомуслим»ни ўқиб бе-
расиз деб Мулло Мусони қўярда-қўймай олиб кетди. Олиб
бориб меҳмонхонага, улфатлар ёнига ўтқизди-да, ташқари-
га чиқиб, икки-уч жўрасини ёнига олиб яна Булоқбошига
қараб югурди. Ўртоғининг жуфти ҳалоли Уринбиби аяга
рўбарў бўлиб: «Э, эгачи, ишлар катта бўлиб кетди, ўрто-
ғим дарров бизникига бориб эгачингга айт, бир қўй билан
хумдаги мусалласни бериб юборсин», деб тайинлади де-
ди. Уринбиби ая эрининг гапини икки қилишга ўрганма-
ган. Хумдаги мусалласни кўзаларга қўйишга ўзи кўмакла-
шиб юборди. Оғилхонадаги қўйни етаклаб чиқар экан:
«Ўзиям ёзи билан хўб боққан эдик-да», дея мақташиб
қўйди.

Ўша оқшом Усмонхўжанинг ҳовлисида тонг отгунча
чироқ ўчмади, улфатлари хўб кайфу-сафо қилишди. Бора-
бора «Абомуслим»у, «Қиссасул анбиё»ни ўқиш ҳам бир
чеккада қолиб, ширакайф йигитлар ўртага чиқиб кигиз-
ни чагитиб ўйинга тушишди, ашулалар айтишди. Тонг-
отарга яқин тарқалишар экан, ўз шаънига қўйлар сўйилиб,
катта зиёфат берилган Мулло Мусо беҳад хурсанд бўлиб
қўлларини баланд кўтариб хонадон аҳлини дуо қилди:

— Илойим омин, саховатли ҳам меҳмондўст ўртоғимиз
Усмонхўжа бизга атаб қўй семиртирган ва лаззатли таом-
лар тайёрлаб берган синглимиз Зиёда бибининг икки ти-
лаги бўлса, облонинг ўзи мушарраф қилсин!

Мулло Мусо уйига қайтиб гап нимадалингини билди-ю,
аламидан этларни жунжикиб кетди. «Ғўқ, сен эшон ҳали
шошмай тур!» — дея нягини бир снлаб қўйди. Лекин ўч
олиш унча узоққа чўзилмади. Айни пишиқчилик палласи
эди. Бир куни Усмонхўжа икки қўлтиғида икки қовун,

ҳаллослаб кириб келди. Сулаймонбойдан ижарага олган ерларнинг бир қисмига қовун эккан эди, яхши бўлиб берди, кўчадан ўтган одамнинг димоғини ёрай дейди. Пойла маса, тунда талаб кетишади, пойлай деса дашт томондан бир бўри келиб капанинг атрофини айланиб юрган эмиш

— Нақ новвосдек келади-я! — деди охирида Усмонхўжа ваҳима қилиб.

— Новвосча келса эркаги экан-да? — шунчаки сўраб қўйди Мулло Мусо.

— Энди ўртоқ, милтиғингни бир-икки кунга бериб турмасанг бўлмайди.

— Отишни билмайсан-ку?

— Биламан, дадам раҳматли билан тўқайда тустовун отардик.

Мулло Мусо қўштиғини бериб юборди-ю, лекин анчага ча қулоқлари остида «новвосча келади-я!» деган сўзлар жаранглаб турди. Усмонхўжа новвос боқаётганди. Мулло Мусо анчадан бери уни сўйиб беш-ўн улфат гўштини бўлиб олайлик дер, ўртоғи ҳали анча катта бўлади, энди тани қўйиб келяпти дея кўнмасди...

Ой шом егани учун тун қоронғи эди. Дашт томондан енгил шаббода эсиб дарахтлар шохини силкитар, чангал зор тарафдан хунук шитирлашлар эшитилар эди. Тун яримдан оғиб қолди. Қўштиғини икки қўллаб чангаллаб ўтирган Усмонхўжа мудрай бошлаган экан, бир маҳал чангал зор тарафдан кўрқинчли бир овоз эшитилгандек бўлди-кўзлари чарақлаб очилиб кетди; келяпти! Ҳа, ҳа, худди ўш бўри! Йўғ-е, бугун жуда ҳам каттаси келяпти-ку, ё раб бий, бўри ҳам шунақа бўладими, а? «Яқинроқ келтириш отаман, қоқ миясидан отаман, — деган фикрлар ўтарди даф-даф қалтираб турган Усмонхўжанинг бошидан, — ҳа ана яқинлашиб ҳам қолди. Ёпирай, маст туядек бошини осмонга кўтаришини қаранг, ҳид олаётган бўлса керак. Иккови тепкини баробар босаман, босдим!»

Гумбурлаган овоз қоронғи тун қаърини қарсиллатиб ёриб ўтди. «Бўри» олдинги оёқларини осмонга кўтариб бир сапчиди-ю, новвосдек м-ў-ў-ў дея бўкириб ерга йиқилди. Худди шу пайтда тўрт-беш улфат қовунполизнинг эта томонидан югуриб келяшиб, уста мерган Усмонхўжан мўлжални тўғри олиб, нишонга беҳато урганлиги учун астойдил табриклашди ва ...эртасига бу ерда тўрт-беш оиланинг хотин-халажи, бола-чақаси тўпланишиб қовун сайи қилишди, тўйиб-тўйиб гўшт ейишди. Охирида Мулло Мусона фотиҳага қўл кўтарди:

— Илоё омин, Усмонхўжа дўстим, ҳамиша олгину ол

дирмагин, отган ўқинг ҳеч қачон бехато кетмасин, облоху акбар.

Шу йўсин икки ўртоқ, икки онла бир-бирлари билан дўстлик риштасини маҳкамроқ боғлаб боришар, ўртала-рида бўлган меҳр, садоқат Бузрукхўжа билан Ҳалимахон-нинг қалбида туғилажак муҳаббатга пойдевор бўлаётгани-дан икки томон ҳам хабарсиз эди.

VIII

МУҲАББАТ ГУЛИ ПОКИЗА ҚАЛБДА ОЧИЛАДИ

Бузрукхўжа ўзини йўқотгудек бир аҳволга тушиб қолган эди. Қиз бола бўй чўзиб қолгандан кейин йигит кишининг унинг уйига ҳадеб келавериши одобга ҳам, ахлоққа ҳам тўғри келмайди: қизнинг боши маломатга қолади. Шу сабаб бўлиб ота-оналар ўртасида совуқчилик тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Лекин нима қилсин, қалби ёниб боряпти йигитнинг ҳам. Айниқса, тагли-жойли хонадонлардан қиз тарафга бир-икки совчи келиб кетганини эшитган йигит, Уринбиби ая айтганидек, нақ бўлмаса эсини йўқотиб қўяёзди. Катта дарёнинг тўлқини ичида бўлганидек, табиатан оғир, босиқ, анча-мунча сирини бировга сездирмайдиган Бузрукхўжа тўй қилишга ҳали-бери қурблари келмаслигини яхши билар, шунинг учун ҳам дилидагини ота-онасига кўпам сездира бермас, Булоқбошига қатнашни ҳам қанда қилмасди. Баъзан Ҳалимахонларнинг ён қўшниси янги рўзгорли ўртоғи Мирзаалини кўриш баҳонасида келар, баъзан нариги қўшнилари Қодир бобоникига кириб «Қалила ва Димна»ни ўқиб берар эди. Лекин Қодир бобонинг набиралари жуда кўп, Бузрукхўжа остонада кўринди дегунча от бўлиб миндирасиз деб хархаша қилишар, кўнмаганига қўйишмас эди. Айниқса, олакўз набираси жуда батарин. Йигитнинг елкасига эски тўнни тўшаб миниб олади-да, энди тўрт оёқлаб чопасиз дея талаб қилади. Истаги бажо бўлгач, энди тойчоқ бўлиб кишнаб ҳам берасиз деб туриб олади. Бузрукхўжа бу уйга кирмай қўйди. Лекин Ҳалимасини узоқдан бўлса ҳам кўриб туриши керак эди, кўрмаса бўлмасди. Қим билан бу жасорат қаёқдан пайдо бўлди экан, энди ул-бул нарса сўраган бўлиб тўппа-тўғри Мулло Мусо бобонинг уйига кириб келадиган одат чиқарди. Бир куни уч-тўрт боғ қуруқ ўтинларингдан берар экансиз деб келади, бошқа бир куни поя қирқадиган жоди сўраб келади.

Кечки пайт эди. Мулло Мусо бобо оғилхонадан паишаха кўтариб чиқиб келаётган эди. Ҳовлига етим болада тортишибгина кириб келаётган Бузрукхўжага кўзи тушиб қолди:

— Ҳа, Усмонхўжанинг ўғли, тагин нима сўраб келдинг? — дея саволга тутди.

Бузрукхўжа худди ўғирлик устида қўлга тушгандек доздираб нима сўраб келганини ҳам унутган эди. Лекин нима бўлганда ҳам тезроқ бир нарса дейиш керак:

— Кирга сув иситадиган катта қозонларингни бери турар экансиз.

Мулло Мусо бобо мийиғида кулганча хўмрайга бўлди:

— Қирларинг кўпайиб қолибди-да?

— Ҳа, кўпайиб қолди,— шошилиб деди Бузрукхўжа.

— Қир ювамиз дегин.

— Ҳа, кир ювмоқчимиз.

— Қирни сен ювасанми ё даданг ювмоқчими?

— Икковимиз ювсак керак.

— Менга қара, Бузрук, бошингни кўтар, баландроқ кўтар. Ҳа, ана шундай! Энди берироқ кел, уялма, келаве Қулоғинга секин айтиб қўядиган гапим бор. Гап бунда ўғлим, бир маҳаллар мен ҳам сендек ошиғу беқарор бўганман. Уринбиби аянг кўйида нақ ёниб кетай деганма. Лекин сендақа лавашанг эмас эдим! Раҳматли қайнотанинг олдига бориб қизингизни уч кун ичида тўй қилиб берсангиз бердингиз, бўлмаса отга ўнгариб тоққа олиб қочиб кетаман, деб дўқ урганам ҳали-ҳали эсимда. Йиғит киши деган мард, чўрткесар бўлиши керак... Даданг қаерда?

— Уйда,— боши эгилиб борарди Бузрукхўжанинг.

— Бир қозон ош дамлашга қурбларинг келадими?

— Келиб қолар.

— Бир тандир пон ёпишга унларинг борми?

— Қўни-қўшнилардан суриштирармиз.

— Бориб қарз олишдан ҳеч қўрқмайдиган даданг айт, тўрт-беш мўйсафидни ёнига олиб совчи бўлиб келсин унашар қиламиз. Лекин билиб қўй, тўйга катта тайёргалик кўрасан, уқдингми?

— Уқдим.

— Жўна энди. Ҳой, тўхта, кирга сув иситадиган катта қозон сўраб келувдинг, олиб кетмайсанми?

Ногаҳоний бахтдан ҳовлиқиб, энтиккан Бузрукхўжа аллақачон дарвозахона олдига бориб қолган эди, орқасига ўгирилиб керак эмас дегандек қўл силтади-ю, югурганча кўчага чиқиб кетди.

...Уч кундан сўнг унашар бўлди. Уша бахтли, қувончли кунга ҳам бир ярим йилча бўлиб қолди. Тўйга ҳеч йиғишиб бўлмапти. Утган йили кучли гармсел эсиб, Пандигоннинг дашт қисмидаги ҳамма экинни қовжиратиб кетди. Бузрукхўжа қўқонлик заводчи боӣ Паталахоннинг Дўрмондаги совунпазлик корхонасига ишга кирганди, ишчиларнинг яширин суҳбатига қатнашганликда айбланиб тезгина бўшатиб юборилди. Бир амаллаб ширкатга мирзоликка ёлланиб олувди, э худойим-ей, бу ҳам яна пучга чиқди. «Ўзи бизнинг хонадонимиздан омад кетганга ўхшайди,— бедазорда чала қуриган беда устида чалқанча ётаркан, Бузрукхўжанинг бошидан ана шундек аламли ўйлар чарх уриб ўтар эди,— бечора дадамнинг боши қарздан чиқмаса, ўзим бирор жойда қўниб ишлай олмасам. Шарти кетиб шарти қолган рўзғоримизга тўрт-беш танга олиб бориш ўрнига ғаму-ташвиш бўлиб бораверсам, э худо, нега мени бунчалик омадсиз қилиб яратдинг, нега деяпман? Ахир Мулло Мусо бобо ҳам гулдек қизининг умрини мени деб хазон қилмайди-ку, бир йил кутади, икки йил кутади, кейин ҳафсаласи пир бўлиб, битта мўйловдорга беради-қўяди-да! Ё рабби, наҳотки Ҳалимамдан ҳам ажралиб қолсам, йўқ, йўқ!!!»

Бузрукхўжа терли ҳовучида узоқ турганидан намланиб қолган рўмолчани юзига яқин келтирди. Димоғига гуркираб мушк-анбар ҳиди урилди. Яна ширин энтикди, юлдуз тўла осмонга ўйсиз, шуурсиз тикилиб қолди. Қулоқлари остида Ҳалимаҳоннинг меҳргами, аллақандай сеҳрли куйларгами лиммо-лим тўла овози жаранглагандек бўлди:

— Ҳар кишининг узган гули сўлмасин,
Ҳар кишининг суйган ёри ўлмасин.

Овоз аста-секин пасайиб бориб, йўқлик қаърига сипгиб кета бошлади.

Бузрукхўжа ухлаб қолди.

IX

ШАКАРХОН ДИЛГИР

Шакархон аравакашлар ва мирзолар билан бўлган ўқнашувда, гарчи голиб келган бўлса ҳам, бўлиб ўтган туштлашувлар хунук овозалар ва мишмишларга сабаб ўлишини ўйлаб ҳамон дили гирён эди. Табиийки, бу овозлар Қўқон уезди ҳокими Мединский тўрага қўшиб-чатиб тказилади. Ғалаёнлардан беҳад қўрқиб қолган у жаҳоб, табиийки ноибдан ранжийди. Ҳай-ҳай у кишининг ран-

жишидан худонинг ўзи сақласин, лавозимдан олиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас! «Эртагаёқ ҳузурига ўзим бориб ҳисоб берганим маъқул. Лекин бир халта олтинсиз ахборотни инобатга олмайди у келгинди». Маҳкаманинг баланд ойнали деразаси орқали кўчадан гоҳ отда, гоҳ пиёда ўтиб бораётган йўловчиларга шуурсиз тикилганча ўй сурар, қанча ўйласа, дилига шунча ғашлик қуюлиб борар эди. Йўқ, ғалаён босилмади, у тарқатиб юборилди, — деб ўйларди яна Шакархон, маошлари оширилишидан умидвор бўлганлар фақат калтак ейишди холос, энди улар даъвогаргина эмас, аламзадалар ҳам. Алам одам боласининг қалбида узоқ ётиб қолса, қасосга айланади. Йўқ, нима бўлганда ҳам бир иложини топиб, уларнинг кўнглини овлаш керак. Ярашиб олмоқ даркор. Евлашиш — яккага зарар, мен яккаман.

Унбошилар, корфармонлар оёқ учида кириб Ширкатда, арава қўрғону устахоналарда иш бошлаганлиги ҳақида хушxabарлар айта бошлашди.

— Мирза! — дея овоз берди ноиб нимадир эсига тушгандек жонланиб.

Мирзача югуриб кирди:

— Буюрсинлар, жаноблари.

— Айт, менга от эгарласинлар!

— Қай бирини сўрайдилар?

— Кичик йўрғани.

Ноиб жуссаси чоғроқ бир киши эмасми, катта от устида худди ёш боладек бўлиб кўринар, шу вайдан булутдек баланд тўриқ отини камдан-кам минар, олис сафарларга чиққанда қўш от қўшилган коляскасидан, қисқа манзилларга кўпичча, ана шу кичик йўрғасидан фойдаланар эди.

— От тайёр, — таъзим билан кириб ахборот берди Мирзача.

Шакархон жиловбардор йигит ёрдамида отига минаркан: «Қаёққа борсам экан, — деб сўради ўзидан, — мавзени бир айлансам зеро дилгирлигим ёзилса, ахир Риштонни бекорга дилкушо демайдилар-ку?»

Риштон чиндан ҳам ноибга тобе бўлган музофотдаги энг гўзал манзилгоҳлардан бири. Уни гоҳо Риштонни ҳожатбарор, гоҳо Риштонни дилкушо деб атайдилар. Қатроноғи этакларига жойлашган бу юртда бир маҳаллар қатор-қатор карвонсаройлар бўлгучи эди. Бухоро — Қашқар карвон йўли шу ердан ўтар, юзлаб туяларга мол ортаган оверуполик синчков савдогарлар, Хитойдан йўлга чиққан қилни қирққа ёрадиган аллобу жаллоблар гоҳо шу Риштонни ҳожатбарорда учрашиб улгуржи савдо қилишар, туялар

га, баланд гилдиракли араваларга той-той молларни ор-
тиб гоҳ ўннга, гоҳ чапга равона бўлишар эди.

Қашқарга отинг етмаса,
Риштонда, ишинг битмаса,
Яратганга тавалло қил,
Зора, омад кетмаса,—

деган гапларни эҳтимолки ўша замоннинг омади юрмаган
савдогарлари айтишгандир.

Риштонда тожик, ўзбек, қирғиз элатлар боқамти, бо-
ҳамжиҳат яшар, унинг бозорини учови элат ҳам ўз бозо-
рим деб билар, Сўх, Исфара тожиклари есанг оғзингда
эриб кетадиган қоп-қоп зардоллар, қанорларда сап-са-
риқ бугдойлар келтирар; Буржун, Лолак қирғизлари пода-
нода қўйларни ҳайдаб тушишар, Қўқондан, Олтиариқ,
Янгиқўрғон тарафлардан отда, туяда келган ўзбеклар би-
лан гоҳ у тилда, гоҳ бу тилда иш битиришар эди. Аммо
юрт бир хилда турмас экан. Йиллар ўтиши билан Риштон
гоҳ эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб қолар, гоҳ сайл-
гоҳдек яна гавжум бўлиб кетар эди.

Шакархон ноиб юртга ҳоким бўлди-ю, Риштоннинг
файз-таровати яна қайтиб келгандек бўлди, юрт яна ҳам
гавжум бўлиб кетди. Ширкатнинг катта-кичик идоралари
Кўқондан бу ерга кўчириб келинган, эшикларига катта-
катта қулфлар солинган кулолчилик, мисгарлик, тақачилик
дўконлари яна ишга тушиб кетди. Кўчаларга эрта тонгдан
сувлар сепиладиган, чойхонада гурунглар нақ ярим тун-
гача тўхтамайдиган бўлди. Энди қозилик, бўлис ҳокими
идоралари олдида кунбўйи одам аримайди.

Шакархон ноиб кулолларнинг қатор дўконлари олдидан
ўта туриб кичик йўрғанинг бошини секин тортди. Новча,
серсоқол, билаклари йўғон, катта қўлининг кафти нақ кет-
моннинг бетича келадиган ўрта ёшлардаги бир киши югу-
риб келиб отнинг жиловидан ушлади:

— Ассалому алейкўм, жаноблари!

— Ваалейкум,— хушламайгина деди ноиб.

— Қани, тушсинлар, бир пиёла чойимиз бор.

— Ишлар қалай, уста?

— Минг қатла шукур,— катта қўлини кўксига қўйдн
уста,— жанобларининг сояйи давлатларида ишимизга
яратганинг ўзи кушойиш бериб турибди.

— Ишқилиб сизнинг усталарингиз ғалаёнчиларга қў-
шилмадиларми? — оқ оралаган қуюқ қошларини алла-
печук кериб сўради Шакархон.

— Бир-икки нонтепки ҳар жойда ҳам топилади, жаноб-
лари. Лекин уларни ўзим инсофга келтирдим. Коса-товоқ-

ларимизни жаноблари сотиб олмаганларида ҳаммамиз очимиздан ўлардик,— дедим.

— Шундай дедингизми?

— Худо шоҳид, жаноблари.

— Манг,— бир ҳовуч кумуш танга узатди Шакархон,— эртага жамики усталарингизни тўплаб менинг ҳисобимдан зиёфат беринг.

— Қуллуқ жаноблари. Илоё давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин.

«Ўнта лаганини бир сўмдан олаяпман,— йўлида давом этар экан ўйларди ноиб,— Оврупада эса ҳар лаганга уч сўмдан беришяпти. Йўқ, буларни қўлдан чиқармаслик керак, худо хоҳласа чиқармайман ҳам. Паталахов кўз олайтирган эди, худога шукур, кўзини ўйиб олдим у жугутнинг. Очопат бўлмай кет, бутун Қўқонни еб ётибсану, яна Риштонга кўз тикасан-а. Йўқ, Риштон меники, бу музофотга қадам боссанг оёғингни синдираман...»

Темирчиларнинг катта-кичик дўконлари азим толлар соя ташлаб турган икки тановча келадиган майдон атрофини гир ўраб олган. Кулолларнинг дўконлари-ю, сармо-яси ҳам ўзларига қарашли, тақачилик эса ноибники Сармо-яю, арча кўмирлар дейсизми, тақабоб қилиб пилта пилта қирқилган темирлар дейсизми, ҳар хил куракчалару, патнис ясаладиган оқ тунукалар дейсизми, ўроқ чопқиларга ишлатиладиган қора пўлатлар дейсизми, болғак босқонигача Шакархоннинг пулига келган. Усталар ёлла-ниб ишлашади. Узоқ қишлоқлардан келиб қишин-ёзин шу ерда ётиб ишлайдиганлари ҳам бор. «Суди-фойданинг кўпи шулардан келяпти,— хурсанд ўйлади ноиб,— лекин ортиқча ҳақ даъво қилаётганлари йўқ. Борига шукур қиладиган инсофли йигитларни саралаб тўплаганман бу ерга уларни ҳам бир зиёфат қилмоғим даркор».

Ноиб тақачиликдан берироқ тўхтаб, халифани чақир тирди. Бошига бир парча бўздан ихчамгина салла ўраган очиқ кўкрагини сиёрак жун босган, оқсоқ бир киши чопқиллаб келди-ю, от устида турган ноибга кўзи тушиши билан довираб қолди шекилли, тили калимага келмай бирмунча фурсат дудуқланиб турди.

— Хуш кўрдик,— деди ниҳоят ўзини тутиб,— қани марҳамат қилсинлар, кулбамизни обод қилсинлар.

Чўлоқнинг қўрқиб туриши ноибга ёқмади, қалтирашининг сабабига ҳам тушунмади. «Ҳаммасига яхшилик қилсам, отадек меҳрибон бўлсаму қўлимдан келганча ўзимни камтар тутсаму... товба... бари бир кўзларига бир балодек кўринар эканман-да?» деб ўйларкан:

- Сен халифамисан? — деб сўради.
- Шундай, тақсир.
- Ғалаёнчиларга сен ҳам қўшилганмидинг?
- Шайтоннинг васвасасига учибман.
- Бошқа усталар-чи?
- Беш-ўнтасининг феъли сал айнагандек бўлди.
- Неча устага бошсан?
- Олтмиштага, тақсир.
- Уша феъли айнаган беш-ўн устанинг касрига энди ҳаммангни ишдан бўшатаман.
- Тақсир, оёғингизга бош урай, уларнинг гуноҳидан ўтинг. Айтдим-ку, барчаси тавбасига таянди деб.
- Рост сўзлайсанми?
- Худо шоҳид, тақсир.
- Қасам ич бўлмаса.
- Барча азиз авлиёлар ҳаққи қасам ичаман, минбаъд шайтон васвасасига берилмагайлар.

Шакархон чўлоқ халифага ҳам усталарини бир кун зиёфат қилишга етгулик пул бераркан: «Потиҳага менинг номимни қўшиб ўқийсанлар!» деб қайта-қайта тайинлади. Гарчи усталар жон куйдириб ишлаётган ва уларнинг басма-басга ураётган болғасидан чиққан овоз қулоқларни баъзан қилаётган бўлса-да, ноиб у ердан кўнгли тўлмай қайта бошлади. Юрагидаги ғашлик кучайгандек эди. Маҳкамидан чиқаётганида корхоналаримни айлансам ёзиларман деб ўйлаганди, ёзилмади. Ич-ичига қулоқ солиб руҳида май ичмоққа, гўзаллар билан маишат қилмоққа рағбат уйғониб келаётганини сезиб қолди. Шу ҳисни туйиши билан қалбида чироқ ёқилгандек руҳияти ёришиб кетди. Халидан буён ўзига салом берганларга, букилиб таъзим қилганларга ё хўмрайиб қараб, ёки бутунлай кўрмаётгандек ўтиб бораётган эди. Энди май ичиш, гўзал жононлар билан хилватда бўлишни ўйлаб бораркан, шу ўйлар қувончидан лабларида пинҳона табассум ўйнай бошлади. Юзларидаги ҳалиги тупдлик, кўрсликка ўхшаш ифодалар қаёққадир йўқ бўлди.

Х

ЕТИМЛАР

«Ї улнора қизни бу кеча бағримга оламан. Олти ойдан буён суту-қаймоқ билан боқтираман уни. Ё рабби, қил бола ҳам шунақа гўзал, шунақа жозибали бўладими-а? Кўп сулувларни кўксимга босдим, кўп ҳурлиқолар билан

тонготар базмлар қилдим ва лекин бу қизалоқни кўрганимда, ҳай-ҳай, бутун дунёни унутгандек бўламан! Бас, шунча парвариш қилганим, ўзи ҳам ўн олтига тўлди шеклилли, — шу йўсин ширин ўйларга берилиб бораётган ноиб ўзи очган етимхона ёнига бориб қолганини ҳам сезмай қолди. — Аввал ўғил болалар ҳовлисига бир кирай, аҳволларидан хабар олай. Сўнг қизлар ҳовлисига ўтарман. Э тавба, бунча ошиқаяпман, нега бунча бетоқатман? Ахир намозгардан олдин май ичмоққа ўтирмоқлик ғирт кофирнинг иши-ку!»

«Шакархон ноибнинг етимхонаси», деб номланиб гоҳ яхши, гоҳ ёмон маънодаги доврўғи бутун Фарғонага ёйилган бу икки кўрғон бир-бирига бақамти тушган. Баъзан уларни «Кўксарой», «Қизилсарой» деб ҳам номлайдилар. Кўксаройда ўғил болалар, қизил саройда етим қизлар истиқомат қилишади. Етимхоналарнинг ташкил бўлганига йигирма йилларча бўлиб қолган. Ноиб юрт оралаб кўп кезади. Ота-онаси ўлиб, кўчада сарсон қолган сағирларни бу ерга келтириб тарбиясига олади, ўқишга ҳаваси борларни ўқитади, ҳунарга иштиёқмандлари бўлса ҳунарга ўргатади, бир хилларига ўзи оталик қилиб уйлантириб ҳам кўяди. Бу яхшиликлар эвазига хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин шунақанги қаттиқ ишлатадики, бир хиллари болалигидаёқ мажруҳ бўлиб қолишади.

Кўксарой олдидаги супада мудраб ўтирган дарвозабон чол ноиб жаноблари оддан тушаётганини кўриб сакраб ўрнидан турди-да, тезгина бориб кичик йўрғанинг жилловини ушлади:

— Ичкарига кирадиларми? — дея кўрқа-писа сўраб ҳам қўйди.

— Бир айланиб чиқсам девдим.

— Кўп улуғ иш бўларди-да, жаноблари. Фарзандларингиз сизни соғинган. Келмайсиз, хабар олмайсиз. Ахир, бу шўринг қургурларининг кўнгли ярим, бу дунёда сиздан бошқа кими ҳам бор уларнинг?

— Иш кўп, ота.

— Биладан, жаноблари, биладан, Сиз катта юртнинг бошидасиз. Бунинг устига аробакашларнинг ғалаёни... Қани, ичкарига марҳамат. Ҳў, ким бор, кўсани чақиринглар!

Дарвозахонага киришлари билан ҳовли томондан силлиқ юзли, соқол-мўйлаби йўқлиги учун неча ёшдалигини билиб бўлмайдиган, ғўппа семиз бир киши ҳаллослаганча келиб, аввал икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди, сўнг ноиб жанобларига тортинибгина қўл узатди.

— Қани, марҳамат қилсинлар!

Бир танобча келадиган майдоннинг уч томонига пастқам-пастқам уйлар солинган, қуёшга қараб тушган уйлarning олди яхлит айвон. Айвоннинг бир четида шипга тираб той-той увалаларни босиб қўйишибди, бошқа чеккасида болалар уймалашиб ётибди. Киндигигача яланғоч бўлиб олган болалар чангитиб увада савашади. Шунақанги чанг-тўзон кўтарилганки, берироқда арқон тўқиётган болалар худди шамолда қолгандек қуюн ичида йўқ бўлиб кетибди. Сағирлар ноибга кўзлари тушиши билан ўз машғулотларига жон-жаҳдлари билан ёпишдилар, чумчуқдек чирқиллаётганлари ҳам худди қийғир ургандек жим бўлиб қолишди.

— Хўш, Кўса, ишлар қалай? — сўради ноиб.

— Ҳаммаси ўзингиз айтгандек.— Негадир яна таъзим қилиб қўйди Кўса.

— Қани, бир бошдан сўйла-чи.

Сағирларнинг саркори бўлмиш Кўса уларнинг хулқи, юриш-туриши ҳақида тез-тез ахборот бера бошлади: ёши олтидан саккизгача бўлган сағирлар увада савашга ажратилибди, саккиздан ўн ёшгача бўлганлари арқон эшиш билан машғул эканлар, ундан катталари далага жанобларининг ерларига пиёз ўтагани кетишибди. «Тартиббузарларни эса худди жаноблари ўргатганидек қаттиқ жазолаяпман», деб сўзини тугатди Кўса. Шакархон ноиб бола тарбиясида ва умуман тарбияда қаттиққўллик билан меҳрибонлик омухта бўлиши керак деб ҳисоблар ва шунинг учун ҳам бу ерда ўзи ўрнатган тартиботнинг бекаму кўст бажарилишини қаттиқ туриб талаб қиларди. Сағирларга бошлана бераётганим, едириб-ичираётганим катта меҳрибонлик деб билганидан шу меҳрибонлик эвазига улардан фидойи меҳнат талаб қилар, меҳнатга бўй бермаганларини жазолаш худога ҳам хуш келади деб ҳисобларди.

— Менга жазо хонанги кўрсат,— ўз талаблари печоғлик тўғри бажарилаётганлигини текшириб кўрмоқчи бўлди Шакархон.

Кўса ўтишхона билан омборхона оралиғидаги деворлари нураб тушган эски, залворли эшигига катта қулф осилган, даричасиз бир уй яқинида тўхтаб, хожасига қараб жуда ғалати бир алфозда илжайди:

— Ичкарига кирмасалар девдим.

— Сабаб?

— Сал... қоронғироқми дейман.

— Мен қоронғида яхши кўраман.

— Сал... бадбўйроқми дейман.

— Сабаб?

— Ҳожатга чиқармаганим учунми...

— Оч,— кескин қилиб деди ноиб.

Йўқ, бари бир, ичкарига кириб бўлмади. Шакархон хона томон бир қадам қўйди-ю, ўқчиб орқасига қайтди. Чўнтагини пайпаслаб хушбўй атир ҳиди упуриб турган рўмолчасини чиқарди-да, бурнига яқин келтириб узоқ ҳидлади:

— Навбати билан олиб чиқ буёққа.

Кўса хунук илжайди:

— Шериклари олдида мустар бўлишмасмикинлар?

Ноиб жеркиб берди:

— Олиб чиқ!

Кўса етти-саккиз ёшлардаги қипяланғоч, эти суюгига бориб ёпишганидан кўм-кўк қобирғаларини бемалол санаш мумкин бўлган бир болани билагидан сиқиб, диконглатиб олиб чиқди. Боланинг пешонаси дўнг, узун ияги учиб-учиб турибди. Қуёшга ўрғапмаган кўзларини қисиб атрофга бир қаради-ю, шоша-пиша икки қўллаб олдини беркитиб олди.

— Хўш, бу бургутчани нега қамадинг? — сўради Шакархон.

— Текин томоқ бўлгани учун.

— Очиқроқ айт.

— Икки кун давомида увада савамади, дармоним йўқ деб ётгани-ётган.

Ноиб болага яқинроқ келиб қўлидаги рўмолча билан бургутчанинг иягидан кўтарди:

— Нега ишламадинг?

«Бургутча» кўзларини чирт юмиб олди.

— Гапир!

Бола «Менга савағчининг йўғонини берадилар, қўлим тез толиб қолади», деб арз қилмоқчи эди, айтолмади, юмуқ кўзларидан ёш оқиб тушди. «Раҳмим келяпти, лекин бари бир қаттиққўл бўлишим керак!» фикридан ўтди ноибнинг,— менинг бутун бойлигимни, бутун ҳокимиятимни ушлаб турган нарса шу қаттиққўллим. Раҳмдиллик боланинг ўзига ҳам зарар, у латта бўлиб ўсади, интизомни таи олмайдиган бўлиб қолади...»

— Қачон қамадинг бунни?

— Бугун эрталаб.

— Яна бир кун овқат берма.

— Хўп бўлади, хошам.

— Бор, бошқасини олиб чиқ.

Бу ерга ялаиғоч қамашни, қамашанларга уч кун да...

вомида овқат бермаслик, ҳожатга чиқармасликни ҳам ноибнинг ўзи буюрган. Шу сабабли ичкаридан яланғоч чиқаётганлари учун кўпам таажжубланмасди. Навбатдаги бола уч-тўрт ёшли сингилчасини кўтариб чиқди, ношукурлик қилибди. Тайёр уй-жой, тайёр кийим-бош, лаззатли таомлар унга камлик қилиб, қишлоққа, амакисиникига қочиб кетмоқчи бўлибди. Даштдан — Риштонсой бўйидан арабг ушлаб келишибди.

— Бу ноикўрга яна икки кун овқат берма! — жаҳли чиқиб кетди ноибнинг.

Учинчи бола чиқа солиб ноибдан тортиб, ҳў, дарвоза олдида қўлини қовуштириб турган чолбобогача ҳаммаларини бўралаб сўкишга тушди. Кўсаннинг айтишича шакколик қилибди у. Кеча саҳарда чолбобоннинг таҳорат сувига қалампир туз қўшиб қўйибди. Чолбобо кунбўйи бир жойда ўтиролмаб қийналибди.

— Ажаб бўлсин, баттар бўлсин! — деб тинмай жаврарди бола, — таҳоратга сув тайёрла деб ҳар кун азонда уйғотади, уйқуга тўймайман.

— Бир ҳафта овқат берма, бу батаринга! — шундай деб Шакархон қўл силтади-ю, нари кета бошлади. Айвонда ишлаётган болалар хожалари ўзларига яқинлашиб келаётганини кўриб, юмушларини қолдириб, тапир-тупур ўрниларидан туриб, аввалдан ўргатганларидек, чанг-тўзонга ботган бошларини хиёл эгиб қўл қовуштирдилар.

— Сағирлар! — баланд овоз билан мурожаат қилди Кўса, — бу киши ким бўладилар?

Етимлар аввалдан ўргатилган сўзларни жўр бўлиб айта бошладилар:

— Суюкли дадамиз бўладилар!

— Валинеъматимиз бўладилар!

— Пушти паноҳимиздирлар!

Ноиб жаноблари сағирларга келажакда яхши одам бўлишлари учун бу даргоҳда ўзларини қандай тутмоқлари кераклиги ҳақида озроқ панду насиҳат қилмоққа чоғланаётган эди, шу пайт дарвозахона тарафда навкар кўришиб қолди.

— Тинчликми? — шошилиб сўради ноиб.

— Қўқондан чопар келди, — ахборот берди навкар. Шакархон шошилиб маҳкамага жўнади.

САҒИР ҚИЗЛАР ЧИЛДИРМА ЧАЛАДИ

Жанобларини маҳкама дарвозаси олдида тўрт-беш киши қўл қовуштириб кутиб олди. Навкарбоши Зокир калла афтидан хожасининг топшириғини ўринлата олмаганга ўхшайди, сергўшт юзи тунд, хумдек катта калласи хиёл эгилган, якка кифт бўлиб турибди. Ноиб бошқаларига унчалик аҳамият бермай, саломларига алик ҳам олмай хўмрайганча ичкарига ўтиб кетди.

— Тинчликми? — норози бир оҳангда сўради мирзосидан.

— Худо хоҳласа тинчлик, жаноблари.

— Нега одам юбординг?

— Қўқондан нома бор.

— Нома?

— Шундай жаноблари.

Нома сургичланиб, сургич устига тамға босилган. Демак, полковник жанобларидан, ишқилиб тинчлик бўлсинда! Шакархон қалтироқ қўллари билан нома устидаги сургични авайлаб кўчираётган экан «Худоё тинчлик бўлсинда!» деб қўйди яна. Сўнг русча битилган номани шошилиб ўқий бошлади.

«Шакархон ноиб жанобларига!

Ғалаёнларни тинч-тоғувлик билан бартараф қилганлигингиз хусусида ҳозиргина ахборот келтирдилар. Император аъло ҳазратлари номларидан шахсан ўзингизга ва бу оғир ишда сизга кўмакдош бўлган Хон эшон ҳазратларига, даҳа мингбошиларига ташаккур эълон қиламан.

Ўзларини бир кўрмоққа муштоқ эканлигимни арз қилиб қолурман.

*Қўқон уездининг ҳоқими
полковник МЕДИНСКИЙ...»*

«Муштоқ эмишлар, — гижиниб қўйди Шакархон, — менга эмас, пулларимга муштоқсан».

— Мирза!

— Лаббай жаноблари?

— Навкарбошини чақир.

— Бош устига.

Хиёл ўтмай остонада Зокир калла кўринди ҳамон тунд, бузоқчаникидек оппоқ тилини чиқариб қалин, пўрсилдоқ лабларини ялаб-ялаб жим тураверди.

— Гапир! — ўшқириб берди ноиб.

— Хон эшон ҳазратларининг димоғи балад,— қўрқарипса гап бошлади навкарбоши,— бериб юборган қўйингизни олмади. Навкарлар ва миршаблар мусулмонларни калтаклагани учун қаттиқ норози эканлар.

— Шундай дедими?

— Шунга ўхшаш гапларни айтди.

— Чиқ, энди, айт, старшина кирсин.

— Жаноблари?

— Чиқ деяпман.

Старшина Темирбек етимхонада катта бўлган. Бирмунча фурсат Искобилдаги рус-тузем мактабида таҳсил ҳам кўрган. Аммо беқунт ва уқувсизлиги туфайли таҳсилни чала ташлаб келган. Ноиб уни ўзи унча-мунча дилхушлик қилиб юрган етим қизларидан бирига уйлантириб, ўтган йили миршабхона нозирлигига тайинлади. Темирдек дўмбоққина йигит, жиндек овсарлиги ва довдирлиги ҳам бор. Шунинг учун ҳам кўпинча дўппи олиб кел деса, бош кесиб келади.

— Ассалому алайкўм, дада!— деди у остонага қадам қўяр-қўймас.

Ноиб хўмрайиб қўйди:

— Бу ерда мени дада демагин деб неча бор айтдим сенга!? Хўш, гапир.

— Муртазинни ушлаб келдим.

— Ҳеч ким сезмадими?

— Йўқ, дада... кечирасиз, жаноблари, ҳеч ким сезгани йўқ. Аравакашлар уни Олтиариқ йўлигача кузатиб боришди. Хайрлашиб орқаларига қайтишгач, Муртазин ёлғиз қолганини кўриб тўрт йигитим билан устига бостириб бордим-у, бошига тўн ёпдим, сўнг пахта қопланадиган қанор қопга солдим-да, оғзини боғлаб отга ўнгардим.

— Қаерда у? — гапни бўлди ноиб.

— Миршабхонада.

— Қопдами?

— Худди шундай.

— Шундайлигича келтир буюёққа, токи бузғунчининг юзини ҳеч ким кўрмасин.

Хиёл ўтмай тўрт азамат миршаб худди кафанга ўралган мурдани кўтаргандек бири бошидан, бири оёғидан олиб бандини ичкари олиб киришди. Хонанинг кираверишига чўзилтириб ётқизишаётган эди, ноиб турғизиб, деворга суяб қўйинглар, деб буюрди.

— Юзини очмайми? — сўради Темирбек.

Шакарбек асабий қўл силтади:

— Большевикнинг юзини кўришга тоқатим йўқ. Мен бу бузғунчи билан шу ҳолида гаплашмоқчиман. Хўш, Муртазин жаноблари гапирсинлар, иш ҳақини пича ошириб қўйми?

— Қопдан чиқар мени, ҳаво етишмаяпти.

— Нега менинг ишчиларимни йўлдан урдинг?

Қопдан яна овоз чиқди:

— Мен билан гаплашмоқчимисан?

— Табаррук овозларини бир эшитай девдим.

— Қопнинг оғзини еч бўлмаса.

— Йўқ, жаноби большевик, менга шундай гаплашиш ҳуш сўқпти. Ҳа, ҳа, худди шундай гаплашамиз. Рақибларимни тузоққа туширишга жуда устаман, буни билиб қўйсинлар! Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлини, Мақсуд қорини ўзингга шерик қилиб жиноят йўлига тортмоқчи бўлибсанда? Келиб-кетиб юрганингни олдинроқ эшитган эдим. Аммо арқонни атайлаб узун ташлаб қўйгандим. Гапир, нега уларни йўлдан урдинг?

— Улар бировнинг ташвиқотига учадиган йигитлар эмас.

— Сенинг ташвиқотингга учди-ку?

— Ўз ҳақларини, ҳуқуқларини даъво қиляпти улар.

— Сен нимани даъво қиляпсан бўлмаса?

Қоп ичидан ожиз, жуда ҳам ожиз овоз эшитилди:

— Қопдан чиқар мени, номард!

— Хўп, чиқардим ҳам дейлик, унда нима қилардинг?

— Афтингга бир тупуриб олардим, жоҳил.

Шакархон қўли билан олиб чиқинг дея ишора қилди.

— Қайси авахтага ташлаймиз буни? — шошилиб сўради Темирбек.

— Отхона остига, — буюрди ноиб, — бир ҳафта овқат берма унга.

— Қўқонга жўната қолсакмикан девдим? — тортинibroқ сўради старшина.

Шакархон бош чайқади:

— Ҳали мен аламимдан чиққанамча йўқ.

— Бузрук билан Мақсуд қорини ҳам ҳибсга олайми?

— Сабр қил, ўғлим, галаён сал босилсин, оламиз. Лекин бошқа бир айбни бўйнига қўйиб оламиз. Орқаларидан олам қўй, ҳар бир қадамини зимдан кузатиб туришсин.

Ноиб етим қизлар ҳузурига ошиқаётганди. Шу сабабли Муртазинни ортиқча саволга тутмай, уни қийнашни, қийнаб-қийнаб аламидан чиқишни кейинга қолдирди. Халтани тўладириб ширинлик ва темир сандиғини очиб бирикки қимматбаҳо тақинчоқ олган бўлди-да, мирзосига ме-

ни эрталабгача ахтарма дея топшириқ бериб сағиралар ҳузурига жўнадн.

Қизил сарой дарвозасига, одатда, намозшом пайтидаёқ қулф солиниб кирди-чиқди таққа тўхтагувчи эди. Аммо бугун негадир дарвоза, гарчи берк бўлса ҳам, ичкаридан танбаламаган экан. Ноиб жаноблари остонадап енгил ҳатлаб ўтди-ю, бир нафас анграйиб қолгандек бўлди: ҳовли тўла қиз, худди уясига сув кетган чумолидек ғимирлашиб ётибди. Бирови чангитиб айвон супурган, бирови кун бўйи пилла қайнатилган катта қозонлар остидан пуф-пуфлаб кул олган, яна бири ошхона тарафга ўтин олиб чошган. Баъзи қизалоқлар афтидан кундуз бўш фурсат топа олмаган бўлса керак, атрофга қоронғи тушиб қолган бўлишига ҳам қарамай, чизмачизиқ ўйнашар, бпр-икки деб санашиб, тўп уришар, тўп ҳаводаи қайтиб тушгунча гир айланиб ҳам олишар эди.

Бу ерда ҳам худди ўғил болалар бўлмасида бўлгани каби ғоят қаттиқ тартиб ўрнатилган. Қирқ тўрт сағиранинг биронтаси ҳам бекор турмайди: чарх йнгиришади, пилла қайнатишади, палакка гул босишади, дўппи тикишади, гоҳо мўлжалдаги юмуш битмай қолса тонг отгунча ҳам мижжа қоқишмайди. Уч бева уларга бош-қош. Бирн дарвозабон, бири ошпаз, бири ишбоши. Сағираларга ўн беш кунда бир марта ташқарига чиқишга изн берилади: бўй етган қизлар жория ая назоратида ҳаммомга боришади, кичкиналари гоҳо меҳрибон дадалари ноибнинг боғига бориб сайр-томоша қилиб қайтишади.

Шакархон ноиб дарвозахона олдида кўриниши билан қизалоқлар чопқиллаб келишиб ҳар томондан қуршаб олишди:

— Менга дандон беринг!

— Мен пистали ҳалвони яхши кўраман, — дейишиб худди қознқдаги гўштга сакраган мушук болалардек ноибнинг боши узра кўтариб турган халтачага талпина бошладилар.

Тартибни ва бу тартибнинг адолатли ҳам бўлмоғини хуш кўрган ноиб қизалоқларнинг ҳеч бирини қуруқ қолдирмади. Халтачадаги қанд-қурслардан чекка-чеккада иймаиб турган қизалоқларга ҳам насиба улашди. Бир хилларининг пешонасидаи, бир хилларининг юзидан ўпаркан:

— Попук қизим, дандон қизим! — дея эркалаб ҳам қўйдн.

Ёши қирқларга бориб қолган бўлса ҳам икки бети қип-қизил, яноқлари лов-лов ёниб турган, гажакдор жория

бўш халтани ноибнинг қўлидан оларкан, қоп-қора кўзларини алланечук сузиб, ғамзали бир оҳангда:

— Бизга-чи, бегим? — деб сўради.

Ноиб ёқимли жилмайди:

— Бўйдан, сиз дандонни кўп шимиғансиз.

Жория жарағли овоз билан хандон отиб кулди:

— Соғиниб қолган бўлсам-чи?

Ноиб аёлнинг қочирмалари остига қанақа маъно беркитилганини сезиб турган бўлса ҳам, ўзини ҳеч нарса туншунмаганга есди ва қовоғини хиёл уйиб овозига ҳам жиддийроқ оҳанг берди:

— Хўш, Солиябону, бу ерда аҳвол қалай?

Солиябонунинг чиройли юзидаги кишини қитиқлаб, эҳтиросини ёндирувчи ҳалиги ишваю ғамза қаёққадир йўқ бўлди:

— Худога шукур, сояйи давлатингизда,— деб қўйди аёл. Сўнг тортиниброқ қўшимча қилди: — Бизни кам йўқлайдиган бўлиб қолдингиз, бегим?

— Иш кўп, бону.

— Худо олсин ўша ишниям,— аёл ишва билан бир жилмайиб қўйди,— бу кеча меҳмон бўласизми? Шамсияхон сизни бетоқат кутяпти. Гул деганни узгандан кейин уни тез-тез ҳидлаб туриш керак, бўлмаса сўлиб қолади-я, бегим.

— Гулнорани тайёрла девдим-ку?

Солиябону жавоб қайтаришга улгурмади. Хожалари ҳовли ўртасида турганини кўрган бошқа икки хизматкор аёл салом бергани келишди. Икковлари баробар таъзим қилишди-ю, шу билан бирга ичкарига жой ҳозирлаганлигини ҳам маълум қилишиб, эгилганларича орқаларига тисарила бошладилар.

Ҳовлининг энг тўрисидаги Солиябону истиқомат қиладиган хонага атлас кўрпачалар тўшаб, девор томонга бахмал парқулар қўйишиб жой тайёрлашибди. Тепада қирқинчи фонус ёниб турибди, дастурхонга қанд-қурс, ёғли патирлар қўйилган.

Солиябону хожасининг биқинига димоғни эркаловчи хушбўй атирлар сепилган пар ёстиқлардан тўрт-бештасини қўяркан:

— Таомга нима буюрадилар, бегим,— деб сўради.

— Ниманг бор?

— Каклик гўшти.

— Яна?

— Жўнатган бедоналарингизни қорамурч сепиб тайёрлаб қўйганман.

- Ичкиликка-чи?
- Хоҳлаган хилингиздан бор, бегим.
- Бону, сен ўзи ажойибсан-да!
- Э бегим, ажойиблигим қолибдими. Оёғингизни уқалаб қўяйми?
- Ҳожати йўқ.
- Қизлар ўйин қилиб беришсинми?
- Майли.

Солнябону «ҳо ёқмай қолсин!» дея яна бир ноз-карашма қилди-да, енгил қадам ташлаб ташқарига чиқиб кетди. Бошқа бир жорня патнисни тўлдириб, яна позу неъмат олиб кирди. Қандай овозсиз кирган бўлса, шундай шарпасиз чиқиб кета бошладди. Ноиб унга ҳам бирор оғиз ширинроқ сўз айтмоқчи бўлдию, аммо бутун хаёли Гулнорада бўлгани учун, мос сўзни топа олмади чоғи, қўл силтаб қолди. «Нега у қанд шимгани чиқмади. Бошқа қизлар пойимни ўпишга тайёру, у бўлса ноз-фироқ қилади,— дея ўйлади Шакархон,— қизиқ, у орқага тисарилган сари мен баттарроқ талпинаман, а? Нима бало, севиб қолдиммикан уни, тавба, бир камим шу эди. Шунча ғалва устига бошимга бу ғишаваниям орттириб олсам-а. Йўқ, бу кечадан қолдирмай пуйпалаб ташлайман сен ҳуркак қизни! Ана ундан кейин ўзинг орқамдан чопқиллаб юрадиган бўлиб қоласан...».

Ташқарида, ноиб ўтирган хонанинг қаршисида, даричанинг шундоққина остида қизлар чилдирма чалиб ўйин бошлаб юборишди. Аввалига яхши қизимаган якка чилдирманинг дўпиллаган ва дўпиллагани учун ҳам ғашни келтирадиган овози эшитилиб турди. Сўнг, тўсатдан қўшчилдирманинг этларни зирқиратиб юборувчи оҳангдор садолари янграб қолди. Шакархон даричага яқинроқ сурилиб, бир қанотини қия очди-ю, ҳовлига суқланиб назар ташлай бошлади. Афтидан сағираларнинг барчасини, битта қолдирмай қувиб чиқишганга ўхшайди, ҳовли тўлиб кетибди. Енбош туриб чилдирма ураётган иккови қизни ҳам Шакархон дарров таниди, Фотима-Зухролар булар. Беш йилча бўлди уларни бу ерга келтирганига. «Бўйларни стиб қолибди, сийналари ҳам бўртибди.

Кўкраги муштдеккина,
Сойдаги тошдеккина.
Ҳовучингга жой бўлур,
Бир ошам ошдеккина,—

Шакархон бир маҳаллар ўзи тўқнаган шеърни завқ билан такрорлай бошлати,— оналари хўб ҳусндор жувон эди. Том босиб ўлувди шекилли, ҳа, том босиб ўлганди.

Лекин бирор йиллардан кейин жуда етилишади-да. Қай бирини олдин ҳидласа экан?.. Анави ўйнаётган ким бўлди, ня, қирғиз қиз-ку! Оббо пучуғ-ей, сенам ўйинга тушадиган бўлиб қолдингми? Э тавба, ё вақт тез ўтяпти, ё мен ҳеч нарсага улгурмаяпман. Ахир боғимдаги бу атиргулларни нега энди тез-тез ҳидлаб турмайман? Лекин... Гулнора бу ерда ҳам кўринмаяпти, нега чиқмади экан? Эҳтимол уни чўмилтиришаётгандир. Таомил шундай, аввал чўмилтиришади, атир-упалар сепиб кийинтиришади. Сўнг... Э худойим, нега мен бугун ҳаяжонимни босолмаяпман. Ростини ўйин ҳам ёқмаяпти ҳозир, гашим келяпти...»

Солиябону катта кумуш баркашда қуш гўштидан тайёрланган қовурдоқ олиб кирди. Дастурхонга қўйди-ю, даричадан мўралаб ўтирган хожасиннинг хаёлини бўлмаслик учун оёқ учида юриб, хона тўрига ўтди. Уйнинг тўрисини яхлит қоплаб тушган кўк парда ортида, икки тахмон ўртасида бир табақали эшикча бор экан, овозсиз очиб ўша ёққа ўтиб анча маҳал йўқ бўлиб кетди. Қўлида кумуш кўзача, яна оҳиста-оҳиста юриб чиқиб келаётган эди, ноиб жаноблари ташқаридан кўзини олмай:

— Жойини ўша ёққа кўчирмоқчимисан? — деб сўради.

— Агар хоҳласалар.

— Бор, тезроқ Гулнорани олиб кел.

— Бегим, бир қошиқ қонимдан кечинг.

— Хўш?

— У қаттиқ иситмалаб ётибди.

Ноиб жаноблари илқис бир ҳаракат билан ўрнидан қўзғалди-ю, ёнбошидаги ёстиқларни нари итариб чордана қурди:

— Иситмалаб?

— Ҳа бегим,— худди узр сўраётгандек бир оҳангда деди Солиябону,— ҳатто бугун бир-икки бор ўзидан ҳам кетиб қолди.

— Табиб чақирмадингми?

— Узр, эсимга келмабди, бегим.

Ноиб шу дақиқада ғалати бир ҳолатни бошидан кечирмоқда эди. Қўл-оёғи бўшашиб борлигини сезмай қолди. Назарида ўпқон ўпирилдию, шу тубсиз йўқликка тушиб кетаётгандек ҳис қилди ўзини. Пешиндан буён томирларида ёниб турган ҳирс олови ўчиш ўрнига баттар аланга олиб кетганиданми энтикиб нафаси ҳам қисила бошлади. Қаршисидаги таниоз жувоннинг бўйнидаги шода-шода марваридларига, қулоғидаги чироқ ёруғида ял-ял ёниб турган болдоғига шуурсиз бир ҳолда узоқ тикилиб қолди:

— Ўрнидан туролмайдимми?

— Вой, бегим, алаҳлаб ётибди.

Ноибнинг оқ оралаган қошлари пасту баланд бўлиб кетди. Бир турди, бир ўтирди, ҳалиги кумуш кўзачада жория ичкаридан май олиб чиққан экан, қултиллашиб чинни косани тўлдирдию, бир кўтарганда ичиб юборди. Қуш гўшти совий деб қолган экан, ейишга тушиб, суякларини қарс-қурс чайнай бошлади. Жаҳли чиққани, алами ошиб бораётгани шундоққина кўриниб турарди. Хожасининг феълини яхши билган Солиябону қўрққанидан ўтирган жойда ўтириб қолди, гап қўшгани ботинолмас, чиқиб кетишга юраги бетламас эди:

— Бегим,— деди ниҳоят юрак ютиб.

— Гапир,— дея қўйди кўзачадаги мусалласнинг қолган кутганини чиннига қуяётган ноиб.

— Кўнглингиз хушлаганини айтинг.

— Шамсияни олиб кел бўлмаса, қайтага ўша момиқ-деккина эди.

Солиябону шошилиб ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Қизлар ўйини эса авжига чиқиб борар эди.

ХИ

ОНАИЗОРНИНГ ТАШВИШИ

Бу йил ёз беҳад иссиқ келди, жавзо охирлаб, саратон кириши билан қуёш теппада тик туриб қолгандек бўлди. Туну кун бир хилда олов пуркаб ҳаммаёқни тандирдек қиздириб турибди. На кундузи нафас олиб бўлади, на кечаси. Лекин бир азобнинг бир роҳати бор деганларидек, эҳтимолки, худо барорини бериб бу йил ҳосил яхши битса, мевалар ширадор бўлса. «Илоё шундай бўлсин!» фикридан ўтказди Зиёдабиби ая мисдек қизиб турган юзини бўз кўйлагини узун енги билан елиб,— худоё элга берсин, эл қатори бизга ҳам берсин. Жўхориларни яхши пуллаб Бузруккинамни уйлантириб олайлик. Тегиқурлари болалик бўлишди, у бўлса ҳамон мустар юрибди. Сабр қилинг ўзим ишлаб топай, кекса дадамни уринтиришни истамайман, дейди-я! Бунча ҳам меҳрибон бўлмасанг, эркатойим... Галаён деганлари нимаси бўлди-а? Тинчгина ишлаб юрувдинг шекилли, болагинам, ишқилиб сен уларга қўшилмаган бўлгин-да. Дадаси топдимкан уни, учрата олмаган бўлса-я! Э худойим, қанақа кунларга қолдик-а...»

— Отинбиби ая, Саддиниса опамни қаранг, тахтамга туфлаб қўйди,— йнглаб юборди бир қизча.

Зиёдабиби ая сесканиб тушгандек бўлди. Тубсиз ўйлар га берилиб қалабаларни унутгани учун хижолат **чекит** худди узр сўраётгандек сабоқ ўрганаётган қизчаларга бир бир назар ташлаб чиқди.

Катта айвонда чўкка тушиб, ҳар бири ўз тахтасига кў: тикиб, бири ёзиб, бири ўқиб ўтирган қизалоқлар, гарчи ҳали Отинбиби ая ўз ўйларига берилиб кетган паллада бир-бирини қитиқлаб, бир-бирининг биқинини чимдиб, го ҳо шичирлашиб ҳам ўтиришган бўлса-да, аялари бошини кўтарганини кўриб, у кишининг наздида берилиб ўқиётган бўлиб кўриниш умидида атайлаб баланд овоз билан қиро ат бошладилар.

— Йиғлаган қайси биринг? — сўради Отинбиби ая.

Саккиз-тўққиз ёшлардаги кулча юзли қизча ҳиқиллаб ўрнидан турди:

— Садинниса опам тахтамга туфлаб қўйди.

Қизалоқнинг ёнгинасида ўтирган ёши ўн тўртга тўли бўйи қизлар нуқси уриб қолган, қора кўз, қора қош Садиннисо ҳам шошилиб ўрнидан турди. Отинбиби аясига уз айта бошлади. Билмасдан чучкириб юборган экан, тупу ги сачраб кетибди, рўмолчаси билан тахтасини тозалаб берай деса қизалоқ кўнмаётган эмиш. Отинбиби ая: «Шири қизим, чучкурук келганда кафтинг билан оғзингни тўси лоилоҳо валоқуввато деб калима ўгириб қўй, бўлмаса оғзингга шайтон кириб қолади», дея насиҳат қилган бўлди. Садиннисо минбаъд шундай қилишга сўз бериб ўрниг ўтираётганди, Отинбиби ая уни чақириб ёнидан жой кўрсатди, ўзидан кичикларни хафа қилиш гуноҳи азим бўлади, дея яна бир бор танбеҳ берган бўлди.

Садиннисонинг ота-опаси оламдан ўтиб икки укаси билан аёлмайд опасининг қўлида қолган. Отинбиби ая уни сабоқ тинглашга ўзи олдириб келган. Мактабга кечикинроқ қатнай бошлагани учун унга қўшимча сабоқлар бери туради, кўпроқ талаб ҳам қилади.

— Ёнимда ўтирасан, — деб қўйди Отинбиби ая суюкл талабасининг сочини силаб... Уттиз йилларча бўлди аянинг мактабдорлик қилаётганига. Етим-есирларнинг, бевбечораларнинг кўзини очсам, зулмат қоронғусида қоли кетмаса дейди. «Эркак зотига савоб иш қилмоқ учун худ йи таолло беш имконият берган, — деб ўйлайди баъзан Отинбиби ая. — Хотин зотига уч имконият ато қилибди. Ҳажж бориб савоб олган хотинлар кўп, кампирровот дейдила хотинкўприк дейдилар, демак, савоб олмоқ учун равақурган, кўприк солган ожизалар ҳам бисёр бўлган. Ҳақта локи қўлимизни калта яратиб ҳажга бормоқ, йўл қурмо

ни раво кўрмабди, нега энди муслиму муслималар қалби-га нури-зиё бўлиб дилини чароғон қилмас эканман. Худо қанча умр берган бўлса ҳаммасини рўшноликка сарфлайман. Биздек мазлумалар учун энг катта савоб шу, худо шундан бенасиб қилмасин».

Ёши элликларга бориб қолган бу аёлнинг қошу кўзларида, бугдойранг юзларида бир маҳаллар барқ урган ёшлик гўзаллиги ҳамон сақланиб, бутун борлигини нурлантириб турарди. Ҳали тўкилиб улгурмаган сочларининг қорасидан оқи кўпроқ, чўзиққа мойил юзларига, кенг пешонасига турмуш машаққатлари билинар-билинимас ажинлар ташлаб кетган. Ғамгин кўзларида ҳаминша ўйчан бир нур ёниб турган Зиёда ая Уйрат, Пандигон аёлларининг хулқ-ахлоқини, маънавий дунёсини, руҳиятини ич-ичидан нурлантириб турувчи бир ёлқиндек эди. Аёлларнинг бирон йиғини Отинбиби аянинг иштирокисиз ўтмайди. «Мушкулкушод», «Бибисешанба», «Мавлуд»ларда маъруфий суҳбатлар қуради. Инсоф, шафқат, раҳмдиллик бу мажлисларга мавзу бўлади. Беш кунлик фоний дунёда яхшилик қилиб қолган бандасигина боқий дунёга ёруғ юз билан бориши мумкинлиги ҳақида ривоятлар айтилади. Мавлоно Навоий, мавлоно Ҳофиз, мавлоно Бедилларнинг баёзларидан ўқилиб, тавсифлар айтилади...

Отинбиби ая Садинисонинг тахтасини қўлига ола туриб:

— Опангнинг соғлиги яхшими? — деб сўради.

— Алҳамдилуллоҳ! — деб қўйди қизалоқ Отинбиби ая ўргатгандек қилиб.

— Укаларинг-чи?

— Мол боққани кетдилар.

— Ноиб жанобларининг етимхонасига бормай яхши қилибсизлар, қизим.

— Поччам кўнмадилар. Мен оч бўлсам оч, тўқ бўлсам тўқсизлар дедилар.

— Кўп раҳмдил поччанг бор-да, қизим. Уни ҳурмат қилинглар, хўпми? Унга ҳам осон эмас, ўзи ҳам жўжабирдек жон... қайтаётганингда эсимга солгин, укаларингга егулик бериб юбораман. Худоё етим қўзиларнинг бахти очилсин... Қани, тахтангни менга бер-чи, баракалла! Айт-чи, мана бу ҳарфнинг номи нима?

— Алиф.

— Буниси-чи?

— Бе.

— Буниси-чи?

— Ҳозир... бу — Айн,

- Бу?
- Гайн.
- Бу?
- Итқи, йўқ, изғи...

— Баракалло, дилбарим. Зеҳнинг жуда ўткир. Худо хоҳласа кам бўлмайсан. Қани айт-чи, алиф ҳақида Девонан Машраб нима деганлар?

- Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим.
- Шеҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим.

Саддинисо шеърни шундай тез ҳам баланд овоз билан ўқий бошладики, сабоқ ўрганаётган бошқа қизлар машғулотини тўхтатиб, унга маҳлиё бўлиб қолдилар. Отинбиби ая бу тиллари бурро шогирдининг зеҳни ҳам ўткирлигини бошқа талабаларга кўз-кўзлаш умидида шеърнинг қолган қисминни ҳам ўқишга изн берди-ю, охирида «худо хоҳласа, сен ширмой юзлигим, ҳаммани йўлда қолдириб кетасан», деб қўйди. Сўнг машғулоти якунлаш тараддудига тушиб ёнидаги бир тахтани боши узра баланд кўтарди:

— Қани, ўқинглар-чи?

Тахтагача битилган сурани сабоқ бошлаш олдида ва якунлаш пайтида ҳаммалари баланд овоз билан ўқир ва шунинг учун ёдлаб ҳам олган эдилар. Сурани яна жўр овоз билан чувиллаб ўқий бошладилар:

— Талабул илму, фаризатан овлокулли муслимен ва муслиматун.

Отинбиби ая энди боши узра бошқа бир тахтани кўтарди:

— Бундаги хатни ҳам ўқинглар!

Қизлар яна жўр овоз бўлишди:

— Барча мусулмон ўғил-қиз учун илм олмоқ фарздир.

— Баракалла қизларим, — ғовурни босиб деди Зиёда ая, — бу сўзларни унутсангизлар не бўлади?

— Қулоғимизни кесиб оласиз.

«Қулоқ жойида турганда фойдали, фақат бу ҳикматни ҳеч қачон унутманглар», — шундай деб Отинбиби ая қизларга жавоб бериб юборди. Негадир қўзғалгиси келмай уюшган оёқларини уқалаб, райҳон дастаси билан юзларини елпий-елпий ўтиргандан ўтириб қолди. Яна хаёли қочди. Бузрукхўжасини ўйлай бошлади. «Ишқилиб дадаси уни топган бўлсин-да, — дея хўрсиниб қўйди. — Тавба қилдим худо-ей, ўзи шу болам сал бошқачароқ бўлди-да. Доя кампир кўзи очиқ туғилди дегандилар, ўшандаёқ юрагим бир нарсани сезгандек бўлувди-я!... Раҳмдиллиги, меҳрибонлиги мендан ўтди шкилли, оқ кўнгиллиги, қувноқлиги, доно-

лиги дадасидан, бетоқатлиги, кескинлиги, чўрткесарлиги раҳматли бобосидан юқди шекилли. Гўрнинг тўла нур бўлгур раҳматли Боймат бобомиз шунақа эдилар. Қаёқдаги жанжалларга аралашиб, аллакимлар билан муштлашганлари муштлашган эди... Тавба қилдим-ей, одам боласини тушроқдан пайдо бўлади дейдилару, вужудига, бари бир, ота-онасининг феълу-атвори жо бўларканда. Демак, менинг қиёфамда раҳматли дадам, жаннатмакон онагинам яшаётган эканлар-да. Менинг фикрим, ўйларим, кечинмаларим уларда бўлган фикрлар, ўйларнинг давоми экан-да. Умр тугаб, қазо куни етганда, жон узилиб аршу аълога учиб кетмас экан-да. Ўғилларига, қизларига ўтиб яна яшайберар экан-да... Эй тавба! Астаффурилло, астаффурилло, нега мен бундай куфр ўйларга бориб қолдим, ўзинг кечир парвардигор!.. Йўқ, Бузруккинамни тезроқ уйлантириб қўл-оёғини боғлаб олмасам бўлмайди. Аллақандай ўрислар билан ошночилиги бор. Тагин битта-яримта малласочлигини етаклаб келиб ўтирса-я!.. Нега энди улар билан бунчалик нони-қатиқ бўлиб қолди экан? Ўрисда ҳақиқат туйғуси баланд дейди. Йўғ-е, наҳотки ғайридинда ҳақиқат бору, мусулмонда у тугаб қолган бўлса!.. Йўқ, менинг ақлу ожизим бу гапларнинг поёнига етолмайди, тушунмайман... Нима бўлса ҳам тезроқ уйлантириб олсам бас».

Отинбиби ая дарбадар юрган ўғлини беҳад соғинган эди, шу боис нима ҳақда ўйламасин ўйларининг охири беихтиёр Бузрукхўжасига бориб тақалаётганди. Туриб улбул нарсага овуниб оғир, юракни эзувчи ўйлардан қутилмоқчи бўлди.

ХIII

ГУЛНОРАНИНГ МАҚТУБИ

Кўча эшикнинг қўш табақаси баробарига шарақлаб очилиб кетди. Усмонхўжа отагина эшикни шунақа очади, девқоматли бир киши эмасми, якка табақасига сиғмайди. «Вой худойим-ей, тинчликмикан? — шошилиб ўрнидан турди Отинбиби ая:

— Тинчликмикан? — деб сўради яна сабри чидamay.

— Тинчлик, аяси, тинчлик.

Усмонхўжа ота елкасидаги оғир хуржунни айвоннинг устунига суяб тушира бошлади.

— Тезроқ гапирсангиз-чи!

— Тўхта салламни ҳам олиб қўяй. Шу зормандага ҳеч ўргана олмадим-да.

— Астафурилло денг, саллани сўкиб бўлмайдн.

Усмонхўжа ота саводсиз, оми бир киши. Лекин ҳамюртлари уни негадир «Эшон ота» деб улуғлайдилар. Бу унга хуш ёқади. Назарида мартабаси анча ошгандек сезади ўзини. Шу ҳурматдан бенасиб қолишни истамай уёқ-буёққа борганида худди катта эшонларга ўхшаб бошига оқ симобий салла ўраб боради. Бошқа ҳамюртлари қатори масжидга қатнаб туради-ю, сураларнинг кўпини ёд билмайди. Хуфтон намозининг сўнггига замланадиган «Дуои кунут» деб аталадиган бир сура бор. Бир куни масжид имоми сура «хуфтон»нинг охирига қўшилмаса кунбўйи ўқилган намоз ижобат бўлмайди ва демак, савоби ҳам тегмайди, деди. Ёши улғайиб, кўнглига нариги дунё ваҳимаси тушиб қолган Эшон ота Зиёдабиби ая ёрдамида бу сурани бир амаллаб ёд олди. «Кўп улуғ иш бўлибди,— деди имом,— энди Отинбиби сизга устоз бўлибдилар. Энди у кишига қаттиқ гапира кўрманг, икки дунёингиз куйиб кетади». Рўзғор эмасми, гоҳо аччиқ-тизиқ ҳам бўлиб туради-да, бундай пайтда Эшон ота хотинига ўшқириб аламини олмоқчи бўлар, аммо нариги дунёси куйиб кетишидан қўрқиб, «хўп тузоққа илинтириб олгансан-да!» дея қўл силтаб кўчага чиқиб кетар эди.

Усмонхўжа ота салласини олиб хонтахта устига қўйди. Белига қат-қат боғлаган белбоғидан бирини ечиб ҳузур қилиб елпина бошлади.

— Ҳой, дадаси, тезроқ гапирсангиз-чи,— қистади Отинбиби ая,— Бузрукни кўрдингизми?

— Кўрдим аясн,— Эшон ота бошини орқага қилиб энди томоқларини остини елпий бошлади.— Уғлинг катта одам бўлиб кетибди, ҳамма ундан маслаҳат сўраган.

— Вой худойим-ей!

— Бутун ғалаёнга, назаримда Муртазин икковлари бошчилик қилаётганга ўхшайди.

— Муртазини ким бўлди?

— Бузрук билан келиб юрарди-ку?

— Болагинамни қамаб қўйишса-я!

— Қўрқма, аясн, қамашмайди. Атрофини уч юз йигит кўриқлаб турибди. Яхна чойинг йўқми?

— Низо нимадан чиқибди?

— Низо эмас, аясн, шаҳарлилар бунн иш ташлаш дейишади. Шаҳар кўрмагансан-да. Шунинг учун гап нимадалигини билмайсан. Ҳақ талаб қилишади, берсанг бердинг, бермасанг чатоғингни чиқарамиз деб ғалаён кўтаришади. Урислар ўргатган бунн, ўрис халқи ҳақини бировга едирмайдиган бўларкан...

Отинбиби аянинг кўнгли, бари бир таскин топмади. «Дадаси ҳамма гапни айтмаяптилар,— деб ўйларди у,— одалари шунақа, кўчадаги ваҳимани уйга, уйдаги гуссани ташқарига олиб чиқмайдилар. Аслида ўзим борсам бўларкан... Худоё болагинамни ўзинг паноҳингда асра!».

— Ошни едирдингизми, болагинам пўхатли паловни яхши кўрарди?

— Жўралари билан ўртага қўйишди,— мамнун давом этди Эшон ота, — бай-бай-бай, кун ёниб кетяпти-ку, а, янашг йўқми деяпман?

— Кейин-чи, кейин нима қилдингиз?

— Кейинми, об-бо Отин ойи-ей, ҳаммасини билгинг келади-я. Кейин бозорга ўтиб кирсовун олдим, бир шиша понор ёғи харид қилдим... Кейин пистали халво олдим...

— Пулнинг бошига сув қўйиб келгандирсиз-да? — норози бир оҳангда сўради Зиёдабиби ая.

Бутун умри далада гоҳ қўш ҳайдаб, гоҳ кетмон чопиб ўтиб бораётган Эшон ота пул санашни билмас, бир-биридан ажратиш учун «катта пул, кичкина пул» деб қўя қоларди. Ҳозир ҳам ўзини оқламоқчи бўлиб:

— Узиям кичкина пул берган экансан-да,— деб хотини келтирган кўзадаги муздек сувни пиёлага қўйишга тоқати чидамай кўтариб ича бошлади. Кўзани бўшатиб ёнига қўяркан, ҳузур қилгандек кўзларини сузиб, кафти билан лабини, сув томган соқолларини арта бошлади.

— Вой худойим-ей, бунча ютоқмасангиз!

— Кабоб евдим.

— Кўп ебмидингиз?

— Унча кўп ҳам эмас, айтдим-ку, пулни кичкинасидан берибсан деб, ўттизта сихга аранг етди, холос.

Зиёда ая жарангли, бўй қизлариникидей беғубор бир овоз билан хандон отиб кулиб юборди. Эрининг соддалигидан, ёш болага ўхшаб мунгайибгина туришидан кулаётганди. У худди гўдакнинг ўзгинаси. Ёш боланинг ҳам қўлига пул тушса уни сарфлаб тугатмагунча бозордан қайтмайди: нўхатшўрак олади, дандон қапт шимийди... эргинаси бўлса бор пулни кабобга сарфлабди.

— Битта-яримта ҳуштак ҳам обмабсиз-да? — кула-кула сўради Зиёда ая.

— Уйимизда ҳуштак чаладиган бола йўқ-ку?

Отинбиби ая баттарроқ кулди:

— Ўзингиз чалиб юрардингиз.

— Э,— Эшон ота қўл силтади,— ҳуштакка ҳафсалам қолибдими,

Зиёда ая содда одамлар содда бўлгани учун ҳам ҳампша ҳимояга муҳтож деб билганиданми, ёки ўзи англаб етмаган бошқа бир сабабданми, шу пайтда негадир эрига ачиниб кетди. Уни суйгиси, эркалагиси, чарчаб келган оёқларини укалагиси келиб қолди. Ёстик келтириб берди:

— Ёнбошлаб олинг.

— Ўзинг тинч ўтирибсанми ахир?

— Жиянингиздан мактуб келди.

— Гулнораданми, яна ёзибдимми, қани, ўқи-чи.

«Отам ўрнида отам, меҳрибоним опоқ дадамга,— деб бошланар эди мактуб,— онам ўрнида онам волидаю ғамгузорим Отинбиби аямларга. Сағираю маҳзуна Гулнора қизингиздан ва яна онанинг меҳри офтобига, отанинг бағри оташига зори-интизор бўлган етим укаларим номидан битурменким, ҳақ таолонинг инояти, мингбоши бобомизнинг иродан-хоҳиши ва сиз қиблагоҳларнинг розию ризолиги бирла ноиб жанобларининг паноҳларига келганимиздан буён дилимиз қон, бағримиз гирёндир...»

Эшон ота мошгуруч бўлиб қолган узун соқолини бармоқлари билан оҳиста-оҳиста тараб кўзларини ярим юмганча Гулнора қизининг нолаи-афғонини тинглаб экан, назарида, қизалоқ худди ота-оналари оламдан ўтган кунларда қандай бўзлаган бўлса, аша шундай йиғлаётгандек эди. Сили бедавога мубтало бўлган Анорбой билан хотини бир ой ичида йўтала-йўтала кетма-кет дорулбақога равона бўлишди. Анорбой узилиш олдида Эшон отани топтириб келдилар. Келса, жиянингнинг томоғига ғар-ғара келиб қолган экан. Зиёда ая бош томонида, босарқн ўғиллари билан Гулнора қиз оёқ томонда унсиз йиғлаб туришибди. Бемор кўзини очиб турмоқчи бўлиб силкинди-ю туролмади.

— Эшон ака,— қонсиз лаблари аранг шивирлади Анорбойнинг,— жигаримсиз... болаларим сизга қоляпти... қарзим бор, узинг. Гўримда тинч ётай...

Ортиқ сўзлай олмади, боши бир томонга оғиб тушди-ю, жим бўлди — жони узилган эди. Етимларнинг чинқириги хонани қоплаб кетди. Анорбойни бир амаллаб кўмишди-ю, аммо қарзи кўп экан, узиб бўлмади. Ҳовли-жой сотиладиган бўлди. Шакархон сотиб олди. Ўғиллари ўзимга ўғил, қизи қиз бўлади деб етимхонага олиб кетди. Ўша кунги ўғилларининг додлагани, Гулворанининг сочларини юлиб бўзлагани ҳали-ҳали Эшон отанинг кўз ўнгида турибди. «Анорбой, жигарим қабрингда тинч ёт, худо жонимни саломат қўйса қизинг билан ўғилларингни қулликдан қутқараман. Гулнорани ўзим қиз қилиб суйганига узатиб, катта-катта

тўйлар қиламан. Ўғилларингни қатимга олиб келиб сўнган чирогингни қайта ёқаман, тинч ёт жигарим...».

— Вой, дадаси, йиғлаяпсизми? — мактубдан бошини кўтариб сўради Отишбиби ая.

— Хаёл олиб кетди чоғи,— кафти билан кўз ёшларини сидириб олди Эшон ота,— ҳай, қолганини ўқи-чи?

«...Сўнги кунларда ноиб жанобларининг феъллари ай-наб юрганни аввалги мактубимда сиз меҳрибон аяжоним-га ёзган эдим. Онам ўрнида онам бўлганингиз учун сизга бот-бот арз қилаётирман. Мени хоҳишимга қарши келми-чаклардек ясатиб қўйганлар, бўйнимда шода-шода оқ мар-варидлар, бармоқларимда ёқут кўзли узуклар, эгимда шоҳи кўйлақлар... Ноиб жаноблари мени тўйсиз, никоҳсиз хотин қилиб олмоқчилар. Аяжоним, меҳрибоним опоқда-дамга ҳам бу гапни ётиғи билан етказинг. Бир умр чў-рингиз бўлай, киприқларим билан кўчангизни супурай, кўз ёшларим билан ҳовлингизга сув сепай. Маҳзуна қизингиз-ни қутқаринг, тезроқ қутқаринглар! Боқий сўзим шуки...»

— Ҳозироқ бориб ўша ноибни чавоқлаб ташлайман! — Эшон ота мактубнинг охирини ҳам кутмай, сакраб ўрни-дан туриб кетди,— мени қизимни-я! Ҳой, болта қани, қани деяпман!

Эшон отани жаҳлдан тушириш осон бўлмади. Эру хотин сургалашиб кўча эшик олдига икки-уч бор бориб келишди. Бу иш бамаслаҳат ҳал қилиниши, маслаҳатда Гулнора қиз болалигида бешкетди бўлган ва шу қизга уйланиш умидида ўтган йили Қўқондан мадрасаи Хонимдаги таҳсилни чала ташлаб қайтган қаллиғи Мулло Маҳмуд, унинг ногирон отаси Қори акалар иштирок этишлари керак. Ундан ҳам муҳими бу гапларни Бузрукхўжага айтиш зарур. У ҳозир Риштонда уч юз азаматга бош бўлиб турибди. Қутурган ноибнинг таъзирини ўша бериб қўйиши мумкин.

Эру хотин икковлари шу маслаҳатга келишди-ю, бири қовоқда ош, бири қумғонда чой кўтариб далага — ўғиллари Сулаймонхўжа билан келишлари Қулфинисога тушлик олиб жўнашди.

XIV

БОЙ ЖАНОБЛАРИ ҚАРЗ УНДИРАДИ

Шакархон ноиб бўлгандан буён не-не давлатмандларни ямлаб ютмади. Бирининг мулкани мулкига қўшиб олди, бирининг серсув ариғини сотиб олди, учинчисини ҳийлаю найранг билан белини букиб, ўрнидан туролмайдиган қилиб

қўйди. Абдурахмон бойгина мол-мулкни эҳтиёт сақлаб келяпти. «Бу аждарҳо нега мени ютмаяпти экан? — деб ўйлайди баъзан бой,— эҳтимол пайт пойлаётгандир, эҳтимол оғзига сиғмаётгандирман? Лекин нима бўлганда ҳам у билан алоқани яхшиламоғим, мумкин қадар унга ўзимни дўст қилиб кўрсатмоғим даркор».

Бой жаноблари ғалаён бошлангандан буён Риштонга бориб Шакархондан кўнгил сўраб келяпти, ёрдам керак бўлса одамларим ҳам, молу-мулким ҳам ихтиёрингизда деб ҳамдардлик билдирыпти. Бугун эрталаб даҳа мингбошиси Мулло Зариф билан Хон эшон ҳазратлари ноибнинг хизматига отланаётганларидан хабар топиб уларга қўшилиб олди. Маъруза тинглади, ур-йиқитнинг гувоҳи бўлди, бир хилини қамчилаб калтаклади. Ғалаён бошлиқларини Риштондан қувиб юбораётганларини ўз кўзи билан кўриб турди.

Кечга томон соябонли аравасига ўтириб (қорни беҳад катта бўлганидан отга мишолмасди) Пандигонга қайтар экан «ноиб Бузрукхўжадан ўч олади энди,— дея ўйлай бошлади,— молу мулкни талон қилиб, уйи-жойини ким ошдига соттириб юборади. Усмонхўжа эса мендан қарздор. Ҳақимни тезроқ ундириб олмасам икки қўлимни бурнимга тиқиб қоладиганга ўхшайман...»

— Мулло Зариф! — деб чақирди орқароқда келаётган мингбошини.

— Лаббай, бой бува?

— Нега дамнинг чиқмайди?

— Жанобларининг хаёлларини бўлмайд деб жим борурман.

— Шакархон ноиб бебаҳо зот, шундай эмасми?

— Ҳақиқатни айтдингиз, бой бува.

— У кишининг дўстлари бизнинг ҳам дўстимиз. Рақиблари рақиб, шундай эмасми?

— Худди шундай, бой бува.

— Усмонхўжанинг ўғлини қандай жазолайсан энди?

— Сабр қилиб турсакми дейман.

— Сабр қилсак ноиб жанобларини ранжитиб қўямиз.

Мен бир режа ўйладим. Биласан, Усмонхўжа мендан уч йиллик ҳосилга қарздор.

— Хабарим бор, бой бува.

— Мен Усмонхўжани, ўғлини исёнчи қилиб тарбиялагани учун, боплаб жазоламоқчиман, айтмоқчиманки, қарзимни ундириб оламан. ماشойхлар камбағални урма сўкма, устини йирт деган эканлар... Қарзни сен ундириб берсан. Ундириб берсанг, мовут чакмон кийгизаман.

— Э, бой бува, у чакмонни уч йилдан буён ваъда қиласиз.

— Худо хоҳласа бу гал киясан уни...

Намозшом ғира-ширасида Усмонхўжа отанинг кўча эшиги олдида тўрт суворий отлардан тушиб, бедовларини ариқ бўйидаги тутларга қантариб боғлай бошладилар. Аравakash йигит Абдурахмонбойни пастга тушириш учун шошилиб араванинг орқа шотисига нарвонча тиради, ерга тушишига кўмаклашиб юборди. Сўнг бир аравага аранг жой бўладиган катта қорнини зўрға кўтариб, битта-битта қадам ташлаётган бой бува олдинда, мингбоши икки навқари ва мирзоси орқада, худди она ғоз ортидан эргашган жўжалардек аста-секин ичкарига кира бошладилар.

Хонадоннинг катта-кичик аъзоси жамулжам бўлиб кечки таомга ўтирган, ҳузур қилиб кулчатоё ейишаётган эди. Эшон ота кириб келаётганларга кўзи тушди-ю, дарров Бузрукхўжани ўйлади. «Демак, унинг қўли баланд келибди,— фикридан ўтди отанинг.— Мингбоши билан бой жаноблари бизга таъзим қилгани келаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳойнаҳой ул-бул нарса ваъда ҳам қилишса керак, қистаб қўйишмаса бир-икки қулоқ сув сўрайман».

Хонадон аҳли шошилиб ўринларидан туришди. Эшон ота кавушини пойма-пой кийиб азиз меҳмонларнинг истиқболига ошиқди:

— Хуш кўрдик, бой жаноблари, хуш кўрдик, мингбоши ўғлим! Ҳой, опаси якандозларни янгисидан олиб чиқ.

Қулфинисо билан Зиёдабиби ая шошилиб айвонга жой ҳозирлашди. Азиз меҳмонлар юқорига негадир чиқишмади. Худди бўғотга терилган мусичалардек айвоннинг қирғоғига қатор ўтиришди. Абдурахмон бой фотиҳага қўл очди:

— Илоё омин, қадам етди, бало етмасин!

Меҳмонларнинг қовоғи солиқроқ, юзлари ҳам жиддийроқ кўринади. «Ё Бузрукка бирон гап бўлдимикан?» деган фикр ўтди Эшон отанинг бошидан. Лекин фикрини охиригача ўйлаб етолмади. Абдурахмон бой гап қўшиб қолди:

— Хўш, эшон, деҳқончилик қалай?

— Худо хоҳласа, бу йил чакки эмас,— Эшон ота икки қўлини кўксига қўйди,— ҳой азизлар, ўтинаман, юқорига чиқинглар, озгина таом бор, баҳам кўрайлик.

Меҳмонлар бир-бирларига қараб олишди. Мулла Зариф мингбоши шошиб турибмиз, яна бир-икки жойга боришимиз керак, деди. Бой жаноблари Маккатиллодан махсус келтирилиб, «ҳассан Мусо» реб ном берилган ҳассасининг қайрилма бошига икки қўлини баробар қўйиб ҳовлига,

ҳовлидаги шом ғира-ширасида кўзга араиғ ташланиб турган нарсаларга синчиклаб назар сола бошлади. Сўнг Эшон отага кескин ўғирилди:

— Қарзни қистаб келдим!

— Қарз? — Усмонхўжа отанинғ оёғидан дармон кетгандек бўлди, — қарз дедиларми?

Йўқ, бу савол ўринсиз, довдираб қолганидан айтди уни. Қарзи борлигини биледи. Ҳаммаси эсида. Бурунги йили даштдаги бугдой айни пишиб ўроққа келганда, жўхорилар чолиқдан чиқиб тубига тупроқ уйилганда ҳаммасини сел олиб кетди. Ўша ерларда қайтиб деҳқончилик қилиб бўлмади. Ўтган йили эса, вой худойим-ей, дашт томондан эсан гармсел деган бало нақ қирқ кун давомида аждардек олов пуркаб турди-я! Экинларга ривож бермади, поясини сўлитиб, баргини қовжиратиб кетди... Икки йил ҳисобидан уч юз сўм қарзи бор. Тилхат ҳам берган. Мингбоши жаноблари тилхатга муҳр босган. Лекин... нега энди албатта бугун қистаб келишди экан?

— Бўл тезроқ, пулни олиб чиқ! — бу гал Абдурахмон бойнинг овози сал ваҳшатлироқ эшитилди.

— Пул дедингизми? — ҳамон довдираб турарди Эшон ота.

— Қулоғинг кәрми дейман, Эшон?

— Кар эмасман. Лекин, бой жаноблари, ёзда деҳқонда пул нима қилсин, кузда бўлади. Худо хоҳласа бу йил ҳосил яхши, кузда ҳаммасидан қутуламан.

Абдурахмон бой от юзли, кенг пешонали, қошлари жундан тўқилган арқондек қалин, кўзлари шокосадек йирик бир киши. Жаҳли кўзгалганда сергўшт юзи қўрқинчли бир тусга киреди.

— Эшон! — деди у ҳассасини ерга уриб, — қарзингни тўла!

— Айтдим-ку, пул йўқ деб. Бор-йўғи битта пул бор эди, униям бугун Риштонда харжлаб келдим.

— Харжлаб келдим дегин?

— Ҳа, мана тепада худо, харжлаб келдим.

Мулла Зариф мингбоши менга гал келди шекилли деб ўйлаб секин ўрнидан турди. Эшон отага яқинлашиб, ўқимишли бир киши эмасми, қуръондан оят келтирган бўлди. Муслмон бандаси қарзини тўламагунча еган луқмаси хиром бўлар экан. Бу ҳақ гап. Буни нима қиларини, нима дўйинини билмай айвонда тик туриб қолган Сулаймонхўжа ҳам, ўзларини ичкарига олиб, даричадан мўралаб турган Қулфинисо келину Отинбиби ая ҳам яхши билишади. Лекин пул йўқ-ку! Эшон ота: «Бир-икки кун муҳлат бе

ринглар», деган эди, бой жаноблари: «Уч йилдан буён сенга муҳлат беравериб жонимдан тўйдим», дея ўшқириб берди. Эшон ота Бузрукхўжанинг номини тилга олсам, зеро, унинг обрўйи ҳурмати бой бир оз ён берса деган умидда:

— Ҳеч бўлмаса Бузрук келгунича сабр қилинг,— дея ёлворган бўлди.

Абдурахмонбой баттарроқ тутоқиб кетди:

— Э ўша ҳаммаёқни булғаган тирроқи бузоғингдан ўргилдим!

Эшон ота ҳалидан буён алам ва хўрлигини қай йўсунда босишни билмай ва шу билан бирга ўзининг ожизлигини ҳам тан олгиси келмай ғалати бир кайфиятда турганди. Инсоний қадр-қиймат ҳисси қўзғаб, томоғини бўғаётган алам, вужудини куйдираётган хўрлик туйғуси билан аралашиб, ақлини ҳам карахт қила бошлаган эди. Тўсатдан портлаб кетди:

— Ўғлимни ҳақорат қилма!

Бой жаноблари масхараомуз кулди:

— Э ўша ўғлинг ҳақоратга ҳам арзимайдди.

— Сен ўзинг арзимайсан.

— Сенлама мени!

— Ўзинг-чи, ёшинг менадан уч ёш кичкина бўлишига қарамай келганингдан буён мени сенлайсан. Келишим, хотиним бор, буларнинг олдида нега мени мустар қиласан. Бой бўлиб сенинг қадринг баянду, қўлим калта бўлгани учун мен қаро ерга тенг бўлдимми!

Абдурахмонбой ҳассасига таяниб секин ўрнидан тура бошлади:

— Қарзни тўла!

— Тўлолмайман.

— Тонасанми?

— Тонаман, сендан бир пул ҳам қарзим йўқ.

— Муттаҳам!

— Ўзинг муттаҳамсан! Уч йилдан буён ернинг энг ёмони менига берасан. Аввалги йили сойнинг ичидан бердинг — сел кела солиб менинг экинимни пайҳон қилди. Утган йили атайлаб даштдан, ҳеч бир чоракор олмаган майдонни бердинг. Даштда эсан гармсел аввал менинг экинимни қовжиратишини билатуриб шундай қилган экансан. Одамлар менинг устимдан кулишяпти. Гўлсан, овсарсан, бу аҳволда бошинг қарздан чиқмай дунёдан ўтиб кетасан дейишяпти. Йўқ, Абдурахмонбой, сен менинг фозил ўғлимни чакки ҳақорат қилдинг. Уша бола даштдаги еригдан тош теравериб даббаси осилиб қолди... Энди ях-

шиликча чиқиб кет уйимдан. Қарзинг бўлса, қўлимга пул тушганда оларсан.

Бой жаноблари қўлидаги ҳассан Мусоси билан Эшон отанинг кўкрагига секин туртди:

- Ҳозир, шу дақиқада тўлайсан.
- Ҳассангни ол!
- Пулни тўла деяпман.

Эшон ота бойнинг қўлидаги ҳассасини тортиб олиб боши узра баланд кўтарди:

- Тезроқ чиқиб кет, бўлмаса бошингни ёраман.

Аҳли хонадон бошларига ногихоний ёпирилган бу фалокатдан эс-хушларини йўқотгудек бир аҳволда эди, довдираб қолишганди. Бойбуваннинг ваҳшат билан айтаётган ҳар бир сўзи Отинбиби аянинг бошига таёқ билан ургандек товонигача зирқиратиб юборар, ваҳшатли бой билан серсавлат мингбошининг қалбини юмшатиши, инсофга келтириши мумкин бўлган аллақандай дуоларни пичирлаб ўқир, худони, азиз авлиёларни ёрдамга чақирар, юзига фотиҳа тортар, лекин бой жанобларининг юмшаш ўрнига газаби бардамлаб бораётганини кўриб даҳшатга тушар эди. Уйда пул йўқ, э худо, ҳали бери бўлмайди ҳам. Қўлга иллинадиган дурустроқ парсалари ҳам йўқки, пуллаб ўша зорманда қарздан тезроқ қутула қолишса.

Зиёда ая эрига, туну кун тиним билмай ишлаб, бари бир боши қарздан чиқмайдиган шў оқ кўнгил, аммо бир жаҳли чиқса ўкириб еру кўкни остин-устун қилиб юборадиган хожасига ич-ичидан ачиниб турибди. Унинг бой жаноблари олдида дадасидан калтак еб зада бўлиб қолган ёш боладек аяичли бир аҳволда мўлтираб туриши қалбини ўртаб юборяпти. Шу ўкинишлар қайпоқ кўз ёшига айланиб, уятдан, номусдан лов-лов ёниб турган юзларини ювиб тушмоқда.

Қайна бувиси ёнгинасида беҳад қўрқиб кетганидан дағ-дағ қалтираб ўтирган Қулфинисо келин юз бераётган воқеалар учуи ўзини айбдор деб ҳисоблай бошлади. «Мен ўзи бахтсиз келин бўлдим, пойиқадамим ёқмади бу хонадонга, — деган фикрлар ўтмоқда эди унинг бошидан. — Менга тўй берамиз деб қулоқларидан қарзга ботишди... Ҳомилам тушиб қолса-я! Қўл-оёғим йўқ бўлиб қолди, ўзимни ёмон сезяпман...»

- Ая! — секин шивирлайди келин.
- Нима дейсан қизим?
- Мени ётқизинг, қўрқаяпман.
- Қўрқма онам, қўрқма. Худо хоҳласа бир мураса-

га келишади, — келинига жой ҳозирлай бошлайди Отинби-
би ая. — Бой, худо хоҳласа инсофга келиб қолади.

— Тақинчоқларимни бера қолай!

— Тағин шу гапни айтасан-а, дилбарим. Ундоқ дема,
худога шукр, опоқ дадангни элу юрт ўртасида обрўйи
баланд, битта-яримтасидан қарз олиб тураммиз.

Сулаймонхўжа азиз меҳмонлар кириб келаётгандаёқ
гап нимадалигини пайқаган, бой жанобларининг вазоҳат-
тини кўриб: «Ҳойнаҳой қарзини қистаб келяпти», деб ўй-
лаган эди. Дадаси билан бой ўртасида гоҳ алангадек ло-
вуллаб, гоҳ яна пасайиб давом этаётган даҳанаки жангга
жимгина қулоқ солиб турарди. Келинчакли уйга номаҳрам-
ларнинг берухсат бостириб киришлари унга ҳам ёқмаган,
ҳамиятини қўзғаб, хўрлигини келтирган, лекин нима қил-
син, қарзлари борлиги аниқ, тилхатга дадасининг ёнида
туриб ўзи ҳам бармоқ босган.

Эшон ота ҳасса билан бой жанобларининг кўксидан
итариб ташлагач, энди мингбошининг устига бостириб ке-
ла бошлади:

— Сен ҳам йўқол бу ердан!

— Менми?

— Ҳа, сен ким бўпсан ўзи? Бангининг боласи эдинг,
Отанг овқат пиширишга ўтин тополмай умри тезак тута-
тиб ўтган эди. Энди менинг бошимга навкар бошлаб кел-
дингми? Йўқол уйимдан! Нега чақчаясан?

Мингбошига алам қилди, жуда қаттиқ алам қилди. Қу-
лоғидан қарзга ботиб ётган бир йўқсил уни, ўнлаб қиш-
лоқларнинг фуқароси оёғини ўпиб тавоб қиладиган мўъта-
бар бир зотни бангининг боласи деб ўтирса-я! Қўл остида
қозиси, навкарлари, элликбошилари бор бир кишини по-
йиқадамга йиқилиш ўрнига уйимдан чиқиб кет деб тур-
са-я!

— Қўлини боғлаб! — фармон берди мингбоши навкар-
ларига.

Кўз юмиб очгунча аввал Эшон отани, кетидан Сулай-
монхўжанинг ҳам қўл-оёғини боғлаб ерга ётқизиб
қўйишди.

Ҳовлида қий-чув кўтарилди. Қўни-қўшнилари югуриб
чиқа бошлашди. Бир хиллари аҳли хонадонга ачиниған-
дан, бир хиллари қарз ундириш маросими қандай ўтаёт-
ганлигини билишга қизиққанидан, яна бирлари ҳамма бор-
ган жойга нега мен бормас эканман деб, бири ялангоёқ,
бири кавушини пойма-пой кийиб югуриб чиққанди. Эшон
отадан тўрт ҳовли нарида яшайдиган, кундузи Риштонда
карнай чалиб еру кўкни ларзага солган Мадумар карнай-

чи. Бузрукхўжанинг тенгқур ўртоқлари қизиқчи Ҳасанбой билан Ҳусанбойлар, бола-чақаси олдига ҳозиргина қайтиб тузуккина гаплашишга ҳам улгурмаган Мақсуд қорилар ҳам кетма-кет кириб келишди. Мақсуд қори: «Эшон отанинг қўлини ечинглар, кекса одамни қийнашга уялмайсизларми», деган эди, мулла Зариф мингбоши: «Сен большовой жим тур, бўлмаса ўзингни ҳам боғлаб, авахта қилдираман», деб нақ бўлмаса ўтакасини ёриб юбораёзди.

«Одамлар кўпроқ тўплангани яхши бўлди,— кўнглига таскин берарди мингбоши.— менинг кимлигимни, менга гап қайтарган авомнинг шўрига шўрва тўкилишини билиб қўйишсин. Бангининг боласи эмиш-а! Банги қанақалигини кўрсатиб қўяман сенга, большовойнинг отаси».

Гоҳ у бандига, гоҳ бунисига ташланиб чиқариб йиғлаётган Зиёдабиби ая билан Қулфинисони ичкарига қамаб устидан қулфлаб қўйишгач, мингбоши мирзоси билан қилич яланғочлаб тўпланганлар қалбига даҳшат солиб турган навкарларига фармон берди:

— Рўзгорини пулга чақиб аравага юкланглар!

Афтидан Мирза ҳам, навкарлар ҳам бунақанги юмушларин илгари ҳам кўп бажариб хийла устомон бўлиб қолишган кўринади. Гап-сўзсиз вазифаларини тезгина тақсимлаб олишди. Навкарлар рўзгор буюмларини ичкаридан олиб чиқиб, кўпчилик кўрсин учун, бошлари узра кўтаришар, Мирза баланд овоз билан унга нарх қўяр, дафтарга ҳам қайд қилиб борар эди.

— Уртача семизликдаги икки яшар бир новвосча! — деди оғилхона тарафдан чиқиб келаётган бир навкар.

— Баҳоси йигирма сўм,— нарх қўйди Мирза.

— Унча-мунча тутилган қозоқи кигиз,— деди бошқа навкар.

— Нархи ўн беш сўм.

— Янги қопланган адрас кўрна.

— Олти сўм.

— Мис қумғон.

— Уч сўм.

— Икки дона чинни лаган.

— Бир сўмдан.

— Етти пуд ғалла сигадиған катта сандиқ.

— Тўрт сўм.

МУЛЛА БОЙМАТ БОБОДАН ҚОЛГАН ИККИ АФСОНА

Тун яримлаб қолган бўлса ҳам ҳовли тўла одам. Эшон ота кўнгил сўрагани чиққан қўни-қўшниларни айвонга ўт-қизиб олиб гўё оқшом бўлиб ўтган дилиснәхликлар кайфиятига зиғирча ҳам таъсир қилмагандай қувноқ бир овоз билан сўзлар, ора-чора кулар, бошқаларни ҳам кулдиришга ҳаракат қилар эди. Бамисоли Эшон ота улардан кўнгил сўраётгандек, кўнгилларини кўтариш учун бу ерга атайлаб чақиртириб чиққандек эди:

— Э, қўшниларим-ей, — дер эди у, — бу дунёга омонат эканлигимизни била туриб нега хафа бўлар эканман. Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Машойихлар: «Не деб келдим бу дунёга: Мен бу ерлик эмасман», деб куйлаб ўтишган экан.

Модомики шундай экан, беш куним — хуш куним, деб яшаган яхши. Абдурахмонбой рўзгоримни талаб кетган бўлса, хўш, нима бўпти? Отинбиби аяларинг, хў ана, хўнг-хўнг йиғлаб ўтирибди. Мен бўлсам ҳой аяси, нега йиғлайсан, қозонимиз қолди-ку, демак, очимиздан ўлмаймиз дейман. Мана, тўғри айтган эканман уйимиз ҳам тўлди қолди. Бирингиз чойнак-пиёла, бирингиз кўрпа-тўшак кўтариб чиқяпсиз. Аслида бундай қилишнинг ҳеч кераги йўқ эди... Қайтага шу қилмиши учун бойнинг ўзи бадном бўлади. Эл менга ачинади, уни лаънатлайди. Ҳой, Мақсуд қори, анову бузоқчани сен олиб келдингми?

— Ҳа, мен олиб келдим, — деб қўяди аравакаш.

— Новвосчамнинг ўрнига олиб кепсан-да? Ахир ўзинг ҳам жўжабирдек жонсан.

— Бузрукхўжа мenden пул бериб юборувди.

— Пул деддингми?

— Ҳа, йиғирма сўм бериб юборувди.

— Шу бузоқчани йиғирма сўмга олдингми? Оббо қўшним-ей, оббо Қорисн тушмагур-ей, — деб қўяди Эшон ота. — Шундоқ қилиб Риштонда улоқни ёппа қиллолмабсизларда?

Пандигонлилар аскиябоз келади. Сўз билан бир-бирига яхши кайфият яратишади, сўз билан бир-бирларини чимдиб-чимдиб олишади. Ҳар сўзга бир печа маъно беришда уларга тенг келадигани йўқ: кексалар кексалар билан, ёшлар ёшлар билан, гоҳо аёллар аёллар билан ҳам тортишиб қолишади. Тортишув осон бўлсин учун бир-бирларига ла-

қаб қўйиб олишган, айримларининг ҳатто учтадан лақаби бор.

Кўнгил сўрагани чиққанлар орасида Мадумар карнайчи ҳам чордана қуриб ўтирган эди. Ўзининг лақаби — ҳў-тикча, Эшон отаники — туя. «Улоқ» деган сўз қулоғига чалиниши билан тиззасига бир шапаллаб қўйди:

— Эшон ота!

— Лаббай карнайчи.

— Бўталоғингизга улоқ чопишни эмас, юк кўтаришни ўргатган экансиз.

Гап нимадалигини тушунган қўшнилари енгилгина кулиб олишди. Эшон ота ҳам бир қўзғалиб қўйди:

— Мадумар?

— Лаббай ота,

— Мен янглишган эканман.

— Хўш?

— Уғлимга улоқ чопишни эмас, янглишиб ҳанграшни ўргатиб қўйган эканман.

Даврада босинқи кулги кўтарилди.

— Эшон ота?

— Лаббай, қўшни.

— Чиндан ҳам янглишибсиз.

— Хўш?

— Уғлингизга ҳанграшни ўргатиш ўрнига, чў-ўк деса ётишни ўргатиб қўйибсиз.

— Мадумар?

— Лаббай, ота.

— Хом сут эмган бандамиз-да. Чиндан ҳам янглишган эканман.

— Хўш?

— Уғлим бечорага улоқни ёппа қилганда даврадан чиқиб кетишни ўргатиш ўрнига, «нос чекиб» гир айланишни ўргатиб қўйибман.

— Тўғри айтасиз, Эшон ота. Бизни шунақа одатимиз бор. Юкимиз оғирлик қилса бир жойда айланаверамиз. Лекин сиз ҳам бир хатога йўл қўйибсиз.

— Хўш?

— Уғлингизга улоқни елкага ёппа қилганда даврадан чиқиб кетишни ўргатиш ўрнига, осмонга қараб кавшанишни ўргатиб қўйибсиз!

— Оббо карнайчи-ей, боппадинг! — соқолини силаб даврадаги кулгига жўр бўлди Эшон ота ҳам. — Ҳа, майли, бу гал сен голибсан. Пайти келиб менам бир боппайман сени... Раҳмат қўшнилари, сизларки биздан кўнгил сўраб чиқибсизлар, сизларнинг кўнгилларингизни худо сўраган

бўлсин. Бу дунё ўзи шунақа, бировни бой, бировни ғариб қплиб яратган экан, қўлимиздан нима ҳам келарди. Ҳамонки шундай экан, ғаму ғуссага берилмай ҳаёт шарбатидан лаззатланишимиз керак. Раҳматли дадам бир афсона айтиб юарди.

Ўтирганларнинг кўпи мулла Боймат бобони кўрган, кўпи кўролмайд қолган, аммо у донишманд чол тўқиган афсонаю эртаклари, айтиб кетган ҳикматли сўзлари ҳали ҳали тириклар хотирасида яшаб келади. Усмонхўжа ота кўпини ёдида олиб қолган, пингиларда айтиб юради, айтмаганига қўйишмайди ҳам. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қўшилар айтиб берасиз деб қисталанг қилишди.

— Қистамасаларинг ҳам, бари бир айтардим, негаки ҳикоянинг остида чуқур ҳикмат бор... Қадим замонда кунлардан бир кун дашт томондан даҳшатли бир махлуқ олти оғзини баробарига очиб, менга ўхшаган шўринг қурғур бир деҳқонни қувиб бораётган эмиш. Деҳқон дод-фарёд деб чопар, лекин йўли ҳеч кўпаймас эмиш. Бир маҳал олдидан тубсиз жарлик чиқиб қолибди. Тўхтаса ҳалиги махлуқ ютиб юборади, сакрай деса, жарликнинг нариги томони кўринмасмиш. Бечора деҳқон нима қиларини билмай аста-секин жарликка туша бошлабди. Бундай қараса, ҳай-ҳай, жарликнинг туби лик тўла илону аждарҳо эмиш. Егани овқат йўқлигидан бир-бирининг думини сўриб ётган эмишлар. Ночор қолган деҳқон жарнинг биқинидан туртиб чиққан силлиқ бир тошга оёғини қўйганча, дарахтнинг очилиб қолган қоп-қора томирига маҳкам тирмашиб турган жойида қотиб қолибди. Ҳали Абдурахмонбой келганда мен қандай қалтираган бўлсам у шўринг қурғур ҳам ана шундай дағ-дағ қалтирар эмиш... Юқорига чиқай деса олти оғизли махлуқ беомон ютиб юборади, пастга тушай деса, э, худо, аждарҳоларга ем бўлади, турган жойида тек туриб қолибди. Шу пайт кафтига бир нарса томгандек бўлибди. Ялаб кўрса ширингина эмиш. Тепасига қарабди. Жарлик ёнида ўсган дарахтнинг шохига асалари ин қургану, кун иссиғида индаги асал эриб томаётган экан. Деҳқон кафтини тутиб ялабди, яна тутибди, яна ялабди. Шу алпозда яшайверибди... Раҳматли дадам хулоса қилиб айтардики, шўринг қурғур деҳқоннинг орқасидан қувиб келаётган олти оғизли махлуқ — бу ажал экан. Ажал одам боласини ҳаммиша қувиб юаркан. Жарлик тубидаги илону аждарҳолар — бу қабристон экан. Одам боласини ҳаммиша ютаман деб тураркан. Тепадан томаётган асал — бу ҳаёт экан. Яъни қиссадан ҳисса шуки, азиз меҳмонлар, биз ҳаммиша ажал билан қабристон ўртасида омонат яшаймиз. Модомки

ки шундай экан Абдурахмонбойларга ўхшаб молу-дунёга ружу қилишнинг нима ҳожати бор... Энди, қўшнилар, шу билан гапни бас қиламиз. Уй-уйларингга боринглар. Илойи овмин...

— Эшон ота, фотиҳа ўқимай туринг,— шошилиб деди Мадумар карнайчи,— Отинбиби аям уграга хамир кесяптилар. Битта ўзингизга бир қозон ош кўплик қилади... Баҳонаи сабаб билан кулбангизга бир йиғилиб қолибмиз. Муздеккина кечада бир суҳбатлашсак суҳбатлашибмиз-да. Орамизда ёш-яланглар бор, булар ҳам суҳбатингизни қўмсаб юришган бўлишса керак. Шуларга атаб бир маъруфий суҳбат қилиб берсангиз.

— Демак, уградан ичиб кетар экансан-да?

— Худо хоҳласа ичиб кетаман.

— Хўп ана, маъруфий суҳбат ҳам қилиб бердим дейлик, кетини аскияга улаб юбормайсанми?

— Эшон ота?

— Лаббай қўшни.

— Аския айтадиган ҳолингиз ҳам қолмабди-ку?

— Нега ундай дейсан?

— Мен етакламасам юролмайдиган бўлиб қолибсиз.

Бу луқмада ҳар икки томоннинг ҳам лақабига шама бор эди. Қўшнилар гуруллаб кулиб юборишди. «Етаклаш» сўздан пайров қилса ҳам бўларди. Эшон ота: «Сенинг орқангдан юравериб шу аҳволга тушиб қолдим», демоқчи ҳам бўлди-ю, лекин шу пайтда пайровдан кўра ҳам суҳбатга ўзида рағбат борлигини сезиб турганди. «Оббо карнайчий, худо сени аскияга яратган» деди-да, дадасидан эшитган яна бир афсонани айта бошлади.

Қадим-қадим замонларда Шому Халаф мамлакатларида уч сайёҳ дунё кезиш учун йўлга отланишибди. Йўллари саҳрою биёбондан ўтиб бораётган экан, бир маҳал атрофларидан қасир-қусур овозлар эшитила бошлабди. Бундай қарашса, тўрт тарафдан даҳшатли бир тезлик билан тоғ силжиб келаётган эмиш. Агар қоялар бир-бири билан тўқнашса сайёҳларни янчиб юбориши ҳам мумкин экан. Шунда учовларининг ҳам кўнглидан биттадан яхши гап ўтибди.

Биринчи сайёҳ ғоят камбағал бўлиб, бисотида бор-йўғи битта эчкиси бор экан. Шу эчкисини соғиб бола-чақасини боқар экан. Кекса дадаси хастаи нотавон бўлиб ётиб қолган экан. Хотини эчкини соғаркан-да, сутни келтириб қайиотасига тутаркан. «Сиз тўйгунигизча ичинг, қолгани набираларингизга» деркан, эри шундай деб ўргатган экан. Беморнинг аҳволи оғирлашиб ўзидан кетиб қолибди. Қў-

зини очса тоқчаларда сут қўйилган товоқлар қатор турганмиш. Демак, анча кун бехуш ётибман-да, деб ўйлабди бемор. Демак набираларим шунча кун давомида оч ўтиришибди-да, «Ўғлим, нега бундай қилдинг?» деб сўрабди охирида. Ўғли: «Э дада, аввал бир ҳўплам бўлса ҳам ичиб розилигингизни беринг, сўнг набираларингизга бераман», дебди. Бемор товоқлардаги сутлардан бир ҳўпламдан ичибди-ю, кўзини юмиб жон таслим қилибди.

Сайёҳ нола қилибди:

— Э худо, ўзинг-ку ота рози — худо рози дер эдинг. Мен отамни сўнгги нафасигача рози қилдим. Зора шу ишим сенга маъқул бўлиб бу балони даф қилсанг!

Иккинчи сайёҳнинг ҳам кўнглидан бир гап ўтибди. У жуда катта бой экан. Бир вақт уйига бир етим бола келиб қўй боқибди. Олти йил ўтгандан кейин, бойбува, энди менга рухсат берсангиз юртимга қайтиб ота-онамнинг хизмати ҳам қилсам, дебди. Бой ҳа майли, ўғлим, йилига юз тангадан пулу тўрттадан совлиққа келишган эдик. Мана пулниг, мана қўйларинг, дебди. Йигитча пулни олибдию, бу қўйларни саҳрода кимга ҳам пуллардим деб ташлаб кетибди. Йиллар ўтибди. Бир кун бой шаҳарга тушиб айланиб юрса ҳалиги таниш йигитча тиланчилик қилиб ўтирганмиш. Ҳа, ўғлим, сенга нима бўлди, деб сўрабди бой. Э бойбува, деб хўрсинибди йигит, сизникидан келгач аввал отам, кейин онам оламдан ўтди. Олиб келган пулимни кўмишга харжладим. Энди ишлай десам иш йўқ, очдан ўлмаслик учун тиланчилик қилиб ўтирибман, дебди. Бойнинг кўнгли бузилиб э, ўғлим, ундай дема, сен энг бадавлат йигитсан, ўша меникидан қайтаётганингда йигирма совлиқни ташлаб кетган эдинг. Мен уларга бир қўйчивон тайинлаганман. Ушандан буён қўйларинг кўпайиб ҳозир мингдан ошиб кетган. Бориб қўйчивонни рози қилгину қўйларингни ҳайдаб келгин, дебди. Йигит кутилмаганда бой-бадавлат бўлиб кетибди.

Иккинчи сайёҳ ҳам қўлини осмонга чўзиб яратганга илтижо қилибди:

— Э парвардигори олам, ўзинг-ку етим-есирнинг ҳақини емасанг неки муродинг бўлса етказурман дер эдинг. Зеро бу савоб ишим инobatга ўтиб, балони даф қилсанг!

Учинчи сайёҳнинг ҳам хотирида бир воқеа манзараси жонланибди. Унинг отаси катта бир юртнинг беки экан. Бекнинг опаси билан поччаси оламдан ўтиб қизлари сағира бўлиб қолибди. Бек жиянини ўз тарбиясига олибди. Йиллар ўтиши билан сағира шундай гўзал, ҳам оқила бир қиз бўлиб етишибднки овозаси етти иқлимга кетибди. Бек

ҳусну латофатда тенги йўқ бу қизни қўлдан чиқаргиси келмай ўғлига никоҳлаб бериш ниятида қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берибди. Ниҳоят, бек ўгли гўшангага кирадиган фурсат ҳам келибди. Қирса, сағира қиз тиззасини қучоқлаган кўйи юм-юм йиғлаб ўтирган эмиш, Хоним, нега йиғлайдилар, деб сўрабди бек ўгли. Э, бегим, дебди қиз хўрсиниб, сиз мен билан турмуш қуриш ниятида мана қирқ кун тўй бердингиз, никоҳ ўқитдингиз. Лекин мен ғарибдан бир оғиз кўнгил сўрамадингиз-ку. Кўнглингда не армон бор, деб сўрабди бек ўгли. Бир йилқичи йигитга кўнгил қўйганман деб, яна йиғлашга тушибди қиз, унинг ҳам кўнгли менда. Шу пайтда, сиз менинг хонамга ясан-тусан билан кириб келганингиз бир вақтда у шўринг қурғур бошини тошларга уриб йиғлаб ётган бўлса ҳам ажаб эмас. Хоним, дебди бек ўгли, бордию мен ҳозир сизни талоқ қилсам, тоғу тошларда фиғон чекиб юрган ўша ғариб йилқичини бу ерга келтириб ўзим никоҳ ўқитсам ўзингизни бахтли ҳисоблармидингиз?! Худо хайрингизни берсин, дебди қиз. Бек ўгли айтганини қилибди.

Учинчи сайёҳ ҳам худди аввалгиларидек икки қўлини боши узра кўтариб тавалло қилибди:

— Э парвардигор, ўзингку ғарибнинг кўнглини овласанг мушкулингни осон қилурман дер эдинг. Зеро менинг ҳам бу ишямни инобатга олган бўлсангу, ўзинг юборган балони ўзинг қайтариб олсанг.

Шу пайт сайёҳлар кўз ўнгида ажиб бир воқеа содир бўлибди. Қасур-қусурга олиб бостириб келаётган тоғлар орқага чекина бошлабди. Чекина-чекина йўқ ҳам бўлиб кетибди. Сайёҳлар яна йўлга равона бўлишибди.

Узун кечаларда муздек бешик қучоқлаб алла айтаётган она дўмбоқчасини ухлатгиси, мурғак қалбига ором бергиси келади. Алла айтаркан, қалбида қат-қат бўлиб ётган армонлари, келажакка бўлган умидлари, бир рўёдек бўлиб қолаётган орзулари фақат шу дилбанди улғайсагина рўёбга чиқажагига қаттиқ ишонади. Алладан мудраб бораётган чақалоқдан кўра ҳам онанинг ўзи кўпроқ ором олади, қалбига таскин топади. Эшон ота ҳам шу пайтда худди алла айтаётган онага ўхшарди. Гарчи мулла Боймат бободан қолган бу афсоналарни қўни-қўшниларига айтиб бераётган бўлса-да, аслида ўзига-ўзи таскин ахтармоқда эди. Йўқчиликдан, оқшомги хўрланишдан ва уларни даф қилишга ўзини ожиз сезаётганидан қалбига алам қўйилар, бу аламларни босиш учун гоҳ карнайчи билан аския айтишар, гоҳ баланд овоз билан шарақлаб кулар, гоҳо афсоналардаги яхши одамларга муржаат қилар эди.

«ОМАДИМ ЙУҚ ЭКАН»

Бузрукхўжа дадасига ўхшаб бир уйқуси қочса уч кунлар мижджа қоқмай юрадиган, аммо уйқуга кетса, ҳай-ҳай қулоғнинг остида замбарак отсангиз ҳам уйғонмайдиган бир йиғит эди. Кеча оқшом бедапояда уйқуга кетганча бугун эрталаб, қуёш анча кўтарилиб қолган бир пайтда уйғонди. Утлаб ёнгинасига келиб қолган сигир тўсатдан маъраб юборганди, ўшанинг овози чўчитганди уни. «Уйқуни ҳам харом қилдинг, жонивор, — дея кўзларини ишқалаб секин ўрнидан тура бошлади. Ариққа оёғини айри ташлаб муздеккина лойқа сувга ювинаркан кеча ухлаш олдидан миясида қотиб қолган суратлар яна жонлана бошлагандигини сизди, Ҳалимасини ўйлай бошлади. «Бораман, ҳеч бўлмаса деворнинг орқасидан бўлса ҳам бир кўриб кетаман. Кўролмасам чўнтагимдаги мактубни Мирзаалининг хотинига бериб қайтарман. Кейин қишлоққа жўнайман. Аям йиғлайди, дадам ер тепиниб фикринади, мен бўлсам бошимни қуйи солганча жим туравераман. Жим туриб синаман уларни».

Булоқбошига жўнади. Кечаги ғаму ташвишлари, биринчи тўқнашувнинг ютқизиш алами, шу бир ой давомида мирзолар билан аравакашларнинг бошини бошига қўшиш учун чеккан азоблари гўё Булоқбошига борса унутилдигандек, гўё Ҳалимахон Бузрукхўжанинг мағлубиятига ҳамдардлик билдириб, навбатдаги ҳамласига куч-қувват бериб рағбатлантирадигандек жадал юриб борарди.

Мулла Мусо бобонинг дарбозаси берк экан. Каттаю кичик далага кетган бўлса керак, қишлоқ сув қуйгандек жимжит. Қаердадир, афтидан Мирзаали ўртоғиникида бўлса керак, ҳозиргина тухум қўйиб чиққан она товуқнинг алам билан қақақлагани эшитилди. Бола туғсам боши йўқ, қараб турсам қоши йўқ, деб йиғлаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Кетидан қанотларини уриб хўроз ҳам қичқириб, вой худойим сақласин, вой худойим сақласин, дея юпатган бўлди. Ариқ бўйида, катта тол остида уч-тўрт бола тупроққа беланиб қумтака ўйнаб ўтиришибди. Болалардан бири лойга беланган қўлларини орқасига беркитиб, лабларини ялай-ялай Бузрукхўжага яқинлашиб кела бошлади.

— Амаки, мен сизни тапидим, — деди бола нимадандир умидвор бўлгандек бир оҳангда.

- Таниган бўлсанг, ким эканман?
- Ҳалимахон опамнинг куёвсиз.
- Ҳалима опанг қаерда ўзи?
- Аравага ўтириб далага кетишди.
- Далага кетгани аниқми?

— Ишқилиб кетишди-да... Амаки, энди мени от қилиб миндирмайсизми?

— Янаги сафар келганимда,— деб қўйди Бузрукхўжа бўшашибгина. Сўнг: «Э худо, нега мен бунақа омадсизман-а,— деб сўради ўзидан,— нимани ихтиёр қилсам тескариси бўлиб чиқади-я! Муқимий ҳазратлари бу дунёни бекорга «гардуну дун» деб атамаган эканлар-да... Хўш, мулла Бузрук энди қаёққа борадилар? Энди секингина Пандигонга равона бўлсинлар-да, эртадан бошлаб далага чиқиб бисмилло дея кетмонни ураверсинлар!... Ҳаммаси тамом бўлди!»

Маҳсисини ечиб қўлтиғига урди-да, сув тошиб кетган дала йўлидан уйига қараб жўнади. Йўл қайнотасининг мулки ёнидан ўтарди. «Ҳаммалари жам бўлиб ишлашаётган бўлишса-я,— дея ўйлай бошлади,— кўриб қолишса нима қиламан! Кўришмас, катта туглар бор, ўшаларни паналаб ўтиб кетарман». Бўлмади, иш яна тескарисидан келди. Ариқнинг нариги юзида ўз мулки томон сув очаётган мулла Мусо бобо тескари қараб жадал ўтиб бораётган куёвини кўриб қолди. Бир хаёли гап қўшмай, мени кўрса уялиши ҳам мумкин деб ўйлади. Яна кечаги Риштон воқеаларини куёвининг ўзидан сўраб билгиси келди-ю, сўнгги истак устун келиб:

— Бузрукмисан? — деб овоз берди.

Бузрукхўжа турган жойида туриб қолди. Шаталоқ отиб қочиб қолишини ҳам, эгилиб салом беришини ҳам билмасди.

— Ке, куёв бола бир сўрашиб олайлик,— шундай деб мулла Мусо бобо бўз яктак иштон билан ариққа тушган экан, ҳаммаёғидан шариллатиб сув оқизиб чиқиб кела бошлади. — Эрталабдан буён икки-уч бор паллом босдим, опкетиб қоляпти.

— Бойлашиб юборайми? — ниҳоят ўзига келгандек бўлди Бузрукхўжа.

— Агар шошмаётган бўлсанг, майли.

Қайната-куёв жимгина ариқ ичига тушишди. Бузрукхўжа қайнатасига тасодифан дуч келиб қолганидан ва у кишига ёрдами тегаётганидан хурсанд эди. Ҳамма куёвлар қатори у ҳам қайнотаси олдида ўзини кўрсатгиси, паҳлавонлиги, абжирлигини намойиш қилгиси бор. Чангалзор томондан оғирлиги беш-олти пуд келадиган катта тошлар-

ни юмалатиб чиқа бошлади. Мулла Мусо бобо бу ариқдан эрта шу вақтгача уч қулоқ сув олиши керак эди — тош кўп босилганидан беш қулоқча ўта бошлади.

— Ҳой, тағин калтак еб ўтирмайлик,— деди ғайрати жўшиб бораётган куёвига.

— Бас қилайми?

— Ҳа, бас қиламиз, куёв бола.

Ариқдан чиқишиб кийимларидаги сувни сиқа бошладилар. Қайнотасининг қаёққа кетаётган эдинг, деган сўроғига Бузрукхўжа шундай, ўзим сизни кўргани келаётувдим, деб жавоб қайтарди. «Бекор айтибсан,— ўйлади Мулла Мусо бобо,— мени, шарти кетиб парти қолган чолни бошингга урасанми, қизимни кўргани келгансан. Аввал қишлоққа ўтгансан, учратолмай буёққа қараб югургансан. Э тавба, қайнота куёвнинг тупроғини бир жойдан олади дейишарди, рост экан-а. Худди ўзимга ўхшайди-я. Ўринбувига потиҳали бўлганимдан кейин мен ҳам раҳматли қайнотамнинг чорбоғига бориб деворидан мўралаганим мўралаган эди. Кўриб қолса, раҳматли мени ўғлим-ўғлим деб ёнига чақирар, ўрнимдан туролмай қолгунимча ишлатарди... Мен ҳам қайнотамга ўхшаб сени роса ишлатаман, қовунимни чопиқ қилиб бермагунингча жўнатмайман...»

— Сен, ўғлим супага боравер,— деди мулла Мусо бобо жуда меҳрибон бир оҳангда сўзлашга тиришиб,— мен сувни тараб қўяй, кейин бир отамлашамиз.

Бузрукхўжа танаси қучоққа сиғмайдиган катта ўрик остидаги супа ёнига борди-ю, кийими ҳўл бўлгани учун ўтиролмади. Тик туриб қайнотасининг зироатини ҳавас билан кўздан кечира бошлади. Супанинг шундоққина ўнг томони-га, ярим танобча келадиган жойга эртанги пиёз эккан экан — ўтаб, суғориб, яшнатиб қўйибди. «Ғўзаси аллақачон шоналабди,— фикридан ўта бошлади Бузрукхўжанинг — буғдойини ўриб, боғлаб ҳам бўпти. Жўхориси ҳам чопиқдан чиққан... Қайнотам ўзи бошқача одам-да, ишга жони жаҳди билан ёпишади». Мулла Мусо бобо чиндан ҳам ерга йиқилса тупроқ тишлаб турадиганлар хилидан. Қаттиқ ишлайди. Аҳли хонадонга ҳам ёзин-қишин тиним бермайди. Еридан икки марта ҳосил олади, олмагунча қўймайди ҳам. Сигири ҳам йилига икки марта туғадди дейишади, туғмаганига ҳам қўймас эмиш. Эҳтимол, шунинг учундир дўстга хор, душманга зор бўлмасдан келяпти у. Бир қўш ҳўкизи, от-араваси бор. Бировдан қарзи йўқ, тили узун. «Дадамга қараганда бу киши анча пишиқ,— яна ўйлай бошлади Бузрукхўжа,— агар деҳқон бўлсам менам қайнотамнинг йўлини тутаман, қаттиқ бўламан...»

— Шу келишда қаёқдан келяпсан? — сўради сувларини тараб қайтган мулла Мусо бобо.

— Риштондан.

— Пандигонга ўтганинг йўқми?

— Йўқ, тинчликми ўзи?

«Демак, ҳеч нарсадан хабари йўқ ҳали, — ўйлади қайночаси, — яхшиси айтмай қўя қолай, ўзи борганда билиб олар».

— Риштонда ғалаёнлар бўляпти деб эшитдим. Қани ўтир-чи, бир гапириб бер-чи. Йўқ, куёв бола, як нафас ҳузур тахту сулаймон аст, деган эканлар, остимизга эскироқ бўлсаям манавуни тўшаб олайлик. Учоқда қумғон бор, ол бу ёққа. Ҳа, баракалла, қорин қалай, очроқ дейсанми? Урикнинг каллагиде қатлама бор, ол буёққа... Оббо мулла Бузрук-ей, дадамнинг қовунига чопишиб юборай деб келибсан-да? Яхши! Бир оз чойлашиб олайлик, кейин ёнма-ён туриб бир куч синашиб кўрамиз. Ия, нега қараб турибсан, қатламани ушатмайсанми! Хўш, Риштондаги ишларинг қалай?

— Э дада, жуда ёмон. Ғалаён кўтарувдик, эшитгандирсиз, кеча ноиб жаноблари ҳаммасини бости-бости қилиб бизни калтаклатди.

— Қалтаклатди?

— Ҳа, кейин мен билан яна тўрт-беш кишини ишдан ҳам ҳайдади.

— Нега ҳайдайди?

— Уша иш ташлаганларга бошчилик қилганимиз учун да.

Мулла Мусо бобо, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди деганларидек, йигит киши дунё кезгани маъқул деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам куёвнинг гоҳ Қўқонда, гоҳ Риштонда дарбадар юришидан унча хафа эмасди. Қайтагача уйлангунча дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўргани маъқул, ана ўшанда рўзгорига пишиқ бўлади, дея фикридан ўтказарди баъзан. Мирзо бўлиб хизмат қилаётганини эшитиб: «Ҳа-ҳа, куёв танлашда, худо хоҳласа янглишмадим ажаб эмас катта лавозимларга ҳам кўтарилиб кетса-ю, бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолса», дея ўзича фахрланиб ҳам юрганди.

— Чатоқ бўпти-ку! — деди тўсатдан феъли айнаб.

— Айб ўзимиздан ўтди, — тушунтира бошлади Бузрук хўжа, — уюша олмадик, Муртазин яширин юргани учун ўзини ошкор қилгани қўрқди.

— Муртазин деганинг ким бўлди?

— Уям ишқилобчи.

— Бу икқилоб деганингга ҳам, куёв бола, яхши тушунмайроқ турибман.

— Э дада, буни тушунтириш анча мушкул, агар лўнда қилиб айтадиган бўлсам бу Николай пошшони тахтдан ағдарамиз деганимиз, бўладн.

Мулла Мусо бобо негадир атрофига чўчиброқ бир назар ташлаб олди.

— Оқ пошшони-я? — деб сўради паст овоз билан.

— Ҳа, ўша золимни.

— Демак, куёв бола, фитнага аралашиб юрган экан-да?

— Йўқ, дада, бу фитна эмас, бу — жамнки мазлумларнинг хоҳиши, иродаси. Қўқон большевиклар қўмитасида шундай дейишяпти.

— Ҳали Қўқон билан ҳам алоқам бор дегни?

— Ҳар ўн беш кунда яширинчасига бир йнғилиб тура-миз. Ленининг китобларидап ўқиб беришади, кўпини ўрис-ча ёзган экан. Э дада, ҳамма ҳикматлар ўша китобларда,

— Бу Ленин деганинг ким бўлди? Уям аравакашларга бошчилик қилганларданми?

— Эшитмаганмисиз?

— Кимдан эшитаман, Риштонга бормасам.

— Большевиклар фирқасини ўша тузган. Жамнки китобларини хорижда қувғинда юрган пайтларида ёзган.

— Пайғамбаримизга ўхшаб қувғинга учраган экан-да?

— Ҳозир ҳам қувғинда юрибди, дада.

— Ҳимм,— деб соқолларини силаб бир оз жим турди мулла Мусо бобо,— оқ пошшони йиқитамиз дегни?

Бузрукхўжа чорданасини бузиб чўкка тушиб олди

— Албатта йиқитамиз!

— Қўшинни қасрдан оласизлар?

— Жамнки йўқсиллар бирлашсак, снғилмас қўшин бўламиз.

— Тўпу замбаракни-чи, оқ пошшонинг ўзидан қарзга олиб турасизларми?

— Ташвишланманг, дада, унинг ҳам бир иложини қиламиз. Гап бирлашишда. Бирлашсак худо хоҳласа ҳаммасига эришамиз. Икқилобга бошчилик қилаётган Ленин жамнки фирқа аъзоларига одамларни бирлаштириш учун иш-ни иқтисодий талаблар қўйишдан бошланглар деб ўргатяпти.

Мулла Мусо бобо куёвининг фикри-мулоҳазаларига аввалига хийла қизиқиб қулоқ солаётганди. Энди унинг тақдирига ачиниш, қўрқа бошлади. Бордию пошшолнкке қарши бўлган бу гаплар бошқа жойда оғзидан чиқиб кетса

нима бўлади, қамалади, албатта, қамалади! Хўш, ундан кейин яккаю ёлғиз қизимнинг тақдири нима бўлади! «Танлаган куёвимни қарая!» деган фикр ўтди мулла Мусо бобонинг бошидан... Уйланиш учун пул ишлаб юрибди деса, бу куёв бола шунақа одам боласининг ақли етмайдиган ишлар билан машғул бўлиб юрган экан-да. Лекин ким билади дейсиз, бу Ленин деганлари ҳам худоёрлақаган бир кимса бўлса ажаб эмас. Модомики, дунёнинг ярмига амри фармон бериб турган оқ пошшо билан олишаётган экан, демак, бир ҳикмати бор экан-да. Модомики, унинг хорижда туриб айтган гапи шу олис Туркистонгача етиб, Риштондаги аравакашларнинг ҳам дилига қутқу солган экан, демак у ҳам бир аллома экан-да! Демак, Бузрукхўжа унинг орқасидан эргашиб чакки иш қилмабди-да! «Йўқ, нима бўлганда ҳам шу болани куёвликка танлаб яхши иш қилганман», — ўйларига яқун ясай бошлади мулла Мусо бобо.

— Ишқилиб, ўғлим, ўзингга эҳтиёт бўлгин. Худо кўрсатмасин қамалиб қолгудай бўлсанг ота-онанг кўтаролмайди. Ундан кейин... ҳалигидай... бизга ҳам яхши бўлмайди. Энди тур, кун исиб қолмасдан озгина ишлайлик. Кетмонни ҳам роса соғингандирсан?

— Соғинганман.

Уша кунни ногаҳон қўлга тушиб қолган куёв меҳрибон қайнотаси ёнида намозгар пайтгача кетмон урди. Қўллари қабариб елкасини кўтаролмай қолди. «Яна учратолмадим уни, — алам билан ўйларди у, — омади йўқ йигит эканман ўзи. Нимани ихтиёр қилсам тескарисини бўлади-я!»

Пандигоннинг ғамгин оқшомлари

II қисм



I

АСКИЯ БУЛГАН ОҚШОМ

Бузрукхўжа ҳали қайнотаси билан суҳбатлашганда, ён-ма-ён туриб кетмон чопаетганда ҳамма нарсага умид ва ишонч билан қарайдиган бир вазиятда эди. Хайрлашиб йўлга тушаркан: «Ҳалимани кўролмадим-а, ўзи омадсиз йигитман-да!» деб ўйлади. Шу ўй сабаб бўлди-ю, руҳиятидаги кечаги мискинлик, ўзига ҳам, бошқаларга ишонмаслик, ёруғ дунёнинг ҳамма хайрли ишларидан қўл силташга ўхшаш тушкун бир кайфият яна қўзғалиб кела бошлади. Пандигонга кириши билан катта ариқда чўмилаётган болалар уни ҳар томондан қуршаб олишиб, бири олиб бири қўйишиб, кеча оқшом пайтида Абдурахмонбой уларнинг рўзгор анжомларини олиб кетганини, дадаси билан акасининг қўл-оёқларини боғлашганини ва осмонга қаратиб икки марта ўқ ҳам отилганини айтиб беришди.

Бузрукхўжа кеча етиб келганимда бунақа ишлар бўлмасмиди, деб ўйладю, яна ўзини айблай бошлади. Бўшашган кўйи уйларига кириб борди. Дадаси айвонда ўтириб Мақсуд қори ташлаб кетган бузоқчага нўхта тикаётганди, ўғлини кўрди-ю, негадир ўрнидан қўзғалмади. Бузрукхўжа салом бериб унинг олдига жадал бораётганди, ичкаридан онаси югуриб чиқди. Бўйнига осилиб юзу кўзларидан ўпаркан: «Хайрият, хайрият», дея такрорлар, қувончдан бўлса керак, кўзлари ёшланиб борар эди. Эшон ота ўғлига қўлини истамайгина узатди... Кеча эрталаб ўғлим бошқачароқ эди. Худди аскарни жангга олиб кираётган навкарбошидек кўнгли баланд, руҳи тетик эди, энди бўлса сувга тушган товукдек шалпайиб турибди, бир кунда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетибди-я, деган фикр ўтди Эшон отанинг бошидан. Сўнг ўғлига юзланиб:

— Қани ўтир-чи! — деб ёнидан жой кўрсатди.

Бузрукхўжа ўтираётиб тортиниброқ сўради:

— Дада, тинчликми?

— Ҳа энди, кўргилик экан-да, ўғлим, — деб қўйди Эшон ота, — бир жиҳатдан бой жанобларини ҳам айблай бўлмайди. Қарзимиз бор, тўлашимиз ҳам даркор эди-да,

Олиб чиқиб кетган нарсаларига ачинаётганим йўқ, молу дунё бебақо дейдилар. Менга алам қилгани қўлимни орқага боғлагани бўлди. Тўғри, камбағал яшадим. Лекин йигит бўлиб гапимни бировга бермагандим. Ҳа, майли, куйинма, ҳаммаси жойига тушиб кетади... Хўш, Риштонда нима гап?

— Омад бизга боқмади, дада.

— Нонб билан олишиб бўлмайди, демабмидим.

— Хон-эшон ҳазратлари битай деб турган ишнинг белгига тепди.

— Уни хон-кофир дейишади.

— Кофирдан ҳам баттар экан, дада. Йўқсилларнинг ёнини олиш ўринга нонб жаноблари тарафига ўтиб, хо-жаси белгиллаган ҳақдан ортиғини даъво қилмоқ кофирнинг иши, деб орамизга нифоқ солиб қўйди.

— Муштлашиш ҳам бўлган эмиш деб эшитдим.

— Бўлди, дада.

— Сени калтаклашмадимми ишқилиб?

— Эл қатори... бизам бенасиб қолмадик.

— Аянгга айтма. Суюгинг бутун қолган бўлса бўпти.

Бу сенга сабоқ бўлсин, ўғлим, қайтага калтак есанг тезроқ пишасан. Мавлоно Саъдий тўқайга ўт қўйишдан олдин, шер чиқиб қолиши ҳам мумкин, қочадиган жойингни белгилаб қўй деган эканлар... Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Билмадим.

— Кўпроқ пул олиб келдингми?

— Икки ойлик маошим қолиб кетди.

— Аянгга кўп пул олиб келдим дегин, хўпми?

— Хўп, дада.

— Кеча Риштонда Абдурахмонбой ҳам бормиди?— сўради яна Эшон ота.

— Номард бир арава тош олиб борибди-я! — деб қўйди Бузрукхўжа.

— Худога шукур қил, ўғлим, бир арава ўқ олиб борганда нима қилардинг.

Отинбиби ая дастурхон ёзиб топган-тутганини келтириб қўя бошлади. Ҳар гал уйга кириб чиққанда, ўғлининг кўзини шамғалат қилиб, эрига «Уришманг!» дея ишора қилар, ичкарига кириши билан тағин дадаси аччиқ-тизенқ гап айтиб ўғилгишамнинг дилини оғритаётган бўлмасин деб, дарров орқасига қайтиб чиқар эди. Охири бўлмади. Ёиларига ўтириб олди. Кеча бой жаноблари олиб кетган нарсаларнинг кўпи Бузрукхўжанинг сарсон-саргардон юриб топиб келган пулига харид қилинган, шикоҳ тўйларига аталган. Ўғилгишам шуни эшитиб қолмасин дея онанинг

кўнгли алағда эди. Хайрият, дадаси бу ҳақда гап очмади. Суҳбат мавзуйи гоҳ Риштондан Қўқонга кўчар, гоҳ Қўқондаги катта бойлару ноиб жанобларнинг қилмишлари ҳақида гап очишар эди.

— Менга қара, Бузрук,— деди бир маҳал Эшон ота нимадир эсига тушгандек жонланиб,— бу Шакархоннинг хулқи-ахлоқи қанақа ўзи?

— Қанақа ахлоқи?

— Ҳалиги, хўш... нима десам экан, кўп хотинлими демоқчиман.

— Дада, ноибнинг бошқа ҳокимлардан фарқи шуки, хотин олиб хотин қўйишни ёқтирмайди. Лекин...

— Хўш, нима лекиви бор?

— Лекин, дада, умуман яхши одаммас.

— Очиқроқ айтавер.

— Очиғи шуки, дада, у етим қизлар саройини ўзига харама қилиб олган, дейишади.

— Шунақа дегин?

— Лекин, дада, кўзим билан кўрганим йўқ. Ноиб жаноблари ҳам бировга кўрсатиб иш қиладиган хилидан эмас.

— Аяси, ўчоқ бошида мунча ўралашдинг? Гулнора қизимнинг мактубини олиб чиқ, Бузрук ўқисин.

Мактуб қайта ўқилгач учовлари ҳам жим қолишди. Демак, ноиб жаноблари жиянларига кўз тиккан, бу аниқ. Уни зудлик билан етимхонадан олмоқлари даркор. Лекин ноиб кўнармикан, кўнмайди! Унда судлашишга тўғри келади, бу музофотдаги қозиларнинг ҳукмини ноиб жаноблари сариқ чақага ҳам олмайди-ку, демак, судлашишнинг ҳожати йўқ. Бордию Қўқондаги рус тўраларигами, мировой судларгами мурожаат қилса-чи. Бари бир пул керак, бир халта пул керак!

— Уғлим, Гулнора сенинг ҳам жиянинг, ҳам синглинг бўлади,— хўрсинди Эшон ота,— сен уни қутқаришинг керак. Ҳар қалай дунё кезиб юрибсан, ўрислардан ошноларинг кўп. Зора, улар ҳам ўртага тушса.

— Мулла Маҳмуд ўқидими бу мактубни? — сўради Бузрукхўжа.

Отинбиби ая бир чеккада мунғайибгина ўтирарди. Савол ўзига қаратилганини сезиб:

— Унга ҳам шунақа мактублар келаётган эмиш,— деб қўйди,— чақириб чиқайми?

— Майлингиз,— ўйга толиб деди Бузрукхўжа.

Мулла Маҳмуд икки оёғи шол бўлиб қолган дадасини орқасига опичлаб чиқди. Қотмадан келган, боши сапча қовундек чўзиқ ва шунинг учун ҳам танасига бўйни хийла

узун кўринадиган бу йигитнинг сўзлаганда кўзи юмилиб, очилиб турадиган одати бор эди. Қизларникидек узун киприкларини пирпиратиб Бузрукхўжадан ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Аммо Эшон ота бетоқатроқ эди. Шунинг учун ҳам қаллиғингни қутқариш маслаҳатини қилайлик деб, меҳмоннинг гапини бўлиб қўйди. Мулла Маҳмуд хўрсиниб бошини эгиб олди.

Намозшомгача ҳам бир маслаҳатга келолмадилар. Бузрукхўжа ноибнинг номини эшитиши билан кечаги еган калтагию, шармандаларча қувилгани эсига тушиб, одам боласига ҳамиша худди мазах қилаётгандек айёрона боқадиган ноибга яна бир бор рўбарў бўлишни ўйлаб юраги увишиб кетди. Тўпланганлар эса бу ишни фақат Бузруккина поёнига етказа олади деб ишонганларидан масъулиятни ўз зиммаларига олишни истамас эдилар.

Бир қарорга келолмадилар. Суҳбат охирига бориб хийла маъюсланиб қолган Мулла Маҳмуд дадасини опичлаб чиқиб кетгач, Бузрукхўжа даладан кеч қайтган акаси Сулаймонхўжа билан бирпасда гижиллашиб қолди. Сулаймонхўжа укасининг дарбадар юришини хушламайди. Агар сен ҳам ёнимга тушиб кетмон чопганинда ерни кўпроқ олиб деҳқончиликни каттароқ қилган бўлардик, қарздан ҳам эртароқ қутулардик, деб ҳисоблайди. Укасини фозилу дониш бўлгани учун ҳурмат қилса-да, дарбадарлигини ҳеч кечиролмайди. Кетмондан қочиб юрибди дейди. Бузрукхўжа меҳнатдан бошқасини билмайдиган, қобил-мўмин акасининг фикрларига ҳеч қўшилмайди, бойлардан ерни қанча кўп олсанг қарзга ҳам шунча кўп ботасан, тамом-вассалом деб туриб олади.

Ака-ука гижиллашиб олишгач, Бузрукхўжа яна бетоқат бўла бошлади, дунё-дунёси қоронғилашиб уйга сиғмай қолди. Уртоқларим билан кўришсам, зеро андак ёзилсам деган ўй билан Отинбиби аянинг: «Бир кунгина олдимда ўтиргин», дея ёлворишига ҳам қарамай гузарга чиқиб кетди.

Ўйрат Пандигон Саккиз Пандигоннинг қоқ ўртасига жойлашган, гузари бошқа гузарларга қараганда гавжумроқ. Ўзига яраша боққолчилиги, ёнма-ён тушган икки нонвой-хонаси бор. Чегачилик, қассобхона, ямоқчилик сингари дўконлар гоҳо эл ётаргача ишлаб туради. Чойхонада одам кўп экан. Тенг-тенги билан давра қуриб, сўриларни тўлдириб ўтиришибди. Гарчи ҳали атрофга қоронғи тушмаган бўлса-да, уч-тўрт жойга қирқинчи фонар ёқиб қўйишибди. Ўртадаги катта ҳовузга, атрофга салқини урсин деб лиммо-лим сув тўлдиришган, тепадаги тоғларга бир-би-

рнга тараф қилиб икки бедана илинган экан, басма-басга сайраб туришибди.

Мулла Маҳмуд шу ерда экан. Шошилиб ўрнидан туриб Бузрукхўжани ёнига олди-ю, бармогини лабига теккизиб «жим ўтир», дея ишора ҳам қилиб қўйди. Даврада аския бошланай деб турган экан, Ҳасанбой билан Ҳусанбой овозимизни бошқалар ҳам эшитсин деб бир-бирларидан узоқ туриб олишган.

— Ака!— деб чақирди баланд овоз билан Ҳусанбой.

— Лаббай ука? — ўшанга тенг овоз билан жавоб қайтарди Ҳасанбой.

— Бир кулишиб олайлик дейсанми?

— Ҳа, бир кулишиб олайлик, юраклар зардобга тўлиб кетди.

— Бўлмаса, бир-биримизга лақаб қўйиб олсак.

— Э, укагинам, бир-биримизга лақаб қўйиб нима қилардик. Мен ўша эски калмап, сен ўша эски шилпиқсан-да.

— Ака, бўлмаса пайровни нимадан оламиз?

— Э, укагинам, пайров ахтариб бозорга борармидинг. Катта акам ноиб бўлганларидан буён бозорда ҳеч нарса топилмайдиган бўлиб кетган.

— Акажон, унақа дема. Худога шукр, бозорда кафан билан тобут сероб дейишяпти... Ке, қўй, тортишиб ўтирмайлик. Ундан кўра бедана бўлиб бир сайраб берамиз.

— Яхши укам, сендан бедана чиқмайди. Ҳар қанча боқсам ҳам, бари бир, орқамдан: «Шапкўр, шапкўр» деб сайрайсан.

— Ака, очигини айтсам, сендан ҳам яхши бедана чиқмайди. Қачон ёнингга борсам бошимга қараб: «Сип-силлиқ», деб сайрайсан.

— Ука!

— Лаббай ўзимнинг акам?

— Бсрган чигирткаларим ёқмай қолдими дейман, ёнингга бордим дегунча: «Шилпиқ, шилпиқ», деб камситасан.

— Ҳой чиройли акам?

— Лаббай?

— Мени унақа камситма. Бошингни пашша талаган кунни ҳаминиша ёрдамга бориб: «Таталанг, таталанг!» деб маслаҳат бериб тураман-ку.

— Ҳой маслаҳатчи укам?

— Лаббай?

— Бари бир сен дўст бўлмайсан.

— Нега ундай дейсан, ака?

— Ана у кунни кўзим оғриб ёши оқиб турган бўлишига

қарамай дон берай деб олдингга борсам кўзимга бақрайиб туриб: «Сувхўрак, сувхўрак» деб сайрадинг-а!

— Ҳой, кўнгли тўлмаган акам?

— Лаббай?

— Ҳар қалай мен сенга тан бераман. Қиш пайтида дон берганинг эсингдами?

— Эсимдан чиқибди?

— Ўша куни мен хурсанд бўлганимдан бошингга қараб туриб: «Яхмалак, яхмалак», деб мақтаган эдим-ку!

— Ҳой, мени мақтаган укам?

— Лаббай акажон?

— Менга энди, ванглашша берма, хўпми?

— Нега ундай дейсан ака?

— Тилимга ёмон таъсир қиляпти. Сени кўрдим дегунча: «Юмуқ, юмуқ», деб сайрайдиган бўлиб қолдим.

— Ҳой, тили чучук акам?

— Лаббай?

— Кейинги пайтда икковимизнинг ҳам тилимизга бир бало бўлганга ўхшайди.

— Худо сақласин, укам.

— Сени кўрдим дегунча менинг ҳам тилим тутилади-ю! «Шўртепа, шўртепа», деб туравераман.

— Ҳой, касалга чалинган укам?

— Лаббай, аскиячи акам?

— Бу йил қишлагани совуқ томонларга бордингми дейман?

— Нега ундай дейсан?

— Иккови кўзингни ҳам совуққа олдириб келибсан-ку!

— Ҳой, синчков акам?

— Лаббай, гапдон укам?

— Сен ҳам қишни ўша ёқларда ўтказганга ўхшайсан.

— Қаёқдан билдинг?

— Келаётганингда бошингда бир метр оппоқ қор билан келдинг-ку!

Чойхонада кулги авжига чиқиб борар, қандингни ур Ҳасанбой, бўш келмайсан Ҳусан бола, деган қийқириқлар узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб турарди. Турмуш икки-чирларидан, рўзгор машаққатларидан, куннинг иссиғида қилинган бугунги оғир меҳнатдан ҳориб-чарчаб келган бу одамлар, қандай бўлмасин, озгина кулиб олишни, шу кулги асносида бир нафас бўлса ҳам ўзлигини унуттишни истарди. Пандигонда кулгидан ўзга ҳордиқ йўқ. Ака-укалар гоҳо қўғирчоқ ўйинлар ҳам кўрсатишади. Лекин ўйинда кулгидан кўра ҳаракат кўп бўлганидан, кулги ва унинг

завқига ўрганиб қолган пандигонлилар ака-укаларни кўпроқ пайровга чорлашарди.

Бузрукхўжа ҳам анчадан буён бунақа берилиб кулмаганди. Ёлкасидан тегирмон тошдек босиб турган ташвишлари чекинди-ю, озгина бўлса ҳам дили ёришгандек бўлди.

Ҳасанбой баланд овоз билан гапира бошлади:

— Ҳа, азизлар, мана шу тирранча укам баҳона бўлиб оз-моз кулишиб олдик. Шилпиқ деганим билан у шилпиқ бўлиб қолгани йўқ, қаранглар кўзлари бирам чиройли. Кал дегани билан мен ҳам кал бўлиб қолганим йўқ, қаранглар, бошим тўла соч. Лекин баҳонада кулишиб олганимиз қолди. Бир донишманд шаҳарга табиб келгандан кўра қизиқчи келгани маъқул деган экан. Негаки, табиб одамларнинг томирини ушлаб, дилига қулоқ солиб минг хил касалини эсига солиб кетаркан. Қизиқчи бўлса кишиларни кулдириб, касалини ҳам эсидан чиқариб ғаму ғуссадан фориг этиб кетаркан. Энди мана, гап навбати сизларга. Бузрукхўжа ўртоғим келган, кўп юртларни кезиб юрибди. Зеро дунёда бўлаётган воқеалардан сўзлаб берса...

Бузрукхўжанинг номи тилга олинishi билан давраларда пичир-пичир бошланди. Кеча Риштонда бўлиб ўтган воқеалар бу ерга хунук овоза бўлиб келган, бир хиллар Бузрукхўжа қамоққа олинганмиш деб, бир хиллари уни Сибирь қилишармиш деб, яна бирлари Хон эшон ҳазратлари уни кофир деб эълон қилган эмиш деб эшитган, Сибирь қилинмаган тақдирда ҳам, борингки, кофир бўлмаганда ҳам, ҳар қалай бу йигит ноиб жанобларидек қудратли ҳокимга қарши чиқди, Хон эшон ҳазратларидек Пири муршид билан тиккама-тикка олишди. Утирганларнинг аксарияти ноиб билан, Абдурахмонбойнинг хизматкору чоракорлари. Ушаларнинг муруввати билан ризқу рўзини тергилаб еб юрган кишилар. Бузрукхўжа билан бу оқшом суҳбат қурганлари Шакархоннинг қулогига етиб борса бормин, э, худо, ўша ёмон кундан ўзинг асра!

— Тур кетдик, — деди дашт маҳаллалик мўйсафид бир киши, — тагин Риштондаги балойи офат бизнинг ҳам бошимизга ёғилмасин.

Чойхўрлар юзларига фотиҳа тортиб бирин-кетин жўнаб, чойхона бўшаб қолди. Ака-укалар билан Мулла Маҳмуд: «Бу қанақаси бўлди?» дегандек бир-бирларига қараб олишди. «Ё раббий, наҳотки одамлар мени ўз қишлоғимда ҳам яккалаб қўйишса, — алам билан ўйлади Бузрукхўжа, — ахир мен уларга ёмонликни раво кўрганим йўқ эди-ку, мен уларнинг манфаатини ҳимоя қиламан деб яхшигина ишлаб турган ўрнимдан қувилиб келдим-ку!»

АРМОН БУВА БИЛАН ҒОЙИБОНА СУҲБАТ

Бузрукхўжа қайтса, аяси айвонга ўзининг шундоққина ёгинасига жой солиб қўйган экан. Ҳаво димлигиданми, ёки руҳидаги бетоқатликданми назарида ҳамон ҳовлига сифмаётгандек эди. Кўрпа тўшагини олиб томга чиқаётганди, ой ёруғида чарх йигириб ўтирган Отинбиби ая:

— Болагинам-ей, бир кечагина ёнимда ётсанг бўлмай-дими,— дея армон қилган бўлди.

— Аяжон, энди ҳар куни ёнингизда ётаман,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Вой, тилгинангга новвот-ей, рост айтяпсанми?

— Рост айтяпман.

— Худоё умринг узоқ бўлсин, ўғлим. Майли, томга чиқсанг чиқа қол, қайтага ўша ер салқинроқ. Фақат олдин бир-икки челақ сув сепаиб ол, тагин газанда ўрмаламасин. Худоё сенинг ҳам бахтинг очилиб жуфти ҳалолнинг билан бир ёстиққа бош қўйганингни тезроқ кўрай... Сен чиқавер, челақни ўзим узатарман. Вой тентагим-ей, энди ростанам кетмайсанми?

— Кетмайман ая.

— Ая деган тилларингдан ўргилай, бирам соғинганманки!

Бузрукхўжа аяси айтгандек қилиб томга аввал ўрин солди-да, кетидан атрофига шалаббо қилиб сув урди. Ўзи тўшаган ўринга ҳузур қилиб ёнбошлаб олди. Оймома ҳам анча кўтарилиб қопти. У бугун шундай яқиндан чиқибдики, худди югуриб бориб ушласа бўладигандек. Ой дарахтлар устидан узоқлашиб осмонга кўтарилган сари дов-дарахтларнинг соялари қисқариб атроф чароғонлашиб бормоқда. Худди осмондан оппоқ нур қуюлаётгандек, нурлар дарахтларнинг учига, гиёҳларнинг баргига кўз илғамас арғимчоқ тортиб ўйнаётгандек. Ҳу наридаги азим теракларнинг ойга бетгай кумуш япроқлари аллақандай ялтираб қарсак чалаётгандек, шундоққина томнинг остида пастаккина бир дарахт шохида чах-чахлаб булбул сайраяпти. Ой чиқиши билан у ошиқ бўлган ғунча жамол кўрсатганди, эҳтимол васл қувончига мушарраф бўлгани учун шу ойдни кечада, тўлқин-тўлқин бўлиб кўкдан қуюлиб келаётган кумуш нурларга мадҳу сано айтаётгандир, эҳтимол, ғунча ичига беринган гўзалликка ошиқу беқарор бўлган бу қушча ўша гўзаллик шаънига қўшиқлар битаётгандир. Эҳтимол, ғун-

чанинг очилиш пайтини ҳеч қачон кўра олмагани учун қал-
би тўла армондир, армонларини куйга солиб куйлаётган-
дир.

Шариф бобо ўрикзори тарафдан йиғитларнинг гурунги,
аҳён-аҳёнда шарақлаб кулаётгани эшитилиб турибди. Гу-
зардан кетиб қолган ёш-яланглар афтидан ўша ерга тўп-
ланишганга ўхшайди. Кимдир дутор черта бошлади. «Ким
бўлди экан? — ўзидан сўради Бузрукхўжа, — Набижонми-
кан, наҳотки шунақанги уста бўлиб кетган бўлса...», бами-
соли кимдир дутор ичига беркиниб олиб мунгли овоз билан
йиғлаётганга ўхшайди, кимдир «оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро
бундай балолар бор экан», дея хониш ҳам қилиб қўяпти...
Дутор торларидан ўзилиб чиқаётган мунг дарахтларнинг
ой нурида ажиб йилтираб турган баргларига, ер бағирлаб
ўсган гиёҳларнинг нозик япроқларига оҳиста-оҳиста ури-
либ, зарраларга бўлина-бўлина борлиққа сингиб кетяпти.
Осмондан қўйилаётган оқ ҳарир нурлар, шу нурлардек ю-
шоқ, латиф ва айни замонда хазин ҳам мискин оҳанглар
билан қоришиб атрофга аллақандай илоҳий, ҳеч англаб
бўлмайдиган сирли қиёфа бераётгандек. Дов-дарахтлардан
тортиб гиёҳларгача куйга қўшилиб енгил чайқалаётгандек,
куйга қўшилиб тўлқин-тўлқин бўлиб оқаётгандек. Терак
устидан ой қотиб қолди, ҳансираб ётган замин ҳам нафас
олмай қўйди. Булбул чарақлаб сайрайди. Куй авжига чи-
қиб боради.

— Оллоҳ-оллоҳ ишқ аро бундай балолар бор экан! —
дея хониш қилиб қўяди куй тинглаётган йиғитлардан бири.

— Энди «Наво»ни чалиб берасан!

— Чал дўстим, юракларни сел қилиб оқизмагунча қўй-
майсан!

Куй ўзгарди. Кўкиш осмондан, дарахтлар олачалпак со-
ташлаб турган ўрикзор тарафда, ҳу наридаги экинзорлар
томонда ҳамон оппоқ нурлар чайқалиб тўлқин уради. Тўл-
қин эмас юраклардаги аламлар, диллардаги ишқ ситам-
лари куйга омухта бўлиб оҳиста-оҳиста учаётгандек, ким-
дир тиззасини қучиб йиғлаётгандек, кимдир фарзандини
бағрига босиб чайқала-чайқала алла айтаётгандек, севиш-
ганлар хилват боғ этагида учрашиб бир-бирларига роз-
дил айтаётгандек. Куй одам қиёфасига кириб оламдаг
барча дарду гуссани, барча шодлигу масрурликни ўз бағ-
рига жо қилиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулаётгандек.
Куй сеҳрига маҳлиё бўлиб ой ҳам бир жойда туриб қол-
гандек... Айтишларича худойи таоло одам боласини лой-
дан яратган экан. Одамни ясаб офтобга қўйиб обдон қури-
тибдию, унга қандай жон киритсам экан дея ўйлашиб қо-

либди. Шунда малонкаларидан бири қўлига чояғу олиб «Наво»ни чала бошлабди. Одамга жон кирибди. Қулоғига:

— Сен одамсан!

— Сен куйдан яралгансан!

— Сен нурдан яралгансан! — деган овоз эшитилибди.

Афсонани эслаб ўтирган Бузрукхўжани уйқу элтиб кўз олдини оқиш туманлик қоплаб келарди. Бу туманлик шундай кенг, шундай поёнсиз эдики, Бузрукхўжа бора-бора унга сингиб, ўтга томган томчидек йўқ бўлиб кетди... Шу пайт Хўжа бобо мозори тарафдан қуш деса қушга, одам деса одамга ўхшамайдиган, нурлардан тўқилган оппоқ чойшабга ўралган бир мавжудот учиб кела бошлади. Аста-секин пасайиб томининг чеккасига қўнди-да, елкасидаги чойшабни олиб ташлагандек бўлди. Бузрукхўжанинг қаршида оқ симобий салла ўраган, оқ сурпдан яқтак иштон кийган, оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний бир чол пайдо бўлди-ю, битта-битта босиб яқинлашиб кела бошлади. Йигитнинг назарида у инсон эмас, ойдан узилган бир парчадек эди. Йўқ, ойнинг парчаси эмас, ой нурларидан йиғилгану, аммо қўл билан ушлаб бўлмайдиган бир рўёдек эди.

Бузрукхўжа вужудида тўсатдан бошланган қўрқув ҳиссининг зўрлигидан нафас ололмай қолди.

— Дада, дадаммисиз? — деди ниҳоят тили аранг айланиб.

— Йўқ, ўғлим, мен даданг эмасман,— жавоб берди Рўё.

— Арвоҳмисиз?

— Йўқ, арвоҳ ҳам эмасман.

— Хўжаи Хизрмисиз?

— Йўқ, ўғлим мен Хўжаи Хизр ҳам эмасман.

— Мен қўрқаяпман,— борлигидан тер қуйилиб борарди Бузрукхўжанинг.

— Қўрқма ўғлим, мен Армон бобонг бўламан. Бу дунёдан ўксиб ўтган пандигонликларнинг руҳи, армони бўламан. Бечора ҳамқишлоқларимнинг шўр қисмати бўламан. Мулкдору, ҳокимларнинг калтагидан боши ёрилган йўқсилларнинг кўз ёшидан, суюқлигига етиша олмаган ошиқларнинг нолаи афғонидан, фарзандлардан жудо бўлган оналарнинг фарёидан, бир умр овқатга тўймай рамахта-жон бўлиб ўсган гўдакларнинг кўз ёшидан, сув дея сув бошида сўйилган, ер дея тириклайини ер остига кирган деҳқонларнинг ширин орзусидан жамланган Рухман. Мен оғир қапотларини оҳиста силкитиб Пандигон устидан учиб юрган ғамган қўшинқман. Менга тикилиб қараяпсан, лекин

баря бир кўролмаясан. Чунки мен ҳам борман, ҳам йўқман. Мени кўрмоқчи бўлсанг, қалбингга қулоқ сол, мен қалбингдаман. Мени эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман.

Демак, мен қалбингда бор эканман. Иншоолло, уни ҳеч қачон тарк этмайман. Риштондан нега қочиб келдинг?

— Қочганим йўқ.

— Уғлим, тан ол, сен қочиб келдинг. Ноиб билан шердек олишиш ўрнига бор кет деса жимгина жанггоҳни ташлаб чиқиб кетдинг.

— Ахир унинг тарафида миршаблар, навкарлар бор эди?

— Сенинг тарафингда халқ бор эди, армонли дунё бор эди!

— Халқ бизга эргашмади-ку?

— Ухлаб ётган одам уйғоқлар ортидан эргашмайди.

— Демак, халқ уйқудами?

— Ғафлатда ётибди у.

— Нима қил дейсиз бобо?

— Уйғот уларни! «Сен бу дунёга эшшакдек ишлаш учун келмадинг, сен онангдан хўрлик, зорликлар кўриш учун туғилмадинг, кўзингни оч. Сен паҳлавонсан, баҳодирсан ва демак ҳақ-ҳуқуқингни ҳимоя қилишга ҳам қодирсан», деб тушунтир!

— Тушунтира олмасам-чи?

— Бугун тушунтира олмасанг, эртага албатта тушунтирасан... Томга ухлагани чиқибмидинг, ўғлим?

— Ҳа, ҳовли дим экан.

— Демак, жонингнинг ҳузурини кўзлаб чиқибсан-да.

— Шундай, бобо.

— Нафсонияти ҳақоратланган даданг боғда юм-юм йиғлаб ўтирибди, ачинмайсанми? Қизлик иффати тўкилай деб турган қариндошинг Гулнора тузоққа тушган қушчадек типирчилаб ётибди, раҳминг келмайдими?

— Ахир...

— Жим тур. Ҳу, ўрикзорлар ортида икки чоракор сув талашиб бир-бирининг бошини ёраяпти. Сен қўшиқ тинглаб ётаверасанми. Риштонда олти ой ишлаб олти пулсиз уйга қайтган Мақсуд қори уйқуси қочиб эртага болаларимга нима пишириб берсам экан деб ўй сураяпти, сенга бари бир экан-да?

— Ахир, бобо!

— Жим тур, деяпман. Мен армонман, армонли қалбга беркинган мунгли овозман. Қалбингга беркиниб олганман. Энди сенга тинчлик бермайман, чақалоқ бўлиб йиғлай.

ман, полвон бўлиб наъра тортаман, сени жангларга етаклайман. Узингдан кеча оласанми?

— Кеча оламан.

— Омад сенга ёр бўлсин, хайр...

Бузрукхўжа уйғониб кетди. На шаклу, на вужуди бўлган ойнинг оппоқ нурларидан, пасту баланд куй оҳангларидангина иборатдек туюлган Рўё энди йўқ эди. Бузрукхўжа ўриндан туриб кетди. Тушими, ўнгими англай олмасди. Туш деса, уни аниқ кўрди, гаплашди. Унггим деса қаршисида ҳеч ким йўқ. Вужудида қўрқув қўзғалди.

— Дада! — дея бенхтиёр чақириб юборди.

Усмонхўжа ота боғда экан, дарахтлар орасидан овози келди:

— Нима дейсан?

— Уйғоқмисиз?

— Уйғоқман.

— Томга чиқдингизми?

— Чиққаним йўқ.

Бузрукхўжа томда ортиқ қолгиси келмай кўрна-тўшагини йиғиштириб, пастга туша бошлади. Аяси ҳамон чарх йигириб ўтирибди:

— Нега тушдинг? — шошилиб сўради ўғлидан.

— Ёнингизда ётсам майлими?

— Вой тентагим-эй; кел, кела қол. Уйқунг келмадими?

— Сиз билан ётгим келиб қолди. Ая, мен эрталаб Маҳмуд билан Риштонга боришга қарор қилдим. Гулнорани қутқариб келаман!

— Тилгинангдай ўргилай, паҳлавоним, яхши ўйлабсан. Дадаиғ шўрлик мактубни ўқигандан буён ўз ёнига ўзи қоврилиб юрибди. Ухла энди қўзим, юзингни елпиб қўяйми?

III

ЕТИМ ҚИЗНИНГ БАҲОСИ МИНГ СЎМ

Бомдод намозидан сўнг Бузрукхўжа билан мулла Маҳмуд Риштон сафарига отланишди. Мулла Маҳмуд даштга эккан эртапги арпасини ўриб, янчиб, пуллаш учун уч қопдон ҳозирлаган экан. Бузрукхўжа икки кажава саватни тўлдириб оқ ўрик терди. Ҳаммасини мулла Маҳмуднинг эшакаравасига юклаб олишди. Катта кўк эшак гарчи тортиб бораётган юки оғир бўлса ҳам, боқувда ётиб аравани соғинган отдек, бошини силкита-силкита жадал юриб борар, ўртоқлар эса негадир жим кетишар эди.

Мулла Маҳмуд хийла биланмдон йиғит. Қўқонда тўқ-

қиз йил таҳсил кўриб қайтди. Зеҳни ўткир, ҳофизаси зўр. Қозонда, Бокуда, Тошкентда чоп этиладиган газета-журналларни бу музофотда фақат шу йигитгина олиб туради. Шу қиш ичи бирмунча фурсат мактабдорлик ҳам қилди. Аммо Хон эшон ҳазратлари, негадир, мактабни бекиттириб қўйдилар.

Жўраларнинг иккови ҳам ишққа мубтало бўлган, иккови ҳам маъшуқасини ўйлаб боряпти. Шу ҳақда гапиргилари, гап асносида қалбдаги оташ ҳовурни ташқарига чиқаргилари бор. Лекин гапиролмайдилар. Дилда ишқу, тилда бошқа мавзу. Хаёлда маъшуқаю, кўз ўнгларида эшакарава.

— Менга қара, Бузрук,— деди ниҳоят мулла Маҳмуд.

— Гапиравер,— деб қўйди Бузрукхўжа ҳам.

— Демак, эшон ҳазратлари маъруза айтиб аравакашларга хиёнат қилибди-да?

— Ҳа, хонлик қилди у.

— Оғзида илми бўлса ҳам, товба қилдим деб гапирайю, аслида мараз одам у. Қуръон ўқигани билан ҳамма ҳам мусулмон бўлавермас экан. Менинг қийналиб очган мактабимни ҳам ёптириб қўйди. Усулу жадидни кўргани кўзим йўқ, дейди. Мен жадид усулида сабоқ бермоқчи эдим.

— Усули жадидга, ўртоқ, мен яхши тушунмайман.

— Оббо Бузрук-ей, наҳотки тушунмасанг? Ахир сен дунё кезиб юрган йигитсан-ку. Билмасанг билиб қўй. Биз ҳам сиз большевикларга ўхшаб янгилик тарафдоримиз. Жаҳолат ботқоғидан тезроқ қутилиш ниятидамиз. Сизларнинг Урусияда, Германияда пирларинг бўлганидек бизнинг ҳам Тошкентда, Бокуда катта-катта пирларимиз бор. Фарқимиз шундаки, сиз большевиклар инқилоб дейсизлар, биз бўлсак ислоҳ деймиз. Аслида иккови ҳам одамларга яхшилик қилмоқ демакдир. Мана бир мисол, жадидлар алифбомиздаги зеру забар ўрнига уч янги ҳарф ислоҳ қилдилар. Илгари алҳамду дейиш учун апаламзаал, хевамзахал, долпечу, деб ўқирдик. Энди бўлса «алҳамду» деймиз қўямиз. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

— Мен ёмон деётганим йўқ.

— Нега бўлмаса Хон эшон менинг бошимга таёқ ўхталиб келади?

— Қайдам.

— Биз жадидлар мактабларда фақат диний илмлар эмас, дунёвий илмлар ҳам ўқитилсин, жуғрофия ўқийлик, тарих ўқийлик деймиз! Бу ҳам Хон эшон ҳазратларига ёқмабди. Мана сен, Бузрук, эл ўртасида катта бўлган йигитсан. Ихчам кийинган овруполикларни кўрганда ҳава-

синг келганми, келган албатта. Мусулмон бўлганимиз учун рўдапо бўлиб юришимиз шартми. Худо дилимизда бўлса бас-да. Салла ўрамаганим, малла чопон киймаганим учун Хон эшон мени кофир деб гап тарқатди. Қани, сен холис туриб айт-чи, қайси биримиз кофир эканмиз.

— Очиғини айтсам хафа бўлмайсанми?

— Хафа бўлмайман.

— Икковинг ҳам кофирсан.

Мулла Маҳмуд юришдан тўхтаб ёнбошига ўгирилди:

— Нима дединг?

— Хон эшон каттароқ кофир, сен кичикроқ кофирсан.

Чунки икковинг ҳам халқни озодликка олиб чиқиш ҳақида ўйламайсан. Халқ эркин бўлса салла ўрайдими, иштон киядимми ўзи ҳал қилиб олаверади. Муҳими — эркинлик.

— Бу гапни сен айтяпсанми?

— Йўқ, Ленин айтган!

Мулла Маҳмуд жўрасига хунук бир қараш қилди-да, ютиниб гап-туп қадам ташлаганча юриб кетди. Яна жим бўлиб қолдилар. «Юраги тоза оқ кўнгил дўстимни кофир деб чакки айтдим,— ўзидан ранжий бошлади Бузрукхўжа, — ётиғи билан тушунтиришим керак эди. Тушунтиришга эса ожизман. Билимим уникадан пастроқ. Қани энди шу пайтда Муртазин бўлсаю, бошлаб тушунтирса...»

— Маҳмуд,— худди ёлворгандек бир оҳангда мурожаат қилди Бузрукхўжа,— нега жим қолдинг, нималарни ўйлаяпсан?

— Мен кофир бўлсам, мусулмон қанақа бўлар экан деб ўйлаяпман.

Жўралар гоҳ қизғин баҳсга бериб, гоҳ аразлашиб Риштону дилкушога етиб борганларини ҳам сезмай қолдилар. Бозор ўнгидан келди. Мулла Маҳмуднинг арпасини пудини етти тангадан баҳолаб кўтарасига пуллаб юборишди. Бузрукхўжанинг оқ ўриги ҳам яхши пул бўлди. Ўзга юртларда ҳали ўрик пишмаганиданми, ёки попушта маҳаллига тўғри келиб қолгани учунми бир тарози қўйгандаёқ тугатиб юборишди.

«Қирғизгузар»да пашмак, ҳолваю нишолда билан нонушта қилиб олгач, Ширкатнинг ҳисоб-китоб идорасига бориб Бузрукхўжа икки ойлик маошини ўндирди.

— Энди маҳкамага борамиз,— пайсалга солмай пулни бергани учун Бузрукхўжа ўзида йўқ хурсанд эди,— худо хоҳласа, бугун ҳамма ишимиз ўнгидан келадиганга ўхшайди.

Эрталабки юмуш эндигина бошлангани учун маҳкама қабулхонасида навбат кутаётганлар кўп экан. Навкарбоши

Зоҳир калла ҳам негадир шу ерда ўтирибди. Ғалаённи бостириш асносида Бузрукхўжанинг бошига бир-икки қамчи урган бўлса ҳам бугун, негадир, у билан эски қадрдонлардек кўнглини яқин олиб сўрашди. Араз-туразни қўй, мирзолигинга қайт, деб маслаҳат ҳам берди. Не юмуш билан келганларини суриштириб билгач, қалин-қуюқ қошларини алланечук чимириб турди-да: «Ноиб жаноблари қизни қўлдан чиқармасов», деб қўйди.

— Мирза,— деб чақирди сўнг,— булар менинг дўстларим бўлади, ичкарига бенавбат киритиб юбор.

Шакархон жўраларни гўё ораларида ҳеч гап ўтмаганидек жуда самимий кутиб олди. Урнидан туриб икки қўлнинг баробар узатиб сўрашди. Юмшоққина кўрпачага ўтиришга таклиф қилди.

— Хатосини тушуниб тавба қилган йигитларнинг бошини силаймак,— деди негадир кулимсираб,— сизларни болашавойлар йўлдан урган эди. Хўш, Эшон отанинг ўғли, қачон ишга тушасиз?

Бузрукхўжа ноибнинг тилёғламалигини, қалби тўла ғазаб тўла туриб атайлаб ширинсуханлик қилаётганини сезиб турарди. Номига бўлса ҳам сизнинг табаррук даргоҳингизда бўлиш мен учун шараф, дегиси келдию, лекин айтолмади.

— Йўқ, жаноблари,— деди ихтиёридан ташқари кескин бир овоз билан,— биз бошқа иш билан келдик.

— Хўш? — яна ҳам латиф бир оҳангда сўради ноиб.

— Бу йигит Мулла Маҳмуд бўлади. Пандигонда усули-жадид мактабини ҳам очган эди, эшитгандирсиз?

— Бўлди, бўлди, эсладим,— ноиб қувончли бир нарса ни хаёлига келтирди шекилли жонланиб кетди,— эрта баҳорда Эшон ҳазратлари билан қирпичоқ бўлишгани эсимда. Хўш ўғлим, сиз ўшанда нега менинг ҳузуримга арз билан келмадингиз? Аслида мен ҳам усули-жадид тарафдориман. Лекин ҳар бир ҳаракат маъмурият ихтиёри билан юз бермоғи даркор. Сиз мактаб очмоқ учун мендан изн олганмидингиз?

— Йўқ,— деб қўйди Мулла Маҳмуд елкасини қисиб.

— Шунинг учун ҳам биз мактабингизга ривож бермадик. Хўш, яна очмоқчимисиз?

— Очмоқчиман!

— Баракалло,— оҳиста қарсак чалиб қўйди ноиб,— хўш, не ёрдам керак?

Ҳалидан буён уялиб, тортиниб ўтирган Мулла Маҳмуднинг қувончи ошиб, пирпираб турган кўзларида ўт чақнай бошлади. Мактаб мавзуида тўйиб-тўйиб гаплашгиси

бор унинг. Аммо Бузрукхўжа ноибнинг қалбида нималар борлигини, мактаб очиш баҳонасида Мулла Маҳмудни аста-секин ўз тузоғига илинтириб, ўғлим-ўғлим дея эркалаб патларини битта қўймай юлиб олиши ҳам мумкинлигини сезиб турарди.

— Жаноблари рухсат берсангиз,— дея мурожаат қилди Бузрукхўжа. Сўзлашга изи олгач, давом этди,— биз бутунлай бошқа бир иш билан келганмиз. Аслида бизнинг ўрнимизга менинг дадам билан Мулла Маҳмуднинг дадаси келишлари керак эди. Аммо икковлари ҳам бетоброқ. Етимхонангизда тарбия кўраётган Гулнорани олиб кетгани келдик. Қиз менга жиян, Маҳмудга қаллиқ бўлади. Дадам бутун ваколатни менга бердилар. Мана, ўша жаноблари томонидан берилган васиқа хати, етимлар ихтиёр қилган кунни ўз уйларида ёки боқишнинг уддасидан чиққан қариндошлари ихтиёрига қайтиши мумкин деб битган экансиз.

Шакархоннинг яккам-дуккам оқ оралаган қуюқ қошлари ўртасида тугунча бўртиб чиқди. Юзи, лабларидаги ҳалиги ясама табассум ўрнини қаҳрли бир ифода эгаллади, лаблари қимтиниб, кўзлари қисилиб кела бошлади. «Мен ўстирган гулни сен ҳидламоқчи экансан-да, калланг ликилламай ўлгур,— фикридан ўтди ноибнинг,— иштаҳанг чакки эмас-ку! Йўқ, бу гулни мен тарбия қилдим, демак, аввал ўзим тўйиб-тўйиб ҳидлаб олмоғим керак...»

— Менинг қизимга совчи бўлиб келибсизлар-да? — негидир паст бир овозда деди ноиб.

Мулла Маҳмуд уялди шекилли бошини эгиб олди. Бузрукхўжа жавоб қайтарди:

— Йўқ, уни олиб кетмоқчимиз.

— Бордию, йўқ десам-чи?

— Унда рухсатингизсиз олиб кетамиз.

— Қизнинг марҳум отаси вафотидан олдин қулоғидан қарзга ботган эди, уни мен тўлаганман. Дадангиз айтмадиларми?

— Айтдилар.

— Кўмиш харажатларини ҳам бўйнимга олган эдим. Бундан ҳам ҳазратимнинг хабарлари бордир. Жиянингиз бўлмиш ўша Гулнора қизни икки сағир укаси билан беш йилдан буён едириб-ичириб, тарбиялаб келяпман. Булар учун кетган харажатни йилига юз сўмдан ҳисоблаганда ҳам беш юз бўлади! Олдинги қарзлари билан қўшиб жамласак минг сўм дегани бу. Хўш, куёв бола, бу пулни тўлашга қурбингиз келадими?

Мулла Маҳмуднинг бисотида пулласа бўладиган бор-

Йўғи бир эшак араваси бор холос. Минг сўм бешта отнинг пули! Ялт этиб жўрасига қаради. Бузрукхўжа ноибнинг қизга шундэй баҳо қўйишини аввалдан сезиб ўзича раддия тайёрлаб турганди. Уч етимни беш йил давомида терисини шилиб олгудек қилиб ишлатиб келяпти, агар уларнинг меҳнатига йилига юз сўмдан тўлаганингизда ҳам биз эмас, сизининг ўзингиз қарздорсиз демоқчи эди. Шу фикрни эндигина баён қилаётганди, ноиб бир қалқидию, қўлини узун чўзиб:

— Қани, кафолат хатимни берсинлар-чи! — деди.

Хатни қўлига олгач, тўрт буклаб майда бўлакчаларга бўлди-да, ёнида турган кумуш туфдонга ташлади:

— Йўқол, икковинг ҳам.

Мулла Маҳмуд сакраб ўрнидан туриб кетди, Бузрукхўжа қўзғалмади.

— Даф бўл деяпман!

— Жиянини олиб кетишим керак, — негадир шу ҳолатга ҳеч мос келмайдиган босиқлик билан деди Бузрукхўжа. Сўнг аста ўрнидан тура бошлади, — гап шу, ноиб жаноблари, яхшилиқча рухсат беринг.

— Миршаб чақираман ҳозир!

— Миршабингдан қўрқмайман энди. Чақирсанг ўзинг шарманда бўласан. Етим қизларнинг иффатини тўкиб юрганингни бутун элга ошкор қиламан.

Икковлари юзма-юз келиб қолишганди. Ғазабдан ўзини йўқотгудек бир аҳволга тушган Бузрукхўжа ўзидан ҳам қаттиқроқ ғазабланиб ва шунинг учун ҳам миршабни чақиритишни паққос унутиб даҳанаки жангни ғалабагача олиб боришга тиришаётган ноиб жанобларининг ёқасидан бўғиб олиш учун икки қўлини баробар кўтариб келаётган эди, шу пайт маҳкаманинг залворли эшиги овозсиз очилиб остонада Мирзача кўринди:

— Ноиб жаноблари, Қўқондан чопар келди!

Шакархон ўзига келгандек бўлди. Оғзининг ҳовури билан қамоққа текиб қўйиши мумкин бўлган йиғитчалар билан адв-бавд айтишаётгани учун ўзидан-ўзи уялиб кетди. Мирзача тутқазган номани тикка турганча ўқидию, индамасдан ташқарига чиқа бошлади. Остонага етганда Мирзачага ўгирилиб, Темирбекка айт, дея буюрди, бу икки ғалаёичини Риштондан чиқариб юборсин. Навкарбошига табиинла, қизлар етимхонасига қўшимча қоровул қўйсин.

Жўралар миршаб келишини кутиб ўтирмасдан маҳкамдан чиқиб кетдилар. Эрталабки қувончдан, ўзларига бўлган ишончдан асар ҳам қолмади. Мулла Маҳмуд дунё кўрган жўрасига катта умид боғлаганди, энди у кўзига ожиз,

нотавон кўрина бошлади. Карвонсаройдан эшакаравани олиб чиққач, Гулноранинг етим укаларини кўргани боришди. Тугунда егулик олиб келишганди. Етимларга бериб, худо хоҳласа тез кунда уларни бу ердан олиб кетажакларини айтишди. Гулноранинг ҳол-аҳволини сўраган бўлишдию, худди аразлаб қолгандек жимгина йўлга тушишди.

Мулла Маҳмуд эшакка миниб олган, Бузрукхўжа аравада, жим кетяптилар.

— Маҳмуд,— жўрасини гапга солмоқчи бўлди Бузрукхўжа,— нега энди қовоғингни айрон халтадек осилтириб олдинг? Уёқ-буёқдан гапириб кетсанг-чи. Муртазин деган инқилобчи ўртоғим бор деган эдим, эсингдами? Уша йигит чинакам авлиё экан.

— Менга деса пайғамбар бўлмайдим! — эшагига қамчи урди Мулла Маҳмуд.

— Уша ўртоғим совуқни совуқ, иссиқни иссиқ кесади, зўрликни зўрлик билан тугатиш мумкин дер эди, ҳозир ўйлаб қарасам ҳақ гапни айтган экан. Ёлвориш билан бу ҳокимлардан ҳеч нарсани ундириб бўлмайди.

Мулла Маҳмуд гап суюклиси Гулнорага бориб тақаллиши мумкинлигини сезиб хиёл юмшади, ўзича жилмайиб қўйди. Эшакка қинғир ўтириб юзини жўрасига бурди:

— Уезд ҳокимига арз қилиб борсак-чи.

Бузрукхўжа қўл силтади:

— Қарга қарғанинг кўзини чўқимайди. Биз халқни оёққа турғизамиз. Бунинг учун аввало Пандигонда инқилоб қўмитасини тузмоғимиз даркор. Кейин поибнинг бурнини ерга ишқаймиз, албатта ишқаймиз!

Бузрукхўжа жаҳл билан араванинг шотисига шундай муштладики, назарида муштидан олов чиқиб кетгандек бўлди.

Уша куни кечаси Мулла Маҳмуднинг ташқи ҳовлисида пандигонли ўн тўрт йўқсил тўпланишди. Инқилоб қўмитаси тузиш маслаҳати бўлди. Уч йигит иккиланиб қолди: бири деҳқончилигимни йиғиштириб олай, кейин бир гап бўлар деди, иккинчиси дадам билан бир маслаҳатлашиб олмақчиман деган гапни айтди, учинчиси кўзим хирароқ, отишма бўлса ҳеч нарсага ярамайман деб баҳона қилди. Ун бир кишидан иборат қўмита тузилиб Мақсуд Қорн, Мулла Маҳмуд, Мадумар карнайчи, ака-ука Ҳасанбой билан Ҳусанбой, дашт маҳаллалик Сотволди, яқинида мардикорликдан икки оёғини совуққа олдириб қўлтиқ-таёқ билан қайтган Акбарали сингарни аламзадалар қўмитаси аъзо бўлганлари ҳақида қасамёд қилишди.

Бузрукхўжа орзуси осонгина рўёбга чиқаётганидан ўзи-да йўқ хурсанд эди. Айниқса, юртда эътибори баланд бўлган Сотволдининг буларга қўшилиши беҳад севиштириб юборганди.

— Энг аввал,— ҳаяжонини босиш учун қошларини кериб бир оз жим қолди Бузрукхўжа,— энг аввал Қўқон инқилоб қўмитаси билан боғланиб олишимиз керак.

— Бир,— деб қўйди қизиқчи Ҳусанбой.

— Кейин инқилобга оид китоблар келтириб биргалашиб мутолаа қилишимиз керак, ҳали кўп нарсани билмай-миз.

— Икки,— деди яна Ҳусанбой.

— Йўқсиллар ўртасида зулм ва ҳақсизликка қарши тарғиботни кучайтирмоғимиз даркор.

— Уч!

— Ёрдамга муҳтож бўлган бева-бечораларга кўмак уюштириб турамиз.

— Тўрт!

— Қўмитага янги аъзоларни тортиш учун ҳаммамиз ҳаракат қилмоғимиз даркор.

— Беш!

Ҳисоб ўн бирга борганда қизиқчи Ҳусанбой мажлис раисига мурожаат қилди:

— Бузрук, қўмита дафтарига ўн иккинчи юмушни ҳам ёзиб қўй. Қўмита тезроқ мени уйлантириб қўйсин, бўлмаса дайдиб бошқа юртларга кетиб қоламан.

Кулиша-кулиша қўмитанинг эртага қиладиган юмушини ҳам белгилаб олишди: кечқурун гузарда ака-укалар қўғирчоқ ўйини кўрсатишадн, кетидан Бузрукхўжа маъруза айтади.

IV

ГУЛНОРАНИНГ УҒИРЛАНИШИ

Зокир калла тенгқурларига қараганда хийла ҳушёр, ернинг остида илон қимирласа сезадиган зийрак бир йигит. Ингирма учга кирди. Шу қисқа умрининг йингирма йили бешафқат ҳаётнинг изтироблари билан олишувда ўтди. Отаси йўлтўсар ўғри эди, отишувда ўлдириб, сувга ташлаб юборишди. Уч ёшга тўлганда ўғай отаси онасини сўйиб қўйди. Дарбадарлиги бошланди. Ўзи қўрс, худо урган даражада қайсар ҳам эди. Ноиб жанобларининг етимхонасига келгунча етти бойнинг дастёри бўлди, еттови ҳам ҳайдаб юборди. Етимхонада беш йилча тарбия кўрди. Шу беш йил Зокир калланинг ғалваси билан ўтди. Охири бўл-

мади, яна ҳайдалди. Овози дўриллаб, мўйловлари сабза бўлиб йигит нуқси уриб қолган эди. Кучли, мушукдек аб-жир ҳам эди. Ўғирлик йўлига кириб кетди. Ноибнинг ўзини қийрата бошлади. Отхонасидан олти отини ҳайдаб кетди, қўш от қўшиладиган коляскасини ўғирлаб Қўқонга олиб бориб пуллади. Ноиб уни ушлаб келтириш учун икки бора навкар юборди. Икковини ҳам ўлдириб, бошини ноибнинг маҳкамасидаги қозиққа илиб кетди. Шакархон энди ўзидан қўрқа бошлади. Бир амаллаб ушлаб Сибир қилдиргиси ҳам бор эди, уддасидан чиқолмади. Ниҳоят, ярашиш йўлини ахтара бошлади. Ясатиғлиқ от, бошидан оёқ сарпо жўнатди. «Ўғлим эдинг, яна бағримга қайт, навкарбоши лавозимини ол, юртимни қароқчилардан тозала», деб нома жўнатди...

Мана, уч йилдирки Зокир калла навкарбоши. Ўзидан бошқа барча ўғриларни тугатди ҳисоб. Сўх йўлида йўловчиларни қийратаётган Жалол қароқчинини тутиб келиб бозордаги одамлардан баланд овоз билан сўради:

— Бу ким?

— Жалол қароқчи,— дейишди бозорчилар.

— Сизларга озор берганми?

— Йўлдан ўтганларнинг ҳаммасини талайди у!

— Демак, гуноҳкор экан-да?

— Гуноҳкор! — гувиллаб деди оломон,— жазосини ҳудо берсин.

— Жазосини ўзим бераман! — навкарбоши алдаб қўлга туширган ҳамкасбини кўпчилик олдида сўйди. Бошини кесиб, хуржунга солди-да, отига қамчи уриб бозор жойдан чиқиб кетди. Унинг ўз режаси бор. «Туғилганимдан буён на худодан, на бандасидан шафқат кўрдим. Энди на уни-сига, на бунисига яхшилик қиламан. Бу дунёнинг ҳузур-ҳаловати ҳам, роҳат фароғати ҳам бойларники, ҳокимларники. Бойлик тўплаб ҳокимликни сотиб оламан, унгача ҳеч кимга шафқат йўқ!» деб ўйлайди.

Қароқчилик қилиб йиққан пулларига Қўрғонча қишлоғидан ўн танобча мулк сотиб олган. Ичкари-ташқарили қўрғон қурдирыпти. Битай деб қолди. Етимхонадаги Гулнорани кўз остига олиб юрибди. Ишқи тушганига бир йилча бўлиб қолди. Уч-тўрт бор учрашдилар ҳам. Ҳазил-мутойиба гаплар ҳам айтди. Қиз жавоб қайтармади, бошини эгиб жим турди. Сукут — аломати ризо дейдилар. Демак, у рози...

Эрталаб Зокир калла Бузрукхўжани маҳкама олдида кўриб қолди. Ўртоғи билан Гулнорани олиб кетгани келишибди, қиз мулла Маҳмудга фотиҳали эмиш! «Мен тур-

ганда сенга йўл бўлсин, лақашиқилдоқ,— деб зимдан хўм-райиб қўйди мулла Маҳмудга,— бўйнингни ликиллатмай ўлгур, тенгингга осилсанг бўлмайдими. Лекин ноиб ҳам кўз тпккан унга, кўрамиз кимга насиб қилар экан! «Игитларнинг ноиб билан тиккама-тикка олишаётганларини, ҳузуридан дарғазаб чиққанларини кузатиб турди. Етимхонага борганларини ҳам кўрди. «Қизга учрашмадилар, учрашишни менга қолдирдилар чоғи», деб ўйладию, Зокир калла шу кечадан қолдирмай Гулнорани ўғирлаб кетиш учун режа туза бошлади. Етимхонага икки-уч бор бориб келди. Дуч келган бола унга эгилиб салом бераверди. Ниҳоят лаби дўрдоқ бир боладан:

— Мени танийсанми? — деб сўради.

Бола елка қисди:

— Йўқ.

— Мен мулла Маҳмуд аканг бўламан-ку?

Боланинг елкалари яна қисилди.

— Сенга бир юмуш айтсам бажарасанми? — энгашиб сўради навкарбоши.

— Аввал айтинг-чи.

— Бажарсанг бир танга пул бераман. Ма, аввал пулни бериб қўяй бўлмаса. Бунга-чи, ука бир этак ҳолва беради. Қизлар хонасидаги Гулнорани танийсанми?

— Иккита укаси борми?

— Ҳа, ўша, хат бераман, опангга бериб чиқасан. Мулла Маҳмуд акам берди дегин, хўпми?

Гулнора бир неча кундан буён тоби келишмаганидан бўз тўқишга чиқмаётганди. Мадори йўқ эди. Елғиз ўтириб чарх йигираётганди. Мулла Маҳмуднинг номини эшитиб болага қўшилиб кўчага югурди. Эрталабдан буён кутаётганди уни, соғинганди. Бир учрашиб кетмаса, ҳечам кечирмайман деб ўтирганди. Йўқ, мулла Маҳмуд кетиб бўпти. Нарироқда уч отлиқ турибди. Қайтага яхши бўпти,— икковлари учрашганини отлиқлар кўришса қиз маломатга қоларди. Уйга кириб хатни ўқимоқчи бўлди-ю, ҳаяжонни зўридан кафти терлаб қоғоз намланиб қопти. Мулла Маҳмуднинг хатини кўп ўқиган, яхши танийди. Буниси бошқачароқ, хунуқроқ. Кўчада тикка туриб шошилиб ёзганга ўхшайди. Ҳа, ҳа, бечора шошган, ошинққан!

«Гулнорахон!

Қалбим боғида очилган гулим, қоронғи кўнглимда парпираб ёнган чирогимсиз. Сизни бу ғамхонадан олиб кетмоқ учун қариндошингиз Бузрукхўжа билан келиб эдик. Ноиб жаноблари рухсат бермадилар. Сизни бошқа кншига узатиш нияти борга ўхшайди. Олиб кетаман. Эл ётар пай-

тида боғ орқали ўтиб, толқўча бошига боринг. Сизни якка
отлиқ кутади. Бу менман. Гап-сўзсиз орқамга мингашинг.
Худо хоҳласа, саодатли кунлар яқин.

Қулингиз мулла Маҳмуддирман».

«Муллакам авваллари мени сенлардилар, энди эса сиз-
лаб битибдилар. Демак, менга кўнгил қўйганлари ростга
ўхшайди. Рост!— ёш қўйлиб кела бошлади қизнинг кўз-
ларидан.— Рост бўлгани учун ҳам таҳсилни чала ташлаб
қайтдилар. Рост бўлгани учун ҳам уйимизни супуриб-сиди-
риб ота-онамнинг чироғини ёқиб ўтирибдилар. Мен ҳам
сизни дейман! Эсимни танибманки, сизнинг хаёлингиз би-
лан яшайман. Дилим соғинчдан ўртанади. Менга атаб бит-
ган шеърларингизни ёд оламан, ўзингиз билан сўзлашган-
дек бўламан».

Қиз қалбда қўзғалган ҳис-туйғулар тўфонда йўқ бў-
либ кетгандек, ўзини ҳам унутгандек эди. Худди телбадек
шошилиб ўрнидан турар, шошилиб яна ўтирар, мактубни
кўксига босар, қайта-қайта ўқир эди. Хотираю тасаввур-
лари ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганди. Гоҳ қалбда-
ги қат-қат армонлари қизлик ҳаваслари билан қўшилиб,
кўксини куйдирар, гоҳ келажак ҳақидаги ширин орзулари
кўз ўнгида ҳақиқатга айланиб дилини чароғон қилиб юбо-
рар эди. «Кетаман, албатта сиз билан кетаман,— пичир-
ларди унинг лаблари,— худо хоҳласа тўйимиз ҳам бўлади.
Сизга вафодор хотин бўламан. Чўрингиз бўламан! Тош
келса кемириб, сув келса симириб рўзғор қийинчиликлари-
дан сизни эҳтиёт қиламан. Сиз худо хоҳласа мактаб оча-
сиз. Мен чарх йингириб, дўппи тикиб сизга қарашиб тура-
ман. Рўзгоримизни тиклаб олгач етим укаларимни олиб
кетамиз. Сиз уларга ота, мен она бўлиб бошларини силай-
миз. Шўринг қурғурлар ҳалигача ҳеч кимдан ширин сўз
эшитган эмас, ширин сўзлар айтиб эркалаймиз... Байрам-
лар яқинлашганда сизларга атаб чироғли дўппилар, шо-
ҳи белбоғлар тикиб, оқ ювиб, оқ тараб сизларни сайрга
кузатиб қоламан. Сизлар менга атаб қийиқни тўлдириб
ҳар хил ширинликлар олиб келасизлар. Мен сизни остопа
остида кутиб бўйингизга осиламан. Сиз: «Гулим, сенга
ҳолва олиб келдим, Гулим, Гулим, сенга шоҳи дурра олиб
келдим», деб эркалайсиз. Мен қиз бўлиб отамнинг эрка-
лашларини, онамнинг суюшларини кўрмадим. Қалбим
меҳрга чанқоқ бўлиб ўсдим. Сизнинг меҳрингизга зорман,
мени эркалайсиз. Худо хоҳласа фарзандлар ҳам кўрамиз.
Қиз кўрсак отини Ҳуринисо қўяйлик, токи мендек қафасга

тушмасин, Хурн парилардек эркин бўлсин. Мулла ака, си-
меннинг орзуменгиз, армонимсиз...»

Гулнора бир маҳал қаршисида биров турганини кўриб қолди: сутга чайқаб олгандек оппоқ юзли, тўлишган яноқ-ларини анор донасидек қип-қизил, қора қошларини аллақандай чимириб, шаҳло кўзларида ўт ёниб турган нозик қо-матли бир қиз рўпарасида юм-юм йиғлаб турибди. «Бу ким бўлди?— қўрқиб кетди Гулнора,— наҳотки ўзим бўл-сам! Ахир мен ичкарида ўтирган эдим-ку, тошойна олдига қандай чиқиб қолдим экан. Йиғлаб турганимни, қўлимдаги мактубни битта-яримтаси кўриб қолган бўлса-я, вой шў-рим!»

Гулнора шоша-пиша кўз ёшларини артиб ўзини ичкари-га олди. Лекин бари бир нима қилишини билмасди. Кеч ки-ра бошлади. Даладан, қўшни ҳовлидаги дўконда бўз тў-қиган қизлар қайтишиб толга қўнган чумчуқдек ҳовлини чағир-чуғир қоплаб кетди. «Ўзимни қўлга олишим керак,— ўйлади қиз,— ўзимни ҳеч нарса билмаганга солишим зар-рур. Тобим яна келишмай қолди деб барвақтроқ ётаман. Юзимни кўрсатмаслик учун бошимни ўраб оламан. Чорвоқ эшикни беркитиб қўйишса-я! Йўқ, беркитишмайди, ёзда ҳаминша очиқ туради. Билиб қолишса-чи, орқамиздан қув-лашса-чи? Вой худойим-ей, мен етимчани ўзинг паноҳинг-да асра! Бир амаллаб Пандигонга бориб олсак бас. Оп-поқдадам, Отинбиби аямлар ўртага тушишади, беришмай-ди, ҳечам беришмайди...»

Хонани холи топиб сандиқчасини очди. Бўй қизларга биттадан сандиқча берилади. Бири онасидан ёдгор қолган тақинчоғини, бири ноиб жанобларидан олган совғасини ўша ерда сақлайди. Сандиқчасида устки кийимлари, Мул-ла Маҳмудга атаб тиккан уч-тўрт попукли рўмолчаси, укаларимга деб тика бошлаган чамандагул дўппилар бор эди, олиб тугунчага тугди. Кўрпага бурканиб ётиб олди.

Жория ая сопол товоқда қайноққина шўрва олиб кир-ди. Серпиезгина экан, лекин, бари бир ичолмади. «Ундай дема қизим, иссиқ-иссиқ ичсанг тезроқ дармонга кир-сан,— дейди Жория ая. Кейин пешонасига қўлини қўйиб кўради, дарров тортиб олади,— вой шўрим, иситманг ба-ланд-ку! Қаёқдан тағин ёпиша қолди, туппа-тузук бўлиб қолувдинг-ку! Ноиб жаноблари бугун келмоқчилар, эрта-лаб тайинлаб кетганлар. Тур қизим ич, қайноқ-қайноқ ҳўп-ла, терлайсан... Кўнгиллари учун олдиларида бир нафас ўтирсанг бас, уёғини ўзим тушунтираман. У кишининг дил-ини ранжитиш ярамайди. Кўнгилларини хушласанг, дил-

барим, бахтли бўласан, тилло тақинчоқлар, шоҳию кимхоб-
кийимлар... ич, қизим, ича қол!

Қиздан садо чиқмайди. Қоп-қора кўзлари мўлтиллайд-
ди, ёш қуйилади. Жориянинг жаҳли чиқади, ер тепиниб
чиқиб кстади. Ташқарида қизлар чилдирма чалиб ўйин
бошлашган. Кимдир ашула айтяпти. Дугоналари келиб
Гулнорани ҳам қисташди. Йўқ, турарга ҳоли келмайди,
ўзлари ҳам кўриб туришибди. «Қари қиз бўлиб уйда ўти-
равер», дейшиб қиқирлашиб кула-кула яна чиқиб кетиш-
ди... Нонб жаноблари ростдан ҳам бугун келиб қолса-я,—
ўйларини тўхтата олмайди Гулнора. Вой худойим, унда
нима қилади? Бордию ҳозироқ боққа чиқиб беркиниб ол-
са-чи? Йўқ биллиб қолишади... Нонб келмас. Худо хоҳла-
са келмайди, келмайди! Тезроқ ётар пайти бўла қолсайди,
ордона қолгур вақт ҳам шунча секин ўтмаса! Худди бир
жойда тўхтаб қолгандек, тўхтаб алвастиникидек хунук аф-
тини тиржайтириб масхара қилаётгандек, йўқол!

Ташқарида қўнғироқ чалинди, демак, ётиш учун фар-
мон берилди. Бирин-кетин хоналарда чироқлар ўчди, овоз-
лар ҳам пасая бошлади. Ҳамхоналаригина уйғоқ. Бирам
меҳрибон бўлиб қолишдики бу кун, тавба! Бирин чойшабни
кўтариб қўл-оёғини уқалаган, бирин пешонасига латта ҳўл-
лаб босган, керак эмас, йўқ, йўқ! Бас қилларинг! «Ётинг-
лар энди!» жеркиб берди Гулнора.

Ёз куни узоқ бўлади. Қизлар кун бўйи ишлашган, чар-
чашибди. Тезгина уйқуга кетишди. Ҳовли ҳам жим-жит
бўлиб қолди. Даричадан кўм-кўк осмон кўринади. Ой чи-
қиб келаётганга ўхшайди, юлдузлар хира тортиб боряпти.
Кўчадан кимдир от чоптириб ўтди. Мулла Маҳмуд бу, ҳа,
ҳа, худди ўша! Туриш керак, вақт бўлди, бўлди! Қиз ётга-
нича пайпасланиб ёстиғи остига беркитган тугунчани олиб
бағрига босди-ю, аста ўрнидан турди. Оёқларида дармон
йўқ, ўзи ҳам йўқдек. «Хайр дугонажонлар,— шивирлади
Гулнора,— яхши қолинглар. Мен, худо хоҳласа бахтимни
топдим. Сизларга ҳам шундай саодатли онлар насиб бўл-
син, омин!» Хайрият, чорбоққа чиқиладиган эшик берки-
тилмаган экап. Аммо ўрикзор худди кундуздек ёру. Ой
бунча чарақлаб чиқмаса бугун. Эҳтимол, бу яхшиликка-
дир. Кимдир етим қизим йўлинг ойдин бўлсин деб дуо қи-
лаётгандир

Бог этагида наҳра бор эди. Гулнора ўша ердан ўтдию,
тор кўча бошига кўз ташлади. Отнинг қораси кўринди.
«Келибди!!» От етаклаган йиғит қиз томон жадал юра
бошлади. Бетига чачвон парчасидан инқоб тутиб олибди.
«Мулла ака!» эптикиб кетди Гулнора. Йиғит бармоғини

лабига босиб «жим» дегандек ишора қилдию, сапчиб отига мишди. Хиёл энгашиб қизнинг икки қўлтиғидан даст кўтариб олди. Тор кўча тугагунча от йўртиб борди. Катта кўчага чиққач, юки оғир бўлишига қарамай, шамолдек учиб кетди. Йигит ўнг қўли билан қизнинг белидан қучиб бағрига босиб олган, икковлари олд томон хиёл энгашиб олганлар. Гап-сўз йўқ, мавриди ҳам эмас. Тезроқ олислаб кетсалар бўлди. Тезроқ чопсанг-чи тулпор, уч, қанот боғлаб уч... қизнинг иситма зўридан терлаб кетган тани шамол уриб совий бошлади. Вужудида қалтироққа ўхшаш бир нарса турди. Йигит томон ўгирилиб бўйнидан қучгиси келиб қолди. Ниқоби йўқ эди унинг!

— Войдод! — чаён чаққандек қичқириб юборди Гулнора.

— Додлама, гўзалим!

— Вой худойим!!!

Гулнора бургут чангалига тушган қуён боладек ожиз типирчилай бошлади. Қайда, чангак уни баттароқ қисиб келяпти.

— Мен Зокирбек бўламан, танидинг-а, танидинг! Энди меникисан. Сени суяман, жонимдан ортиқ суяман. Сенга атаб мулк сотиб олдим, қўрғон қурдирыпман. Ҳаммаси сенга! Сени ҳеч кимга бермайман. Уша муллавачангни ҳам, нонбингни ҳам чавоқлаб ташлайман.

— Қўйвор!

— Додлама, бу даштда овозингни ҳеч ким эшитмайди.

— Худо, художон! — қиз шундай қаттиқ қичқирдики, назарида кўксига нимадир узлиб кетгандек бўлди. Узилган бўлса ҳам ажаб эмас. Боши бир томонга оғиб, сочлари отнинг ёлига қўшилиб шамолда пирпирай бошлади. Улиб қолган бўлса-я, деган ўй ўтди йигитнинг бошидан. Қалбининг аллақаерида шафқатга ўхшаш бир ҳис қўзғалгандек бўлди. Ўзимдек етимча эди, етимчага увол бўлдим-а, деб сўради ўзидан. Отнинг бошини тортаётган эди қаршисига нари борса беш-олти метр нарида булутдек баланд қора от минган, елкасига қора чакмон ташлаган, бошига қора салла ўраган, эчкиникидек сийрак соқоли ҳам қоп-қора, сақичдек қора юзи чўзиқдан келган, бурун ўрнига мўридек қоп-қора бир нарса кўриниб турган, икки тиши оғзидан чиқиб ияги томон осилиб тушган бир махлуқ тикилиб турганини кўриб қалби музлао қолгандек бўлди. Аммо унинг қалбига қўрқув бегона эди. Дарҳол ўзини қўлга олиб ёнидан тўппонча суғурди:

— Кимсан, огаман!

— Хе-хе-хе! — мазах қилаётгандек бир овоз эшитилди. Йигит тепкини босди, пистон чақилмади.

— Хе-хе-хе!

— Кимсан? — йигитнинг қийқириғи кимсасыз даштни қоплаб кетди. Тошдан-тошга урилиб акси садо берди — гүё бир неча киши бир дам қичқиргандек бўлди.

— Мен иблис бобонгман.

— Иблис?

— Ҳа, ҳа, иблис бобонг бўламан. Бу дунёда яшаб ўтган ўзинг каби тошмехр, бешафқат, яхшилик нималигини билмайдиган ёвуз одамларнинг руҳиман. Қўрқма ўғлим, мехр билан бошингни силайман. Қалбингда қат-қат армонларинг бор. Ушаларни рўёбга чиқаришингда сенга ҳамиша раҳнамо бўламан... Яхшилик дунёсига ўт қўй, одамларни қўйдек бўғизла, еб турган нонини тортиб ол. Шунда сен роҳат қиласан, қалбинг қувончларга тўлади. Бўлмаса, ўзгалар роҳат қилади! Ўзгаларнинг роҳат-фароғатини кўриб чидай оласанми?

— Йўқ, ҳеч қачон!

— Баракалла, ўғлим, демак мен қалбингда борман. Тўппончангни қинига солиб қўй. Бари бир ўз қалбингга ўзинг ўқ отолмайсан.

Зокир калла тўппончасини ғилофига солиб, бошини кўтарган эди, қизиқ, энди қаршисида ҳеч кимни кўрмади. Қоронғи тун шарпасими, қалбидаги қўрқувми — нима эди у? Аниқ кўрди-ку, гаплашди-ку? «Кўзимга инсу жинслар кўринди шекилли, — фикридан ўтди навкарбошининг, — лекин қўрқаётганим йўқ, дадилман». Бехуш ётган қизнинг бошини кўтариб юзига бир-икки тарсаки урган эди, Гулнора ҳушига бутунлай келмаган бўлса ҳам, кўзларини ярим очиб йигитга маъносиз тикилди. Зокир калла уни бағрига маҳкам босди-да, отига кетма-кет қамчи урди.

V

ЭШОН ОТА МАМНУН

Эшон ота сўнги кунларда бўлиб ўтаётган ялғов-далғовли воқеалар туфайли камгапроқ бўлиб қолди. Оила аъзолари билан деярли сўзлашмайди. Аҳён-аҳёнда: «Ё дарир, ё бевафо дунё», деб бир хўрсинади-да, яна жим бўлади. Уйга киради, кўчага чиқади. Аллақандай бир куйни хиргойи қилиб, ўзига-ўзи алла айтиб ухлатган чақалоқдек, ўзини овутирган бўлади. Қача Бузрукхўжа Риштондан но-

хуш хабар олиб келгач, тундлиги яна ошди. «Ноиб васиқани йиртиб ташладими, минг сўм тўлайсан дедими, жим туравердингми, ёқасидан олиб даричадан улоқтирмадингми!» — деб бир шовқин солдию, афтидан ўзининг овозидан ўзи уялди шекилли, шу заҳотиёқ «э дариг» дея алам билан бошини чайқаддю, жим бўлди, қайтиб гапирмади. Кечга яқин яна асаби бузилиб Мақсуд қори берган бузоқчани Бузрукхўжага етаклатиб: «Ҳозироқ, олиб чиқиб бер, ўзи қай аҳволдаю, менга мурувват қилади-я», деб туриб олди.

Тонг пайтида икки ўғлининг оёғидан тортиб уйғотиб «Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш ярамайди, — деди. — Абдурахмонбой олган бўлса ҳақини олди. Лекин еримда ишламайсан дегани йўқ. Жўхори чопиққа тушамиз». Нонуштани ҳам далада қилишди. Эрталабки салқинда иш унумли бўлади деб бир-бирларига гап қўшгани ҳам вақтни қизғаниб жон-жаҳдлари билан кетмон ура бошладилар. Бу йил бой ўн танобча ер берган. Инсоф билан айтганда ерлари ёмон эмас. Тоши кам, тупроғи юмшоқ, унумдор ҳам, энг муҳими, отанг мироб бўлгунча еринг сувнинг бошида бўлсин деганларидек, бу гал ерлар сув бошидан теккан. Бугдой яхши бўлди. Олти таноб ердан ўн икки фарам ўришди. Ҳар фарамки теппасига чиқсанг Умнат бува кўринади. Бугдойпоянинг бир қисмига оқ жўхорининг бачкисидан кўчат қилишган. Бугун-эрта у ҳам етилиб беради. Қолган қисмига кечки сабзию, тўйга яраша шолнэкишмоқчи. Шошиш керак. Шолининг муддати ўтиб қолиши мумкин. Эртанги шолини айни вақтида ўтоқдан чиқариб олишган. Кўчати текис, яшнаб турибди. Беш-ўн қопқий ташланса борми... Йўқ, бу йил ҳосил яхши, илоё кўз тегмасин!

Ота-болалар ёнма-ён туриб кетмон уришяпти. Гап-сўз йўқ. Фақат Эшон отагина сўзсиз қўшиқ айтяпти. Ким билади бу куйни у салкам эллик йилдан буён хиргойи қилаётгандир. Хиргойи ҳақида ажиб бир латифаси ҳам бор. Пандигонли муллавачча шу хиргойини айтиб шайтоннинг елкасига миниб маккатиллога бориб келган эмиш... Ким билади Эшон ота ҳам шайтон сифат одамлардан чеккан азиятини унутиш учун хиргойи қилаётгандир. Сулаймон хўжа гарчи бир эгат ортиқ олган бўлса ҳам анча олдинлаб кетган. Бўйи укасиникидан пастроқ, аммо кўкраги полвонларникидек кенг, чорпахил йигит. Билаклари йўғон кетмон урганда кўкрак ҳам елкаларидаги мушаклари худди қадоқ тошдек ўйноқлаб кетади. Кучли ва яна чапдас ҳам. Қўлидаги кетмон худди сувоқчининг андавасидек ен

гил ўйнайди. Кетмон бамисоли ўзи ишлаётгандек, ўзи бўғзидан ерга ботиб, қоп-қора тупроқни ҳам ўзи ағдараётгандек.

Эшон ота кетмон чопганда, одатда шошмайди. Бир меъёрда уради. Кетмон чопмоқ олмоқ-солмоқ деб ҳисоблайди, бошини ҳам кўтармайди. Кетмон, эгат, хиргойи бошқа ҳаммаси унутилиб кетади. Шу пайтда унинг қалби тўла ғурур. Икки паҳлавон ўғли ёнида кетмон ураётганидан, худога шукур, мана жўхори чопиқни ҳам бошлаб юборганларидан мамну. Бузрукхўжасининг бошини икки қилиб олса, жиянини қутқариб келса, қўша-қўша тўйлар қилса қандай саз бўларди-я! «Минг сўм-а, шунча пулни қаердан топса бўларкан? — деб сўрайди ўзидан, — йўқ, жуда кўп-ку. бу! Битта новвос ўттиз сўм турса, демак. ўттиз учта новвоснинг пули экан-да, бай-бай-бай! Мулла Маҳмуд бунча пулни тополмайди, мен ҳам тополмайман. Лекин мулла бола куёв бўлганда саз бўларди-да, илми бор, қўйдек юваш, мусичадек беозор ҳам. Э аттанг, э дариг...»

Сулаймонхўжа эллами чиқариб белидаги бўз қийиғини ечиб бўйни ва юзларидаги маржон-маржон терни арта арта дадасига яқинлашди:

— Бирпас дам олиниг, қолганини ўзим чопиб қўярман.

Эшон ота хиргойисини тўхтатиб, кетмон дастасига кўксини қўйди:

— Чарчаганим йўқ.

— Хўп денг, дада.

— Укангга қараш. Қара, қора терга ботиб кетибди.

Бузрукхўжа чиндан ҳам чарчаб қолган, дам олиш учун баҳона ахтаряпти. Икки-уч йилдан буён дарбадар юриб, кетмон чопмай қўйганидан, қўли чиқиб қолган экан. Бунинг устига анови кун қайиотасиникида ору номус кучлилик қилиб қаттиқ ишлаганди. Қўллари қабариб кетган, дастани яхши ушлай олмайди. Шу сабабли кетмон ҳам мўлжалга тушмай, кўпинча поянинг томирини чопиб қўйяпти. Ниҳолларни ўлдириб қўяётгани учун ҳам баттар жаҳли чиқади. «Акам шошилиб ишляяпти, — жаҳл билан ўйлайди. — Шу ураётган кетмонидан иккитаси бойгаю, биттаси ўзига. Бой бўлса ҳозир қаердадир маншат қилиб ётибди. Хўш, шу адолатданми. Наҳотки буни худо кўрмаётган бўлса? Йўқ, кўради, билади. Билад туриб бойнинг ёнини олади. Демак, худо ҳам ўшалар томонига ўтиб кетган экан-да... Муртазин билан тезроқ учрашиб кўмита тузганимизни унга билдириб қўйишим керак... Бирин карнайчи, иккитаси масхарабоз, устимиздан кулса-я! Йўқ, булар юрт кезиб юрган йигитлар, оқ-қорага ақли етиб қолган, доғда қолдиринш-

майди. Энг муҳими бирлашиш, бирликни тарғиб қилиш керак...»

Сулаймонхўжа дадаси билан укасининг ўртасига тушиб икковларига ҳам ёрдамлаша бошлади. «Дадам-ку, кексайиб қолган, Бузрукка нима жин урди экан?» деб ўйлади:

— Бузрук!

— Нима дейсан? — негадир зардали бир оҳангда жавоб қайтарди укаси.

— Қафтинга ҳадеб туфлайберма, қабариб кетади.

— Бундан ортиқ қабармас.

— Қабариб чиқдим, чошгоҳ бўлмасдан-а, қани кўрсат-чи? — Сулаймонхўжа ишдан қочиш учун баҳона ахтараётган бўлса керак деб ўйлаб, атайлаб укасининг кафтини қўлига олиб кўра бошлади. Қафтлари қабариб, бармоқлари янги ўралган пилладек дўмбоқ-дўмбоқ бўлиб кетибди.

— Ие, дарров-а? — деди ҳайрон бўлиб.

— Анови кунни ҳам кетмон чопувдим.

— Нонбникида мирзалик қилиб юрибди десам, кетмон чопаетган экансан-да?

— Қайнотамникига ўтувдим.

— Мусо бобомникигами, уёқда нима қилиб юрибсан?

— Ўзим, шундай.

— Тушунарли. Мулла бобом сенга ўхшаган такасалтангларнинг таъзирини беради. Лекин боплабди! Бай-бай-бай, шу аҳволда кетмон чопаяпман дегин. Бор, қумғонга ўт қала, чойлашадиган маҳал ҳам бўп қолди. Элламни ўзим чиқариб қўяман.

Бузрукхўжа кўнмади. Кекса дадаси ер чопса-ю, у салқинда чўп-хас териб чой қайнатиб ўтирса, ахир у бола эмас йигит-ку. Акаси бўлса уни ҳамон бола ҳисоблайди. Йўқ йигитлигини унга бир кўрсатиб қўйиши керак! Орият оғриқ ҳиссидан устун кела бошлади, вужудига қаёқдандир куч ҳам қуйилиб, келаётгандек эди. Кетмон енгилу, ер юмшоқроқ бўлиб қолди. «Йўқ, мен энди бола эмасман, — тишларини гижирлатиб ўйлайди Бузрукхўжа, — оғриққа чидайман, чидайман!» Сулаймонхўжа кафтидаги мадда олган қадоғи билан кетмон ураётган укасига ачина бошлайди. «Қайсар, худо урган даражада қайсар, — деб ўйлайди, — бўлмаса бориб чой қайнатса ҳам бўларди. Ўзига эп кўрмади шекилли-да, лекин эп кўрмагани ҳам маъқул бўлди. Ҳар бир киши ўз ўрнини билиши керак. Ҳеч омад юришмаяпти, тавба қилдим қайси ишга қўл урса кетидан биғалва чиқадими-я. Унгаям осонмас, нима қилсам ёрдамни тегар экан?»

— Дада,— деб орқасига ўгирилди Сулаймонхўжа. Эшон ота бошини кўтармайди:

— Гапиравер.

— Бузрукни энди ҳеч ёққа жўнатмаймиз.

— Кошки эди.

— Мен кечадан буён бир режани ўйлаяпман.

Эшон ота чопишдан тўхтаб кўксини кетмоннинг дастасига қўйди:

— Айт-чи.

— Шолнини экиб бўлишимиз билан Бузрукнинг тўйини бошлаб юборамиз. Қўрқманг, уёғини ўзим тинчитаман. Абдурахмонбойдан энди умид йўқ. Дўрмонга бориб Паталахоннинг Ишбошисига учрашаман.

— Жухудбойгамн?

— Хийла инсофли дейишяпти. Бошқа судхўрларга ўхшаб икки баробарига эмас, бор-йўғи юзига йнгирма сўмдан сўрар экан. Бориб уч-тўрт юз сўм олиб келаман. Буғдойини гаровга қўямиз.

Эшон ота индамайди. Жимгина ишига машғул бўлади. Сулаймонхўжа «Ганим дадамга маъқул бўлмади шекилли, буғдойнинг ўрнига ҳовлини гаровга қўямиз десам бўларкан», деб ўйлайди-ю, бурилиб яна ишга тушиб кетади.

— Энди, ўғлим,— муштирага йўталиб олади Эшон ота,— гапингни мулоҳаза қилиб кўрсам маъқулга ўхшайди. Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати кетиб боряпти... Катта ўғил укасига отадек бир ган.

Ота-боланинг тўй хусусидаги маслаҳатлари ора-чора бўлса ҳам Бузрукхўжанинг қулоғига чалиниб туради. Ганим билан тугашини бетоқат кута бошлайди. Шу пайт қишлоқ тарафдан бузоқ етаклаб Мақсуд қорн чиқиб кела бошлади. Суҳбат тўхтади. Ҳаммалари Қорнга юзлашди.

— Эшон ота, бузоқни нега чиқариб юбордингиз? — сўради Мақсуд қорн.

Эшон ота бошини чайқаб енгил кулди:

— Қиёмат куни қўшинингдан деган эканлар. Мурувватинг учун мингдан-минг раҳмат қўшни. Мендан қайтмаса, ишоолло, яратгандан қайтади. Ўзинг жўжабирдек жон, қўл учнда тирикчилик қилиб турган бир фақир бўлсангу қандай қилиб бу мурувватингни қабул қиламан. Йўқ, қўшини, мени қийнама, қўлимдан келса сенга ёрдам беришим керак.

— Вақтида ёрдамнингиз ҳам теккан.

— Қўй у гапларни, қўшни. Бузоқ сеники. Боқиб бер десанг, майли, кузгача боқиб берай.

Мақсуд қори худди ҳимоя ахтаргандек уёқ-буёғига бир қараб олдию, ютинди:

— Бор гап шуми?

— Шу.

— Энди бўлмаса гапни мендан эшитинг. Бузрук, шу ердамсан?

— Шу ердаман.

— Пўлда йнгирма сўм берганинг эсингдами?

— Эсимда.

— Эшон ота, ўғлингизнинг овозини эшитдингиз-а? Де-мак, бу бузоқча ўғлингизнинг пулига келган, у сизники. Агар Эшон бола пулимни бер деса, майли ҳозироқ санаб бераман. Лекин бузоқни ният қилиб олувдим. Абдурахмонбой етаклаб кетган наввоснигизнинг ўрнини босар дедим. Хўш, эшон бола, нега жим турибсан. Пулингни берайми, ёки бузоқчани оласанми? Қара, оёқларининг йўғонлигини, ажойиб хўкиз чиқади ундан, гапир!

— Дада, бузоқни олиб қолайлик,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Ҳа, баракалла, эшон бола, гап деган бундоқ бўпти,— ўзинда йўқ хурсанд бўлиб дели Мақсуд қори,— Эшон ота, энди гапнинг буёғини эшитинг. Мана бу кетмон, кўриб турибсиз занглаб ётибди. Сабаби — чопадиган ерим йўқ. Эрталаб ҳовлиларингга кириб Отинбиби аямдан Эшон отам қанилар десам, ўғилларини ёнига олиб жўхори чопиқ қилгани кетишди дедилар. Бир ҳашар қилишиб юборишай, деб келдим-да, хафа эмасмисиз?

— Оббо қўшни-ей, нега хафа бўлар эканман?

— Бунинг устига, Эшон ота, суҳбатингизни ҳам ўлардек соғинганман, бир мириқай дедим. Эртага яна дарбадарликка кетяпман.

— Олисгами? — шошилиб сўради Эшон ота.

— Йўқ, шу ўзимизнинг Дўрмончага. Паталаховнинг совун заводига гўлаҳ бўлиб ишга кирадиган бўлдим. Катта хўжайиннинг ўзлари билан гаплашдим. Яхши одам экан. Ойинга ўттиз сўмдан бераман, яна ўзингга ўхшаган яхши йнгитлардан беш-ўнта топиб келгин дейди. Бир ойлик маошимни олдиндан бериб қўйди-я, мард жуҳуд экан! Олдинги гўлаҳлар совун пиширадиган қозондан чиққан бадбўй ҳидга чдаёй олмай кетиб қолишган эмиш. Вой ишёқ-маслар-ей, мўмай пул бергандан кейин бурнингни кесиб ташлаб бўлса ҳам ишлайвермайсанларми?.. Хўш, ишбоши Сулаймонхўжа, элламнинг бошидан тушиб келайми ёки шу қаторларни аввал охирига етказиб оламизми?

— Аввал етказиб олайлик,— деб қўйди Сулаймонхўжа.

Тўрт киши ёнбош бўлиб кетмон ура бошладилар. Кетмонлар, обжувознинг сопидек бир меъёрда кўтарилиб тушиб туради.

— Чап-чуп.

— Чап-чуп...

VI

ШАКАРХОН ГУЛНОРАНИ НИКОҲИГА ОЛМОҚЧИ

Ноиб Қўқондан хурсанд қайтпти. Шукроналар бўлсинким, режаллаган ишларининг ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Кенгаш яхши ўтди. Бутун музофотнинг катта мулкдорлари, бўлис ҳокимлари, миршабхона нозирлари, қўрғонлардаги катта-кичик қўшинларнинг қўмондонлари, қозию қози калонлар... Эҳ-ҳе кимлар келмади дейсиз бу кенгашга! Ана шу сендан мен катта деб бир-бирини оёқ учи билан кўрсатиб мой суртилган мўйловини бураб, погонини ялтиратиб, зарбоп чопонию симобий салласини кўз-кўзлаб турган аъёнлар ўртасида уезд ҳокими Мединский жаноблари Шакархон ноибни икки бора тилга олди. Олиқ-солиқлар ўз вақтида тўланиб император аъло ҳазратларининг хазинасига наф келтираётгани ва ўтган ҳафта Риштонидилкушода бошланган ғалаённи тинч-тотувлик билан бостиргани сабабли ноибга раҳматлар айтди. Кетидан Туркистон ўлкаси генерал губернатори Кропаткин олий ҳазратларининг уезд аъёнларига ёзган махсус номаси ўқиб эшиттирилди: большевиклар кучайиб бораётган эмиш, маъмурият уларни таг-томири билан юлиб ташлаши, дин пешволари ғайри дин деб эълон қилмоқлари, авом уларни тошбўрон этмоғи даркор экан. Адолатпарвар оқ пошшо тахти-давлатига кўз тиккан ҳар бир кўз ўйиб олинмоғи, тескари сўзлаган тил борки, кесиб ташланмоғи, қарши кўтарилган қўл синдирилмоғи зарур экан...

Ана шундай дарғазаб ўтган бир кенгашда Шакархон ноиб мақталди, ишлари мақбул топилди. Лекин ноиб фақат шунинг учунгина мамнун қайтаётгани йўқ. Унинг кўнглига таскин берадиган, дилини чоғ қиладиган бошқа ишлар ҳам бўлиб ўтди. Кенгаш нақ ярим тунга бориб тарқалди. Шакархон Риштонга қайтса ҳам бўларди. Аммо Ширкатнинг Қўқондаги катта конторасига учрашиб навбатдаги юмушларни қандай ҳал қилмоқни маслаҳатлашиб олиш ниятида Қўқонда тунаб қолди. Қолгани яхши бўлган экан. Ҳорижий мамлакатлардан яна юз минг пуд пахтага,

қирқ минг пуд бугдойга, етти минг пуд жуиға, ўн олти минг пуд майизга ва яна қанчадан-қанча маҳсулотларга қўшимча сўров келибди. Бу сўровнинг аввалгиларидан яхши томони шунда эдики, харидорлар маҳсулотни Қўқондан то юртларигача етказиб олиш учун кетадиган йўл харажатларини ўз зиммаларига олишибди ва бундан ҳам яхши томони Хитой бапкига пулларни аллақачон ўтказиб ҳам қўйишибди. Бир имзо чекса бас, лак-лак пуллар ноибнинг ихтиёрига ўтади.

Ризолигини айтиб имзо чеккач, бу пулларга тегмади-ю, хизматчиларни ҳайрон қолдириб Рус банкасидаги омонатининг деярли ҳаммасини олди. Заргарлик растасига жўнади. «Замон чирсиллаб турибди, буни Мединский тўра ҳам қайд қилди. Ўзимиз ҳам сув бетида қалқиган хасдек омонат турганга ўхшаймиз,— деб ўйлади ноиб,— бир довул турса ҳаммасини учуриб кетадиганга ўхшайди. Модомики, шунга ақлим етиб, қалбим сезиб турган экан, нега энди лак-лак қоғоз пулларни банкада сақлар эканман? Олтин олиб қўйганим маъқул, қора кунда қоғоз эмас, тилло даркор бўлади». Раस्ताдаги энг бой дўкон ҳинд ва эрон савдогарларига қарашли. ...Шакархон магазиндаги олтин буюмларнинг деярли ҳаммасини қоғоз пулга алмаштириб олди.

Қўш от қўшилган коляскада кўзларини ярим юмган қўйи чайқалиб-чайқалиб бораркан, ноиб гоҳо уйқу босиб келаётган кўзларини катта очиб атрофга суқ билан тикилиб қолади. Дашт томондаги бугдойларни ўриб бир-биридан баланд гарамлар уюб қўйишибди. Йўлнинг ўнг томонига кетгунча ғўза экилган. Ҳув наридаги қирларда пода-пода қўйлар ўтлаб юрибди. «Ҳаммасини ўзим сотиб оламан,— тўлқинланиб кетади Шакархон,— ҳар пудига икки-уч тангадан ортиқ тўласам, тамом, Паталахов синди деяверинг! Тавба, бойлиги меникининг ярмича келмайди-ю, чирашишини қаранг! Боз устига мен арбобман ҳам. Сени ҳар боб билан уриб қўйишим мумкин... Лекин заргарлик дўконини кўтарасига сотиб олганим кўп улуғ иш бўлдида. Худо ўзи мени ҳушёр қилиб яратган. Кузда ёғадиган ёмғирни баҳордаёқ сезаман. Худо хоҳласа, бу гал ҳам янглишмадим. Мана кўраман, эртагаёқ пул ғўза пўчоқдек беқадр бўлиб қолади. Олтиннинг қадри эса ошгандан ошиб бораверади. Хориждаги харидорлар ҳали олинмаган маҳсулотга пулни бекорга эртароқ жўнатишмаган. Демак, эртага пул беқадр, маҳсулот қадрли бўлади. Уларнинг ҳарзкати остида ана шундай яширин ният бор. Буни, худога шукур, мен пайқаб қолдим».

Миршабхона нозирн Темирбек беш навкари билан хожасини қўриқлаб боряпти. Савлат тўкиб салобат билан кетишяпти. Ҳам хожасини ногаҳоний хавфдан эҳтиёт сақлайди, ҳам у жанобнинг сафарига улуғворлик, салоҳият бахш этади. Шакархон шунчаки бир Ширкат эгаси ёки мулкдоргина эмас, балки Оқ пошшо аъло ҳазратларининг гоят мўътабар бир ноиб ҳам эканлигини йўловчилар кўриб қўйишлари керак. Отлар махсус ясатилган, навкарлар, бошдан-оёқ янги сарполар кийиб олишган. Чанг кўтарилиши мумкин бўлган жойларда хожаларининг коляскасини олдинга ўтказиб юборишади. Одамлар гавжум гузарларда пўшт-пўштлашиб йўл очадилар,— коляскада Шакархон эмас, бамисоли Фарғонанинг пошшоси кетаётгандек.

Шакархон гоҳ ўзича кулимсираб, ва демакки, ширин, қалбни эркаловчи хаёлларга берилиб, гоҳ ўткир кўзларини бир нуқтага тикканча, қуюқ қошларини алланечук чимириб, ва демакки, фикру мулоҳазаларга берилиб боряпти. Харид қилган дуру гавҳару, тилло тақинчоқларни хаёлидан ўтказа туриб, тўсатдан мудроқ фикри ҳиндлар ясаган бозвонга тўхтади. У гоят нафис ва таърифлаб бўлмайдиган даражада гўзал ишланган. Кўз ўрнига қўйилган ҳар биттаси жўхори донасидек келадиган олти қора ёқут тунда ҳам, кундузда ҳам бир хил ёниб атрофни нурлантириб туради. Тилло шокилалар ҳам гоят мўъжаз, нозик ўрнатилган. Ҳар шокила кўзига тариқ донасидек кўм-кўк фирузалар қўйилган. Ҳалиги ёқутлардан таралаётган қора-қизил нурлар фируза юзида синиб минг турда товланиб бозвон юзида, атрофида нурлар чаманини яратиб камалакдек товланиб туради. Ноиб хаёлан бу бозвонни, негадир Гулноранинг оппоқ сийнасига қўйиб кўзларини қисган кўйи томоша қила бошлади. Аллақандай бир ёқимли ўй бошдан чақин чақиб ўтди-ю, юраги ҳаприқиб кетгандек бўлди. «Уч хотинлик, тўрт хотинлик ҳокимлардан менинг қаерим кам,— деб сўради ўзидан,— лак-лак бойлигим бўлса. Худога шукур, обрў эътиборим баланд, сиҳат-саломатлигимдан шикоятим ҳам йўқ. Хўш, нега энди бир умр етим қизлар билан ҳуфиёна дилкашлик қилиб ўтар эканман? Гулнорани никоҳимга оламан, иншоолло, қарорим қатъий! Пошшо ойим бўлса вайсаб-вайсаб тинчиб қолади. Етар ўша кўтир эчкини ўттиз беш йил қучоқлаганим! Катта бувиимдек қариб қолибдию, яна қизчалардек нозу карашмалар қилишига ўлайми. Худоки сенга гўзаллик ато қилмабди, бўйнингга бир пуд тақинчоқ оссанг ҳам, бари бир, ўша-ўша кўтир эчкисан-да!.. Отангининг яккаю ёлғизи эдинг, Сандиқ

тўла тиллолар бегона бўлмасин деб ўзимдан катта бўлсанг ҳам сенга уйланган эдим. Бойлигинга бойлик қўшдим, хоҳласанг энди ажратиб бераман уларни. Лекин уйланаман. Гулнорани никоҳимга оламан. Зора, худо фарзанд ҳам ато қилса...» Тўйни шу ҳафтанинг охиригаёқ ўтказаман...».

— Жалолхон! — деб чақирди ноиб. Коляска ҳайдаб бораётган йигит афтидан, у ҳам хаёлларга берилиб бораётган экан, чўчиб тушди. Шошилиб овоз келган томонга ўгирилди экан:

— Лаббай, дада? — деб қўйди.

— Отларга қамчи босинг, — тўлқинланиб кетди ноиб, — учиринг уларни!

Риштонини дилкушога кеч пешин маҳали кириб бордилар. Шакархон бетоқат эди. Гарчи маҳкамада ҳам, ширкат конторасида ҳам талайгина тифиз ишлари бўлса ҳам тўхтамай тўғри уйига ўтиб кетди. Харид қилган тақинчоқларни хазинасига жойлаб шошилиб орқасига қайтди. Қизини тезроқ кўргиси бор, келтирган ноёб совғасини кўксига бошқа бўй қизларнинг кўксини куйдириб ўз қўли билан тақиб қўймоқчи. «Риштон музофотининг бир йиллик божу хирожига тенг бойлик бу!» дея қулоғига аста шивирлаб қўйсам дейди... Кейин тўй тайёргарлигига киришмоғи керак.

Жория Солиябону ноиб жанобларини дарвозахонада кўриб қўл-оёғи бўшашиб кетди. Вужудида совуқ қалтироқ тургандек бўлди. Лекин, таомил ҳозирги ҳолатидан устунроқ эди, турган жойида эгилиб салом берди-да, битта-битта босиб хожасининг истиқболига қараб юрди:

— Ассалому алайкум, бегим.

— Ваалайкум, — бош силкаб қўйди ноиб.

— Буюрсинлар бегим, жойини қаерга ҳозирлай, айвонгами, ёки хосхонагами?

— Шошилиб турибман.

— Ундай демасинлар, бегим, — Жория қошу кўзларини алланечук сузиб худди аразлаган қизчалардек бир оҳангда гапирди.

— Бўй қизлар қаерда? — айвон томон бора туриб сўради ноиб, — Гулнорани чақириб чиқ.

— Бегим! — шундай деб Солиябону кўз ёши ҳам шундоққина тўпланиб турган эканми, чинакамига йиғлаб юборди. Дуррасининг учи билан ёшларини арта-арта ўпкаси тўлган чақалоқдек узоқ пиқиллади.

— Жинни бўлдингми? — ўшқириб берди ноиб.

— Бегим?

— Гапир!

— Гулнора кечаси йўқ бўлиб қолди!

— Нима?!

— Оқшом ўрнида эди, ётаётганларида подадан қайтган кўзини санагандек ҳаммасини санаб чиқувдим, эрталаб қарасам... ўрнида йўқ. Боғнинг этагида, девор бузилган жойдан бир пой кавушини топиб олдик.

— Қочибдими?

— Билмадим.

— Эҳтимол, ўғирлаб кетишгандир?

— Билмадим, бегим.

— Сен нимани биласан ўзи, кўшмачи!

— Ундай деманг, бегим. Бундай хизматни ўзларидан бошқа ҳеч кимга қилган эмасман.

— Тилингни суғуриб оламан ҳозир!

Шакархон ҳозир ўлжасини олдириб қўйган шердек қутуриб кетган, жаҳл устида Жориянинг тилини суғуриб олиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Лекин, хайриятки, Жория уч тўрт одим нарида ва бунинг устига шум хабарни етказган тили ҳам оғзига маҳкам беркитилган эди. Тил жойида қолди. Ноиб аста-секин жаҳлдан туша бошлади. Жориянинг ортидан эргашиб аввал Гулноранинг ётоқхонасини, сўнг боққа чиқиб деворнинг наҳра бўлган жойини кўздан кечирди.

— Навқарбошига арз қилмадингми? — яна тутатқа бошлади ноиб.

— Эрталаб айтганман.

— Хўш?

— Ҳеч кимга овоза қилмай туринг деди.

— Хўш?

— Ҳозир ахтармаган жойим қолмади.

— Қўшмачи! — ноиб ер тепиниб қўйди. Бошига ногаҳоний мушт тушгандек гаранг, фикрлари ҳам тумтарақай, бир-бирига қовушмас эди. Қиз қочган бўлиши ҳам, олиб қочилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин ким олиб қочди экан, ким қочирди экан? Бир кишининг иши эмас бу, кўплашиб бажаришган...

Кечга яқин ноиб ниҳоят бир қарорга келгандай бўлди. Навқарбоши Зокирбекнинг айтишича куни кеча пандигонлик икки йигит (отларини билмас экан) ноиб жанобларнинг маҳкамасидан дарғазаб бўлиб чиқиб «қизимизни яхшилиқча бермасанг, унда яширинча олиб қочиб кетамиз», деган эмиш ва яна навқарбошининг тунги пойлоқчиликка чиққан йигитлари етимхонада атрофида шубҳали отлиқларни ҳам кўрган эмиш. «Демак, ўйларига яқин ясай бошлади Шакархон, — Гулнорани ўша мен билан жанжаллашган йигитлар олиб қочган. Ҳозироқ уларни ҳибсга олдира-

ман ва бутун Пандигонни ков-ков қилдириб Гулнорани тептираман, топилмагунча қўймайман... Ёки кечгача сабр қилсаммикан, эҳтимол ўзи кетгандир, ўзи кетган бўлса қайтиб келиб ҳам қолар, яхшиси сабр қилай...»

VII

ПОЛВОН ҚАЧАЛ САРГУЗАШТЛАРИ

Кеч намозгар пайти. Қуёш ботсамми, ботмасамми, деб турган бир палла. Кунбўйи қора терга ботиб ишлаган Пандигон деҳқонлари чарчаган оёқларини мадорсиз судраб аста-секин даладан қайтишади. Бирови елкасига қоп орқалаган, бошқаси эшагига миниб олдига ўт ҳам босиб олган. Кўчани чанг-тўзонга тўлдириб хўп мириқиб ўтлаб олган қўй-қўзилар ҳам қайтмоқда. Елини ёрилай деб сутга тўлган сигирлар кенг далада ўймоқлаб оёғини ёзиб олган новвосчаларни ортидан эргаштириб, уйига яқинлашган сари, бузоқчасини огоҳлантириб қўйиш пиятидами, қисқа-қисқа маърашиб, булар ҳам яйловдан қайтишмоқда.

Кунбўйи ҳувиллаб ётган қишлоқ кўчалари жонланиб кетди. Уйрат Пандигон чойхонаспда Мадумар карнайчи супага чиқиб олиб гоҳ ўннга, гоҳ чапга юзланиб карнай чалмоқда. Гузарда бўладиган катта-кичик йиғинлар кўпинча карнай чалиш билан бошланади. Карнай овозининг оҳангига қараб ўйин-кулги бўладими ёки оломон иштирокида маъмуриятнинг бирор кенгаши ўтадими, одамлар дарров билиб олишади. Аҳолининг кўп ёки оз тўпланиши ана шу карнай садоларига ҳам боғлиқ бўлади.

Шом пайтига бориб чойхонадаги сўрилар тирбанд бўлди. Чойхўрлар ўз мавқеи ҳам ёшига қараб давра қура бошладилар: бир сўрида кексалар бўлса, бошқасида ёшлар; бирида бою судхўрлар бўлса, бошқасида йўқсилу батрақлар. Давраларда босиқчи суҳбатлар боряпти:

- Қўқонга бордим дедингми?
- Урик олиб борувдим, йўлда уриниб қолган экан.
- Сотолмадингми?
- Ариққа ағдариб қайтдим.
- Э, аттанг!
- Нима муносабат билан карнай чалишяпти экан?
- Мардикордан қайтган Акбарали бор-ку?
- Хўш?
- Уша совуқ урган оёғини кўрсатиб маъруза айтмоқчи

эмнш.

— Совуқ урган оёғини кўрсатиш учун карнай чалиш шартмикан!

— Эшитдингми?

— Нимани?

— Эшон отанинг ўғиллари бор эди-ку, Бузрукхўжа-чи, ўша Шакархон ноиб билан тиккама-тикка олишибди!

— Йўғ-е!

— Аравакашларни ҳаққини берсанг бердинг, бўлмаса қўргонингга ўт қўяман дебди.

— Ё навзамбилло!

— Большовойларнинг каттаси билан ўртоқ экан, хат ёзишиб турармиш.

— Йўғ-е!

— Худо урсин агар. Ўз қулоғим билан эшитдим. Агар золимларга қарши уруш бошласанг керагича қўшин бераман дебди.

— Қурол-чи, қуролдан ёрдам бермасмикан?

— Урусиянинг қурол ясайдиган заводи Гирмоннинг қўлига ўтиб кетган.

— Ростданми?

— Худо урсин агар, ўз қулоғим билан эшитдим.

— Менга қара, сен Бузрук билан яқинроқмисан?

— Яқинман.

— Гапингга кирадими?

— Худо урсин агар, киради.

— Кирса айтиб қўй, қўшинни большовойлардан олмай ўзимиздан йиғсин, хўпми?

— Хўп.

— Фақат милтиқни ўшалардан олсин.

— Нега?

— Уларнинг милтиғи бешотар. Бизники сиздан ўқ ейдиган расво милтиқлар, тушундингми?

— Тушундим.

— Айтасанми?

— Айтиман.

— Қани, бир қасам ичиб қўй-чи, бўлмаса.

— Айтмасам, худо урсин.

— Баракалла ота ўғли, худо хоҳласа сендан ажойиб қасамхўр чиқади, чойдан қуй энди.

Ҳасан-Ҳусанлар давра айлана бошлашди. Афтидан то одамлар тўпланиб олгунча қизиқчилик қилди бу ердагиларни овуштириб туришмоқчи шекилли, эгинларига қуроқдан яқтак иштон, бошларига оқ бўздан халта кийиб, юзларига аллақандай бўёқлар суртиб олишган. Гоҳ у даврага, гоҳ бу даврага яқинлашиб хазил-мутойнба сўз-

лар айтишади, кўтарилган кулгига жўр бўлиб тиззаларига шапалаб қўйишади.

Пандигоннинг жони-дили бўлиб қолган бу йигитларни оталари Умрзоқ қассоб оламдан ўтиб кетган, оналари ҳаёт, Полвон ая деб аташади уни. Полвон ая бўй қизлик маҳалида ота юрти қирғиз элатига бориб манман деган полвонлар билан курашга ҳам тушган дейишади. Ким билади, бу гаплар остида оз бўлса-да, ҳақиқат бордир. Ҳозир ҳам ёши элликларга бориб қолган бўлишига қарамай тўртта йигитни саранжомлаб қўядиган важоҳати бор. Қарқуноқдан булбул чиқибди, деганларидай авлод-аждодди давраларда кураш тушиб ўтган Полвон аянинг ўғиллари масхарабозликни танлашди. Одамларнинг айтишича масхарабозликнинг ўзи буларни танлаган эмиш. Она қорнадан йиғлаб эмас қиқирлаб кулиб тушишган экан. Ун йиллардан буён юрт айланиб юришибди. Иккови ҳам эли-хушли. Замонанинг зайлини бошқалардан кўра ҳам чуқурроқ ҳис қилишади. Халқ бошига тушган бахтсизликни, адолатсизликни, ҳар одимда кўришар, халқни кулдирсак бахтсизлигини бир нафас бўлса ҳам унутади-ку, деб ўйлашиб бир-биридан қизиқ латифалар тўқишади, ичак узилди аскиялар айтиб каттаю кичикни бир хилда кулдиршади. Қўғирчоқ ўйнатиб (ака-укаларнинг ҳар хил қиёфадаги йигирмадан ортиқ қўғирчоқлари ҳам бор) «Полвон Качал» саргузаштларига оид томошалар кўрсатиб гарчи Пандигон элининг дил ярасини бутунлай тузата олмасалар-да, ҳар қалай, унга малҳам қўйгандек бўлишади.

Бузрукхўжа инқилоб қўмитасини туздигу, лекин бири карнайчи, иккитаси масхарабоз, шуюм қўмита бўлдию деб кеча пинҳона афсусланганда ноҳақ эди. Чунки ака-укалар эрк, озодлик, инқилоб деган сўзларни Бузрукхўжадан ҳам олдинроқ эшитишган, ўзлари англабми, англамайми инқилобга хизмат қилишни ҳам ундан аввалроқ бошлаб юборишган.

Ҳасан-Ҳусанлар кўрсатаётган томошанинг бир манзараси тугади шекилли:

— Офарин!

— Бўш келма, Ҳасан!

— Баракалла, Полвон аямнинг эркатойлари!

— Худо хоҳласа тўйинми ўзларинг гуллатасанлар!— деган олқишлар, каттаю кичикнинг дил сўзлари ҳар томондан ёғила бошлади. Томоша қанча узоқ чўзилса чойхоначига шунча яхши. Чой кўп ичилади, демак, чақаси ҳам мўл бўлади. Эҳтимол шунинг учундир, эҳтимол Ҳа-

сан-Хусанлар кўрсатаётган томошалар қалбини эркалагани учундир чўлоқ чойхоначи катта гардиш лаганда тақсимча тузиб устига кийимликлар ҳам қўйиб томоша кўрсатилаётган чодирнинг ортига олиб ўтиб кетди.

Ака-укалар кўринмасди. Атрофи бўз билан ўралган «томошахона» тепасида яна икки қўғирчоқнинг боши кўринди. Кўринди-ю, шу заҳотиёқ худди сувга чўккандек йўқ бўлди. «Томошахона»дан сурнайда ижро этилаётган «Дучова паррон» куйи эшитила бошлади. Томошабинлар яна жим бўлиб ҳаммалари нигоҳларини ўша томонга ташлашди... Қорни катта, соқоли узун, белида бешта белбоғ, бошида парчаси калтагина салла, юзи ошқовоқдек дум-думалоқ, бақалоғи айронхалтадек осилган, кўзлари хўмрайган судхўр бой чиқиб ўйинга туша бошлади. Қалта қўллари билан ғалати-ғалати ҳаракатлар қилади. Гоҳ эгнилиб таъзим қилади, гоҳо ёғоч ютгандек кеккайиб туриб қолади. «Дучова паррон» куйи аста-секин пасайиб бора-бора тўхтади.

СУДХУР — Бакара-букур, бако-бако, бакара-букур,
Бако-бако, бако-бак, рав-рав-рав!

КОРФАРМОН — Э-ҳе, о, бу бакара-букур, дакара-дукур нима деяпсиз?

СУДХУР — Тушунмадингизми?

КОРФАРМОН — Тушунмадим.

СУДХУР — Кабоб қиляпман.

КОРФАРМОН — Кабоб?

СУДХУР — Ҳа.

КОРФАРМОН — Э, жўра сиз хундими?

СУДХУР — Хунди.

КОРФАРМОН — Судхўр бойнинг ўғлимисиз?

СУДХУР — Ҳо.

КОРФАРМОН — О хоғар! Қаердан келдингиз,
жўра?

СУДХУР — Қобулдан.

КОРФАРМОН — Кўп бажо келдингизми?

СУДХУР — (ўйнаб) Бакаро-бако бако-бак.

Бакаро-бако, бако-бак.

КОРФАРМОН — Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

СУДХУР — Полвон Качални ахтариб юрибман.

КОРФАРМОН — Унда нима ишингиз бор?

СУДХУР — У мендан қочиб юрибди.

КОРФАРМОН — Нимага сиздан қочади?

СУДХУР — Мандан қарзга пул олган. Шунини бермасдан қочиб юрибди.

КОРФАРМОН — Қанча пулингиз бор?

СУДХУР — Уч юз эллик бир ярим сўм. Уни топиб олсам пулимни берса берди, бермаса ўлдираман!

КОРФАРМОН — О жўра, сен ёмон одам экансан, ўлдираман демагин (*судхўрнинг бошига бир уради*).

СУДХУР — (бошини ушлаб) Вой-вой-вой! Вой бошим ёрилди.

КОРФАРМОН — Э, тухмат қиласанми? Бошинг жойида, елкангда, қон чиқмабди, шишмабди. Иби, нимага мунча дод дейсан. Ўлдираман деганингга аччигим чиқди, бошингни бир силаб қўйдим. Сен Полвонни ўлдирсанг пулни ким беради?

СУДХУР — Рост дейсиз. Бобожон, қарзимни сиз олиб боринг.

КОРФАРМОН — О, мен сенга кафилми?

СУДХУР — Полвондан қарзимни ундириб берсангиз, бисёр пул бераман.

КОРФАРМОН — Бисёр?

СУДХУР — Ҳо!

КОРФАРМОН — Юз сўм берасанми?

СУДХУР — Бир сўм бераман.

КОРФАРМОН — Э, ўл-е!

СУДХУР — Хўп, яна етти чалпак ҳам қўшиб бераман.

КОРФАРМОН — Э, чалпагингни ўзинг е!

СУДХУР — Бўлмайдими?

КОРФАРМОН — Бўлмайди.

СУДХУР — Бўлмаса йигирма беш сўм пул бераман, яхши зиёфат қиламан.

КОРФАРМОН — Йигирма беш сўм пул берасиз, яхши зиёфат қиласиз. Бо, мени алдамагин.

СУДХУР — Алдамайман.

КОРМАРМОН — Алдамасанг (*чодирнинг четини кўрсатиб*) мана бу ерда ўтириб тургин.

СУДХУР — Мана бу ердами? (*чодирнинг ўртасига ўтирмоқчи бўлади*)

КОРФАРМОН — (*Чодирнинг четига ишора қилиб*) Мана бу ерда. Ҳой, Полвон Качал, овозадор!

ПОЛВОН — (*уйқудан чўчиб уйғониб*) Ҳо, ҳо, ҳо, нима бўлди, нима бўлди, ким ўлди?

КОРФАРМОН — Э, ҳовлиқма-е, ҳеч ким ўлган эмас. Гап бошқа.

ПОЛВОН — Нима гап?

КОРФАРМОН — О, бир лўттибоз жўранг бор экан.

ПОЛВОН — Бор, бор, бор!

КОРФАРМОН — Шу жўранг уч юз эллик сўм пулим бор. Шунни берсин, ўз юртимга кетаман дейди.

ПОЛВОН — Кимда пули бор экан?

КОРФАРМОН — Кимда бўларди, сенда.

ПОЛВОН — Менда?

КОРФАРМОН — Ҳа.

ПОЛВОН — Бобо, ўша жўрамни менга кўрсатиб қўйинг.

КОРФАРМОН — Нима қиласан, кўрсатсам?

ПОЛВОН — Ё нари қиламан, ё бери қиламан.

КОРФАРМОН — Ё нари қиласиз, ё бери қиласиз.

Шунчалик жонингизга тегдими?

ПОЛВОН — Жонимга тегди.

КОРФАРМОН — Қарз олгандан кейин бергин-да, ахир!

ПОЛВОН — О, мунча пул менда қайда бўлсин? Тўйга деб юз сўм пул олгандим, юз сўм туғиб-туғиб уч юз эллик бўлибди.

Мен мунча пулни қаердан топаман. Э, кўрсатинг ўша бойваччани, бобо!

СУДХУР — (ўрнидан туриб яқинлашади) Қани, нима қиласиз? О, жўра, қарзни беринг-да, акун. Мен орқангизда юраманми ҳар кунин? Қарзни тўламайсиз, яна дўқ қиласиз?

ПОЛВОН — Қарзни тўлайми?

СУДХУР — Ҳа жўра.

ПОЛВОН — Мана сенга қарз (бир калла уради) Мана сенга уч юз эллик сўм! Уч юз эллик сўм деганинг учун уч юз эллик калла урмасам Полвон отимни бошқа қўяман! Мана, мана! Бугун келасан, эрта келасан, мени тишч қўясанми йўқми? Киссамда бир чақам йўқ, қорним қуриллайди ўзимнинг, сенга пулни қаердан топаман. (Полвон судхўрни икки қўллаб савалаб кетади, ора-чира калла ҳам тушириб туради. Судхўр ҳам ўзини ўнглаб олиб Полвонни ура бошлайди. Икки ўртада жанг қизиб кетади. Корфармон сурнайда муштлашув оҳангига мослаб куй чалиб туради. Ниҳоят бир-бирини савалашиб, ҳолдан тойиб, икки томонда сулайиб қолишади. Полвон сапчиб ўрнидан туриб Судхўрни кўтармоқчи бўлади).

ПОЛВОН — Ие, бобо?

КОРФАРМОН — Нима дейсиз, Полвон?

ПОЛВОН — Жўрангиз омонатини топшириб қўйибди-ку!

КОРФАРМОН — Улибдимми?

ПОЛВОН — Худо хоҳласа ўлибди.

КОРФАРМОН — Қайғурманг Полвон, мен лўтти-
боз жўрамдан, сиз қарзингиздан қутулибсиз. Илоий ов-
мин, ўлгани рост бўлсин, облоҳу акбар.

Қўғирчоқлар чодир ортига тушиб кетишди. Утирганлар афтидан, томошанинг давомини кутишар эди. Шунинг учун аввалига ҳаммалари жим туришди. Хиёл ўтмай чодир ортидан Ҳасанбой билан Хусанбойлар чиқиб келишгач, томоша тугаганига ишонч ҳосил қилишди шекилли, бирдан қарсақ уриб юбордилар. Офаринлар ёғила бошлади. Ака-укалар қўлларини кўксига қўйиб таъзим қила-қила давранинг ярмини айланиб чиқишди. Давранинг ўртароғига борганда Ҳасанбой қўлини кўтариб чувиллаб турган томошабинларга «Жим бўлинглар» дея ишора қилди. Сўнг баланд овоз билан:

— Мулла Маҳмуд! — деб чақирди.

Ўз тенгқуру ҳамфикрлари даврасида ўтириб томоша кўраётган мулла Маҳмуд шоша-пиша:

— Нима дейсан? — деб сўради.

— Мундай бир гапирсанг-чи!

Мулла Маҳмуд Ҳасанбой мени аскияга чорляпти деб ўйлаб, пайровга мазаси йўқроқ эди, қўрқиб кетди. Ҳаяжонланганида ингичка ҳам узун бўйни шамолда қолган ниҳолдек силкиниб бошини туютмасди. Ҳозир ҳам худди атайлаб қилгандек боши нари бориб бери кела бошлади.

— Нимани гапираман? — деб сўради овози аранг чиқиб.

— Томоша маъқул бўлдимми?

— Бўлди.

— Давомини кўришни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман жўра.

— Бўлмаса яна бир оз сабр қилиб тур. Полвон Качал судхўрнинг мурдасини Хўжа Бува мазорига кўмгани кетди. Қайтиб келиши билан томошани яна бошлаб юборамиз. Унгача хўп десанг, мана даврамизда ўзи ёш бўлса ҳам юз кишига бош бўладиган сиёҳи бор Бузрукхўжа ўтирибди. Утирган бўйра, юрган дарё дейдилар. Бузрукхўжа дарёдек тўлқин отиб дунёни кезиб юрибди. Бу гални ўтган сафар ҳам айтувдим. Айтишим билан жуфтакни ростлаб қолувдинг. Рост гапдан, ҳақиқатдан қўрқасанми, йигитмисан ўзи?

— Йигитман! — деб қўйди мулла Маҳмуд бир кўзғалиб.

— Йигит бўлсанг, йигитча, суҳбатдан қочма. Ке, бир-галашиб фотиҳа ўқиймиз, ҳой яхшилар, сизлар ҳам қўлингизни кўтаринг. Қимда ким оқилу донишмандларнинг суҳбатини ташлаб қочса, чол моховнинг хотини бўлсин, облоҳу акбар!

Чойхўрлар ҳам бенхтиёр:

— Оллоҳу акбар!— дея юзларига фотиҳа тортиб юборишди.

VIII

«ҚУЛЛАРИГА ҚИШАН УРИЛСИН»

Бузрукхўжа чойхонанинг кўчага яқин тарафида, ўзи тузган қўмита аъзолари Мақсуд қори, Мадумар карнайчи, Сотволди, Акбарали мардикорлар даврасида томошага маҳлиё бўлган кўйи бугунги йигинга мос томоша танлагани учун ака-укалардан хурсанд бўлиб ўтирганди. Қелишиб олганларидек сўзга аввал Акбарали мардикор чиқиши, бирга кетган йигитлар қандай балоларга гирифтор бўлиб, қанчадан-қанчаси совуқда ўлиб кетганини гапириб бериши керак эди. Унинг сўзи таъсирлироқ чиқиши, тўпланганлар қалбида маъмурларга нафрат қўзгаши ҳам мумкин эди. Аммо Ҳасанбой режани ўзгартириб юборди. Утирганлар кетиб қолмасин дея қасам ҳам ичтириб олди у.

Бузрукхўжа шошилди жўрасига юзланди.

— Сен ганирганинг маъқул,— деди Акбарали мардикор,— мен биласан-ку, гапга нўноқман.

Бузрукхўжанинг номи тилга олиниши билан давраларда яна ичир-кучир бошланди. Сўнгги кунларда эл орасида қанот қоқиб учиб юрган мишмишлар уни Риштонда бўлиб ўтган галаёнининг қаҳрамонига айлантириб қўйган, қудратли Шакархондек бир киши билан тиккама-тикка олишган бу йигит энди уларнинг пазидида Алпомншдек бўлиб кўринаётганди. Юқорида, икки сўри бирлаштирилиб атлас кўрпачалар тўшалиб ҳозирланган ўринда, қўш фонус ёруғида Пандигон аъёнлари ўтирганди, қўзғалишиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Мулла Зариф мингбоши Абдураҳмонбойни секин туртаркан:

— Ҳушёр бўлинг, бузоғини қайтариб олмасин тагин,— деб ҳазиллашган бўлди. Бой жаноблари ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди:

— Бузоғини қайтариб олса, мен ҳам сендан чакмонимни қайтариб оламан.

— Ҳамқишлоқлар!— шундай деб Бузрукхўжа, негадир, бошидан дўпписини олиб кафтига қоқди-да, яна кийиб олди,— энди, хўш, ораларнингда дадам тенги мўйсафидлар ҳам ўтиришибди. Бу оғзидан сути кетмаган гўдак бизга нимани ҳам айтарди деб ўйлашлари мумкин. Агар шундай деб ўйлашса тўғри қилишади. (Йўқ, бошқачароқ гапириш керакмиди, деб ўйлаб қолди Бузрукхўжа). ...Аслида мана бу Акбарали сўзласа яхши бўларди. Тоби келишмай тургани учун сўз навбатини менга берди (Тавба, нега мен довираб қолдим, ўзимни қўлга олишим керак, бўлмаса шарманда бўламан)... Тўғри, мен ҳам пошшолик хизматига кириб унча-мунча юртларни айланиб юрибман. Биз дўппидеккина Пандигонга қамалиб олиб дунёдан бе-хабар қолиб кетган эканмиз. Дунё денгиздек чайқалиб турибди. Йўқсиллару аламзадалар бир тараф, давлатмандлару ҳокимлар бир тараф. Ҳақ-ҳуқуқ талашиб бир-бирларининг ёқасидан мана бундай қилиб сиқиб олишган. Қайси бири ҳақ бўлса, худо хоҳласа ўша енгади...

Мулла Зариф мингбоши ёнида ўтирганларга қараганда иззат-нафси баланд ва яна хийла жирракироқ ҳам эди. Ҳали Бузрукхўжанинг номини эшитгандаёқ вужудила қалтироқ турганди.

— Елғон!— деб андак бўлмаса ўрнидан туриб кетаёзди. Абдураҳмонбой тиззасидан босиб «сабр қил» деб шивирлади.

— Елғон бўлса мендан сўнг жаноблари сўзга чиқиб хатонини тузатарлар,— ҳурмату тавозе билан деди Бузрукхўжа,— лекин биз пандигонлилар ўз аҳволимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдикми, хўш, биз киммиз ўзи? Биримиз Абдураҳмонбойникида чоракор, биримиз Салимбойваччаникида қарол, биримиз Маҳсимча баққолдан қарз устига қарз олавериб адойи тамом бўлган бандалармиз. Ҳаммамиз ҳам ҳокимлар ҳафтада чиқариб турган солиқларни тўлашга қурбн келмай, солиқ эвазига ўзини сотиб юрган қулбаччалармиз, ё нотўғримми? Наҳотки, худойи таоло шўринг қургур пандигонлиларни ана шундай тақдир билан яратган бўлса...

— У, кофир, тилингни тий!— деди ўрнидан тураётиб мингбоши,— ҳозир бориб оғзи-бурнингни қонга тўлғизаман.

Мулла Зариф ўрнидан туришга турдию, аммо сўридан тушишга юраги дов бермади. Утирганлар маърузани жон қулоғи билан тинглашяпти. Боз устига кўпчилиги Усмонхўжа отанинг қариндош-уруғлари, ёки қариндошим деб

фахрланиб юрган йўқсиллар. Худо кўрсатмасин муштла-
шиш бошлангудек бўлса мингбошини тўрт навқарига қў-
шиб сўрининг остига тиқиб қўйишлари мумкин. Йўқ,
мингбоши уни қалтакламоқчи эмас, шунчаки дўқу пўписа
қилиб қўймоқчи. Бу шунинг учун ҳам зарурки, ёнгинаси-
да қовоқларини солинтирганча, катта қорнини чатаноғи
орасига тушириб бир арава бўлиб ўтирган Абдурахмон-
бой, номигагина дўконча очиб баққолчилик қилиб ўтира-
диган, аслида саккиз Пандигоннинг энг катта судхўри
бўлган Маҳсимча кейинчалик унга таъна қилишлари,
«э, ўша сендақанги мингбошидан ўргилдик-э», дейишлари
ва ундан ҳам хунуги лавозимдан олиб ташлашлари мум-
кин.

Мингбошининг: «Огзи-бурнингни қонга тўлғизаман»,
дегани айтадиган гапини режага солмай хит бўлиб тур-
ган Бузрукхўжанинг газабини қўзгади, оёқ-қўли қалтираб
кетди. Мингбошига кескин ўгирилиб:

— Пандигонда огзи-бурни қонга тўлмаган, битта
мен қолувдим,— деб қўйди.

Худди шу пайтда чойхонанинг кўчага беткай томо-
нида ўтирган чойхўрлар гур этиб ўринларидан туриб ке-
тишди. Бузрукхўжа нима бўлди экан деб ўша ёққа ўги-
рилган эди — Хон эшон ҳазратларига кўзи тушиб қолди.
Қўлларни кўксига, гоҳ ўтга, гоҳ чапга салом бериб аён-
лар ўтирган сўри томон жадал келмоқда эди. Юртда об-
рўлари баланд эди у кишининг. Қўшалоқ сўрида ўтирган
мўътабар кишилар ҳам ўринларидан туриб, таъзим қи-
лишиб юқоридан жой кўрсатишди. То ўтириб олгунлари-
гача қўл қовуштириб туришди. Хон эшон ҳазратларининг
нимадандир қаттиқ жаҳли чиққан кўринади. Ё кимдандир
калтак еб келдилар, ё кимдандир калтакламоқчидек бир
алпозда турибди. Юпқа лаблари қимтинган, кўзлари бе-
жо, фотиҳани ҳам қисқа ўқидилар. Салласини олиб та-
қир бошини рўмолча билан суриб артди-да, яна ўз ўрни-
га қўндириб, атрофга олазарак кўз ташлади. Чой узатиш-
ган эди, қайноқлигидан беҳабар, ҳўплаб қўйиб оғизлари
қаттиқ куйди шекилли, пуфлаб ташлади:

— Э, бетовфиқлар!

Бузрукхўжа тургандан туриб қолди. Маърузани давом
эттиришни ҳам, қайтиб ўрнига ўтиришни ҳам билмас эди.
Қайтиб ўрнига ўтирса, кўп нарса айтмоқчи эди, айтолмай
қолади. Энг ёмони қўмитанинг биринчи йиғини самарасиз
тузган бўлади. Маърузасини давом эттирса, ҳозир ҳам-
ма диққат-эътибори эшон ҳазратларида — қулоқ солмас-
ликлари ҳам мумкин. Ҳеч ким эшитмаган маъруза ўз эга-

сини шарманда қилади... Йўқ, қандай бўлганда ҳам у бугун голиб чиқиши керак, бўлмаса қўмитанинг иши таққа тўхтайдн. «Яна бир калтак есам ерман, фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— ҳақиқат деб ўлганлар бор-ку! Гапира-вераман».

— Пирим,— дея баланд овоз билан мурожаат қилди.

Хов-эшон ҳазратлари овоз чиққан томонга ўгирилдилару, жавоб қайтармай нима дейсан дегандек жим туравердилар.

— Агар рухсат берсангиз...

— Хўш, нимага рухсат берар эканман? Ҳой, менга қара, сен анови Усмонхўжанинг ўгли бўлмагин тагин?

— Ушаман.

— Риштонда сен гапирганмидинг?

— Ҳа гапирувдим.

— Қалтак ҳам евинг шекилли?

— Еганман. Агар пирим рухсат берсалар маърузамни тугатиб олсам девдим.

— Хўш, нимани гапирмоқчисан ўзи, охир замоннинг боласи?— ҳамон жаҳли тарқамаганлигидан жеркиб-жеркиб деди пиру муршид,— ё даданга ўхшаб сен ҳам донишмандлик даъво қилмоқчимисан?

— Дадам ҳеч қачон донишмандлик даъво қилган эмаслар. Ҳикматни кўп айтадилар, шу боис одамлар у кишини донишманд деб атайдилар. (Пири муршидни мақташим керак, бўлмаса йўл бермайди, деган фикр ўтди Бузрукхўжанинг бошидан) ...Аслида юртимизнинг донишманди ўзингиз бўласиз, пирим! Бу ерда ўтирган қаро кўзларни ҳақ йўлида, ҳақиқат йўлида ўзингиз тарбиялагансиз. Шу ҳақиқат хусусида тортишиб қолдик. Мулкдорлар ҳақиқати бору, йўқсиллар ҳақиқати бор, иккови тортишиб қолганда ҳаминша бойлар ҳақиқати устун келяпти. Бунинг боиси нимада, шу хусусда баҳслашаётган эдик... Гапим ҳам эсимдан чиқиб қолди... Эсимга келгунча, пирим, рухсат берсангиз ҳамқишлоқларимга бир топишмоқли ҳикмат айтсам. Жумбоқни ечгунларича зора, гапимни топиб олсам... Қайси бир қишлоқда ўтакетган камбағал бир одам бор экан. Очарчилик пайти, егани ҳеч нарса қолмай болалари сулайиб қолибди. Охири тегирмончидан бир кафт ун сўраб келиб қотирма пиширтирибди. Қотирма пишай деганда қўшниси кириб келиб ўзини камбағалнинг оёғи остига ташлаб, жон қўшни болаларимни сақлаб қол, очликдан ўляпти, деб йиғлабди. Камбағал раҳмдил ва яна олижаноб ҳам экан. «Менинг болаларим сулайиб қолишдию, лекин ўлаётгани йўқ. Уники бўлса ўлим олди»

экан, қутқариш керак», деб ўйлаб тўрттов қотирмани ҳам қўшнисига берибди. Аммо қўшниси ўзи айтганчалик бечораҳол эмас экан. Егани нони, қора кунга атаб сақлаб қўйган бугдойлари бор экан. Қамбағалдан ундириб чиққан қотирмани сандиққа солаётган экан, унинг ҳамма ҳаракатларини кузатиб турган бир ўғри бостириб кириб елкасига пичоқ уриб ўлдирибди-да, қотирмани олиб чиқиб кетиб мазза қилиб еб олибди...

Хўш, ҳурматли ҳамқишлоқларим қани айтинг-чи, суд қилиш керак бўлса кимни суд қиламиз? Одам ўлдиргани учун ўғриними, бировнинг оғзидан нонини тортиб олган бахил бойниси ёки раҳмдил ҳам олижаноб бўлгани учун болаларини оч қолдирган камбағалниси? Жазо битта, ўша жазони кимга беришимиз керак?

Бузрукхўжа бир дақиқагина тўхтаб атрофга кўз ташлаб олди. Чойхўрлар нигоҳида рағбат, айтавер, сени тушуниб турибмиз дегандек бир ишора борлигини сезиб вужудида кучли бир далда, руҳий қўзғалиш бошланиб келаётганини ҳис қилди. Баланд овоз билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

— Абдурахмонбой жаноблари ўтирибдилар, бу киши яқинда бизнинг рўзгоримизда нимаки бўлса ҳаммасини тортиб олдилар. Шу ҳақда гап очсам аламидан гапиряпти дерсизлар. Яхшиси бу кишини тинч қўяйлик. Ана, хў, чеккадаги сўрида Рустам бобом ёнбошлаб ётибдилар, ўтиргани ҳоллари келмагани учун ётиб олганлар. Қунбўйи далада эдилар. Ўғиллари билан лойга ботиб кўксини тиззасига қадаб шоли ўтадилар. Кузатиб турдим, на тушликка чиқишди, на пешинликка, саратон иссиғида ёниб кетишди. Шу алпозда етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бири ўзларига-ю, қолгани Қўқонда ялло қилиб юрган Салимбойнинг омборига тўкилади. Кошки эди ўша тўртдан бир ҳосил Рустам бобонинг ўзларида қолса. Сув пули тўлайдилар, имомга, сартарошга, тун қоровулига кафсан берадилар. Мингбошининг солиғи, ўтган йилдан қолган боқиманда... охири Рустам бобомга нима қолади? Қўполроқ бўлса ҳам очигини айтай. Шолининг походи билан хўпмайдага қўшилган хўкизларининг тезағи қолади.

Ҳамқишлоқлар одам боласи бу дунёга кимларнингдир сандигини тўлдириш учун келган эмас, одам одамдек яшаши керак. Урусиянинг сиз билан менга ўхшаш батраклари ўз ҳақларини даъво қилиб чиқишяпти, кўп нарсага эришдилар ҳам. Хилват қишлоқда яшаб ҳаммасидан беҳабар қоляпмиз. Йўқ, бизнинг ҳам белнимизни дол қилиб

яшаганимиз етар. Биз ҳам энди бошимизни баланд кўтариб мен ҳам инсонман, менда ҳам гурур бор, деб рўйи-рост айтмоғимиз даркор, айтишимиз керак ҳам. Инқилоб қўмитасини тузиб елкамизга миниб олган, энг сўнгги номимизгача оғзимиздан тортиб олаётган мулкдору маъмурларга ўз талабимизни айтишимиз керак. Биринчи талабимиз шуки, бу йил ер эгаларига ҳосилнинг фақат ярмини берамиз, учдан бир, тўртдан бир деган гаплар йўқ энди. Иккинчи талабимиз шуки, сув пулининг эллик фоизини бермаймиз. Учинчи талабимиз...

Бузрукхўжа қўмитанинг учинчи талабини айтиб улгурмади. Сўридан сакраб тушган Мулла Зариф унинг юзига қамчи тортиб юборди. Бузрукхўжа ўзини ўнглаб қамчинин юлиб олиш учун чоғланаётган пайтда ҳеч ким кутмаган ва етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бир воқеа юз бердики, ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Чойхона ҳовлисига тўрт томондан сўриларни оралаб отлиқлар кириб кела бошлади. Суворийлар ердан чиқдими, осмондан тушдими ҳеч ким пайқамай қолди. Бир хиллар жинми, алвастими булар деб кўкрагига туфлаб шошилиб калима ўгиришди. Бир хил ўзини йўқотмаганлар бошим бир фалокатга қолмасин деб чой ҳақини ҳам тўламай, кавушини пойма-пой кийиб жўнаб қолди.

Отлиқлардан иккиси чойхона ҳовлисининг қоқ ўртасигача кириб бориб жўжахўроздек бир-бирига хезланиб турган Бузрукхўжа билан мингбошининг қаршисига тўхташди. Бирини — навкарбоши Зокир калла, бошқаси миршабхона нозир Темирбек эди. Темирбек, гарчи, Бузрукхўжани таниб турган бўлса ҳам совуқ ва ёқимсиз бир овоз билан:

— Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғли сен бўласанми?— деб сўради.

— Менман,— орқасига тисарилиб деди йигит.

— Мулла Маҳмуд Мулла қори ўғли борми шу ерда?— яна сўради миршаб хона нозир.

Мулла Маҳмуд сўридан сурлиб тушдию лекин тили калимага келмай жим тураверди.

— Мулла Маҳмуд сенмисан?

— Менман, тинчликми?

Темурбек ўйноқлаб турган отининг жоловини тортиб, оёқларини кумуш узангига тираб, эгардан хиёл кўтарилди-да, овозига яна ҳам расмийроқ, яна ҳам ваҳшатлироқ бир оҳанг бериб дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Император аъло ҳазратлари номидан икковларингиз ҳибсга олиндингиз. Қўлларига кишан урилсин!

«УЛСАМ ОНАМ ДЕБ ЙИГЛАГИН»

Беҳуш ётган Гулнора аста-секин ўзига келаётганди. Кўзини очиб атрофдаги нарсаларга шуурсиз тикилганча жим ётибди. Бора-бора фикрида тиниқлик сезиб, кўз ўнгидаги туманлик чекиниб нарсаларда ранг, шакл пайдо бўла бошлади. Вассаю тўсинлари тутундан қорайиб кетган уйда ётган экан. Уйнинг чор атрофи гўристондек чуқур токчалар, токчаларда эски лаган, жўмраги синган чойнаклар, кўп тутилганидан ранги ўчиб кетган катта-кичик пиёлалар кўзга ташланади. Ёнма-ён турган қорни катта мис қумғон, жўмраги баланд офтобага қаердандир нур тушаётган бўлса керак, уй қоронғироқ эмасми, ўша бурчак шамчиरोқ ёққандек ёришиб турибди. «Қимнинг уйи экан, қаерга олиб келди экан мени,— ўйлай бошлади қиз,— остимга янгигина кўрпа тўшашибди, ким тўшади экан? Хайрият, ит харом тумшугини менга теккизмабди, хайрият! Худойим, азиз авлиёлар мени эҳтиёт қилишибди, беҳушлигимда булғаб қўйса бормиди, вой худойим!».

Гулнора ўнг томонга ағдарилиб юзини дарча томонга бурди. Нур дарча ёриқларидан кираётган экан. Анча тиккадан тушяпти. Демак, кун кўтарилиб қолибди. Ҳовлида товуқ қаққақлаётганга ўхшайди. Қимдир чарх йигиряпти шекилли, ғир-ғир овоз ҳам келяпти.

Қизнинг тургиси келди. Тураётиб бош томонда турган тугунчасига кўзи тушиб қолди. Ечиб титкилаб кўрди: ичига нимаики туккан бўлса ҳаммаси жойида, тегишмабди. Гулноранинг ич-ичидан бир хўрсиниш келиб вужудини қалтиратиб юборгандай бўлди. Тугунчани бағрига босиб йиғлашга тушди. Йиғи туфайлими, шуурсиз бир ҳолатга тушиб ўй-тасаввурларини бошқаролмай қолди. Аяси, даси, укалари бирин-кетин уёқ-буёққа чопқиллаб ўта бошлашди. Улим тўшагида ётган аяси кўз олдида узоқ туриб қолди. Томоғига гарғара келиб қолган, сўнги нафасини оляпти...

— Ке, Гулим, кела қол,— дейди бемор,— ёнимга ўтир, мен кетаяпман.

— Аяжон!

— Мендан рози бўл.

— Аяжоним!

— Қасалманд даданг қаровсиз қолмасин.

— Қетманг аяжоним!

— Укаларингга меҳрибон бўл, хўпми? Ҳамиша бағ-

рингда олиб юр. Ювиб-тараб оппоқ кийинтиргин. Гулим, бени эрамим, сенга қийин бўлади. Дадангга қара, укаларингни ўкситма. Мендан розимсан, розиман де!

— Аяжоним, меҳрибоним!

Гулнора чинқирганча ўрнидан туриб кетди. Овози ташқарига ҳам эшитилди шекилли, чарх йигириб ўтирган кампир, эшикнинг қулфини очиб ҳовлиқиб кириб келди. Қизни ўрнида кўрмагач, атрофга аланглай бошлади. Гулнора бир бурчакда тугунчасини бағрига босганча, шамолда қолган япроқдек титраб турарди.

— Хайрият, ўзингга келибсан,— деди кампир,— нақ юрагимни ёра ёздинг-а! Нега тик турибсан, ўтир қизим, ке, ўзим ётқизиб қўяй.

Чуваккина, оппоқ оқарган сийрак сочининг учига кафтдек ялпоқ тош осиб олган, бели букчайиб няги нақ ерга етай деб қолган бу кампир Гулнорага худди эртаклардаги ялмоғиздек бўлиб кўринди, қўрқиб кетди:

— Яқинимга келманг!

— Вой, она қизим, мени ўз онангдек бил. Бир нарса бўлиб қолмасин деб туни билан бошингда ўтириб чиқдим-а. Мен бўлмасам ана у оғзи қон бўри сени қону кушга булғаб кетарди, қўймадим. Вой, шўрим, иситмаси баланд, ҳушига келсин, нафсингни кейин қондирарсан деб оёғига ёпишиб олдим. Мендан қўрқма, қизим. Худо хоҳласа сени қутқараман. Бомдод намози пайтида руҳимдан ўтди. Авлиёлар: «Бахтсиз қизни қутқар. Қутқарсанг, ҳамма гуноҳинг ювлади», деб қулогимга шивирлагандек бўлди. Кўзимни очсам, ҳеч ким йўқ, руҳимдан ўтибди. Ке қизим, жойингга ёт, беқувватсан. Сенга атаб серпиёз қилиб қайноқ шўрва пиширдим.

Кампир худди эмаклагандек бир аҳволда ташқарига чиқиб кетди. Гулнора қайтиб ўрнига ўтирди. Кампирини ўйлади. Нега бундай деётганига тушунмади. Бир хаёли ҳозир эшик очик турган пайтда ташқарига чиқиб қочмоқчи ҳам бўлди. Лекин қаерда ўтирибди, қаёққа қочади, билмайди. Эҳтимол, навқарбоши ҳовлидадир. Ҳовлида бўлса, бир сакраб тутиб олади-ку! Йўқ, ҳозир қочиб бўлмайди. Лекин қочади, албатта қочади!

— Утирибсанми, бахтсиз қизим?— жавраб кириб кела бошлади кампир,— мана шўрвангни ҳам олиб келдим. Гўшти йўқ, деб кулмагин, тухум чақиб юборганман. Ташқарига чиққинг йўқми? Бўлмаса, ўраниб ол, терлайсан. Зора касалнинг тарқаса. Вой шўрим, кечаси билан алаҳлаб чиқдинг-а. Мана, мана бу чопонни елкангга ташлаб ол, йўқ дема! Ана энди, худо хоҳласа, терлайсан. Қай-

ноқ-қайноқ хўпла. Сен ичиб тургин, мен товуғимни ката-
гига киритиб келай, жўжа очувди боласини қийғир илиб
кетяпти. Кечаям иккитаси йўқ бўлиб қолди. Вой худойим-
ей, одам боласининг кушандаси бор десам, паррандага
ҳам кушанда яратиб қўйибди-я!

Гулнора кеча эрталабдан буён туз тотмаган, ҳаяжо-
нининг зўридан томоғидан ҳеч нарса ўтмаганди. Очиқиб
қолган экан. Бунинг устига пиёва шўрва қизалоқлик
пайтларини эслатиб юборди... Аяжони ҳаёт, дадаси соп-
па-соғ эди. Қорнида оласи бор, шоҳи йўқ — тўқол сигир-
лари бўлгучи эди. Ҳар баҳорда туғиб берар, ёзи билан
мана шунақа пиёва шўрва қилишар, айниқса, дадаси хуш
кўрарди уни. Икки марта куйдириб ичиб, охирида кўкси-
ни кенг очиб, бошини баланд кўтариб, оҳ-оҳ-оҳ аяси, шўр-
ва эмас асал бўпти, асал деб қўярди... Адажони эса энди
йўқ!

— Дадажоним! — Гулнорага яна йиғи келди. Йиғлай-
йиғлай шўрвани ҳам ичиб бўлди. Негадир шу пайтда мул-
ла Маҳмуд акасидан келган мактубларни ўқигиси келиб
қолди. Тугунчани энди ечаман деб турганди, яна кам-
пирнинг овози эшитилди:

— Биратўла чой ҳам қайнатиб келдим, мурч солиб
қайнатдим. Вой худойим-ей, бирам терлабсанки, ёт, дар-
ров ёт. Устингга тўшак ташлайман. Йўқ дема, жон қи-
зим. Мана янгигина тўшагим бор, ўлимлигимга деб тикиб
қўйганман, ётдингми... Вой, бирам чиройли экансанки,
юзингга энди боқиним, суф-суф кўз тегмасин. Гўзаллар
кўпинча бахтсиз бўлиб қолишади. Суф-суф, илойим се-
нинг бахтинг очилсин!

Кампир ҳеч сўзлашдан тўхтамасди. Сўзлай-сўзлай Гул-
норага мурчли чой ичирди. Бош томонига ўтириб пичир-
лаб, аллақандай дуоларни ўқиди-да, юзига фотиҳа тор-
ди. Қизга унинг ҳар бир сўзи қалбакидек, замирига ёмон
ният беркингандек туюла бошлаган, шу фикр мñasини
ҳеч тарк этмас «жавраб-жавраб бўриси келгунча мени
овунтирмоқчи», деб ўйлар эди.

— Мана шунақа гаплар, қизим, — яна гапга тушди
кампир, — аслида бу баттол менга набира бўлади. Яккаю
ёлғиз қизимдан қолган зурёд. Лекин уни ёмон кўраман,
отасига ўхшайди. Отаси қонхўр, қароқчи эди. Яккаю ёл-
ғиз қизимни шунақа урардики, мениям аямасди. Белимни
ўша майиб қилиб қўйган. Худоё гўрнингда тўнғиз қонгур-
нинг жазосини ўзи берди. Йўл тўсгани чиққанда ўлдириб,
ўлигини итга едиришди. Зокир етимча бўлса отасидан ҳам
ошиб тушди. Тўрт ёшигача бағримда олиб юрдим,

нақ адоий тамом қилди. Бир қарасам товуғим йўқ бўлиб қолади, бир қарасам сандиғимдаги тақинчоқларим гум бўлади. Қўй, ўғирлик қилма деб балон азимга қолдим. Ўлдираман деб болта олиб юурса бўладими! Олти яшар бола-я! Хў, отангга ўхшаб оғзингдан қонинг келгур, ҳайдаб юбордим... Ухлайсанми қизим, уйғоқмисан?.. Улиб кетгандир деб юрсам, ёмонга ўлим, яхшига юрим йўқ деганларидек, ўлмаган экан. Икки-уч йил бўлди, тагин келиб олди. Финг десанг бўғаман дейди. Оғзингдан қонинг келгур, ўғри мушукка ўхшаб нуқул кечаси юради. Қоп-қоп ўғирлик молларни ташлаб кетади. Бир кун қарасанг уй тўлиб кетган, бир кун қарасанг яна бўм-бўш бўлиб қолган. Худоё гўринг тўла илон билан чаён бўлгур, қанчадан-қанча жувоиларни қон қақшатди. Қанчадан-қанча қизларни чумчуқдек чирқиллатиб ифбатини тўкди...

Шу йил баҳорда яна биттасини ўлдирди. Шунга ҳеч чидалмаяпман. «Аяжон, мени қутқаринг», деб қанча ёлборувди-я! Уч кунлик келинчак экан, ўғирлаб келиб ўн кун хотин қилди. Кечасию кундузи ҳеч ёққа чиқмай бағрига босиб ётди. Кейин олиб бориб ташлаган экан, қиз шўрлик иснодга чидалмай ўзини сувга ташлаб ўлдирибди... Уйғоқмисан?

Гулнора уйғоқ эди. Вужуди ваҳима ичида қолганди. Ваҳиманинг зўриданми, кампирнинг сўзларида самимият, раҳмдиллик шундоққина уфуриб турганиданми, энди унга ишона бошлади. Ҳали: «Шум кампир, шумалоқ кампир», деб пинҳона бўлса ҳам ҳақоратлагани учун ўзидан уялгандек бўлди. Кўрпа остидан қўлини чиқариб кампирнинг кўсовдек қоп-қора, тарашадек қаттиқ қўлини кафтлари орасига олиб бошини қўйди.

— Қайси қишлоқдансан?— сўради кампир.

— Уйратдан.

— Вой, қўшини қишлоқдан экансан-ку, кимнинг қизисан?

— Дадамлар бандалик қилганлар.

— Вой, шўрим, онанг-чи, эҳтимол онангин танирман?

— У киши ҳам оламдан ўтганлар!

— Қўй қизим, хўрсинма. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Бу қонхўр бўрига қаёқдан ҳам йўлиқа қолдинг?

— Етимхонада эдим.

— Ноиб жанобларининг етимхонасидами?

— Ҳа.

— Вой оппоғим, вой бахтсиз қизим, йиғлама! Азиз авлиёларнинг хотинлари ҳам етим бўлган. Кейин бахтли бўлиб кетишган, сен ҳам худо хоҳласа бахт юлдузингни

топиб оласан. Менга қара, қизим, бу ноиб, жаноблари са-
гираларни тиззасига ўтқизиб олиб дилхушлик қилармуш,
шу ростми?

— Рост.

— Вой шўрим, ҳомиладор бўлиб қолганлари ҳам бор-
дир?

— Бор.

— Вой худойим, охир замон бўлмай кетсин-ей, эркак
зоти ҳаммаси шунақа экан-да! Нега буларни ер ютмайди?

— Қайдам.

— Ишқилиб сенинг гулингни ҳидлаб қўймаганмиди?

— Йўқ.

— Мен онангман, қизим, очиқ айтавер, уялма.

— Харамларига таклиф қилишганда мен касал эдим.

— Қирмадингми?

— Қирмадим.

Икки дил аста-секин бир-бирига пайванд бўлиб бор-
моқда эди. Қизнинг ҳам қулфи дили очилиб кетди. Бо-
шидан ўтганларини ҳаммасини сўзлаб бергиси келиб
қолди. Мулла Маҳмуд акаси ҳақида ҳам гапириб, тугун-
чадаги мактубларини ҳам олиб кўрсатди...

Қочиш ҳақида режа туза бошладилар. Қизнинг ноиб
жанобларининг етимхонасига қайтгиси йўқ. Икки дунёда
ҳам бормайди энди. Қариндошлари бўлмиш Усмонхўжа
отанинг уйига бориш ҳам хавфли, ноиб жаноблари қай-
тариб олиб кетади. Мулла Маҳмуд акасникига борса,
эл-юрт уят қилади. Кейин суюқлисини қиз ўғирлаганлик-
да айблаб, худо кўрсатмасин, қамаб қўйишлари ҳам мум-
кин. Қизга бирдан бир пушти паноҳ ҳозирча пиру мур-
шид Хон эшон ҳазратлари бўлишлари мумкин. Аввало
Эшон ҳазратлари покизаю покдомон бир киши. Қолабер-
са бу музофотда ноибга фақат шу киши бас кела олади-
лар. Кейин пиру муршиднинг кўп хайрли ишлари ҳам
овоза бўлиб кетган: тегирмончи қизини етмиш уч ёшли
чолга бераётганда, қиз қочиб бориб пири муршидинкидан
паноҳ тонган.

— Қани, тур энди қизим, — ўзи ҳам ўрнидан тура бош-
лади кампир, — кечгача қайтиб келишим керак. Ҳали айт-
дим-ку, у бўри кечаси келадн. Купдузи келиб қолса-я! Э
худойим, фалокатдан ўзинг асрагин. Қаёққа кетувдинг
деса, қизин боққа ёзилтиргани олиб чиқувдим, кўкрагим-
га бир уриб қочиб қолди, орқасдан қувлаб бориб дашт-
да сулайиб қолдим, дейман. Э парвардигор, мен ёлгончи-
ни ўзинг кечир!

Гулнора оёқ-қўлни ёзиб келиш учун ҳовлига чиқаётганди, остонадан ўтиши билан оёғи остидан ер кетиб, атроф гир айлангандек бўлди. Бир сония чамаси ўзини сезмай қолди. Хайрият, йиқилмади, деворни ушлаб қолди. Тик туриб атрофни кузата бошлади. Каталакдеккина ҳовли экан, икки-уч уй, охирида нураб ётган чўзиқ айвон, бор йўғи шу.

Бош айланиши, кўзининг тиниши ўтиб оёқларига дармон қўйилиб келаётганини сезгач, аста-секин боғ томонга ўта бошлади. Лекин боққа чиққач, қалбидаги ваҳима яна қўзғалди. Икки танобча келадиган майдон атрофига бир маҳаллар пастаккина девор урилган экан. Девордан ҳар жой, ҳар жойда туянинг ўркачидек нишона қолибди холос. Қари ўрикларнинг шохлари сувсизликдан қурий бошлаган. Боғнинг ташқариси эса поёнсиз дашт, чаңгалзор. Атрофда на бир қўққайган уй ва на бир туп дарахт кўринади. «Худди қароқчилар тунайдиган манзилга ўхшайди-я!» деб ўйлади-ю, Гулнора дарров орқасига қайтди. Қалбидаги қўрқув ҳисси кучайиб борарди. Назарида ҳозиргина кўрган манзараларида ҳам, кампирнинг хатти-ҳаракатларида, ҳеч адо бўлмайдиган сўзларида ҳам кишининг юрагини ваҳимага тўлдирадиган аллақандай сеҳр беркингандек эди.

— Бувижон, рухсат берсангиз, ўзим кетаверсам,— деди шошилиб қиз.

— Қаёққа кетасан, бахтсиз қизим?

— Ўзингиз пиру муршидникига борамиз дедингиз-ку!

— Вой чирогим, якка борсанг у киши қабул қилмайдилар. Мен қўл берганман, пирим бўладилар. Ҳар йили еттига товуқ бир халта мағиз элтиб бераман. Мағизни яхши кўрадилар, белларига қувват бўлармиш. Ма, паранжини ёпин! Вой-бўй, бирам ярашдики, худди ёш келинчакларга ўхшаб қолдинг-а. Ўзиям пошшоларга келин бўладиган ҳусну латофатнинг бор экан-да. Суф-суф-суф. Кўзим тегмасин! Қани кетдик, тез юр. Илойи овмин, азиз авлиёлар қўллаб сен етимчанинг ҳам бахтинг очилсин! Ҳой тўхта, огилхонада қўйим бор, бўйнидан арқонини ечиб қўяй, тагин мен келгунча бўғилиб қолмасин. Улсам худойимга сўйиншар деб боқаман-да, кейин эрмак ҳам бўлади. Хў жонивор, нега маърамайсан, ё қорнинг тўқми? Ана бўлди! Вой-вой, товугимнинг катагига илон кириб олибди-ку, жўжамни еб қўяди-я! Сен қизим, илондан қўрқасанми?

— Қўрқаман, бувижон!

— Унда сал нарироқ тур, косов билан туртсам чиқиб

кетади. Ҳу дангаса, сичқон тутиб есанг бўлмайди. Яна тилини чиқариб раҳимни келтиради-я. Жўжанинг гўшти юмшоқда-а? Тегма уларга, пиримга атаб боқяпман! Қани, қизим кетдик энди. Қўрқдингми? Вой тентагим-ей, илон одамнинг дўсти-ку. Сен тегмасанг, улар ҳеч қачон тегмайди. Кечалари қўйнимга кириб ётишади. Мени инсу жинсдан ўшалар эҳтиёт қилишади. Илондан қўрқиб бу ерга ҳар хил одамлар ҳам келавермайди. Яйилмада яккаю ёлғиз жияним бор, фақат ўшагина келиб туради. Улиб қолган бўлса, беҳабар қолмайлик деб, кунора хабар олиб туради. Олиб кетаман дейди, кўнмайман. Ахир, бу ўрикзорда, мана бу гувалаларда чолгинамнинг қўли бор-а, излари шундоққина кўриниб турибди-я! Қандоқ қилиб уни ташлаб кетаман. Чолгинамнинг арвоҳи ёлғиз қолади-ку? Кечалари мени кўргани келса, тополмай ўқинмайди. Йўқ, кетмайман.

Қизгинам, бир маҳаллар бу ер обод эди, гуркираб ётарди. Утган-кетганлар дам олиб чолгинамни дуо қилишарди. Мана энди ҳаммаси қуриди-қолди. Юр тезроқ, қизим. Эзмалик қилиб миянгни қоқиб қўлингга бергандирман? Нима қилай, ойда-йилда бир марта одам кўраман. Кўрсам мана шунақа сергап бўлиб қоламан. Вой, мушча атрофга алағлайсан, тезроқ юр деяпман. Тагин анови бўри орқамиздан келиб қолмасин... Лекин боладик, тўғрими қизим. Бу кеча у мени бўғиб қонимни нчса ҳам ажаб эмас. Ҳа, албатта ўлдиради мени! Лекин, чолгинамнинг кулбасида ўлсам армон қилмайман, ўзиям жуда соғиндим. Тезроқ олдига борсам дейман. Улганимни эшитсанг келиб йиғлагин, хўпми?

— Хўп,— деб қўяди Гулнора.

— Нима деб йиғлайсан?

— Билмадм.

— Онажоним деб йиғлагин.

— Хўп.

— Ҳалиги ўзинг кўрган туя саидиқда анча дока йиғиб қўйганман. Шулардан биттасини белнингга боғлаб ол. Орқамдан йиглаб қолиб ўлигимни гуллатадиган яккаю ёлғиз қизим бор эди, пешонамга сиғмади. Энди сен менга қиз бўлдинг. Йиғлайсан-а?

— Йиғлайман.

— Тобутимда қулоқ солиб ётаман-а. Йиғламасанг армонда кетаман. Тириклигимда кўрган зорлигим устига ўлигим ҳам хор бўлмасин. Йиғлайсан-а?

— Йиғлайман, тўйиб-тўйиб йиғлайман.

Ғаплаша-ғаплаша чағалзор ичига кириб борардилар.

ҚОЗИҚҚА БОҒЛАНГАН БЕМОРЛАР

«Қўргонча» деб аталадиган бу кўримсизгина қишлоқда аҳолиси зичроқ яшайдиган биргина кўча бор. Жазирама даштдан то Уйрат Пандигонгача аччиқ-ичакдек чўзилиб боради бу кўча. Пўлнинг ўртароғидаги бир-бирига қарама-қарши тушган баланд дарвозали қўрғонлар пири муршидга қарашли. Кун чиқар тарафдаги қўрғонда пирнинг ўзи истиқомат қилади. Қибла томондаги, атрофи етти пахсали девор билан ўралган баланд қўрғонда эса инсу жинслар зарар етказган хасталар даволанади. Хон Эшон ҳазратлари хасталарни мана шу ерда қабул қилади, ўқийди, куф-суфлаб дам солади, оғирроқларини олиб ҳам қолади ва демакки, инсу жинслар билан бўладиган жанг мана шу баланд қўрғон ичида кечади.

«Шум кампир» ёлғон сўзламаган экан, пири муршид икки ожизани яхши кутиб олди. Навбатлари етгунча қабулхонада узоқ ўтириб қолганларини ҳисобга олмаганда, жуда самимий, жуда очиқкўнгиллик билан қаршилаб кампирдан қандай яшаётганлиги ҳақида сўраб, агар ёлғизликдан қийналаётган бўлса, бу ерга келиб яшаши ҳам мумкинлигини эслатди. Гулнора қизнинг аччиқ қисмати ҳақидаги ҳикояни тинглаётиб:

— Бай-бай-бай!— деб оғир саллали бошини узоқ чайқади, сўнг кўзларини юмган кўйи узоқ сукутга кетдилар. Учовлари ҳам жим қолишди. Қиз хўрсинар, кампир овозсиз йиғлар, пири муршид тасбеҳ ўғирар эди. Бир маҳал кўзларини катта-катта очиб, Гулнорага бир тикилиб олди-ю, паст овоз билан гапира бошлади.

— Бу ожизани менинг ҳимоямга олиб келиб яхши қилибсиз, демакки азиз авлиёлар кўнгилнингизга солгани ростдир. Худойи таалло одам зотини улуг яратган. Аларга инсу жинслар ҳамла қиладими, қалбига шайтону лайин макон қурган ёвуз бандаси ҳамла қиладими, бари бир, аларни ҳимоя этмоқ яратган эгам ва пиру нусратларим олдидаги бурчимдир. Кампиршонинг кўнгиллари тўқ бўлсин. Бу қизимни охир замоннинг баднафс бўриларига талатиб қўймасман, ва иншоолло, шарии йўл билан ўз қариндошларига топширурман. Мендан ҳимоя сўраб келган бандаси, худо хоҳласа, ҳимоясиз қолмагай. Илтимос шуки, бу ҳаракатимиз ҳозирча пинҳон тутилгай. Маълум фурсат қизимнинг исмини ҳам ўзгартириб туруرمىз. Истинг нима эди?

Олпоқ паранжига бурканиб ўтирган Гулнораинг пичирлаган овози яхши эшитилмади. Хон Эшон ҳазратлари ўнг қулоғини ҳовучига олиб, қиз томон хиёл эгилдилар:

— Қаттиқроқ айт!

— Гулнора!

— Кўп яхши исм экан. Лекин уни ўзгартириб, Гулсим-биби қўямиз ва яна пандигонли ҳам эмассан, Ушдан келгансан. Қани, Ушдан келганман деб айт-чи?

— Ушдан келганман, Пирим,— такрорлади Гулнора.

— Энди кампиршо, ўзларига ҳам рухсат. Тезроқ кулбаларига етиб олсинлар. Илоий овмин, ҳар бандани мўминнинг имонини басаломат қилсин!

Кампир иккиланиброқ ўрнидан турди. Қизга синиқ бир назар ташлаб бошидан паранжисини ола бошлади. Пиримдан қочма, у энди сенга ота бўлди, деди-да, худди кимгадир аччиқ қилгандек, жадал юриб чиқиб кетди.

Хонага яна жимлик чўкди. Гулнора пастдаккина, зах ва даричаси ёпиқ бўлгани учун хийла қоронғи қабулхонанинг бир чеккасида увода тўшак устида, бошини ҳам қилганча ҳатто нафас чиқаргани ҳам қўрқаётгандек жим қотиб турарди. Пирим мушнд бўлса гўё қизни паққос унутиб юборгандек эди. Оғир саллали бошини қорни устига солиштириб тасбеҳ ўғирар, фикр сураар, фикрлари ҳам худди тасбеҳ доналаридек дум-думалоқ эди, ҳеч тутқич бермасди. «Бай-бай-бай, ҳусни латофатни қаранг, беҳишт қизларидек, ҳуру филмонлардек. Ҳай, нурдан йўғрилганми бу ожизанинг вужуди!— деб ўйларди,— йўқ, бу ҳусн унга бахт келтирмайди, бахтсиз бўлади. Не-не беклар ўртасида талашу, хунрезликларга сабабчи бўлади бу ҳусн. Кошки бу бекларда на инсоф, на диёнат бўлса. Биттаси Шакархонми, ғалаён кўтарганларни инсофга чақириб берасиз деб, каминани Риштону дилкушога алдаб олиб борган экан-да. Диндан қайтганларни йўлга солинг, дини исломиятга пушти паноҳ бўлган оқ пошшо ҳазратларига қарши бўлган аробакашларга панду насихат қилинг деб, менга маъруза айтириб, кетини муштлашишга улаб юборишни режалаб қўйган экан-да? Бандани мўминларни калтаклашга гўё мен фатво бердим. Ўзлари эса бир чеккада оппоқ бўлиб турдилар... Тўнғизнинг ёғини ялаган экан-ку, бу ноиб... Мана бу қиз-чи! Ахир, ўз қизинг эди-ку, қизликка олдим деб кафолат қоғозига бармоқ босувдинг-ку! Ўз қизининг ифратини тўкмоқчи бўлган кишини мусулмон деб бўладими! Йўқ, сен кофирсан! Бу гўзал хилқатин сен кофирга ҳам, қонхўр навкарбошингга ҳам бермаймиз. Йўқ, унинг чақалоқлигидаёқ фотиҳа қилинган йиғити

бор, фотиҳа — муҳри худо!.. Лекин гўзал, беҳад сулув экан. суф-суф, кўз тегмасин».

Пиру муршид шошилиб бошини кўтардию, бирон гап сўраб қолмасмиканлар дея мунгайнбгина қараб турган қизга боқиб, худди кўзига қуёш тушиб қамаштиргандек, нагоҳини олиб қочди.

— Исминг нима эди қизим?

— Гулсинбиби, — оҳиста деди Гулнора.

— Қимга бешик кетти эдинг?

— Мулла Маҳмуд акамларга.

— Қайси Мулла Маҳмуд?

— Уйратдаги.

— АР! — Хон Эшон ҳазратлари бир сапчиб тушди.

Тасбеҳнинг навбатдаги донаси бармоқлари орасида қотиб қолди. «У гирд кофир-ку, — газабли фикр ўта бошлади бошидан, — куфрона мактаб очиб болаларни кофир қилиб қўйишига оз қолувди-ку! Масжидга салла ўрнига қалпоқ кийиб борса ҳам бўлаверади деб ваъз айтди, мактабда дини-исломият ўрнига илми куфурни ўргатаман деб мен билан ёқалашган эди-ку!.. Лекин фотиҳа — муҳри худо. Уни ҳеч ким бузолмайди...»

Ташқари олатасир бўлиб кетди: кимдир югуриб ўтди, кимдир додлади. Отнинг кишнагани, бир йўла бир неча аёлнинг ваҳима ичида вой-войлагани эшитилди. Қабулхона эшиги шарақлаб очилиб, остонада ёши элликларга борган, жундор кўкраги паҳлавонларникидек кенг, гўлабир, серсоқол бир киши кўринди:

— Пирим, Бойқўзи қозигини юлиб кетди! — деди-ю, қандай шитоб билан кирган бўлса, яна шундай тезлик билан кўздан йўқ бўлди...

Пири муршиднинг умри руҳий хасталар орасида ўтиб борапти. Тузалганлари ҳам бор, ўлганлари ундан кўп. Ўлганларини худо ўзига азиз қилган бўлади, тузалиб кетганлари ҳазратнинг дуолари туфайли яратганнинг марҳаматига мустажаб бўлган бўлади. Ундай бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам ҳазратнинг обрўларига обрў қўшади. Нияти — бойлик орттириш эмас, очқаб қолаётган болачақаси ҳам йўқ. Пирлари ҳузурларида бўлганида, ўсмирлик палласидаёқ бичиб қўйишган. Дунёдан тоқ ўтиб борапти, нимаики қилса худо йўлига дейди. Инсу жинслар, деву алвастилар худонинг лаънатига учраган кўз илғамас маҳлуқотдирлар, деб ўйлади, лаънатга учраганлари учун ўзини бандаларидан олишади. Қимки худони унутса қалбига ана шу шайтони лайинлар ин қуради, бундайларга инсу жинслар тез зарар етказди, девлар ҳушла-

рини олиб қўяди. «Демак,— ҳукм чиқаради пиру муршид,— худони унутганларни динга қайтармоқ ва уларни инсу жинслар таъсиридан қутқармоқ менинг ҳақтаолло олдидаги бурчимдир...»

Пиру муршид Бойқўзи қозигини юлиб кетганини эшитиб сакраб ўрнидан турди-ю, кавушини оёққа илиб, ичкарига, оғир хасталар даволанаётган бўлимга қараб югурди. Бойқўзи чиндан ҳам қозигини юлиб, бўйнидаги занжирини шалдиратиб хаста аёллар хонасига кириб олибди. Ўзи ҳам паҳлавон йигит, қомати девларникидек. Хаста бир аёлни қучиб кўксидан тишлаб турибди. Гоҳ бошини кўтариб оёғи билан худди жангари отлардек ерни тараб кишнайдди, овози боқувда ётган отникидек гулдураб чиқарди. Аёл бўлса гарчи кўксидан қон оқаётган бўлса-да, қийқириб куляпти. Бошқа хасталар жимгина кузатиб туришибди. Эшон ҳазратлари югуриб бориб йигитнинг бўйнидан занжирни тортқилай бошлади, қайда, девқоматли йигит аёлнинг вужудига ёпишиб кетгандек, занжирни ташлаб йигитнинг кўксидан турткилаб кўрди. Йўқ, яна бўлмади!

— Бойқўзи, бўтам, бу менман, пирингман!

Йигит оёғи билан ер тараб, яна кишнади. Ҳаммаёқни гулдураган овозга тўлдириб юборди. Худди шу аснода пиру муршид икки қўлларини баробар узатиб йигитнинг томоғидан маҳкам сиқиб олдилар:

— Пирингман, менга қара, ана кўзларингда сариқ девлар сояси кўриняпти, ҳозир даф қиламан! Кўзимга қара, ё гаффор, ё саттор куф-суф! Ана чекиндилар, даф бўлдилар, куф-суф!

Девқоматли йигит худди улоқчи отдек огзидан кўпик сачратиб катта кўзларини хунук ўйнатиб, аста-секин орқага чекина бошлади. Хон эшон қўллари билан аллақандай ҳаракатлар қилиб таъқиб эта бошладилар:

— Ё гаффор, ё саттор, куф-суф!

Бамисоли мўъжиза юз бергандек бўлди. Йигит орқаси билан деворга суянганча ҳаракатсиз кўзларини бир нуқтага тикиб сувратдек қотиб қолди. Ҳазратлари занжирни ердан олиб, стаклаган эди, орқасидан жимгина эргашди. То айвондаги катта устунга бойлаб қўйгунарлича ҳам йигитнинг қотиб қолган кўзларида жон асорати сезилмади.

— Утир! — буюрди пири муршид.

Йигит шошилиб чордана қурди.

— Кўзингга девлар кўриндими?

Жавоб бўлмади, йигит ухлаб қолгандек эди.

— Қани калима ўғир-чи. Ло илоҳа иллоблоҳу де, айт!

Бойқўзи аста-секин жонлана бошлади. Аввалга ёш боладек хўрсиниб турди-да, сўнг шундай кучли овоз билан йиғладики, айвон бўғотидаги чумчуқлар гуриллаб учиб кетишди... Бойқўзи Абдурахмонбойнинг отбоқари эди. Отхонада шу касалга чалиниб қолди. Қўл-оёғини боғлаб бу ерга келтирганларича қанчадан-қанча кишиларни гажиб ташлади у. «Ҳаливери йиғиси тўхтамайди энди,— фикридан ўтказди Эшон ҳазратлари, аёллар хонасига қараб юрар эканлар,— ишқилиб куннинг иссиғида ҳаммасини тишлаб яра қилиб қўймаган бўлсин-да!

Аёллар хонасининг эшиги ҳовлининг ўртасида ётибди. Бойқўзи кўчириб ташлаган бўлса керак, хайрият хасталар чўқиб кетишмабди. Биттаси хонанинг қоқ ўртасида, зах ерда чўзилиб ётибди. Иккитаси бошқа бир аёлни ўртага олиб, сочларини ёзиб бит ахтаряпти. Худди бит топиб уни ўлдираётгандек тирноқларини бир-бирига уриштириб қирсиллатиб қўйишяпти. Ҳаммалари ҳам бошяланг, сочлари тўзғинан. Худди кечалари болаларнинг тушига кириб чиқадиган алвасти қиёфасига кириб олганлар. Бойқўзи тишлаган аёл хонанинг ўртасида тик турибди. Узун бўз кўйлагининг кўкрак томони йиртилган, йиртилган жойидан қон оқяпти. Қўлида дўппидеккина чилдирма, гардиш ичига тикилиб алланарсани ахтараётганга ўхшайди, бутун хаёли ўша ерда. Эшон ҳазратларига кўзи тушиши билан, негадир, жуда бахтли, жуда қувноқ аёлларга хос жарангли овоз билан хандон отиб кулиб юборди, тиззаларига уриб, эгилиб-эгилиб кула бошлади. Кейин тўсатдан чилдирмани боши узра кўтарди-да, чалиб ўйинга туша кетди.

— Дўмбоққина ўғлим бор,
Дилбаргина қизим бор.
Дўмбоқ ўғлим қайдасан?
Дилбар қизим, қайдасан?
Қоч ўғлим, сел келди!
Қоч қизим, сел келди!

Аёл жонқолатда ўзини уйнинг бурчагига урди. Лойдан ясалиб, башангина кийинтириб ҳам қўйилган икки қўғирчоқни олиб бағрига босди-да, хонани гир айланиб қоча бошлади:

— Қоч, ўғлим, сел келди!
Қоч, қизим, сел келди!..

Бева эди у. Бир амаллаб рўзғор тебратиб, бир ўғилу бир қизни катта қилаётганди. Сойда ўтин териб юришганда, бехосдан катта сел келиб қолиб икковиниям олиб кетди. На ўлиги топилди, на тириги. Аёл уч йилдан буён бағ-

рига қўғирчоқларни босиб, югуриб юрибди. «Бу кеча уни ўқийман, тонг отгунча ўқийман. Худо хоҳласа инсу жинслари даф бўлай деб қолди. Кузга бориб руҳи бутунлай покланади!» Шундай деб эшон ҳазратлари ташқарига чиқа бошлади. Бошқа хасталарни ҳам бир кўздан ўтказиб қўйиш ниятида Бойқўзи боғланган тарафга қараб кетди.

Гулнора қиз эса ўтиргандан ўтириб қолди. Ҳали тортинибми, хона деворларига кўз ташламаганди. Боқсанг қалбингга ваҳима қўйиладиган нарсалар осилган экан: эшакнинг тақаси, отнинг бир тутам ёли, дастаси синган жуволдиз, чинни косанинг синигидан ясалган аллақандай шакл, эчкинингми, қўйнингми бош суяги, шода-шода кўзмунчоқлар, ипга тизилган қалампир дастаси... ҳар бири алоҳида осилган. Лекин бирлашиб аллақандай сеҳрли, аллақандай ваҳимали бир манзара кашф қилар, бу манзара ичида шайтонлар ўйинга тушаётгандек, парилар малла сочини ёйиб ўтиргандек бир тасаввур ҳосил бўларди. Хонанинг тўрт тарафида, деворларга яқин бир жойда ажиналар ўйнаб тургандек, беҳи дарахтнинг қоп-қора томиридан бош бармоқдеккина қилиб ясалган ажиначаларнинг қўл-оёқлари узун, олайган кўзлари иргиб чиққан, ликонглаб сакраб туришибди. «Қўрқяпман, вой худойим қўрқиб кетяпман,— шивирлади Гулнора,— ажина ҳа, чинакам ажина! Вой шўрим, кирганимда булар йўқ эди-ку! Ҳаммаёқни қоплаб кетишди энди, вой, оёқларимдан дармон кетяпти...»

Хон эшон ҳазратлари жавраб кириб кела бошлади:

— Бетовфиқлар, худони унутганлар. Шунинг учун ҳам қалбларига инсу жинслар макон қурган буларнинг! Суф-суф, даф бўлинг!

Гулнора шоша-пиша ҳазратнинг юзларига боқди: шифтда ўйинга тушаётган шайтончалар энди у кишининг кўзлари ичига жо бўлгандек, қорачиғлари ичида ликонглаб ҳайинчак учишаётгандек. «Пиримнинг кўзларида ажина бор экан,— юраги ортига тортиб кетди қизнинг,— қўрқаман, қочаман, бугуноқ қочиб кетаман бу ердан!»

Хон эшон ҳазратлари қизга мўмингина назар ташладию: (бари бир кўзларида ажина бор эди) «Қуйинма қизим, худо хоҳласа, неки орзуинг бўлса ҳаммасига стказурман», деб қўйди. Сўнг хизматкор аёлни чақириб: «Ушдан келган бу қизимни ўз хонангга олиб ётар-тураридан, еяричаридан хабардор бўлиб тур», деб кўчанинг нариги юзидаги қўрғонга ўтказиб юборди.

ҚУЛЛАР МУШТГА ТУГИЛДИ

Абдурахмонбойнинг кенжа ва шунинг учун ҳам суюкли бўлган ўн саккиз ёшлп хотини Манзурахонимга атаб яқиндагина солинган бу иморат мевалари шигил ҳосилга кирган катта боғнинг ўртасида эди. Бу оқшом шу ерга йиғилишди. Катта сўрига юмшоққинна қилиб ҳозирланган ўринларда тўрт азамат ёнбошлаб ётишибди. Биқинларига қўйилган пар ёстиқлар юмшоқлигидан чиканаклари остида йўқ бўлиб кетай дейди. Тошфонуслар парпираб ёниб бутун боғни чароғон қилиб турибди. Дастурхон тўқини, воз-неъматлар мўллигидан бир-бирининг устига қалашиб кетган. Хизматкорлар олти ойлик қўзичоқни сўйиб ширбози тайёрлашган. Мис тоғорадаги қимизни тез-тез янгилаб келяптилар. Лекин на еганлари татийди, на ичганлари. Оқшом гузарда бўлиб ўтган ҳангома ҳаммаларининг дилига гулу солиб кетди. Ичаётган қимизлари, тишлаётган этлари бамисоли кўнгилларидаги ғашликни ўт олдириб, устидан мой қуяётгандек,— қорин тўйган билан ғашлик тарқамас экан.. Бу гаплар ноиб жанобларининг қулогига бориб етмайдими, етади! Абдурахмонбой, Мулла Зариф мингбоши, Кенжа элликбоши, Маҳсимча боққоллар гузарда большовойларга сотилган Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлининг пошшоликка қарши маърузасини тинглаб ўтиришган экан, эҳтимолки маърузани ўзлари ташкил қилган бўлса, деб айтишмайдими, бирига ўрни қўшиб айтишади. Тўрттовларининг ҳам қизиб турган бошидан худди ана шундай нохуш фикрлар ўтарди. Э худо, э парвардигор, ноибнинг қаҳридан ўзинг асра! Нега ҳам унга йўл қўйиб беришди, маъруза бошланиши билан кўкрагидан итариб қишлоқнинг чеккасига чиқариб қўйишлари ҳам мумкин эди-ку! Гафлат босибди, ҳа, гафлат! Мингбоши билан элликбошини лавозимидан олиб, бой жанобларининг белини пояни буккандек букиб қўядилар энди. Маҳсимча баққол жанобларига эса энди кун йўқ: Ширкат уюшмасига қўшган сармоясини куйдига чиқариб қўя қолади. Вой худойим, баққол жанобларини сармоясидан бенасиб қилгунча жонини олиб қўя қолсанг яхши эмасмиди! Ҳасан билан Ҳусан судхўрларни калла уриб ўлдиришга чақирди-я!. Лаблар чапиллар, миялар тинмай ишлар, юракдаги ваҳима эса кучайиб борар эди.

Нақдгина бўлиб қолган балодан қутулиш учун ҳар хил режаларни ўртага ташлашяпти. Лекин ҳеч бири мақбул

эмас. Абдурахмонбой бетоқатроқ. Сухбатни тезроқ якун-
лаб, тезроқ ёш хотинининг қўйнига киришга ошиқади.

— Менга қара, ўша ахборотномани қачон ёзмоқчи-
сан?— сўради мингбошидан.

— Ҳозир ёзиш керак,— шошилиб деди Мулла Зариф.

— Ҳозир?— бойнинг қуюқ қошлари норози чимирилди.

— Ҳа, ҳозир. Токи ноиб жаноблари ўринларидан тур-
гунча уни етказиб борайлик.

— Тезроқ ёз бўлмаса,— уҳ тортди бой жаноблари,—
тобим келишмайроқ турибди, ётиб дам олмақчиман.

Мулла Зариф чаққон йигит, хату саводи ҳам бинойи-
дек, ҳийла тажрибали ҳам. Икки пиёладан қимиз ичиб
улгурмасларидан ахборотномани ёзиб тугатди. Тош фо-
нуслардан бирини яқинроқ келтириб ўқий бошлади:

*«Риштони дилкушо музофотининг ҳокиму меҳрибони,
барча фуқаронинг пушти паноҳию халоскори, дин исло-
миятнинг ҳимоячисю ривожбардори, камбағалпарвару
етимпарвар, тадбирқору уддабурро ва яна барчамизга
тарбият бериб камолот осмонига кўтарган Шакархон ноиб
жанобларига. Ушбун аруз қилгувчи менким Пандигон да-
ҳасининг ҳокисор мингбошиси Мулла Зариф Мулла Асқар
ўғлидирман. Бу оқшом Уйрат Пандигон гузарида бўлиб
ўтмиш кўнгилсизлик туфайли бошимиз ҳам, қалбимиз тўла
ғуссадир. Жаноблари олдида гуноҳи азимга ботганимизни
ҳам аруз қиладурмиз. Авомни йўлдан уриб, бошавойлар
тарафига ағдармоқчи бўлган, мулкдору ҳокимларни ва
демакким, оқ пошшо ҳазрати олийларини ҳам тийиб, жи-
ловлаб қўймоқ керак деб, инқилобий оятлар ўқиб маъру-
за айтаётган инқилобчи Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлининг
фитнаи ғаразидан хабар топгач биз дарҳол гузарга етиб
бориб бузғунчиларни қуршовга олиш тадоригини кўра
бошладик ва шу аснода халоскоримиз пушти паноҳимиз-
нинг миршаблари бирла навкарбошилари ҳозир бўлиб
инқилобчиларни биздан олдинроқ ҳибсга олдилар. Мулла
Маҳмуд дини исломият душмани — жадиiddир. Бузрукхў-
жа тахту иқболимиз, ороми осойишталигимиз душмани —
бошавойдир. Аларни Сибирь қилдирмогингизни Панди-
гон фуқароси номидан сўраб қоладурмиз. Далили исбо-
ти — айтган маърузасидир. Маъруза баёни махсус қоғозга
битилиб ва юрт аъёнлари Кенжа элликбоши жаноблари,
Абдурахмонбой жаноблари, Маҳсимча баққол жаноблари
бармоқ босиб жанобларига махсус етказурмиз ва фуқаро
осойишталигини тикламоқ, ва фитнакорларни жазоламоқ,
ва мингбаъд бундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик
умедида бир талай чоралар белгилаганимизни жанобла-*

рига маълум қиладурмиз. Чунончим, большовоёй Бузрук-хўжанинг надали бузруквори Абдурахмонбой жонобларининг мулкида чорақордир. Жамики ер ҳам зироатлари индан тортиб олиниб очлик жазосига маҳкум қилинадурлар. Аразли томошалар кўрсатиб фуқаро қалбига қутқу солган қўғирчоқбозлар Ҳасан билан Ҳусан Умрзоқ қассоб ўғилларидан қўғирчоғу томоша ашёлари тортиб олиниб, ёқиб юбормоқни маслаҳат кўрдик. Большовоёй Бузрукхўжа фитнали маъруза айтганда жисми ҳам қалби билан у тарафда туриб ҳай баракаллачилик қилган Мақсуд қори, Мулла Сотволди, Мадумар карнайчи, Рустам батрак, Зулфиқор ўспиринларга қирқ тангадан жарима солишни режаладик.

Худоё бахтимизга ҳамшиша омон бўлгайсиз, облоҳу акбар! Бармоқ босдим камина қулингиз Мулла Зарифдурман».

Миягбоши нома ўқишни тугатиб бой жанобларига қаради. Абдурахмонбой кучли қимиз таъсирида кайфи ошиб, мўлан ёш хотинини бағрига олиб эркалаб ва ўзинча:

— Ҳўкиз хўпда семирар,
От бойловда семирар,
Қўй яйловда семирар,
Гўшт пичоқда семирар,
Қиз қучоқда семирар,

— деб бир маҳаллар ёд олган шеърини пичирлаб ўқиб ўтирганидан ахборотномани деярли эшитмади. Шундай бўлса ҳам:

— Маъқул,— дея бир қўзғалиб қўйдн,— ҳозироқ Риштонга жўна. Ноибнинг дарвозахоналари олдида пойлаб тур. Бомдод намозига чиқаётганларида қўлларига тутқаз. Бўлмаса ҳаммамиз хароб бўламиз. Энди қўзғалайлик... Мен жиндак чўзилмасам бўлмайди, иситмам бор. Омин, облоҳу акбар!

Бошқалари ҳам юзларига юмшоқ фотиҳа тортишди.

Худди шу пайтда аъёнлар юзларига фотиҳа тортиб, кимдандир ўч олмоқчидек қўлларини мушт қилиб ўринларидан тураётган бир дақиқада, тўлин ой Пандигон осмонини кундуздек ёритиб, оппоқ нурлар тўкаётган, боғлардаги булбуллар ишқ куйида маст бўлиб, чақчақлашиб оламни қўшиққа тўлдириб турган шу сеҳрли бир паллада, қишлоқнинг нариги чеккасида бошқа бир маслаҳат ҳам бўлмоқда эди. Кечагина туғилиб, бугун жон таслим қилай деб турган иккилоб қўмитасининг аъзолари Зулфи-

қорниғ ўрикзорига тўпланишиб маслаҳат устига маслаҳат қурмоқда эдилар. Оқшомғи ногаҳоний зарба ҳаммаларини довдиратиб қўйганидан ҳеч биридан дурустроқ бир маслаҳат чиқмаётгандек эди. Ораларида ёши улугғи, қолаверса қўмига раисининг муовини Мақсуд қори ҳисобланади. Бора-бора суҳбат жилови унинг қўлига ўта бошлади.

— Хўш, деб ёнида ўтирган ўспириннинг тиззасига бир уриб қўйди,— ёш бўлсанг ҳам балодаккина ақлинг бор. Айт-чи, ҳалиги жумбоқ масалдаги уч кишидан қай бирини суд қилиш керак? Бузрукхўжа аканг гапини поёнига етказолмай қолди. Уни биз етказмоғимиз даркор, тўғрими?

— Тўғри,— деб қўйди Зулфиқор.

— Хўш, учовидан қай бирини суд қилишимиз керак?

— Билмадим.

— Ана шунақа, укам, зарур маҳалда ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса билмайдиганга чиқиб қоламиз. Билмасанг биллиб қўй, омборига дону дунларини беркитиб, йўқсилнинг энг сўнги бурдасини тортиб олиш учун ёлғон гапирган бойни суд қилиш керак.

— У ўлди-ку!

— Аввал тирилтириб, кейин суд қиламиз-да, яна ўлимга ҳукм қиламиз. Тушундингми?

— Тушундим.

— Хўш, бу гапни ким айтди?

— Сиз.

— Йўқ, бу гапни Бузруквой айтмоқчи эди, айтолмай қолди. Абдурахмонбойлар, Маҳсимча баққоллар гўдақларимизнинг оғзидаги сўнги бурдани тортиб олмаяптиларми, олишяпти! Хўш, чайнаб турган понимизни олдирмаслик учун нима қилишимиз керак? Бирлашиш керак, билдингми? Хўш, бу гапни ким айтди?

— Бузрук акам айтган.

— Йўқ, буни Ленин айтган. Жамики батрақлар, қароллар, мардикорлар бирлашсин, деди. Бирлашиш нима эканлигини биласанми?

— Биламан.

— Йўқ билмайсан... Бир одамнинг тўртта ноаҳил ўғли бўлган экан. Ноаҳил бўлганлари учун бегона кишилардан калтак егани-еган экан. Отаси тўртта таёқ келтирибди-да, биттадан олиб тиззаларингга уриб синдиришлар-чи, дебди. Синдириб ташлашибди. Оталари яна тўрт таёқ келтириб ҳаммасини бир қилиб боғлабди-да, энди синдиришлар-чи, дебди. Синдиришолмабди. Ана шундан сўнг ака-

укалар бирлашиб кетпшган экан. Тушундингми, мулла Зулфиқор?

— Тушундим, амаки.

— Хўш, бу гапни ким айтди?

— Ленин айтган.

— Пўқ, буни мен айтяпман. Ҳа, укаларим, Пандигон йўқсилларини бирлаштириш учун Бузрукхўжа фотиҳа бериб кетди. Биз уни охирига етказишимиз зарур. Ҳасан бола, кечаси қаллиқ ўйнаганмисан дейман, мунча мудрайсан?

— Мудраганим йўқ, сукут қилипман.

— Қани бошингни кўтариб менга очингни айт-чи, Бузрукхўжа қамоқдан келгунча мен раисманми?

— Раиссиэ!

— Бўлмаса, укаларим, топшириқ бундай. Эртадан бошлаб Бузрукни қутқаришга уринамиз. Қўлимиздан келмаса Қўқонга бориб большевиклар қўмитасига хабар қиламиз. Уша ерда ўртоқлари кўп унинг, қутқаришади. Ундан кейин қўмитани кучайтириш учун ҳар биримиз учтадан аъзо топамиз, ишонарли жўраларимизни тарғиб қиламиз. Агар, хўб бўлса, қани муштарингни муштининг устига қўйинглар-чи. Ҳой, карнайчи, мунча имилдинг, бўла қол. Буёғи ўзи тонг отай деб қолди, ҳа баракалла! Хўш, Зулфиқор муштаримиз бирлашиб гурзидек бўлдимми?

— Бўлди.

— Абдурахмонбойнинг бошига урсак, ўладими?

— Худо хоҳласа, тил тортмай ўлади.

— Пандигон йўқсилларини ҳам ана шундай мушт қилиб бирлаштирамиз... Тонг отай деб қолди. Энди тарқалайлик. Зулфиқор, раҳматли даданг кўп яхши одам эди. Қўли очиқ, сахийликда унга тенг келадигани йўқ эди. Қовунни пишса олдини менга берарди! Хандалагинг банжийда бўлганга ўхшайди, қара, ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетяпти. Тўрттагина узиб чиқ. Мана бу уйқусираб турган акаларинг бир ҳузур қилишсин. Янгилик-да, савоби даданга тегади.

Зулфиқор хандалагини бозорга мўлжаллаб ўтирган эди. Шунинг учун:

— Урикка тўйдиларинг-ку! — деб қўйди.

— Э, қўйсанг-чи ука, — қўл силтаб ўрнидан туриб кетди Мадумар карнайчи, — ўригингни офтоб урган экан, ичимни гулдиратиб юборяпти.

Зулфиқор чор-пачор ўрнидан туриб тўртта банжийда хандалак олиб чиқди. Хандалакни ея туриб жўралар раҳ-



матли Ҳамроқул бобони яна эшлашди. Гўринг тўла нур бўлгур ўртоқларидан ҳеч нарсасини аямас, қовун сайилига келганларини обдон тўйғизиб, яна иккитадан бериб ҳам юборар экан. Зулфиқор дадасининг номини эшитгач, кўнгли бузилиб меҳри товландию, кетма-кет кириб этак-этак хандалак ўзиб чиқа бошлади.

XII

СУРОҚНИ НОИБНИНГ ЎЗИ ОЛИБ БОРМОҚЧИ

Кеча оқшом уларни банди қилиб олиб кетишган. Уша заҳотиёқ сўроққа тутмоқ мумкин эди, лекин қиз ўзи қочиб кетган бўлса, бу кеча қайтиб келар деган пинҳона бир умид бор эди, келмади. Ноиб туни билан ухлаёлмади. Ҳар гал мана шундай дилгир бўлган пайтларида қизлар етимхонасига бориб маишатга берилса, дарди ёзилиб, дили чароғон қайтарди. Еди, ичди, гўзалларни тиззасига ўтказиб ўйнади — йўқ бу гал дилгирлиги ҳеч тарқамади. Гулнора қизнинг маъсум боқишлари, ийманибгина чой узатишлари, совға олаётганидаги тортинибми, ийманибми, чиройли бошини ибо билан ерга эгиб туришлари... гул эди, нақ тонгда очилган атиргулнинг ўзгинаси эди!

Ноибнинг ичи бағри ёниб кетяпти. Шу атиргулдан ажралиб қолгани учунгина эмас, йўқ бошқа бир боиси ҳам бор, бу куйинишнинг. Шакархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди сиғди экан, унинг мулкига бостириб киришга, ва демак, шаънини оёқ ости қилишга қайси зот юрак ютди экан! Фақат қиз ўғирлангани йўқ, ноибнинг иззат-нафси ҳам ўғирланди, мана шунинг учун ҳам ёниб кетяпти у. Эрталаб мулла Зариф мингбоши ташлаб кетган ахборотномани қайта-қайта ўқиб чиққач қаршисида яна Бузрукхўжа намоён бўлди. «Уша қилган бу ишни,— дея қўлидаги қоғозни ёғимлай бошлади Шакархон,— қизни ўғирлаб кетиб ҳимояга муҳтожлик сезган йўқсилларни оёққа турғизмоқчи бўлган. Қўлга тушдинг, худо хоҳласа, Сибирга кетасан энди. Умрбод кетасан! Суякларинг музлар остида қолиб кетади. Ноибга қарши кўтарилган қўл синдирилиши керак, ёмон боққан кўз ўйиб олинishi керак. Ўйиб оламаи кўзларингни!»

Ҳокимликда жорий этилган тартибга кўра жиноятчи деб ҳибсга олинган шахсни аввал миршабхонада тергов қилишар, жинояти борлиги аниқланса, шу жиноятнинг катта-кичиклигига қараб жиноятчини жавобгарликка тортмоқ учун ё қозиликка, ё уезддаги мировой судьяларга ўтказишарди. Бундайларга, одатда Шакархон аралашмасди. Бу гал ўзи тергов қилмоқни ихтиёр қилдию, бошини кескин кўтариб саволга маҳтал бўлиб турган навкарбошига юзланди:

— Демак, қизни шу иккови ўғирлаган дейсанми?

— Худди шундай, жаноблари!— ўнг қўлини кўксига қўйди Зокир калла,— айтдим, яна айтаман, ўша куни маҳкаманингиздан чиқиб кета туриб яхшиликча бермасанг ёмонликча олиб кетамиз деётганларини ўз қулоғим билан эшитганман. Яна ўша оқшом соқчиларим икки шубҳали отликни етимхона атрофида кўрганлар.

— Бор, олиб кел буёққа!

— Икковларини ҳамми?

— Аввал Бузрукни олиб кел. Қалласи лиқиллаган муллаваачадан ҳеч нарса чиқмайди. Бузрук бошчилик қилган бу ишга.

Бузрукхўжа қўли орқасига қилиниб кишан урилган ҳолда кеча оқшомдан буён зах ҳам қоронғи хонада ётар экан, шу маърузам туфайли ҳибсга олдилар, демак, гузардаги йиғилишга фақат бизгина эмас, улар ҳам тайёргарлик кўришган экан-да. Ким сотди экан бизни? Мени сиёсий жиноятчига чиқариб Қўқонга жўнатсалар ҳам ажаб эмас, деб ўйлаётганди. Нонининг маҳкамасига кириб юзма-юз бўлгунча ҳам шу фикрда эди.

Шакархон анчагача унинг юзига қарамади, дуркун-дуркун қўзғалиб келаётган ғазабининг боса олмаётганлиги шундоққина кўришиб турарди. Мумкин қадар юмшоқ гапириб, ўғлим-ўғлим дея ўз томонига ағдаришга, қалбининг юмшатиб олгач, ана ундан кейингина гап очиб, ҳа майли, бўлари бўпти, ўзим ҳам бугун-эрта аравада жўнатиб юбораман, деб турувдим. Энди тўйини қачон қиламиз деб сўрашни режалай бошлади. Шу қарорга келгач, бошини кўтариб Бузрукхўжа билан нигоҳлари дуч келдию, йиғитнинг кўзидаги ўтдан вужуди яна куйиб кетгандек бўлди...— Гапир!— деди чақалоқникидек кичкина мушти билан остидаги кўрпачани уриб,— қизни қаерга беркитдинг?

— Гапингизга тушунмаяпман? — деб қўйди Бузрукхўжа.

— У, анқов бўп қоптилар-да?

— Жаноблари, очиқроқ гапирсалар.

— Энди қўшмачилик қилмоқчи бўпсанда-а?— Ноиб сакраб туриб Бузрукхўжа томон битта-битта босиб кела бошлади,— кунинг қиз ўғирлаб сотишга қопти-да, пасткаш! Елбориб пул сўровдинг, бермовдим, алам қипти-да. Гулнора қаерда?

— Сизнинг етимхонангизда-ку, у.

— Сен уни аввалги кун кечаси ўғирлагансан!

— Ўғирлагансан?!

— Ҳа, муттаҳам, сен ўғирлагансан, уни!

Бузрукхўжа бир дақиқагина довдираб турди. Хонадаги ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетгандек, кўз остини туман қоплаб кела бошлади. Туҳматга чидай олмасди у. Энтикиб кетди.

— Гапир, нега жим қолдинг!

Хайрият, довдираши ўтиб кетгандек бўлди. Фикри ёришиб кела бошлади. «Ўзлари атайлаб беркитишган,— деган фикр барқуриб ўтди бошидан,— мени бадном қилишмоқчи. Чақчайиб турган бу кўзларда ёвузлик, бор, фитна бор!».

— Мен ўғирлабманми?— бақириб юборди Бузрукхўжа.

— Ҳа, сен ўғирлагансан!— шундай деб олдида қиличини ўйнатиб турган навкарбоши Бузрукхўжа томон кела бошлади.— Кечаси отга ўнгариб қочгансан. Муллавачча отингни орқангдан қамчилаб борган.

— Елғон!

— Кўрганлар бор.

— Олиб кел ўшаларни, юзлаштир.

— Тонасанми номард!— оғзидан кўпик сачратиб қичқирди Зокир калла.

— Ўзинг номардсан. Эҳтимол қизни ўзинг ўғирлагандирсан!

— Чопиб ташлайман ҳозир!

— Риштонда энг катта ўғри сенинг ўзингсан!

— Мана сенга қиз ўғриси, мапа!— навкарбоши Бузрукхўжанинг юзларига қамчи тортиб юборди. Яна қўлини баланд кўтараётганди, ноиб «бас!» дея қичқирди. Учовлари тик турганларича, қисқа-қисқа нафас олиб бир-бирларига хўмрайиб қолишди. Нигоҳлари қаҳрли, бир-бирларини тириклайини еб қўйгудек бир алфозда эдилар. Ноиб қайтиб ўрнига ўтирди:

— Демак, бўйнингга олмайсанми, ўғри?

Жавоб қайтмади.

— Бари бир, тан олишга мажбур қиламан!

Бузрукхўжа тишларини гижирлатиб чуқур энтикди. Йўқ, нима десанг ҳам ўринсиз бу ерда, фикридан ўтди

унинг, ҳаммасини олдиндан тайёрлаб қўйишган. Ноиб қўли билан олиб чиқ дея ишора қилиб қўйдю, асабини босиш учун бўлса керак, бармоқларини сиқиб қисирлата бошлади. Мулла Маҳмуд кирганда у ўзини хийла тутиб олган, жимжалоғимга тенг келмайдиган йигитга ҳам жаҳл қилавераманми дея ўзини юпатиб ҳам ўтирган эди.

— Э, мулла йигит, сени ҳам қўлингга кишан урдиларми?— дея меҳрибон бир оҳангда сўради ноиб. Мулла Маҳмуд унинг қувлик қилаётганлигидан беҳабар, худди дадасига арз қилган ёш боладек ўпкаланиб:

— Қаранг бу золимларни!— деб қўйди.

— Ечиб ташла,— нега бундай қилдинг дегандек бир оҳангда деди ноиб. Мулла Маҳмуднинг қўли кишандан бўшагач яна қўшимча қилди,— бу йигитнинг қўлига ҳеч қачон кишан урманглар. Хўш, мулла, тўйни қачон қиламиз?

— Қайси тўйни?— шошилиб сўради Мулла Маҳмуд.

— Ахир сен ўғлим, Гулнора қизим, сен унинг қаллиғи бўласан-ку. Эсингдан чиқдимми, олиб кетмоқчи бўлиб келувдиларинг-ку?

— Ие, ҳа...— ғалати бир оҳангда деди мулла Маҳмуд.

— Хўш, тўйни қачон қиламиз?

— Энди бу сизга боғлиқ, жаноблари қачон десангиз бошлайверамиз. Ахир сиз унга ота бўласиз-ку, отанинг рухсатисиз тўй бўладими?

— Баракалла, ўғлим, эсли йигит экансан. Худо хоҳласа, ўзим тепасида туриб катта тўй қилиб бераман,— Шакархон қувлик беркинган кўзларини қисиб бир дақиқа жим қолди, — лекин андак гўрлик қилибсизлар-да. Ҳа майли, бўлар иш бўпти. Ҳозир қасрда турбди?

— Қимни сўраяпсиз?

— Гулнора қизимни айтяпман.

— У сизнинг етимхонангизда-ку?

— Қўй энди бунақа гапларни. Бугундан эътиборан биз ота-боламиз. Очиқчасига гаплашайлик, тўйни қачон қиламиз?

— Қачон десангиз.

— Гулнора қаерда?

— Айтдим-ку, етимхонада деб.

— Бузрукхўжа бўлса бошқа гапни айтди.

— Уртоғим нима деди?

— Мулла Маҳмуд иккимиз Гулнорани ўғирлаб кетишга мажбур бўлдик. Бермайман деганингизга шундай қил-

дик. Энди бўлар иш бўлса бўлди, бизни кечиринг, тавба қилдик деди-ку?

Мулла Маҳмуд ёқасини ушлаб секин ўрнидан тура бошлади:

— Ё тавба, Бузрук айтдимми шу гапларни?

— Мана, навкарбоши гувоҳ.

— Қачон ўғирлабмиз, ўзи?

— Аввалги кунни кечаси деяпти ўртоғинг.

— Ё тавба... аввалги кунни кечаси бизникида эдикку. Хеч ёққа чиққанамиз йўқ, улфатлар тўпланишиб ўтирган эдик.

— Улфатлар дедингми?

— Ҳа.

— Нега тўпланган эдиларинг?

— Қўмита тузмоқчи эдик.

— Қўмита?— ноиб жаноблари навкарбоши билан зимдан кўз уриштириб олди,— қанақа қўмита?

— Инқилоб қўмитаси.

— Ҳмм, жуда яхши қилибсизлар. Ўзи ҳамма жойда шунақа қўмиталар тузиляпти. Бири ошкор, бири яширин ишлаб турибди... Раисликка кимни сайладиларинг?

— Кимни бўларди, шу сизга ёлғон гапириб чиқиб кетган Бузрукни-да.

— Аъзолари-чи?

— А?.. Аъзолари?— Мулла Маҳмуд ғоят махфий тугилиши керак бўлган сирни кетма-кет ошкор қилиб қўяётганини тўсатдан сезиб қолди. У Гулноранинг ўғирланганини эшитгандаёқ довдираб қолганди. Кўз ўнгиди қизнинг суратию, фикри хаёллари қаёқдалигини ўзи ҳам сезмасди. Узига келгач, ишни расво қилдим деб ўйладию, оғзини ярим очганча анграйиб қолди.

— Нега жим қолдинг, гапир ўғлим?

— А?

— Аъзоликка кимлар сайланди деяпман?

— Нимага?

— Қўмитага, кимлар аъзо бўлди деяпман?

— Билмайман.

— Ҳозир айтаётувдинг-ку?

— Энди билмайман...

— Биласан, ўйлаб кўр, ўғлим.

— Нимани?

— Гулнора қаерда?

— Етимхонангизда.

— Уни ўғирлаб кетибсизлар-ку?

— Жаноблари мен, мен ўзимни ёмон сезяпман. Ҳушим ўзимда эмасдек.

— Зокир, ўзига келтириб қўй муллаваччани! — шундай деб Шакархон шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Навкарбоши «ҳушига келтириб қўйиш» қанақа бўлишини яхши биларди. Мулла Маҳмуднинг ёқасидан сиқиб туриб юзига уч-тўрт тарсаки туширди. Йигит чиндан ҳам ўзига келгандек бўлди. Кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Кулимсираб орқасига қайтган нонб иягини ушлаб турган Мулла Маҳмуднинг қаршисига тўхтади:

— Ҳўш куёв бола, қиз қаерда?

— Қасам ич десангиз, қасам ичаман. Лекин Гулнора-ни биз ўғирлаганимиз йўқ.

— Қани, қасам ич!

— Худо урсин!

— Яна.

— Қуръони шариф урсин!

— Яна.

— Нон урсин!

Нонб ҳузур қилиб қасам ичаётган Мулла Маҳмуднинг ёқасидан сиқиб ўзига тортди-да, худди жиркангандек яна нари итариб ташлади.

— Икковини ҳам қопга сол, иқроп бўлгунча қопнинг оғзини счма, — деб буюрди навкарбошисига.

ХIII

«ЙИГИТМИСАН, ЙИҒЛАМА»

Ҳўл қопга солиб қамчи билан бир печа бор савалашди. Бир печа бор ўзларидан кетиб қолишди. Кун ҳисобини ҳам йўқотиб қўйишган. Уч кун бўлдими, бир ҳафта бўлдими, билишмайди. Нонб ҳам навкарбоши ҳам кўринмай қолди. Темирбек сўраяпти. Қиз қаерда, айтасан, Инқилоб қўмитасига кимлар аъзо бўлган, айтасан. Савол шу, жавоб ҳам бир хил — билмаймиз. Кейин яна шу ерга, зиндонхонага олиб тушиб тўрт соқчи бирдан ёпишиб қопга солишгач, жимлик чўқади. Тўрттовларининг тап-тап қадам ташлаб зинадан юқорига кўтарилаётгани эшитилиб туради. Кимдир шошилиб тушиб келади. Ураётган ким бўлди экан, зарби қаттиқ, яна бир хил. Демак, ҳар кун

бир киши уряпти уларни, ким бўлди экан у? Вужудлар карахт бўла бошлайди. Оғриқ сезилмай қолади. Уйқуми аллами, нимадир ором бера бошлайди. Кўзларининг олд қоронғилашади-ю, шу қоронғулик ичида ўзлари ҳам йў бўлиб кетишади...

Бузрукхўжа аста-секин ўзига кела бошлади. Кўзин очиб анчагача лоқайд ётди. Зах ерда ёнма-ён чўзилишга экан. Мулла Маҳмуд ухляпти шекилли, бир меъёрда на фас оляпти. Отхона томондаги туйнукдан ёруғ тушиб турибди. Демак, кун чиқибди. Отларнинг кишнагани, дупури баралла эшитилляпти. Демак, ҳали уларни аравага қўшмаптилар... «Қамоқхонаси бор деб юрсам, зиндонхонаси ҳам бор экан-да,— ўйлайди Бузрукхўжа,— оббо ноиб ей, аҳтимол бунақа зиндондан бир нечадир, катта отхонанинг ости қат-қат зиндондир... Яна кимлар бор экан?..»

— Бузрук хў, хўжам,— чақирди Мулла Маҳмуд.

— Нима дейсан,— жўраси томон ўгирилди Бузрукхўжа.

— Уйғоқмисан?

— Ҳа.

— Бир ажойиб туш кўрибман, ўртоқ.

— Айт-чи.

— Тўхта, таҳорат қилиб олай.

— Сув йўқ-ку, кечаси ичиб қўйганман.

Мулла Маҳмуд кулимсиради.

— Нима бало, ичингга шоли экканмисан, ҳеч қолмадими?

— Бир қултумгина бўлса керак. Тушингни айтавер.

— Вой, шунақа бир тушки, дўстим, қани энди ўнгимда бўлса! Гулнора билан тўйимиз бўлаётган эмиш. Келин тушти қилиб олиб кетаётганмишмиз. Орқада ясатилган аравалар, энг ўртасида соябонига қип-қизил бахмаллар ёпилиб, кумуш қўнғироқчалар осилиб безатилган аравада Гулнора келяпти. Сен билан мен олдинда оқ от миниб бораётган эмишмиз. Ҳар отларки булутга сапчийди! Бошимда олтин жиға, устимда шаҳзодалар киядиган зарбо тўн, Мадумар карнайчи шогирдлари билан кумуш карнавалишаётган эмиш...

Мулла Маҳмуд хўрсиниб жим бўлди.

— Хўш, кейин нима бўлди?— қизиқиб қолди Бузрукхўжа.

Мулла Маҳмуд яна хўрсинди.

— Отдан йиқилиб тушдим. Ўрнимдан туриб қарасам от ҳам, Гулнора тушган ясоғлиқ арава ҳам йўқ... Унростдан ҳам ўзлари беркиншидимикан-а?

— Ноибнинг қўлидан ҳар иш келади,— деб қўйди Бузрукхўжа,— мақсади бизни бадном қилиш. Йўқ жиноятни бўйнимизга қўйиб Сибирга бадарга қиладию, Гулнора қочиб кетган экан, қайтиб келди деб яна безрайиб тураверади.

Мулла Маҳмуд бошини алам билан чайқади:

— Демак ёмон туш кўрибман-да?

— Унчалик эмас,— дўстининг кўнглини кўтарган бўлди Бузрукхўжа,— энг муҳими тушингнинг бошланиши яхши. Оқ отга минибсанми, демак муродингга етасан. Гулнорнинг билан қовушасан. Узим куёвжўранг бўламан. Еру кўкни гумбурлатиб карнай чалдирамиз... Лекин оқ от топининг иложи йўқ. Хўп десанг, Мадумар карнайчининг оқ эшшагига миндириб бораман.

Бузрукхўжа кулди, қотиб-қотиб кулди. Шу баҳона бўлиб ўрнидан турди-да, кўзани келтириб жўрасига узатди:

— Ма, озгина ичиб ол.

— Ис, суви тўла экан-ку?

— Атайлаб бермадим. Таҳоратга ишлатиб қўйсанг, кечгача нимани ичамиз. Хўп, гап бундай, тушинг яхши. Уни ҳақиқатга айлантириш учун ҳаракат қилиш керак, қочамиз!

— Яна бошладингми шу гапни?

— Уч хил режа тузиб қўйдим. Қулоқ сол. Нега юзингни ўгириб олдинг?

— Мен қочмайман.

— Ҳў ёруғ тушаётган туйнукчани кўряпсанми? Ушанинг атрофини кесиб катталаштирса бўлади. Теппаси отхона, кечаси отлар боғланганда қиламиз бу ишни. Нима билан кесамиз дейсанми? Кўзани синдириб сополдан арра ясаймиз.

Мулла Маҳмуд афтини ғалати бужмайтирди:

Сопол билан ёғочни кесиб бўлармикан?

— Бўлади, илгари кесиб кўрганман. Ё мен сенинг елкангга чиқиб арралайман, ё сен менинг бошимга чиқасан.

— Бир арава келасан-ку, мен сени қандай кўтараман?

— Бошқа режа ҳам бор. Ҳў, зинанинг теппасидаги қонқоқни кўраяпсанми? Ушанинг ошиқ-мошиғини кўчирса бўларкан. Фақат бунинг учун бир парча темир керак... Учинчи бир режани ҳам ўйлаб қўйдим. Буниси ҳаммасидан ҳам осону лекин қалтироқ. Биласанки ёзилгани ик-

ковимизни тенгдан олиб чиқишмайди. Аввал мен чиқиб
ҳожатхонанинг устидаги омонатгина турган шохларни
олиб ташлаб қочишга жой ҳозирлайман. Сўнг навбат сен
га келади. Сен ўрнидан туrolмайман, замбил олиб ке
линг деб хархаша қиласан. Шунда мен сени елкамда кў
тариб чиқишга розилик бераман. Ҳожатхонадан уёғ
ноибнинг бедахонаси, у ерда кўп бўлганман.

— Бу режаларнинг ҳаммаси ҳам яхши. Лекин мен
қочмайман. Қочсак, айбни бўйнимизга олган бўламиз. Гу
ноҳи бор эканки, жазодан қочибди, дейишади. Ундан ке
йин, жўра, сен ҳам менинг гапимга қулоқ сол. Ноиб жа
ноблари сен ўйлаганчалик аблаҳ одам эмас. Менга мак
таб ҳам очиб бермоқчи бўлиб турувди.

— Сен ундан ҳали ҳам марҳамат кутаяпсанми?

— Хўш, ҳаммага қилган марҳаматини нега энди менга
қилмас экан?

— Кўзингни оч, Маҳмуд, иккимизни Сибирга сургу
қилиш учун тайёргарлик қилишяпти. Бекорга қизни бер
китишгани йўқ. Бекорга пандигонли бойваччаларга туҳ
матдан иборат хатни ёздирмаганлар. Аъёнлар бармоқ бо
ган хатни сенга ўқиб беришмадимиз?

— Уқиб беришди.

— Хўш, ўша гапларнинг ҳаммаси рост дейсанми?

— Рост бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ҳокимларга қарши
маъруза айтдинг-ку, ахир!

— Маҳмуд, шуни билиб қўйки, қурбонликка қўй сўй
моқчи бўлганларида қўчқорнинг ориқ-семизини танлаб
ўтиришмайди. Номига қўчқор бўлса бас! Юртда кў
тарилиб келаётган ғалаёнларни бостириш учун сен
билан мен уларга жуда зарурмиз ҳозир. Қочамиз, га
шу!

— Бузрук, очиғини айтайми?

— Айт.

— Бугундан бошлаб йўлимиз бошқа.

— Нима?!

— Мана, сен большевиксан. Сенга қўшилиб нима обр
топдим, қўмитангга аъзо бўлиб нима наф кўрдим? Оқи
батин, мана қамоққа тушиб ўтирибман. Ўртоғимсан, шу
нинг учун очиғини айтаяпман. Гулнорани севаман, беҳа
севаман. Ердаминг тегармикан деб сенга ёндашган эдим.
Сиз большевиклар умуман хато қиляпсизлар. Оқ пошшо
ни тахтидан ағдариб бўлармикан, ҳокимларни қириб ту
гатиб бўлармикан? Йўқ, зўрликни тарғиб қилгандан кўр
оламларни маърифатли қилиш йўлини ахтариш керак

Маърифат дилларни мунаввар қилади, зулм дарахтини қуритиб, яхшиликка ривож беради! Гап шу, ўртоқ, йўлимиз бошқа! Уёғини суриштирсанг мен сендан кўпроқ ўқиганман. Кўпроқ биладан ҳам. Қочсанг ўзинг қочавер. Қўлимдан келганча ёрдамлашиб юбораман.

— Маҳмуд!

— Гап шу, жўра мен ноиб жанобларидан ёмонлик кўрмадим. Гулнора топилса, худо хоҳласа, ўзлари менга никоҳлаб берадилар.

— Овсар экансан!

— Ким овсар эканлигини вақт кўрсатади.

— Қароринг қатъийми?

— Қатъий!— ютиниб ёнидаги кўзачага қўл узата бошлади мулла Маҳмуд.

Бузрукхўжа тик турганча туриб қолди. Хаёлидан минг хил ўйлар ўтар, лекин, ҳеч бирини тутиб ололмасди. Фақат қулоғига ютоққан жўрасининг қулт-қулт сув ичаётгани эшитилиб турарди, холос. Қайтиб ўрнига борди-да, увадаси чиқиб кетган намхуш тўшакка ёнбошлаб олди. Тусатдан танида яна оғриқ бошлангандек бўлди. Қон томирлари лўқиллаб борлиғи куйиб кела бошлади. Сув ичди. Жўрасига бир оз хўмрайиб турди-да, тескари ўгирилиб олди. «Битта бу эмас, аравакашлар ҳам ғалаённи охирига етказа олмадилар-ку, демак, ҳаммалари ҳам аждарҳо комида! Дин, жаҳолат, золимлар зулми сеҳрлаб қўйган уларни. Ўзлигини англамайдиган, бу дунёга нима учун келдим, деб сўрамайдиган қилиб қўйган. Ғафлат қоронғисида ҳаммалари кўр бўлиб қолган!»

— Мулла Маҳмуд!— Бузрукхўжа жўраси томон ўгирилди,— ие, йиғлаяпсанми?

— Тегма,— кўз ёшларини қонга бўялган кўйлагининг энги билан артиб деди Мулла Маҳмуд,— ўпкам тўлиб кетяпти. Севардим, жондан ортиқ севардим уни. Аясини, дадасини, укаларини, ҳовлиларидаги қари тутларигача ҳаммаларини севардим. Болалигимда ноқ қалбимга кирган эди бу ишқ. Омаси касал ётганда табиблардан дори келтирдим, дадаси вафот этганда ўғлинигизман деб қабрига тупроқ тортгандим. Укаларини бағримга боссам тани жоним ййраб кетарди.

— Маҳмуд!

— Жим тур.

— Иигитмисан ўзи, йигит бўлсанг, йиғлама, уят бўлади! Ма, сувдан ичиб ол. Айтдим-ку, тирик бўлсам икковинини хўрлатиб қўймайман. Бу хўрлик фақат сенки

эмас, бутун Фарғонанинг хўрлиги бу. Хўрликларни тугат
магунча қўллар муштан ёзилмайди энди. Ма ич, ич деяп
ман!

Мулла Маҳмуд бўйинини чўзиб яна қултиллаиб су
ича бошлади.

Бўронли кечалар

III қисм



I

ҚАНОТЛИ МИШМИШЛАР

Пандигонда ҳаёт тўхтамайди. Гоҳ қувончли, гоҳ ғамгин тўлқин уриб фуқаро қалбига гоҳ шодлик, гоҳ ғусса ташлаб ўтади.

Тонг отади, қуёш чиқади. Эркаклар далага ошиқади, болалар мол ҳайдайди, аёллар тушликка уннайди. Кеч киради, ой чиқади. Эркаклар чойхонага жўнайди, болалар кампир бувиси ёнига ётиб эртак тинглайди. Оналар бешик қўлтиқлаб алла айтади:

— Суюклигим, полвоним, алла,
Дилимдаги армоним, алла.
Истиқболи порлоғим, алла,
Ширингинам, тойлоғим, алла.

Ҳаёт тўхтамайди. Қайсидир боғнинг хилват бурчагида севишганлар бир-бирининг бағрига кириб рози дил айтишади. Кимнингдир уйида варанглаб карнай янграйди. Кимдир ўлади, кимдир туғилади. Абдурахмонбой бойлигимга бойлик қўшсам дейди. Маҳсимча баққол пулимни қандай кўпайтирсам бўларкин деб бош қотиради. Уйрат Пандигон гузари гоҳ гавжум бўлиб, худди сайлгоҳдек бўлиб қолади. Гоҳ худди эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб, катта гузарда чўлоқ чойхоначининг якка ўзи қолади.

Баъзан чойхўрлар даврасида қанотли мишмишлар учиб, пасту баланд шивир-шивирларга сабаб бўлади:

— Эшитдингми?

— Нимани?

— Оқ пошшони тахтдан ағдаришибди.

— Ким ағдаради?!

— Ленин деган аллома.

— Аллома?

— Ҳа.

— Э, анови Бузрукхўжа айтиб юрган большевойларнинг каттаси ўша бўлмасин тағни! Айтдим-а, бу болада бир гап бор, деб.

— Э қўшни, буюғи яна чатоқ бўлибди.

- Хўш?
 - Уша Ленин деган алломага хиёнат қилишибди.
 - Ким хиёнат қилади?
 - Каримски деган ўртоғи бор экан. Уша пошшоликни қайтариб олиб, яна бойларга берибди.
 - Э, аттанг,— тиззасига уриб қўяди суҳбатдошлардан бири,— Ленин индамабдими?
 - Қўшин йиғишни ўринбосарларига топшириб ўзи замбарак олиб келиш учун Гирмонияга кетибди.
 - Оҳ, ўша замбаракдан биттасини бизга жўнатарми-ди, а?
 - Жўнатса нима қилардинг?
 - Абдурахмонбойнинг нақ қорнидан отардим-да.
 - Битта ўқ билан ўлмасов!
- Бошқа бир куни, чойхонанинг бошқа бир бурчагида яна босинқи суҳбат бошланади. Даврадагилар бутун вужудларини қулоққа айлантириб, нафасларини ичига ютиб жим турадилар.
- Қани, бой буво, суюнчини чиқараверсинлар.
 - Суюнчисига текин чой ичасан. Хўш, нима гап?
 - Тўхтанг, дафтаримни очиб олай, ҳаммасини ёзиб келганман.
 - Яна ваҳимали гапми?
 - Йўқ, худо хоҳласа бу гал хушхабар. Қўқонимизда биз ҳам пошшолик тузиб олдик.
 - А?
 - «Шўрои ислом», «Уломо» қўмиталари бирлашиб «Қўқон мухторияти» деган пошшолик туздилар. Мустафо Чўқаев тахтга ўтирди. Меҳди Чанишев деган генерал жамки қўшинларга қўмондон бўлди. Анвар қори тижорат нозирю, Ҳамид Муҳаммад ўғли адлия нозирю этиб тайинландилар.
 - Ҳамид чатоқ қип-қизил ўғри эди-ку?
 - Шунинг учун ҳам адлия нозирю бўлдилар-да.
 - Хайрият, кофирлардан қутулибмиз.
 - Чойхоначи, ҳў чўлоқ, бери кел! Ҳозир бориб бир қўй топиб кел, сўйдир. Тонг отгунча чойхўрларга зиёфат бер!
 - Хўп бўлади, бой буво!
 - Мадумар карнайчига одам юбор. Ака-ука қизнқчиларни топтириб келиб, ўйинга тушир. Тонг отгунча базм қиламиз. У чопар бола, ма, сенга беш танга, хотинингга попукли рўмол олиб бер.
- Уша оқшом Мадумар карнайчи келиб Пандигонни бошига кўтариб карнай чалдими, йўқми, ака-ука қўғирчоқ-

бозлару қизикчилар дўкон қуриб ўйин кўрсатдиларми — йўқми, буниси якка худога маълум. Эҳтимол, Мадумар карнайчи тўрт шогирдини ёнига олиб, томоғини мис қумғоннинг қорнидек шишириб, карнай чалиб еру кўкни зарбли оҳангларга тўлдиргандир. Эҳтимол, ака-укалар гоҳ қизикчилик қилиб, гоҳ ичак узилди аскиялар айтиб тўпланганларни хушнуд қилишгандир. Ундоқ бўлганда ҳам, бундоқ бўлганда ҳам Пандигоннинг феълидан ташқари эмас. Аммо эртасига бошқа бир даврада яна бир суҳбат давом этарди:

— Тўппа-тўғри Қўқондан келдингми?

— Ҳа дедим-ку.

— Қани, бўл тезроқ.

— Тўхта, бир пиёла чой ичиб олай.

— Пиёда келдингми?

— Пиёда келмай, нима. «Қўқон мухторияти» саман тойчоғини менга миңдириб юборармиди! Гап бундай, оғайнилар, Петербургдан тўппа-тўғри аллома Лениннинг олдидан унинг муовини Бабушкин келибди.

— Демак, большовойларнинг катта бувиси келибди-да?

— Нега ундай дейсан, овсар?

— Ахир ўзинг айтдинг-ку, бабушкаси деб.

— Бабушка эмас, Ба-буш-кин, унинг исми шунақа, билдингми?

— Шундай демайсанми?

— Бабушкин мард, ҳам тадбиркор экан. Якка ўзи ўрдага кириб қозоқ аскарларни большевиклар томонига ўтказибди.

— Бир ўзи-я?!

— Бир ўзи!

— Замбараклар нима бўлибди?

— Замбараклар ҳам большевиклар қўлига ўтибди. «Шўрон ислом» лашкарларини ўққа тутиш учун зўғотасини мойлашаётган эмиш.

— Менга қара, билдингми, Эргаш қўрбоши кимнинг томонини олаётган экан?

— Узини хон деб эълон қилибди у.

— Гапингга қараганда, ўртоқ ҳозир Қўқонда учта пошшолик бор экан-да?

— Бугун-эрта қирғин бошланадиганга ўхшайди.

— Бузрукхўжани кўрмадингми?

— Бабушкиннинг идорасида ишлаётган эмиш.

— Узини кўрддингми ахир?

— Йўқ, эшитдим...

Суҳбат охирига етмай қолади. Кўча тарафдан варанг-

лаб ўқ овозлари эшитилади. Отларнинг кишнагани, одамларнинг ваҳима ичида додлагани қулоққа чалинади. «Зокир қўрбошининг йигитлари», бақриб юборади чойхўрлардан бири. Бошқаси санчиб туриб ўртадаги чироқни ўчиради. Ким ўзини эшикка урган, ким даричадан сакраган, кимдир сўри остига кириб устига тўшак тортган...

Ташқарида эса чинакам шамол — тўполон бошланади. Худди оч бўридек увиллаб, дарахтларнинг яланғоч навдасига, томларнинг бўғотига урилиб, ҳуштаклар чалиб оламни ваҳимага тўлдириб бўрон кўтарилиб кела бошлайди.

Зимистон кўчаларга ҳеч ким чиқмай қўяди. Зулмат салтанатининг якка ҳокими Иблис чакалакзордан чиқиб, эснаб, керишади. Чойхона олдидаги якка чинор ёнига келиб:

— Ҳи-ҳи-ҳи,

— Ҳе, ҳе-ҳе.

— Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ! — деб қора соқолларини силкитиб кула бошлайди. Дашт кўчадан тушиб келаётган Армон бобо чинор тагига етганда елкасидаги оғир хуржинни ерга қўяди:

— Нега куляпсан Иблис?

— У, Армон чол, сен яна тирилдингми? — сўрайди Иблис.

— Мен ҳеч қачон ўлган эмасман.

— Кеча сени қабрга тиққан эдим-ку?

— Мен тирикларнинг қалбида яшайман, демак ҳеч қачон ўлмайман.

— Бугун ўласан, Армон чол.

— Йўқ, Иблис. Бу кеча белимда қувват, тапимда ғайрат сезяпман. Худо хоҳласа сени гўрга тиқаман. Қара, бўрон турди, унинг қудратли тўлқинлари ер юзидаги барча ёвузликни, барча разиллигу, барча қабоҳатни учириб кетади. Сен беркинадиган қоронғи бурчак қолмайди, ўласан!

— Ҳе, ҳе, ҳе!

— Кулма, Иблис.

— Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ!

— Кет бу ердан. Ўтган-кетганлар хунук афтингни кўриб қўрқади.

— Мен қоронғилик салтанатининг якка ҳукмдориман, ўзинг кет.

— Ҳозир бошингни ёраман!

— Армон чол, ке аввалги сафаргидек курашга тумамиз. Қим енгилса, ўша кетади.

— Чалиб йиқитасан, Иблис.
 — Чалмайман, Армон чол.
 — Қасам ич бўлмаса.
 — Барча шайтону иблислар ҳаққига қасам ичман.
 — Бошладик бўлмаса!— Армон бобо бу кеча ўзини бошқача сезяпти. Белида қувват, билагида куч, қалбида ғайрат жўш уриб тургандек. Икковлари бир-бирларининг белини маҳкам сиқиб оладилар.

Иблис шамолнинг увиллашига ўхшаш бир овоз билан қўшиқ айтаяпти:

— Мен Иблисман, Иблисман,
 Рангсиз, нурсиз беизман.
 Қора қалблар маконим,
 Ёвузларга чин дўстман.

Армон бобо ҳам қўшиқ бошлаб юборади:

— Мен Армонман, Армонман,
 Қалблардаги фиғонман.
 Армонлилар бирләшса,
 Ҳеч енгилмас полвонман.

II

ЧИРОҚЛАР ТОНГ ОТГУНЧА УЧМАДИ

Кечаги тадбир бугун эскириб қолаётгандек туюлади. Шу сабабли Шакархон кенгаш устига кенгаш чақиряпти. Энг муҳими ҳокимликни сақлаб қолиш. Бойликни эҳтиёт сақлаш. Тангри таоло инояти билан берилган ушбу салтанатда йўқсилларнинг бош кўтаришига йўл қўймаслик. Урусияда, Тошкентда, Қўқонда рўй бераётган воқеалар силсиласи Риштон ҳокимлигини ҳам силкитиб-силкитиб ташлаяпти. Аммо унинг биноси, гарчи тез-тез дарз кетиб турган бўлса ҳам, ҳали қулагани йўқ. Шакархон тирик экан, худо хоҳласа, қуламайди ҳам.

Бу оқшом яна кенгаш чақирилган. Даҳа мингбошилари элликбошилар, қозию қозикалонлар иштирок этишяпти. Маҳкаманинг фақат мажлислар кундагина очиладиган танобий хонаси зарбоб тўнли, симобий саллалиларга лифтўлган. Олти жойига қирқинчи фонар осилган. Хона кундуздек чароғон. Юзларидаги асабийлик, кўзларидаги пинҳоний ташвиш шундоққина кўриниб турибди. Қисқагина маърузадан сўнг Шакархон поиб кўлидаги мактубни ўқиб, боши узра баланд кўтарди:

— Қўқон мухториятидан!— деди-да, ўтирганларга би

бир назар ташлаб чиқа бошлади,— аввал ўқиб сўнгра тадбир белгиласак, маъқулми?

— Маъқул!— саллали бошлар бирдан эгилди.

Шакархон кичкина жуссасига ярашмайдиган йўғон овоз билан ўқий бошлади:

«Мусулмонобод Қўқон музофотининг барча шаҳар ва бўлис ҳокимлари, миршабхона нозирлари ва барча қозию қозикалонларига! Тангри таолонинг инояти бирла Шўрои ислом — Қўқон мухторияти барпо этилганлиги барчангизга муборак бўлғай. Дини имонимиз таянчи мусулмон ҳукуматики ғайри динлардан эҳтиёт сақламоқ мусулмон бандасининг обло таоло олдидаги бурчи — масъулдир. Хиёнат туфайли Қўқон Урдаси кофирлар қўлига ўтди. Уни қайтариб олмоқ учун ҳар бир шаҳар ва бўлис ҳокими ўз йигитлари билан дарҳол етиб келмоғи шартдир.

Ва яна фармон берурмиз:

Жойларда махфий иш кўраётган ва хусусан большевиклар тарафида бўлган жамики қўмиталар ер билан яксон қилиб ташлансин. Облоҳу акбар.

Мустафо ЧУҚАЕВ,

«Туркистон мухторияти» бош нозирининг муовини».

Мактубни ўқиб бўлгач, ноиб жаноблари ўтирганларга яна бир-бир назар ташлади: ҳаммаси сукутда, саллали бошлар нақ тиззагача эгилиб тушган.

— Миршабхона нозир Темирбек!— кескин бпр овозда деди ноиб,— номани эшитдингизми?

— Эшитдим, жаноблари.

— Хўш, қандай тадбир кўряпсиз?

— Большавойлар номидан тарғиб олиб бораётганларни аниқладим. Эллик уч нафар экан.

— Ҳаммасини қамоққа олинг.

— Қуллуқ, жаноблари.

— Музофотда нечта инқилоб қўмитаси иш кўряпти?

— Еттита.

— Қачон тугатасиз?

— Тўрт миршаб билан уларни тугата олмайман шекилли.

— Сабаб?

— Бемаза қовуннинг уруғи кўп деганларидек, кун сайин кўпайиб боряптилар.

— Зокирбек!— деярли қичқириб юборди Шакархон ноиб.

Зокирбек дик этиб ўрнидан турди:

— Лавозимигиз ўзгарганини биласизми?

— Биламан, жаноблари. Мен Риштон музофотнинг бош қўрбошиси бўламан.

— Нега менинг миршабларимга ёрдам бермаяпсиз? Уч миршаб аввалги куни Пандигондан калтак еб қайтдилар. Хабарингиз борми?

— Рухсат берсангиз, эртагаёқ Пандигоннинг кулини кўкка совураман.

— Пандигоннинг кулини кўкка совурманг. Қўмитани тугатинг. Бузрукхўжани тириклайин тутиб келинг.

— Хўп бўлади, жаноблари!

Шакархон ноиб тобеларига бирма-бир топшириқ бериб, силкиниб турган салтанат иморатини мустаҳкамлаш учун тадбирлар кўраётган бир паллада, ёмғир шивалаб, совуқ шамол эсиб турган шу қоронғи куз оқшомида салтанатнинг яна бир устунини мен кўтариб турибман дея ўзига қаттиқ ишонган Хон Эшон ҳазратлари ҳам бедор эди.

Ҳаво тобора совуб бораётгани учун хасталар совуқ қотиб қолмасин дея бир хилларига пахталик кийим-бош улашди. Бир хилларига увадаси қалинроқ кўрпа берди. Ётмаганларини худо ўзи эҳтиёт қилсин деб, чин юракдан дуо қилди. Ҳар галгидек хуфтон намозини уйда, якка ўзи ўқиб юзига фотиҳа тортгач, бошини солиштирганча сукутга кетди. «Худоё банди мўминларининг дини имонини ба-саломат қилгин,— шивирлай бошлади лаблари,— бандасининг қалбидан имон кетса, бундай қалбга инсу жинсларин қурурлар. Биринини, бири овсар, бирининг хаёли паришон бўлиб қолурки, қайтадан аларнинг ёдига худони солмоқ мушкул бўлур. Фарғонада ғайри динлар кўпайиб боряпти. Диндан озган большевойлар ҳар одимда учрайди. Буларни дин йўлига қайтармоқ даркор. Қайтмаганларга, пирим тўғри айтадилар, ғазовот эълон қилмоқ керак, ғазоват!!»

Хон Эшон ҳазратлари худди фикрларини биров эшитиб қолаётгандек, бошларини кўтариб атрофга аланг-жаламг кўз ташлаб олдилар. Ҳеч ким йўқ, милтиллаб ёнаётган шам ёруғида якка ўтирибдилар. Намозгар пайтида Қўқондан чопар келиб нома ташлаб кетганди. Уқигандилар. Яна кўнгиллари ўқимоққа мойил бўлиб қолди. Шам томон сурилиб, хиёл энгашиб олдилар.

«Дини — исломиятнинг пушти паноҳи, Фарғона мусулмонларининг пири комили, пандигонли Хон эшон ҳазратларига!»

Бад аз калом шунчи маълум қилмоқни ҳақ таоло кўнглимизга солибдурким, аввало «Шўрои ислом»ни ҳам лашкар, ҳам аслаҳа, ҳам озуқа, ҳам ақча бирла таъмин этмоқ ҳар бир мусулмон учун фарзи қиёматдир. Аммо Исломият салтанатига большевойлар таҳдид солмоқдалар, эл ўртасига лак-лак тарғиботчилар жўнатиб мусулмонларни диндан қайтариши пайиға тушмоқдалар. Бисмиллоҳу раҳмону раҳим дейиши ўрнига пролетарлар бирлашингиз деган оятни ёд олдирмоқдаларким, бу гуноҳи азимни фақат қон билан ювмоқ даркордир. Жанобларининг эл ўртасида нуфузлари баланд, обрўлари бағоятдир. Муридларни газавотга, имони басаломатларни ҳурриятга қўзғамоқ пайтидур. Зеро, Муҳаммад алайҳимсаломнинг яшил байроқларини баланд кўтарсангиз, диндан чиққанларни жазолаб ҳазрат Али Шери худодек кофирларга қирон солсангиз.

Аввалги номага жавоб бўлмади. Икковига баробар жавоб кўтурмиз:

Илоё омин, «Шўрои ислом» рақибларига қирон келсин, илоё омин, кофирлар ер билан яксон бўлсин. Худо ҳақ, расул барҳақ. Бармоқ босдим — Наим Қудрат эшон».

Хон Эшон ҳазратлари номани ўқиб бўлгач, ўпиб яна тавоф қилдилар. Кўзлари чақнаб юзлари ёришиб кетгандек бўлди. Қалбларида қувонч, ифтихор туйғуларни мавж ура бошлади. Наим Қудрат эшондек буюк бир ҳазрат муборақ кўлларни билан нома битадилару, қувонмай бўладими! «Лекин газаватга ҳали эртароқ,— кўнглидан ўтди пири муршидининг,— хурриятини бошламоқ пайтидир. Бузрукхўжани, Мулла Маҳмудини, мардикордан қайтган чўлоқ кофирини сазойи қилдирурмен...»

— Мулла Қобул!— деб овоз берди Эшон ҳазратлари.

— Лаббай,— деган овоз эшитилди эшик орқасидан.

— Бери келинг.

Остонада елкаси кенг, серсоқол Мулла Қобул кўринди.

— Ёмғир қаттиқ ёғаётирми? Хасталар совуқ қотиб қолмасмикинлар?

— Баъзи хоналарга танча қурсамми деб турибман, пирим.

— Яхши ўйлабсиз, Мулла Қобул. Сизга топшириқ бундай: ёмғир насайиши билан қишлоқлар оралаб юрини, муриди ихлосмандларимиздан эллик нафарини бу ерга чорланг. Бамдод намозигача етиб келинлар. Эртага, худди хоҳласа, ҳуррият бошлаймиз.

Хон Эшон ҳазратлари савобли ишга чоғланиб: «Иншоолло, иншоолло», дея соқолларини силаб-силаб қўяётган чоқда, Уйрат Пандигон инқилоб қўмитаси идорасида ҳали маслаҳат поёнига етмаган, демак, ҳали чироқ ҳам ўчмаганди.

Аъзолар бирин-кетин йиғила бошладилар. Бузрукхўжа, Сотволди чоракор, Мақсуд қори, Рустам бобо, Ҳасанбой билан Ҳусанбой, Мадумар карнайчи, Зулфиқор... боринги, ташқаридаги икки соқчинини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўн бир киши бирин-кетин намхуш кигизга чордана қурдилар.

Зулфиқор алоқачи эди. Қўқон большевиклар қўмитаси, беркиниб юриб атрофдаги қишлоқларда тарғибот олиб бораётган Бузрукхўжа ва ниҳоят, мана шу ним қоронғи хонага жамланганларни бир-бирига боғлаб, бирининг гапини иккинчисига етказиб юрган қора кўз, қора қош бу йигитча ҳозир ҳаммаларни учун ғоят муҳим хабар келтирган.

Бузрукхўжа гарчи қўмита раисига муовин бўлса ҳам мажлисни кўпинча ўзи бошқаради. Бу гал ҳам гапни биринчи бўлиб ўзи бошлади:

— Хўш, Мулла Зулфиқор, қани, бир бошдан гапир-чи.

Пойгароқда чордана қурган йигитча шошилиб ўрнидан тураркан қиз болаларникидек узун киприкларини ўйлатиб:

— Ҳаммасиними?— деб сўради.

— Ҳаммасини.

— Тонг пайтидаёқ Дегризлик гузарига етиб олган эдим. Чорсуга бир амаллаб бордим, лекин уёғига ўтиб бўлмади. «Ғишткўприк»дан буёғи қўрбошилар қўлида экан. Сал қолди отимни олдириб қўйишимга. Терак мазор гузари орқали вокзалга от қўйдим. Отимни бир танишимникида қолдирдим-да, Розенбах кўчасини ахтариб кетдим— инқилоб қўмитаси Хитойбойнинг ҳовлисида экан. Соқчилар шунақа кўпки, дарвозасига яқинлашиб бўлмади. Биттасини нари суриб ўтмоқчи бўлувдим:

— Чего?— деб кўкрагимдан итарди. Мен ҳам:

— Чего?— дедим. Соқчи:

— Пошол!— деган эди, мен ҳам:

— Пошол!— дедим. Соқчи милтигини ўқталаётган эди, хайрият, шу пайтда Рустам бобомга ўхшатиб ихчамгина салла ўраган бир йигит ичкаридан чиқиб қолиб: «Нима гап», деб сўради. Мен Пандигон қўмитасидан мактуб келтирдим дедим. Саллалари йигит мактубни олиб ичкари киб кетди. Милтиқли соқчи:

— Вот так, — деди. Мен ҳам: — Вот так, — дедим. Шу пайт ичкаридан бир ўрис чиқиб:

— За мной, — деди. Мен ҳам:

— За мной, — деб орқасидан эргашдим. Энг ичкаридаги хонага бошлади. Уйнинг тўрида бошига соябони узун шапка кийган, калтагина соқолни мусулмон фишдек тўртбурчак қилиб тарашлатиб олган, ўрмалаб кетаётган қўнғиздек кичкинагина мўйловли бир ўрис ўтирган экан. Тўсатдан ўзбекчалаб «Пандигон қайси бўлисга қарайди?» деб сўраб қолса бўладими!

— Риштон бўлисига, — дедим шоша-пиша.

— Деҳқонларнинг кайфияти қалай? — яна сўради ўрис.

— Яхши, — дедим мен.

— Мана бу мактубни қўмитага топширасан, — деди ўрис. Мактубни олиб чўнтагимга солаётган эдим, шу пайт варанглаб милтиқ овози эшитилиб қолди. Уйнинг тўрт томони ойна экан, часир-чусир қилиб сина бошлади. Ҳалиги мен бошлаб кирган ўрис «Беги!» деди. Мен ҳам «беги!» дедим-да, кўчага қараб югурдим... Хайрият, отим яхши дам олган экан. Миндиму, Мингтут орқали буёққа чоптирдим.

Мақсуд қори ҳикоя тинглаб, қўлидаги носқовоғни силаб-сийпалаб жим ўтирарди. Зулфиқор гапини тугатиши билан:

— Демак, Қўқонда аҳвол чатоқ экан-да? — деб сўради.

— Война бўляпти! — деб қўйди Зулфиқор.

Мақсуд қори яна жим бўлиб носқовоғни силай бошлади. Бузрукхўжа Қўқондан келган мактубни ҳалидан буён икки бора ўқиди. Қўмита раисига ҳам ўқиб берди. Лекин чордана қуриб, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ сукутга кетиб ўтирганлар ҳали уни эшитмаган, эшитганларидан кейин бамаслаҳат бир қарорга келишлари керак. Бузрукхўжа чироқни яқинроққа қўйишларини сўради-да, негадир паст, жуда ҳам паст овози билан ўқий бошлади.

ҲОЯТ МАҲФИИ

«Жойларда ташкил бўлаётган камбағал ва Инқилоб қўмиталарининг раислари, жамики аъзоларига!

Петербургда Инқилоб ғалаба қозонди. Шўролар ҳукумати Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар қўлига ўтди. Аммо чет элдан мадад олаётган оқ гвардиячи унсурлар инқилоб самараларини йўққа чиқариши учун жойларда қўзғалонлар уюштирмоқда, фитна-

лар ташкил қилмоқда. «Қўқон мухторияти» ва эсерлар билан бирлашиб олган «Уломо» ташкилоти ҳам ана шу фитнанинг давомидир.

Инқилоб номидан буюраман:

а) Жойлардаги Камбагаллар қўмитаси зудлик билан Инқилоб қўмитасига айлантирилсин ва инқилоб берадиган барча ҳуқуқ, имтиёзлардан тўлиқ фойдалансин.

б) Инқилоб қўмиталари қошида кўнгилли дружиналар ташкил этилсин ва ошиғич қуроллантирилсин!

Қўқон Инқилоб қўмитасининг ҳаёти хавф остида. Шунини ҳисобга олиб яна буюраман:

Ташкил бўлган дружиналарнинг бир қисми қуролланган ҳолда зудлик билан Қўқон Инқилоб қўмитаси ихтиёрига эсунатилсин.

Бизнинг ишимиз ҳақ.

Биз енгамиз.

Е. А. БАБУШКИН,

Қўқон Инқилоб қўмитасининг раиси».

Бузрукхўжа хат ўқишни тугатиб жим қолди. Ўзи аллақачон бир қарорга келган, қилиниши керак бўлган режаларни ҳам фикридан ўтказиб қўйган. Шундай бўлса ҳам жўраларидан фикр эшитмоқчи. Мақсуд қори, номи ранс бўлгани учун, ҳадеб носқовоқ ўйнаб жим ўтираверишни эп кўрмади шекилли:

— Лекин бир жиҳатдан Инқилоб қўмитаси деганлари ҳам маъқул бўпти,— дея гап бошлади,— ҳадеб «камбагал», «камбагал» деяверса ҳам одамнинг руҳи тушиб кетар экан. Инқилоб деган сўзнинг салобати ҳам бошқачароқ. Нима дединг, Мадумар?

Мадумар карнайчи бир қўзғалиб олди-ю, мийиғида кулиб:

— Мен бошқа нарсани ўйлаб ўтирибман,— деди.

— Нимани ўйлаяпсан?

— Бабушкин аскар сўрапти. Агар карнайчи сўраганда ўзим борардим.

— Карнайчи сўрайдиган пайтлар ҳам келиб қолар.

Суҳбатнинг давоми аскияга қараб кетаётганлигини Бузрукхўжа сезиб турарди. Агар яна бир дақиқа кутса, кейин уларни тонг отгунча тўхтатиб бўлмайди. Ҳамюртларининг феълни яхши билганидан суҳбат жиловини яна қўлига олиб:

— Рустам бобо,— дея ҳалидан буён тўрда раиснинг ёнида ўтириб бармоқлари билан соқолини оҳиста-оҳиста тараётган, ялпоқ юзли, қисик кўз чолга мурожаат қилди.— Хўш, нима қилдик, отряд жўнатамизми?

— Дарахтнинг танасига болта урса шохи силкинади,—

шошмасдан деди чол,— танимиз кетса биз шохчалар ҳам дарров қурйимиз. Танани ҳимоя қилиш керак, ўзинг борасан!

— Менми?

— Ҳа, мерган йигитлардан тўрт-бештасини олиб, дарров жўна.

— Бор-йўғи бешта милтиқ бор,— гапга аралашди Мақсуд қорн,— Бузрукхўжа уларни олиб кетса, мен қўмитаини босмачилардан қандай ҳимоя қиламан?

— Қўрқма, сен ҳам қуруқ қолаётганинг йўқ. Иккита қилич, ўн тўртта ойболта бор,— Рустам бобо маслаҳат сўраганлари учун ўзини дадил сезиб, сўраб янглишмаганларини исботлаш мақсадида кетма-кет ақлли гаплар айта бошлади,— ундан кейин, Қори мана худога шукур, қўмитаининг саккиз Пандигонда саксонга аъзоси бор. Демак, саксон паншаҳа кўтарган йигит ҳам ҳимоянда турибди. Мерганларга Бузрук бош бўлиб боргани яхши. Бошқаси борса довдираб қолади. Лекин милтиқ отаётганда бисмилло деб отинглар. Негаки, бебисмилло ишнинг хосияти бўлмайди.

Кўпчилиكنинг фикри бир жойдан чиқди. Беш қуролли йигитга бош бўлиб Бузрукхўжа шу кечаёқ Кўқонга жўнайдиган бўлди. Кўқонга бориши керак бўлган икки йигит ташқарида пойлоқчиликда эди, қолганларига одам юборишди. Бир чой дамлам фурсат ўтар-ўтмас ҳаммалари жамул жам бўлишди. Кутилмаганда хонада кулги кўтарилиб қолди. Жўралар бир-бирларини имлаб Рустам бобонинг катта ўглини кўрсатишар, унга боққан киши ҳам шерикларига қўшилиб хахолаб кулиб юборар, хона ичи қувноқ қаҳқаҳага тўлиб борар эди. Рустам бобонинг катта ўгли дадаси ҳам кулаётганини кўриб, мендан олдин қизикроқ бир гап бўлган бўлса керак, қўшилмаслик одобсизлик бўлади-ку, деб охири у ҳам қаҳқаҳага қўшилиб кетди. Худди от кишнагандек қилиб гулдураб кула бошлади. Кула-кула нима сабабдандир пастга энгашган эди, оёғига кўзи тушдию, суви қуриган тегирмондек тўсатдан жим бўлиб қолди. Қоронгида янглишиб хотинининг атлас иштонини кийиб келган экан, жўралари ана шунга кулишаётган эканлар. Энгашганча ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Мадумар карнайчи орқасидан қичқириб қолди:

— Она қизим, ўсма сиқадиған пидёланғи ҳам олиб чиқ. Қошларингни чиройли қилиб безаб қўяман. Эргаш қўрбошининг йигитларини бир куйдирасан!

АЙРИЛИҚДА ҲЕЧ БАНДАСИ БАХТЛИ БУЛМАЙДИ

Ҳалимаҳон Усмонхўжа ота хонадонига ойдек келин бўлиб тушди. Отинбиби аянинг айтишинча хонадон худди қуёш чиққандек чароғон бўлиб кетди. Эшон ота уни «қутлуғ қадам» дея суя бошлади. Тўй тараддусини кўраётганларида Бузрукхўжа қамоқхонадан қутулиб чиқди. Тўйдан сал кун ўтгач Инқилоб бўлиб гузарда карнай чалинди. Бир парчагина бўлса ҳам Сулаймонхўжага ер тегди. Катта келинлари кўчқордек ўғил туғиб берди. Абдурахмонбой қарзингнинг ярмини кечдим деб рўзгор анжомларини ташлаб кетди. Эшон ота буларнинг ҳаммаси шу келинимнинг пойи қадами туфайли бўляпти деб ҳисоблаб, уни қўйгани жой тополмайди, еру кўкка ишонмайди.

Отинбиби ая келини саранжом-саришталигина бўлгани учун бир ой ўтар-ўтмас қозон-товоқни унга топшириб қўйди. Ҳалимаҳон хатли-саводли эди. Гоҳ мавлоно Навоийнинг, гоҳ Ҳофиз Шерозийнинг баёзларидан ўқиб хонадоннинг тунини чароғон қилиб турарди. Зиёда ая келинининг қиёфасида ўзининг ёшлиги такрорланганини кўриб қувончи ичига сиғмасди. Узлари Эшон ота билан саодатли умр кечирганларидек, суюкли ўғли Бузруккиnasi ҳам шу қора қош, қора кўз, дилбар келини билан бахтли умр кечиришларига ишонганидан, уни ўзгача бир меҳр билан суяр, тўю маъракаларга бирга олиб юрар, «келиним мулло Мусо халифанинг қизлари бўлади» деб мақтанар, фахрланар эди. Ҳалимаҳон ҳам бу хонадонга тушганидан хурсанд. Меҳрибон қайна бувиси, донишманд қайнотаси, дилбаргина овсини, ердан ўсиб чиққандек ердан бошқасини эркаламайдиган камгап қайни оғаси борлигидан мамнун эди. Лекин бахт тугал бўлса татиркан. Бахтлиман деб айтишинг учун сенга бахт берган севikli кишининг қайноқ нафасини туюб ҳам туришинг керак экан. Фақат ўша билангина бахтли бўлишингни, фақат ўша учунгина бу дунёда яшаб турганингни била туриб, у ёнингда бўлмаса, бахтинг ҳам татимас экан. Ажабо бахтли эканлигингни фақат ўзинг ҳис қилсангу, сени бахтиёр қилаётган кимсага сездира олмасанг, лаззати бўлмас экан...

Тўй ҳам яширинча ўтгандек бўлди. Ушандан буён суюклиси онда-сонда бир кўринади холос. Худди тушида кўргандек бўлади уни. Шакархон ноибнинг хуфиялари сезиб қолмасин деб, гоҳо ҳафталаб келмайди. Инқилобдан

сўнг эса яна ҳам ишлари кўпайиб кетгандек бўлди. Муртазин деган ошноси билан топишиб олиб гоҳ Ултармага, гоҳ Қўқонга, гоҳ ундан ҳам нарига ўтиб кетишади. Қишлоқларга варақа тарқатишармиш, таргибот қилишармиш. Демак, у уники эмас, Инқилобга тегишли, варақаларга тегишли у!. Қизлик маҳалида янги тушган келинларни куёвлари қўғирчоқдек ясашиб, соябонли араваларга солиб сайлгоҳларга олиб борганини кўрса, эрга тегсам мен ҳам шундай қилдираман, деб орзу қиларди. Дадаси, Мулло Мусо бобо катта деҳқон эди. Кунбўйи даладан бери келмасди. Онаси Ўринбиби ая тушлик олиб борарди. Икковлари марзага ўтириб олиб мириқиб сўхбатлашар, дадаси овқатинг хўп ширин бўлибди-да, деб мақтаса, аясининг юзлари нурланиб кетар эди. Бир чеккада тўп тош ўйнаб ўтирган қизалоқ Ҳалимаҳон эрга тегсам мен ҳам шунақа ширин-ширин таомлар пишириб келаман деб кўнглидан ўтказарди. Акаси Полвонбой келинойисини гоҳо Риштон бозорига олиб бориб дўкон айлантирар, ҳар хил тақинчоқлар олиб берар, қийиқ-қийиқ ширинликлар харид қилишарди. Адашиб қолмайин дея келинойисининг қўлидан ушлаб юрган қизалоқ: «Эрга тегсам мен ҳам ана шу дўконларга бошлаб келиб хоҳлаган нарсамни олдираман. Йўқ деса келинойимга ўхшаб аразлаб туриб оламан», дея кўнглидан ўтказарди. Орзулари қат-қат эди унинг... У бўлса ҳозир қаерлардадир варақа тарқатиб юрибди.

Гоҳо Ҳалимаҳон эрининг бўйнига маҳкам осилиб олади:

— Энди ҳеч ёққа жўнатмайман.

— Ундай дема, Ҳалимам,— дейди эри суюб.

— Йўқ, йўқ, йўқ!

— Мен уйда ўтирсам, Инқилобга ким хизмат қилади?

— Шунча хизмат қилганингиз ҳам етар.

— Ундай дема, Ҳалимам. Қуёш чиқишини орзу қилгандик, мана чиқди, энди унинг нурларини қоронғи хонадонларга олиб кирайлик.

— Назаримда, кимдир сизни отиб қўяётгандек, ноиб жаноблари қайтадан қамоққа ташлаётгандек. Ёмон-ёмон тушлар кўраман, юрагим тўла ваҳима... Уртоғингиз қанақа одам ўзи? Ростини айтсам, ўша кишидан хавотирдаман, кўзи галатироқ.

— Э Ҳалимам, сен уни билмас экансан. Инқилоб учун туғилган йигитлардан у, мурд, жасур. Чинакам ленинчи большевик у. Йўқ, сен ундан хавфсизрама. Аксинча, ўша-

нинг тадбирлари туфайли мен омон юрибман. Бўлмаса Шакархон мени аллақачон яна қамаб қўйган бўларди...

Лекин қизиқ, шу Комил аканинг кўзида ғалати бир нигоҳ бор. Биринчи бор кўрган киши уни ё хонн, ё жосус деб ўйлайди. Ана у кунн Оқ ерда, чойхонада ўтирувдик. Эски ошналаримдан бири мени чеккага имлаб қулоғимга: «Шеригингдан эҳтиёт бўл, кўзи бежо, тутиб бермасин тагин», деди. Ҳа, унинг кўзи шунақароқ. Бир умр қувғинда юрган. Одамларга зимдан боқавериб, кўзи мана шунақа ўғри кўз бўлиб қолган. Лекин ўзи асл йигит. Қани энди мен ҳам ўшанақа бўла олсам.

— Лекин, бари бир энди сизни жўнатмаймиз.

— Йўқ, Ҳалима, энди бу йўлдан қайтишим қийин. Ленин Инқилоб қилишдан кўра уни сақлаб қолиш мушкулроқ деяпти.

— Унда мени ҳам ўзингиз билан олиб кетасиз.

— Паранжи ёпинтириб, а?

— Бўлмасам-чи.

— Демак, инқилобчи бўлмоқчиман дегин?

— Бўламан.

Бузрукхўжа кулади, хандон отиб кулади. Кулгусида аллақандай ёқимли, эркаловчи бир оҳанг бор. Хона ичи шу оҳанглар билан лиммо-лим тўлиб кетади. Ҳалимахон уни узоқ кулишини истайди. Аммо у тўсатдан жим бўлиб, юзу кўзларига ўйчанлик қўнади. Шу заҳотиёқ бу ифода қувончгами, ғурургами ўхшаган бошқа бир ифода билан алмашади. Чўзиқдан келган буғдойранг юзлари, мунчоқдек қол-қора кўзлари ёниб кетади:

— Чиндан ҳам ёрдамлашасанми?

— Ердамлашаман.

— Бўлмаса, Ҳалима, мана шу варақани кўпайтириш керак!

— Кўчириб ёзайми?

— Оқ қогозга ёзасан.

— Қанча кўчириш керак?

— Қанчага кучинг етса шунча. Сени, мени бутун Фарғонани озодликка олиб чиқиш йўллари кўрсатилган бу ерда. Лениннинг табаррук сўзлари бу. Кўчирасанми?

— Кўчираман...

Ташқарида от кишнагандек бўлади, кимдир кўча эшикни қоқа бошлайди. У югуриб чиқиб кетади. Қайсидир қишлоқда қўмита биносига ўт қўйишган эмиш, бормаса бўлмас экан. Отга мингаштириб олиб кетишади. Уша кеча қайтмайди. Эртасига ҳам, индинисига ҳам дараги бўлмай.

ди унинг. Варақани бошқа биров олиб кетади, олиб кетгани тез-тез келиб туради...

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғяпти, шамол қўзғалиб қолди. Кеч куз бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳали ичкарига киришган эмас. Катта айвоннинг олдини жўхори пояси билан қалин тўсиб шу ерга танча қуришган. Овсини чақалоғини олиб ичкари кириб кетди. Сулаймонхўжа, Зиёда ая, Эшон ота тўрттовлари шу ерда ўтириб Қўмита мажлисига чиқиб кетган Бузрукхўжани кутишяпти. Суҳбат пайсаини бориб охири мудроқ зўр келдию, бошларини танчанинг қирғоғига қўйганча бирин-кетин уйқуга кета бошладилар. Қора чироқнинг пилиги тугаб қолди шекилли, у ҳам ўчиб қолди. «Ишқилиб ўша ердан бирор ёққа яна олиб кетишмасин-да!— мудроқ аралаш ўйлай бошлайди Ҳалимахон,— кийин-бошлари ҳам кир-чиргина эди, кундузи алмаштириб қўйсам бўлар экан-а...»

Кўча эшик шарақлаб очилди. Уша, ҳа, ўшанинг ўзи! Фақат угина, дадаларига ўхшаб эшикнинг икки табақасини бараварига шарақлатиб очади. Ҳаммалари бирдан бошларига кўтаришди.

— Бузрукмисан?— сўради Эшон ота.

— Менман, дада,— қувноқ овоз келди ташқаридан.

Сулаймонхўжа ичкаридан фонус олиб чиқди. Қулфини-со қора чироқнинг пилигини янгилади. Қўш чироқ айвонни чароғон қилиб юборди. Ҳалимахон ҳам товоқни кўтариб ошни суза бошлади. Бузрукхўжа онасининг ёнига ўтира туриб ўчоқ бошига кўз ташлади:

— Ия, ҳалиям емадиларингми?

Эшон ота енгилгина кулди:

— Раиси аъзамнинг келишларини кутяпмиз-да!

Сулаймонхўжа омборхонадан кўзача олиб чиқди.

— Сени бир меҳмон қилай деб, асраб юрувдим.

— Мусалласми?— сўради Бузрукхўжа. Сўнг шошапиша қўшимча қилди,— дадамнинг олдида-я?

Аёллар бараварига Эшон отага қарашди. Хонадон бошлиғи мийиғида кулиб қўйди:

— Менга ҳам берсаларинг индамайман.

— Вой ўлай,— деди гўшт тўғраётган Отинбиби ая, эрталаб намозга чиқасиз-а.

— Намозга халақит бермайдиган қилиб пчаман. Қуй, тўлдириброқ қуй.

Анор донасидек қип-қизил мусалласдан эркаклар сопол косани тўлғизиб-тўлғизиб смирив олдилар.

— Лекин яхши стилибди,— лабини кафти билан арта туриб деди Бузрукхўжа,— ўзинг чиқардингми?

— Яна ичасанми?

— Қуй, бўлари бўлди энди. Дада, сиз-чи?

— Ичгим бору, аянгдан қўрқаман-да.

Босинқи кулги кўтарилди. Ҳалимахон ҳалидан буён эрининг нигоҳини пойлаётган эди, дуч келгач, лабларини нозли буриб «сиз ҳам ичманг, ичсангиз нақ ўлдираман-а!» дегандек бир ишора қилиб қўйди.

Ака-укалар яна ичишди. Ошни жимгина ея бошладилар. Совуган, узоқ туриб қолганидан ланж ҳам бўлиб қолган экан. Ҳалимахон буни сезиб турарди, шундай бўлса ҳам Эшон ота уни мақташга тушди: «Паловмисан палов бўлибди-да, баракалла қизим! Кексайганинда сал юмшоқроғини хоҳлаб қоларкансан. Умрингдан барака топ...» Гаплашадиган гаплари, сўрайдиган сўроқлари кўп. Лекин ўша муҳим гапни бошлашга ҳеч бири ботина олмайди. Отинбиби ая соғинтириб келган ўғлидан кўзини узмас, нуқул унинг олдига гўшт суриб қўяр, катта-катта ол, деб имлар эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқишди. Эшон ота гап бошлади:

— Хўш, раиси аъзам, тишчликми, Қўмитада узоқ қолиб кетдинг?

— Қўқондан мактуб келган экан,— шундай деб Бузрукхўжа, негадир, онасига қаради,— уруш бошланадиганга ўхшайди.

— Ҳойнаҳой, сени ҳам чақирришгандир?— йиғламсирагандек бир оҳангда сўради Отинбиби ая.

Бузрукхўжа қовоғини уюб олди:

— Чақирришмаганда ҳам боришим шарт эди.

Аёллар ваҳима ичида бир-бирларига қараб туришарди. Отинбиби аянинг кўзларида гилқиллаб ёш айланиб қолди. Ҳамма гап энди хонадон бошлиғида. Бор деса боради, борма деса қолиши ҳам мумкин. «Илоё борма десин-да, илоё рухсат бермасин-да», дея аёллар мўлтиллашиб туришибди.

— Аввало муштлашмаслик керак,— ўзига-ўзи гапиргандек деди Эшон ота,— муштлашгандан кейин қаттиқроқ муштлашиш керак. Қачон жўнайсан?

— Ҳозир, ташқарида кутиб туришибди. Дада, оқ фотиҳа беринг. Мен турай.

Ўғлининг урушга кетаётганини эшитиб қайси онанинг бағри эзилмайди. Зиёда ая хўнграб ўрнидан туриб кетди.

— Дада, фотиҳа қилинг деяпман, кутиб қолишди.

— Майли, кутишсин ўғлим. Биз ҳам сени соғинганмиз. Бир нафас ўтир, дийдорингга тўйиб олайлик. Урушга кетяпман дегин?

— Дада!

— Йўл олдидан сенга икки оғиз гап айтаман,— Эшон отанинг овози қалтираб чиқа бошлади. Қалбига ғусса қуйилган эди унинг. Зипёда ая дилидаги қайғусини кўзёши билан чиқаради. Эшон ота ҳикмат айтади. Ҳикмат айтиб ҳам ўзини, ҳам ўзгаларни юпатади. Айтмаса бўлмайди, қалби қонга тўлади,— даданг сифатида икки оғизгина на-сиҳат қилмоқчиман, қулоқ сол, ўғлим. Жангга кетяпсан, билиб қўй. Душманнинг катта-кичиги бўлмайди. Ният қилса кичкина қушча ҳам қудратли бургутни маҳв этиши мумкин.

— Буни илгари айтгансиз, дада, менга фотиҳа бе-ришг!

— Яна айтаман, ўтир. Фил йўлда бора туриб тўрғай-нинг уйини босиб полапонларини янчиб ташлабди. Теппа-да парвоз қилаётган тўрғай чирқиллаб болалари учун ўч олиш пайига тушибди. Дўсти чумчуққа шу филнинг кўзларини ўйгин, деб ёлворибди. Чумчуқлар филнинг кўзи-ни чўқиб кўр қилишибди. Фил кўр бўлса ҳам ҳар кун сув ичгани бораркан. Аламзада тўрғай қурбақа ёнига бориб жон дўстим шерикларингни олиб сувни бўлмаса ҳам ана шу жарда сайрагин, деб илтимос қилибди. Сув ичгани ке-таётган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб ўша томон-га бурилибди ва жарга қулаб ўлибди... Унутма, ўғлим, ёв-нинг катта-кичиги бўлмайди... Аянг билан биз ҳам мана қариб қолдик. Ешгина қаллиғинг ҳам ҳар кун йўлинига интизор. Мўмингина аканг бор. Аҳволларидан тез-тез ха-бар олиб турсанг дейман-да... Ҳа майли, илоё ой бориб омон келгин, облоҳу акбар!

Хонадонда йиғи кўтарилди. Йиғлай-йиғлай кўчагача кузатиб чиқдилар. Ҳеч бандаси айрилиқда ўзини бахтли ҳисобламайди. Ҳалимахоннинг ҳам бахти тугал эмас эди.

IV

ҚҰМИТАНИНГ СОҒИН СИГИРИ

Дашт кўча даштга бориб қадалгунча тор кўчаларга бў-линиб-бўлиниб адо бўлади. Ана шу енгичкадек-сигичкадек келадиган тор кўчаларнинг бирида дўппидеккина ҳовли-да Мақсуд қорни истиқомат қилади. Ешн ўтиб қолганда уй-ланди. Еши ўтган, қўли калта кишига гулдеккина қиз те-гармиди. Ўтириб қолган қизга уйланди. Хотинининг юзи

сенкилдор, бир оёғи оқсоқ ҳам эди. Табиат камситган Робия бибинин Мақсуд қори улуғлар, отини ҳам ўзгартириб Хонзода бегим деб атар эди. Хонзода бегим суюкли эрига етгита фарзанд туғиб берди. Шуларни деб Қори ўзини ўтдан чўққа уради. Гоҳ худ, гоҳ беҳуд деганларидек баъзан хонадонда мўл-кўлчилик бўлиб, «сен же, мен же» бўлиб қолар, баъзан ойлаб қозон сувга ташлаб қўйилар эди. Инқилоб Қўмитаси Мақсуд қорига ҳам икки таноб ер, ўн тўрт туп ўрик берди. Рўзғорга барака кириб қолди.

Мақсуд қори бондод намозидан бугун эртароқ қайтди. Қайта туриб поновойхонадан бир қийиқ иссиқ нон, баққолдан бир ўрам пашмак ҳалво ҳам олиб келди. Фарзандлари ҳали ўринларидан турмаган, еттовлари бир ўринда, бир-бирининг пинжига, бири иккинчисининг қорнига бош қўйиб пиш-пиш ухлашар эди. Хотини ўчоққа ўт ёқиб қумфон қўйибди.

— Вой-бўй, мунча тутаб кетибди!— деди Қори димоғи ачиб.

— Ўтин ҳўл,— деб қўйдп бешик қучоқлаб кичкинасини эмизаётган хотини,— мунча ҳаммаёғингиз лой, нима бало масжидда пахсага лой тепдингизми?

— Кўча бирам лой бўлибдики, бай-бай, келгунча ковушим уч марта ботиб қолса-я.

Хотини эмизаётган қизалоғини ечиб, йўргаклаб дадасига берди-да, ўзи кавуш-махсиларни ювишга тутинди. Иссиққина ноннинг ёқимли ҳиди димоқларига урилган болалар бирин-кетин туриб апил-тапил ювина бошладилар. Қори қизалоғига пашмак билан нонни аралаш чайнаб, лабида босар, лекин таом ейишга ўрганмаган чақалоқ луқмани тили билан итариб муштдеккина бошини чайқаб йиғлар эди. Нонуштага ўтиришди. Аялари катталарига биттадан, кичикларига яримтадан нон улашди. Пашмакни уқалаб ҳовучларига солиб берди.

— Ая, менга нондан иккита берасиз,— деб қўл узатди кичкина қизчаси.

— Вой дилбарим, иккитасини нима қиласан?— деб қизчасининг бурнини учини бармоғи билан босиб қўйди Хонзода бегим.

— Биттасини эртага ейман.

Мақсуд қори иштаҳа билан нон чайнаб, пўриллатиб доғ сув ҳўплаётган, очарчилик маҳалида шунақа юмшоқ ноку ширин пашмак келтирган дадаларига мамнуи боқиб, нигоҳлари билан эркалаб қўяётган болаларига қараб «мен-ку топиб келаяпман-а, дея ўйлай бошлади,— отаси

йўқлар нима қилади? Бугдойни бугун тақсимлаб қўя қолай. Қишда худо яна бир йўлга бошлар... Бу қаҳатчилик қачон тугайди, а?» Мақсуд қори понуштанинг тугагини кутмай ўрнидан турди:

— Болалар чойдан кейин мактабга боришлар, хўпми?

— Дада, менинг ковушим йўқ-ку?— сўради ўғилларидан бири.

— Аканг опичлаб кетади.

Хонзода бегим пичинг аралаш сўради:

— Ҳа, каллаин саҳарлаб яна тагин қаёққа?

Хўл маҳсисини оёғига қийналиб тортаётган Мақсуд қори кулди:

— Қўмита рансига ҳам шунақа дағдаға қилармиканлар!

— Белларида бўз белбоғу, Ранс эмишлар!

— Шошмай турсанг, бегойим, белимда шоҳи белбоғ, эғнимда беқасам тўн, остимда гижинглаган отим ҳам бўлади...

Идорага келиши билан Зулфиқорни Қўмита аъзоларини йиғиб келишга жўнатди. Саккиз Пандигондан саккиз вакилу, Қўмитанинг аъзолари жамул жам бўлгунча нақ чошгоҳ бўлиб қолди. Қўмитанинг тайинли низоми ҳам, қўлланмаси ҳам йўқ. Йўқсиллар манфаатига нимаки мос тушса шуни бажариб кетишаверади. Учга бўлинишди. Бир қисми ўлпон йиғишга, бошқаси қўқонлик Салимбой ташлаб қочган майдондаги қари ўрикларни кесишга жўнади. Мақсуд қори, Рустам бобо, Зулфиқор учовлари қишлоқ оралаб йўқсилларга қиличинини яланғочлаб келаётган қишдан чиқиб олишлари учун нима даркорлигини аниқлаш топширилди.

Инқилоб Қўмитасининг ихтиёрида иккита сигир бор эди. Етаклаб учовлари йўлга тушишди. Сепоячи эри катта тошқинда сувга оқиб ўлган Офтоббиди беванинг ҳовлиси ёнида тўхташди.

Эшикни узоқ тақиллатишгач, ниҳоят ичкаридан аёл киши овоз берди:

— Қимсиз?

— Э, Суярқулнинг беваси, эсон-омонмисан, бола-чақаларинг тишми?— шошмасдан гапира бошлади Қори,— эшитгандирсан мен Қўмитанинг раисман. Мана бу Рустам бобонг, мана бу Ҳамроқулнинг ўғли. Ҳаммамиз сендан аҳвол сўрагани келдик, қалай, тишмисан?

— Худога шукур,— деб қўйди Офтоббиди.

— Мана, қиличинини яланғочлаб қиш ҳам келиб қолди.

Бевасан, ул-бул нарса керакдир, дон-дунми, ўтин-чўпми?

— Қўмитанинг нарсаси ҳаром дейишяпти-ку?

— Э, Суярқулнинг беваси, қўй бу гапларни. Ҳаром бўлса бошимда саллаю, оғзимда плмим билан бу ишга қўл урармидим. Инқилоб душманлари айтган бу гапни. Инқилобни биласан-а? Билмайсанми? Билмасанг айтиб берай. Бу сенга ўхшаган бева-бечораларнинг манфаатини кўзлаб қилинаётган бир иш. Худо хоҳласа камбағалнинг хонадонида чироқ ёнади энди. Айт, нима керак?

— Ҳеч нарса керак эмас.

— Ўтиннинг борми?

— Беш-тўрт қоп тезак йиғиб олганмиз.

— Э, Суярқулнинг беваси, тезак билан қаҳратон қишдан чиқиб бўлармикан? Зулфиқор, дафтарингга ёз «Суярқулнинг бевасига бир арава ўрик ўтин берилсин», ёздингми?

— Ёздим,— деб қўйди Зулфиқор.

— Дону дундан қалайсан?

— Э, қатори кунимиз ўтиб турибди,— тортинибгина деди аёл.

— Бекор айтибсан,— жеркиб давом этди Қўмита раиси,— биламан, ҳеч вақонинг йўқ. Зулфиқор, ёз «Суярқулнинг бевасига бир қоп жўхори ҳам берилсин», Ёздингми?

— Ёздим.

— Суярқулнинг беваси айт-чи, жўжаларинг нечта?

— Еттита.

— Бай-бай-бай. Роса сиркалаб кетган экансан-да. Биламан, эринг яхши одам эди. Суярқул сепоячи деса ҳамма ўрнидан туриб таъзим қиларди. Сарқўрғоннинг қутирган сувини ўша бошқарарди. Улиги топилмади, а? Ҳа майли, куйинма, худо хоҳласа эринг шаҳид кетди... Энди сенга бир сигир ҳам берамиз. Соғишни биласанми? Зулфиқор, ёз «Суярқулнинг бевасига Қўмитанинг бир соғин сигири баҳоргача бериб турилсин». Ёздингми?

— Ёздим.

— Э, ўртоғимнинг беваси, йиғлама дедим-ку. Нега ҳиқиллайсан! Ўтин эртага келади. Донга ҳозироқ одам жўнат.

— Ҳаммаси ҳаром буларнинг,— аёл четан эшикни тарсиллатиб ёпиб олди,— болаларимнинг ҳалқумини булғамайман.

Кўча эшик олдида узоқ туриб қолишди. Бузоқчалар онасини эмишга, иштилиб бўйнини чўзар, Рустам бобо билан Зулфиқор силтаб тортишар, бевадан эса дароҳ эди.

— Жаҳолат бу!— деди Қўмита раиси ер тепиниб,— ўзига эмас, болаларига ҳам жабр қиляпти бу.

Яна йўлга тушишди. Тўлғон кампирнинг ҳовлиси ёнида тўхташди. Кампирнинг бир йўла икки ўғли мардикорга кетган. Бирини ўзига чек тушгани учун, бошқаси пулга сотилиб кетган. Лекин мана уч йилдан ошиб қолдики, на каттасидан, на кичигидан дарак бор. Бир ойча олдин аза очиб, кўк кийинди. Икки келин, бир ҳовли болага кампир бош бўлиб ўтирибди.

— Ҳа, чўлоқ оғимнинг эри, нима қилиб юрибсан?— деб сўради ичкаридан ҳассасини дўқиллатиб чиққан Тўлғон кампир.

— Чўлоқнинг эри бўлсам ҳам, худога шукур, Қўмитага раисман, буви!— деб қўйди Мақсуд қори.

— Ҳў, ўша Қўмитанг билан қўшмозор бўлгур!— Тўлғон кампир ҳассаси билан остонага бир урди.

— Нега қарғайсиз, буви?

— Икки ўғлимни едиларинг-ку, кўзингни ҳакка чўқи-гурлар.

— Ўғилларингизни мингбошилар еган.

— Ҳамманг бир гўрсан.

— Ундай деманг, буви. Биз йўқсиллар тарафдоримиз. Қўмитамизга мана Рустам бобо, мана Зулфиқор ўғлингиз аъзо бўлишган. Худо хоҳласа ўғилларингиз келиб қолишса, уларни ҳам қанотимизга оламиз. Чакки аза очибсиз.

— Тирик деб ўйлайсанми?

— Тирик, худо хоҳласа келиб қолишади.

— Худоё айтганинг бўлсин. Ҳа, майли, менга қара, Қори сен туппа-тузук одам эдинг-ку?

— Нима қилибман, буви?

— Қўмитанинг шолисини сотиб чўлоқ хотинингга ойбалдоқ олиб берган эмишсан?

— Ким айтди бу гапни?

— Қори, менга очиғини айт, Қўмита одамлари кундузи туппа-тузук юрармишлар-да, кечаси ит бўлиб вовуллашармиш, шу ростми?

Олдин Рустам бобо, кетидан Мақсуд қори билан Зулфиқор ҳам кулишди. Қори кула-кула бу гапларни Абдурахмонбой билан мингбошининг одамлари тарқатишган, аслида ўзлари ит бўлиб кетишди, биз Қўмита номидан бева-бечораларга ёрдам бериб юрибмиз. Сизнинг эшигингизга ҳам шу ниятда келувдик, керак бўлмаса майли, орқамизга қайтганимиз бўлсин, деган гапни айтишди. Чиндан ҳам орқаларига бурилиб кетишайтган эди Тўлғон кампир эшикни қия очди:

— Ҳой, Қори, мунча жирраки бўлмасанг? Чўлоқ хотинингни ювиб-тараб ойдеккина қилиб гўшангага ўзим олиб кирувдим, эсингдан чиқдимми? Қайт буёққа. Қанақа ёрдам бермоқчисан ўзи?

— Нима керак бўлса, ҳаммасини.

— Кейин миннат қилиб юрмайсанми? Миннат қилмасанг келинларимга иккита чарх олиб бергин. Ўзимники парраги сиғиб таноб ташлайдиган бўлиб қолди. Олиб берасанми?

— Олиб берамиз, буви,— негадир ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди Қўмита раиси,— Зулфиқор, ёз «Тўлғон кампирнинг келинларига иккита чарх, олтига йиғ олиб берилсин». Буви, мана бу сигирлардан биттасини сизга ташлаб кетамиз. Қаранг, елини тирсиллаб турибди. Набираларингизга соғиб берасиз.

— Шарифбой ташлаб кетган сигирми?— Тўлғон кампир эшикни каттароқ очиб ўйноқлаб турган бузоқчалар билан думини силкитиб пашшасини қўраётган сигирларга бир назар ташлаб олди,— қўй Қори, қариганимда гуноҳга ботирма менн.

— Нега ундай дейсиз, буви?

— Бировдан тортиб олинган нарса ҳаром. Яхши одамлар айтишяпти бу гапларни. Қўй Қори, ҳаром ейишга ўргатма бизни. Агар Қўмитангда пешона тери билан топилган маблағ бўлса набираларимга пойабзал олдириб бер, кўчага чиқолмай ўтиришибди.

— Буви ўзингизга ҳам ул-бул нарса керакдир?

— Ўзимдан ташвишланма, кафанлигимни олиб қўйганман.

Мақсуд қори кампир хийла юмшаб қолгани учун хурсанд эди. Суҳбатнинг охирини ҳазил билан яқунламоқчи бўлди:

— Буви, ўзингизга эр ҳам топиб берайми?

Тўлғон кампир ҳазилни тушуниб кулди:

— Вой худо олгур, Қўмитангда эр ҳам борми ҳали?

— Уйлантириб қўй деб тўртта чолдан ариза тушган.

— Биттаси, хойнаҳой Дўстмат сўфидандир?

— Ушандан буви.

— Об-бо қориси тушмагур-ей, совчи бўлиб келдим десанг, тилинг узилиб тушармиди. Уйга таклиф қилардим... Ўзиям совчи устига совчи қўявериб жонимга тегяпти. Масжиднинг хонақосида ётавериб моғор босиб кетганмиш. Ҳой, Рустамбой нега жим турибсиз, эл-юрт кулмасмикан?

Рустам бобо ҳалидан буён суҳбатга аралашиш учун

баҳона тополмаганидан хит бўлиб турганди. Кўзини айёрона қисиб, узун соқолини силкитиб бир кулиб олгач:

— Эркаги бор уйнинг париштаси улуғ бўлади, буви!— деб қўйди.

— Ҳа, майли,— деди Тўлғон кампир негадир хўрсиниб,— ҳеч бўлмаса ўтин-чўпга яраб турар. Мен рози. Кеча совчиларга йўқ девдим. Қоридек илмдор, Рустамбойдек ҳурматли одамни ўртага қўйибди нима ҳам дердим. Айт, баннага дока рўмол ҳам қўйсин.

Қўмита раиси айтиб турди, мирзоси дафтарига қуйидаги сўзларни қайд қилиб олди: «Тўлғон кампирга тан маҳрам сифатида Дўстмат сўфининг ризолиги сўралсин. Рози бўлгач Мақсуд қори никоҳ ўқиб, иккови беванинг боши бир-бирга қовуштирилсин».

Кечгача қишлоқ айланишди. Унисига у, бунисига бу керак эди албатта. Бирови тортинibroқ рози бўлди, бошқаси тарсиллатиб эшигини ёпиб олди. Қўмитанинг соғин сигирларини ҳеч ким олмади. Зўрлик билан тортиб олинган сигирларнинг сути ҳам, эти ҳам ҳаром деб туриб олишди.

Сигирларни етаклаб дарғазаб бир кайфиятда Қўмитага қайтишарди.

— Рустам буво,— деб чақирди Мақсуд қори,— сиз сигир соғишни биласизми?

— Сигир соғиш ҳам гап бўлибдими?— деб қўйди бобо,— ёшлигимда чучвара ҳам тугардим.

— Бўлмаса ўзимиз соғиб ичаверамиз.

Қўмитага қайтишгач, диллари баттар сиёҳ бўлди. Улпон йиққани борган Акбарали мардикор бошлиқ йиғитларни Чибирғон Пандигонда тутиб олиб роса дўппослашибди. Акбаралининг юзига қоракуя суртиб эшакка тескари миндириб жўнатишибди.

V

«УР БАДБАХТНИ!» ДЕР ЭДИ ХОН ЭШОН

Қўмита идорасида ўтирган Мақсуд қори билан Рустам бобо бир қучоқ пояни ихчам боғлаб орқасига кўтарганча югургилаб келаётган Зулфиқорни очиқ дарича орқали кўриб қолдилар. Зулфиқор остонага яқинлашгач, елкасидаги пояни ағдарди-да:

— Даштда эдим!— деди нафаси қисилиб.— Поя ўрастгандим, бир маҳал қарасам Эшон ҳазратларининг қўрғонлари атрофига тумонат одам йиғила бошлади.

— Бугун жума, муридлари келгандир,— деб қўйди Рустам бобо.

— Йўқ, отлиқ қўрбошилар ҳам бор!

— Қўрбошилар!— ўрнидан туриб кетди Мақсуд Қори Рустам бобо икковлари бир-бирларига тикилиб қолишди. Нигоҳларда қўрқув, ташвиш бор эди. Ҳа, бир гап борга ўхшайди. Ишқилиб Бузрукхўжа мерган йигитлари билан Қўқондан қайтганча фалокат юз бермасин-да. Милтиқсиз бу балонини қандай даф қилишади! «Қўмита аъзоларининг йиғиш керак», деган фикр ўтди икковларининг ҳам бошидан.

— Зулфиқор, тез бўл, болам, аъзоларни йиғ!

Бир чой дамлам фурсат ўтар-ўтмас бир неча кундан буён тўйма-тўй юриб, ҳозир кундузи бўлишига қарамай уйларида донг қотиб ухлаб ётган Ҳасанбой билан Ҳусанбой, Мадумар карнайчилар эснашиб, лоқайд кириб кела бошладилар. Энг охирида Сотволди батрак келди. Қўмитанинг икки қиличи бор эди. Бирини шунда, тақиб келибди. Зулфиқор бошқа фаолларни ҳам тезроқ етказиб келиш учун эндигина остона ҳатлаган эди, шу пайт Дашт кўча тарафдан юзлаб кишиларнинг вахшату даҳшат билан тушиб келаётганини кўриб қолдилар. Олдинда отлиқлар келишяпти. Абдурахмонбою, мулла Зариф мингбошию ўғиллари булутдек баланд отларга миниб ўртароқда келаётган пирини муршидини худди қочиб бораётган асаларилар галасини пошшосини ўртага олиб учгандек ҳар томондан қуршовга олишган. Пирини муршид, одатдагидек катта кўнэшақларига миниб олган, жиловда икки садоқатли мурид келишяпти. Икковларининг ҳам бошида саватдек салла, ҳар во совуқ бўлишига қарамай, ялангоёқ бўлиб олганлар. Эшон ҳазратларининг ўнг томонларида човқар от минган бир йигит дини исломиятнинг дастасининг учига ярим ошакли қўндирилган кўк байроғини баланд кўтариб олган. Орқаларида кўксига патронтош, елкасига милтиқ осган йигирма чоғли басавлат қўрбошилар, уларнинг кетига пиёда келаётган оломон уланиб олган. Бирининг қўлида таёқ, бошқасида паншаха, садрга тушаётгандек чайқалишиб, гоҳ саяллани, гоҳ саялласиз бошларини тебратишиб:

— Е Ҳасан!

— Е Ҳусан!

— Е олло!— деб қичқириб келишяпти.

Гўё отлиғу пиёдаларининг қалбию руҳи бирлашиб даҳшатли овозга айлангандек. Овоз Дашт кўчани қоплаб келишяпти:

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

Зулфиқор томошага маҳлиё бўлиб бир нафасгина анграйиб турдию, сўнг ўзини ўнглаб ичкарига отилди. Қўмита аъзолари ҳам довдираб қолишганди. Эшигу даричаларни беркитишга аранг улгурдилар. Мақсуд қори хоша тўридаги сандиқни очиб чархлаган болталарни улаша бошлади. Қўмита идорасини ҳар томондан қуршаб кела бошладилар. Қўрбошилар осмонга қаратиб варанглатиб ўқотишди. Қасир-қусир овозлар Пандигон осмонини қоплаб кетгандек эди. Рустам бобо қиблага қараб чўкка тушдида, пичирлаб калима ўғира бошлади.

— Е Ҳасан!

— Е Ҳусан!

— Е олло!— деган қийқириқлар даричаю, эшиклар тирқишидан кириб турибди. Қўмита ҳовлисига гулдираматон қилиб ўт ёқиб юборишди. Саллали, салласиз, бири чориг кийган, бири ялангоёқ муридлар елкаларига елкаларини тирашиб, шамолда қолган нозик ниҳоллардек чайқалишиб садр тушишни бошлаб юбордилар:

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

— Ҳуррият!

Уртадаги олов яна кучайди. Қўмитанинг томида бедаси бор эди, ўшани ҳам олиб тушиб ёқа бошладилар. Аланганинг қизил тиллари осмонга кўтарилиб садр тушаётганлар қалбидаги ёввойи эҳтирос алангасига тутушиб кетётгандек:

— Қофирларга ўлим!

— Даҳрийларга ўлим!

Маҳкамани тошбўрон қила бошладилар. Ичкарида қолганлар нима қиларини билмай, худди тўсатдан аждарҳо комига дуч келиб қолган қуён боладек карахт бир аҳволда эдилар.

Тошбўрон тўхтади.

— Қори, эшикни оч!— Пири муршиднинг овозлари келди ташқаридан.

Қамалдагилар бир-бирларига қараб олишди. Рустам бобо бош чайқади:

— Очма!

— Қўмитангни оч, бўлмаса ўт қўямиз!— яна ваҳшатли овоз эшитилди ташқаридан.

— Очма!— қатъий қилиб деди Рустам бобо.

Эшигу даричаларни болта билан уриб синдира бош
ладилар. Хиёл ўтмай униса ҳам, буниси ҳам хона ичига
йиқилиб, кетидан аччиқ тутуну аланга ёпирилиб кирди.
Йигирма чоғли кўрбоши милтиғини тўғрилаб турганини
кўрган Мақсуд қори бақриб юборди:

— От отсанг, ота қол!

Пир муршиднинг фармонлари билан ҳаммаларини
олиб чиқиб маҳкама деворига қатор турғизиб қўйишди.

— Устки кийимларини ечиб ўтга отинг!— яна фармон
бердилар ҳазратлари,— ҳаром ҳаммаси, ҳаромлар куйиб
кетсин.

Ичкаридан Қўмитанинг кигизу шолчаларини, чойнагу
пиёлаларини чархланган болталарию ҳужжатлар сақла
надиган ёғоч сандиқларигача олиб чиқиб ўтга отишди.
Садр тушаётганлар ҳамон чайқалиб, оғизларидан кўпин
сачратиб:

— Ҳуррият,

— Ҳуррият!— деб қичқирмоқдалар. Лекин эшитаётган
лар қалбига даҳшат солаётган бу сўз замирида қандай
маъно борлигини, шу сўзларни айтаётганлар ҳам, от ўй
натиб турган суворийлар ҳам, Қўмита аъзолари ҳам ҳали
тушуниб етмаган эдилар. Хон эшон ҳазратлари кофирлар
имонсизлар деб камоли ғазаб ошганидан яккам-дуккам
тишларини ғижирлатиб муридлари кўмагида эшагидан
туша бошлади. Тушиб, ваҳима ичида қотиб қолган Қў
мита аъзоларига яқинлашаркан:

— Уйинг куйгур кофирлар!— деб тепинди. Атрофдаги
муридлар ҳам қўлларигаги таёқларни силкитиб:

— Кофирлар!— деб такрорлашди.

Эшон ҳазратлари Мақсуд қори қаршисига келиб:

— Хўш, кофирларнинг бошлиғи,— дея кўрсаткич бар
моғи билан кўксига туртди,— нега ҳаммани диндан чиқар
япсан, имонсиз, кофир!

— Кофир эмасман,— деб қўйди дағ-дағ қалтираб тур
ган Мақсуд қори.

— Қўмита тузганинг ёлғонми?

— Рост, туздик.

— Большовойлар томонига ўтганинг ёлғонми?

— Тўғри, ўтганман.

— Кофирсан, бадбахт!

— Алҳамдулло, мусулмонман.

— Қўлини боғланг!— қичқириб юборди Эшон ҳазрат
лари. Сўнг Сотволди батракнинг қаршисига ўтиб унинг
ҳам кўксига бармоғи билан туртди.— Гапир бетофиқ. Уру
сияга борувдинг, имонсиз бўлиб қайтибсан-да? Нега сал

ла ўрамайсан, нега Қўмиитага аъзо бўлдинг! Бунн ҳам қўлини боғланг, овозини ўчиринг! Хўш, Мадумар карнайчи, бўйингни теракдек қилиб сен ҳам шуларга шерик бўлиб юрибсанми?

— Бўлганман, тақсир.

— Қўмиитага аъзомисан?

— Ҳа, тақсир, Қўмитанинг карнайчисиман.

— Ичига инсу жинслар макон қурган карнайингни ҳадеб варанглатиб чалаверасанми, кофир!

Мадумар карнайчи гап навбати келса отасини ҳам аямайдиган хилидан. Бошини берса берадики, лекин гапдан қолмайди. Ким билан гаплашмасин охирини ҳазилга буриш, ҳазилнамо жавоб қайтариш руҳи ҳам жисмига сингиб кетган. Ҳозир муридлар оч бўридек тикилиб ғажиб ташлаймиз деб турган бир пайтда ҳам ўзлигича қолди. Пирнинг саволини ҳазилга буриб, ҳазилнамо жавоб қайтара бошлади:

— Тақсир, карнай чалиш учун чиқарилган-да,— деб қўйди,— ўзларининг тўйларида ҳам чалиб берувдим-ку, индамовдилар-ку!

Карнайчининг менсимайгина жавоб қайтариши Пирн муриднинг бир ғазабига ўн ғазаб қўшди, тутақиб кетди:

— Хўш, кофир, нега масжидга бормайсан?

— Йўлда таҳоратим кетиб қоляпти, тақсир.

— Куляпсанми, бетовфиқ?

— Йиғлайдиган гап айтмадилар шекилли.

Хон Эшон ҳазратлари ер тепинди:

— Агар соқолинг бўлганда юлиб олардим ҳозир!

Мадумар карнайчи кулиб икки қўлини баробар кўксига қўйди.

— Меники ўсгунча ўзлариникини юлиб тура қолсинлар.

Отлиғу пиёда муридлар учун энг азиз ва мўътабар ҳисобланиб, дини имонларининг басаломат бўлишига кафил бўлиб турган Пирн муридга ҳазил гаплар айтилаётгани қайнаб турган ғазабларини тошириб юборгандек бўлди. Мадумар карнайчининг хиёл эгилиб турган боши ва туртиб чиққан яланғоч елкасига бир йўла икки-уч гу вала келиб тушди.

— Тўхтанинг!— қўлларини кўтариб хитоб қилди эшон ҳазратлари. Йўқ, бу бегофиқларни аламон қилмоққа ҳали эрта. Ҳар бири билан суҳбатлашиб, қалбида не зоҳирлигини билиб олмоқчилар. Зеро, ниятлари уларни калтаклаб ўлдирмоқ эмас, йўқ. Қалбларига инсу жинслар ин

қурган бу чала кофирларни ғайри динлар йўлидан қайтариб олмақчи. Шу боис кечадан буён югуриб-елиб мурид тўплади. Абдурахмонбою мингбошини отга миндирди. Отга миндира туриб маҳв этмоққа эмас, жазоламоққа фотиҳа берди.

— Ҳа, қариганда айниган чол.— Пирин муршид, уятданми, ҳижолатданми бошини эгиб турган Рустам бобонинг соқолдан тортиб яягини кўтарди. — Сени нима жин урди?

— Жин ургани йўқ, Пирим, — деб қўйди Рустам бобо

— Қўмитага аъзо эмишсан-ку, ўғилларинг бошовоиларга аскар бўпти-ку, мулла Зариф мингбошининг ерини сен тортиб олдингми, ҳаромхўр?

— Қўмита берди, Пирим.

— Қўмита берса олаверар экансан-да! Қўлини боғланглар.

Хон эшон ҳазратларининг ғазаби гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб турарди. Ҳамма ҳаракатларимни худо йўлида, дин йўлида қиляпман, деб қаттиқ ишонганидан девор тагида қатор турган бу даҳриларга айтаётган ҳар бир сўзим фойдадан ҳоли эмас деб ҳисобларди ва яна ҳар биришнинг гуноҳини кўпчиликларида бўйнига қўйиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Ака-ука қизиқчиларни қўғирчоқ ўйнатгани учун гуноҳга ботганлигини исботлашга тушди. Қўғирчоқ вужуд экан, ҳар қандай вужуд яратувчисидан жон талаб қилар экан, жон ато қилмоқ эса якка худонинг иши экан. Худонинг ишига аралашган бандаси бу дунёда кофир, у дунёда дўзахи бўлар экан.

Афтидан аввалдан кимларни жазоламоқли келишиб олган эканлар. Талабаларига сабоқ бераётган Мулла Маҳмуд билан Абдурахмонбойдан олган ерида кунда кўчирётган Сулаймонхўжани ҳам оёғини ерга текизмай етказиб келишди. Пирин муршид Мулла Маҳмуднинг бошидаги салласини тортиб олиб: «Сен кофирга салла ҳайф!» деб қичқирди. Сулаймонхўжани кўксидан итара-итара даврани бир айлаштириб чиқиб:

— Кофир укангни қаёққа қочирдинг?— деб сўради.

Сулаймонхўжа жавоб қайтармади.

— Уканг Пандигон йўқсилларини йўлдан урди, бўйинингга оласанми?

— Йўқ!

— Олмайсанми?

— Йўқ.

— Бой жанобларининг ерини тортиб олисан, ёлгонми?

— Рост.

— Қайтариб берасанми?

— Йўқ.

— Бу харомхўрнинг ҳам қўлини боғланг.

Эшон ҳазратлари чинакамига куйиб-ёниб кетмоқда эди. Куйиб-ёниб кетаётганлари от ўйнатиб, гоҳ уёққа, гоҳ буёққа юриб турган Абдурахмонбой билан мулла Зариф мингбошига хўп ёқиб тушмоқда эди. Бири беш-ўн таноў мулкидан, бошқаси ҳокимлигидан айрилган. Иккови ҳам аламзада эмасми, Қўмита аъзоларини тириклайин ютиш учун маврид кутишаётганди. Хурриятга фотиҳа бўлса биринчи тошни аввал ўзим отаман деб туришибди.

— Ҳозир барчангиз масжидга бориб жойнамоз устида қилмишингизга тавба қиласиз,— негадир жуда босиқ гапирдилар Эшон ҳазратлари,— тавба қиласизми?

Қўмита аъзоларидан садо чиқмади.

— Кофирларга қарши газовот эълон қиламан, сафлизмизга қўшиласизларми?

Қўмита аъзолари паст-баланд хўрсиниб олишди.

— Гапиринг, кофирлар!

Йўқ, яна ҳеч биридан садо чиқмади. Жавабаси тутиб оғзидан кўпиклар сачратаётган Пири муршид икки қўлини баланд кўтариб:

— Ур кофирларни,— дея фатво бериб юборди,— даҳрийларни ур, хуррият бўлди, савоб бўлади, ур! Тонгла маҳшарда юзинг ёруғ бўлади, ур!

Кўз юмиб очгунча қўли орқасига боғланган бандилар тош-кесак бўрони остида қолдилар. Муридлар савобдан бенасиб қолмаслик учун, ҳеч бўлмаса бир муштгина уриб қолиш умидида ўртага интилишар:

— Ё Ҳасан!

— Ё олло!— деб қичқирдишар эди.

Ҳаммаларинини чала ўлик қилиб лойга қориштириб ташлашди. Пири муршид хурриятни давом эттириш учун, эшагига минди-да, муридларини ортидан эргаштириб нарийи қишлоққа ўтиб кетди.

VI

ЗОКИР ҚУРБОШИ ҚИЛИЧ ЯЛАНҒОЧЛАЙДИ

Қўқонда уч кечаю уч кундуз давом этган қирғиндан эсон-омон чиқиб олган ўттиз отлиқ, Мингтут даҳасидан ўтиб «Дўрмон» тарафга қараб қийғирдек учиб борапти.

Ер қаттиқ музлаган. Отларнинг туёғидан чиққан дупур узоқ-узоқларга кетади. Гоҳ музлаган шудгордан, гоҳ кимсасиз кўчалардан елиб боришяпти. Суворийлар бошида Зокир қўрбоши кетяпти. «Оббо хотинчалиш ноиб-ей, жанг-гоҳда мени ташлаб қочди-я, оббо номард-ей!— дея бақувват тишларини ғижирлатиб-ғижирлатиб қўйди,— урушишни билмас экансан тўда олдида от ўйнатиб туришингга бало бормиди! Йўқ, сен урушга бормадинг, Қўқондаги хожаларингга мен сиз тарафингиздаман, кўриб қўйинг, деб думингни ликиллатгани бординг, кўппак! Қўрқоқ, хоин! Ишонган тоғинг — Эргаш қўрбошининг оёғи осмондан келди. Энди ўзини ўнглай олмайди. Ҳа, ҳа, ўнглай олмайди. Ўзим қўрбоши бўламан. Амирулмуслимин мен ким Зокир қўрбошидурман...»

Суворийлар Риштон бўлиси тасарруфидаги ерларга қадам босиши билан сайхон бир ерни танлаб Зокир қўрбоши отининг бошини тортди. Орқадагилар етиб келгунча ёнидаги жўраларининг афти ангорига бир-бир назар ташлай бошлади. «Қийғирлар булар, қийғир!» Отлиқлар давра олишди. Зокир қўрбоши ўртага тушиб бир-икки айлавиб чиқди. Баланд от минган елкадор йигит олдида тўхтаб:

— Хўш, ўнбоши, бир қарорга келдингми?— деб сўради.

Ўнбоши шоҳи қийиқ билан ситиб боғланган бошини баланд кўтарди:

— Энди уришмайман.

— Уришасан!

— Гап битта, қўрбоши.

— Большовойлар кўзингни ўйиб олади.

— Уйса ўяр.

— Йигитларинг-чи?

— Ўзларидан сўранг.

Зокир қўрбоши ўнбоши ёнида саф тортиб турган бошқа йигитлардан ҳам бирма-бир сўраб чиқди. Ҳаммаси келишиб олишганга ўхшайди. Йўқ, энди уришмаймиз, дейишди. Қўрбоши жаҳл билан ёнидан қиличини суғуриб ўнбоши томон отини ниқтаб борди:

— Чопиб ташлайман ҳозир!

— Ихтиёринг, қўрбоши.

— Мея сенга от миндирган эдим, нонкўр.

— Ол, отинг керак бўлса, пиёда кетавераман.

Ўнбоши отдан тушаётганини кўриб йигитлари ҳам бирин-кетин ўзларини ерга олдилар. Ўнбоши елкасидан милтиғини туширган эди, бошқалари ҳам олиб ерга қўйишди.

— Шукурбек, бу хоинларга қандай жазо лойиқ?— сўради қўрбоши. Бошига сувсар телпак, эгнига банорас тўн кийган йигит дарров жавоб қайтармади. Аввал отдан тушиб, бошини ҳам қилиб турган йигитларга, сўнг қўрбошининг ўзига тикиларкан:

— Қўйиб юборинг,— деди амирона бир оҳангда,— қишлоқларига бориб сизнинг адолатли қўрбоши эканлигингизни авомга тушунтирсинлар, номингиз улуғланади.

«Мен адолатлиман, демак номим улуғланади», деган фикр ўтди қўрбошининг бошидан. Қўлидаги қилчини шошмасдан қинига сола бошлади:

— Бари бир, қонинг қўшилмади-я, тегирмончи, йўқол кўзимдан!

Қуролини ташлаган йигитлар бошларини солинтирганча даврадан чиқиб кета бошлашди. Отлиқлар гоҳ бир-бирларига аламли нигоҳ ташлаб, гоҳ тушунмадик дегандек елкаларини қисиб, лабларини буриб жим туришарди. Ҳаммалари ҳам большевиклар қўшинидан калтак еб келаётган аламзадалар, урушишдан бош тортган бу йигитларнинг қилмиши уларнинг ярасига туз селиб жазиллатиб юборганди. Зокир ҳушёр йигит. Йигитларидаги бу кайфиятни дарров пайқади. Аммо ўнбоши Шукурбекнинг «Сиз адолатлисиз» деган сўзи унинг қалбини ғурурга тўлдириб, аламини ичига ютишга мажбур қилаётганди:

— Қийғир йигитларим,— баланд овоз билан гапира бошлади,— ҳар бирингиз тагли-жойли, элда эътибор қозонган кишиларнинг фарзандисиз. Ялангоёқларни орамиздан ҳайдаб тўғри қилдик. Қолганларни ўзим улуғлайман. Бирингизни понсод, бирингизни мингбоши, бирингизни ноиб қилиб кўтараман. Ҳар бирингизда данғиллама саройлар, қўша-қўша қайрилма қош хотинлар, беҳисоб батраклар бўлади. Бунинг учун жанг қилишимиз керак, қиламизми?

— Қиламиз,— бир овоздан дейишди жўралари.

— Большавойларни ер билан яксон қиламизми?

— Яксон қиламиз!

— Ҳокимликни қўлга оламизми?

— Албатта оламиз.

— Бўлмаса Риштонга қараб от солдирганимиз бўлсин, орқамдан, қийғирларим!

Тўхтанг, қўрбоши жаноблари,— дея отини ниқтаб ўртага чиқди йигитлардан бири,— хоинларни нега қўйиб юбордингиз? Улар большовойларга сотилган. Хотамхон заводчининг саройида тунаган кунимиз ярим кечада олдиларига кимдир келиб кетди. Пичир-кучир бўлди. Мана

шу чағир кўзим билан кўриб, мана шу шалпаң қулоғим билан эшитиб турдим.

— Жазолаш керак уларни!— бақирди бошқа бир отлиқ.

— Охиригача уришамиз деб қуръон ўқиб, қасамёд қилгандилар, деди учинчи отлиқ,— қасамларини буздилар.

— Қасамхўрга ўлим!

— Хоинга ўлим!

Зокир кўрбоши гоҳ ўннга, гоҳ чапга ўгирилиб қарар, бу ҳайқириқларни йигитлари айтяптими ёки ўзининг қалбидан отилиб чиқаяптими, билолмасди. Бейхтиёр қиличини суғурди-да:

— Орқамдан!— дея ҳайқирди.

Уч кун жанг қилиб қиличини бирон марта ҳам қиндан суғуришга улгурмаган, аммо бир суғурсам борми, ҳар қандай ёвни ҳам бурдалаб ташлайман деб ўзига қаттиқ ишонган бу аламзадаларга, интизор кутаётган отонаси, кўчада пойлаб ўтирган ўғил-қизлари олдига тезроқ етиб бориш умидида бири иккинчисини орқада қолдириб кетаётган йигитлар бамисоли бир эрмак бўлди. Гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан қилич солишиб, қочса олдидан тўсиб чиқиб ҳаммаларини бурдалаб ташлашди.

— Энди Риштонга!— қонли қиличини ҳавода ўйнатиб фармон берди кўрбоши,— қиличларни ялаб олинг, қон ялаган йигит мард бўлади.

«Қон ялаган мард йигитлар» кеч пешин маҳалида Риштонга от кўйиб кириб бордилар. Кўрбоши йўл-йўлакай биринчи галда бажариладиган юмушларни режалаб бераётганди. Ҳокимлик маҳкамасини қуршовга олишга фармон бериб, ўзи отидан сакраб тушиб, тўппончасини яланғочлаганча ичкарига қараб югурди. Мирзача ҳар галгидек ўрнидан туриб, одобли мирзоларга хос бир тавозе билан қаршиламоқ учун чоғланаётган эди, нақ биқинига тепки келиб тушди. Сўнг ўша бақувват оёқ бошқа бир зарб билан ноиб жаноблари ўтирадиган танобий хонанинг қўш қапотли эшигини шарақлатиб очиб юборди. Ҳозиргина пешин намозидан қайтиб совуқ қотган позик оёқларини танчага тикиб, тахта устига энгашган кўйи нималарнидир ёзиб ўтирган Шакархон шошилиб бошини кўтарди. Жадал кириб келаётган кўрбошига: «Бу қанақа беадаблик», дея ўшқириб қўйди. Зокир пат гиламу, атлас кўрпачалар устидан бориб ўнг кўли билан ноибнинг ёқасидан олиб турваза бошлади. Шакархон ҳангу манг бўлиб қолганди. Бир сония фурсат ичида ҳаёлидан бир-бирнга зид фикр-

лар қувалашиб ўтди. «Бу менинг навкарбошим эмас, йўқ бу ўша, лекин жинни бўлиб қолганга ўхшайди. Эҳтимол кўзимга инсу жинс кўринаётгандир», дея ўйлаган Шакархоннинг фикри шу ерга келганда бўлинди. Туриб ҳам улгурмаганди. Нақ қулоғининг тагига зарбли мушт келиб тушди:

— Аблаҳ, нега мени ташлаб қочдинг?

— Зокирмисан?!— бақириб юборди ноиб,— ҳо, ким бор?

Қўш даричалар шарақлаб очилиб, бир йўла бир печа милтиқнинг оғзи кўринди. Ноиб тўсатдан эси учгандек анграйиб турди-да:

— Зокирмисан?— деб сўради яна.

— Бўғаман ҳозир сени!— чиндан ҳам бақувват қўлла-ри билан хожасининг томоғидан сиқа бошлади қўрбоши,— ҳокимиятни топширасанми — йўқми?

— Кимга, нега? -

— Менга топширасан. Сен бўшсан, латтасан, ургочисан! Пул санашдан бошқасига ярамайсан. Менга топшир, бўлмаса, бошавойлар олиб қўяди. Муҳрни бер!

— Илонни боқиб юрганга ўхшайман-ку!

— Муҳр деяпман!

Навкарбоши куни-кеча ҳам отам, ҳам хожам бўласиз деб оёғини ўшиб юрган бир кишисини энди оёғи остига олиб тепкиламоқда эди. Тепкилай-тепкилай, ниҳоят ноибнинг муҳрини чўнтагидан олди-да, бир печа йиллик орзусига эришганлиги аломати сифатида уни тавоф қилди. Сўнг қабулхонада кўксини чапгаллаб мук тушиб ётган Мирзачани оёғидан судраб ичкари олиб кирди. Олиб кира туриб дарича ортида турган йиғитларига «Ширкат контораси қуршовга олдинси, миршаб бошини тутиб келинглар, отхона дарвозасини беркитнинг, битта ҳам от чиқарилмасин», деб бир печа фармон ҳам бериб қўйди. Сўнг Мирзачани ягидан тортиб ўтқизди-да, қўлидаги муҳрни кўзига яқинроқ келтириб сўради:

— Буни кўряпсанми?

Мирзача «ҳа» дея бош силкаб қўйди.

— Демак, мен ҳокимман, билдингми? Энди менинг фармонимни бажарасан. Қоғоз билан қалам келтир. Бажармайсанми, мана сенга, мана!

Мирзачанинг икки чаккасига кетма-кет тарсаки келиб тушди. Кейингиси қаттиқроқ тегди шекилли ўнг қулоғининг остидан тирсиллаб қон чиқиб кетди. Худди шу аснода бурчакда чўзилиб ётган ноиб қимирлаб қолган эди. Навкарбоши уни ҳам назаридан қочирмади. Судраб бери-

роқ келтирди-да, тўшакка ўраб устига ўтириб олди. Жон ҳаммага ҳам ширин. Улдириб қўйишидан қўрққан Мирзача, худо билан, бу куч қаёқдан пайдо бўлди экан, ўрнидан дадил туриб, қоғоз билан қалам келтирди.

— Ёз!— буюрди қўрбоши,— менким, Риштон бўлисининг қўрбошиси Зокирбек... йўқ, ўчир буни, бошқатдан ёз. Менким Зокирбек қўрбоши... йўқ, бунисиям ярамайди. Ўзинг ёз, тантанавор қилиб ёз. Риштон бўлисидаги барча мингбоши, элликбоши, қишлоқ аъёнлари менга тобе бўлсин. Бўйсунса жони омонда, бўлмаса моли талондаю, оёғи осмонда бўлади. Шундай деб ёз, бор, қабулхонада ёз. Ҳе қалтирмай ўл, бир шапатилик ҳолинг бор-ку, ғарч этик кийиб кўчада жилпанглаб юришингга бало борми!

Ноибнинг устидан тушиб тўшакни кўтарди. Шакархон қорнини ерга бериб, икки муштини пешонаси остига болншдек қўйганча аранг нафас олаётганди. Мирзачани турғизгандек қилиб унинг ҳам нягидан торта бошлади.

— Жаноблари, ўзлари менга таълим бериб айтган эдилар-ку, ҳокимият илтимос билан эмас, зўрлик билан олинади деб, — қўрбоши ноибнинг теппасида тик туриб гапира бошлади,— мана зўрлик билан ҳокимликни олдим. Мана муҳр! Энди мен ҳокимман. Мен билан ишлайсизми?

— Аблаҳсан!— ютиниб қўйди Шакархон.

— Ишласангиз, ўзимга хазиначи қилиб оламан. Сизда пулу менда куч бор, бирлашиб большевойларни йўқ қиламиз.

— Разилсан!

— Қани, жаноблари, Ширкат конторасидаги темир сандиқларнинг калитини чўзиб қўйсинлар-чи. Биламан, у ерда пул кўп. Тиллолар ҳам бор. Биз уларга йигитларни отлаштирамиз. Афғонистондан қурол келяпти, сотиб оламиз. Тез бўлсинлар. Калитни берасанми, йўқми?

— Йўқол!

— Бер деяпман.

Ноиб аввалги тепкилашда анча беқувват бўлиб қолган экан. Бу гал икки-уч тепкига аранг чидади. Беҳол йиқилиб тушди. Зиндонхонадан қоп келтириб бошига кийгиздилар-у, бақувват йигитлардан бири худди ғўла қўлтиқлагандек қўлтиқлаб зиндонхонага олиб тушиб кетди.

Миршабхона ноири Темирбекни ҳам оёғини ерга теккизмай етказиб келган эдилар. Хона деворига суянганча бўлаётган воқеаларни ваҳима ичида жимгина кузатиб турарди. Қўрбоши унинг ҳам ёқасидан тутиб бошига бир-икки туширди. Ҳокимлик қўлдан кетаётганини бу ерга қадам қўйгандаёқ сезганди у. Аммо ўз отасидек бўлиб

қолган ноиб жанобларининг томонини олишни ҳам, ёвузона бир қудрат эгаси бўлган Зокир калла томонига ўтишни ҳам билмай иккиланиб турарди. Бошига келиб тушган икки мушт сўнгги томоннинг қудратини яна бир бор таъкидлагандек бўлди. Куч кимда бўлса, адолат ҳам, ҳақиқат ҳам ўша томонда деб ўргатарди ноиб жаноблари...

— Хўш, менга қўшиласанми?— пишқириб сўради қўрбоши,— қўшилсанг юзбоши қилиб қўяман, бўлмаса ҳозироқ осаман, айт!

— Қўшиламан.

— Қасам ич.

— Қўшилмасам каломулло урсин.

Навкарбоши «қон ялаган қийғир йигитларига» бош бўлиб Риштон сари от суриб келаркан, кўп режаларни амалга оширишни фикридан ўтказиб олган эди. Шулардан биринчиси ҳокимликни қўлга олиш эди, олди. Қизлар ҳам ўғил болалар ётоқхонасига бир йўла тўрт соқчи юборди. Ўғил болалар улғайса, ўзига хонаки навкар қилиб олмоқчи. Қизалоқлар улғайса, худди Шакархонга ўхшаб навбати билан уларни бағрига босмоқчи. Соқчиларга «эҳтиёт бўл,— деб тайинлади,— биронтаси қочгудек бўлса, бошингни кесаман».

Риштонда яширин инқилоб Қўмитаси борлигини биларди. Уни тугатмагунча бу депарада якка ҳоким бўлолмайди. Модомики ҳокимликни қўлга олган экан, демак, унинг асосий рақибини ҳам даф қилмоғи даркор. Хайрият, бўлажак юзбошиси Темирбекда уларнинг рўйхати бор экан. Зокир калла Қўчқор отлиқ ўнбошисига рўйхатни узатиб эрталабгача ҳаммасини қиличдан ўтказиб деб тайинлади. Ташқарида қоронғи тушиб қолган эди. Маҳкама атрофида бўлаётган олатасир ҳангомани кўрган ва бунақалардан юрак олдириб қолган Риштон фуқароси уй-уйига кириб, эшикни ичидан беркитиб олди. Риштон ваҳимали қоронғилик қаърида йўқ бўлиб кетгандек эди. Мирзачага кетма-кет фармонлар ёздириб чарчаган қўрбоши, ниҳоят, қасам ичдириб унга ҳам жавоб берди-да, бир чеккада мунғайибгина ўтирган Темирбекка юзланди:

— Демак, менга йигит бўлдинг, а?

— Бўлдим,— қўрқа-писа ўрнидан тура бошлади Темирбек.

— Бўлмаса, юзбоши, хотинингни менга бир кечага берасан. Қош кўзи қоп-қора, юзлари лўппигина, бадани оппоққина эди. Сойда чўмилаётганда кўрганман. Нега ангайиб қолдинг? Рост айтяпман, бир ҳафтадан буён хотин зотини кўрганим йўқ, баданим куйиб кетяпти. Берасанми?

Ҳали бошига мушт еганда Темирбек бунчалик дод-дирамаганди. Қўзларини ярим қисганча тек туриб қолди.

— Берасанми деяпман?

— Разил экаи сан-ку! — Темирбекнинг кўксидан аламли кичқирриқ отилиб чиқди.

— Олиб келасанми ёки ўзим борайми?

— Разил!

— Бермайсанми? Бермасанг зўрлаб олиб келаман, — Зокир калла икки қўли билан бўлажак юзбошисининг томоғидан бўғиб сиқа бошлади.

Темирбекнинг кўзлари олайиб, нафас олиши оғирлашиб бормоқда эди.

VII

«СЕНИ ХҲРЛАТИБ ҚҲЯМАЙМАН, ҚИЗИМ»

— Опа, опажон! — дея югуриб кириб келишди кўчада яхмалак ўйнаб юрган ака-укалар. Гулнора хизматкор ая билан қозон бошида уймалашиб кечки овқатга ҳозирлик кўраётганди. Укаларининг ҳовлиқшида бир ваҳима беркинганини сезиб ҳовлига отилди:

— Тинчликми?

— Опажон!

— Ҳой, навбати билан гапиринглар.

— Поччамни... ноиб поччамни қамабдилар.

— Ким, ким қамайди? Тушунтириб айтсанглар-чи!

Гулноранинг укалари ким қамаганини айтишмади, айтиши олмас ҳам эди. Аммо хиёл ўтмай дарвозахона олдида хизматкор бобо кўринди. Ҳовлиққан, афтидан чопиб келганга ўхшайди, оғир-оғир нафас оляпти. Чол дарвозахонани ичидан қулфлаб, тапба қўйди.

— Нима гап, опоқдада? — бетоқат сўради Гулнора келин.

— Ичкари кир қизим, охир замон бўлди! Куёвингни қамаб қўйишли. Ўз ўғлим деб ишониб юрган кишиси қўлига кишан урибди-я. Ҳаммаёқда босмачи. Ширкатнинг мирзоларини калтаклашяпти энди. Ҳой кампир, ўтни ўчир. Бир кун овқат емасак ўлиб қолмасмиз. Милтиқни олиб чиқ, кошки у зормандани отишини билсам. Ҳойнаҳой буёққа ҳам келиб қолишар. Дарвозахона олдида турай, ичкари кир деяпман, келин. Чироқларни ўчиринглар. Э худойим, охир замон бошланди шекилли.

Хизматкор бобо милтиқни калтак қўлгайлагандек қўл-

тиқлаб дарвозахона томон кетди. Гулнора келин қўрқиб кетган укаларини етаклаб энг ичкаридаги уйга, фақат эри билан икковлари киришга ҳақли бўлган хонага кириб ичидан занжирлаб олди. Базиллаб турган танчага ўтиришиб, ташқарига қулоқ солганча жим қолишди...

Нонбга суюкли хотин бўлганига бир йилдан ошиб қолди. Ҳаммасига аввало ўзи, қолаверса Мулла Маҳмуд акаси сабаб бўлди. Уша сабаблар содир бўлмаганда, ким билади, севгилиси билан қовушиб муроду мақсадига етишган бўлармиди. Қайси қиз ўн олти ёшида қадди букилган мўйсафиднинг қўйнига кириб ўзини бахтли ҳисоблайди, қайси қиз бўзлаб юрган севгилиснинг кўз ёшларини кўра туриб ўзганинг қучоғида ором топади. Бахтсиз, оромсиз кунлари тасбеҳ донасидек бирин-кетин ўтиб борар эди Гулноранинг. Хон Эшон ҳазратларининг папоҳларида туппа-тузук яшаб турган эди. Хат-саводи борлигидан хурсанд бўлиб дуохонликни ўргатаётган эдилар, яхши кийимбош, яхши таомлар ҳам тайёр эди. Тилларидан чакиллаб бол томарди. Аммо Гулнора ўзини эркин ҳис қилмасди, қафасдаги қуш мисол озодликка талпинарди... Қочишга қарор қилди. Қариндошлари бўлмиш Усмонхўжа отанинг уйига боролмасди. Нонб эшитгудек бўлса, бошларига бало ёғдиради. Анови оғзи қон бўри эшитса-чи, ҳай-ҳай, ҳаммаларини чавоқлаб ташлайди! Мулла Маҳмуд акаси билан қочиб кетса-чи, олис-олисларга, бегона элларга кетиб беқикиншса-чи. Кейин укаларини олиб кетишарди, ширингина рўзғор қуришарди... Уша кечаси, Мулла Маҳмуд акасининг уйига қочиб бораётганида, тун қоп-қора пардасини ёйиб бегона кўздан уни эҳтиёт қилиб турди. Мулла акасининг кўча эшигини узоқ тақиллатди. Ниҳоят, аввал чол кишининг томоқ қириб йўталгани кетидан суюклисининг «Ким у?» деган хуш овози эшитилди! Дарвозахонада бир-бирларининг бағрига отилиб мўмиёдек эриб кетишганди ўшанда! Э худо, э парвардигор, қани ўша саодатли дақиқалар, висол онларининг сархуш этувчи покиза ҳислари, шаффоф туйғулари яна бир бор такрорлансайди! Бахтга чанқоқ қалб ўша маст қилувчи тўлқин билан яна бир урсайди!..

Гулнора келин кўз ёшларини артиб дарича ёруғида ташқарига қўрқув ичида тикилиб ўтирган укаларининг бошипи силади. Хизматкор ая кумуш чилопчин билан офтоба кўтариб кирди:

— Қўлингизни ювинг, бекам, ош тайёр.

Чархи лаганда буги кўтарилиб турган хушбўй палов келди. Тақсимчаларда кесилган анор, мурча ўлдирилган

оқ пиёз, қирғичдан ўтказилган турп ҳам қўйилди. Укаларни очиб қолишган экан, ея бошладилар...

Гулнора келин ўйларини тўхтатолмасди. Кейин нима бўлди, деб сўради ўзидан, ...ҳа кейин икковлари қўлтиқлашиб ичкарига киришди. Оғзи қон бўри суюклисини алдаб, ўғирлаганини эшитиб Мулла Маҳмуд акаси тутақиб кетди. Қўлларини мушт қилиб тирик бўлса ундан албатта ўч олажагини айтди. Лекин биргалашиб олис-олисларга қочиб кетиш ҳақидаги фикрга қўшилмади. Нонб жаноблари уни ўзига ўғил қилиб олмоқчи бўлганини, агар тўсатдан йўқ бўлиб қолган Гулнора топилса, уни албатта Мулла Маҳмудга никоҳлаб бермоқчи эканлигини қамоқдан қўйиб юбораётганида қайта-қайта айтган эди. Мулла Маҳмуд нонб жанобларига ишонганди. Албатта, бегона элларда сарсон юриш қаёқдаю, эл қатори тўю томоша қилиб, карнай-сурнай чалдириб, ёр-ёрлар айтишиб ясантусан билан гўшангага кирган қаёқда! Бунинг устига Мулла Маҳмуд акаси тиз чўкиб ёлборар, иш яхшиликча битай деб турганда, шарманда бўлиб қочишнинг не ҳожати бор деб илтижо қиларди. Умид яхши нарса, умидсиз яшаб бўлармикан бу дунёда. Эрталаб Мулла Маҳмуд акасига қўшилиб етимхонага яна қайтиб борди. Ким ўғирлаганини айтишмади. Қочиб кетган экан, мана қайтиб келибди тамом, вассалом. О, ўша куни нонб жанобларининг хурсанд бўлганлари, қизим-қизим дея кўксига босиб бошидан силаганлари!.. Мулла Маҳмуд акасини, ўша содда, оқ кўнгил, бошларини ёқимли силкитиб кулиб боқадиган, мунчоқдек қоп-қора кўзларида ҳамиша меҳру муҳаббат чироғи парпираб турадиган суюклисини қайтиб кўрмади. Пойлоқчи устига пойлоқчи қўйиб ичкарига беркитиб қўйдилар! Э худо, э парвардигори олам икки етимчага атаган яна қанақа ситамларинг бор эди!

Тўй бошланди. Айтишларича бунақа тантанани Риштон музофоти ҳеч қачон кўрмаган экан. Гўшангада Шархоннинг соқоли қиртишлаб олинган юзини кўриб Гулнора шайтонлаб қолаёзди. Қиз қалбида қуюн кўтарилган, бу қуюн дили гулзорини топтаб, суюклисига атаган гулини гижимлаб ташламоқда эди... Мана энди келинчак ҳам бўлиб қолди у. Қўша-қўша олтин тақинчоқлар, қўша-қўша кимхобу атлас кўйлақлар, қўша-қўша хизматқору дастёрлар... Йўқ, нонб жаноблари инсофсиз эмас эдилар. Бир эркакча меҳру муҳаббатлари ҳам бор эди. Катта хотинининг зуғумидан эҳтиёт қилдилар. Қўш хотин бир ҳовлида яшай олмаслигини билганларидан, мана уйлари-ни ажратиб, данғиллама иморат қуриб бердилар. Укала-

рига ҳам меҳрлари ўзгача. Искобилдаги тузем мактабида ўқитиб катта одам қилмоқчилар. Бекзодалардек ясатиб қўйганлар: бошларида чақмоқи телпак, эгниларида баронас тўн, оёқларида ғарч қўйиб тикилган амиркон этикчалар. Пандигонга бориб келишига ҳам икки уч бор рухсат этиб, соябонли араваларга ўтқизиб, хизматкорлар қўшиб бердилар... Аммо муҳаббат бамисоли қушга ўхшар экан. Қафасга тушгач, қафаси олтиндан бўлса ҳам, бари бир ўзи туғилган чангалзорни қўмсаркан, қачон бўлмасин ўша ёқларга бориб парвоз қилишни, ҳамжинслари билан чуғур-чуғур қилиб сайрашиб, рози дил айтишни истар экан... Гулноранинг қалбида ҳозир ўша муҳаббат қуши питирлаб қолганди. Лекин қаёққа учади, Мулла Маҳмуд акасиникигами? Йўқ, у ношуд, ландовур, ҳимоя қиллолмайди! Лекин нега энди ҳадеб у шўринг қурғурни айблай бериш керак экан, у алданди-ку, ахир! Ноиб жаноблари боплаб тузоққа туширдилар-ку, уни. Тузоқда туриб роса талпингандир, унга кўмаклашиш ўрнига наҳотки ҳадеб айблайберса. Йўқ, йўқ у бечорага ҳам қийин. Ўзини осмоқчи бўлибди, арқон узилиб кетгач, падарига минг лаънат бу дунёнинг, ўзингни осиб ўлдиришга ҳатто тузукроқ арқон ҳам топилмайди дебди бечора. Йиғлаб-йиғлаб юргандир ҳозир...

Ташқарида яккам-дуккам отилган ўқ овозлари эшитилди. Хизматкор ая ҳовлиққанча кириб келди. «Бекам, чироқни ўчиринг,— деди шивирлаб,— эшикни ичидан беркитиб олинг дедим-ку, вой нега қулоқ солмайсиз». Чироқ ўчгач ҳаммаёқ зинистон бўлиб қолди. Анову оғзи қон бўри келиб қолса-я! Ҳа, келади у! Ахир шум кампир, шумалоқ кампир у фақат кечаси юради, деган эди-ку. Ноиб жанобларини қамаган бўлса, демак келади. Вой худойим, укалари қаерда қолади энди? Бордию қочиб кетса-чи, қаёққа, кимникига боради? Шу алғов-далғовли кунларда ким ҳам бошпана берарди унга. Йўқ, оппоқ дадаси, Отинбиби аяси кўксидан итармайди. Қачон кўнглинг хоҳласа келавер дейишган.

- Қочамиз! — ўридан туриб кетди Гулнора.
- Қаёққа қочамиз, опа? — сўради катта укаси.
- Пандигонга, — шивирлади Гулнора.
- Нега қочамиз, опа? — сўради кичик укаси.
- Бўри келяпти, бўри!
- Эшик берк-ку, опа?

Йўқ, улар тушунишмайди, ҳеч нарсани тушунишмайди. Тахмон ортида яширин эшикча бор. Ноиб икковларини-

на билишади, холос. Уша ердан чиқиб кетса бўлади. Кетиш: керак, тезроқ, тезроқ...

— Тур икковнинг ҳам!

— Опа, қайтиб келамизми?

— Билмайман, тез бўлинглар.

Гулнора бир сидра кийимини олди. Ноиб жаноблари саодатли дақиқаларда ҳаяжондан энтикиб кўпгина тилла тақинчоқлар, дуру гавҳарлар ҳадя этганди. Ўзиники, ўзининг тавн-вужудидек бўлиб қолганди улар.

Ташлаб кетгиси келмади.

Яширин эшикдан эсон-омон чиқиб олдилар. Қоронғилик ҳамма нарсани ютиб юборибди. Олам фақат шу қоронғилик, зулматдангина иборатдек. Тиқ этган овоз йўқ. Онда-сонда қаердадир эшак ҳанграйди, от кишнайди. Жимлик, тубсиз жимлик чўқади яна. Риштон аҳли қоронғилик ичида эриб, йўқ бўлиб кетгандек.

— Опа, тўхтанг, қўлингизни ушлаб олай,— дейди укаларидан бири.

— Мен ҳам ушлайман,— дейди бошқаси ҳам.

— Қулоқларингни динг қилиб кетинглар,— шивирлайди оналари,— шарпа сезсанглар, дарров ўзимизни панага оламиз, хўпми?

Гоҳ югуриб, гоҳ одимлаб боришади. Тезроқ, тезроқ деб қистайди Гулнора укаларини. Билмайди бу куч қаёқдан пайдо бўлаётган экан, эҳтимол Зокир калланинг яна бир бор чангал солишидан кўрқаётганидандир, эҳтимол олтин қафасдан қутилмоқ имконияти тўсатдан тугилиб қолганидандир, эҳтимол қалбидаги муҳаббат кучи синган қанотларини ростлаб учишга ҳозирланаётганидандир... Тезроқ, тезроқ деб қистайди яна укаларини.

Тун яримдан оққанда, Етти оғайли юлдузи қоқ теппага келган бир паллада Эшон отанинг қўш қанотли эшиги олдига етиб бордилар. Бошларини муздек тахтага босганларича учовлари ҳам бир нафасгина жим туришди.

— Ана келдик!— деди Гулнора ниҳоят бошини кўтариб. Эшикни галма-галдан узоқ тақиллатишди. Қаттиқ ухлаб қолишганга ўхшайди, жавоб бўлавермади. Гулнора, овоз беришса эшитмай қолмайлик дея, қулоғини эшик тирқишига босиб турарди. Бир маҳал жуда эҳтиётлик билан қўйилаётган қадам шарпаси эшитилгандек бўлди. Шарпа эшикка яқинлашиб яна йўқолди.

— Оппоқ дада!— шивирлади Гулнора.

— Кимсан ўзи?— паст овоз эшитилди эшик орқасидан.

— Гулнора қизингизман!

Эшикнинг бир қаноти овозсиз очилди. Учовлари бир-

дан Эшон отанинг қучоғига отилдилар. Инглаб юборишди. Эшон ота хиёл энгашган қўйи гоҳ унисанинг, гоҳ бунисанинг бошини силар эди.

— Бемаҳалда йўлга чиқибсизлар-да?

— Қочиб келямиз, оппоқ дада.

— Қочиб?!

— Ноиб поччамларни қамаб қўйишди,— худди арқилгандек деди Гулноранинг укаларидан бири.— Навқар боши қамади. Кейин бизни олиб қочмоқчи бўлди. Кейин биз ундан олдинроқ қочдик. Кейин-чи, оппоқ дада, биз йўлла отлиқларни кўрдик, ариқнинг ичига беркиниб олдик.

Эшон ота эшикни ичидан беркитиб, тамба тираб меҳмонларни орқасидан эргаштирди:

— Оббо қизим-сэй, оббо жиянларим-сэй, яхши бўпти, худо ҳаққи яхши бўшти. Товба, э товба ҳозиргина тушимда оналарингнни кўрувдима. Ҳовли сулураётган эмиш, э тауба! Хў Отин биби, тур Гулнора қизим келди, жиянларим келди!

Эшон ота ичкари кириб найпасланиб чироқ ёқди. Отин биби ая эснай-эснай ўридан тура бошлади. Эшон ота кўрпачи олиган танча устига ўтириб қучоғини кенг очди:

— Қани, тайлоқлар, бошқатдан кўришамиз. Вой-бўй, ростакан йисит бўи қопсизлар-ку, а! Йисит киши ҳам қўрқармишкан?

— Қўрқдик,— баробар дейишди болалар.

— Қўрқманглар, ўша Зокир калла бу ерга келса нақ оёғини сиңдириб ташлайман. Йе, оппоқ қизим яна йинглапти-ку! Инглама, қизим, ўз уйингдасан, йинглама! Энди сени хўрлатиб қўймайман. Сени хўрлаганларнинг нақ ўттиз икки тишини қоқиб оламан-а.

VIII

«ҚАСОС ОЛАМАН!»

Шакархон ноибни зиндонга олиб тушаётиб, хайрият, бошидан қопни олишди. Олишдию, лекин кимдир орқасига шунақанги бир зарб билан тендики, ноиб зинадан худди гўладек думалаб кетди. Зиндон тубига етгач ҳолсизлик, ҳам қалбидаги аламининг зўридан узоқ ётиб қолди. Кўксини ерга бериб дармонсиз қўллари билан зах тупроқни асабий чангаллаб, пешонасини муздек ерга босганча жим ётарди... Бўлаётган воқсаларга гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас келмай, эҳтимол ҳазил қилаётгандирлар, деб

қўяр, лекин шу билан бирга, Зокир қўрбошининг ҳаракатларида ҳазилга ўхшаш аломат йўқлигини ҳам сезиб турарди. Тирсагига суяниб ёнбошлаб олди. Атроф беҳад қоронғи эканлигини энди пайқади. Бу зиндонни у ўттиз йилларча олдин қурдирганди. Ушандан буён ҳеч тушмаганини эслади. Кимларни ташламади бу ерга. Бир хиллари қочди, бир хиллари озод бўлди, ўлиб кетганлар ҳам беҳисоб эди албатта. «Лекин ҳаммаси ҳам қилмишига яраша адолат билан жазоланган эди,— алам билан ўйлади ноиб,— мени-чи, мени нега қамади бу ерга? Етмича, куни кеча қўшнилариингни товуғини ўғирлаб юрган бир бачча эдинг-ку! Бағримга олиб, бошингни силаб одам қилганим учун айтган раҳматингни бу! Тагинг паст эди, бари бир, пастлигингча қолган экансан-да, қароқчининг боласи. Лекин қайтар дунё дейдилар. Менингни, яхшилигимни билмай, тузлуғимга тупуриб, бошимга қамчи урдингми, худо хоҳласа, сен ҳам кимдандир бошингга қамчи ейсан. Йўқ, сени худо хоҳласа, ўзим қамчилайман. Мени Шакархон ноиб дейдилар, ҳокимликдан айрилганим билан ҳали менинг лак-лак пулларим бор. Хумларда олтинларим, яйловда беҳисоб отларим бор. Йўқ, Зокир калла, худо хоҳласа сенинг хумдек бошингни ўзим пачақлайман. Бу қора қилмишинг учун сендан қасос олмагунча қўймайман. Қалбимда қасос алангаси ёняпти, кўксимда қаҳрли туйғулар мавж ураётгандек — бу қасос! Алқасосу-миналҳақ дейдилар. Номард, сен большевиклардан ҳам ёвузроқ экансан-ку! Ҳарқалай уларда оз бўлса-да, одамгарчилик бор эди. Лекин сенда на одамгарчилик, на инсоф, на диёнат бор экан. Йўқ, олдин сени йўқотаман, сўнгра большевиклар билан олишаман...»

Зиндонхона тепасидаги отхонадан отларнинг депсингани, бетоқат кишнагани ора-чора эшитилиб турарди. Аралаш овозлар кучайди. Кимдир шовқин сола бошлади, кимдир варанглатиб ўқ узди. Отларнинг туёқ товуши дарвозахонадан узоқлашиб кета бошлади. «Ҳайдаб чиқиб кетишди,— аламли ўйлади ноиб!— Ҳаммасини ҳайдашди, эсизгина отлар, эсизгина учқур тулпорларим!» Шакархон ўрнидан туриб кетди. Қаёққа юришини, нима қилишини билмасди, яна ўтирди. Йўқ, буни у шундай қолдирмайди. Ҳалигача бирон рақибини жазосиз қолдирган эмас. Худо хоҳласа, Калла ҳам жазосини олади. Аввало бу ердан чиқиб олмоқ керак. Хўш, қандай қилиб чиқиб олса бўларкан? Наҳотки, ташқаридаги садоқатли хизматкорлар хожаларининг қамалганини эшитмаган бўлсалар, эшитгандир, чора ҳам ахтаришаётгандир. Зокир калланинг бу

одобсизлиги ҳойнаҳой Амирул-муслимин Эргаш қўрбоши жанобларининг қулоқларига ҳам бориб етар. Ана унда бу нонтепкини юзсизлиги учун бўйинини сапчадек узиб олса ажаб эмас. Ахир, ноиб Эргаш қўрбоши жанобларига йигирмата ясатиғлик от, йигирма милтиққа етадиган пул жўнатган. Иўқ, Эргаш қўрбоши Зокир калладек ноинсоф эмас... «Бордию, бу хабарлар Амирул-муслиминга бориб етмаса-чи,— ваҳимаси авж ола бошлади Шакархоннинг,— бордию, бу ҳаракатларни Зокир Эргаш қўрбошининг кўрсатмаси билан қилаётган бўлса-чи? Э, худойим, унда нима қиламан, йўл кўрсат, йўл кўрсатинг авлиёлар! Узим қурган зиндонга ўзимни қамаб ўтирсалар-а. Хўш, мен нима жиноят қилдим? Жиноятим шуки, илон боласини қўйнимга солиб боқдим, оғзимда сут бердим унга! Большевиклар қамаганда бунчалик алам қилмасдир. Сабабки, улар рақибим эди. Аммо Зокир... Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин, отиб ташласалар-а! Иўқ, отмас, унга менинг ўлигим эмас, олтинларим керак. Демак, ҳалибери отмайди. Бордию у билан ярашсам, шартини қабул қилиб, хазиначиси бўлиб олсам-чи? Ҳа-ҳа, худди шундай қиламан. Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўл деганлар. Ичингдан нуратаман сен Қаллани! Мени Шакархон дейдилар, рақибларимни ҳамиша қувлик билан енгганман. Сени ҳам худо хоҳласа, шу йўл билан яқсон қиламан. Қаллангни косовга илиб Риштон бозорини айлантирмасам отимни бошқа қўяман...»

Шакархон пайпасланиб, зинадан кўтарила бошлади. Зиндоннинг қопқоғига етгач тақиллатиб кўрди. Таниш соқчилардан бўлса, ҳойнаҳой ўз хожасининг тақдирига ачиниб ўтиргандир. Ажаб эмаски чиқариб ҳам юборса. Иўқ, ташқаридан жавоб қайтмади. Ноиб яна тақиллатди.

— Ни-ни... нима дейсан?— маст кишининг овози эшитилди юқоридан.

— Мен ноибман!

— Ноиб бўлсанг нима қилай, ашула айтиб берайми?

— Мен Шакархонман, эшитяпсанми?

— Кеча Шакархон эдинг, бугун бандисан, жим бўл!

— Зокирга айтадиган гапим бор.

— Қўрбоши жаноблари майшат қиляптилар, эшитдингми, майшат! Кеча Риштон сенинг ихтиёрингда эди, сен майшат қилувдинг. Бугун бизнинг тасарруфимизга ўтди, биз ўйнаб-куляпмиз. Еяпмиз, ичяпмиз, ичасанми, мусалласдан берайми, ноиб? Ҳа-ҳа-ҳа, йўқ бермайман, озгина қолди. Узим ичаман!.. Хафа бўлманг, ноиб жаноблари, мен мастман, жуда мастман.

— Зокирга хабар бер деяпман.

— Мастман дедим-ку, ўрнимдан турсам, йиқилиб тушман.

— Кимсан ўзи?

— Кимсан? Менми, мен нарвоннинг пастки поғонаси эдим... жаноблари эса юқори поғонаси эдилар... Фалакнинг гардиши билан жаноблари пастдаю, камина юқорига чиқиб қолдим. Дунёнинг ишларини қаранг, ҳа-ҳа-ҳа! Жаноблари пастдаю, биз юқорида! Ичасизми, йўқ, зиндоннинг қопқоғини кўтармайман. Очсам кўрбоши жаноблари мени отадилар... Мен, мен... мен...

Соқчи зиндон қопқоғига йиқилди шекилли, гурсиллаган овоз эшитилди. Ҳаммаёқ яна сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. «Энди нима қилдим-а?— аста-секин пайпасланиб зиндон тубига қайта бошлади ноиб,— наҳотки дунё энди шу ювиндихўрларга қолса. Большовойлар бир бало эди, булар ўн бало бўлади-ку! Яхшиси қутилиб чиқсам, жўнаб кетаман. Афғонгами, Қашқаргами кетганим бўлсин. Молу дунёни қоқ иккига бўламану, ярми Пошшойимники эди, ўзига қайтараман. Қолгани ҳам суюклигим Гулнора иккимизга етади. Иккимиз жўнаб кетамиз. Зеро, худо менга ҳам фарзанд ато қилса, фарзанд ато қилса бутун бойлигим шу етим қизники... Йўқ, кетмайман. Зокирдан ўч олмагунча Риштонни тарк этиш йўқ!»

Шакархон тонг отгунча ухлай олмай ўй суриб чиқди. Икки ўт ўртасида қолганди. Унга Зокир, чапда большовиклар. Қайси бирига қарши курашишни, қайсисидан мадад сўрашни билмасди. Зиндоннинг қопқоғи очилиб, «чиқ, сени кўрбоши жаноблари йўқлаяпти», деган хириллоқ овоз эшитилди. Оқшом маст бўлиб алжиган кишининг овози эди бу. Ноиб шошилиб кўтарила бошлади. Соқчи мўйловдор, девдек улкан гавдали, бадбашара бир йигит экан. Шакархонни олдига солиб тезроқ юрсанг-чи, дея турта-турта маҳкамга олиб борди. Зокир кўрбоши қалин тўшалган кўрначалар устида ёнбошлаб ётган экан. Кўзғалиб чордана қурди. Кутилмаганда нигоҳлари дуч келиб қолди. Икковининг ҳам кўзида бир-бирини ёндириб юборгудек ўт бор эди. Кўрбоши қалин лабларини қимтиб томоқ қириб олди:

— Ноиб жаноблари... кеча сал қизишиб кетдим, узр.

«Туни билан мавшат қилганга ўхшайди,— фикридан ўтди ноибнинг,— ҳаммаёқдан мусаллас билан ачиган пиёзининг ҳиди келяпти. Аёлларни ҳам олиб келганга ўхшайди. Биттасининг рўмоли қолиб кетибди... Наҳс босмай ўл, бу маҳкамани мен қандай покиза сақлар эдим-а!»

— Нега индамайсиз, жаноблари?
— Нима дей? — қалтираб кетди Шакархон.
— Мен билан ишлашга розимисиз?
— Розиман.
— Рост айтяпсизми? — қўрбоши сакраб ўрнidan туриб кетди.

— Ҳеч қачон икки хил гапирган эмасман.
— Демак, большевикларга қарши биргалашиб курашамиз, шундайми?

— Шундай.

— Хазиначим бўласизми?

— Бўламан.

— Бугун, чошгоҳ маҳалида келишилган жойга Афғонистондан милтиқ билан пулемёт келтиришади. Олтин хуржун ўқи ҳам бор. Олтин керак менга, топиб бера-сизми?

— Топиб бераман.

— Қачон беришингиз мумкин? Нониб жаноблари, мени кечиринг, кеча қизишиб кетдим. Мана, ўзингизнинг маҳкамангиз, ўтинг буёққа. Фақат менга тобе эканлигингизни унутмасангиз бас. Қандайки фармон берилса, менинг номимдан берилади. Унутмайсизми?

— Унутмайман.

— Олтинга тезроқ одам жўнатиб.

— Узим бормасам бўлмайди.

— Йигитларимдан қўшиб берайми?

— Мен гувоҳсиз иш қиламан, биласан-ку? Бунинг устига олтинлар Риштонда эмас. Қаердалигини айтмаслигимни ҳам яхши биласан. Намозгар пайтида оласан уни. Янги нониб, лавозиминг қутлуг бўлсин! Энди менга ружат бер, уйимга борай. Туши билан ухламадим, яра-чақаларимга дори-дармон қилишим керак. Ёмон калтакладинг мени, қўрбоши! Лекин сендан хафа эмасман. Аслида ҳаммамиз ҳам ана шундай қаттиққўл, ҳам дадил бўлишимиз керак эди, бўлолмадик. Бўлганимизда большевиклар бунчалик кучайиб кетмасди. Омад сенга ёр бўлсин, ўғлим, энди мен борай.

Зокир калла қайта-қайта узр айтиб, бўлажак хазиначисининг елкаларини силади, йигитларидан бирини чақириб, энг зўр отни эгарлаб келишга буюрди, бошқа бир йигитига эса сен Шакархон жанобларига тушу кун хизматда бўласан, тани-жонларини ҳам эҳтиёт қиласан, деб тайинлади. Шакархон, гарчи отга минадиган ҳоли бўлмаса ҳам, негадир шу пайтда Риштонни отлиқ айлангиси келиб қолди. Ҳокимликдан тушириб, қамоққа олинганли-

ги кеча оқшомдаёқ овоза бўлиб кетганлигини яхши биларди. Овозалар ёлгон, шунчаки бир англашилмовчилик юз берганлигини фуқарога кўрсатиб қўйиш истаги туғилди. Орқасида савлат тўкиб келаётган соқчиларни атайлаб кўз-кўзлаб борарди. Пухта ўйлаган режаси амалга оша бошлаганидан мамнун. Аммо, дарвозахона олдида дили яна вайрон бўлди. Қоровул бобо ярим тунда нўчада қаттиқ отишма бўлганини, отишмадан қўрқмадимикан, деб Гулнора ётган хонага кирса келин ҳам, укалари ҳам йўқ бўлиб қолганини йиғлай-йиғлай айтиб берди.

— Бу ҳақда ҳеч кимга айтмадингизми?— шошилиб сўради Шакархон.

— Кимга ҳам айтардим,— ўпкаси тўлиб деди Қоровул бобо,— сиз қамоқда бўлсангиз.

— Ҳеч ким билмасин,— энтикиб кетди Шакархон,— ҳозирча ҳеч кимса билмагани маъқул.

«Бу Зокир калланинг иши, номард!— йиғламоқдан бери бўлиб ўйларди Шакархон,— Гулнорани бир бор ўғирлаган эдинг, билиб билмасликка олувдим, номард! Йўқ, хумдек каллангни ёғочга илиб, Риштонни айлантирмасам, бари бир, алаимдан чиқмайман!»

IX

ИШҚ ЯРАСИГА ДАВО ВАСЛДИР

Гулноранинг рўзгорини ташлаб Эшон ота хонадонига келиб қолиши қўни-қўшниларнинг майда-чуйда гапларига сабаб бўлди. Биров: «Қизгина қочиб келибди. Ноиб бугун-эрта келиб, қишлоққа ўт қўярмиш», дер, бошқаси «шу замонда қўш хотинни бошимга ураманми, деб ўзи талоқ қилганмиш» деган гапни айтар, учинчиси «Мулла Маҳмуднинг ишқида келганмиш, икковининг касофатига қолмасак гўрга эди», дея ваҳима ичида шивирлар эди. Хайрият, миш-мишлар кўпам узоққа чўзилмади. Юртнинг бошида бундан кўра ҳам оғирроқ ташвишлар кўп эди, ана шуларга андарман бўлган қўшнилар сая кун ўтмай Гулнорани унутгандек бўлишди.

Эшон отанинг хонадонига эса ташвиш кўпайганди. Жон ҳовучлаб яшаб турган бир пайтларида Гулноранинг келиб қолиши ҳаммаларини бир хилда ўйлантириб қўйди. Келинчакни беркитишни ҳам, очиқда қолдиришни ҳам билишмасди. Беркитишса, ноиб астойдил ахтарса, бари бир топиб олади. Очиқда қолдиришса, ҳозир нима кўп —

кутурган босмачи кўп, нима кўп қиз ўғриси кўп, ўғирлаб кетишлари мумкин. Ташвиш тортаётганларини бир-бирларига сездиришмас, Эшон ота уларни мамнуният билан кутиб олгани учун, бошқалар ҳам ўзларини мамнундек кўрсатишар эди.

Хуррият кунни ҳамюртлари қатори Мулла Маҳмуд ҳам калтакланган. Яраси бошқаларникидан оғирроқ. Белидан юқориси томоғигача шишиб, иситмалаб ётибди. Қўшнилариинг айтишича, гоҳо ўзидан кетиб, алаҳлаётган эмиш. Гулнора унинг иситмалаб ётганини эрталаб эшитди. Эшитди-ю, бетоқат бўлиб қолди. Кириб кўргиси, ҳол-аҳвол сўрагиси бор. Лекин, қандай қилиб киради. Эл-юрт кулмайдами. Нима бўлганда ҳам бировнинг хотини у. Бошида эри бўла туриб, унинг рухсатисиз бўй йиғитни кўргани кирса, ҳай-ҳай, урфу одат бор-а!.. Бордию, яширинча кирса-чи, йўқ, Эшон ота, Отинбиби аяларнинг номи ёмон отлиққа чиқади. Эл оғзига элак тутиб бўладими. Атайлаб олиб келган эканлар, яширинча киритиб юборишди, юртга касофати уради, дейишмайдами, дейишади! Чошгоҳ пайтига бориб ҳовли анча холи бўлиб қолди. Ташқари уйда Ҳалимаҳон билан Гулнора ёлғиз ўтиришарди. Ёўза тўла саватни сандал устига қўйиб, чигитини ажратиш билан машғул эдилар. Гулнора Мулла Маҳмуд ҳақида гап очмоқчи бўлар, аммо баҳона тополмасди.

— Опа, хуррият бўлган кунни ҳам бормидингиз? — сўради Гулнора гапни узоқдан бошлаб.

— Бор эдим, — деб қўйди Ҳалимаҳон, — худди қиёмат қойим бўлди. Одамлар бир-бирини лойга қориб ташлашди-я!

— Улганлари ҳам бўлгандир?

— Қипчоқ Пандигонда кимшидир ўлдиришибди...

Гулнора гапнинг давомини Мулла Маҳмуд акасига уламоқчи эди, эплай олмади. Суюклисини ўйлаши билан юзи лавлагидек қизариб, хўрсина-хўрсина жим бўлди. Унинг хўрсиниши Ҳалимаҳонга туртки бўлди, икковлари ўртасидаги ишқ можаросидан хабардор, икковларига ҳам бирдек ачиниб юрарди.

— Ҳалиям уни... унута олганингиз йўқми? — дея сескин сўраб қўйди Ҳалимаҳон.

Гулнора бошини кўтариб кулимсради:

— Кимни айтяпсиз?

— Мулла акамнида.

Гулнора хўрсинди:

— Опажон, сиз менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилардингиз, унута олармидингиз?

Ҳалимахон чиройли қошларини чимириб, оҳиста бош чайқади:

— Шайх Саъдий бир байтларида «Ишқ яраси оғир бўлур, васл анга даво турур», деб битганлар... Бунинг устига нонб ҳам бобопгиз тенги бир киши экан, сизга ачинаман. Лекин, қўлимдан нима ҳам келарди, фақат тасалли беришми? Тасалли эса, сингилжон, ишқ ўтини сўндирмайди, авж олдиради. Нонбникига қайтиб бора-сизми?

— Худо кўрсатмасин.

— Зўрлаб олиб кетсалар-чи?

— Чўнтагимда маргумуш бор,— йиғлаб юборди Гулнора,— ичаману, ҳаммасидан қутуламан-қўяман. Тўйдим бу дунёдан.

— Қўйинг, ундай деманг.

— Йўқ, опажон, чиндан ҳам жонимга тегди. Тезроқ нариги дунёга бориб меҳрибон аяжониму шўрлик дадам билан кўришсам, оёқларига бошимни қўйиб, юм-юм йиғлаб, ҳасратларимни айтсам дейман.

— Вой уят бўлади-я.

— Опажон, бари бир кетаман. Тўйдим бу дунёдан.

— Бу гапингизни оппоқ дадам эшитиб қолсалар борми.

— У кишига ҳам тирик товон бўлдим.

— Гулнорахон, ҳаммамиз сизни бошимизга кўтаряп-миз, оппоқ дадам ўз қизларидан ҳам аъло кўрадилар-ку! Қани чўнтақларингизни кўрай-чи, рост айтган бўлсангиз нақ сочингизни юлиб оламан. Вой ўлмасам, вой шўрим, буни қаердан олдингиз?

— Кеча боққолдан олдирдим,— ҳамон йиғиси тўхтамасди Гулноранинг.

Ҳалимахон шилдироқ қоғозга ўралган маргумушни ўчоққа иргитди-да, Гулнорани бағрига олиб, бошию елкаларини майин-майин силай бошлади. Дашном беришга ҳам, юпатишга ҳам ожиз эди шу пайтда. Лекин, унга, руҳи тушган, ўлим ёқасига бориб қолган қочоқ келинчакка кўнглини кўтарадиган, умидвор қиладиган бирон гап айтгиси келарди.

— Туринг, Муллакамни кўриб чиқамиз,— деди ниҳоят,— аҳволи оғир эмиш.

Гулнора ҳиқиллашдан тўхтади:

— Қўшнилари кулишмасмикан?

— Боғ орқали, ҳеч кимга кўринмай кирамиз.

Гулнора жон-жон деб турган эди, эътироз билдирмади. Апил-тапил кийинишиб, бошларига катта рўмолларини

ҳам ёлиб олишди. Боғ орқали чиқилса анча айланишга тўғри келарди. Лекин, на чора, энг бехатар йўл шу бўлганидан кейин, нима ҳам қилишсин. Гулнора Мулла Маҳмуднинг чорвоғига қадам қўйиши билан қўл-оёғи бўшашиб, ўзини ғалати сеза бошлади. Қизалоқлигида бу боғда кўп бўларди. Урик терарди, шафтоли ерди. Ҳандалак, бодринг олиб қочган пайтлари ҳам бўларди. Ҳозир эса боғ оппоқ қорга бурканиб, сирли мудраб ётибди. Мулла Маҳмуднинг ҳовлиси тўла талаба экан, бири қор кураяпти, бири куракдан қочган қорини катта супурги билан супураяпти, кимдир ўтин ёради, кимдир уни қўлтиқлаб ичкарига ташийди. Мулла Маҳмуд шуларни усули жадидда ўқитаман деб калтак еди, шуларни деб, мана, беҳуш ётибди.

— Ичкарида ким бор?— сўради Ҳалимахон.

Талабалар бошига қора жун рўмол ёпган бу аёллар ҳовлида тўсатдан пайдо бўлиб қолганидан анграйиб қоллишганди. Каттароғи жавоб қайтарди:

— Муллакам, Мулла бобом...

Ҳалимахон Мулла Маҳмуддан ҳам, бир жойда ётиб қолган дадаси Мулла бободан ҳам қочмасди. Бузрукхўжа ўртоқларимнинг ҳеч биридан қочма деб тайинлаб қўйган. Ичкарига кира туриб бошидан рўмолини олди:

— Ассалому алайкум Мулла бобо!

— Э келинпошша, ке, қизим, ке!— Мулла бобо ўғлига ўхшаб жуссаси кичкина бир киши эди. Узоқ ётиб қолганидан озиб-тўзиб кетган, соқоли ҳам ўсиб, эҳтимол шу туфайлидир, қизалоқлар ўйнайдиган соқолли қўғирчоқдеккина бўлиб қолганди. Танчанинг дарича томонида ётган экан. Қўлига таяниб, ўрнидан тура бошлади. — Йўқ, юқорига чиқинглар, — деди энтикиб, — Ҳалимахон, тахмонда якандоз бор, ўзинг ол қизим. Ҳа, баракалла! Қани ўтиринглар-чи, илоё овмин, қадам етди, бало етмасин, ғарибларни йўқлаганларни яратганининг ўзи йўқласин, облоҳу акбар, заб чиқибсан-да, қизим, қалай, Сулаймонхўжа тузукми?

— Оёққа туриб қолдилар,— секингина деди Ҳалимахон.

— Э, хайрият-ей, бу қизимни танимай турибман?

— Қани, танишга ҳаракат қилинг-чи.

— Э, келиним-ей, хонларнинг қизидек башанг кийиниб олибди, қаёқдан ҳам танирдим. Шаҳардан келган меҳмон бўлса керак-да?

Гулнора бетини очмаганди. Танча четига қимтинибги-

на ўтириб, уйнинг тўри томонида оёқларининг учини тан-
чага тикқан кўйи ухлабми, ҳушидан кетибми ётган Мулла
Маҳмудга рўмолининг очиқ жойидан ўгринча қараб-қараб
олаётганди. Қизалоқлигида кўп кирарди бу уйга. Ўша
пайтларда ҳам худди ҳозиргидек чуқур токчалар лиммо-
лим китоб бўларди. Яна кўпайибди. Тахмонга, кўрпа ўр-
нига ҳам бетартиб китоб тахлаб қўйишибди. Ота-бола-
нинг ёнларида ҳам очиқ китоблар бор. Ўқиб ётишган бўл-
са керак. Мулла Маҳмуднинг узоқ дард тортганидан бўлса
керак юзи кичрайиб, қафтдаккина бўлиб қолибди. Кўз-
лари юмуқ. Нафас олиши қийин бўляпти шекилли кўкра-
ги темирчининг дамидек кўтарилиб тушяпти.

— Гулнора қизингиз-ку! — негадир жуда бир қувноқ
овозда деди Ҳалимаҳон.

— Ўзимизнинг Гулнорами?

— Сизлардан ҳол-аҳвол сўрагани чиқди.

— Вой тентаг-ей, ўз дадангдан қочасанми, оч бетинг-
ни! Эсон-омон юрибсанми? Кеча укаларингни кўрувдим,
кап-катта йигитлар бўлиб қолишибди, лекин, рўзгоринг-
ни ташлаб келиб, чакки қилибсан. Ўзинг чиқмаганингда
биров орқали айттирдим. Ҳалиям бўлса қайтиб бор.
Э, болам, иложи бўлса, чумчуқниям уйи бузилмасин бу
замонда.

Мулла Маҳмуд эзилган жойлари мадда олиб, мадда-
дан бутун борлиғига иситма тарқаб, ҳушёрлик билан бе-
ҳушлик оралиғидаги бир ҳолатда ётаркан, бўлаётган во-
қеалар худди тушида юз бераётгандек, шууридан ташқар-
ри, маъносиздек туюлаётганди. «Гулнора» деган сўзни
яққол эшитгандек бўлди. Кўзини очиб, қизга маъносиз ти-
килиб қолди.

— Ана кўзлариниям очдилар, — деди Ҳалимаҳон худди
бунга ўзи сабабчи бўлгандек хурсанд бўлиб, — тузукми-
сиз, Муллака?

Мулла Маҳмуд Ҳалимаҳонни таниди-ю, жавоб қайта-
ролмади. Фикрини ифодалайдиган сўзлари бошининг қа-
еридадир қотиб қолгандек эди. Кўзидан ёш оқиб туша
бошлади. Еш, афтидан, қотиб қолган сўзларни эритиб
юборди шекилли:

— Тузукман, — дея пичирлади.

— Ўғлим, бошингни кўтар. Қўрқитиб юбординг-ку, ме-
ни, — гап қўшди Мулла бобо, — маана, меҳмонлар келиш-
ди, Гулнора синглинг ҳам келган.

— Гулнора... — шивирлаб қўйди Мулла Маҳмуд.

Икковларининг умид, алам, гинахонликка лиммо-лим

тўла нигоҳлари дуч келдию, негадир шу заҳотиёқ яна икковлари ҳам юзларини тескари ўгириб олдилар.

— Тузукмисиз?— ўзининг овозидан ўзи уялиб деди Гулнора.

— Кеча укаларинг чиқувди...— энтикиб деди Мулла Маҳмуд,— Ҳалимаҳон... Сандиқда ёнғоқ бор... Олинг... Гулнора яхши кўради. Кўкрагим қисаяпти... Олинг... Гулнора, яхши келибсан, орқамдан йиғлайдиган ҳеч кимим йўқ эди! Дада, Гулнора келса ёнғоқдан бериб туринг... болаларга ҳам беринг...

Мулла Маҳмуд яна ўзидан кетди. Кичкина боши бир томонга оғиб тушди. Учовлари ҳам йиғлаб юбордилар. Мулла бобо сургалиб бориб, ўғлининг юзига юзини босди:

— Йиғламанглар, худо шифо берса, ҳеч гап эмас.

— Табиб чақиртирмадингизми?— эсига тўсатдан шу гап келиб қолди Ҳалимаҳоннинг.

— Шаҳар узоқ-ку, қизим,— чол сургалиб яна ўрнига қайтди,— табиб отлиққа йўғ-у, бизга йўл бўлсин. Ҳеч вақонм йўқ ҳозир.

— Менда бор,— тўсатдан тилга кириб қолди Гулнора,— оппоқ дада, менда тилла тақинчоқлар кўп. Мана, билагузукларимни олинг, заргарлар ҳар биттасига икки-тадан от беради дейишувди...

Мулла бобо «Бу қанақа бўлди-а?» дегандек қошларини чимириб Ҳалимаҳонга тикилди. Ҳалимаҳон ҳам нима дейишини билмасди. Қўқон заргарлари ғоят нозик ишлаган билагузуклар танча устида, даричадан тушаётган нурда ял-ял ёниб турарди.

— Оббо қизим-ей,— дедию, Мулла бобо уёғига сўз тополмай яна жим қолди. Йўқ дея олмас эди. Шу зорманда яккаю ёлғиз ўғлини ўлимдан олиб қолиши ҳам мумкин. Хўп ҳам дея олмас эди; ахир у бировнинг буюми. Ноиб жаноблари билиб қолса нима бўлади!

Эшон ота билан маслаҳат қиладиган бўлишди. Агар у киши ризолик берсалар ҳовлида ўтин ёраётган талабаларидан бирининг дадасида от арава бор, отлиқни шаҳарга жўнатадиган бўлишди.

— Гулнораҳон, энди кетайлик,— ўрнидан тура бошлади Ҳалимаҳон,— ҳолванинг ози ширин.

— Ҳеч бўлмаса... кўзларини очсинлар.

Ҳалимаҳон Гулнорани қўлтиғидан олиб ўрнидан аранг турғазди. Гулнора қалбини тушуниб, эл-юрт таънасидан қўрқмай, унга раҳнамолик қилган, бир нафас бўлса ҳам кўнглини яйратиб, дилини шод қилган опасининг ортидан эргашиб ғарч-ғурч қор босиб бораркан ҳамон Мулла Маҳ-

муд акасини ўйларди. «Э, худо, унинг дардига шифо бер омон қолсин. Узоқдан бўлса ҳам қорасини кўриб юрсан бас. Э худо, қанақа аҳволга тушиб қолдим яна?.. Наҳотки, қалбимдаги чўғ яна ўт ола бошлаган бўлса... Э парвардигор... уни паноҳингда асра! Агар бир гап бўлгуде бўлса, мени ҳам ўз даргоҳингга оласан чидолмайман. Болалигимда ёнғоқни яхши кўришимни ҳали ҳам эсла юрган экан, унутмабди... Мен ҳам унутолмадим, унутолмайман. Агар, мен бечорани кечиришса, келиб унга ёр вафодор бўлардим. Сочларим билан ҳовлисини сулуриб кўз ёшимдан сувлар сепардим. Майли, элу юрт кулс кулар, олдига ҳар куни чиқаман. Қошида ўтириб бошларини силайман. Кетмайман, энди ҳеч ёққа кетмайман...»

Туш пайтига бориб табибни олиб келиш учун Қўқонга арава жўнади. Савобдан бенасиб қолмайин дея аравакашга Эшон отанинг ўзи ҳамроҳ бўлиб кетди.

Х

ҚҰМИТА РАИСИНИНГ ҚАРҒИШИ

Қўқондан келган табиб инсофли бир киши экан. Даволашга киришишдан олдин олган совғасининг қиммати баланд бўлгани учун эмас, йўқ, отнинг қорни тегадига даражада қалин қор ёғиб Қўқонга жўнаб кетиши мушқубўлмагани учун ҳам эмас, йўқ, ҳуррият куни калтакланган кишиларнинг тақдирига аччиғанлиги учун бу ердан уч ҳафта қолиб кетди. Шу уч ҳафта давомида кўплари оёққа турғизди. Оёққа турганлардан бири инқилоб Қўмитасининг раиси Мақсуд қори эди. Урндан тура солини яна маҳкамага қараб югурди. Мулла Зариф мингбош маҳкаманинг иккови хонасини ҳам эгаллаб, мингбошиликни яна тиклаб олган эди. Мақсуд қори эшик теппасидаги «Пандигон мингбошиси мулла Зариф» деган ёзувини кўрдию, лекин олиб ташлагани юраги дов бермади. Орақасига қайтиб қўмита аъзоларининг уйига бирма-бир кириб чиқди. Бабушкинда, Фарғона ишчилар отрядига қўшилиб Эргаш қўрбоши, Раҳмонқулларга қарши жанглардан иштирок этиб юрган Бузрукхўжадан кетма-кет номаклар келган эди. Аъзоларга ўқиб берди. Уша куни Қўмита яна оёққа турди. Маҳкаманинг бир хонасида мингбоши бошқасида Мақсуд қори ўтириб олишганди. Идора талаш иш учун кун давом этди. Шу талашувлар пайтида бир-бирига ўчакишиб ўттиздан ортиқ фармон беришди.

«Ф а р м о н

Ушбунни фуқарога маълум қиламанким, шу дақиқадан эътиборан Пандигон мингбошилиги бутунлай тугатилиб маъмурият инқилоб Қўмитаси ихтиёрига яна ўтди. Фуқарони инқилобни қўллаб-қувватлашга чақираман.

Инқилоб Қўмитасининг раиси — Мақсуд қори».

«Ф а р м о н

Пандигонда инқилоб Қўмитаси ҳеч қачон бўлган эмас. Элу улусни кофирлар йўлига бошловчи Мақсуд қорининг ўзи гирт тентак бир кимсадир. Жиннилар ва кофирларнинг йўлига юрилмасин. Дину имонимизни эҳтиёт сақланг.

Мулла Зариф мингбоши»

«Ф а р м о н

Инқилоб Қўмитаси фуқарога маълум қилади. Аввалда даълатмандлардан тортиб олиниб батрақларга тақсимланган ерлар яна йўқсилларга қайтарилади. Ер олганлар ва олшини хоҳлаганлар зудлик билан рўйхатдан ўтмоқлари даркор.

Инқилоб Қўмитасининг раиси — Мақсуд қори».

«Ф а р м о н

Бировларнинг мулкига кўз олайтирган инқилобчиларнинг айтгани куфур, егани ҳаромдир. Ҳаромхўрларнинг фармонини бажармоқ гуноҳи азимдир. Узгалар ҳақини егакларнинг жойи дўзахдир. Дўзахиларга ўлим!

Мулла Зариф мингбоши».

«Ф а р м о н

«Қиш эрта тушиб қаҳратон авжига чиқди. Қўпларнинг егани нони, қалагани ўтини йўқ. Бармоғининг кирини сўриб, оёғини эски тўшакка ўраб ўтирибдур. Омборлари тўлиб-тошиб, ортган галласини ертўлаларга кўмиб қўйганлар бор. Аларнинг ортиқча галласини олиб йўқсилларга тарқатмоқ ниятинда саккиз тўда тузилиб, ҳар тўдага Қўмитанинг жойлардаги вакиллари масъул этиб тайинлансин.

Инқилоб Қўмитасининг раиси — Мақсуд қори».

«Ф а р м о н

«Қиш совуғини баҳона қилиб элни талашини, юрт таъмади қилиб турган дону дунни кофир болышовойларга жўнатишини ва шу йўсин Пандигон халқини очдан ўлдириши».

ни ният қилган инқилобчиларни қайси кўчада пайдо бўлса, ўша ерда қора калтак қилиб ўлдиришга фармон берилган.

Мулла Зариф мингбоши»

Фармонбозлик, ва демакки, шу фармонлар орқали халқни ўз томонига ағдариб олиш учун олишув авжига чиқиб борарди. Бора-бора инқилобчилар зўр келиши билан мулла Зариф мингбошининг ошқал-дашқалларини ҳовлига чиқариб ташлашдию, икковни хонани ҳам баробар эгаллаб олишди.

— Хў, Қори, билиб қўй, Зокир қўрбоши қиличдан ўтказди ҳаммангни, — деб ер тепинди мулла Зариф мингбоши.

— Сен ҳам билиб қўй, большевикларнинг лак-лак қўшини бор! — жавоб қайтарди Мақсуд қори.

Пандигонда ҳокимиятни яна қўлга олганлари учун қўмитачилар ўзларида йўқ хурсанд, гарчи ҳуррият кунини еган калтакларининг асорати бутунлай кетмаган бўлса ҳам, кайфиятлари баланд эди. Мадумар карнайчини томга чиқариб карнай чалдирдилар. Эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб қолган чойхонани супуриб-сидириб катта томоша кўрсатиш учун тайёргарлик кўра бошлашди. Мақсуд қори маҳкамада тунаб қолишга ҳозирлик кўриб Русияга бободан танчага ўт қилиб солишни илтимос қилаётган эди. Тўсатдан ташқарида отнинг кишнагани эшитилиш қолди. Хиёл ўтмай хонага кетма-кет икки йигит кириб келди. Икковининг ҳам эғнида беқасам тўн, оёғида хироз, этик, бошларини кўк шоҳи қийиқ билан чиройли боғла олишибди. Елкаларида қўш оғизли милтиқ, кўксиларидан патронтош. «Қўрбошилар!» деб ўйлади Мақсуд қори. Уларга ладю оёқларидан дармон кетиб ўтириб қолди.

— Мақсуд қори сенмисан? — сўради қўрбошилардан бири.

— Менман, — паст овозда деди Қўмита раиси.

— Тур ўрнингдан.

— Уғлим тенги бола... мени сенлама!

— Қўрбошини ўрнингдан туриб қаршилашни ўрган Тур!

Қўрбоши елкасидан милтиғини олаётганди, Мақсуд қори ижирганибгина ўрnidан турди.

— Сенга Зокир қўрбоши жанобларидан фармон келтирдим. Жавобини саҳарда оламан. Соқчи йигитингга айт, биз келганда ит бўлиб ирилламасин, итдек оти ташлайман!

«Мўйлови ҳам чиқмаган йигитча-я, деб ўйлади Мақсуд қори қўрбошилар чиқиб кетгач,— дағдағаси эса Худоёрхонниқидан қолишмайди. Менга ўхшаган бир йўқсилнинг боласи бўлсанг керак. Амалга миниб қутуриб кетибсан, машойиҳлар одамнинг қанақалигини амал бериб синаб кўр деган эканлар... Ҳе амал тегмай қирилиб ўл ҳамманг».

Қўмита раиси қўрбошидан келган фармонни, негадир, ўқигиси келмай анчагача ўй суриб ўтирди. Ҳойнаҳой яхши гап айтилмагандир. «Камбағалнинг оғзи ошга етганда бурни қонаркан,— яна ўй сура бошлади Мақсуд қори,— бурнимни яна қонатишадиганга ўхшайди. Мингбоши Риштонга от чоптириб кетди дейишувди-я. Қўрбошига борган эканда, энди мен ҳам бўш келмайман. Ўлсам ўламан, лекин сенларга ён бермайман...» Пандигон элликбошиси Мақсуд қорига,— дея бошланибди фармон. Элликбоши билан ниқилоб Қўмитасининг фарқига бормайдию, деб гижинди Қўмита раиси, яна бу киши қўрбоши эмишлар,— ушбу фармонни олишинг билан уни тездан бажар. Эртага нонушта пайтигача ўнта от, ўнта милтиқ, йигирмата беқасам тўн, йигирма жуфт хиром этик, минг боғ беда, минг танга пул тўплаб менинг йигитларим орқали бердириб юбор. Фармоним вақтида бажарилмаса уйингни вайрон, бошингни талқон қиламан. Бармоқ босдим, Сардори аъзам Зокир қўрбоши».

«Сардори аъзам бўлмай ўл,— фармон битилган қоғозни гижимлай бошлади Мақсуд қори,— кечагина бировларнинг уйидан тухум ўғирлаб хомича ютиб юрардинг. Энди сардори аъзам бўлиб қолдингми. Падарингга минг лънат, қароқчи, ўғри! Отаиң ҳам ўғри эди, энди сен чиқдингми? Ўнта от эмиш... тавба! Қўмитада от нима қилсин, ўзимиз қарнайчининг эшагини галма-галдан миниб юрибмиз-у. Ўнта милтиқ дейди-я, милтиқ сенга ўйинчоқ бўптида, каллакесар! Қаёқдан оламан уни, Халчабибининг тадири ёнидаги косовни жўнатаманми, э оғзингдан лахта-лахта қонинг келгур. Минг танга пул жўнатармушман, минг танга-я! Бутун Пандигон элини тўплаб Қўқонгача орқасидан тепиб борсам хемири тушмайдию ўшанча пулни қаёқдан оламан, нос пулига чақа тополмай бошим қотиб турибдию...»

Мақсуд қори камоли алами ошганидан йиғламоқдан бери бўлиб ўтираркан, тўхтамай қарғаётганини ўзи ҳам сезмасди. Боши қотиб қолганди уни. Қўрбошининг фармонини Қўмита аъзоларига маълум қилсаммикан деб ҳам ўйлади. Йўқ, бу нотўғри, дея дарҳол фикридан қайтди.

Уларни арабга йиғиб олди. Қўрбошининг дағдағасини эшитиб, аъзолар жонини эҳтиёт қилиш учун яна тарқаб кетши мумкин. Идора эртага яна ҳувиллаб қолади. Йўфармонини уларга ошкор қилмагани маъқул. Лекин нима бўлганда ҳам бир иложини қилмоқ даркор. Нима қил бўларкан? Бордию ёрдам сўраб Қўқонга одам жўнатасми? Йўқ, улгурмайди, муҳлат тоғ пайтигача.

— Овмин, қон қусганингни ўз кўзим билан кўрай! Яна қарғаб қўйди Мақсуд қори.

Бордию, ўзини панага олса-чи, ҳа-ҳа, худди шундай қилгани маъқул. Қўрбоши йигитларини бир-икки бошқариб, тополмагач, ҳафсаласи пир бўлиб кетади қолди...

Мақсуд қори беркинишга қарор бериб уйига жўнади. Бирор жойга беркиниш олдидан болалари, суюкли хотини Хонзода бегим билан хайрлашиб олмоқчи эди. Хотини: «Нега энди ҳадеб бемаҳалга қолаверасиз», дея жараганча пайпасланиб чироқ ёқди. Кетидан: «Вой ўлмасам, рангингиз бир аҳволда, яна уришдимиз?— деб сўради. Болаларининг ҳаммаси бир кўрпада, бир меъёрда пишиллашиб ухлашар эди. Қори энгашиб ҳаммаларининг бошларидан ўпиб чиқди. Сўнг ҳамёнини очиб хотинига пайзуватди...

— Эрталаб болаларнинг нонуштасига иссиқ нон бошлан нишолда олиб бергин.

— Тинчликми ўзи, гапирсангиз-чи,— қистади хотини.

— Бир-икки кунга кетяпман.

— Яна қаёққа?— ваҳимага туша бошлади Хонзода бегим.

— Болаларга яхши қарагин.

— Товба!

— Кейин, аясн...— Мақсуд қори ортиқ гапиролмади. Йиғи келиб томоғини хиппа бўғиб қўйди. Фарзандларини ташлаб кетгани кўзи қиймаётганди. «Бегойим билан болаларимни гаровга олса-я, эринг келгунча ҳеч ёққа чиқмасан, деб қамаб қўйишса-я!— дея ўйлаб борарди Мақсуд қори Қўмита томон қайтаркан,— йўқ, қочмайман. Қўмита сам Қўмитанинг аҳволи нима бўлади. Менга тикилиб кетган балога бошқаларни рўбару қиламанми, эл-юрт нима дейди, номард экан демайдим. Мен кетсам мулла Зариф дарров маҳкамага кириб олади. Кириб бўлсан энди, биз кўз!»

Қори алаmidан ёниб нозик бармоқларини муштга тутиганча маҳкамасига кириб бордию, чироқнинг пилигини кўтариб, қўрбошига жавоб ёзгани ўтирди, Қўксидан

аламни оппоқ қоғоз бетига тўка бошлади: «Яқин кунларда ҳам маҳалла болаларидан калтак еб, иштонингни халта қилиб юрардинг, ўша кунларингни унутдингми, понкўр!»— Йўқ, сал юмшоқроқ ёзшим керак, деб ўйлади Мақсуд қори сўнг: «Сардори аъзам қўрбоши жанобларига» деб ёза бошладиму, сатқан сардори аъзам кет, деб бунисини ҳам йиртиб ташлади. Қайта-қайта ўчириб, қайта-қайта ёзиб ниҳоят кўнглидаги бир ёзувни тайёрлагандек бўлди, оққа кўчира бошлади:

«Зокир қўрбоши! Фармонингни олдим. Аввало шуни маълум қилайки мен элликбоши эмас, инқилоб Қўмитасининг эл сайлаб қўйган баобрў раисидурмен. Қўрбошиларга эмас, Қўқон инқилоб Қўмитасига тобедурман ва демак, сенинг фармонинг мен учун вожуб эмасдур. Менга энди фармон жўнатма. От сўрасанг эшак, милтиқ сўрасанг косов, тўн сўрасанг кафанлик жўнатурман!

Пандигон инқилоб Қўмитасининг раиси Мақсуд қоридурман».

Жавоб мактубини оққа кўчириб улгурмасидан ҳовлини отларнинг дупури қоплаб кетди. Мақсуд қори белини маҳкам боғлаб ўрнидан тура бошлади. Хонага бир йўла олти йигит ёпирилиб кирди.

— Фармонни бажардингми?— сўради оқшомги қўрбоши.

— Қўрбошига мен мактуб тайёрлаб қўйдим,— жавоб қайтарди Қўмита раиси.

— Бер буёққа,— қўлини узун чўзди қўрбоши,— қўлоёғини боғлаб отга ёппа қилинглар!

— Соқчини-чи?— сўради тобеларидан бири.

Қўрбоши мактубни қўлтиғига сола туриб буюрди:

— Орқага олиб ўтиб бўғизла!

XI

МАҚСУД ҚОРИНИНГ УЛИМИ

Риштон музофотини ўз мулки деб эълон қилган ва шунинг билан мулкдорлари томонидан Сардори аъзам деб улугланаётган Зокир қўрбоши Сарқўрғон томонларда ҳаракат қилаётган Мадумар қўрбоши, Яйилма даштларидан тортиб то Ултармагача бўлган ўзбек, қирғиз қишлоқларининг хўжайини ўзимман деб юрган Муслим қўрбошилар, ниҳоят, сендан мен зўр дея калла талашини бас қилиб ярашшига қарор қилдилар. Зокир қўрбошига ҳозирча бас

келиб бўлмайди. Бунни Мадумар ҳам, Муслим ҳам яхш билишади. Зокирнинг икки пулемёти, пулемётдан бехат отадиган турк мерганлари, йигитларига ҳарбий машқ бераётган ўрис аскарлари ҳам бор. Йигитларининг сони ҳа уч юздан ошиб кетди. Ҳозирча унга тобе бўлишдан ўзгаришлари йўқ. Аммо ҳар иккови ҳам пайти келса Зокирни ўлдириб ўзим Сардорни аъзам бўлиб оламан деган пинҳоний бир ният билан тобелликка рози бўлаётган эдилар.

Зокир қўрбошининг ҳам талайгина орзулари бор. «Ҳа, икки қўрбошини ўзимга бўйсундириб олсам,— ўйлайдиму,— йигитларимнинг сони беш юзга етади. Бир кечад Тўйчи қўрбошини йўқ қилса бўлади. Ана ундан кейин Амирул-муслимин Эргашга қарши юриш бошлайман. Бир томондан большевойларнинг аскарлари, бир томондан мен ҳужум бошласак, қўрқоқ, латта Эргаш узоқ дош беролмайди. Эргашга ҳужум қилмоқчи эканимни большевойларга аввалдан маълум қилиб қўяман, уларнинг ишончини қозониб олишим керак. Кейин большевойлар ҳойнаҳой, бизга қўшил, таслим бўл дейишади. Рози бўламан. Таслим бўлиш учун икки минг йигитим билан Қўқонга кириб бораманда, ғафлатда қолган ревкомнинг кулини кўкка совураман. Худо хоҳласа, ўзим Қўқонга хош бўламан. Хонлик тахтида ҳеч бўлмаса бир кунгина ўтирсам эди...»

Уч қўрбоши бир-бирдан чўчиб турганлари учун, мабодо бир гап бўлса қочиш осон бўлсин дея, ўртадаги бир манзилни танлашди. Қишлоқ эмас, йигирма-ўттиз уйдан иборат қўрғонча эди бу манзил. Қўрғончага эрталабдан бошлаб тўда-тўда отличлар кириб кела бошлашди. Улгургани кимнингдир уйига қўнди, отига хашақ солди. Улгурмагани бедовини дуч келган дарахтга бошлаб, иккитадан, учтадан бўлиб суҳбатлаша бошладилар. Ҳар жой, ҳар жойга ёлларни устма-уст қалаб ўт ёқиб юборганлар. Гулханлар ёнида қўйлар сўйилмоқда. Қирқулоқли қозонларнинг бирида палов, бирида биқирлаб шўрва қайнаб турибди. Қўрбоши қанча бўлса, нияти ҳам шунча. Бирнотаси амалдан тушиб қолгани учун кимдандир ўчини олмоқчи, бири бобою бобокалонларидан мерона келаётган еру мулкка йўқсуллар кўз олайтиргани учун ўша кўзларни ўйиб олмоқчи, учинчиси большевойлар динсиз, ўзгаларни ҳам динсиз қилмоқчи дея қаттиқ ишонгани учун дини имон дея қилич яланғочлаб чиққан. Яна бир Фарғона музофоти фарғоналикларга бўлиши керак, йўқолсин келгиндилар дея от ўйнатиб юрибди. Ораларидан шу баҳонада зеро мен ҳам бойиб олсам деб босқинчилик

қилиб юрганлар ҳам, елкасига мажбуран милтиқ тақиб милтиқ таққапидан буён қаёғидан отишни билмай шунчаки от ўйнатиб юрганлар ҳам, ҳамма қўрбошига йнгит бўлганда, мен қараб тураманми дея уларга қўшилиб олганлар ҳам кўп...

Қўрғонча элликбошисининг бир йўла қирқ-эллик киши ош сса бўладиган катта меҳмонхонасида сардори аъзам ўтирибди. Уртадаги чорчўпга катта гулхан ёқилган. Алангасини тепадаги тўйнуқ гувиллаб тортиб турибди. Сардори аъзамнинг ўнг томонида Пири муршид Хон эшон ҳазратлари, чап томонида елкасига погон таққан, ўрисми, татарми эканлигини билиб бўлмайдиган ёш офицер тўра; юртнинг бою бадавлатлари, каттаю кичик амалдорлари ҳар учовларига жпмгина қулоқ солишади. Пандигонли Абдураҳмонбой билан мулла Зариф мингбоши кечикиб келганлари учунми ёки мавқеларига моси шумиди ҳар қалай, қўйроққа чордана қурганлар. Меҳмонхона тўрида, Сардори аъзамга яқинроқ бир ўрнида паҳлавонлардек улкан гавдали, елкалари кенг Мадумар қўрбоши, қотма, теракдек новча, ҳатто ўтирган ўрнида ҳам бошқалардан бир газ баланд кўринаётган Муслим қўрбошилар ҳам жой олишган.

Мадумар қўрбоши бир қўзғалиб олди:

— Сардори аъзам гарчи ёш бўлсаларда ғоят тадбиркор бир йнгитдирлар,— шундай деб даврадагиларга бир-бир назар ташлаб чиқа бошлади Мадумар,— дини имонимизни ҳимоя қилмоққа бел боғлаган эканлар, йнгитларим билан хизматларига бел боглаб келдим. Неки фармон берсалар, мен учун қонун илоҳийдир.

Гап навбати ўзига келганини билиб Муслим қўрбоши чорданасини бузиб чўккалаб ўтирди. Отнинг калласидек узун боши нақ уйнинг шипига тегай деб қолди.

— Сардори аъзам,— дея қўлини кўксига қўйиб ёнбошига, Зокир қўрбоши томонга таъзим қилди,— ниятингиз улуғ, келгиндиларни Фарғонадан қувиб чиқармоқдир. Дажжолдек бостириб келаётган большевойларни қишлоқларга киритмасликдир. Мен ҳам йнгитларим билан хизматингизга тайёрман.

Сардори аъзам салтанатида Хон Эшон ҳазратларига ғоят улуғ лавозим теккан — диния ишлари бўйича бош нозир этиб тайинланган. Бош нозир сифатида ҳаминша қўрбошининг ўнг тарафида турадилар, биринчи бўлиб сўзлаш ҳуқуқига ҳам эга. Қайси юртга бориб турилмасин дарҳол фуқарови тўйлаб маъруза айтади. Мусулмонларни



газовотга чорлаб Муҳаммад алайҳиссаломнинг байроқларини баланд кўтаришга чақиради.

Пир маъруза айта бошлади. Бирлашмоқнинг хосияти, аҳилликнинг фазилати хусусида анча ҳикматлар айтди. Мадумар билан Муслим қўрбошиларни Фарғонанинг мардонавор фарзанди, таңгрининг ардоқли бандаси, пайғамбарнинг суюкли уммати деб улуғлаб, охирида Қуръондан бир оятни тиловат билан ўқиб, савобини дин йўлида жонидан ҳам кечишга тайёр турган ушбу мажлис аҳлига бағишлади.

— Илойи овмин,— деди сўнг икки қўлини уйнинг шиптига теккузгудек чўзиб,— адашган бандасига ўзи раҳнамо бўлсин.

— Облоҳу акбар,— ўтирганлар ҳам фотиҳага жўр бўлишди.

Сардори аъзам енгил қарсак чалди. Остона ортида мулозим кўринди.

— Сарполарни келтиринг!

Ҳар икки қўрбошига бир хилда сарпо кийгизилди: зарбоф тўн, симобий салла. Елкаларига бешотар милтиқ, ёнларига япон тўппончаси тақилди. Мажлис аҳли гур этиб ўришларидан туриб муборақбод қилдилар. Яна юзларга юмшоқ фотиҳа тортилди.

Зокир қўрбоши қарсак чалди.

— Бандиларни келтиринг.

Мақсуд қорини олиб кирдилар. Ялангоёқ, ички кийимда. Қўрбошилар йўлда калтаклашган бўлса керак юзлари ёрилган, кўйлагига оққан қон қотиб улгурмабди, билчиллаб турибди. Зокир қўрбоши уни таниди. Танидию афтини ғалати жийриб:

— Ким бу?— деб сўради овозига салобатли оҳанг бериб.

Мақсуд қорининг қўлини боғлаб отига ўнгариб йўл-йўлакай калтаклаб келган қўрбоши шошилиб жавоб қайтарди:

— Паидигон ревкомининг раиси.

Сардори аъзамнинг қуюқ қошлари хунук чимирилди:

— Ревком?!

— Худди шундай жаноблари.

— Ревком ҳалигача тугатилмаганми?

Қуйироқда ўтирган мулла Зариф мингбоши Абдурахмонбой билан зимдан кўз уриштириб олди. Сўзлаш учун Сардори аъзамдан рухсат сўради.

— Гапиринг,— буюрди Сардор.

— Биз тугатган эдик,— мулла Зариф мингбоши ўрни-

дан туриб узиб-узиб гапира бошлади.— Бу номард ўзига ўхшаган... ялангоёқларни тўплаб олди... Яна элни тала-япти. Мана, бой жаноблари айтсинлар.

Абдурахмонбой рост дегандек саллали бошини қимирлатиб қўйди.

Мақсуд қорн тонг пайтидан буён хўрлик азобини тортмоқда эди. Ўғли тенги бир йигитча уни беҳурмат қилиб, уриб-сўқиб, қўлини орқасига боғлади. Бу ерга келтиргач, кимнингдир молхонасига қамади. Туф десанг тупугинг музлаб қоладиган шу совуқда устки кийимларини ечиб олди. Мана энди бўлса кунни кеча тухум ўғирлаб ютиб юрган бир бола уни сенлаб гапиряпти! Йўқ, алами, хўрлиги фақат шундагина эмас. Анови бир-биридан башанг кийиниб, савлат тўқиб ўтирганларнинг хўмрайиб қарашлари, Абдурахмонбой билан мулла Зарифнинг хўш, аҳволинг қалай энди, дегандек гердайиб тантанавор боқишлари, ана шу мақтаниб, қўнғир пўстинини, мовут чакмоню, сувсар телпагини кўз-кўзлаб ўтирганлар қаршисида ялангоёқ, қўйлакчанг бир ҳолатда ожиз нотавон кўринаётган унинг қалбини хўрлигу аламга лиммо-лим тўлдирмоқда эди. Хўрлиги ошган сари унинг қалбида одам боласининг юқори кўтарадиган, аламларни босиб, оғриқларни тарқатиб улуғлайдиган бошқа бир туйғу — ғурур ҳам ўсиб бормоқда эди. Ҳаммасининг бетига тупургиси, ҳаммасига лаънатлар айтгиси кела бошлади.

— Сен бизга тобе эмасмисан?— сўради Сардори аъзам.

— Мени сенлама,— бошини баланд кўтарди Мақсуд қори,— ўғлим тенги бир боласан.

— Айт, бизга бўйсунасанми, йўқми?

— Сенлама деяпман. Сен қўрбоши бўлсанг, мен инқилоб Қўмитасининг раисман. Менам катта одамман.

Ўтирганлар ваҳима нчида бир-бирларига қараб: «Ҳай-ҳай, шундай улуғ Сардорга гап қайтариб бўлармикан!» дея бош чайқаб қўйишди. Зокир қўрбоши сакраб ўрнидан туриб кетди:

— Фармонимни нега бажармадинг?

Қўрбошининг дағдағаси Мақсуд қорининг қалбида тугилиб, бутун борлиғига ёйилиб, томирларига қувват, юрагига далда бўлиб бораётган ғурурини кучайтириб юборгандек бўлди. Шу пайтда у ожизлигини эмас қаршисида чақчайиб турган қўрбошидан устунлигини исботламоқчи ва шу йўл билан ўзлигини, инсоний қадр-қимматини анови хунук тикилиб турган ёвуз кўзлардан ҳимоя қилмоқчидек эди:

— Мен сенга тобе эмасман.

— Нима?!

— Қармисан, тобе эмасман деяпман.

— Отиб ташлайман!

— Сен мени отсанг сени большевиклар отади. Билиб қўй, Қўқонда лак-лак аскарларимиз бор. Бугун-эрта бу-ёққа юриш қилади. Отахонимиз Ленин замбарак жўнатган. Оташ аравада ўн тўртта замбарак келяпти. Ана унда кўраман сенинг аҳволиингни.

— Тилингни тий!

— Тийсам, тиймасам бари бир бошимни ейсан. Бу ерга мени зиёфат қилгани олиб келганинг йўқ. Ташқарига қурган дорингни кўрдим. Билиб турибман, осасан мени. Камбағалнинг аҳволи шу! Билиб қўй, ўзинг ҳам камбағалдан чиққан эдинг, энди мана бу мингбошиларга хизматкор бўп қолдингми? Аравамнинг орқасидан эргашиб юриб, амаки ҳолвага пул беринг деб юрардинг, эсингдан чиқбди-да? Камбағалга амал тегса кўзи кўр бўп қоларкан-да!

Сардори аъзам жазаваси тутиб сўзлаётган Мақсуд қорининг қоқ миясини мўлжаллаб ўқ узди:

— Мурдасини дорга осиб қўйинглар,— деб буюрди йигитларига,— токи бошқаларга сабоқ бўлсин.

ХИ

ИҲЛОВЧИЛАР

Искобилдан келган кўнгилли ишчилар отрядига қўшилиб аввал Амирул-муслимин Эргаш кўрбошига, сўнг Сирдарёнинг ўнг ҳам чап қирғоқларини ўз ичига олган мустақил пошшолик тузиб олмоқ ҳаракатида юрган Раҳмонқул кўрбоши йигитларига қарши жангларда қатнашган Бузрукхўжа Муртазиннинг сўрови, Қўқон ревкомининг ижозати билан Пандигонга қайтмоқда эди. Елғиз эмас. Муртазин, хабарчи Зулфиқор учовлари келишяпти. Отларини йўлда олдириб қўйишган. Пиёда келишяпти. Кўр ойдин бир кеча. Осмон тўла паға-паға булутлар. Худди савағичдан қочган пахтадек титилиб кўкни қоплаб олишган. Тун унча совуқ эмас, илиққина. Кеча кундузи эриган қорлар ерни лой қилган, шабада теккан жойлари музлаб, тегмаган жойлари билчиллаб ётибди. Гоҳ лой кечиб, гоҳ муз босиб боринияпти. «Говхона»дан чиққач яланглик бошланди. Атрофда довдарахт йўқ, хавфни анча олисдан сезса бўлади.

— Шунақа, Бузруквой,— деб қўйди Муртазин,— ҳозир Фарғонада беш хил куч, беш хил душман бир-бирига қарши турибди. Ҳа, беш хил. Бир томонда большевиклар, умумхалқ адолатини ўрнатамиз деб қўлига қурол олиб чиққан йўқсиллар билан бирлашиб жанг қиляпти. Жанггоҳнинг нариги томонида қолган барча кучлар бирлашиб олган. Биласанми, улар кимлар?

— Биламан,— деб қўяди Бузрукхўжа.

— Йўқ, яхши билмайсан, ўртоқ. Собиқ ҳокимлар, давлатмандлар фаровон яшамоқларининг асоси бўлган ҳокимият қўлдан кетиб қолгани учун қилич яланғочлаб чиққанлар. Яна бир тоифа бу дин пешволари. Большевиклар дини имонимизни ҳақорат қилди деб фуқаронинг жоҳил қисмини газовотга қўзғаяпти. Булар ҳам катта куч. Биз большевиклар буни инкор қилмаслигимиз керак. Учинчи тоифа — бу сохта ватанпарварлар. Биласан, рус буржуазияси маҳаллий халқни қаттиқ талади, тўралар эса қўлоғини боғлаб берди. Ана шу талонга тушган халқ ўртасида ҳозир турклар томонидан тузилган «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти иш олиб боряпти.

— Биламан.

— Йўқ, яхши билмайсан, жўра. Ана шу ташкилот жаҳондаги барча туркларни бирлаштириб давлат тузamideя тарғибот олиб боряпти. Тарафдорлари кўн, қурол кўтариб чиққанлари ундан кўп. Босмачилар орасида ана шу пантуркистларнинг юздан ортиқ офицерлари, агентлари иш кўряпти. Биз бу тоифани ҳам ҳисобга олишимиз ва шунга лойиқ иш тутушимиз керак. Россиядан қочган Тошкентда калтак еган, Самарқанддан қузилган жамик аламзада оқ гвардиячи тўралар ҳам ҳозир Фарғонага йиғилиб қолишган. Инглизлардан, турклардан мадад олишиб, энг катта қирғинни мана шулар уюштиришяпти. Бечора Фарғонанинг пешонаси шўр экан. Қанчадан-қанча йиғитлари билиб-билмай ўзини ўтга уряпти. Саводсиз, оми меҳнаткашнинг бошига бало тошини ёғдираётган жамик қора кучларни бирлаштириб қуроллантираётган ҳам аслида инглиз разведкаси, «Иттиҳоди тараққий»нинг агентлари бўляпти... Колосовнинг аниқлашича, ҳозир Фарғонада юз мингга яқин милтиқ бор. Хўш, бу милтиқлар қаердан келяпти, инглиз етказиб беряпти. Босмачилар қўлида етмишга яқин пулемёт бор. Хўш, буларни қаердан олишяпти, ахир Фарғонада пулемёт қуядиган завод йўқ-ку!

— Чегарадан ўтказмаслик керак эди,— деб қўяди яна Бузрукхўжа.

— Чегарада сотқинлар йўқ дейсанми?

— Колосов қаттиқ туриши керак эди.

— Йўқ, Колосовга ҳам осон эмас. Очқини айтганда кучи стмаяпти... Тўғри, биз ҳозир ожизроқмиз. Лекин бу-гун-эрта қудратли кучга айланамиз. Инқилобнинг пураф-шон ғояси ҳали халқ орасига кириб боргани йўқ. Тарғи-бот ишларини, яъни айтмоқчиманки, шўроларнинг йўқсил-ларга берадиган имтиёзлари нимадан иборат эканлигини тушунтиришни, эшитаяпсанми тушунтиришни деяпман, кучайтиришимиз даркор. Инқилоб ғояси меҳнаткашлар оиғига бориб етмагунча Инқилоб ғалаба қилолмайди. Бу-ни унутмаслигимиз керак... Ҳаракатдаги армиядан сени мен чақиртириб олдим, Риштон музофотида тарғибот олиб борамиз....

Шу йўсин икки ўртоқ суҳбатлашиб бораркан аҳён-аҳёнда тўхтаб орқа-олдиларига бирон хавф йўқмикан дея, назар ҳам ташлаб олишарди. Беш-олти ойдан буён уч-рашмаган эдилар, юракларида ҳасратлари тўплашиб қол-ган экан. Қомил Муртазин Инқилоб йўлида жонини тик-кан йигит. Қайта-қайта қамашлар, қувғинлар унинг руҳи-ни туширмаган. Ўтган йилги ҳуррият балоси қишлоқлар-дан довул қоқиб ўтганда Ўлтармада яшаб турган ҳомила-дор хотини билан тўққиз яшар қизчасини уриб ўлдириб кетишди. Хотини рус эди. Кофир деб мурдасини қабри-стонга қўйдирмадилар. Бу Муртазиннинг иродасини букол-мади. Қайтага Инқилоб ишларига қаттиқроқ берилди. Бузрукхўжа уни устозим деб билади, қаттиқ ҳурмат қи-лади, машаққатли кунларда бир-бирларига суянчиқ бў-лишган, бир-бирларининг кўнглини кўтаришган... Қутур-ган бўрилар уясига бораётганларини иккови ҳам яхши билади. Унга Эргаш қўрбоши, чапда Зокир калла, Олти-ариқ томонда қутирган Тўйчининг йигитлари бор. Йўқ, булар орасида иш юритиш, ер билан яксон бўлган рев-комларни қайта тиклаш, кайфияти тушиб кетган оломон ўртасида тарғибот олиб бориш осон бўлмайди. Ҳар да-қиқада ўлим кутади уларни. Билишади, била туриб хавф-нига дадил кириб боришапти.

Зулфиқор ўттиз-қирқ олим чамаси олдинда боряпти. Суҳбатга халақит бермаслик учун эмас, йўқ, бу суҳбатни у жон қулоғи билан эшитгиси бор, эшитса, эртага чойхо-нага чиқиб тенгқурларига сўзлаб ҳам берган бўларди, йўқ, суҳбатга қаттиқ берилган устозларини ногиҳоний хавфдан эҳтиёт қилиш учун атайлаб олдинда бормоқда. Хўжабуво мозори ёнига етганда тўхтаб орқадагиларни кута бошлади. Йўлнинг ўнг томонида ҳисобсиз қабрлар қоронғида дўппайиб турибди. Чап томони поёнсиз дашт...

— Нега тўхтаб қолдинг?— хавфсираб сўради Бузрукхўжа.

— Уларнинг қабрини кўрсатайми?

— Кечаси-я?

— Нима қипти,— худди узр сўрагандек бир оҳанг деди Зулфиқор,— бари бир улар қабристонда эмас. Мана бу ерга кўмлган. Хон Эшон ҳазратлари мурдаларини қабристонга қўйишга рухсат бермадилар. Кофирларнинг ўлиги мусулмонлар ёнига қўйилмасин деб фатво берибдилар. Жаноза ҳам Рустамбобоннинг уйида яширинча ўқилди... Мана, мана буниси Қори амакимники. Ўзлари ҳам камтаргина эдилар, қабрлари ҳам пасттаккина бўлди. Мана буниси Сотволди амакимники.

— Йе, у ҳам вафот қилдимми?— шошилиб сўради Бузрукхўжа.

— Хатни ўқимадингизми?

— Қанақа хат?

— Ревкомга берувдим-ку, беришмабди-да. Бечора Сотволди амаким-ей, қишлоқ ревкомига бор-йўғи ўн беш куни раис бўлдилар холос. Кечқурун отиб кетишди. Соқчиларда турган Исмоил амакимни бўлса ётқизиб бошини остонага қўйиб болта билан чопишди. Мен кўриб турувдим роса додладим, ҳеч ким ёрдамга келмади... Хатни беришмабди-да?

Ҳаммасини ёзувдим. Хонзода аям эрим тириклигидан хори зор эди, золимлар ўлигини ҳам хўрлашди, энди буюрт менга харом деб болаларини эргаштириб кўчиб кетди.

— Қаёққа кўчади?

— Қишлоқма-қишлоқ тиланчилик қилиб юришга эмиш, исноди пандигонлиларга тегсин деб атайлаб шундай қилаётган эмишлар.

Бузрукхўжанинг қўли муштга тугилиб кела бошлади:

— Қандай чидаб бўлади бунга!

— Чидаймиз, бошқа иложимиз йўқ,— деди Муртазин босиқ бир оҳангда,— чидаган енгади.

— Йўқ, мен бу табаррук қабрларни эртагаёқ қабристонга кўчираман, ўрнига эса қотилларнинг ўзини кўмираман. Йиғлама Зулфиқор, йиғлама ука.

Хўрсинишиб йўлга тушдилар. Ҳар бири ўз ўйи билан банд. Муртазин босмачилар томонидан ўлдирилган суюқли хотини, жажжигина қизалоғини ўйлай бошлади. Қишлоқ билади, ўша машъум дақиқада иккови ҳам фарёд чеки ёрдам сўрагандир, тузоққа илинган қушчадек ўзларини қаёққа уришгандир, қизгинаси дада, дадажоним деб чинқир

гандир. Хотини қандай жон берди экан? Ҳойнаҳой жони чиққунча олишгандур, жони чиқаётганда нима деди экан?.. Бузрукхўжа фикран Мақсуд қори билан суҳбатлашиб борарди. Мусичадек беозор, юмшоқ кўнгил бир киши эди. От минишни, арава бошқаришни Бузрукхўжага ўша ўргатганди. Риштонга ҳам ўша олиб борувди. Ҳалол одам эди. Қўқонга юк олиб борса, бир қоп, ярим қоп ортиқ чиқса, пуллаб қўя қолмасди. Омборчининг ҳақи деб қайтариб келарди. Болажонли эди. Қишлоққа келди дегунча иштонсиз болалар аравасининг ортидан югуришар, бири шотисига, бири ўқига осилиб, амаки, дандон беринг деб уйигача эргашиб боришар, кўпинча бири новвот, бири пашмак еб қайтар ҳам эди. Уйлангунча топганини болаларга едириб юрди. Мана энди, худойи таолло ўзига бир этак бола берганда, ер остида ётибди.

— Ер остида ётибди!— алам билан бош чайқади Бузрукхўжа.

Олдинда бораётган Зулфиқор тўхтаб орқасига ўғирилди:

— Мени чақирдингизми?

— Ҳа,— деб қўйди Бузрукхўжа,— мулла Зариф яна мингбоши бўлди дегин?

— Ўша кунидек маҳкамага кўчиб кириб олган.

— Соқчилари ҳам борми?

— Тўртта соқчиси бор, тўрттовида ҳам бешотар. Ёзувдим-ку, ҳа майли, кечаси ҳам соқчиллик қилишадди. Мингбоши ҳам маҳкамада тунайди.

— Нега, хотини ҳайдаб юборганми?

— Босмачилардан ҳар нафасда одам келиб туради-да.

— Комил ака,— деди Бузрукхўжа.— Ҳозир бошимга бир фикр келди, йўқ демайсен. Мингбошининг маҳкамасини босамиз. Қуролларини тортиб олиш керак, эртага кеч бўлади.

— Икки тўппонча билан бени милтиққа қарши-я,— эътироз билдирди Муртазин,— уйқусираяпсанми дейман?

— Ҳарбий ҳийла ишлатамиз.

Муртазин бир оз ўйланиб турди-да, елкасини қисди:

— Ҳар қалай жанг кўрган йигитсан, қани режангни эшитайлик-чи.

— Зулфиқор сен маҳкама ҳовлисига девордан ошиб тушасан-да, дарвозани бизга очиб берасан. Биз ичкари қадам босганимиз билан шовқин кўтариб, додлаб: «Мингбоши бува қочинг, қишлоқни тўрттинчилар босди. Қўчаларни тўлдириб отлигу шёда аскарлар келаяпти!» деб

бақирасан. Соқчилар уйғонгунча бақираверасан. Кейин ўзингни панага оласан, тушундингми?

— Тушундим.

— Комил ака, энди сизга ҳам бир топшириқ.

— Командир бўлганингдай кейин хўп деймиз-да, айтчи.

— Мен ўзбекчалаб нима деб бақирсам, сиз ўрисчалаб такрорлайсиз. Ўғини менга қўйиб берасизлар.

Маслаҳат маҳкамадан юз одимча бериди, катта чинор панасида бўлаётганди. Панадан чиқиб маҳкама томон шарпасиз юра бошладилар. Тахмин тўғри чиқди. Ёзинқишип икки қаноти ланг очиқ турадиган дарвоза бу кеча беркитилиб, ичидан танба ҳам қўйилган экан. Зулфиқор отхонанинг тоmidан ошиб ўтиб дарвозаларни очиб берди. Очдию, ўзи очган дарвозанинг қанотини дўмбира қилиб чалиб, ҳамма ёқни аскар босди дея бақира бошлади. Мулла Зариф мингбоши Сардори аъзамдан чопар келишини кутиб ўти ўчиб қолган танчанинг бир четиди мулраб ўтирганди. Соқчилари ҳам ёнида, ҳаммалари ярим уйқу, ярим уйғоқ бир ҳолатда эдилар. Ваҳимали овозни эшитиб, чўғ босиб олгандек сакраб ўринларидан туриб кетишди. Худди шу пайтда қизил аскарларнинг командири, аллакимнинг ўлими ҳақидаги ҳукмини ўқиётгандек бир оҳангда буйруқ бериб қолди:

— Взвод, буйруғимга қулоқ сол, маҳкама қуршаб олинсин. Ташқарига чиқмоқчи бўлганлар отиб ташлансин!

— Ғафлатда қолибмиз!— шивирлади соқчилардан бири.

— Ўрислар босганга ўхшайди!— деди бошқаси.

Учинчи соқчи ҳам бир нарса демоқчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаган эди, маҳкаманинг эшиги зарб билан очилиб, остонада икки барваста аскар кўринди. Икковининг ҳам қўлида яланғоч тўппонча, ўқталиб туришибди.

— Милтиқни ташла ҳамманг!— бу овоз ташқаридан келдими ёки кириб келаётганлар айтдими -- соқчилар биллолмай қолишди. Қўлларидаги милтиқ ўз-ўзидан ерга тушиб кетгандек бўлди.

— Елкангдаги ўқдонни ҳам еч!

Шам хира ёнаётганидан хона нимқоронғи эди. Соқчилар ўқдонларни ечиб ерга ташлаганларидан кейингина қаршиларида турганлардан бири Бузрукхўжа эканлигини билиб қолишди.

— Менн танидиларингми?— шивирлади Бузрукхўжа.

— Таниб турибмиз,— бир овоздан шивирлашди ҳамқишлоқлари..

— Худога айтганларинг бор экан,— яна шивирлади Бузрукхўжа,— бу ерга вакил бўлиб мен кирдим. Бошқаси кирганда ҳаммангни отиб ташларди. Ҳозир сизларни қочириб юбораман. Отлар қасрда?

— Отхонада.

— Отларга тегманглар, қўлга тушасизлар. Отхонанинг бурчагида ташқарига гўнг чиқариб ташлайдиган туйпукча бор. Уша ердан қочинглар. Бошқа ҳамма томон қуршалган, отиб ташлашади. Акрамбой, бунча имиллайсан?

— Ҳовлидан қандай ўтамиз?— сўради соқчи Акрамбой.

— Эмаклаб ўт, даданга салом айт.

— Раҳмат ака, бу яхшилигингизни ўлгунча унутмайман.

Соқчилар қуршовдан эсон-омон чиқиб кетаётганлари учун ҳақ-таолога шукроналар айтишиб, бирин-кетин кўздан йўқ бўлдилар. Хонага кираётганларида кимдир ўзини танча ичига урганни Бузрукхўжа ҳам Муртазин ҳам сезганди. Хона тўғрисидаги қозинда катта қора пўстин, қундуз терисидан чиройли тикилган телпак осибди. Сал берироқда қўнжи узун, товони баланд этик ҳам бор. Булар ҳойшаҳой мингбошиники. Демак, танчага ўша беркилган. Бузрукхўжа жўрасига танчани очманг дея ишора қилди-да:

— Қани, ўтирайлик-чи,— деди. Ўтирашгач, икковлари ҳам кулиб юборишди. Кўксиларини тўлдириб узоқ кулишди. Бузрукхўжа ниҳоят кулгидан тўхтаб икки қўлини кўвача қилди-да, «ташқарида қолган аскарлари»га баланд овоз билан фармон бера бошлади:

— Взвод, буйруғимга қулоқ сол! Дарҳол йўлга тушилсин, Булоқбоши қишлоғига бориб мингбошининг уйи қуршовга олисин, ўзи отиб ташлансин, молу мулки мусолара қилинсин!

ХIII

ФАФЛАТ УЙҚУСИ

Ташқари совуқ бўлгани учун мажлисини чойхонада ўтказмоқчи эдилар. Аммо одам йиғиб бўлмапти. Ҳамма юрак олдириб қолган экан, мажлисини дарагини эшитиб ўзларини ё касалликка солишяпти, ёки панага беркиниб олишяпти. Ниҳоят, эллик чоғли одамни бир амаллаб йиғишди. Йиғилганлар мабодо отишма бўлиб қолса, қайси даричадан қочсам экан деб кўзларини аланг-жаланг ўтири-

шар, кўпчилиги ушбу мажлис бирон наф келтиришга ишонмас, оқибати яна вой бўлади деб ўйлашарди. Шўролар ҳукуматининг номи бору, ўзи йўқ, бўлса ҳам жуда олдда у. Қўрбошилар бўлса мана икки қишлоқ нарида турибди. Шу туфайли одамлар қай томоннинг этагини тутишни билмасди.

Мажлис ҳайъатига Муртазин, Бузрукхўжа, Рустам бобо учовлари сайланишди. Ҳурриятда калтак еб рамақтажон бўлиб қолган Рустам бобо бирон тайинли гап айтмас ҳам, икки ўғли қизил аскар бўлгани учун юртда обрўйи баланд эмасми, обрўйи учун сайлашди уни. Пандигон Инқилоб Қўмитасининг етти аъзосидан фақат шу чолгина қолган. Иккисини отиб ташлашди, карнайчи билан қизқчиларни қўл-оёғини боғлаб тоққа олиб чиқиб кетишган. Мажлис бошланиш олдидан Рустам бобонинг таклифи билан уч киши ташқарига чиқариб юборилди.

— Гап ўғирлагани келган бу хотинталоқлар,— деб ўзини оқлаган бўлди Рустам бобо. Маъруза айтиш навбати Муртазинга берилди. Шошмай узоқ гапирди. Муштига йўталиб-йўталиб гапираркан Пандигон йўқсилларига Қўқон ревкомининг раиси Бабушкиндан салом топширмоқчидан. У киши сизларга алангали салом айтди ва сизларни, Инқилобга катта ҳисса қўшган, инқилобдан олдинроқ Қўмита тузиб эркинлик, тенглик ғояларини эзилган эл ўртасида тарғиб қилган сиз марду майдонларни табриклар қўйишни Бузрукхўжа икковимизга топширдилар, деди-да, яна муштига йўтала бошлади:

— Ўртоқ Бабушкин доҳиймиз Лениннинг сафдоши, демак, Бабушкин орқали пандигонлиларни доҳиймиз табрикляпти...

Чойхона эшиги ёнида омонатгина чордана қуриб ўтирган ўрта ёшли бир киши қўл кўтарди:

— Мулла ака, бир саволим бор?

Комил Муртазин сўзлашдан тўхтади:

— Айтинг саволингизни.

— Қўқонга аллома Лениннинг ўзи келармиш, шу гап ростми?

— Эҳтимол келиб ҳам қолар,— деб қўйди Муртазин негадир кулимсираб,— унинг келишини ҳозир жамики йўқсиллар кутяпти.

— Рухсат берсангиз яна бир савол. Бу кеча Пандигонга қизил аскарлар келган эмиш деган мишмиш тарқайди, бунга нима дейсиз?

Муртазин бир нафас иккиланиб турди, нима деса бўларкин? Зимдан Бузрукхўжа билан кўз уриштириб олди:

— Қизил аскарлар олти чақирим нарида Серова истанциясида турибди. Уша ерда қўриқчи пост тузилган. Энди босмачилардан қўрқмай эркин яшайверасизлар.

Ҳар томондан норозилик саволлари, пичинг, кесатиқлар эшитила бошлади:

— Қизиллар келса хотинларимиз расво бўларкан-да!

— Саллаликки бор, қилчдан ўтказишаётган эмиш.

— Гўшти хом ейишармиш.

— Молу қўйларни ҳайдаб кетишаётганмиш!

— Елгон!— қичқириб ер тепинди Комил Муртазин, — босмачилар, инқилоб душманлари тарқатган бу мишмишларни. Ҳаммаларингизни заҳарлаб қўйибди улар. Қизил аскар кимлигини билмас экансиз. Бу — мен, бу — Бузрукхўжа, бу — Рустам бобонинг ўғиллари! Алҳамдिलилло ҳаммамиз ҳам мусулмоимиз. Сизларнинг эркингиз, ҳаққу ҳуқуқингиз учун қон кечиб юрган ўз фарзандингизга туҳмат қилгани уялмайсизми! Йўқ, бу гаплар сизлардан чиққан эмас. Озодлик душманлари тарқатган бу мишмишларни. Ҳазовот деб қишлоқларни айланиб юрган Эшон ҳазратлари, ҳокимият қўлдан кетиб қолган собиқ амалдорлар, еру мулкидан ажраб қолишдан қўрқаётган давлатмандлар тарқатган бу гапларни. Сиз бирингизнинг оёгингизда этик йўқ, ялангоёқ ўтирибсиз, бирингиз гуппи чопонсиз елкангизга шолча ташлаб ўтирибсиз, бирингиз, уйингизда егани нои йўқ, бола-чақангиз тишининг кирини сўриб ўтирибди. Сиз йўқсиллар шу гапларга ишондингизми, уят эмасми!

«Пандигон қўлдан кетиб бўпти,— ўйлай бошлади Бузрукхўжа,— одамларнинг кайфияти бузуқ. Инқилобга ишонч йўқ. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Ўнгирма тўрт масжиднинг йигирма тўрт имоми, мутаваллилари, қишлоқ оқсоқолларини, судхўрлар тинмай тарғибот олиб борапти. Биз-чи, биз нима қиляпмиз? Қиш ичи бирон тарғиботчи, инқилоб сиз йўқсиллар учун бўляпти, деб тушунтирадиган бирон воиз келдими ўзи? Йўқ! Биз одамларни диндорлару ҳокимлар таъсирга яна бериб қўйибмиз. Яхшиси, энди кетмайман. Шу ерда қоламан. Ишни қайтадан бошлайман. Ҳамқишлоқларимни ёмонлар таъсиридан қутқаришим керак, қутқараман ҳам».

— Шундай, ўртоқлар,— ҳамон ҳаяжонга тўлиб гапиряпти Муртазин,— инқилоб давом этади. Пандигонда буни сиз давом эттирасиз. Марказий ҳукуматимизнинг топшириғига биноан жойлардаги кичик қўмиталар бирлаштирилиб ревкомлар ташкил этилади. Қишлоқларда эса ижроия қўмиталар тузамиз. Ижроия қўмита бу нима, би-

ласизми? Бу ҳукумат дегани. Яъни Марказий ҳукуматнинг укаси дегани.

— Эҳтимол ўгай жиянидир,— гап ташлади кимдир.

Муртазин бир хўмрайдию муштирага бир-икки йўталиб олгач яна давом эди:

— Қўмиталарга чексиз ҳуқуқлар берилди. Инқилобни ҳимоя қилиш, еру сув тақсимоти. Иўқсилларни бирлаштириб жамоа тузиш. Тушунарлими?

Ўтирганлардан садо чиқмади. Бирови бошини эгиб, бирови елкасини қисиб, яна бири шеригига тикилганча кўзини қисиб жим ўтирибди.

— Тушунарлими? — тақрор сўради Муртазин.

— Гапираверсангиз... тушуниб қолармиз,— деб қўйди бурчакда ўтирганлардан бири.

Муртазин яна хўмрайди. «Бир соатдан буён деворга гапирибман-да. Нима бало ҳаммасининг қалби музлаб қолганми?», деб ўйладию, жаҳли чиқа бошлади. «Ҳаммаси лоқайд,— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— инқилоб қўмитаси бўладими, ижроқўм бўладими, буларга бари бир. Босмачи юрагини олиб қўйган».

— Қўмитанинг раиси, муовини ва котиби бўлади,— тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади Муртазин,— хўш, раисликка кимни сайлаймиз?

Жимлик яна кучайгандек бўлди. Онда-сонда кўтарилиб турган саллали бошлар ҳам яна пасайиб кетди.

— Тавба, нега жимсизлар? Хўш, амаки, сиз нима дейсиз?

Мажлис ҳайъати ўтирган сўрининг шундоққина ёнида чўкка тушган ўрта ёшли бир киши, бошқа одам қуриб кетганми дегандек, елкасини қисиб шошмасдан ўрнидан турди:

— Нима дей, меҳмон?

— Раисликка кимни сайласак бўларкан?

— Ҳа энди, меҳмон битта-яримта ажали етганини сайлаймиз-да.

Муртазининг жаҳли чинакамига чиқди, қошлари чимирилиб кетди:

— Нега ундай дейсиз?

— Чунки, меҳмон, бугун сайласак, эртага бари бир отиб кетишади-да.

— Ким отади?

— Ким бўларди, босмачи-да.

— Босмачидан шунчалик кўрқиб қолдиларингми? Ўтиринг!

— Йўқ, меҳмон, ҳамонки ўрнимдан турғиздингиз энди бирон гап айтий-да. Эшон бола, яъни Бузрукхўжа Лениннинг одамими? Агар шунақа бўлса ва яна ўша улуғ зот билан вақти-вақти билан гаплашиб ҳам турса шу болани бизга раис қилиб ташлаб кетинг. Узиям батариғина, хат-саводни бор. Шакархон поибдек зўравон билан олишган. Босмачига шу бас келмаса, бошқаси бас келолмайди.

— Яхши,— деб қўйди Муртазин, чеҳрасидаги ҳалиги жаҳл аралаш тундлик йўқола бошлади,— муовинликка кимни тавсия қиласиз?

— Ҳаммасини менга юкламанг-да, меҳмон.

— Ўтиринг бўлмаса!

— Ҳа майли, айтсам айта қолай. Меҳмон, илгариги пошшолар ҳам ўзи ёш бўлса вазирликка атайлаб кексаларни таилар экан. Бузрукхўжа ҳали ёш, қизикқон. Агар ёнингизда бармоғи билан соқолини тараб ўтирган Рустам бобо хўп деса ўшани сайласак. Ўзлари ҳам хийла донишманд бир киши. Қўмитага аъзо бўлганда дон улашган. Ҳозир одамлар оч. Оч қорин билан ҳалиги сиз айтган инқилобни ҳимоя қилиб бўлмайди. Энди меҳмон буёғига ҳам қулоқ солинг. Ўзи одатим шунақа. Аввало гапирмайман. Аммо бир гапга тушсам атрофимдагилар қочиб кетгунча гапирaveraдиган одатим бор. Яъни саркотибни ҳам ўзим кўрсатиб қўя қолай демоқчиман. Қўшним Мулла Маҳмудни кўрсатаман. Илмдор бола, ўзи ҳозир бетоб. Бугун-эрта оёққа туриб кетади. Ушани сайлайлик демоқчиман-да.

Муртазин, бошқа тавсиялар ҳам борми, дея ўтирганларга қайта-қайта мурожаат қилди. Йўқ, яна ҳеч биридан садо чиқмади. Қайтага ҳалиги мўйсафид сўзлаётганда кўтарилган бошлар яна аста-секин эгилиб туша бошлади. Уч номзод бир йўла овозга қўйилди. Хайрият, қўл кўтаришни пайсалга солмадилар. Биттаси бошлаб берган эди, бошқаларни ҳам жўр овоз бўлиб бирлашиб кетдилар. Фақат бошига оқ бўздан ихчамгина салла ўраган, чуваккина бир йигитча қўл кўтармай ҳамон бошини ҳам қилганча жимгина ўтирарди.

— Сиз-чи, ўртоқ?— қўлини бигиз қилди Муртазин,— овоз бермайсизми? Йигитча ҳушёр тортиб уёқ-буёғига қараб олди.

— Менми?

— Ҳа, сиз, ё қаршимсиз?

— Йўқ, муллака, меннинг таҳоратим йўқ эди.

Енида ўтирган бошқа бир йигит пиқ этиб кулдию, шошилиб гапира бошлади:

— Муллака, бу ўртоғимнинг таҳорати йўқлиги тўғри. Келганидан буён орқасидан овоз бериб ўтирибди.

Даврада босинқи кулги кўтарилди. «Аския бошлашнинг мавриди келди. Аския, қизиқчилик бўлмагунча пандигонлиларнинг руҳи бирлашмайди ўзи. Аския айтиб қизишиб олгач, жангга десанг ҳам орқангдан бораверади», дея фикридан ўтказди Бузрукхўжа. Сўнг баланд овоз билан: «Жамолбой!» деди-ю Муртазин хўмрайиб турганини кўриб жим қолди. Муртазин янги сайланганларни табриклаган бўлди. Ишларига ривож тилади. «Мажлисни энди янги раисимиз давом эттирсин», дея қайтиб ўрнига ўтира бошлади.

Бузрукхўжани ҳалидан буён ҳамюртларининг лоқайдлиги, бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар дея қўл силтаб ўтиришлари қийнаётган эди. Бирон чора топсаму, мудраб ётган бу одамларни уйғотиб юборсам деб ўйлади. Лекин бу чора нимадан иборатлигини билмасди. Сўз тегиши билан: «Бордию, Мулла Зариф мингбошини уч сафдошимизнинг қотили сифатида ҳозир, мана шу ернинг ўзида суд қилсам-чи?— деб сўради ўзидан,— ишқилобнинг ҳам ўзига хос қаттиққўллиги, зўравонлиги, жиноятни жазолашга қодир эканлигини кўрсатиб қўйсам-чи! Ҳа, худди шундай қиламан. Токи ўтирганларнинг кўнглидаги ваҳима, босмачилар солган даҳшат тарқалиб кетсин».

Қўли орқасига боғланган, қўрққанидан қони қочиб, ранги қув ўчган, ваҳима ичида жуссаси яна ҳам кичрайиб кетгандек кўринаётган Мулла Зариф эшик олдида пайдо бўлиши билан ҳамма унга ўгирилди. Нигоҳларда ғазаб ҳам, нафрат ҳам, ачишиш ҳам аралаш эди.

Бузрукхўжа уни қотилликда айблаб, маъруза айтди. Уч бегуноҳ банданинг қонини ичган қонхўр деб атади. Қотил сифатида унга ўлим жазоси лойиқлигини айтди. «Хўш, сизлар нима дейсизлар?» деб сўради охирида. Бир нафас жимликдан сўнг чойхона ичи гувиллаб кетди:

— Ўлдирмаслик керак!

— Айб унда эмас.

— Лекин бир-икки тарсаки уриш керак.

— Қон тўкилмасин.

— Босмачининг одамига тегиб бўлмайди.

— Тиз чўкиб тавба қилсин.

— Яхшиси қўйиб юборинглар.

Бузрукхўжа Муртазин билан бир-икки бор кўз уриштириб олди.

«Кайфият ёмон! Ҳар бирининг қалбида босмачи ваҳимаси. Ҳа, Пандигон аҳли ваҳима ичида қолган,— яна ўйлай бошлади Бузрукхўжа,— қўрқув қалбларига маҳкам ўрнашиб ўзлигини, инсоний ғурурини, қалбида қатқат бўлиб ётган ўч, қасосини унутишга мажбур қилган. Лоқайд бўлиб қолган ҳаммаси...»

Комил Муртазин кечга яқин Риштонга жўнаб кетди. Жўнаш олдидан дўстини бағрига босиб: «Сенга қийин бўлади», — деб қўйди.

— Сезиб турибман, — хўрсинди Бузрукхўжа.

— Гафлат уйқусида булар. Аста-секин уйғотасан. Лекин шошма, ваҳ деб чўчитиб юборма. Уйқусираб қулоғининг тагига тарсаки тушириб қолишлари ҳам мумкин.

XIV

ЗҲРЛИҚҚА ЗҲРЛИҚ

Бузрукхўжа ишни нимадан бошлашни аллақачон режалаб қўйган. Оёқости бўлиб ётган уч инқилобчининг қабрини пода жойдан олиб қабристоннинг энг обод, кўркам, катта толлар соя ташлаб турган хилватгоҳига кўчирмоқчи. Икки мақсадни кўзда тутиб бажармоқчи бу ишни. Биринчи инқилобчилар ўз сафдошларининг ўлигини хўрлатиб қўймаслигини эл-юртга кўз-кўзлаш. Иккинчиси, мурдаларни қабристонга қўйишга рухсат бермаган Пири муршидга большевиклар ул зотнинг иродасига бўйсунмаяжакларини, демак босмачидан ҳам, диндорлардан ҳам қўрқадиган жойлари ҳам йўқ эканлигини элу юртга кўз-кўзламоқчи.

Мулла Маҳмуд ҳали жуда дармонга кирмаган бўлса ҳам, қўқонлик табиб яна беш-ўн кун ўрнингда ётасан, деб айтиб кетган бўлса ҳам, янги лавозимга тайинланганини эшитиб, оёққа туриб кетди. Маҳқамага келиб иш бошлаб юборди, эртаю кеч қоғозларга кўмилиб нималарнидир қитир-қитир ёзиб ўтирибди.

Бузрукхўжа жўрасига мурожаат қилди:

— Маҳмуд, ҳар қалай сен мадраса кўрган йигитсан, Қани айт-чи, мурдани бир қабрдан олиб бошқасига қўйиш дини исломга зид эмасми?

Мулла Маҳмуд қўлидаги қаламнинг учини тишлаб бир оз жим турди:

— Гапингга тушунмадим.

— Тушунмасанг, тушунтириб айтай, Пандигон эли-

нинг юздан тўқсон тўққизтаси диндор, художўй. Пайти келиб диннинг зарарини ҳам тушунтирармиз. Лекин ҳозир уларни ранжитиб, қалбни тирнашга ҳаққимиз йўқ. Шариятда йўл кўп. Шундай бир йўлни топайликки, бизни кофир деб тошбўрон қилшмасин. Хўш, шариятда йўл борми?

— Бор, — Мулла Маҳмуд меннинг билимдонлигимни бу ерда ўтирган бошқа йигитлар ҳам билиб қўйишсин деб атайлаб қаттиқ-қаттиқ гапирга бошлади, — ўтмишда бундай ҳодисалар кўп бўлган. Чунончи, жангу жадалда шахид бўлганлар, селу офатда лой остида қолиб кетганлар ва яна турли сабаблар билан хели-хешидан олисга дафн этилганларнинг ҳоқларини, ҳоқ эгасининг ижозати билан кўчирмоқ мумкин. Фақат қабр очилаётганда «Инояти ушрук» оятини ўқиб турмоқ даркор.

— Сен ўша оятни биласанми?

— Чалароқ.

— Ким тўлиқ билади?

— Ўрта масжид мутаваллиси Шодивой қори яхши билдилар.

— Салимжон, — дарича олдида милтиқ кўтариб турган йигитга мурожаат қилди Бузрукхўжа, — ҳозир бориб қори амакингни олдингга солиб келасан, жўна! Каримбой, биламан сизларда от бор. Даданга айт бериб турсин, «Бордон»га борасан. Мақсуд қори амакиннинг болалари уша қишлоқда экан. Аравага юклаб кел. Дадаларингга қайта аза очамиз деб айт. Олимқул, ука сен ҳам ўрнингдан тур, ҳаммангни бугун синаб кўраман. Сотволди аканнинг уйини биласанми?

— Қўшнимиз-ку, — деб қўйди йигитча.

— Уйларига бориб айт, дадаларини бошқа қабрга кўчирамиз. Ижроқўм кўчиради де. Тайёргарлик кўришсин.

Шодивой қори ижроқўм идорасига савлат тўкиб, ўтирганларни менсимагандек бир алфозда, оғир саллали бошини баланд кўтариб кириб келди. Йигитчаларнинг саломига алик ҳам олмади. Утиришга жой кўрсатишган эди, лабини буриб қўя қолди. Бузрукхўжага шундай бир хушук тикилдими, қани энди индамас милтиғи бўлса-ю, отиб ташласа. Бузрукхўжа ҳам хўмрайиб ўрнидан тура бошлади.

— Тақсир, ўтиринг деяман!

— Гапингни айтавер, — овозини яккам-дуккам тишлар орасидан чиқариб деди Шодивой қори.

— Бизга ёрдамингиз керак, — жўраларимизнинг ҳоқини қабристонга киритмабдилар, хўрлабдилар, биз инқи-

лоб йўлида шаҳид бўлган дўстларимизнинг қабрини Хўжабуво мазорининг энг обод жойига кўчирмоқчимиз.

— Пир муршидининг фатволарисиз бу ишга қўл уролмайсан,— зардали бир овозда деди Шодивой қори.

— Фатвои сиз берасиз!

— Ҳеч қачон.

— Бермайсизми?

— Йўқ!

— Демак, сиз ҳам инқилоб душмани экансиз-да! Салимжон, инқилоб номидан буюраман, инқилоб душмани Шодивой қорини отхонага олиб кириб отиб ташла!

Уч-тўрт йигит бирдан ташланиб Шодивой қорининг қўлини орқасига қайира бошлашди. Бузрукхўжанинг уни отиб ташлаш нияти йўқ эди. Шунчаки қўрқитиш учун айтган эди. Аммо мутавалли уни чин деб тушунди. «Босмачилар унинг йигитларини отган эди, у ҳам мени отиши мумкин-ку, ахир!— деган ваҳимали фикр чарх уриб ўтди Шодивой қорининг бошидан,— ундан кейин ўрис тўралари билан ошу қатиқ бўлиб юрган Пир муршидининг лафзини инки қилмайман деб нега энди қурбон бўлиб кетар эканман! Қолаверса Мақсуд қори мусулмон эди-ку. Қало-мулло шарифни ёд биларди-ку!» Остонага етганда Шодивой қори оёғини қаттиқ тираб орқага тисарилдию: «У Эшон бола, майли даданг ҳурмати шартингга розман», деб қўйди.

— Қўлини бўшатинглар!— буюрди Бузрукхўжа ва «бундан сўнг ана шундай ёлгондакам дўқлардан фойдаланман, қўл келаркан», деб ўйлади.

— Бу қизил тумшукларнинг ичида эшон ҳазратларига қарашлиси йўқми?— қўрқа-писса сўради Шодивой қори,— агар йўқ бўлса, гапнинг очигини айтиб қўя қолай. Қори кофир эмас эдилар. Қабристонга кўмайлик деб ўзим ҳам кўп ёлворувдим, Пир муршид кўнмадилар.

— Нега дарров кўна қолмадингиз?

— Пир муршид билан олишиб бўлмайди. Хўп, эшон бола, қандай топширигинг бор менга?

— Пешин намозидан сўнг намозхонларни қабристонга бошлаб борасиз.

— Ҳаммаси бормайди. Ундан кейин ҳазратнинг зуғумидан мени эҳтиёт қилишга сўз ҳам беришинг керак, жон ҳаммага ширин, Эшон отанинг ўгли.

— Инқилоб ҳимоя қилади сизни.

Уша куни, пешин намозидан сўнг Бузрукхўжа орзусининг ярмига эришгандек бўлди. Марҳумларни қайта кўмиш Уйрат Пандигон халқини ҳам руҳан, ҳам жисман

бирлаштириб юборди. Марҳумларнинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, жигаргўшалари дайди итдек кўчанинг нариги юзига, подахонага кўмилгани учун аламларини кимдан олишни билмай пинҳона оҳ чекиб юрган эдилар. Қабристонни эркагу аёлнинг йиғиси қоплаб кетди. Жудо бўлгани учун бир йиғласалар, кун-кеча хорзор бўлиб оёқ остида қолиб кетган мурдалар энди улугланиб қабристоннинг кўркама бир ўрнига, одам боласига кўрсатиладиган энг сўнгги ҳурмат-эъзоз билан қўйилаётганлиги учун икки бора йиғлар эдилар. Шодивой қори сўзининг устидан чиқиб маъруза айтди, «Шаҳид кетдингиз, ҳамқишлоқларим, худо хоҳласа, бир вақт келиб қабрингиз зиёратгоҳга айланур», деб йиғламаса ҳам, худди йиғлаётгандек бир оҳангда сўзлаб, йиғлаб турган қариндошларнинг қалбига бот-бот тўлқин солди.

Кексалар билан қайтаётган Усмонхўжа ота ўғли етиб келгунча кутиб турди-да:

— Хўп савобли иш қилдинг-да, болам, — деб қўйди, — ўликларни эъзоз қилсанг, тириклардан ҳурмат кўрасан.

Эшон ота яна бир нарсаларни айтмоқчи бўлиб ҳозирланаётган эди, ўғли «кейин» деди-да, жадал юриб ўтиб кетди. Ҳеч шубҳа йўқки, бугун қайта дафн этилганларнинг қотиллари мулла Зариф, Абдураҳмонбой, Махсимча баққоллар инқилобчиларнинг бу ҳаракатини кечиришмайди. «Чакки қилдинг» деб очиқ айтмайдилар ҳам. Аламлари ичида қолади. Навбатдаги қотилликка ҳозирлик кўришади. Йўқ, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак. Гарчи қотил сифатида жазолаб бўлмаса ҳам бошқа йўл билан популарини пасайтириш мумкин. Зарба устига зарба егандагина душман довдирайди. Довдирамагунча уларни енгиб ҳам бўлмайди. Уч бойнинг уйида тинтув ўтказиб ортиқча бойлигини тортиб олиш ҳақида Бузрукхўжа Ижроқўмнинг фармонини тайёрлаб қўйган. Уни ҳозир ижро этмоқчи. Шунинг учун ҳам дадасига «кейин», деди-да, жадал олдинга ўтиб, билагига қизил таққан йигитларни ўша ёққа бошлади.

Мулла Зариф уйида йўқ экан. Эркаги йўқ хонадонга бостириб киришни лозим топмай Бузрукхўжа йигитларини Абдураҳмонбойникига бошлади. Бой уйида эди. Иссиқ танчага бағрини бериб, катта хотини билан майиз ейишиб, қайноқ-қайноқ чой ҳўплаб ўтиришган эди. Йўлакдан кетма-кет кириб келаётган милтиқли йигитларни кўриб, турмоқчи бўлиб бир қўзғалдию қорни катта эмасми, туролмади. Хонага кириб келаётган Бузрукхўжага хўмрайганча тек қотиб қолди. Бир оздан сўнг тилга кириб:

— Уч олгани келдингми, босқинчи!— деб қўйди.

— Ҳа, ўч олгани келдик,— шерикларига бир қараб қўйди Бузрукхўжа.

— Қўлингда милтиғинг бор экан, от бўлмаса,

— Хонадонингизда неча жон бор?

— Билмайман.

— Билмасангиз мен ҳисоблаб бераман,— Бузрукхўжа бармоқларини букиб санай бошлади,— эру хогин икковларинг, икки ўғил, икки келин, набиралар ва бошқа ҳовлида турадиган кичик хотинингиз, ундан фарзандингиз йўқ шекилли, жами — ўн икки жонсиз. Ўн икки жонга олти ойга етадиган дону дун қолдириб ортиғини Ижроқўм ихтиёрига оламиз.

— Нима?— бой яна бир қўзғалди.

— Рўзғор анжомларини ҳам.

— Нима-нима?!

— Бир ўзингизга қирқта гиламнинг ҳеч кераги йўқ. Бир умр бўйра устида яшаб ўтаётганлар бор. Қулоқ солинг.

Бузрукхўжа чўнтагидан қоғоз чиқариб баланд овоз билан фармон ўқий бошлади: Абдураҳмонбой хўмрайганча қотиб қолганди. Гап йўқ, сўз йўқ, энтикади холос. Катта хотини додлаб юборди. Ташқарида ҳам келину набиралар қий-чув кўтаришди. Қий-чув кўтарганларни кўзи очиқ ҳолда қотиб қолган боболари олдига киритдилару, икки милтиқлини қоровул қўйиб, рўзғор анжомларини рўйхатга ола бошладилар.

Уша куни намозгар пайтигача бойнинг ҳовлиси билан Ижроқўм маҳкамаси ўртасида аравалар қатнови тўхтамади. Махсимча баққол кўп нарсасини беркитган экан. Уч-тўрт қоп қанд-қурс, баққоллик моллари, бир қоп Керенский замонида чиқарилиб ҳозир муомаладан қолган қоғоз пул ва бир мис кўза кумуш танга топдилар. Мулла Зариф мингбоши бўлса жуда қизик бир иш қилди. Кечга томон Ижроқўм номига узундан-узоқ мактуб ёзиб келди. Мактубда шўролар ҳукуматини тан олиб, большевиклар томонига ўтгани ва буving исботи сифатида Дашт кўчасидаги данғиллама ҳовлисини Ижроқўм ихтиёрига берганлигини маълум қилиб, Ижроқўмдан кичикроқ бир лавозим беришини сўрабди. «Уйини тиштув қилдиришга йўл қўймапти,— ўйлади Бузрукхўжа,— демак, у ерда бир гап бор...»

Уша кечаси тун яримдан оққанда Абдураҳмонбой Махсимча баққол, Мулла Зариф учовлари бой жанобларининг меҳмонхонасига тўпланишиб, чироқни ўчириб қўйиб,

нақ тоғ пайтигача маслаҳат қилишди: Ижроқўм идорасига ўт қўйиш, Бузрукхўжани отиб ўлдиришга қарор қилиб юзларига қаҳрли фотиҳа тортишди.

XV

«МЕН УЗ ҚОРНИМНИНГ ҚАРНАЙЧИСИМАН»

Шодивой қори билибми, билмайми ёки Пири муршиддан ўч олиш имконияти (Илминг йўқ деб Қорини ҳамиша камситиб келардилар) туғилиб қолганидан хурсандмиди, ҳарқалай, Ижроқўмга хизмат қила бошлади. Бою бадавлатлардан тортиб олинган дону дунларни оч халққа тарқатиш мумкин бўлмай қолди. Кимдир туни билан ухламай уйма-уй юриб: «Буларнинг ҳаммаси ҳаром» деб гап юритганга ўхшайди. Оқшом тарқатилган қоплар қайтиб кела бошлади. Шодивой қоридан бу ишга ҳам аралашинини илтимос қилдилар. Йўқ демай Катта масжид имомати номидан фатво битиб «Олло таолло инояти билан тортиқ этилаётган ушбу дон она сутидек пок ва яна ҳалолдур», деган сўзларни ёзиб берди. Фатво кўп нусхада кўчиртирилиб ҳар қопга биттадан солиб қайтадан жўнатилди. Бузрукхўжа ишлари ривож топиб бораётганидан, сал кун ўтмай фуқарони Ижроқўм таъсирига паққос ўтказиб олиш имконияти туғилаётганидан ўзида йўқ мамнун эди.

Чошгоҳ маҳалида Ижроқўм ҳовлисига катта саман отга миниб Мадумар карнайчи кириб келди. Кўкрагига қўрбоши йигитларига ўхшатиб патронтош тақиб олибди. Елкасида милтиқ ўрнида буклаб осилган карнайи бор.

— Ҳў, ким бор, отни ушла!— деб дағдаға қилиб кириб келмоқда эди.

— Қўрбошига ўхшаб дўқ урма,— деб қўйди эринибгина ўридан тураётган қоровул.

— Қўрбошига ўхшаб эмиш, қўрбошиман-ку, кўрми-сан!— баттарроқ дағдаға қилди карнайчи,— жиловидан ушла, овсар!

Қоровул ёрдамида отдан тушган Мадумар елкасига осган карнайини олиб деворга суяди-да, гупиллаб қадам ташлаб, ичкарига, Бузрукхўжанинг ҳузурига кириб борди. Икковлари қучоқлашиб кўриша кетдилар, узоқ кўришдилар. «Оббо Эшон бола-ей», дер эди учрашганига чинакам хурсанд бўлиб карнайчи. «Оббо ўзимнинг аскиячи акам-ей!» дер эди Бузрукхўжа ҳам худди томошада йўқотиб қўйган акасини топиб олган ёш боладек севиниб:

— Қачон келдингиз?

— Оқшом келувдим, — кигиз устига чордана қура бошлади Мадумар карнайчи, — қани овмин, қадам стди бало етмасин, қўрбошининг ишига худо ривож бериб, бутун олам мусулмонобод бўлсин, облоҳу акбар! Ие, нега потиҳа ўқимайсан?

— Дуоингиз сал ғалатиروқми? — қошларини чимириб сўради Бузрукхўжа.

— Ғалати деганинг нимаси, Эшон бола?

— Босмачиларни дуо қиладиган бўп қопсиз?

— Аравасига тушгандан кейин ашуласини ҳам айта-миз-да.

— Бир вақтлар инқилоб Қўмитасининг аъзоси эдингиз?

— Қўй, ўша инқилоб деган бўлмағур гапларингни. Ундан кўра гапир, аҳволинг қалаи, Эшон отам бардаммилар? Қайтиб кетаётган эдим бирров аҳвол сўраб ўтай дедим.

— Қаёққа кетяпсиз?

— Қаёққа бўларди, Сардори аъзамнинг ҳузурларига-да. Энди ука, хафа бўлма, мен ўшаларга паққос қўшилдим. Нега кўзинг олайиб кетди, хўмрайма. Инқилобчи бўлиб сенлардан нима наф кўрдим. Нуқул калтак едим. Қўрбоши бўлса йигитларини калтаклатиб қўймайди. Сен, эсингдами, ҳурриятнинг дарагини эшитиб Қўқонга қараб жуфтакни ростлаб қолдинг.

— Мени ревком чақирган эди.

— Э, ука, қўйсанг-чи, ўша ревкомингни! Битта ревком Мақсуд қоримиди? Пус деса курк товукдек пусиб ўтирибди. Кўпчиликка мурувват қилди, менга қолганда масжид орқасидаги вақф ердан бир таноб бериб мана шу ерда деҳқончилик қиласан дейди. Нима мен сўфиманми, вақф ер беради! Қўрбошилар мард йигитлар. Тўғри, зўрлаб, қўл-оёғини боғлаб олиб кетишди, лекин борганимдан кейин ҳурматимни жойига қўйишди. Сардори аъзамнинг ўзи етти авлоди эшак миниб ўтган, мендек бечорага от миндирди. Бир ҳовуч кумуш танга ҳам ҳадя қилди. Елгилмас қўшинимнинг бош карнайчиси бўласиз, деб фармон берди.

— Ў, жуда катта лавозим тегибди-ку!

— Э, лавозимни қўй, ҳурматимни айтмайсанми! Қайси юртни босиб олсак карнайни хўп ўхшатиб чалдингиз деб дарҳол сарпо кийгизишади.

— Ҳали юртларни ҳам босиб оляпсизларми?

— Билмасанг билиб қўй, яқинда Сўхни ҳам қўлга

киритдик. Тўйчи қўрбошини дайди итдек қувиб юбордик. Ундан кейин Исфарада Ислом қўрбоши билан жаиғ қилдик. Ҳазир тонготар пайтида карнайни шунақанги ва ранглатиб чалдимки, тоғу тошлар ларзага келиб кетгандек бўлди. Отлар кишнаган, милтиқлар гумбурлаган! Ислом қўрбоши Исфара бегининг қизига оқшом уйланиш айшу фароғат кўрпасида маст бўлиб ётган экан. Шер-юракли Сардор от қўйиб кириб, бургутдек човут солиб қизни олиб чиқиб кетибди, ана, йигит деган мана бунақ бўлади! Сардори аъзам ниятлари катта, худо хоҳлас пошшолик тузмоқчилар. Риштонни пойтахт деб эъло қилдилар. Лекин ўзларида ҳам савлатдан бор-да. Кўрганмисан?

— Кўрганман.

— Сен кўрганда ит ражиган ошиқдек кичкина эди. Ҳозир кўрсанг, эгниларида шоҳона либос, бошларида сымобий салла, мўйловларини хиёл қимирлатиб қўйсалар ўнта мулозим югуриб келиб чўкка тушади.

Яқингинада аввал камбағаллар, сўнг инқилоб Қўмитасига аъзо бўлган, аъзо бўлган пайтларида ҳақсизлик ва тенгсизликка қарши куйиб-пишиб гапириб юрган бо одам тўсатдан босмачилар томонига ўтиб кетганига, бу тун борлиғи билан уларнинг қора қилмишини оқлашиш Бузрукхўжа ишониб, ишонмай ўтирарди. «Ҳазил қиляти,— деб ҳам ўйларди баъзан,— жиддийроқ гапи бо охирироғида айтади шекилли».

— Эшон ҳазратлари ҳам сизлар билан биргами?

— Бўлмаса-чи! — юз-кўзлари бирдан нурланиб келди карнайчининг,— азамат йигитларнинг олдида ўша киши борадилар-да, Ғазавотга, кофирлар билан жангга ўчи киши чорляптилар-да. Лекин, укам тоғ ичида у кишининг обрўлари баланд экан. Қайси қишлоққа кирсак, каттаю кичик Пирим келибдилар деб ўзини оёқлари ости ташлашади-я! Эшак миниб юрган бу ҳазратда ҳикмат келган экан, чинакам авлиё эканлар.

— Тўртинчилар билан ҳам ҳеч рўбарў келдиларингми?

— Ҳозирча... йўқ.

— Босмачиларнинг кайфияти қалай?

— Қўрбошиларни сўраяпсанми? Ҳар хил. Қочиб кетган таётган онкўрлари ҳам йўқ эмас.

— Нега қочишади?

— Ким билади дейсан. Масалан мен, худо хоҳлаганинда ҳеч ёққа қочмайман. Устим бут, қорним тўқ, остида гижинглаган от. Дини-имонимизни ҳимоя қилаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилган.

— Бас қилинг энди, ҳазилчи,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Йўқ, Эшон бола, рост айтяпман,— шавқу завқ билан сўзлашда давом этди Мадумар карнайчи,— аслида шу гапларни айтиб кетай деб сенинг ҳузурингга кирган эдим.

— Ҳасанбой билан Ҳусанбойлар-чи, улар ҳам сизлар билан биргами?

— Бирга, лекин Сардори аъзам бугун-эрта отиб ташламаса деб қўрқаман.

— Нега отади?

— Иккови ҳам ота тарбиясини кўрмаган бола-да. Бўлмаса қўрбошининг тузини ичиб тузлуғига тупуриб юришармиди. Анови кун қирғизлар қишлоғига тушган эдик, одам демагани еру кўкни қоплаб кетган. Иккови қўғирчоқ ўйнатадиган бўлди. Бир маҳал чодир орқасидан ликонглашиб иккита қўғирчоқ чиқиб кела бошлади. Бирининг боши бор, бошқасиники йўқ. Боши бори «хў ўртоқ, кимсан?» деб сўради. «Қўрбошиман» деб жавоб қайтарди униси. «Қўрбоши бўлсанг нега бошинг йўқ?» деб сўради буниси. «Бошим йўқ бўлгани учун ҳам қўрбоши бўлганман-да!» деб жавоб қайтарди униси. Томоша кўриб ўтирган Сардори аъзам бир қўзғалдию, хайрият индамади. Томоша давом этди. Чодир орқасида иккита қўрбоши кўринди яна. Ҳар йигитларки, мўйловининг ўзи юракка даҳшат солади. Мен зўрман дейди биттаси, мен зўрроқман, дейди бошқаси. Бир нафасда дон талашган жўжа хўроздек тепкилашиб кетишди. Шу пайт Қачал полвон пайдо бўлди-да, мен халқ фарзандиман, икковингдан ҳам ўзим зўрман, деб бошларига муштлаб ерга киритиб юборса бўладими!.. Ана, кўрдингми, ҳамқишлоқларинг қанақа бемаза ишларни қилиб юришибди. Яхшики, Сардор инсофли одам. Икковини ҳам бир кечадан қамаб қўйишга фармон бериб, томошахонадан чиқиб кетди. Ишқилиб янаги келишимда ака-уканинг ўлигини аравага юклаб келмасам гўрга эди.

— Шунақа гаплар денг?

— Ҳа, Эшон бола, мана шунақа гаплар. Ижроқўм тузиб олибсан, қуллуқ бўлсин.

— Мадумар ака, ҳазилчи бас қилинг. Жиддийроқ гаплашиб олайлик. Қачон қайтасиз?

— Қасққа қайтар эканман?

— Сиз Пандигонда Инқилоб байроғини баланд кўтарган йигитлардан бири эдингиз. Босмачиларга қўшилиб юриш сизга ярашмайди.

— Эшон бола, қўй, менга ташвиқот қилма. Мен қаер-

да қорним тўйса, ўша ерда карнай чалиб юрган бир кишиман. Очигини айтсам, мен ўз кўнглимнинг карнайчисман. Кўнглим хоҳлаган жойда мискарнайимни вот-вот қилиб юраверамаи. Дадангни яхши кўрганим учун сенга бир айтиб қўяй, ўзингга эҳтиёт бўл. Хўп хайр, Эшон отамга салом айт.

Бузрукхўжа анчагача ўзига келолмай ўтирди. Наҳотки, бу гапларни у ўнгида эшитган бўлса! Наҳотки, умри хўрлик ва зорликда ўтиб бораётган Мадумар карнайчидек бир киши шу хўрлик ва зўрликларга абадулабад чек қўйиладиган дақиқалар яқин қолганда ўз оёғига ўзи кишан уриб, қулликка ўз ихтиёри билан яна қайтса. Қизиқ, одам боласининг руҳи табиатан эркинликка интилади-ку? Озодлик инсон руҳи яйрайдиган бир чаманзор-ку. Қизиқ, Мадумар акадек кишилар эркинлик деб қорнининг тўйиши, устининг бут бўлишини тушунаркан-да. Қорни тўқ, усти бут одамларнинг руҳи абадулабад озод ва эркинимкан? Хўрлик, ҳақсизлик-чи, наҳотки, Мадумар акалар хўрлик ва ҳақсизликни ҳис қилмайдиган даражага бориб қолишган бўлса, руҳ сўниб, виждон ўлиб, қалблардаги қасос ҳисси бутунлай тугаб битган бўлса. Йўқ, Мадумар акалар неча бор хўрлангани учун зорланган, ҳақсизлиги учун ер муштлаб фарёд чеккан! «Унда нега энди яна хўрликка қайтди экан? Эркини, ихтиёрини ўз рақибига бериб қўйиб шу рақибнинг маслаги учун курашининг ўзи бир хўрлик эмасми?— ўйларини ҳеч тўхтатолмас эди Бузрукхўжа. — Йўқ, булар ўзини, ўзлигини, қалбининг туб-тубида нималар беркиниб ётганини англаб етмаган кишилардир. Тарғиботни кучайтиришимиз керак, фақат шу йўл билангина қутқарамиз уларни».

— Мулла Маҳмуд,— деб чақирди Бузрукхўжа. Сўнг уюшган оёқларини уқалаб ўрнидан тура бошлади. Даҳлизда нималариндир ёзиб ўтирган Мулла Маҳмуд бир варақ қоғознинг четидан ушлаганча кириб келди:

— Чақирдингми?

— Чақирдим, дўстим. Хўш, карнайчининг гапларини эшитдингми?

— Эшитдим.

— Кечаги инқилобчи бугун унинг душманига айланиб ўтирса, буни қандай тушуниш керак?

— Буни шундай тушуниш керакки, инсон қалби ҳам руҳияти гоят мураккаб бўлади, азизим. Яъни инсоннинг қалб оламида ички ва ташқи кучлар таъсирида тез-тез ағдар-тўнтарлар ҳам бўлиб туради.

— Ақлли йигитсан-да, Маҳмуд.

— Шунинг учун ҳам бошим ҳеч калтақдан чиқмайди-да.

— Ўзинг-чи, ўзингнинг қалбингда нима гаплар бўляпти?

— Менинг руҳимда ҳам инқилоб бўлиб ўтди. Эсингдами, жўра, қамоқдан қочаётган кунинг мен большевикларга ҳеч қачон қўшилмайман, жамиятда ниқилобсиз ҳам адолат ўрнатиш мумкин деган эдим. Шакархон ноибларни маърифатли қилсақ бас, жамият ўз-ўзидан яшнаб кетади, яъни зулмни маърифат билан даф қиламиз, деган эдим. Шакархон тулки экан. Уғлим-ўғлим деб юриб, суюқлигимни тортиб олди-я. Хон эшон ҳазратлари бўлсанам эшакнинг ўзи. Лекин одамларга ҳам ҳайронсан. Шу жоҳилнинг орқасидан эргашиб юришибди-я! Мен бир ўлимдан қолган одамман, ўлим билан узоқ олишдим. Гоҳ ўзимга келиб, гоҳ ўзимдан кетиб ётган пайтларимда кўп нарсаларни ўйладим. Энди сен билан биргаман. Муртазинга айт, большевиклар рўйхатига мени ҳам ёзиб қўйсин. Қичкинагина амал бериб қўйганинг учун айтаётганим йўқ бу гапларни. Ростини айтсам котиблигинг менга ёқмай турибди. Мен ўша болаларнинг чуғур-чуғури ичидан айрайман. Мактаб очиб бер менга!

— Маҳмуд, бу сенмисан?

— Йўқ, жўра, қаршингда бутунлай бошқа Мулла Маҳмуд ўтирибди.

— Дўстим мени беҳад хурсанд қилиб юбординг-ку. Қарнайчи қалбимни ғуссага тўлдирган эди. Сен шодликка тўлдирдинг! Мен ҳам энди сени хурсанд қиламан. Очиғини айт, Гулнорани ҳамон севасанми?

— Севаман, дўстим, севаман. Тирик эканман ундан бошқасини демайман.

— Эр қилгансан деб юзига солмайсанми?

— Унта эр қилганда ҳам, бари бир у меники эди. Лекин, Бузрук ҳали у ноибнинг никоҳида-ку? Талоқ хатини олгани йўқ.

— Тупурдим унақа никоҳларга. Сўратувда қизнинг розилигини эшитиш учун қиз томондан вакил бормаган. Демак, никоҳ шариятга зид бўлган. Дадам айтдилар бу гапни.

— Отибдиби аям нима дер эканлар?

— Аям даданинг гапини икки қилмайдилар. Тўйни ўтказамиз, Ижроқўм номидан ўтказамиз. Инқилоб севишганларга эрк беришини одамлар кўриб қўйсин. Тур дўс-

тим, бир ачомлашайлик! Бай-бай, мунча нимжонсан, бу аҳволда хотинни қандай эплейсан?

— Эплейман, жўра, эплейман. Табиб кета туриб наҳорга иккитадан илитма тухум ютиб тургин девди. Ҳозир учтадан ютаяпман. Дармонга кириб қоламан.

— Дўстим, мен ҳозироқ уйга кириб дадам билан аямдан тўйни тезлаштиришларини сўрайман. Мени сўраб келганларга ўзинг муомала қилиб қўй... Об-бо дўстим-ей, тухум ютаяпман дегин?

— Ютаяпман, Бузрук, қийналиб бўлсаям ютаяпман.

— Эртадан бошлаб тўрттадан ютгин, хўпми?

— Хўп!

XVI

МУҲАББАТ ПАРВАРИШ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Бузрукхўжа ўртоғи тўйга розилик берганидан беҳад севиниб кетди. Йўқ, бугун бўлмаса эртага бу тўй албатта бўларди. Икки ёш бир-бирига талпиниб тургандан кейин бошқа илож ҳам йўқ. Аммо бу тўйни худди шу кунларда, юрт кимнинг таъсирида бўлиши керак деган масала кўндаланг қўйилган бир паллада ўтиши гоят муҳим эди. Шу тўй оаҳонасида Бузрукхўжа юртни Ижроқўм атрофига яна ҳам жипсроқ уюштириб олмоқчи, уюшганларнинг қалби ҳам руҳига таъсир этиб инқилобнинг эрқава озодлик келтирувчи бир ҳодиса эканлигини юртга кўз-кўзламоқчи.

Дадаси билан аясини бу ишга тезроқ бош-қош бўлишга кўндириб учун шошилиб уйларига қайтди. Отинбиби ая, офтоб хийла илиб, ҳавонинг захрини кесиб тургани учун, айвонга жой қилиб кўрпа қавиб ўтирган экан. Ўғлини кўрдию дарров ишини йиғиштириб, кўзойнагини бир чеккага қўйди. Бузрукхўжанинг кундузи уйга кирадиган одати йўқ эди. Бунинг устига телбалардек қадам ташлаб ҳовлиқиб келяпти.

— Тишчликми?— чўчинқираб сўради Отинбиби ая.

— Тишчлик, аяжон,— дед қўйди ўғли,— ҳовлига чиқиб олибсиз, совуқотмаянчизми?

— Ҳовлиқиброқ турибсанми?— сўради яна она.

— Маслаҳатли гап бор, ая, дадам кўринмайдилар, Ҳалима қани?

— Утир,— ёнидан жой кўрсатди Отинбиби ая.

— Шошиб турибман.

— Шошмаган кунинг борми сени, ўтир деяпман! — ёш болага дағдаға қилгандек бир оҳангда деди Зиёдабиби ая: Утиргач, кўзойнагини тақиб ўғлига тикилиброқ қаради, — қаёқларда юрибсан? Қулоғингни бир чўзиб қўяй.

— Қулоғим ўзи катта-ку, ая.

— Ҳазилга олма, — жеркиб деди аяси. Унинг чипакам жаҳли чиқиб келаётгани шундоққина сезилиб турарди.

— Нима гуноҳ қилдим, ая?

— Қаёқларда юрибсан?

— Ижроқўмдаман-ку, ахир.

— Ижроқўм сенга ота-она бўлиб қолибди-да! Белига бод келиб даданг шўрлик ётиб қолган. Уни ўйламайсанми. Шу аҳволида сигирга хашак ахтариб кетди. Аканг бўлса ярим жон бўлиб қолган. Қани, айт-чи, келганингдан буён бирон марта биз билан ўтириб бундай бир гаплашдингми. Ниманг бор, ниманг йўқ деб сўрадингми? Ишинг кўп бўлса ота-онадан воз кечар экансан-да! Бор, ўша Ижроқўминг билан қапишиб ўтиравер!

— Ая?

— Ая дема мени. Юрак-бағримни адо қилдинг-ку!

— Ҳалима қаерда?

— Келиним кетди. Сўрама, қаерда азиз бўлса ўша ёққа кетди.

— Ҳазилнингизни қўйсангиз-чи, унда маслаҳатли гапим бор.

— Рўзғорини олиб кетиш учун аравага кетди.

— Биронталаринг ранжитгандирсизлар-да?

— Уни сен ранжитдинг, — ўғлининг этагидан тортиб ёнига ўтқизиб олди Отинбиби ая, — эр хотингаки бепарво бўлдим, ранжитгани шу, ойлаб йўқ бўлиб кетасан, бу ранжитганинг эмасми? Шунча вақт ўтиб битта тешик рўмолга қурбинг етмадими? Гап қўшмай тур, юрагимни бир ёзиб олай, турмуш қурганларингда, худога шукур, дадаси икковимизга ўхшаб ишқу муҳаббат билан қовушдилар, худо хоҳласа ширингина турмуш қуришди деб суюнган эдим. Дадангдан ўргансанг бўлмайдими? Хатму қуръонга борса ҳам белининг қатнда тўртта майиз олиб келади. Томоғимдан ўтмайди, дейди. Кўнглим тоғдек кўтарилади. Эру хотин муҳаббати, билиб қўй, болам, бами-соли ниҳолга ўхшайди. Парвариш қилмасанг қурийди-қолади. Тағинам келиним эсликкина, кечириб келди.

— Мен ҳам бекорга кўча чағитиб юрганим йўқ, — ўзини оқлай бошлади Бузрукхўжа, — элу юртнинг ташвиши билан юрибман.

— Уйдагиларни ранжитиб элу юртнинг хизматида юр-

ганимш! Элу юрт бунақа одамнинг хизматига ҳечам муҳтож эмас!

— Ая,— шошилиб ўрнидан турди Бузрукхўжа.— Мен кетдим.

— Маслаҳатли гап бор девдинг?

— Маслаҳатда келинингиз ҳам бўлиши керак, аввал олиб келай.

Ижроқўм отхонасига кириб катта човкар отни эгарлаб чиқди-да, тўпланганларнинг саволига ҳам жавоб қайтармай Булоқбошига жўнади. «Ҳа, чиндан ҳам ўзимдан ўтибди, фақат Ҳалимага эмас, ҳаммаларига ҳам бепарво бўлиб қолган эканман. Дадамнинг қовоқ-тумшуқ қилиб юришлари шундан экан-да,— кўнглидан ўтказиб борарди Бузрукхўжа,— кечир мени, Ҳалимам. Сени ранжитиб қўйибман. Нима қилай, шунақа қусур билан туғилган эканман. Бирон ишга қўл урсам бошим билан шўнғийман-у, ўзимни ҳам унутиб юбораман. Лекин, сен мени тушунар эдинг-ку, ҳаммиша кечириб келар эдинг-ку! Демак, тоқатинг тоқ бўлибди-да, севгингни, аёллик ғурурингни оёқ-ости қилибман-да! Тўғри, мана турмуш қурганимизга уч йилдан ошиб қолди. Сенга лоақал битта узук ёки мис балдоқ ҳам совға қилмабман. Нима қилай, ҳамёним ҳаммиша қуруқ юрди. Мени кечир, оёқларингга йиқилиб узр сўрайман. Энди ҳаммиша ёнингдаман. Дадам аямни қандай эъозласа, сени ҳам ана шундай эъозлайман. Қўлимда кўтариб юраман...»

Булоқбошига олиб борадиган йўл Мулла Мусо бобонинг тошлоқ ерлари ёнидан ўтади. Бузрукхўжа бу йўлдан кўп юрган. Ута туриб қайнотасининг ишига тугилиб гоҳо кеч пайтигача қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Лекин ҳозир қиш. «Совуқда қайнотам далага чиқмас» дея кўнглидан ўтказиб борарди Бузрукхўжа. Хато ўйлаётганини шу заҳотиёқ сезиб қолди. Мулло Мусо бобо ўғли Полвонбойни ёнига олиб ўрик кесаётган эди. Нарироқдан ўтиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ. Шудгорқилинган ерларнинг қори эриб, ҳамирдек кўпчиб ётибди. Отни лойдан ҳайдаш инсофдан эмас, ботиб қолади. «Ижроқўмдан иш тошиб ётибди,— алам билан ўйлади Бузрукхўжа,— тугиб олиб ишлатади энди, кечгача ишлатади».

Мулло Мусо бобо байталини аравага қўшиб келган экан. Бузрукхўжанинг остидаги айғир қулинини ёнига олиб, ариқ бўйида ўтлаб ётган байтални кўрдию. киш наб юборди. Арра тортаётганлар машғулотини тўхтатиб тикилиб қолишди. Сўнг от устидаги куёвларини таниб баробар ўринларидан туришди. Полвонбой тез келиб ол

нинг жиловидан олди. Бузрукхўжа устидан тушгач, ўзим боғлайман дейишига ҳам қарамай, нарироқ олиб бориб тутининг каллагига қантариб қўйди.

Бузрукхўжа қайнотаси билан қучоқлашиб кўришди. Назарида Мулло Мусо бобо чўкиртакдай қуриб қолгандек. Илгарилари мана шунақа кўришганларида қучоғи тўлиб кетарди. Ҳозир эса чолнинг гавдаси худди жўхори поядек ингичка тортиб кетибди. «Қарибдилар! — фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— ранглари ҳам бир аҳволда». Ғўлалар устига омонат ўтириб фотиҳа ўқишгач, ҳолу аҳвол сўраша бошладилар.

— Об-бо, ўғлим-ей, эсон-омон юрибсанми? — елкаси билан нафас олиб сўради Мулло Мусо бобо.

— Шукур, дада,— безовта бўлаётган оти томон назар ташлаб деди Бузрукхўжа.

— Қорангни кўрсатмай кетдинг?

— Иш кўп, дада.

— Қайтага қизимни бермай турсам бўлар экан,— кулиб қўйди Мулло Мусо бобо,— кунора тойчоқ боладек гижинглаб келиб турардинг. Ҳа майли, ўғлим, қаерда бўлсаларинг ҳам саломат бўлинглар. Ижроқўм тузиб олган эмишсан, ишқилиб ўзингга эҳтиёт бўлгин.

— Утинларинг тугаб қолибди-да?

— Йўқ, майдонни йўқотмоқчиман. Уриклар қариб қолди. Об-бо, ўғлим-ей, зап келибсан-да. Кўзим тўрт бўлиб турувди. Қариб қолибман, арра тортишга ярамайман. Қани, тур энди, иш орасида гаплашаверамиз, чакмонингни ечиб қўй. Полвонбой билан бир куч синашиб кўришлар-чи.

Бузрукхўжа «ишим тигиз» демоқчи эди, айтолмади. Бунинг устига елкаси билан нафас олиб турган қайнотасига раҳми ҳам келди. Ич-ичидан ачиниб кетди унга. Қанақа одам ўзи бу, а? На ёзда тинади, на қишда! Танчани бозиллатиб, белини тоблаб ётмайдими! Бузрукхўжанинг остига эски тўпни тахлаб қўйиб беришди. Арра ҳам қиличдеккина экан. Намхуш ўрик танасини қассобнинг ўткир пичоғи думбани қирққандек қирқиб тушяпти. Кўз юмиб-очгунича Бузрукхўжанинг узатилган икки оёғи қипиққа кўмилиб кетди. Полвонбойнинг айни кучга тўлган пайти. Бунинг устига арра тортишнинг ҳавосини ҳам яхши олган. Ҳар кун ишламайдими, билаклари ҳам чайир бўлиб кетибди. Хомсемиз қайноғамга жабр бўлмасин деб, атайлаб аррани итариб беряпти. Учинчи ғўлани думалатишгандан сўнг Бузрукхўжанинг билаклари толиқиб кабрахт бўла бошлади. Пешанасидан тер қуйилиб кетди.

Мулло Мусо бобо пиёлада совуқ чой узатди..

— Об-бо, куёв бола-ей, сен ҳам бало экансан! — ўрининг силкиниб турган томонига минаётиб деди Мулло Мусо бобо, — инқилоб қиламиз дердинг, охири қилдиларинг-а. Ерларни тақсимлаётган эмишсизлар? Булоқбошига қачон келасизлар?

— Яқинда келиб қоламиз.

— Энди, ўғлим, сенга бир гап айтмоқчи бўлувдим. Мана ўзинг келиб қолдинг. Қариб қолдим. Бугун бор, эртага йўқман. Мабодо менга бир гап бўлгудек бўлса, Полвонбой сенга ўхшаб пишиққина эмас, ғўр, сарсон бўладими деб қўрқаман. Бу ерларда мен деҳқончилик қилдим. Бошқаси бўлса тариқ ҳам ундирилмасди. Бу тошларни кўр, нима бало қиши билан туғиб чиқадими дейман, буларнинг безрайиб туришини қара! Оёқ тамом бўлди, бел букилди. Тош билан олиша-олиша ўзим ҳам мана адо бўлдим. Инқилоб рози бўлса, Полвонбойга ҳам бир-икки таноб тузукроқ ердан олиб бергин. Армон билан кетмай бу дунёдан. Дашт мени еди, энди ўғлимни ҳам адо қилмасин.

— Олиб берамиз, дада.

— Қишдан чиқмайманми деб қўрқаман. Тушимга нукул раҳматли дадам киради. Уйни ясатиб қўйган эмиш, ке ўғлим, тезроқ кела қол дейди.. Олиб берасан-а?

— Олиб берамиз, дада.

Кеч пешинга яқин Бузрукхўжа қўлларини кўтаролмай қолди. Ишни тўхтатиб ғўлаларни аравага ортишди-да, кетма-кет йўлга тушишди. «Ишқилиб қайнотам офилхонасиниям тозалатиб олмаса эди», дея Бузрукхўжа юрак ҳовучлаб бораётган эди, хайрият, бундай бўлмади. Мулло Мусо бобо куёвини чойга ҳам таклиф қилмай, ишлик одамсан, тезроқ жўна деб омборхонадан бир кўза шиини олиб чиқди-да, қизи Ҳалимахонни отнинг орқасига мингаштирди:

— Бундан кейин эринг билан бирга келгин,— деб қизининг қўлига кўзани тутқазди.

Анчагача жим кетдилар. Айтиладиган гап кўп, юраклар тўла ҳасрат, лекин гапни нимадан бошлашни билмас эдилар. Бузрукхўжа ўзини айбдор деб билганидан нима ҳақда гап бошламоқчи бўлса, гапи ўзига бемаъни туюлиб, ҳурматли одамга тўсатдан дуч келиб қолган ёш боладек довдираб, ютиниб-ютиниб бормоқда эди.

— Дадам анча қариб қолибдилар,— деди ниҳоят Ҳалимахонни гапга тортмоқчи бўлиб. Йўқ жавоб қайтмади хўрсиниш эшитилди.

— Лекин шиннини боплайдилар-да!

Иўқ, суҳбатни улаш учун шинни ҳам баҳона бўлолмади. Бузрукхўжа отининг бошини силкитиб тортди-да, орқасига ўгирилди:

— Ке энди, кечириб қўя қол.

Ҳалиги алам тўла хўрсиниш яна такрорланди.

— Энди ҳеч ёққа кетмайман, туну кун ёнингда бўламан. Овқат пиширсанг ўт қалаб бераман, кир ювсанг сув ташиб тураман. Тўйга борсанг дастурхонингни кўтаришиб бораман. Ўзи айб мендан ўтди. Сизларни унутибман. Ҳалима, жоним, мени кечир. Кечирдингми?

— Ҳеч қачон,— ниҳоят орқада келаётган Ҳалимахон овоз берди.

— Мана, ишларниям йўлга қўйиб олдик. Энди аям икковларингга мактаб очиб бераман. Сизлар қизларга, Мулла Маҳмуд ўғил болаларга сабоқ берасизлар. Ўзи котблик қилмайман деяпти. Энди сен ҳам Отинбиби бўласан, бўласанми?

— Иўқ.

— Ундай дема, жоним. Ахир менга сен ёрдамлашсанг яккаланиб қоламан-ку. Ҳозир ҳам жуда қийналяпман,— Бузрукхўжа хотинининг қалбида шафқат уйғотиш учун атайлаб аҳволини аянчли қилиб таърифлай бошлади,— бир ёқда босмачилар, бир ёқда дин пешволари... уч кундан буён мижжа қоққаним йўқ. Кеча оқшом энди уйга жўнайман деб турсам, Зулфиқор ҳовлиқиб кириб ташқарига чиқа кўрманг, чинорининг панасида милтиқли кишини кўргандек бўлдим, деди. Гапини тугатмасидан вараглаб ўқ овози эшитилди. Бошимдан телпагимни учириб кетди. Тонготгунча ташқарига чиққани юрагим бетламади. Ахир мени тушунадиган сендан бошқа кимим бор? Ҳар гал кечирардинг, бу гал ҳам кечир, кечирдингми?

— Иўқ, йўқ, йўқ!

Ҳалимахон нозик муштчалари билан эрининг елкаларига беозоргина ура бошлади. Суйганда, эркаламоқчи бўлганда кўпинча шундай қилар. Бузрукхўжага хуш ёққанидан кўзларини юмганча жим туриб берарди.

Ҳозир ҳам кўзларини юмиб олди.

ҚИЗИЛ ГҮЛ УЗДИНГИЗМИ?

Пандигон эркакларининг қалби аскияга, қизиқчиликка мойил бўлса, қизу жувонларига ўйинчилигу ашулачилик она мерос ҳисобланади. Тўйнинг дарагини эшитса, қориб турган хамирини, тўйиб турган гўжасини чала ташлаб, чилдирмасини олиб, тўйхонага жўнай беришади.

Қиз олибқочар Зулфиқорларникида бўляпти. Ичкари ҳовлига қадам босиб бўлмайди. Юзларига упа-эликлар суртиб, қошларига чаплама ўсма қўйиб, қулоқларига ҳар биттаси чақалоқнинг кафтидек ойбалдоқлар тақиб олган жувонлар; сандиқдаги янги кўйлагини кийиб, онасининг кумуш бозвонини кўксига тақиб, бошидаги дуррасини кўз-кўзлаш учун бўйинини чўзиб, атайлаб оёқ учида турган, ҳусну латофатидан тўйхонани чароғон қилаётган бўй қизлар: опасининг орқасидан эргашиб келиб, йўқотиб қўймай дея этагидан маҳкам ушлаб, ўнгга бурилса ўнгга, чалга бурилса чалга эргашаётган қизалоқлар шундай тирбанд бўлиб кетишганки, игна ташланса ерга тушмайди. «Ҳаммалари мени қутлаб келишган,— ширин-ширин энтикади айвондаги катта сўрида дугоналари қуршовида ийманибгина ўтирган Гулнора,— лекин менинг юзим шувут, уялиб кетялман. Ахир мен эр кўрганман. Муллакам бўлса бўй йигит, бўй йигитга тегиб олдинг деб кейин менга таъна қилишади. Вой худойим, нега энди рози бўла қолдим экан, қочиб кетсам бўлмасмиди, қаёққа ҳам қочардим? Ҳамма айб ноиб жанобларининг ўзларида, зўрлаб олиб кетсалар бўлмасмиди! Вой шўрим, бошимни қандай кўтариб юраман энди. Йўқ, муллакам севадилар, севгилари эҳтиёт қилади мени. Хурсанд бўлишим керак. Мени деб оппоқдадам, Отинбиби аям, Ҳалимахон опамлар югуриб-елиб юришибди. Етимлигимни билдирмаслик учун бор будларини сарфлаб бўлишди! Мен хурсанд бўлишим керак, орзумга эришяпман-ку, ахир...»

— Бирон нарса еб олсангиз-чи,— секин туртди Ҳалимахон опаси.

— Опажон!

— Вой, йиғлаяпсизми? Уят бўлади-я!

— Бирам яхшисизки,— хўрсинди Гулнора,— ҳаммаларинг ҳам яхшисизлар.

— Қатлама ейсизми?

— Йўқ.

— Уйини томоша қилинг бўлмаса, армонда қоласиз.

Даврани кенг олишибди. Барваста бир жувон бахмат тўнининг устидан шохи белбоғни олифтанома боғлаб, эркакча юриш қилиб ўйинчи, ашулачи қиз-жувонларни кўча-кўчаси билан тўдаларга ажратяпти. Одат шунақа — тортишув бўлади. Қайси кўча устун келса, тўй эгаси соврин беради. Яхши қиздирилган чилдирмалар гумбурлаб кетди. Барваста жувон қўлларини кенг ёзиб, ўйин бошлаб юборди.

— Дашт кўчаю дашт кўча
Бизга қаранг, жон почча.
Битта рўмол бердим деб,
Тана қилманг ўлгунча, —

ашула айта-айта тўхтаб Дашт кўчадан тараф бўлиб келган қизу жувонларга қўли билан аллақандай дағдаға ҳам қилиб қўйган бўлди. Сўнг яна шўх-шўх ўйнаб кетди:

— Паст кўчаю. паст кўча,
Менга қара, ҳой, қизча.
Битта кулиб боқсанг-чи,
Хизмат қилай ўлгунча.

Паст кўчадан келган қизу жувонлар бир қўзғалиб олишди. Пичир-пичир бошланди. Демак, Дашт кўча билан тортишув бўлади. Қимни ўртага чиқаришса бўларкан? Ҳам ўйинда, ҳам лапарда устун келиш учун қимни танлашса бўларкан? Бир қарорга келмасларидан Дашт кўча вакили ўртага чиқа бошлади. Суярқулнинг беваси Офтоббибини танлашибди. Еши ўттиз бешларга бориб қолган, оппоқ лўппи юзли, қалдирғоч қанотидек қайрилма қошли, мунчоқдек қоп-қора кўзлари ҳамиша кулиб турадиган бу жувон эри Суярқул сепоячи сувга оқиб ўлмасдан олдин жарангли овоз билан лапар айтар, шўх-шўх ўйнар, тўйларни гумбурлатиб юборарди. Азадор эмасми, уч йилдан буён тўю маъракалардан қочиб юрарди. Зўрлаб олиб келишганга ўхшайди. Қўлидан тортиб, ёқасидан итариб ўртага олиб чиқишди. Офтоббибини чилдирмалардан бирини таппаб олди-да, юзини доира ичига беркитиб бир сония жим қолди:

— Бошладик, қизлар! — деди-да, алланечук тўлқинланиб, ўзига маъқул бўлган бир куйни чала кетди. Қўш чилдирма жўр бўлиб тўйхонани зарбли оҳангларга кўмиб борарди. Оҳанглар пасайиши билан жувон лапар бошлаб юборди:

— Поезд йўли тор экан,
Занжирлари бор экан,
Айрилмаймиз деб эдик
Пешонамда бор экан.

— Зап овози бор-да қурғурнинг!— деб шивирлади ич-карида ўтирган аёллардан бири.

— Арслондек эри бор эди-я,— деб қўйди бошқаси. Ашула давом этарди:

— Эшик олди гулхайри,
Шохлари қайрилмасин.
Бир-бирини севганлар,
Мендайн айрилмасин!

— Тилгинангдан ўргилай, ўртоқжон!— қийқириб таҳсин айтди тенгқурларидан бири,— дилимдагини айтпасан, айтавер. Узим ҳам қўшиламан!

— Қизил гулни уздингизми,
Булбул кўнсин дедингизми?
Мен соғиндим, билдингизми,
Соғиниб туш кўрдингизми?

Офтоббиви йўқотиб қўйган овозини топиб олгандек ширадор, ғуссали оҳангларга қалбидаги қат-қат армонларини қўшиб, армонли дилларга ғулув солаётгандек эди. Кимнинг кўнглида дард йўқ, кимнинг қалбида ҳасрат йўқ. Дарду ҳасратлари бирлашиб куйга айланиб, тўйхона устида қанот қоқиб учаётгандек:

— Оқ шойидан кўйлагим,
Зарга ботди билагим.
Замонингнинг дастидан,
Ғамга ботди юрагим.
Сув келади сой билан,
Оқоваси лой билан.
Энди куним ўтади,
Ҳар кун и вой-вой билан...

«Офтоббиви опамнинг ёшлари аяжоним билан тенг эди, бир-бирларини сенлаб гаплашишарди,— хўрсиниб қўйди Гулнора. — Қани энди ҳозир аяжоним тирик бўлса-ю, тўйимни кўрса. Бари бир, кўнглим жойига тушма-япти, йиғлагим келяпти, йиғимни тўхтатолмаяпман...»

— Опа,— секин овоз берди Гулнора.

— Нима дейсиз?— шивирлади Ҳалимахон.

— Укаларим кўринишмайди?

— Уйнаб юришгандир.

— Чақиринг, ёнимда ўтиришин. Бағримга босгим келяпти.

— Уят бўлади-я!

— Йўқ, чақиртиринг,— ёлвора бошлади Гулнора,— қоринлари ҳам очдир, бирон нарса еб олишсин. Жон опа, чақиртиринг.

Даврада қийқириқ янгради, офаринлар ёғила бошладди. Тўйбоши Отинбиви ая қизу жувонлар ўртасини ёриб

ўтиб Офтоббига яқинлашди-да, елкасига сариқ адрае кўйлаклик ёпди.

— Паст кўчаю паст кўча,
Ўртага чиқ, ҳой қизча, —

дея тараф бўлиб турган бошқа даврага яқинлашиб кела бошлади барваста жувон...

Тўрт-беш ҳовли нарида Мулла Маҳмуднинг уйида ҳам базм кучайиб қийқириқлар авжига чиқиб бормоқда эди. Пандигон эркаклари кети ҳеч кўринмаётгандек туюлган гуссалардан чарчаб, қалби хурсандчиликни қўмсаб қолган экан. Ҳамқишлоқ хонандаларининг латиф қўшиқлари, ўртадаги алангадек тез-тез авж олиб турган аскиялар очарчилик азобини, алғов-далғов билан ўтаётган кунларининг машаққатини унуттириб, ҳаммасини қувнашга, қаҳ-қаҳ отиб кулишга ундамоқда. Уч-тўрт ойдан буён қўрбошиларнинг хизматини қилиб қорасини кўрсатмай кетган ака-укаларни юрт соғиниб қолган экан, қарсақ чалиб яна ўртага олиб чиқишди. Қизиқчилар кийим-бошларини тез алмаштириб турарди. Ҳасанбойнинг бошида қундуз телпак, эғнида беқасам тўн, кўксиди патронтош — қўрбоши қиёфасида турибди. Хусанбой хизматкор кийимини кийиб олган.

— Дори олиб кел!— деди «қўрбоши» давранинг ўртасида тўхтаб.

Хизматкор югуриб келиб таъзим қилди:

— Дорини нима қиладилар?

— Бошим оғрияпти.

— Ие, Сардори аъзам, сизда ҳам оғрийдиган бош борми?

— Битта бор, қани, тез югур.

— Борсаму табиб уйида бўлмаса-чи?

— Уйида бўлади, боравер.

— Уйида бўлсак дориси бўлмаса-чи?

— Албатта дориси ҳам бўлади.

— Дориси бўлсаю бермаса-чи?

— Сардори аъзамга десаю беради.

— Дорини ҳам берди дейлик, ўша дори сизга қор қилмаса-чи? Унда нима бўлади?

«Қўрбоши» ер тепиниб ўшқирди:

— Ўл бўлади!

Хизматкор бамисоли қўрқиб кетгандек кўрсатади ўзини, кўксини кенг очиб кўкрагига туфлаб олади:

— Э, Сардори аъзам, ҳамманинг бошида бир ўлиш бор. Бугун ўлдингиз нима-ю, эртага ўлдингиз нима!

«Қўрбоши» қутуриб кетади, бор деяпман, дея қаттиқ ер тепинади. Хизматкор қоринни олдиға ногорадек чиқариб, ногорани икки қўллаб чала бошлайди:

Бако-бак, бум-бум,
Бако-бако, бум-бум,—

дея овоз чиқариб даврани айланиб чиқиб, бошини икки қўллаб чангаллаб турган «қўрбоши» олдида тўхтайди. Эгилиб таъзим қилади:

— Бориб келдим, Сардори аъзам.

— Хўш,— сўради «қўрбоши».

— Табиб дори буюрдилар.

— Айт тезроқ, бошим ёрилай деяпти!

— Тўрт пуллик бурганинг қитиғи, очидан ўлган бақанинг киндиги, тезак ёқилган мўрининг қурими, ит қувмаган итпашшанинг думи, ўн тўрт йил йўталган кўкнорининг балғами, эллик йил саратон кўрмаган қўнғизнинг оёғини шафтоли қоқига аралаштириб туйдирар экансиз-да, ҳар кунни уч маҳалдан кафтлаб тураркансиз.

— Кейин-чи?— ҳеч нарсага тушунмагандек сўрайди «қўрбоши».

— Кейин, сиз касалдан қутуласиз.

— Кейин-чи?

— Халқ сиздан қутулади.

— Нима?!— «қўрбоши» ёнидан қиличини суғурмоқчи-дек бир ҳаракат қилиб хизматкорни қувлашга тушади. Хизматкор яна қоринни дўмбира қилади-да:

Бако-бако, бум-бум,
Бако-бак-бак-бак,—

дея бир нарсани қойил қилиб қўйгандек мақтанганнамо даврани айланиб қоча бошлайди.

Яна қийқириқ кўтарилади. Ўз тўйида ўзи хизмат қилиб гоҳ ичкарига, гоҳ ташқарига чиқиб юрган Мулла Маҳмуд ҳам йигитларга қўшилиб кула бошлади. Кула-кула: «Биз ҳам ўзимизни инқилобчи деб юрган эканмиз,— дея ўйлади.— Қўрбошини ёмон боплаяпти-ку, а!.. Лекин, шу шартмиди, бориб-бориб менинг тўйимда-я? Зокир қўрбоши эшитиб қолса нима бўлади, беозоргина аския айтишаверса бўлмасмикан...»

Зулфиқор шарпасизгина келиб Мулла Маҳмуднинг тирсагидан ушлади:

— Сизни аёллар сўрашяпти, Гулнора опамни олиб келишди, сўратарга борар экансиз.

«Сўратар» деган сўзни эшитиб Мулла Маҳмуд ширин энтикди.

ТҮЙ АЗАГА АЙЛАНДИ

Дашт кўча томонда гумбурлаган милтиқ овози эшитилади. Ижроқўм фаоллари билан ёнбош ўтирган Бузрукхўжа сакраб ўрнидан туриб кетди. Қишлоқнинг тўрт томонига тўрт пойлоқчи қўйиб, хавф пайдо бўлса ўқ отиб огоҳлантирасан, деб тайинлаган эди — хавф пайдо бўлди.

Уқ овози қуюқлашиб кетди.

— Қўрбошилар! — қичқириб юборишди томда ўтириб томоша кўраётган болалар.

— Утни ўчир! — бақирди хизмат қилаётган йигитлардан бири.

Кўз юмиб-очгунча ҳамма ёқ олатасир бўлиб кетди. Кўча эшик олдида меҳмонлар ширага қўнган пашшадек устма-уст бўлиб қолишди. Кимдир девордан ошиб ўтган, кимдир дарахтга тирмашиб томга чиқиб кетган, гулхан атрофида челақ кўтариб гир айланаётган йигит:

— Утни ўчир! — деди-да, қўлидаги челақни даранглашиб отиб, мушукдек чаққон сапчиб дарахтга чиқдию, у ҳам томга ўтиб кетди. Одамларни жой-жойига қайтараман деб (нима учун шундай қилмоқчи бўлганини ўзи ҳам билмасди) ҳеч бирига гап уқтиролмаган Бузрукхўжа югуриб ҳовлига қайтди. Ё раббий, одамлар қаёққа кетди, ерга кирдимиз, осмонга чиқдимиз — ҳовли сув қуйгандек жимжит бўлиб қолибди. Фақат Абдурахмонбойгина чорданасини бузмай тек ўтирибди. Бузрукхўжа билан нигоҳлари дуч келгач:

— Ҳе-ҳе-ҳе! — деб қорнини силкитиб қўйд.

— Ҳи-ҳи-ҳи! — дея мулла Зариф мингбоши секин ўрнидан тура бошлади. — Ҳорманг энди, тўйбоши!

Кўчадан тоғдан тушган селдек гулдураб отлиқлар ўтиб кетди. «Келишди!» қўл-оёғи музлаб кетди Бузрукхўжанинг. Ичкарида, Мулла Маҳмуднинг оёғи шол дадаси билан ўтирган кексалардан бири, кавушини кийгани сабри чидамай, ялангоёқ югуриб чиқиб ўртада карахт бўлиб турган Бузрукхўжани туртди:

— Жинни бўлиб қолдингми, қоч тезроқ!

Ҳа, қочиш керак, ўзини панага олмаса бўлмайди. Ма, қўл-оёғинини боғла деб ўзини тутиб бериш ғирт ахлоқлик-ку! Шошилиб кўчага чиқди. Яна бир тўда отлиқлар тушиб келяпти. «Ижроқўмга боришим керак, ўт қўйишди, куйдириб юборишди!» Кўчанинг нариги юзига аранг ўтиб олди. Уёғига юриб бўлмайди, отлиқлар тўлиб келяпти. Нима қилишяпти булар ўзи, нимага келишди экан?

Ҳолвапазнинг деворига тирмашиб боғ томонга сакради. Бу ердан ҳовлима ҳовли ўтиб идорага бориб олса бўлади. Бориши керак, бўлмаса ўт қўйишади! Йўқ, кечикибди. Эллик чоғли отлиқ Ижроқўм биносини ўраб олибди. Отлар кишнаб, депсиниб туришибди. Ичкаридан кимнингдир додлагани эшитилди. Қоровулни ё отишди, ё сўйишди, жон бераётган одамнинг чинқирғи бу! «Нима қилдим, олдиларига чиқиб бас қил деб ҳайқирайми?— девор тирқишидан кўзини олмай ўйлайди Бузрукхўжа,— йўқ, бу ғирт ахлоқлик бўлади! Бирон чорасини топишим керак...»

Мулла Маҳмудни сўратувга олиб чиқишган эди. Қўшинининг ҳовлисига олиб кириб, одат шунақа деб, аввал чўмилтиришди. Жўраларидан бири елкасини совунлаб ювиб ҳам қўйди. Бошқа жўраси «Чаласини Гулнораҳонининг ўзлари ювиб қўядилар», дея ҳазил ҳам қилган бўлди. Куёвлик сарупосини кийгизишгач: «Оббо, нақ шаҳзодаларга ўхшаб кетдинг-ку!» дея ҳазил-мутойнаба сўзлар айтишиб, қизнинг ҳовлисига олиб боришди. Таомил бўйича сўратув маросими албатта унинг уйда, қиз ва йигит тарафдан иштирок этаётган гувоҳларнинг кўз ўнгида бўлиши, қизнинг: «Ҳа, қабул қилдим», деганини йигитнинг вакиллари, куёвнинг розилигини қиз тараф эшитиши шарт эди. Куёв жўралар Мулла Маҳмудни ўртага олиб кириб борганларида Гулнорани ҳам ювиб-тараб попукдеккина қилиб қўйишган эди. Гулнора эрталабдан буён тез-тез йиғлаб оляпти. Сўратарга ҳам ҳиқиллаб йиғлаб келди.

Шодивой қори куёв билан келин учун махсус ясатилган хонага энг аввал Гулнора билан Мулла Маҳмуд «бисмилло» дея киришларини айтиб ҳар икки томоннинг вакилларини ҳам ўша хонага таклиф қилди:

— Қизга ким вакил ота бўлади?— дея никоҳ ўқилиши олдидан айтиладиган расмий саволини такрорлади.

— Мен,— деб қўйди Эшон ота.

— Мулла Маҳмуд тарафидан ким иштирок этади?

— Мен,— деди Ижроқўм муовини Рустам бобо.

Шодивой қори куёв билан келиннинг ўртарағига сурилиб ўтирди. Никоҳдан сўнг, яъни эру хотин бўлганларидан сўнг ҳар икковларининг зиммаларига тушадиган масъулият ҳақида маъруфий суҳбат бошлади. Бошқа никоҳларда ҳам бу ақидаларни кўп такрорлагани учун ёд сўзларни айтиш осон бўлди шекилли, суҳбатни тезгина тугатиб, чўккалаб олди-да, тиловат қилишга тушди. Тиловатнинг савоби шу уйда яшаб ўтганларнинг руҳи арвоҳи-

га бағишланди. Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишгач, Шодивой қори оёғи толиб қолди шекилли, яна чордана қурди:

— Мулла Маҳмуд, мулла Қори ўғли, — даричадан мўралаб турган аёллар ҳам эшитсин учун атайлаб баланд овозда деди, — сиз Гулнорахон Анорвой қизини жуфти ҳалолликка, яъни хотинликка қабул қилдингизми?

— Ҳа! — деб қўйди уялганидан бошини тиззасига эгиб ўтирган Мулла Маҳмуд.

— Эшитилмади, қаттиқроқ айтинг. Баракалло, — шундай деб Шодивой қори ўнг томонга ўгирилди, — Гулнорахон Анорвой қизи, сиз Мулла Маҳмуд мулла Қори ўғлини жуфти ҳалолликка, яъни эрликка қабул қилдингизми? Жавоб қайтмади.

— Гулнорахон Анорвой қизи, — дея саволини такрорламоқчи бўлди Шодивой қори. Аммо сўзларининг давоми эшитилмади — дарича ортида турган аёллар бараварига додлаб юборишди. Уйда ўтирганлар нима гап бўлди экан деб бурилган эдилар, бўйинлари бурилганча қотиб қолгандек бўлди. Хонага етти-саккиз чоғли қўрбоши йигитлари кириб келмоқда эди.

— Вой шўрим! — бақирди ташқаридаги аёллардан бири, — гўшангага кирма, бегонасан, сўратув бўляпти.

Кириб келаётганлар, афтидан, ким қанақа юмуш бажаришини аввалдан келишиб олишган кўринади. Иккитаси бирдан ташланиб Гулнорани остидаги гулли палакка ўраб, бири бағрига босганча, бошқаси уриб-тепиб йўл очиб, ташқарига олиб чиқиб кета бошлашди. Марҳум Анорвойнинг уйига тўпланиб етим қизи Гулноранинг тўйини тўйдек ўтказамиз, марҳумларнинг арвоҳи олдида, худо хоҳласа, юзимиз ёруғ бўлади, деб ният қилганлар — эркакдир, аёлдир ҳаммалари қўрбошиларга ташланишди. Гулнорани олиб қолишлари шарт эди. У Мулла Маҳмуднинг қаллиғигина эмас, додлаётганларнинг жигаргўшаси, юртининг ор-номуси ҳам эди. Кўча эшикни кимдир ичидан қулфлашга улгурган экан. Дарвозахона олдида чинакам муштлашув бошланди. Эшон ота бошлиқ чоллар, қиз узатгани келган хотин-халажлар саккиз қўрбошига бирдан ташланиб, бири оёғидан олиб, бири елкасига тармашиб, ора-чора ўзлари ҳам бошларига мушт, белига тепки еб келинчакни ҳимоя қилмоқда эдилар. Гулнорани бағрига босган қўрбоши паҳлавон ҳам забардаст экан. Чап қўлтиғига қизни қисганча, ўнг қўли билан гоҳ жон-жаҳди билан ташланаётган Эшон отани, гоҳ Рустам бобони уриб, қулатиб, эшик томон силжиб борарди.

— Войдод, келинни ўғирлаб кетишяпти!— дея ўнлаб аёллар бирдан чинқириб ҳам туришибди.

— Босмачидан дод!

— Уйнинг куйгурлар!

Ҳолвапазнинг боғига қамалиб қолган Бузрукхўжа ногаҳоний ёпирилиб келган балодан ўзи бош бўлган юртни қандай қутқариш йўлини тополмай жиғибийрони чиқиб, гоҳ боғнинг ўнг томонига югурар, гоҳ яна ўрнига қайтиб ер тепинар, «хато қилдим, хато қилиб қўйдим!» дея бошини деворга урар эди. Йўқ, хато ҳам қилмаган эди шекилли. Тўй олдидан қўлидан келганча эҳтиёт чорасини кўришга ҳаракат қилганди. Авваламбор Зокир қўрбошининг йигитлари тоғ орасида, Бужун деган жойда турганлигини аниқлади. Демак, тўсатдан ҳужум қилиш хавфи йўқ эди. Серовадаги қўриқчи отряднинг командири Парамановга ёрдам сўраб хат орқали мурожаат қилган эди, хабарчи йигитдан нимагадир ҳалигача дарак йўқ. «Войдод, келинни ўғирлаб кетишяпти!— деган чинқирқ назарида Бузрукхўжанинг ёнгинасида эшитилгандай бўлди. Йигит қалтираб кетди. «Аям-ку, аямнинг овози-ку, бу»,— дея сакраб девор ошиб тушганини ҳам, отлиқлар орасидан ўқдек учиб бораётганини ҳам сезмай қолди.

— Келинга тегма!— бақириб юборди Гулнораларнинг кўча эшиги олдига етганда,— тегманглар унга, у жияним бўлади!

Ташқарида қолган қўрбошилар кўча эшикни бузишга улгурган экан. Ичкаридан бир-бирига ёпишиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетган эркагу хотинлар қий-чув кўтариб чиқиб кела бошлашди. Қий-чувлар орасидан Отинбиби аянинг: «Чолгинамни ўлдириб қўйишди!» деган овозини Бузрукхўжа баралла эшитгандай бўлди. Жонҳолатда Гулнорани бағрига олиб чиқиб келаётган йигитга ташланди.

Бузрукхўжани устига тўн ташлаб ерга боса бошладилар:

— Ижроқўмнинг раиси шу!

— Бошига ур!— деган овозлар эшитиларди. Бузрукхўжани бир йўла ўн чоғли йигит ташланиб аллақачон ерга босиб олганди. Йигит пахсага лой тепкилаётгандек тепишаётганини анчагача сезиб турдию, кейин карахт бўла бошлади. Оғриқни сезмай қолди. Қичқирқлар, аёлларнинг фарёдлари гоҳ эшитилар, гоҳ эшитилмас, назарида атроф беланчакдек чайқалаётгандек эди.

— Бас қил!— буйруқ берди қўрбоши.— Сардори аъзам.

га Ижроқўмнинг ўлиги эмас, тириги керак. Ўлдириб ҳам қўйганга ўхшайсизлар-ку, тентаклар! Аравага юкланглар. Ижроқўм биносига ўт қўйдиларингми, тезлаштиринглар!!

ХҲ

УЛИМ СИРТМОҒИДА

— Бузрук, уйғондингми?— ёнгинасида кимдир овоз бергандек бўлди.

— Қимсан?— бошини ўша томонга бурди Бузрукхўжа.

— Ҳасанбойман.

— Ҳасанбой?

— Худди ўзи-да. Зерикиб қолма деб, бирга кетяпман.

— Сени ҳам ушлашибди-да?

— Бўлмаса-чи, менсиз уларнинг иши битармиди.

— Қимнинг йигитлари булар?

— Қимники бўларди, Қалланики-да. Пандигон катта бувисининг хати-муҳрига тушган.

— Қаерда кетяпмиз?

— Билмадим. Мен ҳам бошимни кўтаролмаяпман. Чандиб ташлашган. Кўп гапирма, қон йўқотгансан.

— Сениям уришдимиз?

— Насибага яраша.

— Гафлатда қолдик, жўра.

— Тақдирдан қочиб бўлармиди, Бузрук.

Аравакаш отга устма-уст қамчи босди. Орқадаги ва олдиндаги отларнинг туёғи тошларга урилиб қасур-қусур овозлар даштни қоплаб боряпти. Арава гилдираклари гоҳ сакраб, шотини чайқатади. Бандиларнинг бошларини чайқаб, жонларига азоб беради. Оғриқ зўридан гаплашгани ҳам ҳоллари келмайди.

Бузрукхўжа остки лабини қонатгудек тишлаб борарди:

— Яна кимларни ушлашди?— сўради суҳбатга берилсак оғриқ пасаярмикин деган умидда.

— Олдинги аравада Гулнора кетяпти.

— А?!

— Уринма, жон ўртоқ, кўп қон йўқотгансан... Шўрпешана экан ўша жиянинг.

Яна Бузрукхўжанинг сўзлашга ҳоли келмай қолди. Оғриқнинг зўриданми; аламнинг кучлилигиданми, томоғи хиппа бўғилиб қолгандек эди...

Сардори аъзам деб ўзини улуғлаб юрган ва улуғлашга ўзгаларни ҳам мажбур қилаётган Зокир қўрбоши бу-

гун эрталаб қирғизларнинг Бужун деган хилватгина бир қишлоғида эди. Мадаминбек Езёвон тарафдан, Эргаш Поп чўллари орқали, Раҳмонқул Бешариқ томондан Қўқонга ҳужум уюштираётганлари, бу охирги ҳамлада Сардори аъзам ҳам иштирок этиши кераклиги ҳақида фармон келиб қолди. Беш юзга яқин йигити бор эди унинг. Отланишга буйруқ бериб йўл-йўлакай режалар тузиб кела бошлади. Сендан мен катта деб юрган қўрбошиларнинг Қўқонга ҳужум қилганлари яхши, бари бир, шамга урган парвонадек куйиб кетишади. Бутунлай куюб тамом бўлишса, яна яхши. Ана ундан сўнг Зокир бутун Фарғонанинг якка ҳукмдорига айланади, лекин Мадаминбекка ҳам, Эргашга ҳам ўзимни ёрдам бераётгандек қилиб кўрсатишим керак... Ҳужумнинг оқибати нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмайди. Демак, эҳтиёт бўлмоғим даркор...»

Намозгар пайтида Қўрғонча қишлоғида ўзи барпо этаётган қалъасига (кейинчалик шу ерни Фарғона музофотининг пойтахтига айлантираман деган ширин орзу билан қўшимча иморатлар, отхоналар солдириб, атроф деворини яна икки пахса кўтарган эди) кириб келдию, гарчи йигитлари чарчаб, отлари толиқиб турганинг билса ҳам, катта ҳужумга ўтган қўрбошиларга ёрдам тариқасида юзтадан отлиқ жўнатди. Хон эшон ҳазратларини йўл толиқтириб қўйган экан. Жанобларининг саломатликлари ҳаммадан ҳам Сардори аъзамга керак эди. Ичкарига жой ҳозирлаб оёқларини уқалаш, белларини босиш учун икки чўри ажратди. Шом ғира-шираси бўлиб қолган бир палла эди. Пандигон аъёнларидан арзнома келиб қолди. Сардори аъзам ўридан туриб, ишонарли йигитларини чорлаб фармонлар бера бошлади:

— Ижроқўм рансини тириклай келтиринг!

— Қочоқ Ҳасанин қўлга олинглар!

— Гулнора менинг қаллиғим эди, олиб келинсин! Кофирларнинг маҳкамасига ўт қўй!

Қолган йигитларига ўйнаб-кулишга рухсат бериб, ичкарига, Ислом қўрбошидан тортиб олган қаллиғининг ҳузурига ошиқди. Бугун ўз уйида, ўз қўли билан барпо қилган ўқ ўтмас қўрғонда мусаллас ичиб, бачча ўйнатиб кайфу сафо қилишни ихтиёр қилган эди. Шунинг учун қийғир йигитларга ҳам кайфу сафога изн бериб юборди.

Бандиларни олиб бораётган аравалар эл ётар пайтида Қўрғончага кириб бордилар. Ҳар одимда соқчилар тўхтатиб, қаёққа кетяпсан, кимни олиб келяпсан, деб сўроққа тута берганидан уёғига юриш анча қийин бўлди. Ниҳоят отларнинг боши тортилди. Аравалар ғийқ этиб тўх-

тади. Отлиқлар тап-туп ерга тушиб, бандиларнинг қўлоёғини ечиб пастга ола бошладилар. Бузрукхўжа бугун борлиғи эзилган, бунинг устига кўп қон ҳам йўқотган эди. Пастга тушиши билан боши айланиб гандираклаб кетдию, хайрият, араванинг гупчагига суяниб қолди. Ҳасанбойни ҳам ёнига келтириб тик турғизиб қўйишди. Нариги аравадаги бандини туширишаётган эди «Вой худойим» деб бир нола қилдию, дарров жим бўлди. «Бу — Гулнора,— ўйлади Бузрукхўжа,— шўрпешана етимча шу». Бандиларни қўриқлаб келган йигитлардан бир қисми қолиб, қолгани Гулнорани олиб ичкарига кириб кетишди. Қўрғоннинг ташқари ҳовлисида базм авжига чиққанга ўхшайди. Аҳён-аҳёнда повиллаб аланга кўтариляпти. Созандаларнинг машқи, ашулачиларнинг хонишлари, қўрбоши йигитларининг:

— Адо бўлдим!

— Ендирдинг-ку, бўйингдан!— деган қийқириқлари ҳам өшителиб турибди. «Бачча ўйнатишяпти,— шивирлади Ҳасанбой,— Усмон болани ўйнатишаётганга ўхшайди. Қиз боланинг кийимини кийиб ўйнайди у». Бузрукхўжа индамади. Гулноранинг ҳозиргина забардаст йигитнинг қучоғида зорланиб «Вой худойим», дея нола қилгани, баллиқдек типирчилагани кўз ўнгида қотиб қолгандек эди. Ичкарига кириб кетган йигитлар қайтиб буларни ҳам орқаларидан бошлашди. Узоқ юришмади. Қичкинагина эшикдан олиб ўтиб шу эшикча ёнидаги торгина, лекин тоқиларига ранго-ранг гуллар ўйилган хонага олиб кирдилар. Чўғдек гилам устига атлас кўрпачалар тўшалган. Икки бурчакда қирқинчи фонар парпираб ёниб турибди. Гулнорани шу ерга олиб кирган эканлар. Бурчакда, қийғирдан қочган қушчадек дир-дир қалтираб турибди. «Бузрук ака!» дея бир талпиндию, тепасида турган шоп мўйловли қўрбошини кўриб қайтиб ўрнига ўтираркан, «вой шўрим», деб қўйди.

Зокир қўрбоши кириб келди. Эғнида оқ сурпдан яқтак иштон, елкасига мушк-анбар ҳиди уфуриб турган банорас тўн ташлаб олибди. Бошида чустнусха дўппи, масжиднинг имомига ўхшаб оёғига амиркони ковуш кийган. Унг қўлида ялангоч тўппонча. Уйга кира туриб чайқалиб кетди. Хайрият, мулозим ҳушёр экан, ушлаб қолди. Сўнг шошилиб хона ўртасига курси қўйди-да, устига кўрпача ташлади:

— Марҳамат қилсинлар!

Қўрбоши курсига ўтиргач, бошини кўтаролмай анча қийналди. «Илғари бир хум мусаллас ичса ҳам маст бўлмасди,— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— бугун икки

ҳумчасини ичганга ўхшайди. Ғирт эшакнинг ўзи, эшак ҳам сувни кўрса, устидаги юки билан иши йўқ, ётади олади».

Ниҳоят, Сардори аъзам калласини тутиб олиб хонадагиларга бир-бир назар ташлай бошлади. Нигоҳи бурчакка тушиши билан қўлини бигиз қилиб сўради:

— Бу ким?

— Пандигонли қиз бу,— шошилиб ахборот берди қўрбошилардан бири.

— Топшириғимни бажарибсан-да?

— Бажардим, Сардори аъзам.

— Офарин, сенга мукофот берамиз. Бу қиз... аввал-бошдаёқ менники эди. Уни менинг харамимга олиб киринглар.

Гулнорани типирчилаганча олиб чиқиб кетишди. Сардорнинг боши яна тушиб кетди. Эгилган кўйи:

— Сув,— деб қўйди.

Мулозим челақда сув келтириб чинни косага қуйиб узатди. Косадаги сувни сипқиргач, ниҳоят қўрбоши кўзларини юмиб бош чайқади:

— Бу ким?— дея яна қўлини бигиз қилиб бурчакдаги йигитни кўрсатди.

— Пандигонли Ҳасанбой, — тушунтирди қўрбоши.

— Қочоқми?

— Қочоқ.

— Йигитларимни масхаралаган шуми?

— Шу, Сардори аъзам.

— Қочоққа қандай жазо берамиз?

— Улим жазоси, Сардори аъзам.

— Қочганим йўқ,— урниб ўрнидан турмоқчи бўлди Ҳасанбой,— мен касал ётган онамни кўргани бордим.

Сардор дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Энди... онанги... Учқўрғондан кўрасан. Олиб чиқ! Қўлини ечмасдан қама. Эртага майдонга дор тикамиз... Хоинларни мен дор остида ўйнатаман... Сен Бузрукми-сан?— кайфи бир оз тарқаб бош айланиши ҳам тўхтади шекилли, Сардори аъзам ўрнидан туриб Бузрукхўжа томон кела бошлади,— ёмон савалашибди-ку? Гуноҳинг бор-дир-да, менинг йигитларим бекорга қўд кўтармайди. Сен... кимнинг тарафидасан?

— Сенга ҳисоб бермайман, Зокир!

— Отиб ташлайман ҳозир.

— Отсанг отавер.

— Айт, кимнинг тарафидасан?

— Ҳар қалай қиз ўғрисининг тарафида эмасман.

— Ким қиз ўғирлабди?

— Сен!
— Менинг мишбошимни нега ишдан олдинг?
— Шўролар ҳукумати олди уни.
— Абдурахмонбой жанобларини нега таладинг?
— Халқ шунга қарор қилди. Гулнорани нега олдириб келдинг?

— Қучоқлаб ётгани!
— Ифлоссан!
— Тилингни тий, отиб ташлайман.
— От!
— Йўқ, ҳозир отмайман сени, бекорга ўқни нобуд қилмайман. Большовойларга сотилган хонин сифатида аламон олдида жазолайман сени. Токи тобеларимга сабоқ бўлсин, токи Сардори аъзамнинг гапини икки қилиш мумкин эмаслигини менинг фуқором билиб қўйсин. Тилингни суғуриб, кўзингни ўйиб, сўнг дорга осаман. Шундай баланд дорга осайки, ўлигинг Пандигондан ҳам кўриниб турсин!

Зокир қўрбоши, негадир қалтирай бошлади. Жадал юриб бориб обрезадаги челакни кўтарди-да, саҳродан қайтган туядек ютоқиб сув ичишга тутинди. Паққос ичиб бўлгач челакни ўчоқ бошига ирғитаркан:

— Шукурбек!— деб қичқирди зарда билан.
— Лаббай, Сардорим?

— Икковни хонини оғилхонага олиб кириб маҳкам боғлаб қўй. Пойлоқчини кўпайтир. Эрталаб мен тургунча ялангликка дор қургин. Риштон фуқаросини бу ерга ҳайдаб кел.

— Айтганингиздек бўлади, сардорим,— боши ерга теккудек таъзим қилди қўрбоши.

Бузрукхўжани ҳам Ҳасанбой қамалган молхонага олиб киришди. Ҳасанбойнинг қўлларигина боғланган, уёқ-буёққа юрса бўлади. Бузрукхўжани бўлса бўйнига ҳам арқон солиб тепага тортиб, ҳеч томонга бурила олмайдиган қилиб қўйишди. На ўтира олади, на ёнбошлай олади. Сал қимирласа, арқон бўғиб қўйиши мумкин. Чироқларни олиб чиқиб кетишгач, молхона ичи гўристондек қоп-қоронғи бўлиб қолди. Нарироқдаги отхонада отлар гўрт-гўрт беда чайнашяпти. Аввалига бир-бирларига гап қўшгилари келмай хўрсина-хўрсина жим туришди. Бетоқат Ҳасанбой аста-секин жўрасига яқинлашди:

— Энгашиб турсам, белимга чиқсанг,— дея шивирлади,— кейин иягинг билан туртиб арқонни томонингдан чиқара оласанми?

— Қўй, тагин бўғилиб қолмай,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Сенга қандай ёрдам қилсам экан?

— Сабр қилайлик.

— Жонинг қийналиб кетяпти, ахир! Ишқилиб ухлаб қолма, бўғилиб қоласан.

— Гаплашиб турайлик, — хўрсинди Бузрукхўжа.

— Ҳалн аравада келаётганимда юрагимда унча ваҳима йўқ эди. Ҳозир, негадир, қўрқиб кетяпман. Қалланинг важоҳати хунук. Ростдан ҳам осиб юборса-я!

— Эҳтимол... осмас, омон қолармиз... Серовага хабарчи кетган. Қўриқчи отрядни бошлаб келса ҳам ажаб эмас.

— Бари бир, юрагим тўла ваҳима. Мабодо қисматимиз етган бўлса илтимос қиламан, осншмасин.

— Бари бир эмасми?

— Йўқ, жўра, бари бир эмас, томоғимда қитиғим бор.

— Кулдирма, — илтимос қилди Бузрукхўжа, — бўғилиб қоламан.

— Йўқ, кулдириш учун айтмаяпман, чиндан ҳам қитиғим бор. Сен қўрқаётганинг йўқми?

— Қўрқмай бўладими, Ҳасанбой.

— Мен ҳам қўрқаяпман. Яна тагин хўрлигим ҳам келяпти. Йиғласам майлими? Оёғингга бошимни қўйиб туриб йиғлайман. Одамларни ўн йил кулдирдим. Кулиб туриб йиғлардим, йиғлаб туриб кулардим. Очиғини айтсам, жўра, менинг ҳам қалбим тўла дард, армон эди. Қайси етимнинг кўнглида армони йўқ дейсан... Ҳамма мени масхарабоз дейди. Йўқ, жўра мен ҳам сендек инқилобчи эдим. Агар Пандигонда сен Кўмита тузмаганингда ўзим тузган бўлардим. Йўқсилларни қасосга ўзим бошлаб борган бўлардим.

— Ҳозир ҳам, қизиқчи, анча иш қилиб қўйдинг!

— Гап қўшмай тур, юрагимни бир бўшатиб олай. Дўстим, сенга очиғини айтайми? Очиғини айтсам, менинг ҳам қалбимга ишқ меҳмон бўлган. Саддинисани севардим. Соймаҳаллалик, Отинбиби аямга сабоқ олгани келиб турарди-ку, кўргансан. Қизнинг ҳам менда кўнгли бор. Фақат янглишиб хатни укамга бериб юради. Эҳтимол қоронғида бир-икки марта унга ўптириб ҳам қўйгандир... Лекин кўнгли менда. Баҳорга чиқиб тўй қилмоқчи эдик... Мана энди бекордан-бекорга ўлиб кетяпман. ...Аямга қийин бўлади. Биласан, хотин боши билан сувчилик қилади, бизни қанақа қийинчиликлар билан катта қилган эди-я! Йўқ, аям эшитса Зокирининг бошини мажақлаб ташлайди. Полвон аям Зокирдақалардан тўрттасининг белини букиб қўяди. Эшитса келади, ўч олмагунча қўймайди.

Тўғрими, Бузрук, ўч олади дегин, жон ўртоқ шундай дегин.

— Ўч олади, албатта олади,— деб қўйди Бузрукхўжа,— ие, овозинг ўзгариб қолди, чиндан ҳам йиғлаяпсанми?

— Куладиган иш бўлаётгани йўқ-ку ахир,— Ҳасанбойнинг йиғиси ҳиқичоққа айланиб гапиролмай қолди. Бузрукхўжанинг ёнига чўкиб, оёқларини силаганча ҳиқиллай-ҳақиллай жим бўлди.

Ташқарида ҳам базм тугади шекилли, гангир-гунгир овозлар узоқлашиб кета бошлади. Қаердандир, жуда узоқдан ўқ овозлари эшитилди. Кетидан, яна ўша тарафдан аёл кишининг додлагани қулоққа чалинди. Бандилар қамалган хонанинг нарироғидан отларнинг депсингани, айғирларнинг кексаларнинг томоқ қиришига ўхшаш калта-калта кишнагани эшитилади.

— Ўртоқ, чарчадинг,— яна гап бошлади Ҳасанбой,— бир нафас кўтариб турай, йўқ дема, жон ўртоқ.

— Яхшиси уёқ-буёқдан гаплашиб турайлик,— шивирлади Бузрукхўжа.— Юракдаги ваҳима чекинади.

— Устозим Жума қизиқни ҳам хонларни масхара қилгани учун, бир марта дорга осишга фармон беришган экан,— ўзинча бир кулиб қўйди Ҳасанбой,— бўйинига арқон солишаётганда, йўқ тўхта, арқоннинг пишиқроғидан олиб кел, деб туриб олибди. Сенга бари бир эмасми дейишса, мен ўлимдан қўрқмайман, аммо арқон узилиб кетса оёғим сиииб чўлоқ бўлиб қолишдан қўрқаман, дебди...

Кимдир овоз бергандек бўлди, жим қолишди. Қоронғилик қаърдан «Эшон бола» деган шивирлаш эшитилди яна. Енгил-енгил қўйилаётган қадам шарпаси яқинлашиб кела бошлади.

— Бузрук!— шивирлади яна шарпа.

Бузрукхўжанинг юраги ҳаприқиб кетди:

— Кимсиз?

— Карнайчман.

— Мадумар ака!

— Овоз чиқарма, қаердасан? Ҳа, мана топдим. Ке, аввал бир кучоқлаб олай.

— Бўйнимда сиртмоқ бор, эҳтиёт бўлинг.

— Биладан, эшон отанинг ўғли, ўлим сиртмоғида турганингни айтишди. Қимирламай тур, қўлимда ўткир пичоқ бор, тагин уёқ-буёғингни кесиб қўймай. Йўқ, бўйним етмаяпти. Қизиқни, қаердасан, ке, аввал сенинг қўлингни бўшатай, бўлдим, ма, энди пичоқни ол. Бузрукни бўшат, тез бўл. Мен бир нос чекиб олай. Товба, шу пайтда хумор

қилиб қолса-я, чекмасам бўлмайди. Чучкурик келади. Бўлдингми? Орқамдан юринглар. Бузрук, сизларни Муслим қўрбоши қутқаряпти, унутмайсан-а?

— Унутмайман.

— Қизиқчи, сен ҳам отанга ўхшаб бир қасам ичиб қўй-чи.

— Унутсам, худо урсин!

Отхона тарафга тешик очишган экан, ўша ердан аввал Мадумар карнайчи ўтиб, сўнг бандиларни навбати билан тортиб ола бошлади. Жим бўлишгач, бир нафас жим қолишди. Мадумар карнайчи яна шивирлай бошлады:

— Қўрқманглар, Сардори аъзамга наша бериб маст қилиб қўйишган. Эрта пешингача гумбурлатиб хуррак отади энди. Жиянингни ҳам қутқаришмоқчи. Пири муршидга маълумот етказишди. Эҳтимол хоб хонасига олиб ҳам кириб кетгандир... Анорвойнинг қизи эди-да. Етимчадан ташвишланма. Оббо, эшон бола-ей, қўлга тушиб қопсан-да, кўрдингми, бизнинг йигитлар қанақа экан!.. Ҳозир соқчиликка Муслим қўрбошининг йигитлари келади. Келишса отхонанинг олдидан чироқ кўтариб ўтишади. Ана, ўтишяпти. Юринглар, кўча бошида сизларни икки отлиқ кутиб турибди... Эшон отамга салом айт.

— Айтаман.

— Ке, шу ерда бир ачомлашиб олайлик! Баракалла, чиқ энди, тезроқ чиқинглар. Қизиқчи, тўхта, сен билан ҳам бир ўпишиб олай. Тўйга борганинга энди ўзинг бормагин, мени ҳам олиб кетгин. Бирга юрамиз-а?

— Бирга юрамиз.

— Қани, даданга ўхшаб, бир қасам ичиб юбор-чи.

— Ёлғон сўзласам... шайтонга хотин бўлай...

Навбаҳор палласи

IV қисм



«ЮЗИМИЗ ЕРУҒ БУЛСИН»

Қўқон ревкоми оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Инқилоб яна хавф остида қолди. Қиши билан тоғларда, олис қишлоқларда беркиниб ётган қўрбошилар ҳаво илий бошлаши билан, худди совуқда ер остига кириб кетган ҳашаротлардек яна қимирлаб қолишди. Қиш ичи Туркия ва Афғонистон орқали келтирилган инглиз қуроли билан қуролланиб, оқ гвардиячи қочоқлар, турк офицер тўралардан ҳарбий таълим олган қўрбошилар ҳал қилувчи ҳамлага тайёргарлик кўраётганликларини Фавқулодда комиссия раиси Михаил Колосевнинг маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди. Қўқон тўрт тарафдан қуршаб олинган. Яйпан томонда баччабоз Ислоҳ полвон куч тўплайпти. Сирдарёнинг ўнг ва чап соҳилларида Раҳмонқул қўрбоши йигитларига машқ беряпти, қизил аскарлар олдига тушиб қочиб гоҳ Намангандан, гоҳ Ёзёвон чўлларида паноҳ топиб юрган «Амирул-муслимин» яна ўзини ўнглаб олди. Риштонда Зокир қўрбоши ҳаммангдан мен зўр, худо хоҳласа, Қўқонга ўзим пошшо бўламан, деб қилич қайраяпти. Норбуво қишлоғидан отилиб чиққан мулла Шермат қўрбоши газовот байроғини баланд кўтариб атрофига диндорларни тўплаб олди. Мадаминбек билан Тўйчи қўрбоши, гарчи, Инқилоб тарафига ўтишга мойиллик билдиришгаётган бўлсаларда, ким билади қайси мулоҳазага бориб, сусткашлик қилмоқда эдилар. Зеро, ўтганларида ҳам, ҳали буларга ишониб бўлмас эди... Қўқон ўтли ҳалқа ичида қолган.

Қўқон ревкомининг раиси Ефим Андрионович Бабушкин ана шу ўтти аланга олдиримаслик учун елиб-югуриб чоралар кўрмоқда. Чораларидан бири ревкомларнинг раисларини алмаштириш ҳақидаги қарори бўлди. Яхши ишлаган ревком раислари, яхши ишлагани учун, табиийки жойларда анча-мунча душман орттиришди. Демак, энди ҳаётлари хавф остида. Суст ишлаганлари, гарчи Инқилоб душмани бўлмасалар-да, шу сусткашликлари билан, табиийки, босмачилар тегирмонига сув қуймоқдалар.

Демак, унисини ҳам, бунисини ҳам алмаштириш зарур эди.

Бабушкин ревком раислигига тавсия этилганларнинг, гарчи кўпини яхши билиб Инқилобга садоқатли эканлигига шубҳаси бўлмаса ҳам, бари бир уларнинг номаи аъмоли билан қайтадан танишиб чиқа бошлади. Навбат Бузрукхўжага келган эди. Папкани очиб, тайёрланган ҳужжатларни бирма-бир ўқий бошлади.

«Ишонч варақаси.

Бузрукхўжа Усмонхўжаев менинг взводимга Серова станциясида турганимда босмачилардан қочиб келиб қўшилган. Аввал оддий аскар, сўнгра озиқ-овқат тайёрловчи отрядга раҳбарлик қилди. Шунингдек, бирмунча фурсат разведка группасига бош бўлиб аскарларимни хавф-хатардан эҳтиёт қилди. Мард, жасур йигит. Инқилобга садоқати зўр. Қизил Аскарлар ўртасида ҳурмати баланд. Эргаш қўрбоши йигитлари билан бўлган жанларда алоҳида жасорат кўрсатгани учун қўмондонликнинг мақтов ёрлиғи билан тақдирланган.

Пётр ПАРАМОНОВ,

полковник, ҳаракатдаги ўқчи полк командири».

«Ишонч варақаси.

Ҳозирда Бувайда ревкоми раислиги лавозимида ишлаб турган ўртоқ Бузрукхўжа Усмонхўжаев бу вазифага ўқчи полк разведкачиси хизматидан чақириб тайинланган. Бувайда меҳнаткашлари ўртасида Инқилоб ғояларини тарғиб қилишни яхши йўлга қўйди ва демак, Инқилоб ғалабаси учун катта ҳисса қўшмоқда. Ростгўй, ҳалол йигит. Одамларни ўз лафзига ишонтира олиш салоҳияти бор. Бул ўртоқнинг тонқирлиги ва жасорати туфайли қўрбошиларнинг уяси бўлган Бувайда бўлисида Шўролар ҳукуматининг байроғи баланд кўтарилди. Отамурод қўрбоши, Акмалхон понсодлар бул ўртоқнинг тарғиботи ва воситачилиги туфайли Инқилоб тарафига ўтиб ҳозирда босмачиларга қарши уруш олиб бормоқда.

Бинобарин ушбунни тўғри деб:

Назиржон ХАЛИЛОВ,

Қўқон ревкоми раисининг муовини».

«Ишонч варақаси.

Қўлимда бор ҳужжатлар ва қўшимча текширувлар берган ахборотларга асосланиб қуйидагиларни маълум қиламан: Бузрукхўжа Усмонхўжаев Октябрь Инқилобидан олдин ҳам ишчилар ғалаёнларида иштирок этиб, гоҳо ўзи

бу ғалаёнларга бошчилик ҳам қилган. Қишлоқларда Инқилобий тарғиботлар олиб борган, варақалар тарқатган ва Инқилоб Қўмитаси тузиб ўзи раҳбарлик қилган. Инқилобдан сўнг унине ғалабасини таъминлаш учун астойдил киришган. Содиқ ленинчи, оғишлар, иккиланишлар бўлмаган.

Михаил КОЛОСЕВ,

Қўқон ревкоми Фавқулодда комиссиясининг раиси.

Бабушкин қоғозларни қайтариб папкага солди-да, кафтларини иш столи устига қўйиб, кўзларини юмган қўйи бошини орқага ташлади. «Йўқ, бу Оқжарга бормайди. Риштонга жўнатаман уни,— дея ўзи билан ўзи гаплаша бошлади,— бундан бошқаси Риштонни эплай олмайди. Вулқондек отиламан деб турипти. Ўзбек, қирғиз, тожик элатларининг чегараси туташади у ерда. Демак, босмачи ҳам аралаш. Тоғдан қочгани ҳам ўша ердан ўтади. Чўлдан тоққа қараб йўл олгани ҳам ўша ердан ўтади... Бузрук Риштонга боради, қарорим шу».

Бабушкин кўзларини очиб:

— Қабулхонада ким бор?— деб сўради котибидан.

— Чақирилганларнинг ҳаммаси келган,— деб қўйди нозиккина татар йигити.

— Аввал ўртоқ Усмонхўжаевни таклиф қил.

Илгари ҳам кўп марта кўришган эдилар. Бузрукхўжанинг назарида Бабушкин яна ҳам кичрайиб озиб, чақалоқдеккина бўлиб қолгандек туюлди.

Бабушкин бўлса:

— У, азамат йигит бўлиб кетибсан-ку, тўлишибсан, паҳлавонлардек бўлиб кетибсан,— деб қўйди. Биров билан сўзлашганда, одатда, бир жойда ўтиролмасди. Яна ўрнидан туриб олди. Ўзбекчани анча-мунча билиб олган, билганини кўз-кўзлаш учун эмас, балки Бузрукхўжани русчани билмайди деб ҳисоблагани учун, ўзбекчалаб гапира бошлади.

— Хўш, ревком раиси, Бувайдада аҳвол қалай?— деб сўради-ю, сўнг шошилиб қўшимча қилди,— ўзбекчани тўғри гапирдикми?

— Тўғри гапиряпсиз,— деб қўйди Бузрукхўжа негадир кулимсираб.

— Русча гапира оласанми?

— Оз-оз гапираман.

— Бўлмаса мен ўзбекча гапирсин, сиз ўрисча гапирсин. Икки кишига машқ бўлади. Энди айт, қалай одамларнинг кайфияти? Мусулмонлар ўртасида нима гап?

— Инқилоб,— Бузрукхўжа бир кулиб қўйди-да давом этди,— ўзбекча гапирсам майлими?..— Инқилоб бир йилнинг иши эмас экан, Ефим ака.

— Ҳақ гапни айтдинг,— деб қўйди Бабушкин.— Тўқсон фонзи мусулмон бўлган омманинг онгига Инқилоб ғояларини бир ҳафтада сингдириб бўлмайди. Тўғри айтдинг, вақт керак, сабр-тоқат керак. Лекин гапнинг қисқасини айтамыз: сиздан мамнунмиз, шунинг учун ҳам сени бошқа ёққа олмоқчимиз. Йўқ, сиз қимирлама. Утиравер, тикка туриб гаплашадиган гаплар эмас бу. Сен Риштон ревкомга ранс бўлиб борасан.

— Йўғ-е,— Бузрукхўжа, бари бир ўтиролмади, ўрнидан туриб кетди.

— Ревкомнинг қарори бу,— таъкидлаб деди Бабушкин.— Уни бузолмайсиз, мен ҳам бузмайман.

— Мендан сўрамасдан-а?

— Сен сиз, бари бир йўқ демайсиз. Йўқ дея олмайсиз. Сиз Инқилоб аскарисиз. Командир буюрган жойда бўлишинг шарт. Шунақа, азизим. Йўқ, ўтириб ол. Мана, мен ҳам ўтирдим бўлмаса... Риштонда аҳвол чатоқ, жуда чатоқ. Фақат босмачи эмас бошқа акспинқилобий кучлар ҳам тўпланадиган манзил у. Хон эшон ҳазратларини илгари танирмидинг?

— Танийман.

— Зокир қўрбошини-чи?

— Упиям... биламан.

— Ушандан қочиб Парамоновга қўшилгансан. Тўғрими?

— Тўғри.

— Ҳозир ана шу иккови инглиз разведкасининг тузоғига илиниб қолган. Бир-биридан ажратиб ташлаш керак. Лекин ҳушёр бўл.

— Ефим ака, ҳали мен уёққа боришга розилик берганим йўқ-ку?

— Розн бўласан. Бошқа иложингиз йўқ. Гап бундай, азизим. Ҳали жуда ақлли гап айтдинг... Инқилоб бир йилнинг иши эмас. Лекин ортиқча сабр қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз ҳам йўқ. Майли, буёғига мен ҳам ўз тилимда гапирга қолай, қийналиб кетдим. Хўш, нима дсётган эдим. Ҳа, ортиқча тоқат қилишга бизнинг ҳам ҳаққимиз йўқ. Инқилоб сусткашликни ёқтирмайди. Шиддат билан ишга киришасан. Бувайдада қандай ишлаган бўлсанг ана шундай ишлайсан... Акмалхон қўрбоши қаерда ҳозир?

— Султонов полкида хизмат қиляпти.

— Баракалла, Бузрук. Сенинг бу ишингни биз бошқа-

ларга ҳам кўз-кўз қиламиз. Босмачиликни тугатиш — бу кўрбоши йигитларини ёппасига қиличдан ўтказиш деган сўз эмас. Тўғри йўл тутибсан, азизим. Уларнинг орасида кўнгли пок, соф виждонли йигитлар кўп. Адашган ва билмасдан ўзининг юзига ўзи тупуриб юрганлар бор. Биз буларнинг ҳаммасини каллакесарлар деб қириб ташласак тарих олдида юзимиз қора бўлади, бир эмас, икки марта қора бўлади... Сарқўрғонда бўлган воқеани эшитдингми?

— Қисман эшитдим.

— Полк командири Расулев билан Шатровнинг гўрлиғини бу, йўқ, бориб турган хоинлик бу! Қара-я, ариқ очгани, сув тўсгани борган юзлаб қуролсиз деҳқонларни ўртага олиб пулемётдан ўққа тутишибди. Қочмоқчи бўлганларини қишлоғигача қувиб бориб чопиб ташлашибди. Нега бундай қилдиларинг десам, қўлларидан қурол бор эди дейишади. Шох кесиб учун олиб борган ўроқ билан чопқилари кўзларига қурол бўлиб кўринибди бу хоинларнинг! Мен уларнинг ишини ҳарбий трибуналга оширдим. Ўзим қораловчи бўламан, ўлим жазосини сўрайман уларга... Хўш, бегуноҳ ўлган бу деҳқонларнинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари бизга дўст бўладими энди?

Бабушкин кичкина мушти билан столни уриб ўрнидан туриб кетди. Хонада уёқ-буёққа юриб гапира бошлади:

— Ҳа, ўртоқ ревком, сен буларни билиб қўйишинг керак. Орамизда хоинлар ҳам йўқ эмас. Халқни бизга қарши кўзгаш учун нималар қилишмаяпти улар... Гапим чўзилиб кетди, хулосам шу, сен Риштонда тартиб ўрнатасан, босмачиликни тугатасан, ашаддийларига эса шафқатсиз бўл.

— Қарор қатъийми?

— Қачон жўнайсан?

— Аввал Бувайдадаги ишимни топширсам бўларди.

— Риштонда аҳвол гоят оғир... Комил Муртазинни отиб қўйишди. Қўрқма, тирик. Лазаретда ётибди. Қайтаётганинда кўриб кетсанг ҳам бўлади. Ихтиёрингга қўриқчи отряд бераман. Ҳар кун ахборот жўнатиб турасан. Лекин такрор айтаман, хушёр бўл, босмачиларнинг уясига кетипсан.

— Билиб турибман.

— Ташқарига чиқиб тур, кетма. Ҳозир кенгаш бўлади. Тасдиқдан ўтишинг зарур. Йўқ, тўхта, гоят махфий бўлса ҳам сенга бир гапни айтиб қўймоқчиман. Аҳволинг танг бўлиб қолганда Боғдоддаги Юнусали кўрбошидан фойдалансанг бўлади.

— Биз тарафга ўтдимиз?

— Қўрбошилар ичида юриб бизнинг топширигимизни бажаряпти.

— Айтганингиз яхши бўлди.

— Сен ревком раиси сифатида буни билиб қўйишинг керак эди. Лекин эҳтиёт бўл, Сирни ошкор қилиб қўйма. Хўп, энди чиқиб тур, яна чақираман.

II

ХУМРАЙГАН КЎЗЛАР

Риштон ревкоми собиқ ноибнинг маҳкамасига жойлашган экан. Эшиклар таққа берк. Вақт эндигина пешин маҳали бўлишига қарамай, бошқа хоналарда ҳам ҳеч ким кўринмайди. Чуваккина, серсоқол, шунинг учун ҳам бутун борлиғи соқолдангина иборат бўлиб кўрипаётган чол ҳовли томондан югургилаб чиқди:

— Ассалому алайкум, аскар бола!

— Ваалайкум ассалом,— деб қўйди Бузрукхўжа. Чол отнинг тизгинини ола туриб Бузрукхўжага тикилиб қолди. Нигоҳлар учрашди. Икковлари ҳам бир-бирларини танидилар. Чол зиндонбон эди. Бузрукхўжа қамоқдан қочаётган кун шу чол қоровулда турган, унинг соддадиллигидан фойдаланиб қочган эди.

— Хайрият, омон экансиз, ўғлим,— деб қўйди чол,— сиздан кейин мени бир ой қамаб қўйишди. Зап келибсиз-да. Нима хизматдасиз, ўғлим.

— Ревкомга раис бўлиб келдим.

— Бизгами, зап келибсиз-да! Мана, маҳкама бўш, ҳозир эшикларни очиб бераман.

— Ўзингиз қанақа хизматдасиз, ота?

— Ревкомга қоровул қилиб олишган. Сабаби тиркчилик экан, йўқ демадим. Аскарлар сизга қарашлими?

— Менга қарашли.

— Сал хилватроққа олсангиз бўлармиди. Замон нотинч. Одамлар ваҳимага тушмасин дейман-да.

— Жой борми?

— Отхоналар бўш. Ўзингиз хизматда бўлганда кириб-чиқиб юрардингиз-ку. Ҳаммаёқ ҳувиллаб ётибди ҳозир.

Бузрукхўжа ўзи билан бирга келган соқчи отряд командири Шамякинни ёнига олиб отхоналарни кўздан кечириб чиққач, бедовларни боғлашга, йигитларга эса карвон саройга бориб, дам олиб туришга кўрсатма берди. Қайтиб маҳкамага кирди-ю, мийиғида кулганча тик туриб қолди. Дунёнинг ишларини қаранг, бу ерда яқингинада дабдабаю тантана билан Шакархон ноиб ўтирарди. Буз-

рукхўжа унинг ҳузурига ҳақ даъво қилиб кирганда ҳақорат эшитиб, беҳурмат бўлиб чиқиб кетганди. Мана бу бурчакда унинг қўлини орқасига боғлаб хўп савалашган эди... Демак, ҳамма нарса ўзгариб турар экан-да, бу дунёда боқий қоладиган ҳеч нарса йўқ экан-да...

Бузрукхўжа орқасига ўгирилиб чойнак-пиёла ушлаб турган чолни кўрдию, хаёлини йиғиштириб:

— Ревкомда бошқа хизматчилар ҳам борми? — деб сўради, — нега кўришишмайди?

Қоровул бобо ревкомда анчагина хизматчи борлигини айтиб, отликларни кўриб, эҳтимолки хонанинг ичидан беркитиб олишгандир дедю, чиқиб кета туриб қўшимча қилди:

— Ё чақириб берайми?

— Яхши бўларди, бир танишиб олсак.

Янги раиснинг ҳузурига биринчи бўлиб Шакархон ноибнинг мирзоси — Мирзача ташриф буюрди. Ноибнинг олдига қандай тавозе билан киришга ўрганган бўлса, ана шундай бир алфозда кириб, хиёл эгилиб салом берди-да, сўрашиш учун икки қўлини баробар узатди. Сўрашиб бўлгач, ҳовучини фотиҳага очиб:

— Илоё омин, ревкомнинг ишига худо ривож берсин, — деб дуо қилган бўлди.

— Хўш, хизмат? — сўради Бузрукхўжа.

— Ўзлари чақиртирган эканлар, — қўлини кўксига қўйиб яна таъзим қилди Мирзача, — камина ҳам ревком хизматидаман. Яъни масалан, маориф шўбасига мутасаддиман.

Бузрукхўжанинг феъли айниди. Кечаги зиндонбон қоровул бўлсаю, саломингга хушласа алик олиб, хушламаса тамонно билан ўтиб кетадиган Мирзача маориф шўбасига мутасадди бўлиб олган бўлса! Наҳотки, Риштонда бошқа одам топилмабди! Мирзача ул-бул нарсаларни тушунтирган бўлди, тез-тез гапира бошлади. Олтмиш тўрт қишлоқда янги мактаб очишга қизғин тайёргарлик кетаётган эмиш. Бирида сустроқ ишлаётган Ижроқўм ва яна бирида ҳамон мингбоши тургани учун ҳозирча мактабларни очиш мумкин бўлмабди.

— Шунақа денг? — деб қўйди Бузрукхўжа қошларини норози чимириб.

— Ҳа, шунақа жаноблари.

— Мен жаноб эмас, ревком раисиман, — қовоғини солиб олди Бузрукхўжа.

— Қуллуқ, қуллуқ, — бош эгди Мирзача, — жаноби... ўртоқ раис нима десалар камина учун вожибдир.

«Йўқ, буни эртагаёқ йўқотиш керак, бўйи кичкинаю ич тўла фитна буниг. Йўқотмасам бора-бора менинг ўзимдан ҳам пора сўрайдиган бўлади бу», ўйлади Бузрукхўжа. Хонага пандигонлик собиқ мингбоши Мулла Зариф кирди. Янги куёвга ўхшаб башанг кийиниб олибди. Беқасам тўн, шоҳи қийиқ, хиром этигининг фарчи нақ ярим чақиримдан эшитилади. Эшилиб-буралиб шунақанги ҳокисор, шунақанги камтарона бўлиб кирдики, Бузрукхўжа бошига бирон ташвиш тушган бўлса, ёрдам берсам бера қолай деб ўйлай бошлаган эди, қарангки, у ҳам ревкомнинг олиқ-солиқ йиғувчи лавозимда экан. Мулла Зариф шу гапни айтиши билан Бузрукхўжага сўзлашга имкон бермай, ҳолаҳвол сўрашишга тушиб кетди. Лаънати босмачиларни узоқ қарғади, уйинг куйгурлар ҳаммаёқни хонавайрон қилди, деди. Ниҳоят, узоқ оҳ-воҳдан кейин энсаси қотиб столни чертганча жим ўтирган Бузрукхўжага яна мурожаат қилиб: «Укагинам, ҳамқишлоғим, ўзинг Ижроқўмга раислигингда кичикроқ лавозим сўраган эдим, иложи бўлмади шекилли бера олмадинг. Мана бу ерда, хайриятки, менбоп иш топилиб қолди. Ахир шўролар томонига ўтганимни ўзинг биласан-ку. Пирқага қабул қилишларини сўраб ўртоқ Муртазинга маълумотнома бериб қўйганман», деб сўзини тугатди.

Мулла Зариф сўзлаётганда Бузрукхўжанинг кўз ўнгида энг сўнги учрашувлари жонлана бошлади. Босмачилар бостириб келаётганда мингбоши ниятига етган голиб бир кишидек ҳи-ҳи-ҳилаб кулиб «ҳорманг энди, тўйбоши», дея пичинг қилган эди. Ҳозирги айтган гаплари ҳам Бузрукхўжага пичингдек туюлиб вужудини зирқиратиб қалбини ўртаб юборди. Энтикиб кетди. «Демак, сен ҳам ўз маслагинг учун курашни давом эттираётган экансан-да,— деган фикр ўтди бошидан,— Шўролар ҳукумати номидан солиқ солиб босмачига жўнатиб турибсан. Сени бу ерга босмачилар қўйган, босмачининг одамсан».

Мулла Зариф ўйларга берлиб ўтирган Бузрукхўжадан сўзларига жавоб кутиб оғзини пойлаб маҳтал турарди. Бузрукхўжа бошини кўтарди.

— Бошқа гапингиз йўқми?

— Илтимоc шуки, ҳамқишлоқ, қанотингизда бўлсам. Ахир, султон суягини хўрламас дейдилар.

— Менга ахборот тайёрлаб келинг.

— Қанақа ахборот?

— Қанча солиқ йиғдингиз, кимлардан йиғдингиз, қанча харж бўлди, кимларга бердингиз, ҳаммасига ёзма ҳужжат келтиринг.

— Мулла Бузрук!

— Эрталаб тайёр бўлсин, рухсат энди сизга, чиқинги!

Мулла Зариф кўп нарсаларни айтмоқчи эди. Ҳамқиш-лоғи рўйхуш бермагач, қўлини кўксига қўйиб чиройли бир таъзим қилди-да, бурилиб чиқиб кета бошлади. «Пандигондан жуфтакни ростлаганинг эсингдан чиқибди-да,— деган фикр ўтарди унинг бошидан,— кўрамиз, Риштондан қандай қочар экансан! Ёзма ахборот эмиш-а...» Эшик олдинга етганда орқасига ўгирилиб шунақанги бир чиройли табассум қилдики, юзи гул-гул яшнаб кетгандек бўлди.

Собиқ миршабхона нозирини Темурбек ҳам лавозимда экан. Қириб кела туриб холаваччасини кўргандек суюниб, хандон отиб кулиб юборди. Бузрукхўжа охири бор кўргандан буён у анча тўлишиб, қорини ҳам қўйибди. Қорни худди халтачага солиб икки оёғи орасига осиб қўйилгандек пастлаб тушибди. «Ревком келди дейишса, қочиб ўтирибман-а, деди кулгиси тўхтагач,— оббо оғайни-ей, хуш кўрдик, хуш кўрдик, қадамларига ҳасанот». Кўришиш учун қулочини кенг ёзиб келаётган эди, Бузрукхўжа истамайгина бир қўлини узатиб:

— Ҳойнаҳой, сиз ҳам бирор лавозимдадирсиз?— деб сўради.

— Худди айтганингиздек,— хурсанд жавоб қайтарди Темурбек.

— Масалан?

— Халқ милициясига бошчилик қиялпман, ўзим тузиб олдим уни.

— Нима?!— Бузрукхўжа андак бўлмаса қичқириб юбораёзди. «Сен миршабхона нозирини сифатида инқилоб арафасида инқилобчиларни хўп калтаклаган эдинг. Қандай қилиб энди инқилобчи бўлиб олдинг», деб сўрамоқчи эди, бўғилиб турганиданми ёки ҳозир сўроқнинг мавриди эмас деб ўйладими, сўрамади. Аламини ичига ютди. Ўрнига ўтирди:

— Хўш, халқ милициясининг ишлари қалай?

— Аъло даражада.

— Нечта йигитингиз бор?

— Ун тўртта.

— Қуролсизлари-чи?

— Улар ҳам шунча.

— Идораингиз қаерда?

— Эски миршабхонада. Йигитларим ўз уйларида туришади. Керак бўлганда чақиртириб келаман.

— Босмачилар тез-тез ҳужум қилиб туришадими?

— Шу ой ичи ҳужум бўлмади ҳисоб.

— Олдинги ойда-чи?

— Бир-икки бор келишди. Лекин уришиб ўтирмадик. Нега десангиз улар кўпчилик эди, беҳуда қон тўкилмасин дедим-да.

— Ҳозир чиқиб карвонсаройнинг қибла томонини милиция уйига айлантирасиз. Қуроли йигитларингиз кечасю кундузи ўша ерда эгарланган отдек шай туришин. Уқдингизми?

— Уқдим. Лекин Бузрукхўжа ўртоқ, мендан бир арзод бор. Яъни айтмоқчиманки, маош масаласи чатоқ. Мулла Зариф деган бир хазиначи пайдо бўлиб қолган. Қачон пул сўраб борсак, сандиғини қопқоғини очиб, мана ҳеч нарса йўқ, деб тураверади.

— Бу ҳақда эрта бафуржа гаплашамиз,— суҳбатга тезроқ яқин ясагиси келиб қолди Бузрукхўжанинг,— ҳозир бориб йигитларингизни йиғинг. Жамлангач, менга хабар беринг. Улар билан гаплашмоқчиман.

«Э, тавба, э, тавба,— хонада уёқ-буёқ юра бошлади ревком раиси,— бу лаънатилар яна барча лавозимни эгаллаб олишибди-ку! Инқилобни йўқсиллар қиларкану, эски амалдорлар давом эттирар эканда. Амалпарастлар, авлод-аждоди текни еб ўтган буларнинг. Қетмон чопишмайди, ўроқ тортишмайди. Аммо лавозимни эгаллашда устаси фаранг булар. Демак, бирлашиб олишган. Олдинги ревкомнинг қўл-оёғини боғлаб ишлатмай қўйганлар. Ариза бериб кетишга мажбур қилганлар. Демак, эртадан бошлаб мени яккалашади. Дадил бўл, Бузрук, бўлмаса оёғинг осмондан келади...»

Шарпасизгина юриб Қоровул бобо кирди:

— Чойингизни янгилаб берайми, совиб қолгандир?

— Ота, хизматчиларнинг ҳаммаси келиб бўлдимми?

Қоровул бобо негандир атрофига ҳадиксираб кўз ташлади:

— Асоб отдел Урунов қолдилар. Чақирдим. Ўзи буёққа чиқсин деяпти.

— Меними?— ҳайрон бўлди Бузрукхўжа.

— Ҳа сизни.

— Йўқ,— бош чайқаб қўйди Бузрукхўжа,— чиқиб айтинг, буёққа тездан келсин.

Қоровул бобо пложим қанча дегандек елкасини бир қисдию, чиқиб кетди. Хиёл ўтмай кулимсираганча орқасига қайтаркан, худди узр айтаётгандек бир оҳангда деди:

— Чиқмасангиз хафа қилармиш.

— Мени хафа қилармикан?

— Ҳа энди, чиқа қолинг, ўғлим, мурося яхши-да.

Бу қанақаси бўлди а? «Особ отдел» ревкомлар қошида тузилиб Инқилоб тартиботини назорат қилишда уларга ёрдамчи эди-ку! Ёрдамчи ўз бошлиғини ҳузурига чақириб, чиқмасанг хафа қиламан деб ўтирса-я. Бир одим йўл Бузрукхўжа унинг олдига чиқини ҳам мумкин. Лекин иш бошлаш олдидан мавқенин қўлдан бериб қўймайдими Кейини иш юрита олмайди-ку... «Йўқ, чиқаман,— сакраб ўрнидан турди Бузрукхўжа, — қани афти-ангорини бир кўрай-чи». «Особ отдел» бошлиғи Урунов ўттиз бешларга борган, силлиқ пешонаси кенг, юзи чўзиқдан келгани учун няғи йўқдек кўрнадиган, қиррабурун бир киши экан. Ёлғиз эмас, ҳозиргина Бузрукхўжанинг ҳузурига бўлиб чиққан ҳалиги хизматчилар билан жамулжам ўтиришибди. Бузрукхўжа остонадан ўтиши билан, негадир жим қолишди. Фаолларнинг жамулжам ўтиришими, Уруновнинг юпқа лаблари айёрона қимтиб нафрат тўла кўзларини қисганча боқиб туришларими — нимадир Бузрукхўжани орқасига итаргандек бўлди, остона остида тўхтаб қолди.

— Нега тўхтадинг, келавер,— худди ёш болага гапиргандек бир оҳангда сенлаб деди Урунов. Сенлаши Бузрукхўжанинг вужудида қалтироқ қўзғагандек бўлди. Нафас қисилиб кела бошлади.

— Қаердан келдинг?— яна ҳалиги оҳангда сўради Урунов.

— Қўқондан,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Нима иш билан келувдинг.

— Ревкомга раис бўлиб келдим.

— Бошқа одам қуриб кетган эканми?

— Шунақа шекилли.

— Қани, мандатларини бир кўриб қўйайлик-чи.

Бузрукхўжа вужудида қўзғалган ғазабни ҳарчанд уринса-да, босолмади. Қўллари баттароқ қалтирай бошлади. Қалбида хўрланишга ўхшаш бир туйғу ҳам тугён уриб келмоқда эди. Кўкрак чўнтагидан мандатини аранг олди.

Урунов кўрсаткич бармоғини ликиллашиб имлади:

— Олиб кел буёққа.

Мандатни қўлига олгач орқа-ўнгиши ағдариб кўрди. Негадир бурнини жийриб ҳидлай бошлади. Унинг юзидаги кишини эрмак қилаётганга ўхшаш бир ифода қуюқлашиб, лабларининг четидаги мазах, кесатиқ кўпайиб бормоқда эди:

— Эҳтимол, бунинг қалбакидир.

— Уртоқ Бабушкинининг имзосини кўрмаяпсизми?

— Бақирма йигитча, — жуда босиқ, жуда оғир ва ш...

нинг учун ҳам кишининг жаҳлини қўзғайдиган бир оҳангда деди Урунов, — ҳозир ҳаммаёқни қаллоб Бабушкинлар босиб кетган. Мен мандатингни текшириб кўраман. Унгача чойхонага бориб чойхўрлик қилиб ўтир, хўпми? Қанд-қурс олишга пулинг борми?

Урунов ҳеч қизишмасди. Сокин гапирарди. Ҳар сўзини таъкидлаб, хонада ўтирган бошқа хизматчилар яхши эшитсин учун дона-дона қилиб айтарди:

— Мен бу ерда «Особотдел»ман. Мабодо мандатинг тўғри бўлса, ишлашга рухсат бераман. Билиб қўй, ҳар бир қадамнинг назоратимда бўлади. Инқилоб йўлидан озгина тойсанг, пешанангдан пақиллатиб отиб ташлайман.

«Пўқ, бу инқилобчи эмас, амалпараст бир махлуқ бу. «Особотдел» пардаси ортига беркиниб олган хойн бу!— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— мени ўзинга тобе қилиб олмоқчи. Айниқса, мана буларнинг олдида керилганини қаранг. Кўриб қўйинглар, ревком раисини ҳам ҳайдаб чиқардим демоқчи шекилли. Менинг бу ерда қандай ишлашим, ишмининг ривожи ҳозир, шу дақиқада ҳал бўлади...»

— Нега қараб турибсан, ёки эшикни тополмаяпсанми?— жуда меҳрибон бир оҳангда сўради Урунов,— эшикни кўрсатиб қўяйми?

— Мандатни бер буёққа!— Бузрукхўжа қўлини чўзганча Урунов томонга бора бошлади. Урунов чиндан ҳам мандатга қўл узатди деб ўйлаб, уни кафтлари орасига олиб беркитаётган эди, худди шу дақиқада Бузрукхўжа унинг томоғидан хинпа бўғдию, чаққонлик билан ёнидаги тўппончасини ҳам олиб қўйди. Тўппончасини олгач томоғида турган қўлини бўшатиб, Уруновнинг бошига шундай бир зарб билан урдик, зиёлитабиат, нимжонгина Урунов ўтирган курсисидан ағанаб тушди. Бузрукхўжа ўзини унутгандек бир аҳволда эди. Ағанаб тушганини ё сезди, ё сезмади. Фақат тепкилашдан чарчагандан кейингина ўзига кела бошлади. Яна Уруновнинг ёқасидан олиб тикка тургазди-да, деворга суяб қўйди:

— Бабушкинлар кўпайиб кетганми?— негадир тилига шу гап келиб қолди Бузрукхўжанинг.

Хизматчилар қайси тарафнинг ёнини олишни билмай, ҳангу манг бўлиб қолишган эди. Мулла Зариф бас қилинг дея Бузрукхўжа томон бир-икки хезлашиб бордию, лекин бари бир ажратилшга ботина олмади. Уруновни яна оёққа турғизиб қўйганини кўриб ҳаммалари енгил нафас олишди. Бир-бирлари билан зимдан кўз уриштириб олдилар.

— Мен... мен,— аранг нафас олиб турарди Урунов,— инқилобий ҳушёрлигингни синамоқчи бўлувдим.

— Синамоқчи бўлувдим?— қаҳр билан сўради Бузрукхўжа.

— Ҳа,— хўрсиниб деди Урунов,— шошқалоқ экансан.

— Инқилобий кучимни ҳам бир синаб кўр бўлмаса, ма на!— Бузрукхўжанинг ғазаби яна қайнаб кела бошлади. Уруновнинг қулоғи тагига бир-икки тарсаки туширгач, тагин томоғидан бўғиб олди:

— Муртазинни ким отди?

— Билмайман.

— Биласан, ўша кунни мажлисда бирга экансан.

— Қоронғи эди.

— Ёлғон, пешини маҳалида отилган у. Ҳозир Оқерга жўнайсан. Комил Муртазинга ким ўқ отганини аниқлаб қайтасан,— шундай деб Бузрукхўжа Уруновнинг ёқасидан қўлини олди,— сенга биринчи топширигим шу.

— Тўппончамни бер, бўлмаса,— ёлвора бошлади Урунов,— бермасангиз уёқларга боролмайман.

— Тўппончангни топширигимни бажарганингдан кейин оласан, жўна ҳозир.

Бузрукхўжа гурсиллатиб қадам ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

III

ЕТИМЛАРНИНГ МУНГЛИ НИГОҲИ

— Оббо Бузрукхўжа-ей, охири келибсан-да, жўра?

— Келдим, Маҳмудбой.

— Менга қара, раис бўлиб келдингми, а?

— Ҳа, раис бўлиб келдим.

— Ихтиёрингда аскар ҳам бордир?

— Ҳа, жуда кўп.

— Вой-бў, жуда катта бўлиб кетибсан-ку, а! Қара, кийимларинг ҳам бошқача, ўзинг ҳам қизил аскарга ўхшайсан. Офарин, дўстим, офарин. Ёнингдаги тўппончанг ҳам ўзингникими?

— Ўзимники.

— Ўқиям бордир.

— Бўлмаса-чи.

— Кс, яна бир ачомлашайлик. Ҳеч тўймайпман сенга Қара-я, тақдир экан-да, бўлмаса ўша босмачилар қўлоғингни боғлаб олиб кетган кунни ҳаммамиз сени ўлдириб чиқариб қўйган эдик... Ҳалимаҳон ҳам келдингми?

— Ҳа, бугун эрталаб олдириб келдим.

— Уй топдиларингми?

— Топдик.

Ҳозиргина махсус чопар орқали Пандигондан олдириб келинган Мулла Маҳмуд қувончини ичига сиғдира олмагани учун хонада айланиб жўрасига гоҳ ўнгдан боқиб, гоҳ чапдан боқиб савол ёғдирмоқда эди.

Савол навбати энди Бузрукхўжага келди:

— Нималар кўтариб юрибсан?

— Буларми? Мана бу қовоқдагиси гўжа ош, халтадаги сузма. Отинбиби аям бериб юбордилар. Болагинам ойнаҳор юргандир деб, андек йиғлаб ҳам олдилар. Менга қара, Бузрук, сен нега ҳалигача уларни кўргани бормадинг? Яхши эмас, жўра!

— Бугун, Ҳалима билан бормоқчи бўлиб турувдик. Дадам қалайлар?

— Юрибдилар ҳаммани кулдириб, ёш болага ҳам ҳикмат айтиб.

— Акам-чи?

— Биласан-ку, аянг уни шудгорнинг ичида туққан. Ердан муз кетиши билан Абдурахмонбойдан олган ерига чиқиб кетган. Кам кўраман.

— Ижроқўм бува қалайлар?

— Рустам чолми, бало экан у. Қўрбошиниям тинчитяпти, ревкомниям бошқаряпти.

— Хўш, ўзингнинг аҳволинг қалай. Қори акам тузукмилар?

Мулла Маҳмуднинг кичкина юзидан порлаб турган қувончини кимдир қўли билан сидириб олгандек бўлди. Хўрсиниб бош эгди:

— Дадамдан айрилиб қолдим, Бузрук.

— Вафот этдиларми?

— Кеча қирқини ўтказдим. Э жўра, дадам шўрлик кўп қийналдилар. Мен кетсам сўққабошинг билан кимларга хор бўласан деб, жон беришлари жуда қийин бўлди. Юраклари тўла армон билан кетдилар. Армонли дунё экан бу, жўра.

Мулла Маҳмуд кўз ёшларини арта-арта жим бўлди. Ич-ичидан келаётган хўрсинишни босиш учунми, ўрнидан туриб хонани бир айланиб чиқди. Бузрукхўжа дўстининг кўнглини кўтариш учун куйинма, ёлғиз эмассан, деб қўйдю, тўсатдан эсига келиб қолди шекилли, Гулнора қайтиб келгани, деб қўшимча қилди.

Мулла Маҳмуд ўрнига ўтириб яна хўрсинди:

— Қўй, ўша жиянингни,

— Хон эшон ҳазратлариникида турибдими?

— Уша ерда. Тарки дунё қилган эмишлар...

Уша оқшом Муслим қўрбошининг йигитлари Бузрукхўжа билан Ҳасанбойни бандиликдан озод этишгач, Мадумар карнайчи Пири муршиднинг хобхоналарига кириб, тунда қизингиз Гулнорани ўғирлаб келишган, қўрбошининг ҳарамиде турибди, дея шипшитиб қўйди. Аввалига Пири муршид ишонмади, қўрбоши менинг юзимга оёқ босолмас, деб ўйлади. Лекин ичкарида қўрбошининг ҳарамиде гужанак бўлиб ўтирган Гулнорани ўз кўзи билан кўриб, шунақанги тутақиб кетдики, маст уйқуда ётган Сардори аъзамни ҳассаси билан бир-икки бор туширмоқчи ҳам бўлди. Зокир калла бу ишдан мутлақо хабарим йўқ деб, яна бошини кўрпага ўраб олди. Пири муршид ўша куниде Гулнорани Пандигондаги жиннихонасига жўнатиб юборди. Кейинчалик қизни олиб кетиш учун Мулла Маҳмуд бир неча бор борди. Усмонхўжа отанинг ўзи келиб кетди. Ҳаммасига бир хил жавоб бўлди — бормайман, тарки дунё қилдим!

— Сени чақиримдан мақсад бир маслаҳатли гап бор эди,— жимликни бузди Бузрукхўжа,— дўстим, сен Риштон музофотидаги энг ўқимишли ҳам билимдон йигитлардан бирсан. Сенга ғоят масъулиятли вазифа топшираман, ревком помидан топшираман. Лекин йўқ демайсан... Бу ерда мен яккаланиброқ турибман. Ёрдаминига жуда муҳтожман.

— Хўш, қанақа вазифа,— шошилиб сўради Мулла Маҳмуд,— ахир мен Ижроқўмда котибман-ку?

— Уни бошқа бировга берамиз. Сен, жўра, ревком қошидаги маориф шўбасига раҳбарлик қиласан. Жамики қишлоқларда босқичли мактаб очасан. Муаллимлар топиб ишга туширасан.

— Мен-а?

— Ҳа сен.

— Йў, эплломайман,— қўллари билан ҳам йўқ дегандек ишора қила бошлади Мулла Маҳмуд.

— Эллайсан!— буюргандек қилиб деди Бузрукхўжа,— ёлғиз эмассан, биргалашиб ишлаймиз. Энди юр ноиб жанобларининг етимхонасига борамиз. Айтишларича, Зокир калла етимларни ўз тасарруфига олиб, ўзидан бошқани йўлатмаслик ҳақида фармон берган эмиш. Кеча бир вакилимни жўнатган эдим, ичкарига киритишмабди. Зокир ўғил болалардан ўзига қулбаччаю, қизлардан ҳарамига канизаклар тайёрлаш ниятида юрганмиш. Ўзини пошшо деб ҳисоблаб юрибди у қонхўр. Кетдик.

— Гўжани ичиб олмайсанми?

— Ҳа, айтгандек.

Қоровул бобони чақириб коса сўрашди. Келтиргач, жимгина ўтириб хўриллатиб гўжа хўплай бошладилар. Бузрукхўжа гўжа баҳона бўлиб аясини эслаб кетди... Тонг пайтида туриб дўқиллатиб жўхори туйгандир. Кейин пайпасланиб ўчоққа олов қалагандир. Оловнинг сарғиш алангасига тикилиб ўтириб Бузруккинасини эслаб юм-юм йиглаб ҳам олгандир... Бузрукхўжанинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Гўжа худди елимлангандек оғзида айланмай қолди.

— Аямни соғиндим!— овози қалтираб ўрнидан туриб кетди.

Икки милиционер ҳамроҳлигида етимхонага жўнадилар. Дарвоза тақа-тақ берк. Дарвозахона олди супурилмаган. Оёқ остида ғов ғазон, чўп-хас, бамисоли дарвоза қурилгандан буён бу ерга одам боласи қадам босмагандек. Эшикни узоқ тақиллатдилар. Ниҳоят, нима гапинг бўлса ўша ердан айтавер, деган дўриллоқ овоз эшитилди. Ревкомдан келганларини тушунтира олмадилар. Ҳалиги дўриллоқ овоз, қаердан келган бўлсанг ҳам Сардори аъзамдан қоғоз олиб кел, баччабоп бола тамом бўлиб қолди, деб жавоб қайтарди. Милиционер йигитлар девор ошиб эшикни очишди. Овоз эгаси қўрбошининг йигитларидан экан. Қўлида милтиқ, эғнида патронтош. Худди калтак еган кучук боладек тишларини ғижирлатиб дағдағ қалтираб турибди. Ҳовли бўм-бўш. Одам зоти кўринмайди.

— Етимлар қани?— сўради Бузрукхўжа.

Қўрбоши кўзлари иргиб чнққудек хўмрайиб турарди. Тунд жавоб қайтарди:

— Ичкарида.

— Ҳаммаси бўлиб... нечта бола бор?

— Йигирма учта.

— Кўп дейишган эди-ку?

— Кеча яна олтитаси қочиб кетибди.

— Неса қочади?

Қўрбоши хўмрайган кўзларини оёғи остига тикиб жим қолди. Жавоб қайтармади. Болалар қўрбошиларга бачча бўлишдан қўрқиб қочиб кетишганди. Бунини айтолмасди у. Хопаларини айлана бошладилар. Етимлар қийғир келганда ўзини барг остига беркитган чумчуқлардек бурчак-бурчакда исиб, кўзларини мўлтиллашиб туришарди. Кўзлари тўла ваҳима, қўрқув, хўрлик юзларида шуидоққина ўрма-

лаб юргандек. Қир-чир болаларга Мулла Маҳмуд бир-икки саволлар берган бўлди. Ошпаз ҳам, қараб турувчи масъул киши ҳам анови милтиқ кўтариб хўмрайиб турган қўрбоши экан. «Қимларнингдир тилаб-тилаб олган дилбандлари булар,— бошини чайқаб қўйди Мулла Маҳмуд,— шўринг қурғурларнинг мунғайиб туришини қаранг».

Бузрукхўжа жимгина қайтиб келиб қўрбоши йигитнинг елкасидан патронтошини ечиб, қўлидан милтиғини олди:

— Қайси қишлоқдансан?

Йигит бурун катаклари кенгайиб пишқирди: индамасдан дарвоза томон кета бошлади. Эшик олдига етгач, ўғирилиб, еб юборгудек бир хўмрайиб қўйди. Бу ерга милиционер йигитлардан бирини қоровулга қолдириб қизлар бўлинмасига ўтишди. Эшик оғаси вазифасини ўтаётган чол ўғил болалар ҳовлисида бўлаётган воқеаларни кузатиб турган экан шекилли, қаршилиқ кўрсатмай дарвозаниланг очиб берди. Жорня Соляхоним бир маҳаллар Шакархон ноибни қандай ҳурмат-эъзоз билан кутган бўлса, кейинчалик етимхона Сардори аъзам тасарруфига ўтгач, Сардорга қанчалик тавозе билдирган бўлса, ана шундай бир алфозда кутиб олди уларни. Ҳовлининг ярмигача югуриб келди-да, икки қўлини кўксига баравар қўйиб энгашди:

— Хуш кўрдик, бегим!

— Мен бек эмасман,— хўмрайди Бузрукхўжа.

— Хўш кўрдик... жаноблари.

— Мен жаноб ҳам эмасман, ревком раиси бўламан.

Бузрукхўжа бу аёл ҳақида нохуш гапларни кўп эшитган. Қошларига қуюқ ўсма қўйиб, икки чаккасидаги гажалини нақ нягигача тушириб олган, қўлида қўша-қўша билагузук, қулоғида ойбалдоқ ёниб турган бу аёлнинг овозидаги қичиқ, боқишларидаги ишва Бузрукхўжанинг кўнглидаги шубҳани оширгандек бўлди. Вужудида жирканнишга ўхшаш бир нарса пайдо бўлиб асабини қўзғай бошлади.

— Қўрбоши тез-тез келиб турадимиз?

— Сардори аъзамни сўраяптиларми?

— Ҳа.

— Худога шукур, йўқлаб турадилар. Қийналганимиз йўқ. Қунора қўй сўйиб турамиз.

— Охирги марта қачон келувди?

— Икки ҳафтача бўлди, бегим. Қани, ичкарига кирсинлар. Бир пилла қайноқ чой қилай.

— Сэғиралар кўнми?

— Тоҳ кўнайиб, тоҳ озойиб туришади. Бегим, қани, ич

карига кирсинлар, — Солияхоним ниманидир таъкидламоқчидек кўзларини ғалати сузиб қўйди. Бузрукхўжа жирканмиши кучайиб, нафрати ошиб бораётган бўлса-да, қизлар бўлмасига неча сағирани жойлаш мумкинлигини аниқлаш нияти бўлгани учун, орқасига қайтиб кетолмасди. Негадир шу пайтда ичкаридан нималар борлигини, поибнинг ҳарамига қанақа эканлигини ҳам билгиси келиб қолди.

— Кечирасиз, бегим, энди бизнинг ихтиёримиз сизга ўтдимиз?— яна қошларини алланечук чимириб сўради жония.

Бузрукхўжанинг ўрнига Мулла Маҳмуд жавоб берди:

— Етимларга инқилоб оталиқ қилади энди!

Мақтанчоқ аёллар бисотини кўз-кўз қилгандек, кўз-кўз қилаётганда шавқу завққа тўлиб кетгандек, Солияхоним ҳам олдинга тушиб, сағираларнинг хоналарини бирма-бир кўрсата бошлади. Хоналар озода, саришта эди. Етим қизлар ёшига, бўй-бастига қараб жойлаштирилган. Каттароқларини олиб кириш осонроқ бўлиши учунми, поибнинг ҳарамига яқинроқ жойлаштирибди. Хосхона Шакархон кириб юрган пайтлардагидан ҳам чиройлироқ ясатилган. Шоҳи дарпардалар, атлас кўрпачалар дарича орқали тушган нурда нурга қўшилиб ял-ял ёниб турибди. Қозикда Сардори аъзамининг устки кийимлари: банорас тўн, қундуз телпак, қора пўстин осиглиқ. Токчалардан бирида дутор, чилдирма сингари чолғу асбоблари қатор териб қўйилган. «Бечора қизларнинг иффати шу ерда тўкилар экан-да, — Мулла Маҳмуднинг ингичка бўйини қалтирай бошлади. Ҳиссиёти баланд, хаёлотга бой, таъсирчан бир йиғит эмасми, кўз ўнгиде ўша иффати тўкилган қизалоқнинг қиёфаси жонлана бошлади. Қўғирчоқдек ясатилган қизалоқ гап инмадалигини тушунмасдан, чиройли кийим-кечакларга маҳлиё бўлиб тортинибгина кириб келади. Дутор чалинади. Нозик бармоқларини қирсиллатиб ўйинга тушади. Уддасидан чиқса, нймана-нймана ашула ҳам айтиб беради. Кейин мусаллас ичиб маст бўлиб, шаҳвоний ҳире тўлқинидан кўзларига қон қўйилиб бораётган Шакархоннингми, Сардори аъзаминингми гўштдор оёқларини нимжон қўлларин билан оҳиеста-оҳиеста уқалай бошлайди... Бир нафасдан сўнг қизалоқнинг одам боласи тоқат қила олмайдиган чинқирғи эшитилади...

— Даҳшат!!— Мулла Маҳмуд ер тепиниб ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Солияхоним Бузрукхўжани ўтиришга таклиф қила бошлади. «Бир инёлагина чой ичмасангиз кўнглимиз жойинга тушмайди, етимчамиз-а, ўқиб қоламиз», деди. Хос-

хонага ташриф буюрганлар фақат маишат учун келишди, эркак зотининг бундан бошқа қувончли машғулоти йўқ деб қаттиқ ишонган ва бу хизматни ҳамиша ўринлатиб келган Солияхоним Бузрукхўжа хонаи хосга қада босиши билан хайрият, унинг ҳам кўнглида илинжи бо экан деб ўйлаб, қаршида турган ревком раисининг кўзларида ғазаб, юзларида нафрат ёниб турганини пайқамаслигининг атрофида парвона бўла бошлади:

— Бу кеча... ташриф буюрадиларми?— негадир жуд паст, лекин ишвали бир оҳангда сўради Солияхоним.

— Нима?!

— Вой, унақа хўмрайманг, бегим, юрагимни ўйнати юборасиз-а. Келинг, худо хоҳласа, хурсанд бўласиз... Ташимнинг қавагида биттасини асраб юрибман. Ҳурилиқ дейсиз, ўзиям эндигина ўн тўртга кирди-да. Нордонгин гирд-гирд чайнаса бўлади!..

— Ифлос!— турган жойида қалқиб кетгандек бўлди Бузрукхўжа.

— Вой, вой, бегим. Вой, ўлмасам!

— Ҳозир бўғиб ташлайман сен одамфурушни!

Бузрукхўжа чиндан ҳам бўғмоқчидек икки қўлини олдига чўзганча орқаси билан тисарилиб бораётган Солияхонимнинг устига бостириб бормоқда эди. Йўқ, бўғмади. Ташқарига чиққач, милиционер йигитга тездан арава тилиб келиб бу қўшмачини кўч-кўлони билан даштга ташлаб кел, деб буюрди. Мулла Маҳмуд ҳалиги оғир таассиротлардан қутула олмай, ҳамон ҳовлида возиллаб юриш «Даҳшат, даҳшат!» дея шивирлар эди. Кўчага чиққан анчагача бир-бирларига гап қўшолмадилар.

— Хўш, Мулла Маҳмуд, — деди ниҳоят ревком раисининг етимларни кўрдингми?

— Даҳшат, даҳшат!— боши яна силкиниб кетди Мулла Маҳмуднинг, — етимларнинг кўзларидаги мунг, сағирларнинг юзидаги ваҳима, кўрқув мени тамом қилди. Бичоралар, ахир булар ҳам кимларнингдир азиз фарзандлари бўлишган...

— Хўш, энди биз билан ишлайсанми?

— Ишлайман, жўра. Мана шу етимлар учун ҳам ишлаганим бўлсин энди.

— Демак, тўғри айтдинг, ишни мана шу етимхонада бошлаймиз, — ҳалиги руҳий тутқаноғи ўтиб энди соки гапира бошлади Бузрукхўжа, — чамалаб кўрдим, ўғил болалар бўлмасига яна олтмиштача, қизлар томонга элли тача сағирини жойласа бўларкан. Сен жўра, то маориф шўъбасига идора очиб берганимча етим болалар бил...

бирга яшайсан. Ҳам мураббийсан, ҳам муаллимсан. Келишдикми?

— Энди йўқ демайман, йўқ деёлмайман. Бечора болалар.

Бузрукхўжа шошмасдан давом этди:

— Ҳозир хаёлимга бошқа бир гап ҳам келиб қолди. Келинойинг Ҳалимаҳон уйда зерикиб ўтирибди. Аёллар ғалати бўлади-да, ўзи. Мен ҳам инқилобга ҳисса қўшай, ишингизга ёрдамлашай, деб ҳоли жонимга қўймапти. Ана унга ҳам иш топилди. Келинойингни мутасадди қилиб тайинлаймиз бу ерга. Кейин, жўра, буниси сени жуда хурсанд қилса керак, рафиқанг Гулнорани ҳам бу ерга олиб келамиз.

— Келмайди у!— негадир жаҳл билан хитоб қилди Мулла Маҳмуд.

— Хат-саводи яхши, билимдон қиз. Уни сағираларга муаллима этиб тайинлаймиз.

— Бузрук!

— Гап қўшмай тур, мен борсам келади. Ҳалимаҳон икковимиз борамиз. Агар қишлоқда зарур ишинг йўқ бўлса ҳозироқ орқангга қайт, етимхонага бориб уёқ-буёқни тартибга келтир. Эртадан Ҳалимаҳон икковларинг қишлоқ айланиб етимларни йиғасизлар. Арава бераман. Одамлар шўролар ҳукуматининг етимпарвар ҳам эканлигини ўз кўзлари билан кўрсинлар. Инқилобда ғалаба қилиш бу босмачига қарши ўқ отишдангина иборат эмас...

Бир оз фурсатдан сўнг Бузрукхўжа Ҳалимаҳонни орқасига мингаштириб Пандигонга жўнаб кетди.

IV

МУСЛИМ ҚҶРБОШИ ТАСЛИМ БҶЛМОҚЧИ

Бузрукхўжа, аслини олганда, бугун-эрта Пандигонга бормоқчи эмас эди. Тўғри, ота-онаси, қариндош-уруғларини соғинган, уларни тавоф қилиб келмоқ ҳам қарз, ҳам фарз. Лекин бориш мўлжали ҳафтанинг охирида эди. Бугун, тўсатдан, режаларни ўзгартиришга тўғри келиб қолди. Риштонга келиб тушган кунининг эртасигаёқ Муслим қўрбошининг қалбига қўл солиб кўрмоқ учун махфий киши юборди. Гадойлар тўрвасини елкасига осиб олган, чўлоқ эшакка миниб юрадиган, соч-соқоли ўсиб чишакам дарвеш қиёфасига кириб олган бу киши аслида бувайдалик. Бузрукхўжа Бувайда ревкомга ранс бўлиб кирганида бу гадой воситачиликни бир неча бор ўрнлатган. Буз-

рукхўжанинг ишончини қозонган. Шу сабаб уни ўзи билан олиб келганди. «Гадоё» шу кечаси қайтиб келиб Муслим учрашувга рози, эртага тунда, ой чиқиб келаётган бир пайтда, Шакархон ноибнинг даштдаги тегирмони орқасида, катта тол тагида у сизни кутади, ёлғиз борасиз, у ҳам ёлғиз келар экан, деди. Ахборот эмас, интизор кутилган хушxabар эди бу! Муслим қўрбошидек бир киши ревком ранси билан учрашувга мойиллик билдирибди, демак, ажаб эмаски, таслим бўлишга ҳам рози бўлса. Агар бордию, таслим бўлса, Сардори аъзам бошчилик қилаётган босмачилар ич-ичидан нурай бошлайди, қани энди шундай бўлса! Лекин Бузрукхўжанинг Муслим билан алоқа ўрнатаётганлигини ғоят махфий туттиш нияти бор. Атрофидагиларга ишонмайди. Урунов ҳам, Темирбек ҳам ҳали синовдан ўтмаган. Сардори аъзам билан махфий алоқалари ҳам бўлиши мумкин. Хўш, нима қилиш керак, қандай қилса бу учрашув махфий қолади? Лекин нима бўлганда ҳам қўриқчи отряд бошлиғи Константин Шамякинни хабардор қилиши керак. Ўзи билан келгани учунми, Бузрукхўжа ҳозирча фақат ўшангагина ишонади. Хайрият, ёш командирдан яхши маслаҳат чиқди. «Албатта, учрашишингиз керак. Хавфсизликни эса ўзим таъминлайман,— деди у ҳеч иккиланмай.— Тегирмонга йиғитларимдан тўрттасини деҳқонча кийинтириб дону дун тортгани жўнатаман. Сизни эҳтиёт сақлашади». Бузрукхўжа учрашувга қарор бергач, уни махфий сақлаш учун атрофидагиларни чалғитиш умидида Пандигонга кетяпман деб овоза тарқатди ва кўпчиликнинг кўз ўнгида хотинини орқасига мингаштириб ўша ёққа жўнади.

Пандигонда узоқ турмади. Жияни Гулнора билан ҳам ади-бади айтишиб ўтирмай, эртага Ҳалимахон опанг билан Риштонга борасан, буйруғим шу, бажар, деб қў қолди.

Қоронғи тушиб қолган эди. Озгина кечикса, ой чиқи қолиши мумкин. Келишилган вақтда тайинли жойга бормаса қўрбоши қалбида шубҳа туғилади. Ошиқиш керак ҳа, ошиқмаса бўлмайди. Бўм-бўш, ҳали вақт эрта бўлишига қарамай жимжит ҳам бўлиб қолган қишлоқ кўчаларидан отини гоҳ йўрғалатиб, гоҳ йўрттириб ўтдию, ниҳоят кенг даштга чиқиб олгач, йўрғасининг ҳам, йўртишининг ҳам баракаси бўлмаган, оёқлари йўғон, бели калта, пойгадан кўра аравага кўпроқ мослашган қизил қашқанин бошини эркин қўйиб бир-икки аччиқ қамчи босди. От аравага ўрганиб қолганидан олдинги оёқларини осмонга саратиб чопа бошлади. Йўл ҳеч кўпаймасди. «Кечикмаса

гўрга эди-я,— фикридан ўтказа бошлайди Бузрукхўжа,— қизиқ, қўрбоши нега энди учрашиш учун, албатта, тегирмон бошини танлади экан? Ахир, у ерда одам кўп бўлади-ку? Хилватроқ ўрикзорми, эгаси кўчиб кетган боғми қулай эмасмиди? ...Ишқилиб қўрбошининг нияти яхши бўлсин-да. Ураб олиб асир олишлари, ёки отиб ташлашлари ҳам мумкин-ку! Қудаш ревкомнинг раисини худди шундай қилиб қўлга туширишган. Кейин шартларига кўнмагач, отиб ташлашган. Йўқ, Муслим қўрбошида бунақа ният бўлмаса керак. Қотиллик нияти бўлса,— ўйлари тўхтамасди Бузрукхўжанинг,— ўшанда мени нахгина ўлимдан қутқармаган бўларди... Бордию, ўша куни сир очилиб, Муслим қўрбошининг боши гаровга олинган бўлса-чи? Сардор Бузрукхўжани тирик тутиб бермасанг, еендан қонли иштиқом оламан деган бўлса-чи... Нима бўлса бўлди энди, орқага қайтиш йўқ...»

Тегирмон бошига етгач, Бузрукхўжа қийналиб чопганидан оқ кўпикка ботиб кетган отининг устидан тушиб етаклаб олди. Катта толни топиш учун атрофдаги дарахтларни синчиклаб кўздан ўтказа бошлади. Тегирмонда одам кўп бўлса керак, ҳў, нариги дарахтларга қатор отлар, эшаклар боғланиб, араваларнинг шотиси кўтариб қўйилган. Ёнбош қурилган икки тегирмон худди кимўзар ўйнаётгандек гувиллаб турибди... Оғир тошларни парракка ўтириб олган девлар айлантиради, дейишарди. Эҳтимол, ўша девлар гувиллаб овоз беришаётгандир. Атроф шунақанги қоронғилик, қалин экилган толларнинг қуюқ шохлари қоронғиликни шунақанги кучайтириб беряптики, Бузрукхўжа ўзини худди жар тубига тушиб қолгандек ҳис қила бошлади. Хайрият, ой кўтарилиб кела бошлади. Тоғ орти ёришиб, дарахтларнинг орасидан ёруғ оламга хира туйнук очилгандек бўлди. «Бу толларнинг қайси бири энг каттаси экан?— ўй суриб қаёққа юришини билмай тек туриб қолди. Бузрукхўжа,— Шамякиннинг йиғитлари мени кўришдимикан... Ишқилиб оёғим осмондан бўлмаса гўрга эди-да!»

Қоронғилик қаърини ёриб улкан бир шарпа яқинлашиб кела бошлади. «Бу — ўша,— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— ҳа, ўшанинг ўзи!» Оёқ-қўлида қалтироқ турганини ҳис қилдию, шошилиб қўлтиғида турган тўнпончасига қўл узатди.

— Ассалому алейкўм!— овоз берди шарпа.

— Ва алейкум ассалом.— Бузрукхўжа вужудида беўрни қўрқув қўзғалганидан ўзидан-ўзи уялиб қўлини тўнпончасидан олди.

Муслим қўрбоши Бузрукхўжадан бир газ бўйи баланд, боз устига елкасига қора пўстини ташлаб, бошига сават-дек келадиган катта телпак кийиб олганидан нақ қора девларга ўхшаб кўринар эди. Қўл бериб омонлашгач:

— Кечикиб қолмайин деб жуда шошдим,— деб қўйди Бузрукхўжа.

— Лекин йигитларинг... кечикишмабди,— дўриллаган овоз билан деди қўрбоши.

— Сизга экансиз-да.

— Менинг йигитларим олдинроқ келишган эди.

Бузрукхўжа, негадир, ўзини ўнғайсиз сеза бошлади:

— Эҳтиёт яхши-да.

— Йигитларингнинг қуроallarини олиб ўзларини қамаб қўйишибди,— шошмасдан гапира бошлади қўрбоши.

Бузрукхўжанинг вужудидаги ҳалиги қўрқув яна тўлқин уриб ўтгандек бўлди:

— Нега?

— Эҳтиёт яхши-да, — деб қўйди қўрбоши бепарвогина.

Бузрукхўжанинг танидаги қўрқув қалтироққа айланди. Нияти бузуққа ўхшайди... бенхтиёр тўппончасига қўл узатди. Муслим қўрбоши елкасидаги катта пўстинини қўлига олиб:

— Нарироққа борсак, яхши бўларди,— дедию йигитнинг жавобини ҳам кутмасдан олдинга тушиб юра бошлади. Дўнлик бир жойни тахлаб, афтидан, атрофни кузатиб туриш учун шундай қилди шекилли, қўлидаги пўстинни ерга кенг ёзди-да, ўтира туриб: «Қани, ревком, сен ҳам ўтир-чи», деб қўйди. Бузрукхўжа продаси ва салоҳияти ўзиникидан устунроқ бўлган бу одамнинг ҳеч қандав хавфни писанд қилмай ўзини дадил ва мағрур тутаётганлигидан ва унинг қаршисида ўзини ожиз сеза бошлаганидан аввалига бир неча дақиқа довдираб турди-да, аста секин ўзига кела бошлади. «Менинг орқамда қудратли Шўролар ҳукумати турибди. Шу ҳукумат номидан келганман,— деган ўй вужудига куч бағишлаб, ишончига ишон қўшгандек бўлди. Ревком раиси аввало қўрбоши жанобларига бандиликдан озод этгани учун раҳмат айтмоқ эканлиги, қолаверса бутун Туркистон ўлкасида қўрбошлик ҳаракати аста-секин пасайиб, шу Фарғонадагина биров ҳовуч босмачи қолганлиги, булар ҳақида тарих аллақачон ҳукм чиқариб қўйганлиги, ва демак, энди ортиқча қон токини бас қилиш пайти келганлигини яхшилаб тушунтиришни йўл-йўлакай режалаб келган эди. Шошмасдан, сўларини дона-дона қилиб узоқ гапирди. Муслим қўрбоши кенг чордана қуриб, бошини солинтирганча жим ўтирарди

— Шўролар томонига ўт дейсанми?— тўсатдан телпакли бошини баланд кўтарди қўрбоши.

— Ўтсангиз яхши бўларди, — маърузаси тугамагани учун бир оз ранжиганнамо деди Бузрукхўжа.

— Ревком мени отиб ташламайдими?

— Отмайди.

— Ким кафолат беради бунга?

— Мен бераман.

— Бизни босмачи деб эълон қилдиларинг-ку. Босмачи бўлиб қайси юртни босиб олибмиз?

— Халқни талайпсизлар.

— Мен... халқни талаган эмасман. Файридинлар бостириб келяпти, бешикдаги болаларгача қиличдан ўтказишяпти, деб гап тарқатишди. Чумчуқнинг уясига ҳам яқин борсанг, чирқиллаб қўлингни чўқийди-ку! Мен одамман ахир. Одам сифатида ўз уйим, ўз дини имонимни, мени боқиб турган шу тупроқни ҳимоя қилишга отланишим керакмиди, ахир... Кейин билсам, бу ваҳималарни турк тўралари тарқатишаётган экан.

— Ораларингда турк офицерлари ҳам борми?

— Сардори аъзамнинг атрофини ўшалар ўраб олган. Бизни яқинига йўлатмайди... Кейин бу ваҳима гапларни Пири муршид тарқатаётганликларини ҳам сезиб қолдим... Энг ёмони Зокир аблах экан. Ҳали сен айтгандек, иши босмачилик. Бойлик тўплаш пайига тушиб қолган. Қашқарга икки дуркун тилло жўнатди... Қийин-қийин камбағалга қийин бўляпти, ревком! Отам, иккита акам ўртага олиб бу ишингни тўхтат, бўлмаса сени ўзимиз отиб ташлаймиз, дейишди. Лекин, ревком, сен мени тўғри тушун. Зокирдан қўрқаман. Ўзимдан эмас, йўқ, бир кун туғилиш, бир кун ўлиш бор, йигитларимни қириб ташлайди у, ана шундан хавотирдаман. Ундан ажралиб чиқишим учун ундан кўра кучлироқ кишига суянишим керак, тушунапсанми?

— Нечта йигитингиз бор?— шошилиб сўради ревком раиси.

— Юзта.

— Зокирда-чи?

— Меникини ҳам қўшиб ҳисоблаганда беш юзга яқин. Эҳтимол ортиқроқдир. Яширади, сирини бировга айтмайди.

— Демак, Шўролар томонига ўтишга қарор қилганингиз аниқми?

— Мен икки хил гапирадиган хотинчалишлардан эмасман, — негадир тиззасига қаттиқ муштлади Муслим қўр-

боши.— Сен анови гадойни воситачи қилиб жўнатмаганинда мен жўнатган бўлардим. Мадаминбекдек ақлли ва яна уч мингдан ортиқ шай йигити бор бир одам қизиллар тарафига ўтган экан, демак, ҳақиқат сизлар томонда экан-да, деб ўйлаб юрувдим.

— Зокир қўрбошининг кайфияти қалай?

— Ўлгунча олишаман деяпти.

— Демак, ўлими яқин экан-да!

— Йўқ, ревком, чучварани хом санама. У баттол хийла кучли. Турк тўралари бирам милтиқлар жўнатяптики, ҳавасга отгинг келади.

— Ўзи қаерда ҳозир?

— Қирғизлар орасида юрибди. Чамамда яна аскар тўплайпти. Мени «Келлиб бости» довоига қоровул қилиб қўйиб кетган. Қизилларни ўтказмайсан, деб топшириқ берган.

— Қачон қайтиши мумкин?

— Сирини бировга айтармиди у. Гап шу, ревком, мен қизиллар томонга ўтаман. Лекин иккита шартим бор. Бирин — мени суд қилдиришга йўл қўймайсан, суд қилишга лойиқ гуноҳим йўқ, деб ҳисоблайман. Иккинчи шартим шуки, менинг йиғитларим қуроолларини топширмайди, ёнимда бўлишади. Ҳимоясиз қолсак, Зокирнинг йиғитлари чавақлаб кетишади.

— Шартингиз унча оғир эмас.

— Йўқ, ревком, жавоб беришга ошиқма. Сенам хўжайинли одамсан. Аввал Қўқондаги бошлиқларнинг билан маслаҳат қилиб кўр.

— Бошлиқлар менга ваколат беришган.

— Бордию алданиб қолсам-чи?

— Шўролар ҳукумати ҳеч кимни алдаган эмас.

— Ҳар қалай гаровга бирор нарса қўясан.

— Бошим гаровда.

— Юз кишига... бир бош... озлик қилади, ревком.

— Ота-онамни танийсиз-а?

— Танийман, таниганим учун ҳам воситачиликка сени танладим. Яхши одамнинг боласи хоинлик қилмас, дедим. Бўлмаса Олтиариқ ревкомидан ҳам вакил борган эди. Унга рад жавобини берганман. Демак, ревком, мени ишонтириш учун ҳам ўзингни, ҳам ота-онангни гаровга қўйяпсан, шундайми? Бўлмаса, ревком, энди гапни бас қилайлик. Шартимга кўнганлигинг ҳақида менга битта қоғоз бер. Ҳар қалай, кўнгил тўқи учун-да. Четига муҳр босилган ўша қизил қоғозингдан битта берасан. Йиғитларимга кўрсатаман.

— Мандат сўраяпсизми? — ҳайрон бўлди Бузрукхўжа.

— Ишқилиб қизилидан бўлсин-да, бошқасига кўнмайман.

Ой кўтарилиб атроф хийла ёришиб қолган, дўнгликда ўтирганлари учун бир-бирларининг юзи, кўзларида тез-тез алмашиниб турган ифодаларни бемалол кўришлари мумкин эди. Қўрбошининг сўзларидаги ҳалиги қўрслик, менсимаслик оҳанглари ўзгариб, самимият пайдо бўла бошлади. Ора-чора кўксини тўлдириб кулиб, ҳамсуҳбатининг тиззасига уриб-уриб қўймоқда. Қалбида тўлқин ураётган қувонч шу йўсин ташқарига отилиб чиқаётгандек. Унинг аҳволи танг эди. Сардор аъзам билан ораларида қора мушук ўтганига анча кун бўлиб қолган. Бир-бирларига ишонишмайди. Сардор йўлига юрмагани, қилмишларини қалбан қўлламагани учун ундан ўч олиш пайига тушиб қолган. Пайт пойлапти. Кимнингдир ҳимояси даркор бўлиб қолган шу паллада ревком ўз қанотига олишга сўз берапти. Гуноҳидан ўтишга тайёр эканлигини айтпти. Бундан сўнг ўзингни ҳимоя қилишга имконият ҳам яратиб бераман деган гапларни айтпти... Мана шуларнинг ҳаммаси Муслим қўрбошининг руҳидаги нотинчлик, қалбидаги ваҳимани кўтариб, ўрнига қониқиш, шодлик ҳисларини қўяр, аҳён-аҳёнда тўлқинланиб кетишининг бонси ҳам шундан эди.

Муслим қўрбоши орамизда бўлган гапни ўнбошиларимга етказаман, розилик беришса, эрталабга яқин Риштонга кириб бораман, деб юзига фотиҳа тортди-да, пўстинини қоқа-қоқа елкасига ташлади.

— Шу ерда кутиб тур, — деб қўйди сўнгра, — тегирмонга келган абжир йигитларининг олиб кетасан.

Бузрукхўжа аҳтиётсизлик туфайли қўрбошилар қўлига тушиб қолган ва шу сабабли бошларини ерга теккунча эгиб олган «тегирмончи» йигитларни олиб Риштонга жўнади. Эрталабгача Қўқон билан алоқа боғлаши, қўрбоши қай шарт билан таслим бўлаётганлигини Бабушкинга маълум қилиб унинг кўрсатмасини ҳам олиб улгуриши керак эди.

V

«ОЛТИНЛАРИМ — ҚАЛБИМНИНГ ҚОНИ»

Шакархон ноиб бошига ногаҳоний мушт келиб тушган кишидек бирмунча фурсат гаранг бўлиб юрди. Ёруғ дунё билан иши бўлмай қолганди. Атрофида юз бераётган алфов-далфовларнинг ҳаммаси маъносиз, таъсирсиз, унга

алоқаси йўқдек ўтиб кетмоқда эди. Гоҳо иссиқ танчага бағрини бериб, пешонасини юмшоқ кўрпага қўйганча соатлаб ўй суриб кетар, қарори қатъий бўлмагани учун ўйлари ҳам узўқ-юлўқ бўлиб на қалбига қувват, на руҳига тетиклик берарди. Кўчага ҳам кам чиқади. Чиққанда ҳам бамисоли ўтган-кетганларни кўрмаётгандек, на салом беради, на саломига алик олади. Гоҳо йўл ўртасида, худди қаёққа юришини билмаётгандек, тек туриб қолади. Томирларига қурт тушган қари чинор тик турганча қурий бошлаганидек ҳам маънавий, ҳам моддий таянчларидан бирма-бир маҳрум бўлиб бораётган Шакархон ҳам тик турганча ўлиб бормоқда эди...

Аммо вақт энг катта шифокор экан. Кунлар ўтиши билан аста-секин вужудидаги карахтлик, ланжлигу бепарволик ўтиб, худди шам ўчиш олдидан бир парпираб ёниб атрофни чароғон қилгандек, руҳи ёришиб, танига аввалги ғайрат, томирларига аввалги қайноқ қон қуйилиб кела бошлади. Қасос туйғуси ғайратини жўштириб, шижоатини ошириб юборганди. Сардорн аъзамдан ўша ювиндихўр ўша нонтепки баттолдан ўч олмоқчи эди. Шакархон Шакархон бўлгандан буён биров унинг мушугини пишт дея олган эмас! Зокир калла бўлса уни тутиб олиб дўппослади. Таҳқирланиш хавфини большевиклардан кутаётган эди, хавф қўйнида экан. Ўзи боқиб, эъозлаб катта қилган бу кўрнамак уни калтаклабгина қолмай, қамоққа ташлади. Ялаб-юлқаб тўплаган бойлигининг бир қисмини тортиб олди! Йўқ, бу кўрнамакдан ўчинин олмагунча кўнгли жоийнга тушмайди энди... Аммо тақдир аравасининг тескари югураётганини қарангки, ундан на ўч олиб бўляпти, на қочиб қутулиб бўляпти. Тўйчи қўрбоши оладиганини олиб Зокирнинг хумдек калласини кесиб келаман, деб ваъда қилган эди, уддасидан чиқолмай, охири қизиллар тарафига ўтиб кетибди. Энди нима қилиш керак? «Э худо, менга йўл кўрсат, икки ўт ўртасида қолдим-ку,— фиғон чекарди Шакархон,— большевиклар, мана, ҳокимиятни қўлга олди Ревком ҳам туздилар. Бугун-эрта мени ҳибсга олишлари ҳам мумкин. Эҳтимол, суд ҳам қилишар. Кимдан папосўрайман, э худо! Қўрбошиларданми, мени шилиб олишди-ку, улар! Махфий иш кўраётган тўдаданми? Йўқ, боватанфурушлар узоққа боролмайди. Менга на келгинди турклардан, на товламачи инглизлардан манфаат бор. Йўқ, мен бу мўлгошиларнинг қутқусига учмаслигим керак... Коса сипди. Энди уни бут қилиб бўлмайди. Оламин ости-устун қилиб юборган большевикларга қарши туриш энди гирт аҳмоқлик бўлади. Йўқ, махфий иш кўраётган

хурматли иттифоқчилар, мени тинч қўйинг, эшигимни энди тақиллатиб келманг. Товба, ватанпарварлар эмиш, ватанпарвар бўлсанг ўз уйингда кўрсат кароматингни. Риштонда пишириб қўйибдим сенларга. Йўқ, энди большевикларга қарши бормайман. Кучим етмайди, ожизман! ...Бордию улар билан ярашсам-чи... Йўқ, мени хонавайрон қилишни бошлаб берган аслида ўшалар-ку! ...Аммо Зокир... э худо, қандай қилиб ўч олсам бўлар экан ундаи, йўл кўрсат ўзинг... Нима бўлганда ҳам олтинларимнинг қолганини сақлаб қолишим керак. Умрим борича йиғдим уларни. Мисқоллаб йиғдим, бағримнинг қони қўшилган уларга...»

Шакархон ноибнинг жуфти ҳалоли Пошшоҳон ойимнинг она авлоди Олтиариқда яшайди. Замон нотинч бўлганидан буён Қашқарга биргалашиб ўтиб кетсак, деб қисташади. Бугун уч кун бўлди, яна хабарчи келган. Хабарчи келган кундан буён Пошшоҳон ойим эрим ҳойнаҳой бу гал кўнса керак деб, тайёргарлигини кўриб ўтирибди. Шакархон ичкари ҳовлидаги тоқиси баланд айвонда, кунга бетгай жойга тўшак ташлаб баҳорнинг илиқ офтобига тобланиб ётганди. Кам ҳаракат қилганидан семириб, бақбақаси ҳам худди эркакларникидек осилиб тушган Пошшоҳон ойим елкасида оппоқ дастурхон, кумуш товоқда қайноққина шўрва кўтариб, шарпасиз эрига яқинлашаркан, наг овоз билан:

— Уйғоқмисиз, бегим? — деб сўради.

Шакархон бир кўзини очиб: «Овқатинг пишдимми?» дедию, кўзғалиб чордана қурди. Хотини дастурхон ёзиб ўзи ҳам қаршисига чўкаркан: «Вой офтобнинг тафти бирам ёқимлик», деб қўйди. Лочирали шўрвани ноиб хуш кўрар, уни тез совиб қолмасин дея албатта кумуш товоққа қўйдирар эди. Иштаҳа билан ича бошлади.

— Бегим, хабарчига жавоб берсак бўларди, — Пошшо ойим аста гап бошлади. Шакархон ялт этиб хотинига бир боқдию, жавоб қайтармади. Жуфти ҳалоли шу пайтда жуда қариб қолгандек кўриниб кетди кўзинга... Салкам қирқ йил бирга турмуш қуришди. Саодатли онлар ҳам кўп бўлган албатта. Фуссали дамларда бир-бирларига ҳамдари бўлишган. Шакархоннинг дилида унга нисбатан илиқ бир меҳр бор эди-ю, аммо бу меҳр ҳеч қачон қайноқ муҳаббатга айланмаганди. Ҳамisha ундан қочиб яшади. Пошшоҳон ойим буш сезар, аммо ҳеч қачон юзига солмас, бугун бўлмаса эртага фарзанд кўрсак ҳаммаси жой-жойинга тушиб кетади деб унинг кўрелигини, гоҳо ёлгон сўзлашини, ўйнашлар билан тонготар кайфу сафо қилишини — ҳамма-

ҳаммасини кечирар эди. Ноиб жаноблари қариб қоляпти. Турган гапки вақти соати келиб оламдан ҳам ўтади ва турган гапки, Пошшо ойимни ҳам бу дунёга боғлаб қўйганлари йўқ. Авлод-аждоддан қолиб келаётган бойлик нима бўлади. Ноибнинг жуда узоқ ва жуда ношуд қариндошларига қоладими? «Йўқ, бу хазинаю дафиналар менинг уддабурон жиянларимда қолгани маъқул», деб ўйларди Пошшо ойим ва ўйлаган сари эрини жиянларига қўшилиб Қашқарга жўнашга ундарди.

— Хабарчи бугун кетмоқчимиз? — сўради ноиб шўрваничи бўлгач.

— Жавобингизни олганда кеча кетмоқчи эди.

— Хўш, Пошшоҳон, ўзинг нима дейсан?

— Бегим, мен аёл кишиман, — кўзларида ёш айланиб қолди Пошшоҳон ойимнинг, — сизнинг ихтиёрингиздан ташқари нима ҳам дер эдим.

Шакархон чуқур хўрсинди:

— Мен ҳам кетсакми деб турибман.

— Худоё умрингиздан барака топинг, бегим!

— Рўзгорни нима қиласан?

— Ярмини бева-бечораларга улашсам, сиз нима дейсиз?

— Яхши ўйлабсан.

— Ярми уйда қолар... Ким билади дейсиз, эҳтимоқ қайтиб келармиз.

— Энди, Пошшоҳон, гапнинг буёғига қулоқ сол. Кеттишга кетамиз, лекин иккимиз тенгдан эмас. Шунча тиллони бир йўла олиб кетиб бўлмайди. Йўл потинч, ҳамма ёқда қароқчи... Иккига бўлиб олиб кетамиз. Аввал сен жўнайсан. Бир қисми сен билан кетади. Жиянларинг ҳуш ёр йигитлар, худо хоҳласа, сени эҳтиёт қилишади. Мабод йўлда бир гап бўлгудек бўлса, бойликдан ажралсак, ярмидан ажраламиз. Қолган қисмини ўзим орқаишдан етказиб бораман. Йиғлама, тақдирдан қочиб бўлмайди. Йиғлама деярман!.. Олтинларни тенг иккига бўлиб ярмин сенга ажратиб қўйганман. Дадаишдан, боболарингдан қолган меросинг кўпайса кўпайдики, озайгани йўқ... Начор фарзанд кўрмадик. Кўрганимизда бу бойлик бўлинимага бўларди. Йиғлама, бўлмаса мен ҳам йиғлаб юбораман.

— Ишқилиб сиз ҳам орқамдан борасизми?

— Худо хоҳласа, албатта бораман. Лекин бу ерда ҳал анча ишларим бор. Шунча еру мулк, қўтондаги қўйлар уюлдаги отлар, уй-жойлар... Йўқ, мен буларни ташлаб кетолмайман. Сен кетаверганинг маъқул. Пошшоҳон, иккимиз ҳам қаридик. Қариганда киши қариндош-уруғлар

орасида бўлгиси келар экан. Жиянларинг ёмон йигитлар эмас... Мен кейинроқ...

— Вой, бегим, йиғлаяпсизми? — чинакамига ачиниб деди Пошшоҳон ойим.

— Йиғлаяпман, йиғламай бўладими?

— Унда қўйинг, мен ҳам кетмайман.

— Йўқ, Пошшоҳон, сен кетишинг керак. Мана, кўриб турибсан, чолдек мункайиб қолдим. Худо кўрсатмасин менга бир гап бўлгудек бўлса менинг қариндош-уруғларим ва хазинамга кўз тиккан бошқа очопатлар бойлик таллашиб сенинг томоғингдан бўғишади, сочларингдан тортқилаб, азоб беришади.

— Йиғламанг бўлмаса.

— Қўй, Пошшоҳон, бирпас йиғлаб олай. Негадир, шу пайтда йиғлагим келиб қолди. Сен менга вафодор хотингина эмас, балки, бир онамдек ҳам бўлиб қолган эдинг. Бошимни силардинг, эркалардинг, хатойимни юзимга солмасдинг... Лекин, бари бир сен кетганинг яхши. Мендан кейин сени хўрлашларини ҳечам истамайман.

Эру хотин гоҳ йиғлашиб, гоҳ ўринсиз йиғлаяпмиз, деб бир-бирлари устидан кулишиб эртасига кечқурун йўлга чиқишди. Олдинги аравага Пошшоҳон ойимнинг кийим-кечаклари, қимматбаҳо рўзгор буюмлари ва яна алланарсалар тугилган бўғчалар юкланган. Ортидан бораётган қўшотли коляскада эру хотин ёнбош ўтириб кетишяпти. Кечки салқиндан эти жунжикибми, Пошшоҳон ойим эрининг пинжига кириб, бошини елкасига қўйиб олган. Ҳаво очиқ, кўкда юлдузлар мўлу кўл бўлганидан қоронғилик унча сезилмас. Гоҳо хавфсираб олис-олисларга кўз ташлаб боришарди. Ноиб йўл хавфли эканлигини билганидан ҳар бирига беш тиллодан бериб иккита соқчи ёллаган. Умрларида бунақа катта пулни кўрмаган соқчи йигитлар, шу кунни яратган худога шукроналар айтишиб, бири олдинда, бошқаси орқароқда ҳушёр кетишмоқда. Эски араб қишлоғига кираверишда йўл торайиб, чангалзорлар орасидан ўта бошладилар. Риштондан буён орқаларидан эргашиб, гоҳ кўриниб, гоҳ йўқ бўлиб келаётган отлиқ ёнларидан бедовини қуюндек учириб ўтиб кетди. Хиёл ўтмай аравани бошқариб бораётган йигит:

— Босмачилар!! — деб қичқириб юборди. Шу қичқириниш асносида вараңглаб милтиқлар ҳам отилди. Орқа ҳам олдиндан келаётган соқчилар елкаларидан милтиқ олишга улгуришмади — от устидан учиб кетишди. Йўлнинг икки тарафидан, чангалзорлар орасидан ҳайқариб отлиқ-

лар чиқиб кела бошлашди. Кўз юмиб-очгунча аравакаш билан коляска ҳайдовчини пийпалаб ерга босдилар.

— Войдод, ким бор!— еру кўкни зирқиратиб қичқириб юборди Пошшоҳон ойим. Додлаганча ўрнидан тураётган эди, орқадан яна гумбурлаб ўқ отилди. Коляскага юзига қора мато тутиб олган беш-олти киши ташланиб эру хотинини бирдан кўтариб ерга отишди. Коляска билан арава кўз юмиб-очгунча йўқ бўлиб қолди. Довдираб қолган Шакархон худди туш кўраётгандек, нима қилишини, нима дейишини билмас эди. Сувсиз ариққа отишган экан. Пайпасланиб йўлга чиқиб олдию, хотинини ахтара бошлади. Пошшоҳон ойим ёпиниб келаётган кимхоб паранжисига ўралган кўйи кўксини чангаллаганча ғужанак бўлиб ётарди. Ноиб шошилиб ёнига чўкди. Авайлаб бошини тиззасига олди. Қўли билчиллаб қонга теккандек бўлди. Кўксидан фарёд узилиб чиқди:

— Э тангрим!

Пошшоҳон ойим жон талвасасида, пайпасланиб, эрининг бўйнига тармашди:

— Бегим!..

— Жоним, сабр қил, ҳозир иложини қиламиз.

— Бегим...

— Сабр қил, мана ҳозир ярангни боғлайман. Қон тўхтайди. Худо хоҳласа тўхтайди.

— Энди... энди сиз билан қоламан, кетолмайман.

— Қоласан, худо хоҳласа энди бирга бўламиз, ажралмаймиз.

— Қабрим... қаровсиз қолмасин.

— Ундай демал

— Сўз беринг.

— Жоним, вафодорим...

— Мендан рози бўлинг... Етимларга садақа улашинг.. Орқамдан йиғлаб боришсин. Болам йўқ эди, болам ўрнида йиғлашсин... Мен... мен...

Пошшоҳон ойим сўнгги сўзларини айтолмади. Худди ўрнидан турмоқчи бўлгандек юқорига бир талпиндию жим бўлиб қолди. Боши бир томонга оғиб, эрининг бўйнида ҳолсизгина турган қўллари сидирилиб туша бошлади. Жони узилган эди. Ноиб хотинининг ҳали совиб улгурмаган танини бағрига маҳкам босганча кўча ўртасида узон ўтириб қолди.

«АДОЛАТ КИМНИНГ ТОМОНИДА»

Пошшоҳон ойимнинг совуқ қабрга қўйилганига ҳам мана, бир ойдан ошиб қолди. «Халқ кўмди уни,— йиғи аралаш ўйлар эди Шакархон,— Риштон аҳли кўмди. Демак, хонадонимнинг нуфузи ҳали кетмаган экан-да. Босмачи ўғриллар отди, халқ эса эъозлаб кўмди. Ким отди экан, ким ташкил қилди экан бу қабиҳликни? Мен қандай чидайман энди. Хонадонимдаги хизматкорлардан бири сотқини. Ўғриллар билан алоқада бўлган. Ким бўлди экан, ҳар қалай, Нортойчалада гумоним бор. Бу ишда ўшанинг қўли бор...» Нортойчала бир маҳаллар Ширкат аравакашлари ҳақларини оширишни сўраб ғалаён кўтарганларида ҳамкасабаларига хиёнат қилиб, ишчиларининг яширин уюшмасига иштирок этганларнинг номларини бирма-бир ошкор этиб, Бузрукхўжа билан Мақсуд қорини ишдан ҳайдатган ва шу йўл билан Шакархоннинг ҳурматини қозониб, хонадонига хизматга ҳам кириб олган. Ичкари-ташқарининг дастёрчилиги, келди-кетдини бошқариш, хонадонининг таъминоти, ошпазларга иш буюриш унинг ихтиёрига ўтган. Пошшо ойимнинг вафотигача эру хотин икковлари хонадонининг салкам хўжайинидек эдилар. Қашқарга кетиш гайёргарлиги бошлангач, хотини Пошшоҳон ойимнинг тугунларига тугишиб юборди. Ўзи ўша тугунларни аравага юкладди...

Жуфти ҳалолли билан охири марта ўтирган ва шунинг учун ҳам қалбига яқин бўлиб қолган тоқиси баланд айвонда ёнбошлаб ётган Шакархон алам билан яна хитоб қилди:

— Нортойнинг қўли бор!

Ташқари ҳовлида кечки таомга тайёргарлик кўраётган Нортой бир қўлида пичоқ, бошқасида сабзи, югуриб чиқди:

— Мени чақирдиларми?

Шакархон хунук хўмрайди. Кетма-кет энтикди:

— Берироқ кел-чи.

— Чойингизни янгилаб берайми,— шошилиб сўради Нортой,— совуб қолгандир.

— Утир деяпман.

— Оёингизни уқалаб қўяйми? Хайрият, бугун тузук кўринасиз. Келинингиз иккимиз валеънематимиз ётиб қолмасалар гўрга эди, деб жуда қўрққан эдик, хайрият! Орқаингизга ёстиқ қўйиб берайми?

- Пошшоҳон аянгга ўғлингизман, деб юрардинг?
- Худо хоҳласа, сизнинг ҳам ўғлингизман.
- Ўғлим бўлсанг, қани, тахминингни айт-чи, аянгни ким отди экан?

Ноиб ҳамсўхбатининг кўзларига, бирор маъно, бесаранжомлик юқармиканман, деб боққан эди, бўлмади. Нортой ерга қараб қолди:

- Билмайман.
- Нега бошингни эгиб олдинг?
- Ғам эгди бошимни, жаноблари. Худди онамдек меҳрибон эдилар.
- Қани, айт-чи, аянгни ким отди экан?
- Ана у кунни айтувдим-ку?
- Яна айт.
- Ревком отган.
- Ревком нега энди мени эмас, аянгни отади? Нима, ревкомнинг кампирларни отишдан бошқа иши йўқми?
- Уларга бари бир, жаноблари, қонсираб турнишибди.
- Демак, қизиллар орқамдан қўрбошининг кийимини кийиб боришибди-да?
- Улардан ҳамма нарсани кутса бўлади, жаноблари.
- Уша оқшом катта бойлик билан биз йўлга чиқишимиз кераклигини фақат сен билардинг.
- Эҳтимол. бошқалар ҳам билгандир.
- Йўқ, сендан бошқа ҳаммадан сир тутганмиз. Кўзимга қара-чи!
- Айтдим-ку, сиздан уяламан, деб.
- Кўзимга қара деяпман. Ҳа, ана шундай, қани айт бизни ким сотди?
- Билмайман.
- Биласан!— Шакархон сакраб туриб хизматкорининг ёқасидан бўғиб олди. Ҳам мол, ҳам жон аччиғи газабин ошириб юборган эди. Қароқчилар чакана бойликни олиб кетишмади. Пошшоҳон суюкли хотини бўлмаса ҳам ҳар қалай салкам қирқ йиллик қадрдони эди— йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди. Бўғиши, бўғиб ўлдирishi керак. Хони шу! Азал-азалдан ҳам хиёнатга мойиллиги бор эди унинг. Ғалаён кунни сирдошлари бўлмиш Муртазин билан Бузрукхўжани бир ҳовуч танга эвазига сотган шу эмасмиди? Ҳа, Зокир калла билан алоқаси бор бунинг. Бу ердан олиб турганидан кўпроқ пул ваъда қилган бўлса, унга сотилган. Ноибнинг бойлигига кўз тиккан бирдан-бир киши Зокир эди. Бирини поштепки, бирини сотқин! Еспирай кўр кўрди қоронғида топганини қаранг.

— Айт, биз йўлга чиққанимизни босмавизга ким ствазди

- Мавлон чол етказгандир...
- Ёлғон.
- Бўғманг, жаноблари, ўлиб қоламан.
- Улдираман сен муттаҳамларни.

Шакархоннинг, негадир қўл-оёғи бўшашиб кела бошлади. Хизматкорини бўғмоқчи эди, бўғолмади. Ожизлигини сездирмаслик учун, «гапингда жон бор, эҳтимол чол сотгандир...» деб беҳол бўлиб қолган қўлларини томоғидан олди. Нортой сўзига хожасини ишонтиргани учун ўзида йўқ суюниб, гуноҳсиз чолни айблаш учун яна нимадир демоқчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаган эди, сўзи бўғзида қолди. Ўрта эшик олдида Мирзача кўриндию, рухсат ҳам сўрамай, худди тетапоя бўлган боладек қадамини қаттиқ-қаттиқ босиб жадал кела бошлади. Ноиб хизматкори билан ўрталарида ўтган дилисиёхликни собиқ мирзосига сездирмоқчи эмасди. Лабларида ясама табассум кўринди:

— Бор, азиз меҳмонга чой келтир.

Мирзача эгилиб салом берди-да, сўнг чопқиллаб келиб ноибнинг қўлини олди, сўрашиб бўлгач, баҳор офтобида лов-лов ёниб турган гиламга чиқмай, айвон чеккасига омонатгина ўтирди, юзига фотиҳа тортди.

— Мирза, кўзинг бежо, тинчликми, — фотиҳага қўшилиб юзини юмшоққина силаб олган ноиб мирзасига қаттиқ тикилди.

Мирзача атрофга шошилиб бир назар ташлади-да, паст овоз билан: «Жўраларингиз юборди мени», деб қўйди:

— Йиғин кимникида бўляпти? — ҳушёр тортди ноиб.

— Бугун бизникида.

— Сени ким юборди?

— Устоз юбордилар.

— Ана у инглиз ҳам шу ердами, ҳалиям савдогарман деб юрибдимми?

— Шу ердалар. Туркиядан ҳам мўътабар бир зот ташриф буюрганлар.

— Мен боролмайман, — шу ҳолатига ҳеч ярашмайдиган кескин бир овоз билан деди ноиб. — Қасалман.

— Жаноблари бу кеча Риштонни дилкушоннинг тақдирини ҳақида гоят махфий битим бўлади. Сиз суянган тоғимизсиз.

— Мен... қулаб тушган тоғман.

— Ундай демасинлар, жаноблари. Сиз бамисолли улкан чинорсиз.

— Томири кесилган... чинорман... Мирза, менга ҳамон ҳурматинг борми?

— Аввалгидан кам эмас, жаноблари,— қўлини кўксига қўйиб бошини эгди Мирзача.

— Агар ҳамон мени гапимга кирадиган бўлсанг, сен, ўғлим, улардан наф кутма. Омади кетган одамлардан ҳаммиша узоқ юргин. Шунда кам бўлмайсан, омадли бўласан. Гап шу, мен касалман, боролмайман.

— Бўлган гапни кейин сизга айтайми?

— Энди... бу гапларнинг менга кераги йўқ.

Мирзача таъзим қилганча орқаси билан юриб чиқиб кетди. Ноиб шошилиб ўрнидап турди-ю, нима учун тургани эсидан чиқиб қолди шекилли, тек туриб қолди. «Тавба бу ялоқхўрлар менга ёмон ёпишиб олишди-ку,— деган ўйлар ўта бошлади қизиб турган бошидан,— ўнга қочсанг — қўрбоши, чапга қочсанг — мана бу сохта ватан парварлар. Инглизга бало борми бу ерда! Салла ўраб мусулмон бўлиб олибдилар. Афғор оммага кўмаклашмоқчи эмишлар, бекор айтибсан. Фарғонанинг оппоқ пахтаси ширин-шакар мевалари тортиб келган сенларни. Инқилоб йўлини тўсмоқчи эмиш, кеч қолдинг энди ҳамманг...»

— Йўқ! — бор овози билан қичқириб юборди Шакархон.

Ташқари ҳовлидан Нортой югуриб келди:

— Чақирдиларми?

— Йўқол!! — яна қичқирди Шакархон.

Худди оёғи куйган товуқдек возиллаб кенг ҳовлини айлана бошлади. «Йўқ, мени йўлдан уриб бўлсанлар, мен Шакархон дейдилар. Ақли ҳушим сенларникидан кам эмас, ортиқроқ! Ҳақиқат қайси томонда, куч қайси томонда ақлим тарозисида тортиб турибман. Ҳа, ҳа тортиб бўлдим ҳам. Тезроқ бир томоннинг этагини ушламоғи даркор. Ҳозир бестараф туриб бўлмайди. Хўш, куч қайси томонда? Келгиндилардами — йўқ. Эртага жуфтани роҳлаб қолишади. Қўрбошидами — йўқ. Ҳаммаси ўғри, қаро чи улар. Большевиклардами? Нега халқ уларни томонини ўтиб кетди, нега? Демак, адолат улар томонида экан-демак, мен ҳам улар томонида бўлишим керак! Бойлигини еру мулким-чи? Йўқ, йўқ, булар менинг бағир қонимда пайдо бўлган, беролмайман... Лекин бари бир тортиб олишади. Босмачини тугатишади, бу аниқ бўлиб қолди. Келгиндиларни ҳайдашади. Кейин ер-мулк умумлашади. Боллик ўртада бўлади — шпорлари шундай!.. Олиб қочолмасам, еб тугата олмасам, нима қиламан уларни. Бошқаларни ўхшаб Афғонгами, Қашқаргами кетолмасам. Хўш, келдим ҳам дейлик. Хотиним бўлмаса, фарзандим бўлмас бегона элларда ким учун саргардон юраман? Йўқ, м...

адолатли Шакархон эдим, адолат томонига ўтганим бўлсин, топшираман!»

— Топшираман!!— яна бор овози билан қичқирди Шакархон. Урта эшикни қия очиб Нортой хизматкор мўралади.

— Йўқол!— Шакархон ер тепиндию, тез-тез юриб ташқарига чиқиб кета бошлади. «Жинни бўлиб қолмасалар бўлди эди!» ваҳима ичида ўйлади Нортойчала.

Шакархон кўчада ҳам худди орқасидан ёв қувлаб келаётгандек югуриб борарди. Ревком биносига етгунча, дармонсиз эмасми, ҳаллослаб қолди. Ҳаллослаганча Бузрукхўжанинг ҳузурига кириб борди. Худди томдан тараша тушгандек қилиб:

— Мана, мен келдим! — деб негадир кўкрагига бир урди.

Бузрукхўжа эгилиб нималариндир ёзиб ўтирган эди. Кулимсираб бошини кўтардию, қаршисида кўзлари косасидан чиққудек бир алфозда турган ноибни кўриб хўмрайди.

— Мен келдим деяпман!— ер тепинди Шакархон.

— Хуш келибсиз,— деб қўйди ревком раиси.

— Мени қамамайсанми?

— Нега энди, — Бузрукхўжа елкасини қисиб бир оз жим қолди, — нега энди сизни қамар эканман?

— Ахир, мен сизларнинг душманингизман-ку. Ҳамма-ларингизни савалаб урганман, қамоққа ташлаганман.

— Шунақа ишлар бўлган,— ревком раиси секин ўрнидан туриб сўрашиш учун қўл узатган эди, Шакархон орқасига тисарилди:

— Отмоқчи бўлсанг, тезроқ от!

— Тушунмаяпман, нима демоқчисиз ўзи?

— Узингни гўлликка солма, ревком.

— Жаноблари...

— Жаноблари дема мен. Энди сен жанобсан, кечаги аравакаш бугун жаноб бўлиб қолибди!

— Шакархон ака, ўтиринг.

— Шунини билиб қўй, сенларга тушиб қолган боғлигим йўқ, мана шу гапни айтгани келдим!— Шакархон кескин орқасига бурилиб ташқарига чиқиб кета бошлади. Ҳовлига ўтиб, чўнтагидан рўмолча олиб, терлаб турган пешонасини, тандирдан чиққандек қизариб кетган юзларини арта-арта уйига жўнади. «Нега бундай қилдим,— сўради ўзидан,— ёки ўрнини эгаллаб ўтиргани учун ёниб кетдиммики? Йўқ, уни аллақачон эшитиб тақдирга тан бериб қўйган эдим-ку. Хўмрайгани учун тутатдиммикан, йўқ

кўзида нафрат сезмадим унинг. Қўлини узатганча қолди-я, нега бундай қилдим, нега?

Шакархон дарвозахонаси олдига келиб, ҳувиллаб қолган ҳовлисига киргиси келмай, кирсам яна Нортойчаланинг шумлик беркинган кўзларига кўзим тушиб тутақи кетаман дея ўйлаб, ёнбошдаги супачага ўтириб бошини эгди. Қанча ўтирди, билмайди, бир маҳал катта кўчанинг ҳў нариги бетидан толга қўнган чумчуқчалардек чирқиллашиб ўтаётган сағирларга кўзи тушиб қолди. Мулла Маҳмуд уларни иккитадан қилиб қаторлаштириб олибди.

— Бир, икки, бир, икки,— деб оёқ ташлашларига мени буйруқ ҳам бериб келяпти. Лекин болаларнинг буйруғи билан ишни йўқ. Хоҳлаганларинча қадам ташлаб бир-бирини туртиб, елкасини қитиқлаб, чағир-чуғур қилиб бориш япти. Нонбнинг юраги ҳаприқиб кетди. Болаларни хуш қиларди у. Дунё кўзига тор бўлиб кўринган пайтларда ўшаларнинг орасига борса ғуссаларини унутарди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда, беихтиёр ўрнидан туриб сағирлар ортида эргашиб кета бошлади.

VII

НОИБНИНГ ЕРОСТИ ХАЗИНАСИ

Етимхонагача сағирларга эргашиб жадал бордию давоза олдида, кирайми, кирмайми дея иккиланиб қолди Нима деб киради. Илгарилари етимларга ўзи отахон бўлгани учун улардан ҳол-аҳвол сўрагани кирарди. Энди отахон эмас-ку? Бордию қизлар бўлмасига ўтиб Гулнораборди ни кўриб кетса-чи?.. Ревком раисининг хотини Ҳалимахонисмни аёл билан Гулнора бу ерга мураббия бўлиб келган эмиш, қизларга босқинчи сабоқ ҳам беришаётган эмиш қизларнинг сони олтишдан ошиб кетган эмиш — бу галарининг ҳаммасини Нортойчаланинг хотини нонбга еказган... Гулнора унинг шаърий хотини, талоқ хатини берган эмас ҳали... Укаларини олиб қочиб кетганини, падигонли Усмонхўжа отанинг уйдан паноҳ топганини бадиликдан озод бўлган кунидеҳ эшитган. Уч бора одаиборди, учовига ҳам рад жавобини олди. Дарахтни сикитсанг қиз ёғилладиган замонда сен етимчага ёлвориб юраманми, деб қўл силтаб қўя қолганди. Бориб, юр, бирини турайллик дейишга, ҳали отдан тушган бўлса ҳам узангдан тушмаган палласи эмасми, ғурури йўл қўймаган эди Ғурури баланд эди нонбнинг. Мулла Маҳмудга турмуш чиқаётганини, никоҳ оқшомида Зокир калланинг йиғитл

ри ўғирлаб кетгани ва ниҳоят, Пири муршид қўрбошини уриб-сўкиб Гулнорани унинг қўлидан тортиб олганигача ҳамма-ҳаммасини эшитган. «Менинг шунчалик яхшилигимники билмадинг, бу кунингдан баттар бўл», деб уни кўнглидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилган эди. Кўнглидан чиқара олмаган экан. Бот-бот унинг тақдири билан қизиқиб қаерда яшаётгани, бечораҳол турмуши қандай кечаётганини Нортойчаланинг хотини орқали сурштириб турарди. «Тавба»,— деб қўяр эди баъзан,— Пири муршид-ку, унга эрлик қилолмайди, бичилган. Суюклиси Мулла Маҳмуддан нега юз ўғирди экан... Хотин зотига тушуниб бўлмайди ўзи». Ҳозир етимхона дарвозаси олдида кирсамми, кирсамми дея иккиланиб тураркан, Шакархоннинг изтиробга лиммо-лим тўлган қалбида аввалги ҳусн-жамоли, келинлик латофати билан Гулнора қиз яна намоён бўлдию, меҳрга, кимнингдир бир оғиз илиқ сўзига ташна қалбининг якка ҳукмдорига айлана бошлади. Қизнинг сурати кўз ўнгида тек туриб қолди. «Олдига кирману, ҳамма гапни очинчасига гаплашиб оламан. Ахир мен уни талоқ қилган эмасман, шаърий хотиним бўлади у,— деб ўйларди Шакархон,— нега кирмас эканман, ўз жойим, ўз мулким бу. Бу иморатларни менинг ихтиёримдан олиш ҳақида ҳали ревком қарор чиқарган эмас, етимлар ҳам ҳозирча ўзимники!»

— Ассалому алайкум, жанобларни,— ичкаридан қўлтирида узун супурги, қўлида челақ қоровул бобо чиқиб қолди.

— Э, ҳа, бобожон, омонмисиз?— Шакархон худди ноиблик маҳалларидагидек қўлини истар-истамас узатиб омонатгина сўрашди.

— Нега бу ерда туриб қолдилар, қани, ичкарига марҳамат,— тавозе билан қўл қовуштирди бобо.

— Кирсам... бўлаверадими?

— Ия, бўлмасам-чи, қани, марҳамат қилсинлар. Ревком ўғлимнинг рафиқаси бу ерга мураббия бўлиб келган. Дилбаргина жувон экан. Худо хоҳласа яхши кутиб олади, кираверсинлар.

— Яна... ким бор?

— Узларининг жуфти ҳалоллари ҳам шу ерда. Отиниб биби экалар. Муаллимлик қиляптилар... Қани, марҳамат.

Шакархон ичкари кирмоқчи бўлиб бир-икки одим ташладию, негадир яна тўхтаб қолди. Қизик, бу тортинчоқлик қасқдан пайдо бўлди экан. Аввалги дадиллиги, гурури қасқда қолди унинг?

— Ичтимос, келганимни, аёлларга маълум қилсангиз. Чол тезгина кириб-чиқди. Қиришга руҳсат беришибди.

Шакархон дарвозадан ўтиши билан атрофга аланг-жаланг кўз ташлаб олди. Етимхона Зокир калла тасарруфига ўтгандан буён бу ерга қадам босмаганди. Ҳеч нарса ўзгармагандек. Ҳовлини ёғ томса ялагудек тоза супуриб қўйишибди. Илгарилар ҳў анови айвонда той-той пахталар, қизларнинг чархи, даста-даста савағичлар бўларди. Қизлар бўз тўқимай қўйишибди шекилли, ҳаммасини йиғиштириб олишибди... Қизалоқлар югуриб келишарди. Шакархон пистали ҳалво, дандон сочарди. Бир хилларига, қани, кимнинг бўйи баланд бўлса ўша олади деб, бўйларини чўздириб кумуш танга улашарди. Кейин ана шу чўзиқ айвонда, ёз бўлса ҳовлида қизлар чилдирма чалиб ўйинга тушарди... Ичкарида, хосхонада гоҳо тонготгунча майхўрлик, ишрат бўларди. Шакархон ишрат кечаларини ўйладию, худди жиноят устида қўлга тушгандек алланечук бўлиб кетди. Шошилиб атрофига қараб олди. Айвонда ўрта бўйли бир аёл кўринди. Юзини кўк дурра билан тўсиб, дуррасининг бир учини тишлаб ҳам турибди.

— Сиз.. бу ернинг мудирасимисиз?— негадир ноибнинг овози қалтираб кетди,— Бузрукхўжанинг рафиқаси бўлсангиз керак?

— Ҳа,— секингина овоз берди аёл.

— Хайрият, бу сағиралар ишонарли одамнинг қўлига тушибди. Кўп ташвишда эдим... Гулнорабону ҳам сиз биланми? Агар рухсат берсангиз ожизада икки оғиз гапим бор эди.

Ҳалимахон ичкарида анча қолиб кетди. Ниҳоят остона олдида кўринди-да, яхшиси ўзингиз кира қолинг, ҳовлида қизлар олдида яхши бўлмас деб, қиялаб юриб бошқа бир хонага ўтиб кетди. Шакархон хонага кириб, ҳаво илиб кетгани учун кўрпаси йиғиб олинган танча устига омонат ўтирди. Урганиб қолган эмасми, фотиҳа ўқиди. Гулнора юзини беркитган кўйи деворга суяниб тик турарди. Ноиб негадир унинг кийимларига назар ташлади. Ўзи олиб берган амиркон кавуш, қора тароқ атлас, кимхоб тўн...

— Утирмайсанми, — секин гап бошлади ноиб.

— Гапингизни айтаверинг,— жеркигандек бир оҳангда деди Гулнора. Ноиб хўрсинди.

— Юзингни ҳам беркитиб олибсан.

— Илгари кўрмаганмидингиз?

— Яна бир кўрай деб келдим.

— Энди номаҳрамсиз.

— Ундай дема, Бону,— Шакархон бир нафас жим қолди,— яхши ният билан бир ёстикқа бош қўювдик... Оғир куиларда ташлаб кетдинг мени, Ўзи келиб қолар деб кўл

кутдим, келмадинг. Одам юбордим. Уршиб қайтариб-сан... Пошшоҳон аянг ҳам оламдан ўтди. Ёлғиз бўлиб қолдим, Бону! Қайт, рўзгоринг шундай турибди, ўзинг бошқар. Ҳаётимнинг гули эдинг, ўзингга буни бир неча бор айтганман, яна гул-гул яшнаб олдимда юргин.

Гулнорани Шакархоннинг иссиқ қўйнига биринчи дафъа кирётган кечаси тутқаноқ тутганди. Ўша оқшом, отаси тенгли бир одам уни алдаб-сулдаб сочларидан майини силаб бағрига олаётган ўша машъум кечада, қалбидаги энг шоён орзулари топталиб, ҳеч ушалмас армонга айланаётган ўша дақиқада... бу одам кўзига худди алвас-тидек бўлиб кўринган эди. Ўша биринчи учрашувдагига ўхшаш бир ҳолат қизнинг вужудида қўзғалиб кела бошлади. Юзидан дуррасини олиб ноибга қаттиқ тикилиб қолди. Кўзлар яна учрашди. «Э худойим, бунча гўзал қилиб яратмасанг уни,— энтикиб кетди ноиб.— Шунча ҳусн, шунча латофат... йўқ, мен уни ҳеч кимга бермайман!»

— Бону, мен қариб қолдим,— йиғламсирагандек қилиб деди ноиб.

— Қарисангиз... — сўзларини уёғини айтолмади Гулнора.

— Айтавер, нега тўхтаб қолдинг?

— Қарисангиз, қарига яраша иш қилинг-да.

— Бойлигим сенга қолсин дейман, гулим!

— Менга бойлик керак эмас.

— Ёшлик қилма, сенга керак бўлмаса, укаларингга керак. Уларни қанотимга олиб тарбиялай, ўқитиб мулло қилай.

— Укаларим ҳам... бир кунини кўрар.

— Бойликдан бош тортма, Бону. Одам боласига у ҳам қанот, ҳам нажотдир.

— Мен ўз қанотимни топдим, бошқаси керакмас энди.

— Бўлмаса,— Шакархон жаҳл билан ўрнидан туриб кетди,— Шўроларга топшириб юбораман уни.

— Топширсангиз қайтага хурсанд бўламан.

— Хурсанд бўламан?!

— Ҳа,— деб қўйди Гулнора,— хурсанд бўламан. Фақат энди мени тиш қўйсангиз бас. Бошқа келманг. Келсангиз, бошимни олиб қочиб кетаман.

Гулноранинг кўзларидан шовуллаб ёш тўкилиб кетди. Икки қўллаб юзини беркитганча ташқарига югурди. Ноиб бармоқларини ёжимлаб бир оз ўтирди-да, ортиқ қолишни ўзига эп кўрмай, битта-битта юриб ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Қоровул бобо чой дамлаб қўйдим, бир пиёлагина ичиб кетнинг, деб қистай

бошлади. Шакархоннинг вужуди карахт, чолнинг сўзлари қулоғига кирмасди. Кўчага чиққач, назарида руҳидаги қоронғилик қаёққадир чекиниб, олам-олами ёришиб келаётгандек ҳис қилди ўзини. «Бойлигимни топшираман, — уйи томон жадал юриб ўйларди Шакархон, — топширсам у хурсанд бўларкан, хурсанд бўламан деяётганда кўзлари чарақлаб кетди унинг... О, ўша чарақлаган кўзларни яна кўрдим мен».

Ўрта эшикни ичидан беркиниб хонтахта ёнига чўкка тушди. Ревком номига мактуб ёза бошлади. Қўллари қалтирамаётганидан, шу аснода руҳи ҳам хийла сокин экап-лигидан мамнун эди. Руҳидаги шу тиниқлик ўтиб кетмасдан мактубга қўшиб олтиларини ҳам топшириб келишга қарор қилдию, шошилиб ўрнидан турди. Олтинлар ўзи яшайдиган ўн бир ёғочли, ганжли уйнинг остида эди. Даҳлиздаги тошўчоқдан унга йўл тушади. Ҳочқнинг чап томонидаги токчада сирли қилиб ишланган мослама бор. Мослама ўн бир калит билан очилади. Бирон калит бенавбат тушса нариги токчадаги қутича очиладию, тош ўчоқ ўрнидан қўзғалмай тураверади. Ҳчоқ ўнгга сурилгач, ноиб шам ёқиб нозик зинадан аста-секин пастга туша бошлади. Димеғига гуп этиб моғор ҳиди урилди. Кўзлари чарақлаб очилиб ҳамма нарсани равшан кўра бошлади. Бобою бобокалонларидан қолиб келаётган ва кейинчалик Ширкатга аъзо бўлгач ўзи топган олтин тангалар, қуйма ёмбилар, ертўла токчасига ғоят сеҳрли қилиб ўрнатилган пўлат сандиқларда сақланади. Тангалар кийик терисидан ихчам тикилган халтачаларга тарозида тортиб солинган. Ҳар биттаси беш қадоқдан. Ноиб ўн олти халтачани қопга солиб (қолгани қора кунимга ярар деб, кўнглидан ўтказди) юқорига кўтарилди-да, мосламани ўрнига қайтаргач, ўзи олиб чиққан қоп устига чўкиб, икки қўли билан бошини чангаллаганча узоқ ўтириб қолди...

Намозгар пайти эди. Ўрта масжид сўфиси облоҳу акбар, дея намозхонларни чорлай бошлади. Сўфининг гулдурак овози ганжли уйда жараңлаб Шакархонни ҳушига келтиргандек бўлди. Худди уйқудан уйғонгандек бир чўчиб тушди-ю, ўрнидан туриб қопчиқни елкасига олди. Умри бино бўлиб на қўлига, на елкасига оғир юк кўтармаганди. Ташқи ҳовлидан ўтаётганида оёқлари майишиб майишиб келаётганини кўриб бир йўла уч хизматкорни югуриб келди. Биз турганда сиз нега қоп кўтарасиз дея хафа бўлишди. Ҳар томондан қопга қўл узатиб келишаётган эди, ноиб худди телбалардек қичқириб юборди:

— Йўқол, ҳаммаиң!!

Хожаснинг ғалати ҳаракатларини бир неча кундан буён кузатиб юрган Нортойчала «жинни бўлиб қолганларни аниқ!» деб ўйлади-да, камоли раҳми келганидан, ревкомгача орқасидан эргашиб борди. Лекин қопда нимани орқалаб бораётганини ҳар қанча тахмин қилса ҳам тополмади.

Ревкомда мажлис кетаётганди. Бузрукхўжа раислигида, мулла Зариф Темурбек, Ҳунов, яқинда фаоллар қаторига қўшилган Мулла Маҳмудлар аллақандай бир масалани муҳокама қилиб, бир-бирларининг фикрига қўшилмай қизишиб ҳам туришганди. Шакархон хонанинг эшигини оёғи билан очиб, елкасида қоп, терлаб пишган бир аҳволда ичкарига кириб борди:

— Мана, мен келдим!

Бузрукхўжа ўрнидан туриб кетди:

— Бу ерда мажлис бўляпти.

— Кўриб турибман,— ёнидан рўмолча чиқариб пешонасини шошмасдан арта бошлади ноиб.

— Нега берухсат кирдингиз, сиз қанақа одамсиз ўзи?

— Бу хонага мен ўттиз беш йил давомида берухсат кириб юрганман, ревком!

Бузрукхўжа мийнгида кулиб қўйди:

— Тарки одат амримаҳол экан-да, хўш, хизмат, халиям келиб зарда қилиб чиқиб кетдингиз, тинчликми ўзи?

Шакархон чўнтагидан мактуб чиқариб ревком раисига узатаркан, ўқи, овоз чиқариб ўқи, дея илтимос қилиб қўйди. Бузрукхўжа ноиб гарчи мактубни овоз чиқариб ўқи дея илтимос қилган бўлса ҳам аввал овозсиз ўқиди. Ноибга ўтириш учун жой кўрсатгач, мактубни энди баланд овоз билан ўқий бошлади:

«Риштон ревкомининг раиси Бузрукхўжа Усмонхўжа ўғлига!

Мен ким собиқ ноиб Шакархон Умархон ўғли ревкомга қўйидагиларни арз қиламан. Ақли ожизимнинг далолат беришича халқ қай тарафда бўлса, адолат ҳам ўша тарафдадир. Риштон халқики, большевиклар тарафига ўтиб, Шўролар ҳокимлигини қабул қилган экан, ишчи-деҳқон иттифоқи тузиб босмачию бошқа фитнакорларга қарши уруш олиб бораётган экан, Риштон элининг бир фарзанди бўлмиш мен ҳам Шўролар тарафига ўтганимни маълум қиламан. Тасарруфимда бўлмиш барча бойлигим чунончи тўрт юз таноб экин майдоним, қирқ таноб ўрикзорим ва яна шунча майдондаги теракларим, Лолақ тоғларида боқилаётган минг беш қўй, уч юз нафар йилқим ва яна Риштон ариғи устига қурилган олти тегирмон, тўрт обжур

возим ва яна икки карвонсарой, юқори кўчага қурилган янги иморатимни ва барча қаролу дастёрларимни Шўролар ихтиёрига топшираман. Бад аз калом шуни ҳам маълум қиламанки, Шўролар хазинасига икки пуд олтинимни ҳам даромад қилурмен. Ушбулар эвасига ревкомдан талабим шуки, каминага кичикроқ бўлса ҳам бир лавозим тайин этилса. Токи Шўролар тарафига ўтганимни меҳнати беминнатим билан ҳам исбот этсам.

Бармоқ босдим, собиқ ноиб Шакархон
УМАРХОН ўғли».

Бузрукхўжа мактубини ўқиб тугатиши билан ноиб ўзи келтирган қопчиқнинг оғзини кенг очиб чарм халтачаларни жарақлатиб стол устига қўя бошлади.

— Жами ўн олти халта.

Ҳаммалари жим қолишганди. Қим нима ҳақида ўйлаётганини билиб бўлмайдди. Мулла Зариф билан Урунов ноибни еб юборгудек хўмрайганча, Темурбек оғзини ярим очиб анграйганча, Мулла Маҳмуд ҳам қулоғига, ҳам кўзига ишонмагандек, кўзларини катта очиб бўйинини олдинга чўзганча қотиб қолишганди. «Топшираётган бойлигидан қатъи назар,— фикридан ўтди ревком раисининг,— Шакархондек катта мулкдорнинг Илқилоб томонига ўтиши бу бизнинг чакана ғалабамиз эмас. Қўлнинг мушт қилиб, тишини қайраб юрган бошқа давлатмандларга бу намуна бўлади, эҳтимолки, сабоқ ҳам бўлади».

— Ушбу аризангизни «Янги Фарғона» газетасида эълон қилсак, розимисиз?— жимликни бузди Бузрукхўжа.

— Розиман.

— Сувратингизни ҳам босиб чиқарамиз.

— Эътирозим йўқ.

— Ақлли, ҳам адолатли йўл тутганингиз учун,— Бузрукхўжа секин ўрнидан туриб кела бошлади,— ревком номидан сизга ташаккур айтаман. Аризангизни мана бу олтинларингизга қўшиб эртагаёқ ўртоқ Бабушкинга етказаман. Фақат бизга очигини айтинг, қандай лавозим сўрайсиз?

— Ревком нимани лозим кўрса, мен шунга рози.

— Биз ҳозиргина, мана баҳор бошланиб қолди, қум босган Риштон ариғини қандай тозаласак экан деб бош қотириб турган эдик. Сизни бош мироб қилиб тайинласак, борасизми?

— Бораман,— Шакархон ҳам ўрнидан тура бошлади.— Аслида ўша ариқни ўзим очган эдим.

Урунов билан мулла Зариф пайт топиб кўз уриштириб олишди. Нигоҳларида совуқ бир учқун ялтираб турарди,

ЕШЛИКДА БЕРГАЙ КҮНГИЛ МУЗЛАЙДИМИ?

Мулла Маҳмудни ҳамқишлоқлари гоҳо китоб жинни-си ҳам дейишади. Айтишларича, бирда дадаси ётиб қол-гач, пулга зориқиб китобларидан бир қисмини сотмоқчи бўлибди. Сотиб бўлиб қайтиб чиқаётса, дарвоза олдида ўзиникидан қизиқроқ, бир китобни савдога қўйишган эмиш. Бор пулини тўлаб ўша китобни олиб уйига қайтиб келган экан. Ана шу йигит ҳозир ревком қошидаги маориф шўъбасига бошчилик қиляпти. Боз устига болажонли ҳам. Болалар ўртасида балиқ сувда яйрагандек яйраб кетади. Жилд қўлтиқлаб мактабга бораётган бола оламини келажоғи деб, икки бора мактаб очиб, икковида ҳам ўлгудек калтак еб аламзада бўлган эмасми, бор маҳоратиши ишга солиб ўзини кўз-кўзлаб ишляпти. Олтмиш тўрт қишлоқда мактаб очди. Муаллимларга ревкомдан маош ундириб берди. Ҳамма ишлари назарида кўнгилдагидек эди. Аммо ўзини бир дақиқа бўлсин бахтли ҳисобламасди. Суюклисига ҳамон ета олгани йўқ. Билмайди, нима сабабдандир Гулнора унинг кўксидан итариб ташляпти. Тавба, никоҳингдаги хотининг афтинги кўргани тоқатим йўқ деб турса, арзинги кимга айтасан. Гулнора сағиралар бўлмасига муаллима бўлиб келган кунидек Мулла Маҳмуд унинг ҳузурига югуриб чиқди. Кўзимга кўринманг, бўлмаса ўзимни сувга ташлайман деб яна қувиб чиқарди уни... Бугун эса унинг ҳузурига Шакархон ноиб ташриф буюрибди. Хилватда суҳбат қурган эмишлар.

Мулла Маҳмуд туни билан ухлай олмай рашк ўтида ёниб чиқди. Эрталаб қизлар ётоқхонасига қараб югурди. Мураббия Ҳалимахон ҳозиргина келиб катта қизлар даврасига чўкиб нонушта қилаётган экан. Мулла Маҳмуднинг вазоҳатини кўрдию, шошилиб даврдан узилиб чиқди.

— Тинчликми, муллака?

— Худога шукур, тинчлик, — деди Мулла Маҳмуд зарда қилгандек бўлиб.

— Рангингиз бир аҳволда, ёмон туш кўрдингизми дейман?

— Ухласам туш кўраман-да, келин!

Ҳалимахон Мулла Маҳмуд билан Гулнора ўртасидаги савдоларнинг ипидаги игнасигача хабардор. Икковларини

бахтсиз ҳисоблаб саодатли бўлишларига бош-қош ҳам бўлган эди. Шум тақдир уларни ҳар томонга итқитиб ташлаганидан ўзича куюниб юрибди. Синглидек бўлиб қолган Гулнорага: «Қалбингизга қулоқ солинг, ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур дейдилар, кейин аттанг қилиб юрманг», деб бир неча бор насиҳат ҳам қилган. Мулла Маҳмуд «ухласам туш кўраман-да», деган сўзлари замирида алам, ишққа мубтало дилнинг фарёди борлигини дарров тушуниб, гаплашмоқчимисиз, деди боши билан ичкарига имо қилиб.

— Бугун ё уёқлик, ё буёқлик қиламан,— Мулла Маҳмуднинг овози жуда кескин эди.

— Лекин, Муллака, қизишманг,— ўзича насиҳат қилган бўлди Ҳалимахон.

— Чолда кўнгли бор экан, нега мени аҳмоқ қилади у?

Шундай деб, Мулла Маҳмуд Ҳалимахон ортидан эргашиб кеча ноиб билан Гулнора суҳбатлашган хонага кирди-да, суюклисининг келишини кута бошлади. Гулнора гул-гул яшнаб, нимаданир жуда хурсанд бўлса керак, юз-кўзи ловиллаб ёниб кириб келди. Мулла Маҳмуд уни анчадан буён яқиндан кузатмаган эди. Сутга чайқаб олгандек оппоқ юзлари тўлишиб, яноқларидаги қизиллик яна ортиб, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилди. Бир қарашда кишини ловиллатиб ёндирадиган жозибаси бор эди унинг. Боқишларида «вой, қўйсангиз-чи, уяламан», деяётгандек нозик ишва, аёллигини таъкидлаб турувчи нозли ибo, ҳусним ҳамманикидан ортиқ, бу гўзалликка ҳеч биринг эриша олмайсан деяётгандек бир таманно борлигидаги ўша жозибани яна ҳам ошириб, уни айни вақтда ҳам гўзал, ҳам сеҳрлидек қилиб кўрсатар эди. Мулла Маҳмуд ана шу сеҳр таъсирига берилиб, вужудини ёндириб турган ғазабу алам қаёққадир йўқ бўлди-ю, майин табассум қилди.

— Эсон-омон юрибсанми?

— Шукур,— деб қўйди Гулнора,— ўзингиз ҳам тинчмисиз? Қори бувам вафот қилибдилар, кўнгил сўраб бо ролмадим.

Мулла Маҳмуд хўрсинди:

— Ҳа, энди отанинг ўлими фарзандга мерос дейдилар. Қани ўтир, ўтирайлик.

Мулла Маҳмуд сурилиб ёнидан жой кўрсатди. Гулнора эшикнинг кесакисига суяниб турарди, ўрнидан қўзғалмади:

— Галингизни айтаверинг, шошиб турибман.

— Демак, биз билан ўтиришга вақтлари йўқ экан-да.

— Талабаларим кутиб қолишди.

— Гулнора, биз жиддийроқ гаплашиб олишимиз керак, ўтир.

— Ҳамма гапни айтганман.

— Йўқ, сен менинг никоҳимдасан. Емаган чучварага пул тўлаб қўйганман. Бағрим ёниб кетяпти, Гулнора! Элу юрт ўртасида бош кўтаролмай қолдим...

Гулноранинг шаҳло кўзларида ёш айланиб қолди:

— Мени энди тинч қўйинглари!

— Кўксимни узиб ташлай олмайман ахир, тушунсанг-чи?

— Йўқ,— Гулноранинг кўзларидан дув этиб ёш тўкилиб кетди,— мен энди сизга хотин бўлолмайман... Эр кўрган жувонни бошингизга урасизми! Элу юртдан уялмайсизми!!

— Аччиқ тақдир сени шу кўйларга солган бўлса, мен элдан сени ҳимоя қилиш ўрнига, нега уялар эканман.

— Наҳотки... ғурурингиз йўқ бўлса?

— Муҳаббатим ғуруримдан баланд бўлса нима қилай ахир!

Гулнора шўртаккина кўз ёшларини ялаб ютинаркан:

— Йўқ, йўқ,— дея бошини алам билан чайқай бошлади,— мен бахтсиз ожизаман. Ким менга яқин келса ўша ҳам бахтсиз бўлади. Худога шукур, маъна етимхонага яна жойлашиб олдим. Бир умр шу ерда қоламан, етим қизларнинг бошини силаб дунёдан тоқ ўтаман. Бўлди, мени тинч қўйинглари энди...

Ўша машъум кечада, эндигина бахтимни топдим деб қувончдан энтикиб турган ўша саодатли дақиқада тўсатдан бошига ёғилган бало қизнинг дунё-дунёсини остин-устун қилиб юборган эди. Бадмаст Зокир қўрбошининг қўрғониди, ясоғлиқ хонанинг бир чеккасида худодан ўзига ўлим сўраб ғужанак бўлиб ўтирганида, Хон эшон хазратлари қутқариб уйига олиб кетгач, қизнинг кўнглидан нималар кечганини Мулла Маҳмуд билмас, билолмас ҳам эди... Назарида ким унга меҳрибон бўлса бахтсизликка учраётгандек. Бузрукхўжа билан Мулла Маҳмуд Шакархон ноибнинг етимхонасидан олиб кетамиз деб боришиб, оқибат номлари қиз ўғрисига чиқиб қамоққа тушдилар. «Шум кампир, шумалоқ кампир» уни бандиликдан озод этаман, деб Зокир калладан калтак еб оламдан ўтди. Зиёда ая, Усмонхўжа оталар суюклисига етса етнша қолсин деб, юртнинг эътирозига ҳам қарамай тўйларига бошқош бўлиб, ўша тўй кечаси бошлари ёрилди. «Менга ким яқин келса бошига бало тоши ёғилади,— бот-бот ўйлаб тўйиб-тўйиб йиғлар ҳам эди Гулнора.— Эҳтимол, аям

билан дадамнинг бу дунёдан бевақт кетишларига ҳам мен бахтсизнинг туғилишим сабаб бўлгандир. Э худо, нега энди мени шум қадам қилиб яратдинг! Аллақачон ўзимни ўлдирган бўлардим, жонимга тегиб кетди бу ситамлар. Лекин укаларимни кимга ташлаб кетаман. Шафқатсиз дунёда ким уларнинг бошини силайди. Ким эркалатиб, ўк сизган кўнглиларига малҳам қўяди... Маҳмуд акамми? Йўқ, худо ўрган ландозур, қўрқоқ экан у. Тақдиримнинг шумлигини қарангки, бориб-бориб ўшанга кўнгли қўйибман. Ҳазратимнинг даргоҳидан қочиб бориб, дарвозахонасида бағрига отилдим. Мени олиб қочинг, узоқ-узоқларга кетайлик деб ёлвордим. У бўлса элу юрт уят қилди, деб икки қўллаб ноибга топшириб ўтирибди... Тўйимиз бўлган кечаси-чи, бошига бир мушт ейиши билан оғилхонага қараб қочди-я. «Паншахага югурган эдим» эмиш, ёлғон. Юраксиз, ношуд экан у. Кейинги бор ҳазратимникида турганимда нега зўрлаб олиб кетмади, боргим бор эди, элу юртдан истиҳола қилиб турувдим. Ҳамайли, гап-сўзлар босилгунча шу ерда тура тур эмиш. Эсиз, эсиз муҳаббатим, эсизгина шоён орзуларим, ҳаммаси тугаб битди энди, қалбимда қат-қат армонларгини қолди...»

— Тоқ ўтаман дедингми?— эшитганига ишонмаганде сўради Мулла Маҳмуд.

— Ҳа, тоқ ўтаман.

— Мен-чи?

— Сиз билганингизни қилинг.

— Йўқ,— Мулла Маҳмуднинг боши асабий силкин бошлади,— сендан тирик ажралмайман. Гапингни қайти ол, бўлмаса ҳозир бориб ўзимни осаман.

— Бир марта осувдингиз шекилли?

— Яна осаман.

— Арқонинг пишкороғидан танланг,— Гулнора ҳазирги ҳолатларига ҳеч ярашмайдиган қувноқ бир овоз билан кулиб ташқарига чиқиб кета бошлади.

— Тўхта,— ўрнидан туриб кетди Мулла Маҳмуд.

Гулнора елкаси оша боқиб:

— Бақирманг,— деб қўйди,— қизлар уят қилишади.

— Демак, яна шу чолда кўнглинг бор экан-да?

— Сиздақанги йиғитдан ўшанақанги чоллар ҳам тузук.

Гулнора чиқиб кетгач, Мулла Маҳмуд бўлиб ўтган гапларнинг мағзини чақмоқчидек икки қўли билан бошини чапгаллаганча узоқ туриб қолди. Мудира Ҳалимаҳсон патнисда нону чой олиб кирди. Барвақт келдингиз, нону

та ҳам қила олмагандирсиз деб, дастурхон ёзди. Мулла Маҳмуд бошини кўтариб узоқ йиғлаган одамдек қайта-қайта хўрсншаркан:

— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим,— дея Ҳалимахонга юзлади.

— Сабр қилинг,— чин кўнгилдан ачиниб деди Ҳалимахон.— Бечора қиз кўп балоларни бошидан кечирди. Қуя-қуя қалби пуч бўлиб қолганга ухшади унинг, икковларингга ҳам осон эмас. Лекин сабр қилинг, зора кўнгли юмшаб қолса. Лекин қизгина сизни кўп эслайди.

— Эслайдими?— кўзлари ярақлаб очилиб кетгандек бўлди Мулла Маҳмуднинг.

IX

УЧ ЧОЛНИНГ БИР ХИЛ ТАШВИШИ

Рустам бобо билан Мулла Мусо бобо Эшон отанинг орқасидан эргашиб соқчи йигитнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай ревком идорасига рухсатсиз кириб бордилар. Ҳозиргина Қўқондан Муртазиннинг дафн маросимидан қайтган Бузрукхўжа дунё-дунёси қоронғи бўлиб қўли ишга бормаи, устозига ўқ узган қотилни ҳалигача аниқламагани учун ҳам ўзидан, ҳам Уруновдан ранжиб ўтирган эди. Кексайиб, бир маҳаллар алифдек тик бўлган қомати энди букилиб қолган дадаси, қиши билан оғир дард тортиб чўкиртаккина бўлиб қолган қайнотаси, Инқилоб йўлига қадам қўйиши билан қанотига кириб, яхши-ёмон кулларда ҳеч бўлмаса сўзи билан далда бериб келаётган Рустам боболарни кўриб Бузрукхўжа ний-ийлаб ўрнидан туриб кетди. Севиниб кетган эди у. Устозининг вафоти туфайли бўм-бўш бўлиб қолган қалбига шовиллаб севинч қуйилди. Ҳар бири билан қучоқлашиб, юзу кўзларидан ўпиб узоқ кўришди. Қайнотаси, гарчи янгигина кийиниб олган бўлса ҳам, кийимларидан молхонанинг ҳиди келиб турганидан «шу аҳволда яна молларига қараб келганга ўхшайди» деб ўйладиди, умр бўйи боши меҳнатдан чиқмаган, чақалоқдеккина бўлиб ўтирган қайнотасига ичидан ачиниб кетди... Дилгир бўлиб турганди. Узоқ суҳбатлашгиси бор эди. Қариндошлари, кўнгли яқин дўстларининг ҳол-аҳволини сўраб ёзиларман деб ўйлаётганди. Тўсатдан Эшон ота гап бошлаб қолди:

— Уғлим, биз шөшиб турибмиз.

— Бирон иш билан келдиларингми?— сўради Бузрукхўжа.

— Мана Рустамбой айтсин, мана қайнотапг гувоҳ, учовимиз сенинг олдинга ўтган жума келмоқчи эдик... Сенга айтадиган гапимиз бор. Ё Рустамбой ўзинг айта-санми?

— Пўқ, Эшон, худо сени гапга чечан қилиб яратган,— қиспқ кўзларини алланечук ўйнатиб деди Рустам бобо.

— Бир куни подшо уломаларини тўплаб, қани менга ай-тинлар-чи, осмонда нима кўп, ер устида нима кўп, ости-да нима кўп деб сўраган экан. Қирқ уламо қирқ хил жавоб қайтарибдию, ҳеч бирининг айтгани пошшога маъ-қул бўлмабди. Шунда чеккада ўтирган кўримсизгина бир уламо ўрнидан туриб осмонда савоб кўп, ер юзида орзу кўп, ер остида армон кўп деган экан. Негаки, оламдан ўтган лак-лак йўқсиллар орзулари ушалмай қалби тўла армон билан кетганлар. Ана шу армонлар ушаладиган замонлар келяпти, ўғлим.

— Дада, бу ҳикматни илгари бир айтиб берувдингиз.

— Унда ўз номидан айтгандим. Энди ўша авлод-аж-доди армон билан ўтган пандигонлилар номидан гапир-яман, ўғлим. Аслида учовимизни сенинг олдинга ўша-лар жўнатди... Қани, айт-чи, босмачи нега юртга кирол-май тоғма-тоғ қочиб юрибди?

— Дада,— бетоқат бўла бошлади Бузрукхўжа,— мени имтиҳон қилгани келганмисиз?

— Имтиҳон қиламан, эл номидан имтиҳон қиламан. Сабаби, ўғлим, сен кичкина лавозимда эмассан. Рустам-бойнинг айтишича, ярим пошшоча ҳуқуқинг бор эмиш. Шундай экан одамларга яхшилик қилиш учун фойдала-ниб қол ҳуқуқингдан. Қайтар дунё дейдилар бу дунёни. Кимга нима қилсанг ўша ўзингга қайтади... Бобонг раҳ-матли бир ҳикмат айтиб юрарди.

— Дада?

— Жим бўл деяпман. Сенга керак бўлмаса вақти ке-либ набираларимга айтиб берарсан. Қуда, нима дейсиз айттайми?.. Чолнинг ёши нақ тўқсонга бориб, ётар-турари бир жойда бўлиб қолибди. Келини ҳеч ёқтирмас экан. Эрига отангизни йўқотинг, бўлмаса уйдан мен кетаман деб ҳар куни тўполон кўтарар экан. Чолнинг яккаю ёлғиз ўғли охири бир қарорга келибдию... эшитяпсанми, қитир қитир қилиб хат ёзмай тургин-да, адашиб кетаман.

— Ҳикматингизни ёзиб оляпман, дада.

— Ёзсанг, ўчмайдиган қилиб ёз... бир қарорга келиб-дию, отасига мусаллас ичириб маст қилиб қопга солиб-ди-да, алаштириб келиш учун чўлга жўнабди. Бир ман-вилга бориб толиқиб қолибди. Харсангтошга ўгириб дам

олаётган экан, бир маҳал қоп ичидаги отаси қиқирлаб кулаётган эмиш! Нега куласиз ота деса, э ўғлим, бобонгни қопга солиб чўлга ташлаб келиш учун кетаётганимда мана шу харсанг устида мен ҳам дам олувдим. Шу эсимга тушиб кулиб юбордим дебди... Ингит бир вақт келиб ўзи ҳам қопга тушиши мумкинлигини ўйлаб, дод деб ўрнидан туриб кетибди... Мана шунақа гаплар ўғлим. Боболаримиз бу ҳикматни бежиз тўқишмаган. Сен ҳам дафтарингга ёзиб қўй. Ҳали айтганимдек, ўчмайдиган қилиб ёз.

Чоллар Бузрукхўжани ўртага олиб, бири олиб, бири қўйиб насихат қилишни давом эттиришарди. Бузрукхўжа гарчи қалбига яқин бу кишиларни соғинган, кўришишга интиқ бўлиб юрган бўлса-да, тўсатдан кириб келиб, тўсатдан насихат бошлаб юборишларининг сабабига ҳеч тушунмасди. Ёки менинг ҳақимда юртда хунук овоза тарқадимикин, элни ранжитадиган бирон ҳаракат қилиб қўйдиммикин, дея ташвишлана бошлади. «Чакки қадам ташлаган бўлсам, чўрткесар дадам дарров юзимга айтган бўларди,— ўзига яна далда берган бўлди,— йўқ, булар Инқилобнинг ривожини истаб келишган, мени эҳтиёт қилишяпти. Ниятлари яхши. Хўш, қулоқ сола берай-чи...»

Гап навбати энди Мулла Мусо бобога келган эди. Афтидан уни учовимиз бирга борсак, гапимиз таъсирлироқ бўлади деб, қўярда-қўймай олиб келишганга ўхшайди. Қувватсиз эмасми, елкаси билан нафас олиб узиб-узиб гапиряпти: тарбияси яхши бўлмаган одамни икки нарсга бузар экан, бири пулу, бири ҳокимият. Шу икковига эришганда ўзини йўқотмаган бандасининг эл ўртасида обрўини баланду айтгани-айтган бўлаверар экан.

— Куёв бола сендан илтимос шуки,— бир оз жим бўлиб қолди Мулла Мусо бобо,— аввало ҳовлиқиб кетма. Ундан кейин майшатга берилма. Дарахтни қурту одамни майшат смиради. Шакархон поибга ўхшаб яхши лавозимларни қариндош-уруғларингга тасқимлаб элнинг назаридан қолма...

Бузрукхўжа бетоқат ўрнидан туриб кетди.

— Большевиклар бунга йўл қўймайди, тушунсангизлар-чи!

— Энди,— энтика-энтика давом этди қайиотаси,— охирги илтимосим шуки, мабодо куним етиб қазо қилсам, менинг қабримда карнай-сурнай чалдирмагин.

— Нега ундай дейсиз,— Бузрукхўжа шошилиб яна ўрнига ўтирди.

— Большевиклар ўликни шундай қилиб кўмармини-ку?

— Елгон, душманларимиз тарқатган бу гапни. Мен ҳалигача бунақа кўмиш маросимини кўрганам йўқ.

— Илоё, ҳеч биримиз ҳам кўрмайлик.

Чоллар хўп мириқиб гаплашадиган кун бўлди-ю, аммо намози жумадан кечга қоляпмиз-да, дейишиб, юзларига фотиҳа тортишди. Бузрукхўжа хонада ёлғиз қолгач, юрагига негадир гашлик қуюлиб келаётганини туйди. Муртазиннинг ўлими туфайли қалбига тушган ғусса яна тўлқин урдими, қарияларнинг насиҳати кўнглининг бир чеккасида турган «одамларнинг ишончига лойиқ ишлай олмаяманми», деган ташвишни кучайтирдими, қайнотасининг бугун борман, эртага худо билади, деяётганидаги маъюе боқишлари дилини ўртадими — яна дунё-дунёси қоронғилашиб кела бошлади. «Қанчадан-қанча дўстларимдан жудо бўлдим, отиб ташлашди уларни,—ғижиниб ўйлай бошлади Бузрукхўжа,—қариялар бўлса йиқитган мард эмас, йиқилганни турғазиб қўйган мард, дейишади. Тагимизда туриб қорнимизга мушт тушираётган бўлса-чи! Эҳтимол вақтинча мушт дейиш ҳам шу палланинг тақозосидир... Бабушкин ҳам босмачиликни тугатиш, босмачининг ҳаммасини қиличдан ўтказиш деган сўз эмас, деб эди. Эҳтимол қариялар ҳам шуни назарда тутишаётгандир... Лекин Риштонда фитнес бор. Урунов бош бўлса ҳам ажаб эмас. Ораларига бир амаллаб ўз одамини киритиш олишим керак эди. Шакархондан фойдалансаммиким! Йўқ, унинг жисми биз томондаю, қалбида нималар борлиги ҳали даргумон. Мулла Зариф-чи, йўқ, у қув, шайтон. Менинг ўзимни алдаб қўйиши мумкин... Муртазин ҳам, Асқаралини ҳам мапа шулар отишган. Урунов... мен учун жумбоқсан, дилингда нима борлигини билолмаяман...»

Хона эшиги шарақлаб очилиб кетди. Остонада қулочини кенг ёзганча Ҳасанбой кўринди:

— Берухсат кирсак мумкинми?

Хаёли қочиб турган Бузрукхўжа бир чўчиб тушди. Кулиб юборди:

— Сенга қачон ақл киради ўзи?

— Масхарабозга ақлнинг нима кераги бор? Ке, аввал бир қучоқлашиб олайлик. Вой-бўй, жа тўлишиб кетибсан ку... Ие, нега қовоғинг солиқ, даданг уришдими дейман!

— Уришди.

— Нега?

— Масхарабозларга иш топиб бермаганим учун.

— Ваҳ-ваҳ-ваҳ! — икки қўлини тиззасига уриб кулд Ҳасанбой. — Чўлда адашган бўталоқдек сарсон юрганам

ни даданг билибди-да. Ваҳ-ваҳ-ваҳ! Кеча Эшон отам ўзини ҳам кўриб, ҳа деган туяга мадад, бориб ўртоғингга қарашсанг бўлмайдими деб уришиб қулоғимдан чўзмоқчи бўлди-ю, қулоғимни тополмай роса хит бўлди, ваҳ-ваҳ-ваҳ!

«Қани энди мен ҳам ана шунақа беғубор кула олсам,— фикридан ўтди Бузрукхўжанинг,— юрагим тўла ғашлик, куксингда ғашлик бўлса жараплатиб кула олмас экансан». Ҳамқншлоғини у атайлаб айттириб келди. Қншлоқларда тарғибот олиб борувчи тўда тузмоқчи. Тўдада ашулачилар, қизиқчилар, маъруза айтувчи воизлар бўлади. Қншлоқ айланиб, руҳи тушиб, уй-уйнга беркиниб ўтирган одамларни чойхоналарга тўплаб, кайфиятини кўтариб бири дунё воқеаларидан сўзлайди, бошқаси Инқилоб ғалабасидан гапиради, томоша кўрсатишади.

— Тўдага ўзинг раҳбар бўласан,— сўзини тугатди Бузрукхўжа.

— Бу айни муддао-ку, ўртоқ,— хурсанд бўлиб деди Ҳасанбой.— Лекин сенга бир шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Аввало менинг ишимни бир ёқлик қилиб берсанг. Саддинисо билан ҳалигача қовушолмай юрибмиз. Совчи юборсам, поччаси масхарабозга тушиб қолган қайинсинглим йўқ, деб ҳайдаб юборибди. Жон ўртоқ, ўзинг бориб бир ёқлик қилиб бер.

— Ҳозир, шу кунларда ҳеч иложим йўқ.

— Бўлмаса тўрт энлик хат ёзиб берсанг.

— Кимга ёзаман?

— Уша Ортиқали акамга-да. Қайинсинглигини ёш инқилобчи Ҳасанбойга берсанг бердинг, бермасанг Инқилоб номидан қамаб қўяман, деб ёз. Нега куласан, сиёсат қилмасанг иш битмайди. Кейин, жон ўртоқ, мени жиндек мақтаб ҳам юбор. Инқилобчи, эл ўртасида обрўйи баланд, яқинда катта лавозимга кўтарилиб кетади, қўш от қўшилган извошда юради деб ёзгини. Ёзасанми?

— Йўқ, яхшиси ўзим бораман.

— Борасанми?

— Бораман.

— Ке ўртоқ, яна бир қучоқлашайлик!

Ҳасанбой сакраб туриб дўстини ўтирган курсисига қўшиб даст кўтарди-да, гир-гир айлантира бошлади.

ЖИНЛАР БАЗМИ

Фарғона музофотига ўзим пошшо бўламан деб пайи пойлаб юрган Зокир қўрбоши Хон эшон ҳазратларига қўл бериб, ҳам ўзимнинг, ҳам йигитларимнинг пири бўласиз деб эъвозлаб олиб юрганга, мана, бир йилдан ошиб қоляпти. Икковлари ҳам бир-бирларига даркор эдилар. Пири муршиддек мўътабар зотнинг Зокирнинг ёнида бўлиши қўрбошининг эл ўртасидаги обрўсини оширади, дини имон учун курашяпмиз дейишига асос бўлади. Муҳаммад алейхул саломнинг яшил байроғини баланд кўтариб юртни ғайридинлардан тозалаш ниятида, элу улусни ғазовотга бошлаган эшон ҳазратларига эса худди Зокирдек қаттиққўл, тадбиркор бир қўрбоши керак эди. Аммо икковларининг ҳам ниятлари бошқа-бошқа. Бири пошшо бўлмоқчи. Бири дини имонни даҳрийлардан эҳтиёт қилмоқчи. Зокир қўрбоши қизиллардан қочиб тоғларда беркнинг ўзидан кичикроқ қўрбошиларни олдига солиб қувиб куётказяпти...

«Мен бу бўрсиқни бекордан-бекорга семиртириб юраверар эканман-да,— ўйлайди Пири муршид.— Қачон ғазовотга киришар экан, қачон? Иши хотинбозлик, бойлиқ тўплаш, қанчадан-қанча олтинларни Қашқарга жўнатди дейишяпти. Ҳаракати худо йўлида эмас, нафс йўлида бўлжяпти-ку! Қандай чидайман, ахир, қандай?» Икковларининг бир-бирларига бўлган ҳурмати ҳам аввалгидек эман. Сардори аъзам ҳам ўз пирини ёқтирмай қолди. «Қўлоёғимга кишан бўлдинг-ку, соқолинг ўсмай ўлгур! Нафс йўлига кирма, халқни ўзингга қарши қўйма эмиш... Хўша насиҳатларингдан ўргилдим сени!» деб қўяди баъзан. Бунинг устига Пири муршиднинг жиннинамо феъли ҳам бор экан. Қароргоҳдан истаган маҳалида кўк эшакка қишиқ миниб чиқиб кетаверади. Гоҳо қишлоқ мардумларига маъруза айта туриб ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ҳам олади...

Лекин ҳали бир-бирларига керак эдилар. Пири муршид дин йўлидан қайтганларни жазолаб улгурганларни йўқ. Сардори аъзам ҳам ҳали Фарғонага пошшо бўлган эмас. Аламларини ичига ютиб бир-бирларига ён беришишладан ўзга иложлари йўқ. Пири муршиднинг югуриши елишлари бекор кетмади. Мадумар, Муслим, Қал ўзбеки Ермат қўрбошилар Сардори аъзамнинг қудратига таяниб бериб йигитлари билан келиб қўшилишди. «Ғорбуво»ли Шермат қўрбоши билан икковларини яраштириш, аска

ларини қўшиб қудрату салоҳиятларини ошириш умидида Пири муршид икки-уч ойдан буён тинмай ҳаракат қил-
яптилар.

Бугун ҳам ўша ёқдан келяпти. Мулла Шермат кўн-
мади. Она сутти оғзидан кетмаган бир болани ўзимга
бошлиқ қилиб ололмаيمان, аҳволи танг бўлиб қолган
бўлса келиб менга қўшилсин, этагимни ўпсин, гап тамом,
деб қўя қолди.

Баҳор бошланиб, тоғу тошлар ҳам илиб қолгач, Сар-
дори аъзам қишлоқма-қишлоқ юришни бас қилиб, қир-
ғизлар билан тожиклар чегараси туташадиган, лекин уни-
сига ҳам, бунисига ҳам тегинли бўлмаган «Ўрталик» деб
аталадиган бир манзилга ўтов тиккан. Сайхонликнинг
устун томонлари кўп: бир чақирим масофа пастда ўзбек
қишлоғи бор. Шунча йўл юқорида қирғиз элати, чапдаги
пасту баланд адирлар орасида тожиклар ҳам яшайди.
Сардор истаган нарсасини шу элатлардан тортиб ола-
веради. Кейин бу ерга қўққисдан ҳужум қилиб қолиш эҳ-
тимоли ҳам йўқ. Яланглик атрофдаги қишлоқлардан хий-
ла баланд бўлгани учун бу ерда турган киши худди су-
пада ўтиргандек чор томонни кузата олади.

Сардори аъзам хотинлари (уч хотини бор, учовини
ҳам ўзи билан олиб юради) мулозимлари, ўзига яқин
бўлган эллик йигити билан мана шу ерда яшаб турибди.
Қолган йигитлари қишлоқ ичида. Иккитадан, учтадан қи-
либ хонадонларга киритиб қўйган. Йигитлар кундузи сай-
хонликда ҳарбий машқ қилишади. Кечаси гоҳо олис қиш-
лоқларга бориб тўкма ундириб келишади, гоҳо тонгогар
базмлар уюштирилади. Шом ғира-шираси эди. Зокир қўр-
боши мулозимларидан кунлик ахборотни қабул қилиб
олгач, уларга ўйнаб-кулишга изн бериб, кичик хотини-
нинг ўтовига эндигина кириб борган ҳам эдики, қоровул-
да турган йигит ўтовнинг эшигини қия очди:

— Жаноблари!

— Гапингни айт! — қўрс жавоб чиқди нимқоронги
ўтов ичидан.

— Пиримиз сафардан қайтдилар!

Қўрбоши елкасига авра чопонини ташлаганча югуриб
чиқди. Пири муршиднинг хушхабар билан қайтишнини бе-
тоқат кутаётганди.

— Пирим қанилар, чорла буёққа! — шундай деб чақи-
риб келишларига ҳам тоқати чидамади шекилли, ўтов
ортига ўзи ўтди. Эшон ҳазратларига кўзи тушиши билан
худди соғиниб юрган дадасини кўрган ёш боладек севи-
ниб, қучоқлаб сўраша кетди. Қўрбоши чиннакамига хурсанд

эди. Эшон ҳазратлари ҳар галгидек яна йигирма чоғли муридларини отлантириб келибди. Йигитлар бедовларидан тушиб жиловидан ушлаганча буйруққа маҳтал туришибди. Қўшинга қўшин қўшилса қудрат-ку, бу ахир Яна хушxabар ҳам келтирган бўлсалар, бу Пиримни тавоқилмай бўладими!

— Қани-қани, ҳазратим, ичкарига!— икки қўллаб ўто томонни кўрсатди Сардори аъзам.

— Бу йигитларни, мана бу муридларимни қаёққа жойлайсан?— сўрадилар Пири муршид.

— Шукурбек юзбошига бераман. Бу қийғирларни, аскарликка ўша ўргатади. Қани, юринг, марҳамат қилсинлар, худо ҳаққи сизни жуда соғинганман.

Сардори аъзам ўзи учун махсус ясатилган ва лози бўлганда кенгашлар ҳам ўтказиш мўлжалланган катта кенг, ҳар жой-ҳар жойига шамлар ёқиб қўйилган ўтовг Хон эшон ҳазратларини олиб киргач, мулозимларига дарҳол дастурхон ёзишга фармон берди. Сўнг бетоқат сўради:

— Хўш, Пирим, эсон-омон бориб келдиларми?

— Худога шукур,— деди Пири муршид.

— Чарчагандирсиз?

— Тоғ йўли кексаларга оғирлик қиларкан.

— Хўш, ҳазратим, тезроқ айтсинлар, — Пирдан қайироққа чордана қурди Сардори аъзам,— юрагим ёрниладеяпти! Бўримни — тулки?

— Худо хоҳласа яхши хабарлар ҳам бор.

— Хўш?

— Эргаш қўрбоши Раҳмонқулга бориб қўшилибди икковлари бирлашиб олибдилар.

— Менга бунинг қизиғи йўқ, ўлганлари ҳақида хабар келтирсангиз хурсанд бўлардим.

— Ундай дема, Сардор.

— Мулла Шермат билан учрашдингизми?

— Учрашдим. У сенинг боришингни кутаётган экан. Менга қўшилсини, меҳрибон падардек бошини силайм деяпти.

— Мен борарканманми?— ўтирган ўрнидан бир қўл галиб қўйди қўрбоши.

— Борсанг нима қипти, Сардор?

— Ўша кўрнинг ҳузурига-я!

— Кўр дема уни, Фарғонанинг имони бақувват мусулмонларидан у.

— Тупурдим унинг имонига!

— Ҳай-ҳай, шаккоклик қилма, Сардор.

— Бари бир, бориб бир кечада калласини кесиб келман у кўрнинг. Қачонгача сабр қиламан, қачонгача ўзимни босаман, Пирим!

— Узингни боса олмаётган бўлсанг ғайридинлар устига юриш қил. Қиличдан ўтказ уларни. Токайгача тоғма-тоғ қочиб юрамиз. Ахир улар қутуриб кетишяпти-ку... Масжидларга ўт қўйишяпти!— Пири муршидининг овозлари қалтираб кетди, кўзларида ёш айланиб қолди,— мен қандай чидайман бунга!

— Масжидга ўт қўйишптимми?— худди ғазаби қўзғалган бир кишидек қўлини мушт қилди Сардори аъзам.

— Ҳа, ёндрибдилар!— чинакам йиғлаб юборди Пири муршид.

— Худонинг уйига-я?— қалтироқ овоз билан сўради Сардор.— Ревкомлар қиляпти бу ишни. Пирим, қарчиғайдек йиғитларни бошлаб келиб аскаримга аскар қўшганингиз учун сиздан умрбод миннатдорман. Ҳамма армоқларингиз ушалгунча, худо хоҳласа, қўлимдан қиличимни ташламайман. Сиз меннинг суялган тоғимсиз. Йиғламай; Пири. Яқинда ревкомлар устига чинакам юриш бошлайман. Кулини кўкка совураман у худосизларнинг... Энди кириб дам олинг. Сизга ҳам атаб махсус ўтов тиктириб қўйганман, бир чеккада, шишамгина. Қиринг, ҳозир иссиққина таом беришади. Қолган гапни эртага гаплашармиз.

Зокир қўрбошининг феъли баҳор ҳавосидек тез айнади. Эргаш қўрбоши билан Раҳмонқулининг бирлашиши ва демак, кучига куч қўшиб олганлари, мулла Шерматнинг «келиб менга қўшилсин», дея калондимоғлик қилгани унинг ғазабини қўзғаб юборган эди. «Сен кўрга қўрбоши бўлишни ким қўйибди,— деган фикр ўтди бошидан,— чопқи билан тўппончанинг фарқига бормайсану қўшишга бошчилик қила олармидинг? Ундай кўра биронта масжидга бориб имомлик қилсанг-чи. Худо хоҳласа, сени ўзим бўғизлайман. Пирим бирон юртга жўнаб кетишлари билан устинга бостириб бораману, у кўзингни ҳам ўйиб олиб итга ташлайман...»

Сардор эъзозу ҳурмат билан Пирининг қўлтиғидан олиб бошқа ўтовга олиб ўтди. Мулозимларга чой-понидан хабар олиб туришларини тайинлаб ўзи тезгина чиқиб кетди. Пири муршидга қайноқ шўрва, кетидан буғи кўтарилиб турган қиймали палов келтиришди. Чарчаб турганиданми, кўпам тановул қилолмади. Хуфтон намозини ўқиб бўлгач, одатига кўра жойнамозга чўкка тушганича узоқ ўтириб қолди. Уйқу билан уйғоқлик ўртасида

мудрар эдилар. Хаёлига ҳар хил нарсалар келиб-кет бошлади. Масжидга ўт кетган пайтда додлаб, ҳар томога югураётган сўфининг аянчли қиёфаси кўз олдида антуриб қолди. Кейин ҳамма ёқни саллалди, салласиз сўфлар босиб кетгандек бўлди. Қизиқ, бир хиллари бошларига салла ўрнига соябони узун шапка кийиб олган эмирлар. Нонни тескари тишлаб ёнаётган масжид атрофи худди чакалакзордаги жинларга ўхшаб сакраб-сакраб ўйинга тушармишлар... Бир маҳал сўфилар баробари додлаб юборишди. Додлай-додлай ёнаётган ўт ичига кидилару кўздан йўқ бўлдилар.

Пири муршид жойнамоз устида ухлаб қолган эди. Бу вақт қулоғига чинқирик эшитилгандек бўлдию шошили бошларини кўтардилар. Атроф жимжит, тиқ этган овойўқ. «Емон туш кўрдим шекилли», дея ўрнига ётиш учу ечинаётган эди, йўқ, ечиниб ҳам бўлган эди шекилли яқиндан, жуда ҳам яқиндан қиз боланинг «войдод!» деган овози эшитилиб қолди. Нимқоронғида кавушларини тополмай ташқарига ялангоёқ отилиб чиқди. Ҳали, ўтога кираётганида атрофда бунчалик кўп бедовни кўрмаган эди. Ҳаммаёқни от босиб кетибди. Ўтовлар ёнига, ҳў наридаги узун қозиқларга қатор-қатор боғлаб қўйибдила. Ўтовларнинг этагига гулхан ҳам ёқишибди. Тўп-тўп йигитларнинг сояси гоҳ узайиб, гоҳ қисқариб кўриняпти. «Наҳотки жойнамоз устида шунақанги қаттиқ ухлаган бўлсам-у, бу ҳангомалардан беҳабар қолган бўлсам, таба!» дея бир нафас жим туриб қолди.

Қоровулда турган йигит югуриб келди:

— Бзовта бўлдингизми, Пирим, худо хоҳласа тинчлик, ташвишланмасинлар.

— Қиз бола додлагандек бўлдими?

— Додлаган, бир эмас, бир нечаси додлади, Пирим, шошилиб ахборот бера бошлади соқчи. Бу йигит ҳам бошқалари қатори Пири муршид орқасидан эргашиб келгани дин йўлида хизмат қиляпман, дея ўзини ишонтириб юрганлардан. Шунинг учун ҳам Сардори аъзамдан кўнраб эшон ҳазратларига садоқати ортиқроқ. Садоқатининг илҳами боти сифатида бўлган воқеани тўлиқроқ айтиб бергани келиб қолди. Шу баҳона бўлиб бу ерда юз бераётган ҳангомалардан нафратланаётганлигини Пирига сездириб ҳақ қўймоқчи эди.

— Юзбоши жаноблари сафардан қайтдилар. Утти чоғли қизу жувоиларни отга ёппа қилиб келишди. Пири мен айтди деманг-ку, сиз кетгандан буён ҳар кеча аҳви шу.

— Бу тўнғизнинг иши ку! — ер тепинди Пири муршид.
Соқчи йигит афсусланганнамо бош чайқади.

— Прим, ҳамма ёқни тўнғиз босиб кетди.

— Қиз қайси ўтовда додлади?

— Шўринг қурғурлар ҳаммасида ҳам додлашяпти.

Эшон ҳазратлари икки қўлини боши узра баланд кўтариб: «Ё парвардигор», дея хитоб қилди — кўксидан бир парча олов отилиб чиққандек бўлди. Ўзи ҳам куйиб-ёниб яқиндаги бир ўтовга бориб урилди. Юмшоқ намати таталаб: «Айғирлар, эшикни оч, оч деяпман, тўнғизлар!» дея қичқира бошлади. На тўнғиздан жавоб қайтди, на айғирдан! Бошқа ўтовга ташланди. Йўқ, бу ерда ҳам эшик очилмади. Ҳалиги қийқирриқлар, юрак-юракларни тилиб юбораётган чичқириқлар энди йўқ бўлиб қолди... Пири муршид ўзини йўқотиб қўйгандек, қаерда турганини, нима деяётганини билмай: «Ё парвардигор!» дея яланғоёқлари билан ер тепинар эди. Ўтовдан яланғоч бир эркак оппоқ кийинган аёлни қувалаб чиқдию, қувалашганча қоронғилик қаърига кириб кетишди. Пири Муршид гулхан ёнаётган томонга қараб югурди. Уша тарафда йигитларнинг қораси кўрингандек бўлувди, ёрдамга чақириб: «Нас босган ўтовларга ўт қўйинг», деб фармони илоҳий бермоқчи эди... Аммо э худо, э парвардигори олам... ҳамма шармандалик бу ерда экан-ку! Гулханни гир айлантириб ўнбеш чоғли йигит давра қурибди. Гоҳ боши очиқ, гоҳ бошига рўмол ташлаган қизу жувонларни бири тиззасига, бири ёнбошига олиб, ўпиб, қучиб май ичишяпти. Қийқирриқ, қарсак, хўрсинишлар... Э яратган эгам, оламин тезроқ кунфаякун қилсанг-чи, бу манзарани Примнинг кўзларидан тезроқ даф қилсанг-чи!.. Эс-ҳушини йўқотди, овози бўғзига ёпишиб қолди. Қалтироқ тутиб келяпти, ўзинг мадад бер, э худо!

— Эшшаклар!!

Давра сеҳрлангандек қотиб қолди. Ҳазабга тўлган ҳирсли кўзлар, ёрдам сўраётгандек мунгли боқаётган ожиз нигоҳлар, ўртада ёнаётган оловнинг эшилиб-бурилиб кўкка ўрмалаётган қизил тилларни... эҳтимол Пир туш кўраётганди, тушида базм қурган инсу жинслар даврасига тушиб қолгандир. Ҳа, туш кўряпти, одам боласи бунақа беҳаё базм қурмайди, жинлар базми бу!

— Лоилоҳонллоблону, мен Пири муршидман! — қичқириб юборди Пири муршид.

Тоғ тарафдан гулдираб акс-садо қайтди:

— Лоилоҳо...

Яқингинадан, тўнкадек қорайиб турган дўнглик орти-

дан бир қизалоқ оқ каптардек учиб чиқдию, Пири муршидн мўлжалга олиб қоқиниб-суриниб чопиб кела бошлади. «Пирим, мен сизни танидим, мени қутқаринг, қутқаринг!» дея додлай бошлади. Ортидан девдек бир шарпа ҳам ҳаллослаб келяпти. Қизалоқ кела солиб Эшо ҳазратларининг оёғини қучоқлади:

— Мени қутқаринг!

Пири муршид туш кўрмаётганларига энди амибўлди. Энгашиб қизалоқни кўтариб олмоқчи эди, қуви келаётган барваста йигит:

— Пирим, бу менинг ўлжам,— дея қизга ёпишди.

— Пўқол!

— Яхшиликча қўйиб юборинг.

— Даф бўл!

— Бермайсанми?

— Тўнғиз, эртага сени осншга фармон бераман! Чақалоқ-ку, бу ҳали!

— Фақат бир кечага беринг, ёниб кетяпман, илтимос қиламан, Пирим!

— Эшшаксан, даф...

Пўқ, эшон ҳазратларни сўзини охиригача айтолмади. Ҳирс ўтида ёниб кўзларига қон қуюлиб турган йигит икки қўллаб шундай бир куч билан итардики, Пири муршид оқ қаси билан қулаб, салласиз, яланғоч боши гурсиллаб ерга урилди. Еру кўк чирпирақ бўлиб айланиб кетди. Омон пасайиб кела бошлади. Ўзидан кетиб бир неча даққа беҳуш ётди. Ҳушига қайтгач, дарров туриб кетолмади яна узоқлашиб бораётган юлдуз тўла осмонга шуурситилилиб қолди... Жинлар базми тугабди. Аланга сўни чала ёнган ғўлалар тутаб, чирсиллаб, атрофга учқун социяпти. Пирнинг боши наша элитган бангидек оғир, аммо қизиқ, руҳ сокин эди. Ялангоёқ, бошяланг, боз устига кўлакчанг ҳам чиққанини энди сизди. Этлари жунжика бошлади. Ўзига аталган ўтов томон қайта бошлади. Бир-икки олим қўйиши билан, нима сабабдандир яна ловилла ёниб кетди. «Пўқ, мен буларни шундай ташлаб кетманман,— дармонсиз қўлларини муштга тугди,— нас босиди, худо урибди ислом лашкарини. Ҳаммасига Сардор айбдор. Ўзи айғир бўлганидан кейин аскарни ҳам айғир бўлади-да. Айғирлар галасига раҳнамо бўлиб юрган эканман... Ҳозироқ кириб Сардорни бўғаман!»

Пўқ, Қўрбошининг ўтовига яқин йўлатмадилар.

— Мен Пири муршидингизман!— яна тутатдилар Эшон ҳазратлари.

— Қўлингизман, Пирим, — қўлини кўксига қўйди ҳам.

илққина кутиб олган пакана соқчи, — аммо ҳаддимиз сир-
мейди.

— Чақир бўлмаса буёққа.

— Бошимиз кетади, Пирим. Боз устига кайфлари ҳам
баланд. Икки челақ мусаллас киритдик. Бошқа хотинла-
рнин ҳам ёнларига чақириб олдилар.

— Нима?!— бор кучларини бўғизларига тўплаб қич-
қирдилар Эшон ҳазратлари, — бир кўрпада уч хотин...
Ё худо, ё авлиёлар!

— Шовқин солмасдилар, — шивирлади садоқатли соқ-
чи, — одатлари шунақа бўлиб қолган.

— Ё худо, ё авлиёлар!

Пири муршид худди Мавлуд оқшомнда садир тушган
мулаважчалардек икки қўли билан тиззаларига шап-шап
уриб, гоҳ сакраб, гоҳ турган жойида гир айланиб азиз-
авлиёларни ёрдамга чақира бошлади. Девлари хуруж қи-
либ ўзидан кетиб қолган эди. Соқчи йигит даст кўтариб
ўтовга олиб кириб ўринларига ётқизаётганда, хайрият,
яна ўзига қайтди.

— Сув берайми, Пирим?— тортиниbroқ сўради садо-
қатли соқчи.

— Бера қол, бўтам.

— Бошингизда қон бор, йиқилдингизми, Пирим?

— Айғирлар тепди, бўтам.

— Қай бири тепди, ҳозир бориб чавақлаб ташлайман.

— Сабр қил, бўтам... Тол қишлоқдан эдингми?

— Ўзингиз олиб келган эдингиз, Пирим.

— Сен у тўнғизларга қўшилма, хўлми?

— Оёғингизни уқалаб қўяйми?

— Майли, — хўрсинди Пири муршид, — илоё икки дунё-
нинг обод бўлсин, бўтам.

— Пирим, энди бизни ташлаб кетманг... сиз ташкил
этган қўшин ич-ичидан нураб кетяпти.

— Очиқроқ айт, бўтам.

— Масжидларга ўт қўйишяпти.

— Нима?!— Пири муршид оёқларини илкис тортиб
ўтириб олдилар, — ким ўт қўяди?

— Пирим, бу гап ўртамизда қолсин, бўлмаса бошим
кетади. Сардори аъзам сиздан яшнринча масжид ва азиз-
авлиёларнинг хонақоқларига ўт қўядиган тўда тузган.
Ўзлари ўт қўйиб бу ишни большевойлар қилди деб, миш-
миш тарқатиб юрибдилар. Оқшом, сиздан олдинроқ Ра-
ҳимбек понсод келиб ҳисоб бериб кетди. Чамамда Сар-
дордан талайгина мукофот ҳам олди, ҳовучида таंगा

олиб чиққанини ўз кўзим билан кўрдим. Пирим, гап ў
тамирда қолсин... Яна сув берайми?

Пири муршид худди жин чалиб кетгандек анграйи
қолган эди, жавоб қайтармади.

XI

САРДОР — УЛИМГА МАҲКУМ

Одатда сафардан қайтиб тўдаларни айланар, мур
лардан ҳоли аҳвол сўрар, дин йўлида хизмат қилаётга
лари учун ҳақтаоло уларнинг икки дунёсини обод қил
жагини айтиб, кўнгилларини кўтарар эди. Бугун Пири
ташқарига чиққиси келмади. Жойнамозда узоқ ўтир
қолди. Қалбидаги туғённинг зўридан туни билан ухл
олмай, чаён чаққан кишидек тўлғаниб чиққан эди. Ж
намозда чўкка тушганича мудроқ босиб кела бошла
Бир вақт ваҳийдан овоз эшитилгандай бўлди:

«Сен, хон эшон, дини исломни оёқости қилдирмасл
учун парвардигор номига қасам ичиб Миён ҳазратлар
га сўз берган эдинг. Ўз муридларингдан ислом лашка
туздинг. Зокир қўрбошини ҳимоянгга олиб, уни Сардо
аъзам деб эълон қилдинг, мартабасига мартаба қўшди.
Зокир нафс йўлига кириб юртларни талааяпти, шаҳвон
ҳирс жиловини қўйиб юбориб бир кўрпада учтадан хот
олиб ётяпти. Лашкарга шайтон оралади, уни наҳс бос
бузуқчилик авж олди. Бунга сен айбдор эмасми?»

— Мен айбдор! — шивирлаб қўйдилар Эшон ҳазр
лари.

— Диндан қайтганларни жазоламоқ, кофирларга
зовот эълон қилмоқ умидида отга минган эди
ўзинг масжидларга ўт қўйганларга пушти-паноҳ бўл
юрибсан-ку, маҳшар куни юзинг қаро бўлмайдимми? А
масжидга ўт қўйган кофирга қандай жазони лойиқ
расан?

— Улим!— дедилар Эшон ҳазратлари. Шу сўзини ай
ши билан кўзлари ярақлаб очилиб кетгандек бўлд
овозимни биров эшитмадимикан дея атрофга алаинг
ланг нигоҳ ташлаб олди. Йўқ, атрофда ҳеч ким кўрни
ди. Нимқоронги ўтовда ёлғиз ўтирибди. «Ҳа, уни ўл
риш керак,— деб ўйлади яна,— лекин қандай қил
Э парвардигор, йўл кўрсат, қандай қилиб ўзимдан ч
қан балони даф қиламан энди».

Сардори аъзамнинг беш юз аскардан камида уч
таси Пири муршиднинг муридлари. Уларни тўплаб

кириш кофир деб эълон қилиш ҳам мумкин. Лекин унинг ҳам тарафдорлари қараб турмайди, қирғин бошланади. Бордию елкасига милтиқ таққан муридларини эргаштириб жўнаб қолсалар-чи? Йўқ, бўлмайди. Зокир орқаларидан ўқ отади. Яна хунрезликми? Хунрезликни худо кечирмайди. Яна бир йўли жамики мулозимларни бу ерга тўлаб Зокирнинг Сардори аъзамликдан тушириб ўрнига Мадумар кўрбошини кўтариш. Лекин Зокир икки қўлини қўлтиғига тиқиб жим ўтирадиганлардан эмас. Шу ернинг ўзидаёқ аввал Пирни муршидни, кетидан Мадумарни отио, икковларини жанозасиз кўмдириб юбориши ҳам мумкин... «Э, парвардигор, бу балодан қандай қутулдим энди?»

Ўтовнинг эшиги очилиб остонада оқшомги садоқатли соқчи кўринди. Эгилиб салом бераркан, Сардорни аъзам нонуштага чорлаётганлигини маълум қилди.

— Тобим келишмайроқ турибди, бўтам,— деб қўйдилар Эшон ҳазратлари.

Хиёл ўтмай Сардорнинг ўзи кириб келди. Хийла баднафс эмасми, қиши билан бир жойда ётиб ея берганидан хўп семириб етилибди. Бақбақалари осилган, бўйнидаги гўштлари қат-қат бўлиб туянинг ўркачидек бир-бирига мингашиб кетган, афтидан ҳозиргина тўйиб ёғли таом еган бўлса керак, қалин лаблари йилтираб, оғир-оғир нафас олиб, пишиллаб турибди. «Айиқ, тоғ айнигининг ўзгинаси бўлиб қолибди!» фикридан ўтди Эшон ҳазратларининг.

— Қалай, Пирим, яхши ётиб турдиларми?— остона олдида туриб сўради Сардор.

— Худога шукур,— деб қўйди Эшон ҳазратлари.

— Нонуштани бирга қилсак десдим.

— Аллақачон қилиб олганга ўхшайсан-ку?

— Энди мулозимларимни чорламоқчиман.

— Мен ҳам сенга мулозим эканман-да?

— Йўқ, сиз Пиримсиз,— Зокир чўкка тушиб икки қўлини кўксига баробар қўйиб таъзим қилди,— сиз суянган тоғим, учсам қанотимсиз.

— Берироқ кел, кўзимга тик қара-чи.

— Мана қарадим, Пирим, тинчликми?

— Мендан ҳеч нарсани беркиптаётганинг йўқми?

— Қасам ичаман, Пирим, ҳеч нарсани сиздан сир тутмайман.

— Хобимда аён бўлди. Раҳимбек понсод икковларинг масжидларга ўт қўйиб юрган эмишсизлар.

— Пирим, тунда сизни ҳақорат қилган йигитни тутдириб келдим.

— Айт, нега ўт қўйдинг?
— Хоҳласангиз, ўша йигитни ҳозир отиб ташлайм
— Кимни?
— Сизни ҳақоратлаган йигитни.
— Нега масжидни ёндирдинг деяпман?
— Ҳеч нарса билмайман, Пирим.
— Айбингга иқрор бўлсанг, гуноҳингдан ўтаман.
— Иқрор бўлмасам-чи?
— Муридларимни олиб кетаман, ўтовда яккамо
бўлиб қоласан.

— Пирим, сиз авлиёсиз!
— Иқрормисан?
— Уртада жанг кетяпти, жангки беомон. Душма
қайси йўл билан маҳв этсақ, ўша йўл мақбул бизга. М
жидга большевиклар ўт қўйяпти, деб, овоза қилса, м
лаб мусулмонлар биз тарафга ўтади, қудратимизга н
рат қўшилади. Наҳотки, Пирим буни тушунмасалар?
— Лекин яратган эгамни алдаб бўлмайди-ку?
— Худо ҳамиша ғолибларни кечирган.
— Масжидга ўт қўйган бандаси ҳеч қачон ғолиб
долмайди!

— Ушқирманг, Пирим!
Икковлари бир-бирларига тикилиб қолишди. Ҳаз
тўла ўтли нигоҳлар тўқнашди... «Ўлимга маҳкуман!
кин эҳтиёт бўлишим керак,— фикридан ўтди Эшон
ратларининг». «Сен соқолинг ўсмай ўлгур, — ўйлади
кир калла,— қип-қизил аҳмоқсан. Лекин сен билан м
са қилишга мажбурман. Тавба қиламан-у, билганимни
либ юравераман».

— Пирим, оёғингизга йиқилиб уэр сўрайман! Э
юринг, мулозимларимни понуштага чарлаганман, ҳам
лари жамулжам.

— Қўл-оёғим қақшаб безгак тутяпти.
— Унда уларни бу ерга чорлайман. Пирим, сиз
амри маъруф суҳбатингизга муштоқман.

— Сизни ҳақоратлаган йигитни нима қилай, отиб
лайверайми?

«Сени узингни отиш керак!— фикридан ўтди П
муршиднинг,— ўзингки бир кўрпага уч аёлни олиб ё
нингдан кейин тобеларингдан нимани ҳам кутиб бўла
Ўзинг ҳаромсан. Аскарларимни ҳам ҳаром қиляпсан.
зингдан бурқсаб мусаллас ҳиди келяпти. Эртаю кеч м
аластсан, баданинг сув кўрмайди, балчиқда ётган
ғиздек сасиб ҳам кетибсан... Тезроқ даф бўл бу ерд

— Пирим, ана у йигитни нима қилай деяпман?

— Билганингни қил, Сардор. Ҳар қалай сен қўшинга бошлиқсан, қўмондонсан. Қаттиққўл бўлганинг маъқул.

— Дарра билан урдирайми бўлмаса?

— Тавба қилгунча уринглар... Лекин қайси бирини ҳам уриб улгурардинг, ҳаммаси ҳам харом, нас босган. Қачон тугатасан бу машғулотни?

— Қанақа машғулотни, Пирим?

— Хотинбозликни!

— Пирим, эркак бор жойда хотинбозлик бўлади. Бошқа иложимиз йўқ.

— Лекин бутун бошли қўшин хотинбоз бўлса уни худо уради-ку!

Сўзлай-сўзлай остона олдига бориб қолган Сардорни аъзам тўхтаб ютди. «Э бичилган банда, аёл кишини бағринга олиб лаззатланиб кўрмагансан-да, шунинг учун бўлар-бўлмасга валақлай берасан. Уша сен айтган худонинг ҳам хотини бўлса керак-у, сен билан мендан яширса керак», деб айтмоқчи бўлдию, айтолмади.

— Куюнманг, пирим,— деб қўя қолди,— сиз қанотимда экансиз, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Билиб қўйинг, Пирим, сизсиз мен қаноти синган бургутман, на парвоз қила оламан, на ўлжамга ташлана оламан...

Эшон ҳазратлари дастурхонга ёлғиз ўтирди. Фикрлари бир жойга тўхтаганиданми, худди тўйиб ухлаб турган одамдек, руҳи сокин эди. Тоғлилар одатига кўра кийик ўти солиб дамланган хушбўй, хуштаъм кўк чой, сутга ёпилган сўлқилдоқ малда патир, янгигина олинган ширава қаймоқ бир иштаҳасига ўн иштаҳа қўшиб хиёла мириқиб понушта қилди. Қўшинини айлангилари келиб қолди. Ташқарида афтоб чиқиб ҳамма ёқ чарақлаб кетибди. Утов тикилган кенглик қуёшга беткай бўлгани учунми, ўт-ўлашлар яхши униб ер бетини қоплаб қолган. Атрофга ноёнсиз гилам тўшалгандек. Олис-олислардаги қорли тоғлар беҳад баланд бўлгани учун худди яқинишада тургандек туюлади. Баҳор қуёшининг нурлари қор устида ўйнаб атрофни яна ҳам чарогон қилади, кўзни қамаштиради.

Аскарлар тўп-тўп бўлиб машқ бошлаб юборишибди. Бир тўдага татар командир пулемётни ўқлашни, отишни ўргатапти. Бошқа тўдага туркиялик Носир афанди қилчбозликни машқ қилдирипти. Ёнгитлар ҳаво анча аёз бўлишига қарамай бошлянг, кўйлакчанг бўлиб олишган. Яланғоч бадалларига тиг ботишидан қўрқмай бир-бирларига чинакам ҳамла қилишади. Пирим муршид гоҳ баҳор чечакларига, гоҳ бўз ёнгитларнинг жон-жаҳди билан қилаётган турли машқларига маҳлиё бўлиб отлиқлар

тўдасига бориб қолганини сезмай қолди. Ўттиз чоғли фидой сакраб бедовлардан тушиб, қўл қовуштиришди:

— Ассалому алайкум, Пирим!

— Ваалайкум,— Эшон ҳазратлари суворийларга бир-бир кўз ташлаб чиқа бошлади,— сизлар не машқ қилур-сизлар?

Тўда бошлиғи қўлини кўксига қўйди:

— Отларни говдан сакратишни ўрганаётирмиз.

— Баракалло, дини исломни ҳимоя қилиш йўлида кўп говлар учрайди. Худо хоҳласа ҳаммасидан ҳам осон ўтгайсизлар. Лекин нега бошингизда салла йўқ?

— Саллани жанг пайтида ўрармиз, Пирим.

— Баракалло, бошингизда салла бўлса, имонингиз бақувват бўлади,— насиҳат қилган бўлди Пири Муршид,— имоня бақувват бир аскар имонсиз ўнта аскарни қийратади. Буни унутманглар.

— Худо хоҳласа, унутмаймиз.

— Хўш, ғазовотга тайёрмисизлар?

— Жангга бошланг, Пирим.

«Булар тайёр,— орқасига қайтар экан алам билан ўйларди Эшон ҳазратлари. — Сардор эса тайёр эмас. Унинг нияти бошқа, ҳокими мутлоқ бўлсам, дейди, бойлик тўлласам, хотинбозлик қилсам, дейди... Масжидгаки ўт қўйибсан, демак, Фарғонадаги энг катта кофир сенинг ўзингсан. Ғазовотни сенга қарши эълон қиламан... Яхшиси кетаман, жин чалган, дев урган хасталарим кутяпти мени. Ушаларни даволаб гуноҳимни юваман. Бу айғирга шерик бўлиб гуноҳи азимга ботдим, икки дунё юзим қаро бўлди энди! Йўқ, сени жазоламагунча қўймайман. Сен ўлимга маҳкумсан!»

Пири муршид пешин намозидан сўнг қишлоғига жўнаб кетиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Аммо бу ердаги ишлардан беҳад ранжиганларини ва шу боис тезгина жўнаб кетаётганларини Сардори аъзамга ҳам, мулозимларга ҳам сездирмади. Мурид йиққани кетялман, қўшинингга қўшин қўшилса салоҳиятинг ошади деб Зокирни ишонтирди. Кўзларини ғалати ўйнатиб турган Сардори аъзам катта қўлни кўксига қўйди.

— Йигитларимни сафлай, ҳеч бўлмаса хайрлашиб кетинг. Сизни кўрса уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Яхшини кўрмоқ савоб дейдилар. Аслида бу қўшиннинг сардори ўзингиз бўласиз!

Пири муршид маъқул дея ишора қилгач Сардор ўтовдан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

НОУМИД ШАЙТОН

Алғов-далғовли кунлар бошлангани билан темирчилик, мисгарлик, кулолчилик сингари устахоналарда иш тўхтаб, устаю шогирдлар қийғир урган чумчуқдек ҳар томонга тўзиб Риштонун дилкушонинг обод гузарлари ҳувиллаб қолган эди. Ревком аъзолари югуриб-елиб гоҳ ёлвориб, гоҳ дўқ ҳам уриб, ниҳоят, усталарни иш бошлашга кўндиришди. Халифалар ревком идорасига тўпланишган эди. Бузрукхўжа қисқагина маъруза айтиб, Инқилоб ғалабаси учун миллиқ кўтариб от чоптириш шарт эмас, бўзчи мокиси билан, кулол андаваси билан, темирчи босқони билан ҳам ҳисса қўшса бўлади деб, иш бошлаб юборишлари учун ҳар бирига ревком хазинасидан юз тангадан сармоя улашди.

— Бу харжларни қайси рўйхатга ёзаман?— сўради мулла Зариф халифалар чиқиб кетгач.

— Хоҳлаганингизга ёзиб қўяверинг,— деб қўйди Бузрукхўжа.

Ҳам солиқ йиғувчи, ҳам хазиначи лавозимида ишлаб, кўпчиликнинг фикрича, икковини ҳам қойиллатиб келаётган собиқ мингбоши тушундим дегандек бош ирғади-да, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бузрукхўжа ёлғиз қолди. Кайфияти баланд эди шу пайтда. Иш назарнда яхши кетаётгандек. Очарчилик бўлаётган юртларга ёрдам тариқасида дону дун жўнатиш, урушаётган аскарни озик-овқат билан таъминлаш, маориф, дала ишлари кўнгилдагидек боришти. Бабушкин шундай, худди ана шундай ишла деб, гоҳо кўнглини ҳам кўтариб турибди. Лекин қувончи тугал эмас, кўнглининг аллақасерида тугун бўлиб турган хижилик бор... Зокир кўрбоши куч йиғяпти. Бугун-эрта Риштонга бостприб келиб, худди Сўҳда қилгани каби, ревкомнинг кулини кўкка совориши мумкин. Риштонда фитнакорларнинг уяси борлиги ҳам аниқ, ўзи кўрнимаса ҳам шарпаси сезилиб турибди. Лекин бу шарпа қаёқдан тушаётганлигини ҳеч аниқлаб бўлмаяпти. Зокир калла таъминотни қаердан оляпти. Аскарнига кун сайин аскар қўшиляпти, ким жўнатыпти уларни?.. Эҳтимол Урунов, мулла Зариф, Мирзачалар ўша фитнанинг иштирокчиларидир. Лекин хатти-ҳаракатларида шубҳа қиладиган ҳеч нарса сезилмайди. Лекин Урунов... ғалати одам экан бу. Чақилмаган ёнғоқдек,

ечиди нима борлигини билиб бўлмайди. Қизиқ, унинг ҳақида Қўқон ревкоми яхши фикрда. «Марказдан мандат билан келган, келишиб ишланг» эмаш, шу ҳам гап бўлди-ми!.. Яна ким билади, эҳтимол буларнинг ҳаммалари ҳам яхши одамлардир. Утмишда оқ лошпога хизмат қилган бўлса, нима бўпти, ахир Шакархон ноиб, Муслим қўрбошилар ҳам Инқилоб томонига ўтиб бинойидек хизмат қилишяпти-ку?..

Теп-туپ қидэм ташлаб оқ кўнгил, шу фазилати билан Бузрукхўжага ёқиб қолган Темирбек кириб келди:

— Бўлмаса мен кетавераёми?— деб сўради ўйга толиб ўтирган ревком раисидан.

— Қаёққа?— ҳушёр тортди Бузрукхўжа.

— Хабарингиз йўқми?

— Нимадан хабарим бўлади?

— Ўртоқ Урунов пандигонли Хон эшон ҳазратларини қамоққа олиш ҳақида буйруқ берди,— тушунтирди милиция бошлиғи.

— Эшон тоғда-ку?

— Ўйинга келган, аввалги куни келган. Ўртоқ Уруновга маълумот берган эдим, сизга айтмадим?

— Уруновни чақир буёққа.

«Бу қизиқ бўлди-ку, а,— ўйлади Бузрукхўжа,— Эшоннинг келганини аввалги кунидек билишган, лекин менга айтишмаган, қизиқ. Боз устига менадан бемаслаҳат уни ҳибсга олишга буйруқ ҳам берибди. Дин пешволарини ҳозирча қамамаслик ҳақида Бабушкиннинг буйруғи бор-ку! Буйруқ Уруновга ҳам тааллуқли-ку, ахир».

Урунов қалтираб кириб келди. Феъли айниганлиги кўзларининг қизариб туришидан, юпқа лабларининг учиб-учиб қўяётганлигидан ҳам кўришиб турибди.

— Буйруқни мен бердим,— деди хонанинг ўртасида тўхтаб.

— Қўқон ревкомининг кўрсатмасини бузиб, а?— сўради Бузрукхўжа.

— Хон эшон — Инқилоб душмани.

— Ўртоқ Урунов,— шошмасдан деди Бузрукхўжа,— аввало ўтирнинг. Тўғри, Хон эшон Инқилобга қарши тарғибот олиб борапти. У бизнинг душманамиз. Лекин онгли равишда қилинаётган душманлик билан кўр-кўрона душманликни фарқлашимиз керак. Бўлмаса, Инқилобнинг давоми қирғинга айланиб кетади. Бу Лениннинг кўрсатмаси.

— Ленинни рўкач қилманг!— ютиниб олди Урунов.

— Ҳар бир ҳаракатимизда доҳийнинг кўрсатмасига

қаттиқ амал қилишимиз керак. Бўлмаса Инқилоб апар-
хияга айланиб кетади.

— Жуда донишманд экансиз-ку!

— Мен билганимни айтяпман... Ундан кейин, ўтиринг
деяпман, ўртоқ Урунов, сиз ҳар қалай мендан каттасиз,
марказдан келгансиз. Марказий ҳукуматнинг сиёсатини
тўғри талқин қилишингиз керак эди... Хон эшон Фарғона
мусулмонларининг пирларидан бири. Минглаб муридлари
бор. Агар уни ҳозир қамоққа олсангиз эртага Риштонда
катта галаён бошланади. Онгсиз авом ревкомга ўт қўя-
ди. Зокир қўрбоши ҳам худди шунини кутиб турган бўли-
ши мумкин... Эшон билан учрашдингизми?

— Йўқ.

— Большевиклар диндорларни ҳеч қачон таъқиб қил-
маслигини унга тушунтирддингизми?

— Мен, бари бир, уни қамайман.

— Мен ҳозирча рухсат бермайман,— кескин қилиб де-
ди Бузрукхўжа.

— Ҳамқишлоғингизни ҳимоянгизга олибсиз-да.

— Эҳтимол шундайдир... Хоҳласангиз юринг, Эшон-
нинг уйига бирга борамиз. У билан очиқчасига гаплаша-
миз.

Урунов ҳам кескин қилиб жавоб қайтарди:

— Мен душманимнинг уйига меҳмонга бормаيمان.
Билиб қўйинг, ўртоқ Усмонхўжаев, устнингиздан марказга
маълумот ёзаман.

Урунов эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. «Ҳеч
келиша олмадим бу одам билан,— фикриниб ўйлади рев-
ком раиси,— яхшиси ўзим бораман. Биламан, Пирнинг ме-
ни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Лекин шундай бўлса
ҳам бораман. Инқилобнинг туб моҳиятини тушунмаяпти
у чол. Доҳиймиз Лениннинг «Россия ва Шарқнинг барча
мусулмон меҳнаткашларига» номли мақоласини, эҳтимол
ўқимагандир, ўқиб бераман унга.

Бузрукхўжа бугун Риштон ариғини очаётган ҳашарчи-
лар ҳузурига бориб ака-ука қизиқчилар кўрсатаётган то-
мошаларни эл қатори кўриб, кечгача ўша ерда бўлишни
ният қилиб қўйган эди. Эшон ҳазратлари билан учрашиш
истагани туғилдию ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ўша ёққа
отланди. Одатини шунақа унинг. Кўнглига бир нарса маъ-
қул бўлиб қолса, пайсалга солиб ўтирмайди.

Йўл хавфли, одим ўрнида пистирмага дуч келиб қо-
лиши ёки қуршовга олиниши ҳам мумкин эди. Қўриқчи
олмаганлиги Риштондан чиққандан кейингина эсига
келди. Нима бўлса бўлди дея, бир-икки кундан буён ҳеч

ёққа чиқмай қантарилиб, куч тўплаб ётган қизил қашқа отини пошнали товони билан икки-уч бор ниқтаб қўйди. Баҳор айни сепини ёзган палла эмасми, ўриқлар қийғос гуллаб нақ боғлардан тошиб чиқиб кетай деб турибди. Йўл четидаги толлارнинг баргаклари шода-шода бўлиб осилган, ариқлар бўйидаги чучмомалар гоҳ қизил, гоҳ сариқ гуллаб атрофга аллақандай латофат, майинлик улашаётгандек. Болалар қўзилаган қўйларини, бузоқлаган, елини катта сигирларини яйловга ҳайдаб, тўда-тўда бўлиб лаппак, зувуллоқ ўйнашади. Деҳқонлар ҳам шошиб қолишган. Биров бўлиқ ерга ооч соляпти, бирови ёш-ёш ўғитларини ёнига олиб, ариқ кавлаб, юқорига тупроқ отади...

Эшон ҳазратлари руҳий хасталарни даволайдиган саройида, саройнинг ўнг биқинидаги тор, қоронғи қабулхонасида ўтирган экан. Бузрукхўжани қовоғини уюб қарши олди. Номига бўлса ҳам юқорига ўт, остингга кўрпача солай деган расмий гапларни ҳам айтмади. Бошнини тиззасига солиштирганча, тасбеҳ ўгириб жим ўтирар эди.

— Сиздан бир хабар олай деб келувдим,— ўнғайсиз бир аҳволда гап бошлади Бузрукхўжа.

Пири муршид қўрс жавоб қайтарди:

— Мендан яратганнинг ўзи хабар олади.

— Пирим, ҳар қалай бегона эмасмиз.

Эшон ҳазратларининг мийиғида заҳарханда кўринди:

— Худога шукур, қариндош ҳам эмасмиз.

— Пирим, мен сиз билан жиддийроқ гаплашгани келдим.

— Қамагани келибсан-да! Қамасанг қамай қол. Мана тайёрман,— Пири муршид қўлидаги тасбеҳни бир чеккага отиб ўрнидан туриб кетди,— орқамда йиғлаб қоладиган болам, бўзлайдиган хотиним ҳам йўқ, сўққабошман. Қамонингдан қўрқмайман. Нега ўтирибсан, тур, қўлимга кишан ур, кофир!

Деворларига кишининг юрагига ваҳима соладиган ҳар хил буюмлар, шакллар осиб қўйилган бу хонага қадам қўйгандаёқ Бузрукхўжа унинг эгаси билан гаплашиш, қалбига йўл топиш осон бўлмаслигини сезган эди. Пири муршид ўзини одамзод билан инсу жинслар ўртасида турувчи илоҳий восита деб билади. Вужудимда инсу жинс хулқидан ҳам, одамзод феълидан ҳам нимадир мавжуд деб ҳисоблайди. Хоҳласа ўйинга тушиб кетади, хоҳласа тиззаларини кучиб ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Буни Бузрукхўжа яхши билади. Бундай одамнинг руҳига таъсир этиш, май-

лиш ўзгартириб, продасини букиб олиш учун унинг иро-
дасидан устунроқ бир куч керак бўлади.

Бузрукхўжа ҳам шошилиб ўриндан турди.

— Йўқ, Пирим, мен сизни тавоф қилгани келдим.

— Ишма?!

— Мен сизга доҳиймиз Лениндан хат келтирдим. Ҳа,
Пирим, сиз анча-мушча одам эмассиз. Сиз Фаргона Пирим
муршидларига пир бўладиган табаррук бир зотсиз.

— Лениндан дедингми?

— Ҳа, доҳиймизнинг ўзидан!

— Қани, буёққа ол-чи, ўша мактубни.

Эшон ҳазратлари қайтиб ўрнига ўтириб чордана қур-
ди. Лекин Бузрукхўжа таржима қилдириб келган мақо-
ласини дарров узатмади. Айтадиган гапи кўп унинг. Пирим
муршид ёш боладек ёввош бўлиб қолган шу паллада дар-
дини айтиб, юрагини ёзиб олиши керак. Пир Инқилоб-
нинг туб мақсади меҳнаткашнинг шўр пешонасини меҳр
билан силаш эканлигини ҳали тушунмас эди. Инқилоб
бандасига тенглик ато қилади. Эрк беради, инсон сифати-
да улуғлайди. Бандаси хоҳлаган маслағида бўлади. Аммо
амалидан, бойлигидан, имтиёздан ажралиб қолаётган
эски дунё унсурлари Инқилобнинг ана шу фазилатини
беркитиб, авомни алдаб келмоқда. Натижада хунрезлик
бўлмоқда. Оми кишилар алданганлигини билмай хонадо-
нини чарогон қилиши мумкин бўлган Қуёшга қаратиб ўқ
отмоқдалар.

Пирим Муршид наришон бир кайфиятда нурсиз кўзла-
рини ярим юмиб жимгина ўтирарди. Бир маҳал оғир сал-
лали бошини илқиз кўтариб:

— Аллома Лениндан келган хатни буёққа бер-чи? —
деб қўл узатдилар.

Бузрукхўжа кўп ўқилаверганидан титилиб кетган
«Правда» газетаси орқасига ўша газетада эълон қилин-
ган мақоланинг таржимасини ҳам солиб келган эди.
Пирим муршид газетани очиб уёқ-буёғини ағдариб кўргач,
бу хатга менинг тишим ўтмайди, дедию таржима битил-
ган қоғозни кўзларига яқин келтирди:

— Бу хат менинг номимга битилганми?

— Сиздек Пирим муршидларга аталган.

— Кўзойнакисиз ўқий олмаймак, — қоғозни ҳамсўхбатига
узатди Эшон ҳазратлари, — ўзинг ўқиб бера қол.

«Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашла-
рига! — «мусулмон» сўзини атайлаб баланд овоз билан
ҳижжалаб ўқиди Бузрукхўжа. Пирим муршид жим ўтириб
тиглар эди. Яна хаёллари наришон, исуу жинсларнинг

шакллэрини томоша қилялтимми, мақолага қулоқ соляпти-
ми, билиб бўлмасди.

— Йўқ, бўтам, Россия деган жойидан қайта ўқи! — деб қолдилар бир пайт.

«Россия мусулмонлари, Волгабўйи ва Қрим татарлари, Сибирь ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказьенинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари, Россия подшолари ва зolimлари томонидан масжид ва ибодатхоналари вайрон қилинган, дин ва урф-одатлари оёқости қилинган барча халқлар!

Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва бахузур тузаберингиз... Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқлар ҳуқуқи каби Инқилоб ва унинг шўъбалари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари шўроларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади...»

Бузрукхўжа мақоланинг худди шу ўринлари Пири муршидга қандай таъсир қилаётганлигини билмоқчи бўлиб нигоҳ ташлаган эди, ҳамсуҳбатининг энди кўзларини бутунлай юмиб олганини кўриб, лоқайд бўлиб қолдилар, қизиқмаяптилар шекилли деб ўйладю, қолган қисмини жадалроқ ўқий бошлади. Йўқ, Пири муршид лоқайд эмас экан. Мақола охираши билан шоша-пиша тугалланишини яна бир ўқиб бер, деб илтимос қилди.

«Бизнинг байроқларимиз бутун дунё мазлум халқларининг озодлик байроғидир.

Россия мусулмонлари!

Шарқ мусулмонлари!

Дунёни янгилаш йўлида сиздан хайрихоҳлик ва мадад кутамиз.

Миллат иши халқ комиссари

Жугашвили — Сталин.

Халқ комиссарлари Шўросининг Раиси

В. Ульянов (ЛЕНИН).»

Мақола тугади. Шу билан бирга хонага узоқ жимлик ҳам чўкди. Пири муршид, негадир, бир-икки бор ўтириб турди. Ҳеч кутилмаганда салласини ечиб қайтадан ўрай бошлади.

— Хўш, Пири, энди нима дейсиз? — секин сўради Бузрукхўжа.

— Зўр гаплар айтилибди, бўтам, — Пири муршид бир нафас жим қолдилар, — фақат бошланишида бисмиллоси йўқ экан.

— Бисмиллони ҳар бир мусулмоннинг ўзи қўйиб олаверади, Пирим.

— Хўш, мулла Бузрук, даданг қалай? Эсон-омон юрибдими?

— Шукур.

— Гулнора қизни бу ердан олдириб кетиб яхши қилбсан. Мулла Маҳмуд билан топишиб олдимиз?

— Пўқ ҳозирча...

— Ердан бер, савоб бўлади, бўтам, аслида бу дунёга савоб учун келганмиз... Менга очиқ айт, бу табаррук нома қалбаки эмасми?

— Пирим!

— Йўқ-йўқ, қасам ичма, бўтам. Қасамхўрни ёмон кўраман. Сен яхши одамнинг фарзандисан, сенга ишонаман. Ҳозир ғалати бўлкетаянман, негалир ичимда қалтироқ турди... Хатингни ташлаб кет, тўғри нотўғрилигини ўзим суриштираман. Агар чиндан ҳам сизларнинг пошшоларинг шу гапини айтган бўлса, унда Қўқондаги пирим Миён Қудрат ҳазратлари гирт ёлгончи бўлиб чиқадилар... Пиримнинг мактубларини ҳў анову сандиқда сақлаялман. Большовойлар дин душмани, мусулмонларнинг бешикдаги боласигача қиличдан ўтказади, деб ёзганлар... Мактубларини берайми, ўқийсанми? Йўқ, бермайман. Тур, энди тезроқ кет бу ердан. Девларим хуруж қиляпти, сени бўғиб қўйишадн... Йўқ, тўхта, нима мақсадда келганингни айтмадинг. Лекин ўзим биламан, руҳимдан ўгиб турибди. Большовойларга қарши урушни бас қилинг, ярашайлик, деб келгансан. Шундайми, бўтам?

— Шундай, Пирим.

— Мен, бўтам, урушни бир ҳафта олдин тўхтатганман. Зокир қўрбошининг бетига тупурдим. Уни қўлга тушириб бераманми, йўқми буни ўйлаб кўраман... Яна бир келасан, келасанми?

— Келаман, Пирим.

— Энди тезроқ жўнаб қол, бўғиб қўяман бўлмаса, Кет деялман!

Пирн муршид бақирганича ташқарига чиқиб кетди.

ХИИ

ҚИЛ УСТИДА

Икки тоғ оралигидаги торғиша сўқмоқдан юриб боряптилар. Отлиқлар аргимчоқ солиб учган турналардек қатор тизилиб олишган. Икки от ёнбош келса сизмайди. Сўқмоқ тегирмоннинг новидек ингичка. «Ўрталик» вб-

дифенга Сўх орқали боришса ҳам бўларди. Йўл равон, текис, оғлар ҳам толқмас, энг муҳими вақтдан ҳам ютган бўлишарди. Лекин у тарафларда одим жойда гоҳ ўзбек, гоҳ тожик қишлоқлари учраб туради. Қишлоқлар ичида Сардори аъзамнинг айгоқчилари йўқ деб бўладими, бор албатта. Ревком раисини танийдиганлари ҳам чиқиб қолар, унда режалар бузилади, иш чаппасига айланиб кетади.

Сардори аъзамнинг устига юриш тайёргарлиги кеча эрталабдан бошланган. Ярим кеча эди. Бузрукхўжа ревком биноси ёнидаги уйида эди. Кўча эшик тақиллаб қолди. Таҳликали кунлар йигитни ҳушёр ётишга ўргатган, сакраб туриб кетди. Эшик яна тақиллади. Ёстиқ остидан тўппончасини олиб ҳовлига чиқа бошлади. Соқчи йигит уйғоқ экан. Кўча эшикнинг орқасида турган кишини сўроққа тутяпти:

— Аввал кимлигингни айт,— дейди соқчи йигит.

— Мен Пири муршид бўламан,— паст овоз эшитилди эшик орқасидан.

Бузрукхўжа жадал бориб эшикнинг заنجирини ўзи туширди. Ҳа, Эшон ҳазратлари экан. От устида турибди. Муридлари ҳам бор. Ичкари киришди. Ҳалимахон меҳмонга жой ҳозирлаб дастурхон тузади. Қумғонга олов ёқди. Икковлари нақ тонг отгунча суҳбатлашдилар. Пири муршид масжидларга ўт қўйдирган большевиклар эмас, балки Зокир қўрбошининг ўзи эканлигини айтиб, худонинг уйини ёндиргани учун у тўғизни жазоламоқчи эканлигини айтди. «Агар Қўқондаги катта большевиклар мен тўплаган лашкарга омон-омонлик берса, тоғдан уч юз муридимни чақириб олиб уй-уйларига тарқатиб юбораман. Ўзим большевиклар томонига ўтаманми-йўқми кейин маълум қиламан», дея қўшимча ҳам қилди.

— Пири, сиз большевиклар томонига ўтибсиз,— хурсанд бўлганидан кафтларини бир-бирига ишқаб қўйди ревком раиси.— Зокирни беш юз йигити билан қўлга тушириб бериш — бу қаҳрамонлик-ку, Пири!

— Ундай дема,— жеркиб берди Пири муршид,— мен большевик деб атайдиган бўлсанг суҳбатни бас қилиб жўнаб қоламан. Мен савоб учун қилаяман бу ишни, токи маҳшар куни юзим ёруғ бўлсин... Тўғизни қандай қилиб қопқонга тушириш йўлини ҳам ўзим ўргатаман. Гап бундай, бўтам... Хайрият, келишим мусулмон экан, киргандаю чиққанда ассалому алайкўм деяпти. Бу мусулмонлик аломати. Ревкомларнинг хотини фирт кофир бўлади дейишган эди, яратганга шукур, ёлгон экан.

Пирн муршид ҳар гал юрт оралаб мурид овидан қай-таётганида дини имон йўлида фидо бўлишга тайёр турган йнгирма-ўттиз йнгитни отлантириб, гоҳо елкаларига милтиқ ҳам осиб, орқасидан эргаштириб боради. Зокир бунга ўрганиб қолган. Қачон келмасинлар Пирн муршид-ни қароргоҳга ҳеч қандай тўсиқсиз ўтказиб юборишга фармон ҳам бериб қўйган. Бу гал ҳам Пирн муршид Бузрукхўжа йнгитларининг бошига салла ўраб, эгнига малла чопон кийгизиб олиб борса, қоровулда турганлар ҳеч шубҳага бормайди. Қароргоҳга тонг пайтида кириб борсалар, айғирни наҳс кўрпасида ётганда қўлга олиш мумкин.

— Пирим, бу ишга қачон киришамиз?— шошилиб сўради ревком ранси.

— Хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайди, бўтам.

— Мен Қўқон ревкоми билан маслаҳатлашиб олишим керак.

— Лекин, бўтам, ўзингнинг ревкомингда Зокирнинг айғоқчилари бор.

— Қимлигини ҳам биласизми?

— Биламан, лекин айтмайман, бўтам. Чақимчининг жойи дўзахда бўлади дейдилар. Энди мен турай. Намоз найти ҳам бўлиб қолди, эл кўзига бамисоли Риштонга намоз ўқигани келгандек бўлиб кўринганим яхши. Хайр, бўтам, сени худога топширдим. Жавобингни бетоқат кутаман. Билиб қўй сен қўрқоқлик қилсанг, мулла Шерматнинг ҳузурига бориб ёрдам сўрайман.

Бузрукхўжа Эшон ҳазратлари билан изма-из чиқиб тўппа-тўғри соқчи отряд командири Қонстантин Шамякиннинг казармасига жўнади. Атрофидаги йнгитлардан фақат ўшангагина ишонар эди. Шамякин уйқусираб ўтириб ҳамма гапни эшитди-да, оғзини катта очиб эснади:

— Жуда қалтис-ку!

— Қалтис бўлгани учун ҳам боришимиз керак,— кўтаринки бир кайфиятда деди ревком ранси.

Кечга яқин Бабушкнидан «Маъқул, табриклайман, эҳтиёт бўл!» деган бор-йўғи уч сўздан иборат жавоб хати келди. Рухсат келиши билан ҳар одимда учраб турадиган айғоқчиларни чалғитиш учун Сарқўрғон тарафдан Иелом кўрбоши бостириб келаётган эмиш деб бутун Риштонни оёққа турғизиб, тўс-тўполон ичида ўттиз уч отлиқ дашт томонга қараб чиқиб кетди. Кечадан буён тўхтамай торма-тор йўл босиб келишяпти. Олдида бораётган қирғиз йнгиит «Ўрталиқ»қача бошлаб боришни бўйинига олган, олдида ўша кетяпти. Сўқмоқ тугаб, сайхонлик бошлангач қирғиз йнгити бедовининг бошини тортиб қорайиб кўри-

наётган водийга узоқ тикилиб қолди. Кейин индамасдан эгарсиз миниб келаётган отидан сидирилиб тушди-да:

— Қомандир,— дея Бузрукхўжага мурожаат қилди,— айтган жойингга келдинг. Хў дўппайиб кўринаётган до-вондан уёғи — Урталиқ.

— Неча чақирим қолди?— шошилиб сўради Бузрук-хўжа.

— Улчаган эмасман.

— Чамалаб айт-чи.

— Билмайман. Пиримга айт, энди мени дуо қилсин-лар, худодан фарзанд сўраб берсинлар.

Бузрукхўжа йигитларига отдан тушишга фармон бе-риб, ўзи Эшон ҳазратларига кўмаклашиб юборди. Пиримуршид беҳад чарчаганидан бўлса керак, бўшашиб, бир қон гўшт бўлиб қолган экан, оёқлари ерга тегиши билан мурдек кўкат устига йиқилиб тушди. Йўл бошловчини ёт-ган жойларида дуо қилди. Келишиб олганларидек, йигит-лар кийимларини ечиб бошларига салла, эгниларига мал-ла чопон кия бошлашди. Кейг сайхонликка эндигина кў-тарилиб келаётган ой мўлу кўл нур тўкяпти. Осмондан тушаётган сариқ ёғду кўкатлардан кўтарилаётган ҳовур билан қўшилиб ажиб бир манзара ҳосил қилмоқда. Нур-лар кўз илғамас юмшоқ, майин туманликка айланиб, гоҳ парланиб тўп-тўп бўлиб учиб юргандек, атрофдаги ором-бахш сокинлик, тубсиз сукунат ўша кўз илғамас нурлар-га илоҳийлик бахш этаётгандек. Илоҳий бу манзара ичи-да парилар, жаннат маликалари оҳиста-оҳиста парвоз қилаётгандек, нурдан ясалган арғимчоқларда учиб бир-бирларига қувонч, масрурлик улашаётгандек...

От кишнаб юборди. Пиримуршид чўчиб ўрнидан ту-риб кетди. Йигитлар кийимларини алмаштириб бўлишиб-ди. «Салла ўраса, ўрусу ўзбекининг фарқи қолмас экан-да, — дея кўнглидан ўтказди Эшон ҳазратлари. — Э, худо, қани энди менга қудрат ато қилсангу, бутун дунёдаги кофирларнинг бошига мана шунақа салла ўратиб чиқ-сам, ҳаммасини мусулмон қилиб ортимдан жаннатга етак-лаб борсам».

— Пирим, милтиқларини елкамизга осиб олсак бўла-верадими?— сўради Бузрукхўжа.

— Бўлади, бўтам, бўлавереди,— оёқларини силай-си-лай ўрнидан тура бошлади Эшон ҳазратлари,— аввалги келган муридларим ҳам милтиқ тақиб олишганди, сезиш-майди.

Отларига миниб яна йўлга тушдилар. Буёғида энди нима бўлишини ҳеч ким билмасди. Шу пайтгача кўнгли-

ларда қувонч, босмачини тугатгани кетяпмиз деган фахр бор эди. Энди ҳаммаларини бир хилда ташвиш чулғаб олди... Бордию, Пирри муршид алдаган бўлсалар-чи? «Чиндан ҳам алданаётган бўлсам-а,— ваҳимали ўйлар ўтарди Бузрукхўжанинг ҳам бошидан,— Муслим қўрбоши учрашишга келишдан олдин ота-онаси билан ўғилларини гаровга қўйган эди, дадил борувдим. Эшон ҳазратларида қари эшшакдан бошқа гаровга қўядиган ҳеч нарса йўқ-ку? Алданиб қолсам-а? Кошки, бир ўзим бораётган бўлсам, бир гап бўлгудек бўлса мана бу йигитларнинг ҳам умрига завол бўламан-ку».

— Константин,— секин чақирди Бузрукхўжа.

— Нима дейсан?— отининг бошини тортди командир.

— Қўл билан отадиган бомбадан ишқилиб, кўпроқ олдингми?

— Ташвишланма,— деб қўйди Шамякин,— ғамимни еб келяпман.

«Йўқ,— яна ўй олиб кетади Бузрукхўжани,— Пирри муршиднинг гаровга қўядиган нарсаси бор. Бу — унинг имони. Имони бақувват унинг. Масжидга ўт қўйдиргани учун Зокирни ҳеч кечиролмаяпти. Қонини ичмагунча аламидан чиқмайди. Бизга худди шуниси керак эди... Йўқ, чол хиёнатчи эмас».

— Пирим.

— Лаббай, мулла Бузрук.

— Зокирнинг пулемёти печта дедингиз?

— Иккита, иккови ҳам ёнгинасида ўтовда турибди. Ўнг томондаги ўтовда плимит отадиган йигитлар, чап томондаги қора ўтовда мулозимлари, ҳали айтдим-ку, ўртада ўзи ётади. Бўтам, тезроқ юрайлик. Қароргоҳга бомбод намозига турмасларидан олдин кириб бормоқ керак. Бошларига салла ўрагани билан, бари бир апови маллавоиларининг таниб қолшадди. Сен ҳам, бўтам, таниқли йигитсан. Қароргоҳга киришимиз билан орқароққа ўтиб, бошининг эгиб ол. Лекин, бўтам, салла сенга хўп ярашар экан, нега ўраб юрмайсан? Ахир, мусулмонсан-ку! Ҳа, майли, дил эътибор. Бўтам, дилдан худонг қўймасаиғ бас.

Довонга кўтарилишлари билан кетма-кет пойлоқчиларга дуч кела бошладилар. Биринчи бор тўхтатган йигит Пирри муршидга кўзи тушиши билан югуриб бориб донг қотиб ухлаб ётган шерикларининг қулоғидан чўзгилаб уйғота бошлади. Уйғонишгач, югургилаб келишиб от устида турган Эшон ҳазратларининг оёқларини ўпиб, этакларини кўзларига сурта кетишди.

— Таҳоратинг борми? — сўради Пирри муршид.

— Бор, Пиррим, бор, — баробар жавоб қайтаринди пойлоқчи йиғитлар.

— Хуфтон намозини ўқиганмидиларинг?

— Ўқиганмиз, Пиррим.

— Бомдодни ҳам қазо қилманглар. Мана, мен сизларга янги жўралар олиб келяпман. Қанотларнингга олиб аскарликни ўргатинглар.

Иккинчи бор тўхтатганларида Пирри муршид пойлоқчилар бошлиғи қимор ўйнаб ўтирганлари учун анча ғазабланган бўлди, учовингичи ҳам аскарликдан ҳайдаб юбораман деб пўписа қилди. «Шулар ҳам аскар бўлдию. — кўнглидан ўтказди Бузрукхўжа, — душманини эгилиб кутиб олишяпти. Яна булар Фарғонага пошшо бўлмақчи эмишлар, анқовлар!.. Эҳтимол менинг ўзим анқовдирман... Алдаб-сулдаб олиб кетишаётгандир... Нўқ, биз ҳам осонликча жон бермаймиз, муҳими — довдираб қолмаслик...»

Қароргоҳ қафта тургандек яққол кўзга ташланиб қолди. Анча олислаб кетган ойнинг хира тортиб қолган шуълалари ўтовлар устига тўкилиб, уларни бир-бирдан ажратса бўладиган даражада ожиз ёритиб турибди. Оқ ўтов баландроқ тикилган экан, ёнидаги бошқа ўтовларга узун соя ташлаяпти. Қун чиқар томондан тонг отиб кела бошлади. Тоғ орти бўзариб қолди. Қароргоҳ маст уйқуда, ҳали намозхон йиғитлар ҳам уйғонмаган кўринадди. Яқинлашиб боргунларича ҳам ҳеч кимнинг шарпаси кўзга ташланмади. Қизиқ, бугун соқчилар ҳам қўйилмаганга ўхшайди. Еки ухлаб қолиндимикан? Туи бехатар ўтганлигига шукроналар айтиб, худо хоҳласа, тонг пайтида ҳам ҳеч қандай хавф содир бўлмайди, деб ўзларини қаттиқ ишонтириб, иссиқ ўринларига кириб кетишдимикан? Еки оқшом бу ерда базми жамшид бўлдимикан? Одатда, базм пайтида чекка-чеккада лабларини ялаб, тамцаниб ўтирадиган соқчи йиғитлар базмдан сўнг идишлар тагида қолган майларни ичиб маст-аласт бўлагучи эди. Ҳа, бугун ҳам худди шундай қилишган, учиб қолишган. «Ху нас босмай ўлгурлар!» — қарғандилар Пирри муршид, — сениларни яратганининг ўзи уриб қўйган экану». «Вақтин ўтказмай бостириб кириш керак!» — фикридан ўта бошладди Бузрукхўжанинг. Ўтов орқасида от кишнади. Кетидан бошқалари ҳам қўшилиб ҳаммаёқни гулдуреган овоз қоплаб кетди.

— Бошладик, — шивирлади Бузрукхўжа, — ҳар ўтовга тўрттадан бўлиб киришлар, қаршилик кўрсатганини жойида отиб ташланглар, тез, тезроқ!

Шамякин пулемётлар қора ўтовда деб кела-келгунча ўзига-ўзи такрорлаб келаётган эди, уч йигит билан ўша ёққа ташланди. Яна уч йигитни олиб Бузрукхўжа оқ ўтовга кириб кетди. Беш-олти йигит мулозимлар учун махсус тикилган катта ўтовни қуршовга олишди...

Пири муршид Зокир қўрбошини қўлга олишнинг бошқачароқ манзарасини тасаввур қилиб келаётган эди. Бошлаб бораётган муридларинин сафга тизаман, Сардор уларни қабул қилиб олиш учун салобат билан битта-битта қадам ташлаб чиқиб кела бошлайди, шунда ортимдаги муридлар баробар устига ташланишади, деб ўйлаб кетаётганди. Бутунлай бошқача бўлиб кетди. Чап томондан кетма-кет милтиқ овози эшитилди. Хиёл ўтмай, ўша ўтовдан Шамякиннинг йигитлари пулемётларни тақир-туқур қилиб судраб чиқа бошлашди. Оқ ўтовдан бир аёл отилиб чиқдию, яна орқасига қайтди. Қип яланғоч Сардорни судраб чиқаётганларини кўриб Пири муршид юзини тескари ўгириб олди. Қароргоҳнинг этак томонидан еру кўкни гумбурлатиб карнай овози янграб қолди. Ўша тарафда кимдир:

— Қоч, қизиллар босди, қоч!— дея қичқирди. Сўнг ур-йиқит қилаётганларнинг шундоққина олдидаи от қўйиб настликка қараб тушиб кетди.

«Е алҳазар, ё алҳазар,— дея шошилиб отдан туша бошлади Пири муршид,— ўзим тузган қўшинни ўзим яксон қилдим-а, ё алҳазар!» Отни қўйиб юбориб қароргоҳнинг қуйи томонига қараб югурдилар: малла чопонининг этагини шамол ўйнар, икки қўли билан худди эшак эшаётган қайиқчидек ғалати-ғалати ҳаракатлар қилиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга ўгирилиб бор овоз билан қичқирар эди:

— Ҳой, мусулмонлар, ҳой муридларим, мен Пири муршидингизман, таслим бўлинглар. Яраш-яраш бўлди, омон-омонлик бўлди. Ҳаммагизнинг жонингизга ўзим кафилян. Ревком кафил бўлди, аллома Лениндан нома келди, ўқ отманглар!..

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас қароргоҳ гўё ҳеч нарса бўлмагандек яна жимжит бўлиб қолди. Ун беш чоғли бандини қўлини орқасига боғлаб ўт-ўланлар устига ўтқизиб қўйишган. Яна шунча аёлни оқ ўтовга киритиб ёнига қоровул қўйишди.

Кун ёришиб қолган эди. Сардор аъзам бир қўзғалиб олди-да, тепасида турган йигитга кўзларини қисиб узоқ тикилди. Бақувват тишлари гижирлаб кетди:

— Бузрукмисан?

— Ҳа, менман,— деб қўйди тўппончасини ғилофига солаётган ревком раиси,— хўш, аҳволинг қалай, Фарғонанинг пошшоси?

Зокир қўрбоши яна тишларини синдиргудек ғижирлатди. Ютиниб юзини тескари ўгириб олди. Нарироқда кўкат устига малла чопонини ёзиб, қиблага қараб чўкка тушганча жим ўтирган Пирн муршидга кўзи тушиб қолди. Эшон ҳазратлари қазо бўлган бамдод намозини ўқияптими ёки юм-юм йиғлаб яратганга алланарсаларни илтижо қилаяптими, биллиб бўлмасди.

— Мени ебсан-да, қари эшшак!— деб қўйди Зокир қўрбоши.

XIV

МАШЪАЛ ЕЌИЛДИ

Полвон аянинг уйида тўй бўляпти. Ҳасанбой уйланыпти. Пандигонининг ярим фуқароси кўчиб келгандек, чорвоққа жой қилишган. Эркагу аёл ҳеч ерга сизмайди.

Бузрукхўжа даврага назар ташлаб олади-да, яна ўз хаёлларига машғул бўлади. Кўзларида кулги бор, қалби эса йиғлаб тургандек, «Мақсуд қори, Сотволди батрак, Қомил Муртазин, Исмоил соқчи... эҳ-ҳе, қанчадан-қанча дўстларимдан жудо бўлдим-а,— дея йиғлаяпти унинг қалби.— Ҳаммалари ҳам ёруғ кунлар умидида яшаб, орзулар йўлида қурбон бўлишди. Қалбларида қат-қат армон билан кетишди. Биз бўлсак еб-ичяпмиз, ўйнаб-куляпмиз... Дунё шунақа экан-да! Лекин ҳали ўйнаб-кулишга эртароқ эди. Эргаш қўрбоши куч тўплайпти, Раҳмонқул Ашав даштларига қургон қуриб олди. Зокир калланинг қочиб қутилган каллакесарлари тоғларда изғиб юришибди... Иўқ, ҳали ҳеч нарса ҳал бўлган эмас. Ҳамма жанглар олдида. Диний жаҳолат, саводсизлик — булар ҳали озмунча қурбон талаб қиладими... Қўқон қамоқхонасида ётган Зокирни нега Риштонга олиб келишди экан? Жиноятчи жиноят содир бўлган жойда тергов қилиниши керак эмиш!.. Ким билади, эҳтимол шундайдир. Аммо Шакархон ноиб билан Хон эшонни ҳибсга олганларига ҳеч чндай олмаяпман. Икковларининг ҳам олдида ёлғончи бўлдим энди. Ҳаётингиз даҳлсиз деб сўз берувдим, сўзимнинг устидан чиқолмадим... Қўқон ревкоми буйруқ бергандан кейин нима ҳам қила олар эдим. Ҳурунов қилаяпти бу ишларини. Эҳтимол ҳақдир, чиндан ҳам Риштон

да катта фитна иш кўраётгандир. Ахир фитналарни фош қилиш унга топширилган-ку... Лекин нима бўлганда ҳам сулда сўзлашим, Шакархон билан хон Эшоннинг гуноҳи билан ҳайрли ишини тарозининг икки палласига баробар қўйишларини сўрашим керак... Абдурахмонбой нега ўтирибди бу ерда? Товба, ёш-яланглар ёнига чўкиб мусаллас ичинини қаранг! Ёш хотини бор-да, ўшанинг олдида ўзини ёш кўрсатгиси келса керак. Лекин сенинг ҳам қисиб-қисиб қўяётган кўзларингда шумлик бор, инятнинг бузуқ. Ўруновга ўхшайсан. Икковинг ҳам чақилмаган ёнғоқсан. Лекин билиб қўйинглар, Инқилобнинг қўли узун, бугун бўлмаса эртага томоқларингдан бўғиб олади».

Давранинг нариги чеккасида ўтирган Мадумар карнайчи икки қўлини ёнларига кенг ёзиб, бешиктерватдек чайқала-чайқала Бузрукхўжа томонга кела бошлади:

— Эшон бола, олдинга ўтирсам рухсатми?— деб сўради қаршисига чўккалаб,— ё қўрбошининг йиғитидан ҳазар қиласанми? Ҳазар қилма, кеча устимдан бир челақ сув қуйиб олдим. Энди бормайман, бўлди. Ке, икковимиз бир ичайлик!

— Мен кўп ичиб қўйдим,— деди Бузрукхўжа негадир хижолат бўлиб.

— Қўйсанг-чи, ревком. Ма, косани ушла, бир уриштириб ҳам қўяйлик, кўтардик! Бай-бай-бай, май эмас, обон ковсар бўп кетипти-я... Мендан хафа эмасмисан?

— Нега хафа бўлар эканман?

— Мен қўрбошига йиғит бўлдим-ку!

— Тўрт оёғи билан от ҳам қоқинади.

— Бузрук, ке, укагинам, пешанадан бир ўпиб қўяй, ўпгим кеп кетяпти, зап йиғитсан-да! Мени яна ревкомга олгин, жон ука, карнай чалиб бериб юраман, оқ мисдан янги карнай қуйдирдим. Вой, овозини бир эшитсанг, жаранглайди. Олиб келиб чалиб бсрайми? Эшитсанг кўнглинги ййрайди, мард бўп кетасан. Ҳозир олиб келаман.

Мадумар карнайчи қўлидаги коса тўла майини охиригача симириб чайқала-чайқала ўрнидан тура бошлади.

Қувноқ кулги пандигонлиларнинг жиёми ҳам руҳини бириштириб юборган. Ҳамма ўзлигини унутган, қийқириқ қалблардаги ғуссаю аламларни ситиб чиқараётгандек, на босмачи хавфи, на очарчилик ташвиши қолган эди. Пайров сеҳрига, сўзлар ўйинига, ўхшатишлар остига беркинган кўмма маъноларининг тагдорлигига гоҳ тушуниб, гоҳ тушунимай эл кулаётгани учун энди қўйилиб хандон отаётган Бузрукхўжа шундоққина тенасига акаси келиб қолганини пайқамай қолди.

— Тур, кетамиз, — деди Сулаймонхўжа укасининг қўли тинидан олиб, — кўн ичиб кўйдияг.

Бузрукхўжа маст бўлиб қолганини ўрнидан тураётганда сезди. Оёғи ерда турмас, назарида еру кўк аралаш қуралаш бўлиб чирпирак бўлиб айланиб кетгандек бўлди.

— Мени маҳкам ушла, — дея шивирлади акасига.

Тўй эгаларининг, базм энди қизиб келяпти, яна би нафас ўтиринглар, дея ёлборишларига ҳам қарамай, ака ука бир-бирларини суяб ташқарига чиқиб кетишди. Бузрукхўжанинг шу қўли қадоқ, меҳнаткаш акасига ш пайтда меҳрибонлик қилгиси, кўнглини кўтарадиган бирон гап айтгиси келиб қолди. Аммо тошиб турган мезрини ифодалай оладиган зарур сўзларни тополмай:

— Сен... яхшисан! — деб маҳкам қучоқлаб олди, — се жуда... яхшисан!

— Қўйвор, уят бўлади, — беозоргина силтанди Сулаймонхўжа.

— Сен яхши акамсан.

Бузрукхўжанинг қалбида ўзи ҳам англаб етмаган, номини ҳам билмайдиган ғалати ҳислар туғён ура бошлаган эди. Гоҳ хандон отиб кулгиси келар, гоҳ ўтириб оли йиғласам дер, гоҳо тишларини синдиргудек ғижирлати катта муштини ҳавода ўйнатиб кимнидир муштлагандек бўлар эди. Остонадан ўтиши билан истиқболига чиқи келаётган онаизорини маҳкам қучоқлаб олди:

— Аяжоним, меҳрибоним.

— Вой, арслоним, нега йиғлайсан? — қўрқиб сўрал Зиёдабиби ая.

— Мен... мен маст бўлиб қолдим.

— Ҳечқиси йўқ, ўртоғингнинг тўйида ўйнаб-кулм санг, қачон ўйнаб-куласан!

— Аяжон... дайди ўғлинигизни кечиринг, гуноҳкорма Қариганларингда дадам билан сизга суянчиқ бўлолдим. Хизматларингизни қилолмаяпман.

— Ундай дема, паҳлавоним. Худога шукур, элу юрининг хизматини қилиб юрибсан. Даданг икковимизни орзумиз ҳам шу эди... Уғлимиз элнинг дуосини олармика девдик...

XV

ҚАМОҚХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

«Наҳотки, мени Бузрукхўжа ревком номидан алдаб бўлса? — йиғламоқдан бери бўлиб ўйлар эди Шакархон. Наҳотки алданган бўлсам. Урунов, сенинг кўзи

хунук эди. Ошимни еб, ақчамни сарфлаб юрүвдинг, түзим кўр қилгур бошимга етдингми-а? Сирларнинг очилиб қолишидан кўрқдингми, инглиз айғоқчилари билан алоқада эканлигингни айтиб кўйишимдан кўчдингми? Айтмоқчи эмас эдим. Сир ўзим билан қабрга кетиши мумкин эди. Энди айтаман, одил суд куни ҳаммасини очиб ташлайман. Иншоолло, ипидан игнасигача айтиб бераман... Э худо, ҳамма азоблардан алданиш азоби ёмон экан-ку, ёниб кетяпман, ёшиб!»

Зиндоннинг нариги бурчагида ориқ тиззаларини қучиб Пир муршид ўтирибди. Неки бўлса ҳаммаси худодан деб яратганга тавалло қиляпти.

Зокир кўрбоши бир жойда ўтиролмаиди. Гоҳ Эшон ҳазратларига, гоҳ Шакархонга талпиниб саволга тутади. Берган жавобларидан кўнгли тўлмай, жаҳли чиқади-да, икковларининг ўртасида нари бориб, бери келади. «Бир неча соатдан кейин икковнинг ҳам ўласан,— тишларини фижирлатади кўрбоши.— Ҳамма иш битиши билан ташқаридан хабар беришади. Зиндон қопқоғини уч бор тепишса бас, икковингни ҳам бўғаман. Икковнинг ҳам хонсан. Хоннинг жазоси ўлим, ўлим!»

Кўрбоши зах ерга чордана қурган Шакархоннинг қаршисига бориб ёқасидан олди-да, тортиб турғизди:

— Нега бойлигингни большевикларга бердинг деяпман?

— Қўлигини ол.

— Гапир!

— Қўлигини ол, нонтепки!

— Ким нонтепки?

— Тузимни ичпб, тузлуғимга биринчи бўлиб сен турдинг. Маҳкамдамда мени калтаклаганинг эсингдан чиқдими, яна менинг бойлигимдан умидвор бўлдингми?

— Бўғаман ҳозир.

— Бўғсанг бўға қол, қонхўр.

— Большевиклардан ҳимоя кутибсан-да, икки юзламанчи?

— Ҳа, ҳимоя кутдим.

— Бари бир, қамоққа ташлашибди-ку!

— Сенинг одамларинг қилди бу ишни, понкўр! Урувнинг иши бу. Судда ҳаммаини шарманда қиламан. Афгондан олган қуролларингни мен биламан, инглиз айғоқчилари бурнингдан ип ўтказиб олганини Шакархон билади!

— Оғзингни юм! — Зокир хирсдек кучли бир йиғит эмасми, Шакархонни жаҳл билан итариб юборган эди,



боши бориб деворга урилдию, «нимм» деб қўйди. Суд деган сўз қўрбоши қалбидаги ғазабни алангалатиб юборгандек эди. Бир сакраб нариги бурчакда бўрининг қаршида қолган кўзичоқдек дир-дир қалтираб ўтирган Пири муршиднинг елкасига чаңгал солиб, ўршдан турғазди, қичқириб юборди:

— Қари эшшак, нега мени сотдинг?

— Сени мендан олдинроқ худонинг ўзи уриб қўйган экан,— бепарвогина жавоб қайтарди Пири муршид.

— Нега устимга қўшин бошлаб бординг?

— Рафлатда ётганининг жазоси шу!

— Пир эмас, эшшак экансан!

— Сен эса, тўнғиз эдинг. Худо хоҳласа тўнғиз қавмида кетасан. Сенга на жаноза буюради, на кафанлик... Қўлниги ол, харом қилдинг кийимимни, наҳс босган!

— Мендан ўша худосизларни афзал кўрибсан-да, қармай ўлгур?

— Худосиз деб сени айтадилар. Сен масжидга ўт қўйддинг. Улар бўлса маблағ бериб, таъмир қилдирдилар. Кофир сенинг ўзингсан!

— Сеням бўғаман ҳозир сотқин!..

Қўрбоши Пири муршиднинг ёқасидан қўлини олиб нари кетди. «Ё бўға бошласаммикан?— деб сўради ўзидан.— Йўқ, ҳали эрта, ишни бузиб қўйман. Агар ташқаридаги режалар амалга ошмаган бўлса, эрталаб уларнинг ўлигини кўришгач, иш тескарисига айланиб кетади. Хабар беришларини кутшим керак. Қопқоқ уч марта тепилади, уч марта».

Пири муршид кўзлари хира бўлиб қолган эмасми, йиқилиб тушмаслик учун деворни пайпаслаб Шакархонининг ёнига ўтди. Нонбининг боши ёрилган экан, қонаётган жойига авра чопонларининг ўнгирини босиб ёнгинасига ўтирди:

— Бир нафас тиззамга бош қўйинг, нонб жанобларин,— дея меҳрибонлик кўрсата бошлади.— Ҳозир дуо ўқийман, қон тўхтайдди. Лекин хафа бўлмаслилар, бу тўнғизнинг жазосини эгамнинг ўзи беради... Аузибиллоҳим минашшайтону-ражим...

Эшон ҳазратлари, негадир дуоин афсул эмас, паст овозда тиловат ўқий бошладилар. Абаднотгами, илоҳийликками ишора қилувчи, ғамгин, айни пайтда ҳам юракни титратиб, ҳам ором бахшида қилувчи оҳанглар зиндон тубини қоплаб борарди... «Ўзига-ўзи жаноза ўқияпти, сотқин,— ёнжиниб қўйди Зокир қўрбоши,— тезроқ, тезроқ хабар бера қолишсайди. Қалбимдаги қасос руҳи сўнмас-

дан туриб икковини ҳам тезроқ саранжом қилган бўлардим. Қон ичгим келяпти, қон!»

Тиловат тугагач:

— Ана, худо хоҳласа қон ҳам тўхтади!— деб шивирлади Пири муршид.— Сезяпсизми?

— Раҳмат, Пирим,— хўрсинди ҳолсизланиб қолган ноиб.

— Шакархон жақоблари?

— Лаббай, Пирим?

— Сиз кўп куюнаверманг. Худо хоҳласа эртадан қолдирмай большевикларининг Пири, аллома Лениннинг номига арзнома битамиз. Мулла Бузрук унинг мактубини менга ўқиб берган. Ўз ихтиёрлари билан Инқилоб томонга ўтганларнинг ҳаёти даҳлсиз деб битилган ўша мактубда. Худо хоҳласа биз ҳам даҳлсизмиз...

Зиндоннинг қопқоғи кетма-кет гупиллай бошлади. Зинада қулоғини динг қилиб ўтирган қўрбоши сакраб ўрнидан туриб кетди. Бир ҳатлаб ноибнинг бошига келди-да, босиб, кўкрагига миниб олгач икки қўллаб бўға бошлади.

— Ҳой, тўнғиз, қўлингни ол, ноибнинг нафаси қайтиб қолади,— бақириб юборди Пири муршид.— Ол деяпман! Ҳой мусулмонлар, ким бор?

Қўрбошини итариб ташламоқчи бўлди, худди қоядек оғир экан, қимирлатиб бўлмайти. Нимжон қўллари билан торта бошлади, яна бўлмади. Оёқларини силкитаётган ноиб бўғизланган қўйдек хириллай-хириллай ниҳоят, жим бўлиб, боши бир томонга оғиб тушди. Жон таслим қилган эди у.

— Энди навбат сеники, сотқин!— сакраб ўрнидан туриб кетди қўрбоши.

— Тўхта, тўнғиз, ниятинг ёмонга ўхшайди, калима ўгириб олай,— зиндоннинг нариги бурчагига қараб қоча бошлади Пири муршид.

— Калимани... нариги дунёда ўқийсан!

Қўрбоши Эшон ҳазратларининг орқа тарафидан бориб бир қўлини огизларига босиб, бошқаси билан кекиртагидан сиққанча, «ана шундай, ана шундай бўғаман сен, сотқинини!» дея тишларини ғижирлата бошлади. Пири муршид қувватдан кетиб адоий тамом бўлиб қолган экан, ожиз-ожиз бир-икки бор силкинди-да, тик турганларича, дорул бақога рихлат қилди. Зокир калла ҳали совиб битмаган, этининг у ер-бу ери учиб турган икки мурдани ёнбош ётқизиб:

— Ана шундай, ана шундай!— дея пичирлаганича...

надан юқорига кўтарила бошлади. Келишиб олганларидек, зиндон қопқоғини ич томонидан уч бор тақиллатди. Ёғоч қопқоқ кўтарилиб, телпакли бош кўрниди:

— Битдимми?

— Худо хоҳласа... битди!— кўтарила бошлади қўрбоши.— Отлар қасрда?

— Орқамдан юринг,— олдига тушиб йўл бошлади телпакли киши...

АФСОНАНИНГ ДАВОМИ

Уч кундан буён шариллатиб ёмғир ёғяпти. Одим жойда ҳалқоб — ёмғир чучвара тугади. Қўчалар тиззадан лой, одам кўрнмайди. Томлардан чакка ўтиб, коса-товоқларни зум ўтмай тўлдириб турибди. Эркаклар уйга сизмай қолган, Пандигон чойхонаси яна гавжум. Тенгтенги билан давра қурган. Бирида қувноқ суҳбат, бирида ғамгин шивирлашлар... Кимнингдир кўзида қувонч порлайди, кимнингдир юзиде ташвиш ўрмалаб юргандек.

Атлас кўрпачада чордана қурган йиғит секин сўрайди:

— Эшитдингизми, Бой бува?

— Нимани?

— Сардори аъзам яна аскар тўплаётган эмиш.

— Оғзингга новвот-ей!

— Жўнасамми, деб турибман.

— Жўнасанг отга ўзим миндираман.

Хў наридаги даврада гапга чечан яна бир йиғит ҳамман оғзига қаратиб олган:

— Хуллас, жўралар, Риштон биқирлаб қайнаб турибди.

— Хайрият, оёғингни куйдириб олмабсан.

— Гап қўшмай тур... мулла Зариф акамиз жуфтанин ростлаб қолганмишлар.

— Ие, қочибдимми?

— Қочибди дейишяпти.

— Нега қочади?

— Уни ўзидан сўрайсан... Қўқондан тафтишчилар келганмиш. Бурни катта Уруновни сўроқ қилншаётганмиш...

— Бузрукка гап тегмабдимн ишқилиб?

— Ҳозирча тинчга ўхшайди.

— Лекин шу ўртоғим тўйга чакки келди-да. Келмаганда ўша оқшом Риштонда бунақа ғалвалар бўлмасмиди.

— Қизиқсан-а, пандигонли бўла туриб тўйга келмасан қандоқ чидайдми?

Чўлоқ чойхоначининг чойи ҳеч адо бўлмаганидек, миш-мишларнинг ҳам кети ҳеч тугамайди, етти хуфтон маҳалигача давом этади, ваҳимали миш-чишлар бора-бора афсонага уланиб кетади. Кимдир чакалакзорда алвастининг бувисили кўрибди, сап-сарик сочларини тараб ўтирганмиш, кимдир, кеча пешини маҳалида, Хўжаи Хизр бобони кўрибди, энди сўрашаман деб қўл узатмоқчи бўлган экан кўздан йўқ бўлиб қолибди, кейин билса таҳорати йўқ экан...

Ташқарида ёмғир тиниб, осмон ҳам очилиб кетган. Юлдузлар қум билан шиқалаб ювгандек чарақлаб турибди. Дашт кўчадан ашула айтиб Армон бува тушиб кел-япти. Ниҳоят, узоқ олишувдан сўнг маккор Иблисни енгиб, қопга солиб олган. Хўжа боёо мазорига кўмгани кет-япти:

— Мен Армонман, Армонман,
Кўриб қўйинг, Полсонман.
Енгдим, мана Иблисни,
Рангсиз, нурсиз, беисни.
Қабрни чуқур очиб,
Тупроқни мўлроқ сочиб,
Устига тешиб кўмай,
Тош билан ёпиб кўмай...

Армон бува қабристонга эндигина қадам қўйган ҳам
•дики, орқасидан:

— Ҳе-ҳе-ҳе, Ҳа-ҳа-ҳа!— деган овоз эшитилди. Угири-
либ қаради-ю, ҳангу манг бўлиб қолди. Иблис қопнинг
•ида эмас, ташқарида, ўн одимча нарида қора соқолини
•илкитиб, сўйлоқ тишларини таккиллашиб кулар эди.

— Қопни тешиб чиқибсан-да, Иблис?

— Тешиб чиқдим, Армон чол.

— Яна бўғаман ҳозир!

— Кўрамиз, ким кимни бўғар экан.

Икковлари енг шимариб яна курашга тушиб кета-
дилар.

МУАЛЛИФДАН:

Ушбу асар устида ишлаётганимда ўз хотиралари билан ўртоқлашиб, кун сайин узоқлашиб бораётган суронли йилларнинг гоҳ қувончли, гоҳ аянчли манзараларини кўз ўнгимда жонлантириб берган пандигонлик Зулфиқор бобо Ҳамроқулов, Набижон бобо Юсупов, Зикриё бобо Раҳмонов, Ўринбой бобо Мирзаевларга чин кўнглимдан қайта-қайта раҳматлар айтиб, қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан.

МУНДАРИЖА

| | | |
|---|----------|-----|
| | I-қисм | |
| Омадсиз кунлар | | 5 |
| | II-қисм | |
| Пандигоннинг тамгин оқшомлари | | 89 |
| | III-қисм | |
| Бўронли кечалар | | 169 |
| | IV-қисм | |
| Навбахор палласи | | 279 |



На узбекском языке

ХУДАЙБЕРДИ ТУХТАБАЕВ

ГОДЫ И ДОРОГИ [Заря над Какандом]

Роман

Реданктор М. Раҳмонов

Рассом А. Мамажонов

Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 1268

Теришга берилди 8.07.1983 й. Босишга рухсат этилди 11.10.1983 й. Формати 84×108¹/₃₂ Р—08195.
3-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 11,5. Шартли босма листи 19,32. Нашр листи 21,22. Тиражи 60000. Буюртма № 1514. Баҳоси 1 с. 30 т. (20.000 нускаси—силлиқ муқовада, баҳоси 1 с 40 т.). Шартнома № 65—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, ГСП, Тошкент, «Правда Востока», 26.

Г с. 30 т

